



ҲОЗИР БИЗ, БАХТЛИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИГАНИМИЗ
ДАВЛАТНИ ХАЁЛАН (КУЛОЛ КАБИ) ЯСАМОҚДАМИЗ,
АММО БУ ДАВЛАТНИНГ АЙРИМ ҚИСМИДА ЭМАС,
ЯНА УНДА ФАҚАТ КИМЛАРГИНАДИР ЭМАС, БАЛКИ
БУТУН ДАВЛАТДА ҲАММА БАХТЛИ БЎЛИШИНИ
ХОҲЛАЙМИЗ.



0+
A 89

АФЛОТУН

120151



ДАВЛАТ

(Сукрот, Главкон, Полемарх,
Фрасимах, Адимант, Кефал)




ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2015
V



УЎК: 94:001-84

КБК: 87

А – 89

Афлотун

Давлат: насрий дoston / Афлотун. Таржимон Урфон Отажон.
Масъул муҳаррир Шомуҳиддин Мансуров. – Тошкент: Янги аср
авлоди, 2015. – 464 б.

ISBN 978-9943-27-416-7

Қадимги даврларда давлатни бошқариш, саркардалар билан иш-
лаш, уларнинг жанговар тайёргарлигини синовдан ўтказиш мақсадида
кўплаб тадбирлар ўтказилгани бизга тарихдан маълум. Мана шу каби
хусусиятлар инobatга олинган ҳолда ушбу китобга давлатни бошқа-
риш анъаналари, халқ ва давлат ўртасидаги муносабатлар мажмуи ки-
ритилган. Айниқса, аскарларни бошқариш, жанговар тактика бораси-
даги фойдали маълумотлар ҳам китобдан ўрин олган.

УЎК: 94:001-84

КБК: 87

Таржимон:
Урфон Отажон

Масъул муҳаррир:
Шомуҳиддин Мансуров

ISBN 978-9943-27-416-7

© Афлотун, «Давлат». «Янги аср авлоди», 2015 й.

БИРИНЧИ КИТОБ

[Сукрот]. Кеча мен Аристоннинг ўгли Главкон билан биргаликда маъбудага сиғиниш учун Пирейга бордим, бундан ташқари маъбуданинг байрамини қандай ўтказаетганликларини ҳам кўрмоқчи эдим – бу, ахир, биринчи марта ўтказилмоқда-да. Менимча, ерли аҳолининг тантанавор юриши жуда гўзал бўлди, аммо фракцияликларнинг юришлари ҳам ундан қолишмайди. Биз ибодат қилдик, мириқиб томоша қилдик, сўнг шаҳарга қайтдик.

Кефалнинг ўгли Полемарх уйга қайтаётганимизни узоқдан кўриб, ўз хизматкорига бизга етиб олиб, кутиб туришимизни илтимос қилишни буюрибди. Хизматкор орқамдан устимдаги қабога қўл теккизиб, бундай деди:

– Полемарх уни кутиб туришингизни сўрамоқда.

Мен ўтирилдим-да, у қаерда, деб сўрадим.

– Ана у, келмоқда, илтимос, кутиб туринг.

– Майли, кутамиз, – деди Главкон.

Бир оз вақт ўтгач Полемарх ҳам етиб келди, у билан Главконнинг укаси Адимант, Никийнинг ўгли Никерат ва яна бир неча одам бирга бўлиб, улар ҳам, афтидан, тантанали юришдан қайтишаётганга ўхшайди. Полемарх бундай деди:

– Сукрот, шаҳарга шошилаяпсизлар шекилли.

– Фаҳминг яхши, – дедим мен.

– Бу ерда биз неча киши эканлигимизни кўрмаяпсанми?

– Кўрмай бўладими?

– Демак, сизлар бизларни ё енгиб ўтасизлар, ёки биз билан қоласизлар.

– Бошқа бир йўли, яъни бизни қўйиб юборишга сизларни кўндириш йўли йўқми?

– Қулоқ солиб ҳам ўтирмайдиганларни кўндириб бўлармиди?

– Асло, – деди Главкон.

– Билиб қўйингки, биз сизларга қулоқ солиб ўтирмаймиз.

Адимант қўшиб қўйди:

– Маъбуда шарафига кечки пайт машъалалар кўтарган отлиқлар юриши бўлишини билмайсизми?

– Отлиқлар юриши? – сўрадим мен. – Бу янгилик-ку. Чавандозликда машъалаларни қўлдан-қўлга берадиларми? Сени тўғри тушундимми?

– Ҳа, шундай, – деди Полемарх, – бунинг устига тунги тантаналар ўтказилади, уларни кўрса арзийди. Кечки овқатдан кейин байрамни томоша қилгани борамиз, у ерда кўпгина ёшларни учратиш ва улар билан суҳбатлашиш мумкин бўлади. Йўқ демай қолақолинглар, илтимос.

b Главкон жавоб берди:

– Қолишга тўғри келади.

– Сен рози бўлганингдан кейин, – дедим мен, – шундай қиламиз.

Биз Полемархнинг уйига бордик ва у ерда унинг биродарлари Лисий ва Евтидемни ҳамда халкедонлик Фрасимахни, пэанлик Хармантид ва Аристонимнинг ўгли Клитофонтни учратдик. Полемархнинг отаси Кефал ҳам уйда экан – у менга жуда кексайиб қолгандек кўринди: мен уни кўрганимга анча бўлди-да. У ўриндиқда така устида, бошида гулчамбар билан ўтирарди, чунки у ҳозиргина уйининг ичкари ҳовлисида қурбонлик қилган эди. Биз унинг яқинига ўтирдик – у ерда турли юмшоқ ором курсилар бор эди.

Мени Кефал бундай сўзлар билан қарши олди:

– Сен Сукрот бизнинг Пирейда тез-тез меҳмон бўлмайсан. Яхши эмас. Агар мен аввалгидай шаҳарга осонгина бора олганимда, сенинг бу ерга келишингга ҳожат бўлмасди – биз ўзимиз сенинг ҳузурингга борардик; аммо энди сен бу ерга тез-тез келиб туришинг керак: сени ишонтириб айтаманки, менда жисм билан боғлиқ ҳузур қанчалар сўнган бўлса, суҳбатлар ва суҳбат билан боғлиқ ҳузур шу қадар ортди. Ушбу йигитлар билан суҳбат қуришдан ўзингни тортма ва бизнинг ҳузуримизга келиб тур, биз сен билан дўст ва яқин танишимиз-ку.

– Шундай, Кефал, – дедим мен, – кекса одамлар билан суҳбатлашиш менга хуш ёқади. Улар, балки биз ҳам босиб ўтишимиз лозим бўлган йўлда биздан илгарилаб кетганлар, бу йўл – мушкул ва огир ёки қулай ва енгил эканлигини биз улардан сўраб олишимиз зарур. Шундай улут ёшда, шоирлар таъбири билан айтганда, «кексалик остонасида» турган айниқса сендан, бу ҳаёт сенга ортиқча юкми, сўраб билмоқчи эдим. Ёки сенга бошқача туюладими?

– Сукрот, – жавоб берди Кефал, – Зевсга қасамки, менга қандай туюлса, шуни айтаман. Қадимги мақолга риоя қилиб, менинг ёшимга яқин одамлар тез-тез учрашиб турамиз. Биз йиғилганимизда, кўпчилигимиз ёшлиқда бўлган ҳузурлар – севги кўнгилахушликлари, шаробхўрликлар, базмлар ва шунга ўхшашларни эслаб, гўёки бу бизга буюк йўқотишдай афсусланадилар: у пайтлар ҳаёт – ҳаёт эди, энди бу ҳаётми, деб. Баъзи қариялар, ўзларини хўрлаётган қариндошларидан зорланадилар ва қарилек уларга беҳисоб кўп балолар келтиргани ҳақидаги дод-вой қўшигини чўзадилар. Менимча, Сукрот, улар бекорга қарилекни айблайдилар: қариб қолганим учун мен ҳам, менга тенгдош барча бошқалар ҳам, агар бу (қарилек) сабаб бўлганида, худди шуни бошимдан ўтказардим. Аммо мен бундай ҳолга тушмаган чолларни кўп

d

e

329

c

кўрганман; масалан, шоир Софоклга менинг ҳузуримда қуйидаги савол берилганди:

«Севги кўнгилхушлиқларига, Софокл, қандай муносабатдасан? Сен ҳали ҳам аёл билан бирга бўла оласанми?»

«Сен нималар деяпсан ўзи, – жавоб берди у. – Бебош ва шафқатсиз хожасидан қул қандай қочса, мен ҳам ундан шундай қувонч билан қочдим-ку».

Софоклнинг жавоби ўшанда ҳам менга яхши туюлганди, ҳозир ҳам ўшандай ёқади. Зеро, киши кексалиқда бу нарсаларнинг ҳаммасидан қутулади ва фароғатда бўлади; майл, ҳавасларнинг ҳукми сусаяди ва тугайди, ҳар борада Софоклдаги каби ҳис-туйғу, яъни жунбишга келган кўпгина ҳукмдорлардан қутулиш ҳисси пайдо бўлади. Сукрот бундан (яъни бу йўқотишлардан. – *Тарж.*) хафа бўлиш ва уйдаги нохушлиқларнинг ҳам сабаби битта – кексалик эмас, балки одамнинг хусусиятидир. Тартибли ҳаёт кечирган ва хушфёъл бўлган кишиларда, кексалик ҳам унчалик оғир бўлмайди. Кимда-ким, Сукрот, бундай бўлмаган эса, унинг учун кексалик ҳам, ёшлик ҳам оғир бўлади.

Бу сўзлардан ҳайратланиб ва уни суҳбатга янада тортиш учун бундай дедим:

– Ўйлайманки Кефал, сен одамларга бу гални айтсанг, улар сенга қўшилмайдилар; улар, сен бундай рафторли одам бўлганинг учун эмас, балки бадавлат бўлганинг учун кексалиқни бунчалик енгил кечирмоқдасан, деб ўйлайдилар. Улар, бойларда кексалиқни безайдиган имконият бор, деб ҳисоблайдилар.

– Сен ҳақсан, – деди Кефал, – улар бунга қўшилмайдилар ва эътироз билдиришга уриниб кўрадилар. Аммо уларнинг далиллари унча салмоқли эмас, Фемистокл ўз шуҳратига ўзи туфайли эмас, балки шаҳри туфайли эришган, деб ҳақоратлаган бир серифияликка Фемистоклнинг берган жавоби жуда яхши бўлган: «Тўғри, агар мен серифиялик бўлганимда машҳур бўлолмасдим, аммо сен, ҳатто, афи-

налик бўлаганинга ҳам шуҳрат қозонмасдинг». Қарилик юк бўлиб тушган бой бўлмаган баъзи одамларга ҳам худди шундай жавоб берса бўлади: хушфеъл, аммо камбағал одам учун ҳам камбағалликда кексаликни ўтказиш енгил, аммо бадфеъл одам учун, у қанчалик бой бўлмасин кексалик доим оғир кечади.

– Кефал, – дедим мен, – ўзинг эга бўлган бойликнинг кўп қисми сенга мерос қолганми ёки унга ўзинг эришганмисан?

– Мен қандай ҳам эришардим, Сукрот! Тадбиркор сифатида мен бобом ва отамнинг оралигидаман. Менинг бобомга – мени қандай аташса, уни ҳам шундай аташарди – ҳозир менда қанча бойлик бўлса, шунча бойлик мерос қолган, аммо у ўз мулкани бир неча баробар кўпайтирди, менинг отам Лисаний эса бу мулкни ҳозир менда бор бўлаганига қараганда камроқ миқдорга келтириб қўйди. Агар мен, менга теккан меросдан озгина бўлса ҳам кўпроқ меросни мана буларга қолдирсам, хотиржам бўлардим.

– Мен шунинг учун сўрадимки, – дедим мен, – сенда мол-мулкка бўлган ҳарислик кучлилигини сезмадим: бундай ҳолат, одатда, бойликни ўзи топмаган одамларда бўлади. Ўзлари бойлик орттирганлар бойликни икки баробар кўпроқ қадрлайдилар. Шоирлар ўз асарларини, оталар эса – ўз болаларини қандай яхши кўрсалар, бойиб кетган одамлар ҳам пулга шундай меҳр билан қарайдилар – бошқа одамлар каби эҳтиёж даражасида эмас, балки, гўё ўзлари яратгандай кўрадилар. Бундай одамлар билан мулоқотда бўлиш қийин: бойликдан бошқа ҳеч нарса уларга ёқмайди.

– Сен ҳақсан.

– Албатта, яна ушбуни менга айтчи: кўп мулкка эга бўлишдан келадиган энг катта неъмат нимадан иборат?

Адолат ҳақидаги масала муҳокамаси – Айтиш керакки, – деди Кефал, – менинг сўзларимга кўпчилик ишонмайди. Биласанми, Сукрот, кимки ўлим ҳақида ўйласа, у одам даҳшатга тушади ва аввал ҳеч ҳам хаёлига келмаган фикрлар оғушида қолади. Агар у шу пайтгача Аид ҳақидаги ривоятлардан – яъни ким бу дунёда адолатсиз иш қилган бўлса, у ерда жазоланишидан – кулган бўлса, унда, агар бу ҳақиқат бўлса, у ҳолда нима бўлади, деган савол унинг дилини жунбишга келтиради. Унинг ўзи ҳам – кексалик ожизликлариданми ёки у дунёга яқинлашиб қолганиданми – қандайдир оқилроқ бўлиб қолади.

331

Энди уни гумонлар ва хавотирлар исканжага олади, кимнидир хафа қилиб қўймадиммикан, деб у ташвишланади. Кимки ўз ҳаётида кўп адолатсиз ишлар қилганини билса, худди бирданига уйқудан уйғотиб юборилган боладек қўрқиб кетади ва келгусида фақат ёмонликларни кутади. Кимки адолатсиз ишлар қилмаганлигини билса, унга бир хушҳол умид, Пиндар айтганидек, «кексалик энагаси» ҳамроҳ бўлади. Сукрот, кимки ҳалол ва художўйлик, тақводорлик билан умр ўтказган бўлса, унга

*Кексалик энагаси,
Қалбни эркаловчи лаззатли умид ҳамроҳ бўлади;
Бандаларнинг ўзгарувчан ниятларини
Ҳаммасидан кўпроқ бошқаради, –*

деб у (Пиндар) аъло даражада яхши айтган.

б

Бунга мен ушбуни қўшиб айтаманки, давлатманд бўлиш – бу, албатта, жуда ҳам яхши, аммо ҳар ким учун эмас, балки фақат виждонли одам учун яхшидир.

Майли кимнидир беихтиёр алдаганингдан, кимгадир ёлгон сўзлаганингдан ёки худога қандайдир қурбонлик қилишдан ёхуд инсонга пул қарз бўлиб қолганингдан хавфсирамай бу дунёдан у дунёга ўтиш, буларнинг ҳаммасида давлатманд бўлишнинг аҳамияти каттадир. Бошқа кўп нарсаларга ҳам бойлик зарур, аммо, Суқрот, бирини бошқаси билан таққослаб туриб ўйлайманки, буларнинг ҳаммасида ақли бор одам учун бойлик арзимаган нарса эмас ва унга у (бойлик) жуда асқатади.

– Ажойиб сўзлар, Кефал, аммо адолатнинг ўзи борасида: уни биз оддий ҳалолик (виждонлилик) ва қарзга олинганни бериш, деб ҳисоблашимиз керакми ёки бир амал (ҳаракат)нинг ўзи баъзан адолатли, баъзан эса адолатсизлик бўладими? Мен ушбу мисолни келтираман: агар кимдир ўз дўстидан унинг ақли расо бўлган пайтида қурол олган бўлса-ю, кейин қурол эгаси ақлдан озса-да уни қайтариб беришни талаб қилса ва олган одам қуролни қайтариб берса, бу ҳолда ҳар ким ҳам, бериш керак эмас ва бундай одамга қуролни берган ёки бор ҳақиқатни айтиш ниятида бўлган одам адолатсиз одам, дер эди.

– Бу тўғри.

– Бундан маълум бўладики: ҳақиқатни гапириш ва олган нарсасини қайтариб бериш адолатни белгиламайди.

– Йўқ Суқрот, – эътироз билдирди Полемарх, – агар Симонидга сал бўлса-да ишониб, худди шунинг ўзи белгилайди.

– Аммо, – деди Кефал, – суҳбатни ўзларингиз давом эттирасизлар, менинг ибодат қиладиган вақтим бўлиб қолди.

– Демак, – дедим мен, – Полемарх сенинг ворисинг бўлиб қоладими?

– Албатта, – жавоб берди Кефал табассум билан ва шу заҳоти ибодат қилиш учун чиқиб кетди.

Ҳар кимга ўзига муноси- бини бериш – адолатдан эканлиги ҳақида – Бизнинг суҳбатимизда Кефалнинг вориси, айтчи, – Полемархга му- рожаат қилдим, – Симо- ниднинг адолат ҳақидаги қайси сўзларини тўғри деб ҳисоб- лайсан?

– Ҳар кимга ўзига муносибини бериш адолатдан эканли- гини. Буни у жуда ажойиб айтгандек туюлади менга.

– Албатта, Симонидга ишонмаслик осон иш эмас – у донишманд ва илоҳий бир инсондир! Унинг сўзларининг маъноси сенга тушунарли бўлса керак, Полемарх, аммо мен идрок этолмаяпман. Шуниси аниқки, Симониднинг сўзлари, биз ҳозиргина эслаганимиз, яъни бизга вақтинча фойдаланиб туришга берилган ҳамма нарсани, гарчи биз фойдаланган нарсани у берган бўлса-да, эгасининг талаби бўйича, ҳатто, у ақлдан озган бўлса ҳам, гўё қайтариб бериш кераклиги ҳақида эслаганимиз борасида бораётгани йўқ. Шундай эмасми?

– Ҳа.

– Аммо ақлдан озган одам буни талаб қилса, асло бер- маслик керак-ку!

– Бу айни ҳақиқат.

– Демак, Симониднинг ҳар кимга ўзига муносибини бе- риш адолатдир, деб айтган сўзларида бошқа маъно борга ўхшайди.

– Зевс билан қасам ичаман, албатта бошқа. У, дўстлар- нинг бурчи ўз дўстларига фақат яхшилик қилиш ва уларга ҳеч қандай ёмонлик қилмасликдадир, деб ҳисоблайди.

– Тушунаман, – дедим мен. – Агар қайтариб бериш ҳам, қабул қилиш ҳам зарар келтирса, (у ҳолда) кимки пулни қайтариб берса, у муносиб нарсани эмас, бошқа нарсани берган бўлади, гарчи бу иш дўстлар орасида содир бўлса ҳам. Симонид шунинг ҳақида гапирмаётганмикан?

– Албатта, шунинг ҳақида.



– Агар тўғри келиб қолса, душманларга ўзига муносибни бериш керакми?

– Албатта, улар нимага лойиқ бўлсалар, шуни бериш керак. Менимча, душман ўз душманига тегишли ажрини бериши керак, яъни қандайдир бало, офат келтириши, ёмонлик қилиши зарур.

– Маълум бўладики, адолат деган нарсага Симонид фақатгина шоирона тушунча берган ва унга, менимча, ҳар кимга тегишлисини бериш адолатли бўлур эди, деган маънони сингдирган ҳамда буни у муносиби деб атаган.

– Сенингча қандай?

– Зевс билан қасам ичаман, агар ундан: «Симонид, ҳақиқий деб ҳисобланиши учун ҳақимлик санъати нима ни (албатта, тегишлиси ва тўғри келадиганидан) нимага тайинлаши керак бўлади?» деб сўралса, сенингча, у бизга қандай жавоб берарди?

– Жисмга – дори-дармон, овқат, ичимлик эканлиги равшан.

– Ошпазлик санъатини кўрсатиш учун нимага (тегишли ва тўғри келадиган) нимани бериш керак?

– Таомга – ёқимли таъм.

– Жуда яхши. Бундай санъат адолат номига муносиб бўлиши учун кимга нимани атамоқ керак?

– Суқрот, агар олдинги айтилганларга риоя қилинса, у ҳолда бу дўстларга фойда, душманларга зарар келтириш санъати бўлиши зарур.

– Демак, дўстларга яхшилик ва душманларга ёмонлик қилишни Симонид адолат деб ҳисоблайдими?

– Менимча, шундай.

– Касаликлар ва соғломлик ҳолатига келсак, ким ўз дўстларига яхшилик ва душманларига – ёмонлик қилишга кўпроқ қодир?

– Шифокор.

– Денгизда сузиш хавф-хатарлари орасида денгизчиларгачи?

– Дарға.

с

d

e

– Адолатли киши билан иш қандай бўлади? Қандай хатти-ҳаракатлар билан ва қайси соҳада у дўстларга фойда ва душманларга зарар келтиришга қодир бўлади?

– Урушда, менимча, жанг қилишга ёрдам бериб.

– Жуда яхши. Аммо, азизим Полемарх, ким касал бўлмаса, унга шифокор керак эмас.

– Тўғри.

– Кимки кемада сузмаётган бўлса, унга дарға керак эмас.

– Ҳа.

– Демак, кимларки урушмаётган бўлсалар, бундайларга адолатли одам ҳам керак эмас, шундайми?

– Бу менимча гумонли.

333

– Тинчлик вақтида ҳам адолат керакми?

– Керак.

– Деҳқончилик-чи? Ёки керак эмасми?

– У ҳам керак.

– Ҳосил йиғиш учун-чи?

– Ҳа.

– Этиқдўзлик ҳам керақдир, афтидан?

– Ҳа.

– Бизни пойабзал билан таъминлаш учун, дерсан.

– Албатта.

– Хўш, сенингча тинчлик пайтларида адолат қандай зарурият билан ва нимага эга бўлиш учун керак?

– Суқрот, у ишларни бажаришда керак.

– Ишлар деганда сен нимададир бирга қатнашишни тушунасанми ёки йўқми?

– Айнан биргалиқда қатнашишни.

b

– Шашка ўйинида адолатли одам яхши ва фойдали қатнашчи бўладими ёки шу ўйинини биладиган одамми?

– Ўйинни биладигани.

– Ғишт ёки тош теришда адолатли одам қатнашувчи сифатида қурувчига қараганда фойдалироқ ва яхшироқми?

– Асло.

– Аммо адолатли одамнинг қандай ишларга қатнашиши қурувчи ёки, айтайлик, кифарачи қатнашганидан афзалроқ бўлади? Зеро, кифара чалишда кифарачининг афзаллиги равшан-ку.

– Менга пул ишларида афзалроқдай туюлади.

– Полемарх, балки пул сарфлашдан ташқари ишлардадир. Зеро, биргаликда от сотиб олиш ёки сотишда, ўйлайманки, яхши чавандоз фойдалироқдир.

– Балки шундайдир.

– Кема олишда – кемасоз ёки дарга, фойдалироқ бўлар.

– Табиий.

– Кумуш ёки олтиндан биргаликда фойдаланишда адолатли одам бошқа одамлардан фойдалироқ бўлган ҳоллар бўладими?

– Бўлади, Сукрот. Уларни сақлаш ёки жамғариш учун берилган пайтда.

– Яъни, сенинг сўзларингга қараганда, улардан фойдаланимай турилгандами?

– Албатта.

– Демак, пул фойдасиз бўлганида адолат фойдали, шундайми?

– Шунақага ўхшайди.

– Ва боғ пиқоқчасини сақлаш учун ижтимоий ҳамда хусусий адолат фойдали, ундан фойдаланиш учун эса боғбоннинг маҳорати талаб қилинадими?

– Шундайдир.

– У ҳолда сен айтасанки, қалқон ва лирани сақлаш керак бўлганида ва улардан фойдаланилмаганида адолат фойдали, фойдаланиш керак бўлганида эса аскар ёки машшоқнинг маҳорати фойдали.

– Албатта, шундай дейман.

– Бошқа барча ҳолларда ҳам шундайми: нимадандир фойдаланилганида адолат фойдали эмас, фойдаланилмаганида эса фойдалими?

– Шундайга ўхшайди.

– Демак, дўстим, фақатгина фойдасизликда фойдали бўладиган адолат – унча муҳим иш эмас экан. Кел, мана

с

d

е

буни кўриб чиқайлик: муштлашиш жанги ёки бошқа жангда ким зарба беришга уста бўлса, ўша одам ўзини зарбалардан сақлашни ҳам билади, тўғрими?

– Албатта.

– Касалликлардан сақланиш қўлидан келадиган одам бошқа одамни билинтирмай касал ҳолатга тушириб қўйишга ҳам қодирми?

– Менимча шундай.

334

– Душман ниятларини била оладиган ва унинг қилмоқчи бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини ола биладиган одам ҳарбий қароргоҳни яхши қўриқлай олади, шундайми?

– Албатта.

– Демак, ким ўғирлашга ҳам уста бўлса, ўша асрашни ҳам қойил қилади.

– Шунақага ўхшайди.

– Демак, агар адолатли одам пулларни сақлашга қодир бўлса, у ҳолда уларни ўғирлашга ҳам қодирдир.

– Бизнинг мулоҳазамиз, ҳар ҳолда, шунга олиб келади.

– Демак, адолатли одам қанақадир ўғри бўлиб чиқади.

б

Сен буни Гомердан ўзлаштириб олган бўлсанг керак: у, Одиссейнинг она томонидан бобоси Автоликни жуда қадрлайди, Автолик эса ўзининг ўғринамолиги ҳамда жодулари билан барча одамлардан устун турарди, дейди. Шундай қилиб, сенингча ҳам, Гомер бўйича ҳам, Симоид бўйича ҳам адолат – ўғриликка оид қанақадир нарса бўлиб, у дўстларнинг фойдасига ва душманларнинг зарарига йўналган. Ё сен шундай демадингми?

– Зевс билан онт ичаман, бундай демадим. Тўғриси, нима деганимни ўзим ҳам билмайман. Аммо дўстларга фойда келтириш ва душманларга зарар қилиш – адолат бўлади, деган гапни мен ҳозир ҳам тасдиқлайман.

с

– Сенингча, кимлар дўстлар бўладилар: яхши одам бўлиб туюлганларми ёки, гарчи бундай бўлиб туюлмаган бўлса-да, фақат дарҳақиқат шундай одамларнинг ўзлари, холосми? Душманлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

– Табиийки, кимни яхши одам деб ҳисобласанг, ўша билан қадрдон дўст бўлиш ва ёмон одамларни ёмон кўриш, лозим.

– Аммо одамлар бу борада адашмайдиларми? Кўп одамлар, аслида ундай бўлмасалар-да бизга яхши бўлиб кўринадилар ва аксинча.

– Ҳа, адашадилар.

– Демак, яхши одамлар уларга душман, ёмонлари эса – дўстми?

– Шундай ҳам бўлади.

– У ҳолда, ёмон одамларга фойда келтириш, яхшиларига эса зарар келтириш адолатдан бўладими?

– Шундай бўлиб чиқмоқда.

– Аммо айтиш керакки, яхши одамлар адолатлидирлар, улар адолатсиз ишлар қилолмайдилар.

– Бу айтиш ҳақиқат.

– Сенинг ўзингнинг сўзларингга кўра, адолатсизлик қилмайдиганларга ёмонлик қилиш адолатдан бўлар эди.

– Ҳеч ҳам, асло бундай эмас, Сукрот! Бундай хулоса, албатта, нотўғри хулосадир.

– Демак, адолатсизларга зарар келтириш ва адолатлиларга фойда келтириш адолатдан бўладими?

– Бу хулоса маъқулроқ.

– Демак, Полемарх, адашадиган одамлар билан кўпинча шундай ҳол рўй берадики, улар ўз дўстларига – улар дўстларини ёмон одамлар деб ўйлайдилар – зарар келтиришни ва ёмон одамларга, уларни яхши одамлар ҳисоблаб, фойда келтиришни адолатдан дейдилар. Шундай қилиб, биз, Симониддан келтирганимизга зид гапларни ифода этамиз.

– Ҳа, кўпинча шундай бўлади. Аммо, унга тузатиш киришиб кўрайлик-чи: зеро, биз ўзимизга ким дўст, ким душман эканлигини нотўғри белгиладик.

– Полемарх, биз айнан қандай белгиладик?

– Гўёки, ким яхши бўлиб туюлса, ўша бизга дўст, деб.

– Энди қандай тузатиш киритамиз?

120157

17

– Кимки ҳам яхши туюлса, ҳам ҳақиқатан яхши одам бўлса, ўша бизга дўст бўлади. Кимки фақат туюлса-ю, аслида бундай бўлмаса, у дўст туюлади-ю, аммо ҳақиқий дўст эмас. Бизнинг душманларимиз борасида ҳам ана шундай аниқлик киритиш керак.

– Бу мулоҳазага кўра, яхши одам бизга дўст, ёмон одам эса – душман бўлади.

– Ҳа, шундай.

– Дўстга яхшилик ва душманга ёмонлик қилиш адолатдан деб айтилган олдинги таърифни, сенингча, энди, агар дўст яхши одам бўлса, унга яхшилик қилиш ва, агар душман малъун одам бўлса, унга ёмонлик қилиш адолатдандир, деб тўлдириш керакмикин?

b

– Албатта. Бу, менимча, жуда яхши таъриф.

– Демак, адолатли одамга баъзи одамларга зарар келтириш хусусияти хос?

– Ҳа, шундай, ёмон одамларга ва душманларимизга зарар келтириш керак.

– Агар отларга зиён етказилса, улар яхшироқ бўлиб қоладиларми ёки ёмонроқ?

– Ёмонроқ бўлиб қоладилар.

– Итларнинг фазилатлари маъносидами ёки отларнингми?

– Отларнинг.

– Итлар ҳам, агар уларга зиён етказилса, отларнинг эмас, итларнинг фазилатларини йўқотадилар, шундайми?

– Худди шундай.

– Дўстим, одамлар ҳақида, агар уларга зарар етказилса, улар ҳам ўзларининг одамийлик фазилатларини йўқотадилар, деб айта оламизми?

– Албатта.

– Аммо адолат одамнинг фазилати эмасми?

c

– Сўзсиз шундай.

– Одамлардан қайси бирларига зарар етказилган бўлса, ўша одамлар албатта адолатсиз бўлиб қоладиларми?

Шундай бўлиши мумкин.

Машшоқлар мусиқа воситасида кимнидир мусиқага нуноқ қилиб қўя оладиларми?

Бундай бўлиши мумкин эмас.

Чавандозлар эса от миниб юриш воситасида от миниб юришга нуноқ қила оладиларми?

Ўқ.

Адолатли одамлар адолат воситасида кимнидир адолатсиз қилиб қўя оладиларми? Ёки умуман: яхши одамлар ўл фазилатлари ёрдамида бошқаларни ярамас қилиб қўя оладиларми?

Бундай бўлиши асло мумкин эмас!

Зеро, совитиш, ўйлайманки, иссиқликнинг эмас, балки ушга зид нарсанинг хусусиятидир.

Ҳа, шундай.

Намиқтириш ҳам қуруқликнинг эмас, балки унинг зидининг хусусияти.

Албатта.

Зарар етказиш – яхши одамнинг эмас, балки унинг аксининг хусусияти.

Шундайлиги аниқ.

Адолатли одам – яхши одамми?

Албатта.

Демак, Полемарх, на дўстга, на бошқа бирор кимсага зарар етказиш – адолатли одамнинг иши эмас; бу иш, унинг шидди бўлган, яъни адолатсиз одамнинг иши.

Менимча, Суқрот, сен мутлақо ҳақсан.

Демак, агар кимдир, ҳар кимга ўзига муносибини бершиш – адолатлилиқдир, деб тасдиқласа ва буни, адолатли одам душманларга зарар, дўстларга эса фойда келтириши лозим, деб тушунса, у ҳолда гапираётган одам асло донишманд эмас, чунки у ҳақиқатни гапирмаган, зеро, биз ҳеч кимга ҳеч нарсада зарар етказмаслик адолат эканлигини таниқладик.

– Мен бунга қўшиламан, – жавоб берди Полемарх.

– Шундай экан, – дедим мен, – биз сен билан биргаликда, буни Симонид, ё Биант, ёки Питтак, ёхуд донишманд ва ажойиб одамлардан бири айтган, дейдиганларга қарши жангга кирамиз.

– Бундай жангда қатнашишга мен тайёрман, – деди Полемарх.

336 – Адолат дўстларга фойда ва душманларга зарар етказишдан иборат, деган ҳикматни ким айтганини биласанми?

– Ким? – сўради Полемарх.

– Ўйлайманки, бу ибора, Периандрга ё Пердиккага, балки Ксеркс ёки фивалик Исменийга, ёхуд ўзларини қудратли одамлар деб ўйлайдиган бойлардан бирига тегишлидир.

– Сен мутлақо ҳақсан.

– Жуда яхши. Аммо адолат, яъни адолатлилик (тушунчасининг ўзи) бундан иборат эмас экан, у ҳолда бошқа қандай таърифни таклиф этиш мумкин?

b Бизнинг суҳбатимиз давомида Фрасимах гапга аралашшишга бир неча бор қаттиқ интилди, аммо унинг ёнида ўтирганлар тийиб туришди – улар бизнинг мубоҳасамизни охиригача эшитишни жуда хоҳлашарди. Аммо мен савол берганимда, озгина тўхтаган эдик, Фрасимах ортиқ чидаб туролмади: ваҳший ҳайвондек бор кучини тўплаб, нимталаб ташлашга тайёрдек бизларга ташланди.

Полемарх иккимиз кўрқиб кетдик, у бўлса бундай деб бақирди:

– Суқрот, боядан бери бўлмағур гапларни гапираётиб-сизлар! Бир-бирингизга ён босиб, ўйин қилиб, ўзларингизни гўлликка соласизлар? Агар сен ҳақиқатан ҳам адолат нима эканлигини билмоқчи бўлсанг, у ҳолда саволлар беравермагин ва ҳар қандай жавобни рад эта олишингдан мақтанмагин. Жавоб беришдан кўра савол бериш осонроқ эканлигини яхши биласан, йўқ, ўзинг жавоб бер ва нима

даволати эканлигини айт. Бу – муносибдир, бу – фойда-
 андир, еки мақсадга мувофиқдир, ёхуд даромаддир, ёки
 проқандир демагин менга; нима десанг ҳам менга равшан
 ва аниқ гапир, чунки, агар сен бундай бўлмағур сўзларни
 итсанг кулоқ ҳам солмайман.

Фрасимахнинг сўзларидан ҳайратга тушиб, қўрқиб унга
 берадим ва, агар мен унга ундан олдин қарамаганимда бе-
 ҳуз қотиб қолишим мумкиндай туюлди, шунинг учун унга
 жавоб бера оладиган ҳолда бўлганимдан ҳаяжонланиб бун-
 дан дедим:

Фрасимах, биздан хафа бўлма. Агар биз – мен ва мана
 бу (яъни Полемарх – тарж.) – ушбу далилларни муҳокама
 қилишда хатога йўл қўйган бўлсак, сени ишонтириб айта-
 манки, ихтиёрсиз хато қилиб қўйган бўламиз. Масалан, агар
 биз олтин қидирсак, нахотки бизни уни топишга халақит
 қиладиган даражада бир-бирларига хушомад қиладилар,
 деб ўйлайсан. Аммо биз адолатни – олтидан қимматли-
 роқ, нарсани қидирмоқдамиз нахотки, биз бир-биримизни
 шундай бемаъниларча маъқуллаб уни (адолатни – тарж.)
 топишга ҳаракат қилмаймиз? Сен (яхшилаб) ўйлаб кўр, дўс-
 тим! Йўқ, менимча, бу иш (топиш) бизга қийинлик қилди,
 шунинг учун бу ишга қурби етадиган сизлар биздан хафа бў-
 лмиш ўрнига, бизга раҳм қилсангиз яхшироқ бўларди.

Буни эшитиб, Фрасимах галати кулимсираб қўйди ва
 бундай деди:

– Оҳ Геракл! Мана бу Суқротнинг одатдаги кинояси!
 Мен бу ердагиларга, сени жавоб беришни хоҳламайди,
 узини гўлликка солади ва агар унга кимдир савол берса,
 жавоб бермаслик учун узини ҳар кўйга солади, деб айтиб
 тургандим.

– Сен донишмандсан, Фрасимах, – дедим мен, – агар
 сен, ўн икки қандай сонлардан иборат, деб сўрасангда,
 аммо ўз саволингни бераётганингда: «Биродар, фақат ўн

е

337

в

икки – бу икки карра олти, ё уч карра тўрт, ёки олти карра икки, ёхуд тўрт карра уч, демагин, бундай деб бемаъни сўзласанг, сенинг гапларингга қулоқ ҳам солмайман», – деб огоҳлантирсанг, у ҳолда сенинг бундай саволингга ҳеч ким жавоб беролмаслиги олдиндан ўзингга маълум бўлади. Аммо агар сенга десаларки: «Нега энди, Фрасимах! Менинг жавобларимда сен огоҳлантирганлардан ҳеч бири бўлмаслиги керакми? Агар бундай бўлса, сен ғалати экансан, Фрасимах, мен ҳақиқатга хилоф равишда гапиришим керак бўладими? Сен нима деб ўйлайсан?» Бунга сен нима дер эдинг?

– Етар, – деди Фрасимах, – яна ўша гап.

– Бўлмаса-чи, – дедим мен. – Аввалгими ёки аввалги эмасми, аммо сен кимга бундай савол берсанг, у одам шундай деб ўйлаши мумкин. Тақиқ мавжудми ё мавжуд эмасми бари бир инсон ўз қарашларига хилоф равишда жавоб бераверади, деб ўйлайсанми?

– Демак, сен ҳам шундай қиласан: сенинг жавобингга мен тақиқлаган нимадир бўладими?

– Мулоҳаза қилаётганимда шундай бўлса, ҳайрон бўлмайман.

– Адолат борасида бу жавобларга ҳеч ҳам ўхшамаган, балки анча яхшироқ бошқа бир жавобни сенга маълум қилсамчи? Унда сен ўзингга қандай жазо белгилайсан?

– Жоҳил одам қандай жазога маҳкум бўлса, ўша жазони-да! У билагон бир одамдан дарс олиши керак бўлади. Мен ана шу жазога лойиқдирман.

– Ҳузур қилиб сайрамоқдасан! Йўқ, сен ўқиш учун пул тўлаб қўй.

– Албатта шундай қиламан, пул топилиши билан.

– Пул бор! – хитоб қилди Главкон. – Иш пулга қараб қолмайди, Фрасимах, сен давом эттиравер – биз ҳаммамиз Сукрот учун тўлаб юборамиз.

— Сукрот ўз одатича иш қилиши учун, яъни: ўзи жавоб бермай, балки ўзгаларнинг далилларидан айб топиши ва уларни инкор қилиши учун шундай қиласиз, деб ўйлайман?

— Ҳурматли Фрасимах, — дедим мен, — агар, биринчидан, ҳеч нарсани билмасанг ва билишни даъво қилмасанг, сўнгра эса, бу борада қандайдир фикрларга, мулоҳазаларга эга бўлсанг-у улар бунинг устига шундай зукко одам томонидан тақиқланган бўлиб, ўйлаган нарсангдан ҳеч бирини айтиш мумкин бўлмаса, у ҳолда қандай жавоб бериб бўлади? Аслида сен гапиришинг ўринли бўлади: билим соҳиби эканлигингни ва айтадиган гапинг борлигини айтмоқдасан ку. Кўп ўйлаб ўтирмагин-да, марҳамат қилиб менга жавоб бер ҳамда Главконнинг ва қолган ҳамманинг ақлини киргизиб қўйишдан бош тортма.

Мендан кейин Главкон ҳам, қолган бошқалар ҳам ундан бош тортмасликни илтимос қила бошладилар. Ўзининг билимдонлигини кўрсатишга Фрасимахнинг иштиёқи бор эди: у ўзида тайёр зўр жавоб бор, деб ҳисобларди, аммо ўзини гўёки менинг жавоб беришимни хоҳлаётгандай тугарди. Ниҳоят, у рози бўлди, сўнгра бундай деди:

— Мана, Сукротнинг донишмандлиги: ўзи ҳеч кимга ўргатишни хоҳламайди, аммо ҳамма ерда кезиб юради, бировлардан ўзи ўрганадию бунинг тўлови сифатида уларга миннатдорчилик билдирмайди ҳам.

— Фрасимах, мен бошқалардан ўрганишимни тўғри айтдинг, аммо менинг миннатдорчилик билдирмаслигим, бу — ёлғондир. Мен қўлимдан келганидай тўлайман. Мен фақат мақтов билан тўлайман — менда пул йўқ. Менинг фикримча, кимдир яхши гапирса, бу ишни мен қанчалик бажонидил қилишимга менга жавоб берабошлашинг биланоқ дарҳол ишонч ҳосил қиласан: яхши гапиришингга эса имоним комил.

Энг кучлининг маъфаати – Кулоқ сол. Мен тас-
сифатидаги адолат ҳақида диқлаб айтаманки, адо-
лат энг кучлига яроқли

нарсадир. Нега сен (фикримни) мақтамаяпсан? Ёки сенда
бунга иштиёқ йўқми?

– Мен олдин сен айтаётган гапни тушуниб олмогим ке-
рак. Ҳозирча эса билмайман. Сен тасдиқлаб айтасанки, энг
кучлига яроқли нарса – адолатнинг ўзидир. Агар Полида-
мант кураш ва муштлашиш жанғида орамизда энг кучли
бўлса ва агар унинг бадани соғлиги учун мол гўшти яроқли
бўлса, у ҳолда, гарчи биз ундан анча ожиз бўлсақда, бизга
ҳам шундай овқатларни тайинлаш фойдали ва шу билан
бирга адолатли бўлади, шундайми?

– Сукрот, сенинг томонингдан менинг сўзларимга бун-
дай нохуш фикр берилиши – жуда хунук ишдир.

– Олижаноб Фрасимах, асло бундай эмас, лекин сен ўз
сўзларингни тушунтириб бер.

– Баъзи давлатларда тузум тираний мустабид, бошқала-
рида – демократик, учинчиларида эса – аристократик экан-
лигини наҳот сен билмасанг?

– Билмай бўладими?

– Ҳар бир давлатда ким ҳокимият тепасида бўлса, ўша
(одам) куч соҳиби эканлигини ҳамми?

– Албатта.

– Ҳар қандай ҳокимият қонунларни ўз фойдасига ўр-
натади: демократия – демократик қонунларни; тираник
– тиранийларни, қолган ҳолларда ҳам шунинг ўзгинаси-
дир. Қонунларни ўрнатиб, ҳокимиятга тобеларга уларни
(қонунларни) адолатли деб эълон қиладилар – шунинг ўзи
ҳокимият учун фойдали нарсадир, қонунларга риоя қил-
майдиганини қонунларни бузувчи сифатида жазолайдилар.
Ҳурматли Сукрот, мен ушбуларни айтмоқчиман: барча
давлатларда бир нарса, мавжуд ҳокимиятга яроқли нарса-

гина адолат ҳисобланади. Бу эса – кучнинг ўзидир, бундан маълум бўладики, агар кимда-ким тўғри мулоҳаза юритиб, адолат ҳамма ерда биттадир деса, у ҳолда бу нарса энг кучлига яроқли нарса бўлади.

– Сен нима деяётганингни энди тушундим. Бу тўғрими ё йўқми, тушунишга ҳаракат қилиб кўраман. Сен ўз жавобингда яроқли нарсани адолатли деб айтдинг, гарчи менга бундай деб жавоб беришни ман қилган бўлсанг ҳам. Сен фақат бир нарсани: «энг кучлига» деган сўзларни қўшиб қўйгансан.

– Арзимас қўшимча бўлса керак-а!

– Ҳали аниқ эмас, балки у салмоқлидир. Аммо шуни сен аниқки, сен ҳақмисан ё ноҳақ эканлигингни текшириб кўриш зарур. Негаки, мен ҳам адолат яроқли бир нарса деб айтиш тарафдориман. Аммо сен «энг кучлига»ни қўшмоқдасан, мен эса буни билмайман, шунинг учун буни бир кўриб чиқиш керак.

– Тезроқ кўриб чиқ.

– Албатта шундай қиламан. Менга айт-чи, ҳокимиятга бўйсуннишни адолатли деб ҳисоблайсанми?

– Ҳисоблайман.

– У ёки бу давлатда ҳокимиятлар беҳато ишлайдиларми ёки адашишлари ҳам мумкинми?

– Албатта, адашишлари ҳам мумкин.

– Демак, қонунларни ўрнатишда улар бир хил қонунларни тўғри, баъзиларини эса нотўғри ўрнатадилар, шундайми?

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, – деди Фрасимах.

– Тўғри ўрнатилганлари – ҳокимиятлар фойдасига, нотўғрилари – зараригадир. Сенинг фикринг қандай?

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, – деди.

– Улар (ҳокимиятдагилар) нимани ўрнатмасинлар, ҳокимиятга тобелар буни бажаришлари зарур ва бу адолатли бўладими?

b

c

d

– Бўлмаса-чи.

– Демак, сен тасдиқлаётганинг бўйича, энг кучлига фойдали нарсани бажаришгина эмас, унинг қарама-қаршисини, яъни ярамайдиганини бажариш ҳам адолатли бўлади.

– Сен нималар демоқдасан ўзи?

– Менимча, сен нима деяётган бўлсанг, ўшани айтмоқдаман. Кел, яхшилаб кўриб чиқайлик: ҳокимиятлар тобеларини ўз талабларини бажаришга мажбур этаётиб, шу ҳокимиятларнинг ўзлари учун энг маъқулини танлаб олиш борасида баъзан адашишларини ва, шу билан бирга, ҳокимиятларнинг ҳар қандай талабларининг тобелар томонидан бажарилиши адолатли бўлишини биз тан олмаганмидик?

– Ҳа, шундай, биз буни тан олган эдик.

– Сен ҳокимиятлар ва умуман кучлироқ (одам)лар учун зарарли нарсаларни амалга ошириш ҳам адолатли деб тан олган эдинг, шуни ўйлаб кўр: ҳокимиятлар ўз-ўзларига зарар бўлса-да, ниманидир бажариш мажбуриятини бегараз юклаганларида уларни бажариш адолатли бўлишини бари бир тасдиқлайверасан. Бундай ҳолда, донишманд Фрасимах, сен айтганларининг аксини бажариш адолатли бўлиб қолмасмикин? Зеро, бу ўринда беқиёс кучлига зарарли бўлган нарсани бажаришни энг ожизлардан талаб этилмоқда-ку.

e

340

– Ҳа, Сукрот, – хитоб қилди Полемарх, – Зевс билан онт ичаманки, бу мутлақо равшан!

– Айниқса, агар Сукротга кўшилиб сен ҳам бунга гувоҳликка ўтсанг, – суҳбатга қўшилди Клитофонт.

– Гувоҳлик нимаси? Зеро, Фрасимахнинг ўзи ҳокимиятлар баъзида ўзларига зиён етказувчи талабномалар қўядилар ва буларни бажариш тобе фуқаролар учун адолатли, деб ҳисобланади.

b

– Полемарх, ҳокимият буйруғини бажаришни – худди шу нарсани Фрасимах адолатли деб ҳисоблаган.

– Клитофонт, у (Фрасимах – тарж.) энг кучлига яроқли булган нарсани адолат деб ҳисоблаган. Бу икки ҳолни белгилаб қўйгач, ҳокимият соҳиблари баъзан ўзларига зиён етказувчи нарсани буюрадилар ва энг ожизлар ҳамда тобе фуқаролар буни бари бир бажаришлари зарур. Бундай фарздан келиб чиқадики, энг кучлига яроқли нарса яроқсиз нарсадан ҳеч ҳам адолатлироқ эмас экан.

– Аммо Фрасимах энг кучлига яроқли нарса, деб энг кучли (одам) ўзига яроқли нарса деб ҳисоблаган нарсани тушунган, – эътироз билдирди Клитофонт. – Худди шуни ожиз (одам) бажариши зарур – шуни у адолатли деб тан олади.

– Йўқ, Фрасимах бундай демаган, – деди Полемарх.

– Бари бир эмасми, Полемарх, – дедим мен, – агар ҳозир Фрасимах шундай деса, биз уни худди шундай тушунамиз. Сен менга айт-чи, Фрасимах, энг кучлининг ўзи учун яроқли туюлган нарсалар, дарҳақиқат, у унга яроқлими ёки яроқли эмасми, бари бир адолатли деб айтмоқчи эдингми? Сенинг сўзларингни шундай тушунишимиз керакми?

– Асло бундай эмас. Наҳотки сен мени, адашаётган одамни, худди у адашаётган пайтида энг кучли деб ҳисоблайди, деб ўйлайсан?

– Ҳокимият бегуноҳ эмаслигини, аксинча, баъзи бир нарсаларда адашиб туришини тан олганиндан сўнг, сенинг сўзларингнинг маъноси шундай деб ўйладим, ҳар ҳолда.

– Сукрот, мулоҳазаларинг билан шундай лўттибозсаки! Масалан, беморларни хато даволайдиганни шу хатолар учун шифокор, деб атайсанми сен? Ёки, ҳисобда адашгани айнан адашганида, худди шу хатоси учун ҳисоб устаси дея оласанми? Ўйлайманки, оддий тилда: «шифокор адашди», «ҳисоб устаси адашди» ёки «грамматика ўқитувчиси адашди», деб гапирамиз. Мен ўйлайманки, агар у ҳақиқатан биз айтган одам бўлса, у ҳолда ҳеч қачон хатоларга йўл қўймай-

ди. Сен аниқликни шунчалик яхши кўрар экансан, сўзнинг аниқ маъносига кўра, ўз ишининг ҳеч бир устаси бу ишда адашмайди. Зеро, билим етишмаслигидан, яъни маҳорат етишмаслигидан адашадилар. Шундай қилиб, у санъаткор бўладими, донишманд ёки ҳукмдор бўладими, агар ўз маҳорати соҳиби бўлса, гарчи: «шифокор адашди», «ҳукмдор адашди», деб тез-тез гапирилса ҳам, адашмайди. Мен берган жавобни сен худди шу маънода тушун. Аниқ жавоб қуйидагичадир: ҳақиқий ҳукмдор бўлгани учун ҳукмдор хато қилмайди, ўзи учун ҳаммасидан яхши бўлган нарсани у беҳато аниқлаб олади ва буни унга тобе бўлганлар бажаришлари зарур. Шундай қилиб, аввал айтганимдек, мен адолат деб энг кучлига маъқул бўлган нарсани бажаришни айтаман.

341

– Ажабо, Фрасимах, сенинг-ча, мен лўттибозманми?

– Яна қанақанги дегин.

– Мен мулоҳаза юритганимда саволларимни ёмон ниҳатда бердимми?

б – Бунга менинг ишончим комил. Аммо уринишларинг бекор: сен мендан ўз ёмон ниҳатингни яширолмайсан, бас, уни яширолмас экансан, у ҳолда бу суҳбатимизда мени енголмайсан.

– Мен бунга ҳаракат ҳам қилмайман, азизим. Бизда яна шунга ўхшаш бирор нарса рўй бермаслиги учун, сен ожиз (одам) кучлига маъқул нарсани ижро этиши адолатдан, деб айтганингда, «ҳукмдор» ва «энг кучли» сўзларини оддий маънода ишлатмоқдамисан ёки аниқ маънодами, шунга аниқлик кирит.

с – Мен ҳукмдор деганда бу сўзнинг энг аниқ маъносини назарда тутаман. Қўлингдан келганича энди нотўғри талқин қилавер, тухматлар қил – мен сенга заррача ён босмайман. Тўғриси, бунга сенинг кучинг етмайди.

– Сенинг-ча, мен шунчалик ақлдан озганманки, арслоннинг ёлини (устарада) олишга ва Фрасимахга тухмат қилишга журъат этар эканман-да?



— Аммо сен, гарчи қувватинг етмаса ҳам, ҳозиргина бунга уришиб кўрдинг.

— Бўлар. Яхсиси менга айт: сен яқиндагина эслатган, аниқ маънода шифокор деганинг одам – фақат пул ҳақида уилайдими ёки беморлар ҳақида куйиб-пишадими? Гап, албатта, ҳақиқий шифокор ҳақида кетмоқда.

– У беморлар ҳақида куйиб-пишади.

– Дарга-чи? Ҳақиқий дарга – эшкакчиларнинг бошлиғими ёки у ҳам эшкакчими?

– Эшкакчилар бошлиғи.

– Зеро, ўйлайманки, у ҳам кемада сузаётганинигина ҳисобга олиб бўлмайди – уни эшкакчи, деб бўлмайди. Уни кемада бўлгани учун эмас, балки маҳорати ва эшкакчиларга раҳбар бўлгани учун дарга деб аташади.

– Бу тўғри.

– Демак, уларнинг ҳар бири, яъни шифокор ҳам, дарга ҳам қандайдир фойдали маълумотларга эгадирлар.

– Албатта.

– Санъат кимга нима яроқли бўлса, ўшани умуман излаб топиш ва ихтиро қилиш учун мавжуд эмасми?

– Ҳа, шунинг учун.

– Ҳар қандай санъат учун, ўзининг энг баркамоллигидан бошқа бирор нарса яроқли, фойдалироқми?

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Мана буларни: агар мендан, бизнинг баданимиз ўзига уни кифоя қиладими ёки яна бирор нарсага эҳтиёж сезадими, деб сўрасалар, мен: «Албатта, эҳтиёж сезади. Чунки бизда бадан баркамол бўлмагани учун шифокорлик усуллари топилган, шундай бўлганлигидан у ўзига ўзи кифоя қилмайди. Баданга яроқли нарсани бериш учун ҳам санъатга талаб пайдо бўлади», – деб жавоб қилардим. Сенингча, мен тўғри гапираяпманми, йўқми?

– Тўғри.

– Бу ёғи нима бўлади? Шифокорлик санъатининг ўзи номукамал эмасми? Умуман, бирон-бир санъатни, масалан,

d

e

кўзни – кўриш билан, қулоқни – эшитиш билан зийнатлагандек, яна қандайдир ижобий хислат билан умуман тўлдириш керакми? Яъни ҳар қандай санъатга биринчисига нима яроқлилигини ва уни нима билан тўлдириш кераклигини ҳал қиладиган бошқа санъат кўшиш керакмикин? Санъатнинг ўзида қандайдир номукаммаллик яширинганми ва ҳар қандай санъат, ўша биринчисига нима фойдали эканлигини муҳокама қиладиган яна бошқа санъатга муҳтожми? Ушбу муҳокама қилувчи санъатга эса, ўз навбатида, яна бошқа шу турдаги санъат зарурми, ва бу ҳолат бениҳоя давом этадими? Ёки ҳар қандай санъат унга нима яроқли эканлигини ўз-ўзича ҳал этадими? Ёхуд унинг камчиликларини ислоҳ қилувчини муҳокама этиш учун унга унинг ўзи ҳам, бошқа санъат ҳам даркор эмасмикин? Зеро, санъатда ҳеч қандай номукаммаллик ва камчилик, нуқсон бўлмайди ва ўзининг ҳудудидан ташқарида яроқли нарсани излашга ҳожат йўқ. У тўғри бўлганидан кейин, токи у ўзининг беназиралиги ва яхлитлигини сақлаб қолар экан, унда нуқсон ва бузилишлар бўлмайди. Сўзнинг сен ўзинг белгилаган аниқ маъноси нуқтаи назаридан бу шундайми ёки бошқачами эканлигини кўриб чиқ.

- с
- Шундайга ўхшайди.
 - Демак, шифокорлик шифокорликка яроқли нарсани эмас, балки баданга яроқлисини кўриб чиқади.
 - Ҳа.
 - Суворийлик ҳам – отда юришга яроқли нарса эмас, балки отларга (яроқли) нарсадир. Ҳар қандай бошқа санъат ҳам – ўзига яроқли нарса эмас (зеро, бунга у муҳтож ҳам эмас), балки унинг мавзуси (предмети)га яроқли нарсадир.
 - Шундайга ўхшайди.
 - Аммо, Фрасимах, ҳар қандай санъат ўзи қўлланиладиган соҳада ҳокимият ва кучдир.
- Фрасимах унча хоҳдамай бўлса-да, бу гапни тасдиқлади.

Демак, ҳар қандай санъат энг кучлига эмас, балки ўзи раҳбарлик қилаётган энг ожизига яроқлиликни назарда тутати.

Қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилган бўлса-да, Фрасимах охир-оқибат бунга розилик билдирди ва, у рози бўлганида, мен бундай дедим:

– Демак, шифокор–шифокор бўлгани учун – шифокорга яроқли бўлган нарсани эмас, балки беморга яроқли нарсани назарда тутати ва тайинлайди. Сўзнинг аниқ маъноси билан шифокор пулга ўч тамагир эмас, балки жисмларни бошқарувчидир, деган фикрга розилик билдирдик-ку. Ёки биз бундай фикрга келмадикми?

Фрасимах тасдиқ билан жавоб берди.

– Демак, дарга ҳам сўзнинг асл маъноси бўйича – эшкакчи эмас, эшкакчилар бошқарувчисидир.

Фрасимах эътироз билдирмади.

– Шундай қилиб, бундай дарга, бошқарувчи ҳам унинг ўзи даргага эмас, балки эшкакчига, яъни ўзига қулоқ соладиганга, фойдали нарсани назарда тутати ва тайин этади.

Фрасимах бу фикрга қийинчилик билан қўшилди.

– Демак, Фрасимах, ниманидир бошқараётган ҳар қандай одам, бошқарувчи бўлгани учун ҳам, унинг ўзига фойдали (яроқли) бўлган нарсани эмас, балки ўзига бўйсунган одамга яроқли нарсани назарда тутати ва тайинлайди ҳамда шу одам учун нимадир яратади. У (яъни дарга – бошқарувчи – тарж.) нима деб гапирса ҳам, нимадир қилса ҳам, ўзига қарам бўлган одамга яроқли ва тўғри келадиганига аҳамият беради.

Биз ўз баҳсимизда шундай фикрга келиб, барча ҳозир бўлган одамларга адолатга берилган аввалги изоҳ ўзининг зиддига айлангани равшан бўлгач, Фрасимах жавоб бериш ўрнига бехосдан бундай савол берди:

– Сукрот, менга айт-чи, сенинг энаганг борми?

– Нима? – дедим мен. – Бундай саволлар бериш ўрнига жавоб берганинг яхшироқ эди.

– Сенинг энаганг бурнингни артиб қўйишни унутмасин, сен қўйларни чўпонлардан ажратолмас экансан.

– Нега бундай деяпсан? – дедим мен.

– Чунки сен, чўпонлар ёки молбоқарлар уларни семиртириб, парваришлаганларида гўё қўйлар ва молларнинг манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қиладилар ҳамда бу ишни мулкдорларнинг ва ўзларининг манфаатлари учун эмас, балки бошқа бир мақсадда бажарадилар, деб ўйлайсан.

в Сен, гўёки давлатларда ҳукмдорлар – ҳақиқатан ҳам ҳукмдорлик қиладиганлари – ўз фуқароларига чўпонларнинг қўйларга бўлган муносабатларидан ўзгачароқ муносабатда бўладилар ва гўёки улар кундузию кечаси қаердан ўзи учун фойда олиш ҳақида эмас, бошқа бирор нарса тўғрисида ўйлайдилар, деган фикрдасан. «Адолатлилик», «адолат», «адолатсиз», «адолатсизлик» – сен булардан шу қадар узоқдасанки, ҳатто, адолат ва адолатлилик – туб маъносида **с** бу бошқа бировнинг фаровонлиги, бу – энг кучлини, ҳукмдорни қаноатлантирадиган бир нарса бўлиб, тобе ижро-чига эса мутлақ зарарлигини, адолатсизлик эса – бунинг акси: у содда ва шунинг учун адолатли одамлар устидан ҳукмронлик қилиш эканлигини ҳам билмайсан. Фуқаролар ҳукмдорга яроқли нарсани бажарадилар, чунки унинг қўлида куч бор. Улар (фуқаролар) яхши ижрочи бўлганлари учун у (ҳукмдор) фаровон, уларнинг ўзлари эса бундан бебаҳрадилар.

д Буюк соддадил Суқрот, адолатсиз одам билан қиёслганда, адолатли одам ҳамма ерда ютқазишига эътибор бермоқ керак. Бу ҳолат, аввало, одамлар орасидаги ўзаро муносабатлардаги мажбуриятларда кўринади: униси ва буниси қандайдир умумий ишни бирга олиб борганларида тугал ҳисоб-китобда адолатли одам адолатсиз одамдан кўпроқ олганини ҳеч қаердан тополмайсан, аксинча, у доимо камроқ олади. Сўнгра, давлат билан муносабатларда қандайдир бадал (тўлов) бериш керак бўлганида: тенг



мулкний ҳолатда адолатли кўпроқ, адолатсиз эса камроқ тўлайди ва, олиш керак бўлганида, адолатлига ҳеч нарса тегмайди, адолатсиз эса анчагина ютади. Улар қандайдир давлат мансабини ўтаётганларида ҳам, агар адолатли ўзи бирор зарар кўрмаса-да, унинг уй-рўзғори парокандаликка юз тутаяди, чунки у ўз хўжалигига яхши эътибор бермайди, ва у адолатли одам бўлгани учун ижтимоий ишлардан ҳам фойда чиқара олмайди. Ўз қариндошлари ва танишларига ҳам, агар адолатга зид бўлса, ҳомийлик қила олмагани учун уларнинг норозилигига дучор бўлади. Адолатсиз одамда эса буларнинг ҳаммаси айни аксинча бўлади.

Мен яқиндагина айтганларимни қайтараман: ҳокимият соҳиби бўлиш катта афзалликлар келтиради. Ҳар қандай одамга шахсан ўзи учун адолатли бўлишдан адолатсиз бўлиш фойдалироқ эканлигини мулоҳаза қилмоқчи бўлсанг, буни сен ҳисобга олмоғинг керак. Ким адолатга хилоф иш қилган бўлса, ўша фаровон бўлганидаги ва ўзи адолатсизликка дуч келса-да бари бир адолатга қарши боришга журъат этмаган одам ночор бўлган ҳолдаги адолатсизликнинг тугал кўринишини олиб қарасанг, буни тушунишинг осон бўлади. Мустабидлик шундай: у гоҳ билингирмай, гоҳида тўравонлик билан ўзига тегишли бўлмаган нарсани – ибодатхоналар ва давлат мулкларини, шахсий ва жамият мулкларини тортиб олади, буни у аста-секин эмас, бирданига амалга оширади. Агар билиб қолишса, адолатнинг қисман бузилиши жазоланади ва шарманда қилинади. (Адолатни) бундай қисман бузувчилар ўзларининг ёмон ишларига қараб гоҳ шаккок, гоҳ қул ўгриси, гоҳ қулфбузар, гоҳ қароқчи, гоҳ ўғри деб аталадилар. Агар кимдир фуқароларни мулкидан маҳрум қилиш устига, яна уларни қул қилиб таҳқирласа, уни бундай номлар билан аташ ўрнига фақат ҳамюртларгина эмас, чет элликлар ҳам омадли ва ҳузур-ҳаловатда яшовчи дейдилар, бундай дейишларининг сабаби ўша одамнинг адолатсизлик қилганини билишларидир. Зеро, адолатсиз-

е

344

b

c

ликни ёмонламайдилар, чунки улар ўзларидан хавфсирайдилар, ўзлари жабр кўриб қолишдан қўрқадилар. Ишлар шундай, Суқрот: етарли даражадаги адолатсизлик адолатдан кучлироқдир, унда (адолатсизликда) кўпроқ куч, эркинлик ва ҳукмронлик мавжуд, адолат ҳали айтиб ўтганимдек, кучли (одамга) яроқли нарсадир, адолатсизлик эса ўз-ўзидан мақсадга мувофиқ ва яроқлидир.

Шундай деб, Фрасимах ўзининг кўп сўзли нутқи сувини худди ҳаммом ходими каби бошимизга қуйиб ва қулоқларимизни тўлдириб кетмоқчи бўлган эди, суҳбатда ҳозир бўлганлар у ўз сўзларига далил келтирсин деб, рухсат бермадилар ва мен ҳам қолишга мажбур бўлганимдан бундай дедим:

– Фрасимах, сен ажойиб одамсан. Шундай нутқ билан бизга ташланасан-да, яна бирдан кетмоқчи бўласан, аммо на бизга етарли даражадаги ўғит бера олдинг, на иш шу ҳолдами ёки бошқачами, ўзинг ҳам аниқламадинг. Ёки, бундай мавзунини аниқлашга интилиш, сенингча, арзимаган нарсами? Ҳаётда бу дастуриламал бўлмасмиди ва унга амал қилиб, ҳар биримиз ўзимизга энг кўп фойда билан яшамасмидик?

– Ўйлашимча, – деди Фрасимах, – ана шу нарса бошқачароқдир.

– Назаримда, – дедим мен, – сенинг биз билан ишинг йўқ, сўзларингга қараганда, сен билган нарса борасида биз гафлатда қолиб, яхши яшаймизми ёки ёмонми, сенга бари бир. Аммо, азизим, буни бизга ҳам равшан қилиш меҳнатини зиммангга ол. Биз бу ерда кўпчилик йиғилганмиз, агар сен меҳр-шафқат кўрсатсанг, бу иш сен учун кўп улуғ иш бўларди. Менинг фикримга келсак, мен сенга айтаманки, ҳатто, адолатсизликка тўла ҳаракат эрки берилганида ҳам, гўё адолатсизлик адолатдан фойдалироқ эканлигига ишонмайман ва асло бундай деб ўйламайман. Фараз қилайлик, азизим, кимдир адолатсиздир, фараз қилайлик, у хоҳ пинҳона, хоҳ очиқ жангда адолатсиз ишлар қилиши мумкиндир, лекин бу мени адолатсизлик адолатдан фойдалироқ экан-



анинга ишонтиролмайти. Балки, ичимизда фақат мен эмас, бошқа яна кимдир шундай таассурот олгандир. Адолатни адолатсизликдан анча юқори қўйганимизда, биз хато ўйла-ётганимизга сен бизни ишонтир, азизим Фрасимах.

— Сени қандай ишонтириш мумкин? — деди Фрасимах. — Ҳозиргина айтганларим сени ишонтирмаганидан кейин, нима ҳам қилардим? Ўз нуқтаи назаримни сенинг руҳингга жойлаб қўяйми?

— Зевс ҳаққи, асло бундай қилма! Аввало, сен изҳор қилганинг нуқтаи назарингда тур, агар у ўзгарган бўлса, бу ҳақда очик гапир ва бизни алдама. Энди кўриб турибсанки, Фрасимах (кел, аввалги айтилганларни яна мулоҳаза этиб кўрайлик): олдин ҳақиқий шифокор таърифини берганди, сен ҳақиқий чўпон ҳақида сўз борганида ҳам худди шу аниқликни сақлаш кераклигини унутиб қўйдинг. Чўпон бўлгани учун у қўй боқади, дастурхон узра яхшилаб меҳмон бўлишга тайёрланаётган текинхўр каби ўзини тутади; қўйлар учун яхшиликни назарда тутмайди; ёки даромадлар борасида у чўпон эмас, бир юлғунчи, деб ўйлайсан. Аммо айтиш керакки, бу санъат учун албатта унинг ўзининг бирор бошқа нарсага эмас, асосий вазифасига энг яхши равишда жаноб бериши муҳимдир, шунда қўйлар ҳам энг яхши ҳолатда бўлади; токи бирор камчилиги бўлмаса, бундай маҳорат ушбу мақсад учун етарлидир. Шунинг учун ҳам мен ўйлар эдимки, ҳар қандай ҳокимият, ҳокимият бўлгани учун ҳам, ўзига тобе бўлган ва жамият ҳамда хусусий тартибда ҳомийликка олинувчилар учун эзгуликни назарда тутади. Ва, наҳотки, сен давлатни бошқарувчилар — ҳақиқий бошқарувчилар — гўё ўз хоҳишлари билан бошқарадилар, деб ўйласанг?

— Зевс билан қасам ичаманки, ўйлабгина қолмайман, аниқ биламан.

— Ростдан-а, Фрасимах? Бошқа ҳукмдорлардан ҳеч бири, ихтиёрий равишда ҳукмдорлик қилишни хоҳламайти, аммо

ҳаммаси мукофот талаб қилади, чунки уларнинг ҳукмдорлигидан улар ўзлари эмас, уларга бўйсунганлар фойда кўради, шуни, наҳотки, сен билмасанг? Менга шуни айт: ҳар бир санъатнинг ўз вазифаси борлиги учун бир санъатни бошқасидан ажратмаймизми? Азизим, фақат фавқулодда ғалати бирор фикр билдирма – унда баҳсимиз ҳеч тугамайди.

– Ҳа, биз уларни шундан ажратамиз.

– Демак, ҳар бир санъат умумий фойда эмас, алоҳида фойда келтиради: масалан, шифокорлик – саломатликни, кема бошқариш – сузишда хавфсизликни таъминлашни ва ҳоказо.

b

– Албатта.

– Меҳнат ҳақини тўлаш санъати мукофотлашга тааллуқли, зеро, у худди шунга мўлжалланган. Ёки шифокорлик ва кема бошқариш сен учун бир нарсанинг ўзими? Сенинг таклифингга кўра, сен ҳамма нарсани аниқ таърифламоқчисан; денгизда сузиш фойдали бўлиб, агар кема бошқариш билан шуғулланиб, кимдир соғломлашса, шунинг учун сен кема бошқаришни шифокорлик, деб айтишга мойил бўласанми?

– Албатта, йўқ.

c

– Агар кимдир ёлланиб ишлаб, соғломлашса, сен буни меҳнат ҳақини тўлаш демайсан, деб ўйлайман.

– Албатта, йўқ.

– Энди нима деймиз? Шифокор ёлланиб ишласа, шифокорликни сен ёлланиб ишлаш санъати деб атамайсанми?

– Бундай атамайман.

– Бундан келиб чиқадики, ҳар бир санъат ўзича фойдали эканлигини иккаламиз ҳам тасдиқлаймиз.

– Шундай бўла қолсин.

– Демак, у ёхуд бу усталар биргаликда қандайдир фойда кўрмасинлар, уларга фойда келтирадиган ишда қатнашаётганликлари равшан бўлади.

– Шундайга ўхшайди.

– Биз айтамизки, иш ҳақи олган усталарга, улар иш ҳақи тўлаш санъатидан оладиган нафлари нима бўлса, ўша нарса фойдалидир.

Фрасимах зўрға рози бўлди.

– Демак, уларнинг ҳар бирида ана шу фойданинг ўзи, яъни ҳақ олиш, уларнинг ўз санъатларидан келиб чиқмайди. Агар буни аниқроқ мулоҳаза қилинса, у ҳолда маълум бўладики, шифокорлик саломатликка, иш ҳақи тўлаш усули – мукофотга олиб келади; бинокорлик санъати уйни яратди, ёллаш санъати эса бунга мукофотни қўшимча қилади. Бошқа ҳамма нарсада ҳам шундай: ҳар бир санъат ўз ишини бажаради ва ўзи учун белгиланган мақсадга кўра фойда келтиради. Агар бу санъатга иш ҳақи қўшилмаса, устага бундан фойда бўладими?

– Бўлмаса керак.

– Демак, у бекорга ишлаётганида унга ҳеч қандай фойда йўқ.

– Мен шундай деб ўйлайман.

– Шундай қилиб, Фрасимах, энди ушбу нарса равшан: ҳеч қандай санъат ва ҳеч қандай бошқарув (ҳукмдорлик, идора қилиш) уста учун фойдани таъминламайди, аммо, биз олдин айтиб ўтганимиздек, у (санъат, бошқарув), энг кучлига эмас, энг ожизга яроқли нарсани назарда тутиб, ўзига қарам (бўйсунган)ни фойда билан таъминлайди ва белгилайди. Қадрдоним Фрасимах, шунинг учун ҳам мен яқиндагина, ҳеч ким ихтиёрий равишда ҳукмдор бўлишни ва ўзгаларнинг камчиликларини тузатишни хоҳламайди, аксинча, ҳар ким ҳам мукофот талаб қилади, чунки, кимдаким ўз санъатини маъқул равишда ишлатмоқчи бўлса, ҳеч қачон ўзига яхшилиқни ўйлаб ҳаракат қилмайди ва ҳукм ўтказмайди, балки фақат ўзига қарамларнинг фаровонлиги учунгина ҳукм ўтказади, деб айтган эдим. Шунинг учун ҳукмдорлик қилишни бошловчиларга мукофот бўлиши зарур, чунки пул ё ҳурмат, эъзоз ёхуд ҳукмдорлик қилишдан бош торганлар учун жазо.

– Нималар деяпсан, Сукрот? – деди Главкон. – Мукофотнинг биринчи икки турини биламан, аммо сен жазони ҳам ўзича бир мукофотга қўшдинг: мен буни ҳеч тушунмайман.

– Бошқаришга рози бўлганларида энг олижаноб инсонлар ҳукмронлик қилишларига олиб келадиган, энг яхшиларни мукофотлашни, демак, сен тушунмайсан. Шўхратпарастлик ва пулга (бойликка) ҳирс қўйиш энг шармандали ишлар эканлигини билмайсанми, аслида ҳам шундай-ку.

– Биламан.

– Шундай экан, яхши одамлар на пул учун, на эъзоз-ҳурмат учун – идора қилишга, бошқаришга рози бўлмайдилар: бошқарув учун очиқчасига мукофот олиб ёлланган деб ҳам, унинг (бошқарувнинг) фойдасидан пинҳона фойдаланиб ўғри, деб аталишни ҳам хоҳламайдилар; ўз навбатида, уларни эъзоз-ҳурмат ҳам қизиқтирмайди – улар шўхратпараст эмаслар-ку. Уларнинг бошқаришга рози бўлишлари учун уларни бунга мажбур этиш ва жазолаш керак бўлади. Заруратни кутмай ҳокимиятга интилиш уятли иш эканлигининг сабаби ҳам шундадир. Энг буюк жазо – сен ўзинг бошқаришга розилик бермаганингда сендан ёмонроқ (сенчалик яхши бўлмаган. – *Тарж.*) одамнинг ҳукми остида бўлишдир. Менимча, олижаноб одамлар ҳокимият тепасида турганларида, худди шу жазодан хавфсираб ҳам ҳукмдорлик қиладилар: нимадир яхши нарсага интилганлари ва ундан қаноат ҳосил қилганлари учун эмас, балки ўзларидан яхшироқ ёки ўзларига тенг бўлган бирор кимсага бу ишни топшириш имконияти бўлмаганидан, зарурат туфайли улар бошқаришга киришадилар.

Агар давлат фақат яхши одамлардан иборат бўлганида, барча, худди ҳозир ҳокимият талашгандек, ҳукмдорлик қилмасликни талашган бўларди. Аслида ҳақиқий ҳукмдор ўзига яроқли (маъқул)ни эмас, балки ўзига тобе бўлганга яроқли (маъқул) нарсани назарда тутиши равшан бўлади, шунинг учун ҳар қандай тушунган одам бошқа бировнинг фойдаси ҳақида

куюнмай, бошқа бировлар унинг фойдаси ҳақида куюнишини афзал кўради. Гўёки адолат – энг кучлига яроқли нарса эканлиги борасида мен Фрасимахга ҳеч қачон ён босмайман. Аммо биз буни кейин муҳокама қиламиз.

Адолат ва адолатсизлик

– Менинг учун ҳозир Фрасимахнинг гўёки адолатсиз одамнинг ҳаёти адолатли одамнинг ҳаётидан яхшироқ, деган гапи муҳимроқ. Главкон, сен қайси бирини танлайсан? Бу икки гапдан қайси бири, сенингча, тўғрироқ?

– Менимча, – деди Главкон, – адолатли одамнинг ҳаёти фойдалироқ.

– Сен Фрасимахнинг адолатсиз одам ҳаётига қанчалар турли-туман неъматларни қўшиб қўйганини эшитдинг-а?

– Эшитдим, аммо ишонмайман.

– Агар унинг ноҳақлигини излаб топиш кўлимиздан келса, биз уни бу фикрдан қайтарамиз, хоҳлайсанми?

– Бўлмаса-чи! – деди Главкон.

– Лекин, агар биз адолатнинг неъматларини сўзма-сўз санаб, унга эътироз билдирсак, кейин гапирса ва яна биз гапирсак, у ҳолда кўрсатилган неъматлар (эзгу ишлар)нинг ҳисобини олишимиз ва ўлчамимиз керак бўлади, ҳар биримиз ўз жавобида қанчалаб (далил) келтирганимизни ҳал қилиш учун эса бизга ҳакам (судья)лар даркор. Агар фикрларимиз бир хил бўлганида, ҳозиргина амалга оширганимиз тадқиқотни олиб борсак, у ҳолда биз бир вақтнинг ўзида ҳам ҳакамлар, ҳам ҳимоячилар бўлиб қоламиз.

– Албатта.

– Бу усуллардан қайси бири сенга ёқади?

– Иккинчиси.

– Қани, Фрасимах, – дедим мен, – бошқатдан бизга жавоб бер. Амалга оширилган адолатсизлик амалга оширилган адолатдан фойдалироқ деб тасдиқлайсанми?

– Албатта, мен буни тасдиқлайман ва нега шундайлигини ҳам айтдим.

348

b

c

д

– Ушбу масала ҳақида нима дейсан: булардан бирини яхши хислат бошқасини эса – ёмон хислат, деб атайсанми?

– Бўлмаса-чи!

– Демак, яхши хислат деб адолатни, ёмон хислат деб эса адолатсизликни айтасан, шундайми?

– Худди шундай, азизим! Яна мен айтаманки, адолатсизлик айни муддао, адолат эса – йўқ!

– Ана холос, унда нима бўлади?

– Аксинча-да.

– Наҳотки адолат ёмон хислат бўлса?

– Йўқ, аммо у – анчагина олижаноб гўллик, бефаросатликдир.

– Аммо адолатсизликни сен жинойткорона ёмонлик деб айтасанми?

– Йўқ, бу соғлом фикрликдир.

– Адолатсизлар сенга оқил ва яхши бўлиб туюладиларми?

– Адолатсизликни камолотга етказа оладиган ва бутун бир давлатлар ва халқларни ўзига бўйсундиришга қодирлари, ҳар ҳолда, шундай. Мени киссавурлар ҳақида гапирмоқда деб ўйлаганга ўхшайсан-а? Ҳарқалай, то ошкор бўлмагунича бу ҳам мақсадга мувофиқдир. Аммо уларни эсламаса ҳам бўлади; ҳозиргина айтганларим бошқа гап.

е – Бу билан нима демоқчи эканлигинг менга яхши маълум, аммо сенинг адолатсизликни эзгуликка ва донишмандликка, адолатни эса – унинг зиддига тааллуқли дейишинг мени ҳайратга солмоқда.

– Албатта шундай.

349

– Бу жуда кескин гап, дўстим, бу борада сенга бирор нарса дейдиган одамни топиш мушкул. Агар сен, адолатсизлик мақсадга мувофиқ десангу, лекин шу билан бирга, бошқалар қатори унинг ёмон ва шармандали эканлигини тан олсанг, умумқабул қилинган қарашларга мувофиқ равишда сенга бирор нарса дейишга сўз топардик. Энди эса сенинг нечун адолатсизликни, гўзал, кучли ва ҳоказо деб тасдиқла-

шинг равшан, яъни сен адолатсизликни яхшилик ва донишманликка тааллуқли дейишга журъат этганингдан кейин, биз адолатга нималарни тааллуқли десак, ўшаларнинг ҳаммасини адолатсизликка қўшасан.

– Сен аъло даражада тўғри фаҳмадинг.

– Токи сен, мен фаҳмаганимдек, ҳақиқатан ҳам нимани уйлаётган бўлсанг, шуни айтаётган экансан, бу ҳолда ўз суҳбатимизда бу масалани мукамал кўриб чиқишдан қайтмаслигимиз керак. Менимча, Фрасимах, ҳозир сен, ҳеч бир ҳазилсиз, сенга ҳақиқат бўлиб кўринган нарсани айтмоқдасан.

– Менга шундай туюладими-йўқми, сенга бари бир эмасми? Менинг сўзларимни инкор этолмайсан-ку.

– Албатта, барибир бўлса ҳам, аммо қўшимча равишда яна ушбу саволга жавоб бер: адолатли одам бошқа бир адолатли одам олдида бирор устунликка эга бўлишни хоҳлайдими? b

– Ҳеч ҳам, унда ҳозир кўриб турганимиз қадар хуштакаллуф ва соддадил бўлолмасди.

– Адолат ишларида-чи?

– Ҳатто, бу ўринда ҳам.

– Адолатсиз одамга қараганда устунроқ бўлишга у даъво қилармиди ва бу даъво адолатлими? Ёки буни у адолатдан деб ҳисоблармиди?

– Шундай деб ҳисобларди ва даъво қиларди, гарчи бунга кучи етмаса ҳам.

– Аммо мен бу ҳақда сўрамадим, мен, адолатли (одам) адолатсизга қараганда кўпроқ манфаатга эга бўлишни зарур деб ҳисоблайдими ва буни хоҳлайдими, деб сўрамоқдаман. c

– Ҳа, албатта, хоҳлайди.

– Адолатсиз одам-чи? Наҳотки у адолатли одамга қараганда адолат ишларида ҳам устунликка эга бўлишга даъво қилади?

– Нега даъво қилмас экан? Зеро, у ҳаммадан кўпроқ (нарсаса) эга бўлишга даъво қилади-ку!

д

– Демак, адолатсиз одам бошқа бир адолатсиз одамга нисбатан ва унинг фаолиятдан устунликка эришишни даъво қилади ва иложи борича кўпроқ нарсани тортиб олиш учун курашади, шундайми?

– Ҳа, шундай.

– Демак, биз бундай деймиз: адолатли одам ўзига ўхшаш одам устидан эмас, балки ўзига ўхшамаган одам устидан устунликни хоҳлайди, адолатсиз кимса эса, бундай устунликни иккаласи – ҳам ўзига ўхшаган, ҳам ўзига ўхшамаган одамлар устидан устунликни хоҳлайди.

– Сен буни ажаб яхши ифодаладинг.

– Зеро, адолатсиз одам ҳар ҳолда оқил ва эътиборли бўлади, адолатлиси эса на буниси, на униси бўла олади.

– Бу (фикр) ҳам яхши айтилди.

– Демак, адолатсиз одам оқил ва эътиборли одамга ўхшайди-ю адолатлиси эса, аксинча, ўхшамайдими?

– Агар одам ўзи шундай бўлса, нега ўзига монанд одамга ўхшамас экан? Агар у бундай бўлмаса, демак, у ўхшаш ҳам эмас.

– Яхши. Демак, уларнинг ҳар бири ўзи ўхшайдиганлар қандай бўлса, шундай экан-да.

– Нима қилибди?

е – Шундай бўла қолсин. Айт-чи, Фрасимах, бир одамни муסיқа билимдони, бошқасини эса – билимдон эмас, дейсанми?

– Албатта.

– Улар қайси бири оқил, қайси бири оқил эмас?

– Муסיқа билимдони, албатта, оқил, бошқаси эса ундай эмас.

– Ростки оқил экан, демак, бу одам буюк, оқил бўлмаган одам – ҳақирми?

– Ҳа.

– Шифокор-чи? Худди шунга ўхшаш эмасми?

– Шунга ўхшаш.

– Ҳурматли Фрасимах, сенингча, муסיқа билимдони лирани созлаётиб, торларни тортиш ва бўшатиш билан, бу-

нинг билимдони бўлишдан аҳамиятлироқ нарсага даъво қиладимиз?

– Менимча, даъво қилмайди.

– Бошқасига, билмайдиганига нисбатан бирор аҳамиятлироқ нарсага-чи?

– Бунга, албатта, даъво қилади.

– Шифокор-чи? Бирор таом ва ичимликни тайинлаётиб, бу билан у шифокор бўлиш ва шифокорлик ишини билишдан бошқа аҳамиятлироқ нарсага даъво қиладимиз?

– Йўқ, асло.

– Шифокор бўлмаган одам даъво қилганга қараганда кўпроқ нарсага-чи?

– Даъво қилади.

– Буни билим ва билимсизликнинг хоҳлаган соҳасига татбиқ этиб кўр. Ҳар қандай ишнинг билимдони ўз ҳаракатлари ва сўзлари билан шу ишнинг бошқа бир билимдонига қараганда кўпроқ нарсага даъво қиладимиз ёки ўзига ўхшаш одам шу соҳада нимага даъво қилса, ўшанга даъво қиладимиз, сенинг фикринг қандай?

– Мен охиргисига қўшилган бўлардим.

– Нодон-чи? У билимдон ва бошқа бир нодон билан бир хил даражада кўпроқ нарсага даъво қилмайдими?

– Балки шундайдир.

– Билимдон одам донишмандми?

– Шундай деб ўйлайман.

– Донишманд одам фазилатлар соҳибими?

– Шундай.

– Демак, фазилатлар соҳиби бўлган одам ва, бунинг устига, у донишманд ҳам бўлса, ўзига ўхшаганга нисбатан кўпроқ нарсага даъво қилмайди, у фақат ўзига ўхшамаган, ўзига зид бўлганга нисбатан буни даъво қилади.

– Шундайлиги аниқ.

– Демак, Фрасимах, бизда адолатсиз одам унга ўхшаганга нисбатан ҳам, ўхшамаганга нисбатан ҳам кўпроқ нарсага даъво қилади. Ёки сен бундай демаганмидинг?

– Ҳа, шундай.

– Адолатли одам эса ўзига ўхшаган одамга нисбатан ўзига ўхшамаганга нисбатан эмас, балки кўпроқ нарсага даъво қилади.

– Ҳа, шундай.

– Бундан келиб чиқадики, адолатли одам донишманд ва эътиборли одамга ўхшаш, адолатсиз одам эса – ёмон ва жоҳил одамга ўхшашдир.

– Шунга ўхшайди.

– Аммо биз, ким кимга ўхшаса, ўзи ҳам шунақалигини тан олган эдик-ку!

– Тан олгандик.

– Демак, адолатли одам – эътиборга лойиқ, донишманд одам, адолатсиз эса – жоҳил ва нолайиқ одам бўлиб чиқади.

Гарчи Фрасимах бунга қўшилган бўлса-да, мен ҳозир баён қилганимдек осонликча эмас, балки зўрга, унча хоҳламай қўшилди. У анча терга ботди, бунинг устига суҳбат ёзда бўлаётганди. Мен шунда, ҳатто, Фрасимах ҳам хижолат чекиб қизарганини биринчи марта кўрдим.

Биз иккимиз, адолат – бу яхшилик ва донишмандлик, адолатсизлик эса – ёмонлик ва жоҳиллик эканлигини тан олганимиздан кейин, мен бундай дедим:

– Шундай бўла қолсин. Шундайлиги аниқланди, деб ҳисоблайлик. Аммо биз адолатсизликни қудратли деган эди. Ёки ёдингдан кўтариладими, Фрасимах?

– Ёдимда. Аммо ҳозир сен тасдиқлаган нарсага қаноат ҳосил қилмадим ва шу муносабат билан бир гапим бор. Зеро, агар мен гапира бошласам, ишончим комилки, сен буни сафсата деб атайсан. Шунинг учун ё мен хоҳлаган нарсани айтишга имкон бер ёки менга саволлар бер, токи мен худди эртақ айтаётган кампирлардек, гоҳ тасдиқлаб, гоҳ инкор этиб бош чайқайман.

– Фақат ўз фикрингга қарши турма.

– Ҳаракат қиламан, менга сўз бермадингми, демак, мендан кўнглинг тўқ. Мендан яна нима истайсан?

– Зевс билан қасам ичаман, ҳеч нарса истамайман. Агар сен бундай қилсанг – сенинг ишинг, мен эса сенга савол бераман.

– Беравер.

– Бизнинг мулоҳазамиз тартибли бўлиши учун яқиндагина сўраганим ҳақида сўрайман, яъни, адолат адолатсизликка қандай муносабатда бўлади? Зеро, сал олдинроқ, адолатсизлик адолатдан қудратлироқ ва кучлироқ деб айтилганди. Энди эса, ростики адолат – донишмандлик ва эзгулик экан, мен ўйлайманки, адолатсизлик жоҳилликнинг ўзи бўлгани учун адолат адолатсизликдан кучлироқлиги осон ошкор бўлади. Буни ҳар ким ҳам тушунади.

Аммо мен, Фрасимах, буни бунчалик саёз кўриб чиқмоқчи эмасман, бундай мулоҳаза қилайлик: давлат адолатсиз бўлишини ва адолатсизлик билан бошқа давлатларни асоратга солиши ва шу асоратда тутиб туриши мумкинлигини, яна кўп давлатлар асоратга солинишини тан оласанми?

– Нега шундай бўлмаслиги керак? Бу, ўз адолатсизлигини да энг баркамол бўлган давлатлар ичида энг юқори даражадагиси томонидан амалга оширилиши мумкин.

– Тушунаман, сен шундай дегандинг. Аммо мен буни қуйидагича мулоҳаза қиламан: давлат, бошқа давлатдан кучлироқ бўла борар экан, ўз қудратини адолатга боғлиқ бўлмаган равишда қўлга киритадими ёки, албатта, адолат билан биргаликдами?

– Агар, сен боягина айтганингдек, адолат – донишмандлик бўлса, у ҳолда – адолат билан биргаликда. Агарда мен айтгандек бўлса, у ҳолда – адолатсизлик билан, биргаликда.

– Фрасимах, оддийгина «ҳа» ёки «йўқ» демай жавоб бераётганинг, яна шундай ажойиб жавоб бераётганинг мени жуда қувонтиради.

– Сенинг кўнглингни олай дедим.

– Жуда яхши қиласан. Яна ушбу нарсада ҳам лутф айла: сенингча, бирор ишга адолатсизлик билан киришаётган

дават, ёки қўшин, ёки қароқчилар, ёки ўғрилар, ёки яна қандайдир халқ, агар бу одамлар бир-бирларига адолатсиз бўлсалар, нимадир қилиши мумкинми?

– Йўқ. Албатта, йўқ.

– Агар адолатсизлик қилмасалар, у ҳолда бу ишни амалга оширадиларми?

– Бўлмаса-чи!

– Зеро, адолатсизлик, Фрасимах, жанжал, низо, ўзаро урушларни, адолат эса – бирдамлик ва дўстликни келтириб чиқаради. Шундай эмасми?

– Баҳслашиб ўтираманми, шундай бўла қолсин.

– Бу жуда яхши, азизим. Менга ушбуни айт-чи: агар адолатсизлик, қаерда бўлмасин, ҳамма ерда нафрат чиқарса, у ҳолда у одамларда пайдо бўлиб, улар озод одамларми ёки қулларми, бари бир, уларни бир-бирларидан нафратланишга мажбур этмайдими, низоларга олиб келмайдими, натижада биргаликда ҳаракат қилишни йўққа чиқармайдими?

– Албатта.

– Улар, ҳатто, фақат икки киши бўлсалар ҳам, агар орасида бу (низо) пайдо бўлса, улар ўз қарашларида бир-бирларидан узоқлашмайдиларми, бир-бирларини ва балки адолатли одамларни ҳам ёмон кўриб қолмайдиларми?

– Ҳа, улар (бир-бирларига) душман бўлиб қоладилар.

– Агар, ҳатто, Фрасимах, – сен гаройиб одамсан-да! – адолатсизлик уларнинг фақат биттасида кўринганида ҳам, у ўзига мансуб бўлган кучни йўқотадими? Ёки, аксинча, унга (ўша кучга) ундан кам бўлмаган миқдорда эга бўладими?

– Кам бўлмай қўяқолсин.

– Кўринишича, у шундай кучга эгаки, адолатсизлик қаерда – давлатдами, улусдами, қўшиндами ёки бошқа бирор нарсада пайдо бўлмасин, – у, аввало, бу гуруҳларнинг хатти-ҳаракатларини йўққа чиқаради, чунки бу ҳаракатлар унинг ўзи билан (яъни адолатсизлик билан. – *Тарж.*) тугатшир, зеро, у низоларга, келишмовчиликларга, ички ва

ташқи душманликка, шу қатори адолатли рақибга нисбатан ҳам душманликка олиб келади. Шундай эмасми?

– Албатта, шундай.

– У, ҳатто, бир одамда пайдо бўлса ҳам, ўзига хос нарса-ни амалга ошираверади. Аввало, уни ҳаракатсиз қилиб қўяди, чунки у ўзи билан ўзи низода бўлади ва келишолмайди, у адолатли одамларга ҳам, ўзига ҳам душмандир. Шундай эмасми?

– Ҳа.

– Дўстим, худолар ҳам адолатлидурлар-ку!

– Шундай бўла қолсин.

– Бундан келиб чиқадики, Фрасимах, адолатсиз (одам) худоларга ҳам душман, адолатли (одам) эса – дўст.

– Бу мулоҳазангни ўзингга тортиқ қилдим. Қўрқмай уни истифода этавер. Сухбатда ҳозир бўлганлар орасида душман орттирмаслик учун сенга эътироз билдирмайман.

– Сен ҳозир қилганингдек, менинг бу фикримни яна бошқа жавоблар билан тўлдиргинчи. Маълум бўлдики, адолатли одамлар донишмандроқ, яхшироқ ва ҳаракат қилишга лаёқатлироқдирлар, адолатсизлар эса, биргаликда ҳаракат қилишга лаёқатсиздирлар. Гарчи биз, адолатсиз бўлган одамларнинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли нимадир амалга оширилган десак ҳам, бу ҳолатда унча тўғри гапирган бўлмаймиз. Агар улар бутунлай адолатсиз бўлганларида, бир-бирларини аямаган бўлардилар, демак, улар ўзлари кимга қарши борган бўлсалар, ўшаларни аямаганлари каби, бир-бирларини хафа қилишга ҳалақит берадиган адолатли нимадир бор бўлганлиги равшандир. Шу туфайли улар амалга оширган нарсаларини амалга оширдилар. Уларни адолатсизликка ўзларига хос бўлган адолатсизлик ундаган, аммо улар нотўлиқ ёмон бўлганлар, чунки жуда ёмон ва бутунлай адолатсиз одамлар ҳаракат қилишга мутлақо лаёқатли эмаслар. Мен буни сен дастлаб айтганингдек эмас, шундай тушунаман.

Бу масаладан кейин кўриб чиқмоқчи бўлган нарсани, яъни адолатсизларга қараганда адолатли одамлар яхшироқ яшайдиларми ва улар бахтлироқмилар, деган масалани текшириб чиқишимиз керак. Айтиб ўтилганлардан ҳозирнинг ўзида ҳам кўриниб турган бўлса-да, буни асослироқ мулоҳаза қилиб чиқиш зарур – зеро, гап арзимас нарсалар ҳақида эмас, балки қандай яшаш кераклиги ҳақида бормоқда.

– Шуни кўриб чиқавер.

– Мен шундай қилмоқдаман. Ҳа, менга айт-чи, сенингча, отнинг қандайдир вазифаси борми?

– Менимча, бор.

– Отнинг ёки бошқа ниманинг бўлса ҳам белгилаб қўйилган вазифаси (бурчи) фақат унинг ёрдамида ёки ҳар ҳолда, яхшиси, у билан бажарилиши мумкин бўлган нарса, деб ҳисоблайсанми?

– Тушунмаяпман.

– Мана бундай: кўздан бошқа нарса билан кўра оласанми?

– Албатта йўқ.

– Қулоқдан бошқа нарса билан эшитасанми?

– Асло.

– Бу нарсалар (кўриш, эшитиш – тарж.) – уларнинг белгилаб қўйилган вазифа (бурч) лари дейилса, нотўғри бўладими?

– Албатта, шундай дейилса тўғри бўлади.

– Ток новдаларини бог пичоғи ва оддий пичоқ билан, яна кўп усуллар билан кесиш мумкинми?

– Албатта.

– Аммо бунинг учун ясалган махсус тоққайчидан ташқари ҳеч нарса билан унчалик яхши кесолмайсан.

– Бу тўғри.

– Шуни тоққайчининг белгиланган вазифаси, деб ҳисоблаймизми?

– Ҳисоблаймиз.

– Ўйлайманки, энди сен менинг яқинда берган саволимни яхшироқ тушунасан: кимдир ҳар бир нарсадан фақат

унинг ёрдамида ёки, ундан фойдаланиб, бошқа нарсдан фойдалангандагига қараганда яхшироқ бажарадиган иши ҳар бир нарсанинг белгиланган вазифаси бўлмайдими?

– Тушунаман. Менимча, ҳар бир нарса (ашё)нинг вазифаси айнан шу бўлади.

– Дуруст. Токи ҳар бир нарсанинг ўз белгиланган вазифаси бор экан, у ҳолда унинг ўз фазилатлари ҳам бор. Мисолларимизга қайтайлик: кўзнинг белгиланган ўз вазифаси борми?

– Бор.

– Демак, кўзнинг ўз фазилати ҳам борми?

– Бу ҳам бор.

– Қулоқларнинг ҳам вазифалари борми?

– Бор.

– Демак, ўз фазилати бор.

– Бошқа ҳамма нарсалар (ашёлар) борасида ҳам шундай эмасми?

– Шундай.

– Тўхта-чи, агар кўзда унга хос фазилатлар ўрнига фақат камчиликлар бўлса, бу кўз ўзи учун белгиланган вазифани яхши адо эта оладими?

– Қандай қилиб! Кўриш ўрнига бутунлай кўрлик ҳақида гапираётганга ўхшайсан.

– Ҳа, кўриш қобилияти кўзнинг фазилатидир. Аммо ҳозир мен бу ҳақда эмас, балки, кўз ўз вазифасини ўзига хос фазилатлари туфайли яхши бажарадими, камчиликлари билан эса – ёмон бажарадими – шуни сўрамоқдаман.

– Буни сен тўғри айтдинг.

– Қулоқ ҳам, ўз фазилатидан маҳрум бўлса, ўз вазифасини ёмон бажарадими?

– Албатта.

– Қолган бошқа нарсаларни ҳам шу қоидага бўйсундирамизми?

– Менинг-ча шундай қилиш керак.

– У ҳолда, энди мана бу масалани ҳам кўриб чиқ: руҳнинг, мавжуд нарсалардан ҳеч қайсиси ҳеч ҳам бажара олмайдиган,

b

c

d

бу унинг вазифаси, деб айтса бўладиган қандайдир вазифаси, масалан, ғамхўрлик қилиш, бошқариш, маслаҳат қуриш ва шунга ўхшашлар борми?

Буларнинг ҳаммасини (яъни ғамхўрлик қилишни, бошқаришни. – *Тарж.*) тўла ишонч билан бу унинг иши деса бўладиган, руҳдан бошқа бирор нарса борми?

– Албатта.

– Демак, руҳда ўзига хос қандайдир фазилат борлигини тан оламизми?

е – Тан оламиз.

– Ўзига хос фазилатдан махрум бўлиб, руҳ ўз вазифасини яхши бажара оладими ёки бу мумкин эмасми?

– Мумкин эмас.

– Демак, тубан руҳнинг бошқаруви (ҳукмдорлиги) ва ғамхўрлиги, албатта, ёмон бўлади, олижаноб руҳда эса буларнинг бари яхши рўёбга чиқади.

– Шундай бўлиши муқаррар.

– Аммо биз, руҳнинг фазилати – адолатдир, камчилиги эса – адолатсизликдир, деб тан олгандик-ку!

– Ҳа, шундай, бўлганди.

– Демак, адолатли руҳ ва адолатли одам яхши яшайдилар, адолатсизлари эса – ёмон яшайдими?

– Сенинг мулоҳазаларингга қараганда, шунга ўхшайди.

354

– Аммо ким муносиб яшаса, ўша одам роҳат-фароғатда ва бахтли, кимки номуносиб яшаса, бунинг айни акси бўлади.

– Ҳа, бошқача бўлиши мумкин эмас.

– Демак, адолатли (одам) бахтли, адолатсиз эса – разил, манфурдир.

– Шундай бўла қолсин.

– Бахтсиз бўлишдан наф борми? Бахтли бўлиш бошқа гап.

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Бундан келиб чиқадики, Фрасимах, сен – ғаройиб одамсан – ҳеч қачон адолатсизлик адолатдан фойдалироқ бўлмайди.



— Сукрот, бу фикрингни ўзинга берарсин.

— Сен мулойим бўлиб қолдингми ёки жаҳл қилишдан тўхтадингми Фрасимах, фикримни ўзимга қолдирмоқдасан. Айтиш керак-ки, мен ҳали баҳсга унча тўймадим, аммо бу сенинг эмас, менинг айбим. Дастурхонга қанча нарса қўйилса ҳам ширинтомоқлар, гарчи аввалгисига тўймаган бўлсалар-да, татиб кўриш учун ҳар бир таомга ташланганларидек, менимча, мен ҳам шундай қилдим: аввал мулоҳаза қилганимизга жавоб топмай туриб, яъни адолат нима деган саволга жавоб топмай, уни қолдириб, у камчилик ва жоҳиллик бўладими ёки донишмандлик ва эзгуликми (деган масалани) текширишга ошиқдим. Кейин эса, гўё адолатсизлик адолатдан фойдалироқ деган фикрга дуч келганимда, мен у масаладан бу масалага ўтишдан ўзимни тиёлмадим. Шундай бўлдики, мен бу суҳбатдан ҳеч нарса ололмадим. Мен адолат нима эканлигини билмаганимдан кейин, унда фазилатлар борми ё йўқлигини, унга эга бўлган одам бахтсизми ёки, аксинча, бахтлими, билишим қийинга ўхшайди.

b

c

ИККИНЧИ КИТОБ

Мен, менинг бундай сўзларимдан кейин суҳбатни давом эттиришим ортиқча, деб ўйлаган эдим, аммо аслида бу – суҳбатнинг дебочаси бўлиб чиқди. Ҳеч кимдан чекинмайдиган Главкон ҳозир ҳам Фрасимахнинг муҳокамадан бош тортаётганига чидаб туролмади-да, бундай деди:

Адолат ва адолат-сизлик (давоми) – Сукрот, гўёки бизнинг фикримизни ўзгартириб, ишонтиришга эришганингдек туюлганим

б маъқулми ёки адолатли одам бўлиш ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатсиз бўлишдан кўра яхшироқ эканлигига дарҳақиқат ишонганимиз сенга маъқулми?

– Агар менга боғлиқ бўлса, албатта, ҳақиқатан ишонтиришни афзал билардим.

– Аммо сен ўзингга маъқул ишни қилмаяпсан. Менга айт-чи, бизга оқибати туфайли эмас, балки ўз-ўзича қимматли бўлган нарса маъқуллиги сенга неъмат бўлиб кўринадими? Масалан, худди қувонч ёки қандайдир оддийгина ҳузур каби – улар кейинчалик ҳеч нарса бермаса-да, одамни қувонтиради.

– Хусусан менга у (неъмат) худди шундай нарса бўлиб туюлади.

с – Сўнгра. Биз ҳам ўз-ўзича, ҳам оқибатлари учун қадрлайдиган нарса-чи? Масалан, идрок, кўриш, соғлиқ ва биз учун қимматли барча нарсани шу иккала сабаб бўйича неъмат деб ҳисоблайсанми?

– Ҳа.

– Гаркибига бадантарбия, беморларга қараш, даволаш ва бошқа даромади машғулотлар кирадиган яна қандайдир учинчи хил неъматга ҳам эътибор берасанми? Улар биз учун фойдали бўлса ҳам, машаққатли эканлигини тан олган бўлардик. Улар билан шунчаки шуғуланмаган бўлардик, аммо улар учун ҳақ тўланади ва бошқа турли афзалликлар берилади.

– Неъматнинг бундай учинчи тури ҳам мавжуд. Нима бўлибди?

– Сен адолатни неъматнинг қайси хилига тааллуқли дегсан?

– Мен ўйлайманки, ҳам ўз-ўзича, ҳам ўз оқибатига кўра одамга, агар у бахтга интиладиган бўлса, қимматли бўладиган энг гўзалига.

– Кўпчилик эса бошқача фикрда ва уни машаққатли турга киритадилар, фақат мукофот, хурмат ва шуҳрат қозониш учун у билан шуғулланиш мумкин, деб ҳисоблайдилар унинг ўзи эса гўё ўз-ўзига шунчалик қийинки, яхшиси ундан қочган маъқулдир.

– Мен бундай фикрни биламан; Фрасимах неъматнинг ушбу хилини ёмонлаётгани ва адолатсизликни юқори қўётгани бежиз эмас. Аммо мен бефаҳмга ўхшайман.

– Тўхтаб тур, менга ҳам қулоқ сол – балки менинг сўзларимни маъқулларсан. Менимча, Фрасимах худди илонга ўхшаб, сенинг афсунингга жуда тез мойил бўлди, менинг эса масаланинг бу томонига ҳам, бошқа томонига ҳам исботларингдан кўнглим тўлмади. Мен, адолат ва адолатсизлик нима ва улар ўз-ўзларича инсон дилида бўлганларида қандай аҳамиятга эга бўлишларини эшитмоқчиман; тақдирлашлар ва оқибатларга келсақ, биз уларни бир четда қолдирамиз.

Агар сен эътироз билдирмасанг, мен бундай қиламан: мен яна Фрасимахнинг мулоҳазаларига қайтаман. Биринчидан, бундай одамлар адолат ва унинг оқибатларини қан-

дай тасаввур қилишларини айтаман; иккинчидан, барча одамлар буни ўз ихтиёрларига зид ўлароқ, неъмат эмас, худди заруриятдай амалга оширишларини эслатиб ўтаман; учинчидан, худди шундай қилиш кераклигини айтаман, чунки, ишонтириб айтишларига кўра, адолатсиз одамларнинг ҳаёти адолатли одамларнинг ҳаётидан анчагина яхшироқ ўтади. Хусусан менга, Сукрот, буларнинг ҳаммаси бутунлай бошқача туюлади, аммо мен ҳайронман, иккиланмоқдаман – Фрасимах ҳам, яна минглаб одамлар ҳам гапиравериб бошимни қотириб юборишди. Мен эса хоҳлаганим нарсани – адолатнинг ҳимоясига далилни, яъни унинг адолатсизликдан яхши эканлигини – негадир ҳеч кимдан эшитмадим. Унинг (адолатнинг – *тарж.*) ўз-ўзича мақтовини эшитишни хоҳлар эрдим. Ўйлайманки, буни, айниқса, сендан эшитишим мумкин – адолатсизликни ёмонлашни ва адолатнинг мақтовини сендан қандай эшитишни хоҳлашимни сенга билдириб қўйиш учун мен атайлаб адолатсиз ҳаётни мақтайман. Сен менинг таклифимга розимсан?

– Мутлақо. Оқил одам учун бундай мавзу ҳақида тез-тез суҳбат қуришдан ҳам лаззатлироқ бирор нарса бормикин?

– Жуда яхши. Мен аввал эслатган нарса ҳақидаги, яъни адолат нимадан иборат ва у қаердан келиши ҳақидаги гапларимга қулоқ сол.

359 Адолатсизлик қилиш, одатда, яхши бўлади, уни бошдан ўтказиш эса ёмон бўлади, дейишади. Аммо адолатсизликни бошдан кечиришдаги ёмонлик, уни қилаётганида бўлаган яхшиликка қараганда анча кўп. Шунинг учун, одамлар ундан ҳам, бундан ҳам татиб кўргач, яъни адолатсизлик қилганларида ҳам, адолатсизликдан азият чекканларида ҳам улар, биридан қутулишга ва бошқасига риоя қилишга кучлари етмаганидан, ҳам адолатсизлик қилмаслик, ҳам ундан дард чекмаслик учун бир-бирлари билан келишишни мақсадга мувофиқ, деб топдилар. Қонунчилик ва ўзаро шартнома худди шундан бошланган. Қонун белгилаган

нарсалар қонуний ва адолатли деган номни олди – адолатнинг бошланиши ва моҳияти шундай. Шундай қилиб, у (адолат) ўртача жойни олади – зеро, жазосиз қолиб туриб адолатсизлик қилиш ҳаммасидан яхши, жавобини беришги кучинг етмаганида адолатсизликни бошдан кечириш – ҳаммасидан ёмондир. Адолат эса ана шу икки қирғоқнинг ўртасида жойлашган ва у неъмат бўлгани учун эмас, балки уларни адолатсизлик қилишга қодир бўлмаганликлари учун одамлар уни қадрлайдилар ва шу билан қаноатланишга тўғри келади. Кимнинг адолатсизлик қилишга кучи етса, яъни қимқи ҳақиқий эркак бўлса, унинг хаёлига адолатсизлик қилиш ёки адолатсизликни бошдан кечириш мумкин эмаслиги ҳақида шартнома тузиш келмайди – фақат у ақлдан озсагина шундай қилиши мумкин. Сукрот, адолатнинг табиати шундай – ёки тахминан шундай ва ушбу мулоҳазага кўра, у шу сабаб туфайли пайдо бўлган.

Адолатга риоя қилувчилар унга ўз ихтиёрлари билан эмас, балки адолатсизлик қилишга кучлари етмаганидан риоя қилишларини, фикран бундай қилсак, осонгина билиб оламиз: ҳар қандай одамга, адолатлига ҳам, адолатсизга ҳам хоҳлаган ишни қилишига тўла эрк берамизда, кейин унинг майллари қаерга олиб боришини кузатиб борамиз. Биз адолатли одамни жиноят устида қўлга туширамиз: адолатсиз одам нима қилса, у ҳам шуни қилишга тайёр бўлади – бунинг сабаби ғараздир, унга ҳар қандай табиатли одам яхшиликка интиландай интилади ва фақат қонун ёрдамида уни зарурий меъёрга риоя қилишга мажбур этадилар.

Агар одамларда Лиднинг ажодди қачонлардир эга бўлган қобилият бўлганида, мен айтганимдек, уларда ҳар қандай иш қилишга тўла имконият бўлар эди. У чўпон бўлган ва Лидиянинг ўша замондаги ҳокими қўлида батрак (ёлланма ишчи) бўлган; бир кун, қаттиқ ёмғир ёғиб, зилзила бўлганида, у пода боқиб юрган ерда ёриқлар пайдо бўлибди. У қизиқсиниб ёрилган жойга тушади ва, айтишларича, у ерда

турли ғаройиботларни, шулар қатори ичи ковак, дарчала-ри бўлган мис отни кўради. Унинг ичига қараб, бўйи одам бўйидан узунроқ бўлган мурдага кўзи тушади. Мурданинг устида ҳеч нарса йўқ, фақат қўлида олтин узук бор эди, холос. Чўпон уни олади-да, ташқарига чиқади. Поданинг аҳволи ҳақида подшоҳга ҳисобот бериш учун чўпонлар ҳар ойда йиғиладиган кун келганида, у ҳам ўша ерга боради, унинг бармоғида эса узук бор эди. Шундай қилиб, у чўпон-лар орасида ўтирганида бехос узукнинг кўз томонини каф-ти томонга айлантиради ва шу заҳотиёқ у кўринмас одамга айланиб қолади, унинг ёнида ўтирганлар эса унинг ҳақида бу ерда йўқ одам ҳақида сўз юритгандек гапирадилар. У ҳайрон бўлади ва узукнинг кўзини ташқи томонга айлан-тиради-ю сал айлантериши билан яна кўринадиган бўлиб қолади. Бунга эътибор берган чўпон, узук ҳақиқатан ҳам шундай хусусиятга эгами ёки йўқлигини текшира бошлай-ди ва ҳар гал узук кўзини кафти томонга айлантирганида кўринмас бўлиб қолар, узук кўзини ташқарига айлантирга-нида – кўринадиган бўлар эди.

Буни тушуниб, у шундай иш қиладики, натижада подшоҳ ҳузурига юбориладиган хабарчилар қаторига киритилади. Подшоҳга яқин бўлиб олиб эса, унинг хотинини йўлдан уради, малика билан биргаликда подшоҳга суиқасд уюшти-ради, уни ўлдиради ва ҳокимиятни қўлга олади.

Агар бундай узук иккита бўлиб, биттаси адолатли одам қўлида, бошқаси эса адолатсиз одам қўлида бўлганида, у ҳолда, тахмин қилиш мумкинки, улардан ҳеч бири адолатли бўлиб қолиш ва бошқаларнинг мулкани тортиб олишдан ўзини тийиб, унга (ўша мулкка – тарж.) қўл теккизмаслик учун унчалик қаттиқ турмаган бўлар эди, гарчи унисининг ҳам, бунисининг ҳам ҳеч хавфсирамай бозор майдонида-ги ҳар қандай нарсани олиш, уйларга бостириб кириш ва хоҳлаган одами билан қўшилиш, ўлдириш, хоҳлаган одами-ни қамоқдан озод қилиш – умуман одамлар орасида ўзини

худди худодай тутиш имкониятлари бўларди. Бу йўсинда иш тутиб, узукларнинг эгалари бир-биридан ҳеч ҳам фарқ қилмасдилар: уларнинг иккалалари ҳам бир хил (адолатсиз) иш қилган бўлардилар. Ҳеч ким ўз ихтиёри билан адолатли бўлмаслигига, фақатгина мажбур қилиш орқали адолатли бўлишига энг кучли далил, исбот деб мана шуни тан олиш зарур, токи, ҳар бир одам адолатни ўз-ўзича (адолат сифатида – тарж.) неъмат деб ҳисобламас экан, имкон бўлган жойда адолатсизлик қилади. Зеро, ҳар қандай одам кўнглида адолатга қараганда адолатсизликни кўпроқ фойдали деб ҳисоблайди ва ким бундай нуқтаи назарни ҳимоя қилса, ўшанинг фикрини тўғри дейди. Агар бундай ҳокимиятга эга бўлиб олган одам қачондир адолатсиз иш қилишни хоҳламаса ва ўзганинг мулкига қўл теккизмаса, гарчи одамлар – ўзлари жабр чекиб қолишлари мумкинлиги хавфи остида бир-бирлари ҳузурларида уни ёлғондан мақтай бошласалар ҳам, буни сезган ҳамма одамларга у жуда ҳам ожиз ва ақлсиз бўлиб туюлади. Тўғриси шу.

Биз сўз юритаётган одамларнинг ҳаёт тарзини баҳолашга келсак, буни фақат энг адолатли одам билан энг адолатсиз одамни таққослаганимиздагина тўғри фикр юритишимиз мумкин, акс ҳолда тўғри фикр юрита олмаймиз.

Бу таққослаш нимадан иборат бўлади? Мана бундан: адолатсиз одамдан адолатсизликнинг биронта ҳам ҳислатини, адолатлидан эса – адолатлиликнинг биронта ҳислатини бартараф этиб бўлмайди, шундай қилиб, унисининг ҳам, бунисининг ҳам одатини биз мукамал ҳолатга келтирамиз. Шундай қилиб, аввало, адолатсиз одам моҳир усталар сингари иш тутсин: маҳоратли дарға ёки шифокор ўзининг ишида нима мумкин ва нима мумкин эмаслигини билади – бирини амалга оширишга қўл уради, бошқасидан ўзини тияди: бунинг устига, у ўзининг тасодифий хатосини тузатиб олади. Адолатсиз одамда эса – у шундай бўлиш ниятида бўлганидан кейин – унинг адолатсиз ишларидаги энг яхши

усул энг ичида иш юритишдир. Агар уни ушлаб олсалар, демак, у ожиз. Зеро, адолатсизликнинг сўнгги юқори даражаси – адолатли бўлмай туриб, адолатли бўлиб туюлишдир. Шундай қилиб, мутлақо адолатсиз одамга, адолатнинг биронта ҳам хислатидан маҳрум этмай, баркамол адолат бахш этмоқ керак; кимки энг буюк адолатсизлик қилса, ўша одам адолат соҳасида ўзи учун энг буюк шуҳрат қозонишни тайёрлаб қўйишига йўл қўймоқ керак: агар у нимададир адашса ҳам, тўғрилаш қўлидан келади. У гапга чечан бўлиб, агар унинг адолатсиз ишларидан нимадир ошкор бўлиб қолса ҳам, одамларнинг фикрини ўзгартириш унинг қўлидан келади. Зарурат талаб қилса, зўравонлик, зулм қилишдан ҳам қайтмайди, чунки у ҳам жасоратли, ҳам кучли, бундан ташқари, у дўстлар ва бойлик орттирган.

Адолатсиз одамни ўзимиз учун шундай тасаввур қилиб, биз ўз мулоҳазаларимизда адолатли одамни, яъни айёрликни билмайдиган ва олижаноб, Эсхилда айтилганидек, яхшига ўхшаган одамни эмас, яхши бўлишни истаган одамни унга қарама-қарши қўямиз. Бу ерда хўжакўрсинчиликни йўқотиш керак. Чунки у хўжакўрсинга адолатли бўлса, унга иззат-икром кўрсатилади ва совғалар олиб келинади; зеро, у ҳаммага худди шундайга ўхшаб кўринади ҳамда у адолат учун шундайми ёхуд совға-саломлар ва иззат-икромлар учун шундайми – мавҳум бўлиб қолади. Шунинг учун, унда фақат адолатни қолдириб, бошқа ҳамма нарсани олиб қўйиш ва уни ўша биринчи одамнинг мутлақо зиддига айлантириб қўйиш зарур. Адолатлилик синовига дучор бўлиш ҳамда (унинг тўғрисида) ёмон овоза тарқалиши ва бунинг натижасида нималар рўй беришига бепарво эканлигини исботлаш учун, у тубан адолатсизликлар қилмасдан, бениҳоя адолатсиз одам сифатида шуҳрат топсин. У сўнгги нафасигача оғишмай ўз йўлидан борсин, ҳаётлиги давомида адолатсиз ҳисоблансин, гарчи аслида адолатли бўлса ҳам. Ва улар ниҳоят охиригига нуктага, бири – адолатнинг,

бошқаси – адолатсизликнинг охирги нуқтасига (чегарасига) етганларида, уларнинг қай бири бахтлироқ эканлиги ҳақида фикрласа бўлади.

– Оҳ, азизим Главкон, – дедим мен, – биз ҳукм юритишимиз учун бу икки одамдан ҳар бирига худди ҳайкални силқлагандек роса жило бердинг-ку!

– Қўлимдан келганича ҳаракат қилдим, – жавоб берди Главкон, – ростки улар шундай эканлар, у ҳолда, мен ўйлайманки, мулоҳаза қилиш йўли билан уларнинг ҳар бирини қандай ҳаёт кутаётганини аниқлаш қийин бўлмайди. Шунини айтиб қўйиш керакки, агар бирмунча кескинроқ бўлиб чиқса, у ҳолда, Суқрот, буни мен эмас, адолат ўрнига адолатсизликни мақтайдиганлар айтишган, деб ҳисоблагин. Улар айтадиларки, бундай адолатли одам дарра уриб жазоланади, уни қаттиқ қийноқларга соладилар, кишанлаб қўядилар, унинг кўзларига мил тортадилар, охир-оқибатда, турли азоблардан кейин, уни қозикқа ўтқизадилар, шунда у, адолатли бўлиш эмас, фақат адолатли бўлиб туюлиш мақбул эканлигини билиб олади. Айтиш керакки, Эсхилибораси адолатсиз одамга нисбатан қўлланилса, бирмунча тўғри бўлади. Зеро, ҳақиқатан ҳам, адолатсиз одам ҳақиқатга бегона бўлмаган иш билан шуғулланади, шуҳрат учун яшамайди, адолатсиз бўлиб туюлишни эмас, балки аслида ҳам шундай (адолатсиз) бўлишни хоҳлайди, деб айтишлари аниқ:

*Ўз ақлини (ер ҳайдагандек) ҳайдаб юмшатди,
Ундан доно қарорлар ўсиб чиқажак.*

Адолатли бўлиб кўрингани учун, аввало, давлат ҳокимияти унинг қўлига ўтади, кейин ўзи хоҳлаган оиладан уйланади, ўз қизларини ўзи хоҳлаган одамга узатади, ўзига маъқул одамлар билан алоқа боғлайди ва мулоқотда бўлади, бунинг устига буларнинг ҳаммасидан яна

е

362

b

фойда ҳам топади, чунки у адолатсизликдан ҳеч ҳам жирканмайди. Агар шахсий ёки ижтимоий баҳсга киришишга тўғри келса, унинг қўли баланд келади ва ўз душманларини енгади, уларни енггач эса янада бойиб кетади, ўз дўстларига хайрли ишлар қилади ва душманларини таъқиб этади, худоларга у жуда кўп ва ҳашаматли қурбонликлар қилади, яъни худоларга ва одамлар орасидан кимни хоҳласа ўшанга адолатли одамга қараганда анчагина яхшироқ ҳурмат-эҳтиром кўрсатади, шундай қилиб, ҳар ҳолда, адолатли одамларга қараганда кўпроқ у худоларга маъқул бўлиши эҳтимоли бор. Сукрот, худолар тарафидан ва одамлар тарафидан адолатли одамга қараганда адолатсиз одамга яхшироқ ҳаёт тайёрлаб қўйилганлиги ҳақидаги тасдиқланган фикр мана шу нарса (яъни юқорида айтиб ўтилганлар – *тарж.*) билан асосланади.

Главкон сўзини тугатганида, унга эътироз билдириш учун фикримни жамлаган эдим, аммо унинг биродари Адомант менга бундай деб мурожаат қилди:

– Сен, Сукрот, албатта, айтилган гаплар баҳсли масала-ни ҳал қилади, деб ҳисобламассан?

– Нима демоқчисан?

– Айтилиши керак бўлганидан асосийси айтилмай қолди.

– Демак, «Биродар, биродарингга ёрдам бер» мақолига кўра, Главкон бирор нарсани айтмаган бўлса, сенинг ишинг унга ёрдам беришдир. Калтак еган бўлиб қолиш ва адолатга ёрдам кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўлиш учун менга унинг айтганларининг ўзи ҳам етарли.

– Гапинг қуруқ сафсата, – деди Адимант, – аммо мана бунга ҳам қулоқ сол: Главконнинг айтганларига зид бўлган ва адолат маъқулладиган ҳамда адолатсизлик ёмонладиган далилларни ҳам биз муҳокама этишимиз керак, шунда, менимча, Главконнинг нияти равшанроқ бўлади. Оталар ҳам, ўз ўғилларига адолатли бўлиш керак, деб айтган ва уқтирган пайтларида ҳамда кимларгадир васийлик қилади-

ганларнинг ҳаммаси ҳам, адолатли деб ҳисобланган одамга давлат мансаблари ҳам, никоҳдаги фойдалар ҳам, яъни ҳозир Главкон яхши ном соҳиби (гарчи адолатсиз бўлса-да) бўлган одам ҳақида гапирганида эслатган барча нарсалар ҳам муяссар бўлиши учун, адолатнинг ўзини эмас, балки унга боғлиқ бўлган эзгу номни маъқуллайдилар. Бу одамлар эзгу номнинг яна бошқа афзалликларини ҳам кўрсатиб ўтадилар. Улар айтадиларки, худоларнинг хайрихоҳлигига ноил бўлган одамлар улардан (худолардан – тарж.) эзгулик оладилар, улар, бу яхшиликларни худолар муттақий, ҳудожўй одамларга тўхфа этадилар, деб ҳисоблайдилар. Бу ҳақда Гесиоддай улуғвор шоир, яна Гомер ҳам айтиб ўтган. Гесиод бўйича, ҳақиқатгўйлар учун худолар эманларни яратганлар, токи

b

*Тенасидан чўчқаёнгоқ, ўртасидан бол берсин деб;
Кўйлар ажаб қалин юнг билан юкли бўлганлар.*

Худолар бунга қўшимча қилиб яна кўп неъматлар яратганлар. Гомерда ҳам деярли шунинг ўзи:

*Сен покдомон подшоҳга ўхшашинг мумкин,
Худодан кўрқувчи [ва кўп одамларнинг қудратли хукмдори],
У ҳақиқатгўй, унинг вилоятларида серҳосил
Жавдар ва арпа ва тарик, мевалардан дарахтлар
Шохи эгик, яйловда чорва кўпаяр, сувларида балиқ сероб...*

c

Мусей ва унинг ўғли эса, худолардан ҳақиқатгўйларга янада ажойиброқ неъматларни, фаровонликларни раво кўрадилар. Уларнинг ҳикояларида, мўминлар Аидга тушганларида, уларни юмшоқ ўриндиқларга ўтқизадилар, бу муттақий одамларга базмлар уюштирадилар ва шундай қиладиларки, улар қолган вақтларини бошларида чамбар билан сархуш ҳолатда ўтказадилар. Эзгу иш учун энг гўзал мукофот – абадий сармастлик, деб ҳисобласа керак Мусей.

d

Бошқа таълимотларга кўра, худолар ҳада этадиган мукофотлар янада узоқ давом этади: художўй ва қасамига содиқ одамдан кейин унинг болаларининг болалари ва барча авлоди қолади. Мана шунинг учун – ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар учун ҳам – улар адолатни васф этадилар. Виждонсиз ва ҳақиқатгўй бўлмаган одамларни улар Аиддаги қандайдир ботқоқликка тушириб, ғалвирда сув ташишга мажбур этадилар. Бундай одамлар ҳаётликларида ҳам ёмон ном топадилар: Главкон адолатсиз деб донг чиқарган адолатли одамлар ҳақида гапириб эслатгани ўша жазо бўлади. Адолатсиз одамлар билан худди шу нарса рўй беради. Булар ҳақида айтиладигани шунинг ўзидир. Уларга ва бошқаларга мақтов ва танбеҳ шундайдир.

e

Бундан ташқари, Сукрот, адолат ва адолатсизлик борасида, оддий гапларда ҳам, шоирларда ҳам учраб турадиган бошқа фикрларни ҳам кўриб чиқ. Улар мулоҳазалилик ва адолат – гўзал бир нарса, аммо шу билан бирга машаққатли ва қийиндир, бебош ва адолатсиз бўлиш эса осон ва шу ёқади, фақат умумий фикрлар ва қонун туфайли бу нарса уятли ҳисобланади, деб бир овоздан таъкидлайдилар. Айтадиларки, адолатсиз хатти-ҳаракат адолатли ишларга қараганда мақсадга мувофиқроқдир; одамлар разилларни, агар улар бой ва нуфузли бўлсалар, ижтимоий ҳаётда ҳам, шахсий рўзғорда ҳам бахтли деб ҳисоблаш ва ҳурмат қилишга ҳамда қандайдир ожиз фақирларни, уларнинг бойлардан яхши эканликларини тан олиб турсалар-да, менсимаслик ва улардан жирканишга осонликча мойил бўладилар.

364

b

Буларнинг орасида худолар ва эзгулик борасида айтиладиган нуқтаи назарлар – гўёки худолар ҳам кўпгина яхши одамларга бахтсизлик ва ёмон ҳаётни, уларнинг зидди бўлган одамларга эса – аксини раво кўрадилар, деган нуқтаи назарлар жуда ғалатидирлар. Мискин кароматгўйлар бойларнинг остонасида ивирсиб юрадилар, улар, гўёки худо-

c

лардан олган, биронталарининг ёки уларнинг аждодларининг бўйнида бўлган айбни қурбонликлар ва афсунлар билан ювиб ташлаш қобилиятига эгалигига ишонтирадилар, қарангки, бу иш жуда хуш ёқадиган тарзда, байрамлар асносида қилинди. Агар кимдир ўз душманига зарар етказмоқчи бўлса, у ҳолда озгина сарф-харажат билан у адолатсиз одамга қанча зарар етказадиган бўлса, адолатли одамга ҳам шу даражада зарар етказиши мумкин; улар, қандайдир афсунлар ва тугунлар ёрдамида худоларни ўзларига хизмат қилишга мойил этишларига ишонтирадилар. Буларнинг ҳаммасининг исботи учун ёмонликка эришиш осон эканлиги ҳақида шоирлар бундай шаҳодат берадилар:

*Одамларга ёмонликни танлаш имконияти кўп ва
осон берилган*

d

Бунинг йўли равон ва манзили яқиндир.

*Жасорат остонаси этиб меҳнатни тайин қилмиш
худолар,
унга борадиган йўл ҳам машаққатли, ҳам хавфли.*

Одамлар худоларни мойил этишга қодир эканликларига далил қилиб, Гомерга мурожаат этадилар, чунки у ҳам «худолар ҳам кўнувчидирлар» деган:

*Аммо боқий худоларни ҳам хушбўй нарсалар, мулойим
дуо билан,*

*Шароб қуйиши ва куйдирилайтган қурбонлик ёғи билан,
Улар олдида айбдор ва гуноҳкор илтижо қилувчи банда
юмишатади.*

e

Айтишларича, қоҳинларнинг қўллари остида Селена ва Музаларнинг авлодлари бўлмиш Мусей ва Орфейнинг тўптўп китоблари бор, улар ўзларининг маросимларини шу китоблар бўйича ўтказадилар, бу билан улар нафақат ай-

365

рим шахсларни, балки, ҳатто, бутун-бутун халқларни гўёки ҳали тириклар учун ҳам, вафот этганлар учун ҳам ёмонлик, офатдан қутулиш ва покланиш бор, деб ишонтирадилар: у (қутулиш ва покланиш – тарж.), улар сирли ибодатларга бағишлов деб атайдиганлари қурбонликлар ва кўнгилга хуш келадиган эрмаклардан иборатдир; у бизни гўёки нариги дунё азобларидан қутқаради, қурбонлик қилмаганларни эса бало-офатлар кутади.

Қадрдоним Суқрот, эзгу иш ва ахлоқсизлик борасида ва улар одамлар ҳамда худолар томонидан қандай баҳоланиши ҳақида бундай нарсалар беҳисоб кўп! Ёшларнинг диллари буларнинг таассуроти остида нима қилиши керак, деймиз биз? Ўзларининг яхши табиий қобилиятлари борлигига қарамай, худди (қушлар) тузоққа қўйилган хўракка учиб келганидай, улар бундай ҳикояларга учиб келадилар ва ўз ҳаёт йўлини имкони борича яхши босиб ўтиши учун одам қандай бўлиши ва у қандай йўналишни танлаши кераклиги ҳақида ўша ҳикоялар бўйича хулоса чиқарадилар.

б Йигитнинг Пиндарга ўхшаб, ўзига ўзи савол бериши эҳти-моли бор:

*Ҳақиқат бирла кўтарилайми олий қасрга
Ёки алдаш ва эгрилик билан –*

ва уларнинг (алдаш ва эгриликнинг – тарж.) ҳимоясида ҳаёт кечирайми? Бу ҳикояларга қараганда, агар мен адолатли бўлсам – мени эса бундай деб ҳисобламайдилар – ишонтириб айтишларича, менга бундан ҳеч қандай наф бўлмайди, фақат машаққатлар тортаман ва аниқ зиён кўраман. Адолатли деган ном қозонган адолатсиз одам эса, таъкидлашларича, ажойиб ҳаёт кечиради. Бундан маълум бўладикки, донишманд одамлар менга тушунтирганларидек, токи хўжакўрсинга қилинган иш (зоҳирий кўриниш),

с ҳатто, ҳақиқатан ҳам кучлироқ бўлиб чиқар экан ва фаро-

вошликнинг асосий шарти бўлиб хизмат қилар экан, мен бор эътиборимни худди шунга қаратишим керак бўлади: аввало, мен нимадир қилиб яхшилик (эзгулик)нинг чиройли сурати билан ўзимни ихоталаб олишим зарур ва унинг ортидан донишманд Архилохнинг эпчил ва тутқич бермас тулакисини олиб ўтишим керак. Аммо, кимдир, ўз ахлоқсизлигини доим ҳам яшириб бўлмайди, дейди. Зеро, буюк нарсаларнинг ҳеч бири меҳнат-машаққатсиз бўлмайди, деб жавоб берамиз биз. Шундай бўлса ҳам, агар биз бахт-саодат, фаровонликка интиладиган бўлсак, ушбу мулоҳазалар олиб борадиган йўл билан юришимиз керак. Бу сир бўлиб қолиши учун биз уюшмалар ва жамиятлар тузамиз; ишонтириш санъатида устозлар ҳам мавжуддир, улардан ҳакамлик билимдонлигини ва халқ йигинларида фаолият кўрсатиш маҳоратини ўрганиш мумкин: шундай қилиб, биз доимо устун бўлиш ва жазодан қутулиб қолиш учун, гоҳ ишонтиришни, гоҳ зўравонликни қўллаймиз.

Лекин дейдилар бизга, худолардан на беркиниб бўлади, на уларга куч ишлатиб (зўравонлик қилиб) бўлади. Агар худолар мавжуд бўлмасалар ёки улар инсонларнинг ишлари ҳақида ҳеч ғамхўрлик қилмасалар, у ҳолда бизга ҳам улардан яшириниш ҳақида ғам ейишга ҳожат қолмайди. Агардаки худолар мавжуд бўлсалар ва бизнинг ҳақимизда ғамхўрлик қилсалар, бу ҳақда биз ривоятлардан ва худоларнинг шажарасини баён қилган шоирлардангина эшитганмиз. Аммо ўша манбаларнинг ўзлари қурбонликлар, «мутеларча дуолар» ва тухфалар билан ўз томонимизга жалб этиш орқали худоларни фикрларидан қайтариш мумкинлигини тасдиқ этадилар. Бу ўринда ё унисига ҳам, бунисига ҳам ишониш, ёки умуман ишонмаслик керак бўлади. Агар ишониладиган бўлса, у ҳолда аввал адолатсиз бўлмоқ керак, кейин эса ўзининг адолатсиз ишлари учун худоларга қурбонликлар қилиш керак. Зеро, биз адолат йўлини тутиб, ҳақиқатда худолар томонидан жазоланмаймиз, аммо адолатсизлик

d

e

келтириши мумкин бўлган фойдадан маҳрум бўламиз. Адолатсизликка риоя қилиш эса бизга фойдалидир, бизнинг жиноятларимиз ва хатоларимизга келсак, қаттиқ илтижолар билан худоларни фикрларидан қайтарамиз ва жазодан қутулиб қоламиз. Бироқ Аида (дейдилар бизга) ё бизнинг ўзимизни, ёки болаларимизнинг болаларини бу дунёда қилган адолатсиз ишларимиз учун жазо кутади. Дўстим, шундай бўлса ҳам, дейди эҳтиёткор одам, худди шу ўринда сирли ибодатларга багишловлар ва халоскор худолар буюк куч-қудратга эгадирлар, энг катта давлатлар ҳам, худоларнинг шоир ва пайгамбар бўлиб қолган болалари ҳам худди шунга риоя қиладилар: улар иш худди шундайлигини кўрсатадилар.

b

Биз қайси асосда ўзимизга ўта адолатсизлик ўрнига адолатни танлардик? Зеро, агар биз мунофиқона одоб қўшилиб кетган адолатсизликка эришсак, бизнинг хатти-ҳаракатларимиз ҳам, худолар ҳам ҳаётлигимизда, вафот этганимиздан кейин ҳам ақлга тўғри келади – кўпчилик буюк одамларнинг нуқтаи назарлари ана шундай. Ушбу айтилган

c

сўزلардан кейин, Суқрот, руҳий ва жисмоний куч соҳиби бўлган, бой ва аслзода одам адолатни кўкка кўтараётганларини эшитиб кулиб юбориш ўрнига, адолатни ҳурмат қилиши мумкинми? Биз ҳозиргина айтган гапларимизнинг ҳаммасини инкор қила оладиган кимса ҳам, ва, ҳатто, энг яхшиси – адолатдир деб қаттиқ ишонган кимса ҳам, табиатан илоҳий одамгина адолатсизликдан ғазабланиши, нафратланиши мумкинлигини ҳамда билим соҳиби бўлган одамгина ундан ўзини тийиши мумкинлигини идрок этиб, адолатсиз

d

одамларни кечиришга жуда мойил бўлади, умуман айтганда эса, ҳеч ким ўз ихтиёри билан адолатга риоя қилмайди: ҳар қандай одам ҳам ўзининг журъатсизлиги, қарилиги ёки яна қандайдир ожизлиги туфайли адолатсизликни қоралайди, яъни адолатсизлик қилишга кучи етмагани учун адолатсизлик қилмайди. Шундайлиги аниқ. Зеро, бундай



одамлардан қайси бири кучга кирса, у биринчи бўлиб, қўлидан келганича адолатсиз бўлади. Бизнинг мулоҳазаларимиз шундан келиб чиққан бўлса, бунинг сабаби ҳам ўшанинг ўзиндир. Шундай қилиб Фрасимах ҳам, мен ҳам, биз икки-юш, Сукрот, сенга бундай деймиз: «Сен ажойиб одамсан! Адолатни қадрловчи, эъзозловчилармиз дейдиганлар қанча бўлсангиз ҳам, дастлабки қаҳрамонлардан бошлаб – зеро, уларнинг кўпгина фикрлари сақланиб қолган – бизнинг замондошларимизгача ҳеч ким, ҳеч қачон адолатсизликнинг ўзини ёмонламаганлар ва адолатни мақтамаганлар, фақат улардан келиб чиқадиغان шон-шухрат, ҳурмат-эҳтиром ва тухфалар учун ёмонлаганлар ва мақтаганлар. Адолат ва адолатсизликнинг ўзини, уларга эгалик қилган кимсанинг қалбига таъсирини гарчи у (таъсир) худолар ва одамлардан ширин бўлса ҳам, ҳали ҳеч ким, ҳеч қачон на шеърларда, на олдий суҳбатларда етарли таҳлил қилмаган ва адолатсизлик тўғрисида бўлиши мумкин бўлган энг катта офат, бало, адолатсизлик – энг буюк яхшилиқ эканлигини ҳеч ким айтмаган. Агар бизлар бошидан шундай деганингизда ва бизни ёшлигимиздан бунга ишонтирганингизда, бизлар бир-биримизни адолатсиз ишлардан эҳтиёт қилишимизга эҳтиёж қолмас эди, ҳар ким агар адолатсизлик қилса, энг катта бало, офат, ёмонликнинг сафдоши бўлиб қолишдан қўрқиб, ўзининг кусусий соқчиси бўлиб қоларди».

е

367

Менинг назаримда, адолат ва адолатсизликнинг моҳиятини қўпол бузиб, Фрасимах – ёки яна кимдир – улар ҳақидаги шу гапни, балки ундан ҳам ортиқроқ гапни айтган бўлар эди. Аммо мен – сендан яширадиган фикр йўқ – сендан буни инкор этишингни сидқидилдан хоҳлайман, шунинг учун куйиниб сўзламоқдаман. Шундай қилиб, сен ўз жавобингда бизга фақат адолат адолатсизликдан яхшилигининг ўзини кўрсатиб қолмасдан, балки яна униси ҳамда буниси – ёмонлик ва эзгулик ўз-ўзича инсонга қандай таъ-

b

сир ўтказишини кўрсатиб бер. Главкон маслаҳат берганидай, адолат ва адолатсизлик ҳақидаги фикрларни баён этма. Зеро, сен иккала ҳолда ҳам ҳақиқий фикрларни сақлаб қолсанг, яна уларга сохталарини ҳам қўшадиган бўлсанг, у ҳолда биз сени адолатни эмас, адолатнинг юзаки, зоҳирий томонини мақтамоқдасан деймиз, сенинг танбеҳинг эса адолатсизликка эмас, балки унинг ҳақидаги фикрга тааллуқли, деб айтаемиз. Бундан келиб чиқадики, сен адолатсиз одамга яширинишни маслаҳат берасан ва Фрасимахнинг адолат – бошқа бировнинг эзгу иши, унинг, ўзининг шахсий адолатсизлиги яроқли ва мақсадга мувофиқ бўлган энг кучлига яроқли деган гапига қўшилмоқдасан. Адолат энг буюк эзгуликлар, яхшиликларга тааллуқли эканлигини ва бундан келиб чиқадиган нарсалар учун ҳам, ундан ҳам кўпроқ, уларнинг ўзлари учун ҳам – одамлар фикрича эмас, балки ўзининг табиати бўйича ҳақиқий бўлган кўриш, эшитиш, ақл, саломатлик ва бошқа турли яхшиликлар – уларга эга бўлиш кераклигини тан олганидан кейин, адолатнинг ана шу томонини мақтагин, агар инсон унга риоя қилса, у одамга ёрдам беради, адолатсизлик эса, аксинча, зарар келтиради, деб айт. Адолат пул ва шуҳрат билан тақдирланишини мақташни бошқаларга қўйиб бер. Шон-шуҳрат ва мукофотларни мақтаб ёки уларни ёмонлаб, адолатни васф этиб, адолатсизликни қоралаганида, бошқа одамларга чидайман, аммо сен шундай қилсанг чидамайман – агар талаб қилсанг бошқа гап – чунки сен умр бўйи бундан бошқа нарсани тадқиқ қилмагансан. Шундай қилиб, сен ўз жавобингда фақат адолат адолатсизликдан яхши эканлигининг ўзини кўрсатиб қолмай, балки униси ёки буниси ўз-ўзича (ўзлигича) инсонда мавжуд бўлганида – бу худолардан ва одамлардан яширилганми ёки йўқми, бари бир – яна нега улардан бири – эзгу иш, бошқаси эса – ёмонлик эканлигини ҳам бизга кўрсат.



Алмазнинг бу сўзлари, гарчи унинг ва Главконнинг табиий қобилиятларига доимо қойил қолган бўлсам ҳам, ушунда мени жуда хурсанд қилди.

Сизлар дарҳақиқат ўзингизнинг шавкатли отангизнинг уғлонларисиз, – дедим мен, – ва Мегара остонасидан жангда сизлар жасорат кўрсатганингизда Главконнинг мухлиси сизларга мурожаат қилиб айтган элигиянинг бошланishi яхши чиққан:

Шавкатли Аристоннинг илоҳий насли – унинг болаларидир.

Дўстлар, менимча, бу яхши. Гарчи нутқларингизда гўё адолатсизлик адолатдан яхши деб айтсангиз ҳам, бундай нуқтаи назарда турмас экансизлар, сизлар ҳис этаётган ҳолат илоҳий ҳолатдир. Назаримда, сизлар ҳақиқатан ҳам бундай фикрда эмассизлар. Сизнинг ўзингизни тутишингизга қараб шундай хулосага келдим, чунки мен сизнинг қуруқ сўзларингизга ишонмаган бўлар эдим. Аммо мен сизларга қанча кўп ишонсам, нима қилишга шунча кўп ҳайронман, сизларга нима билан ёрдам беришни билмайман ва ўзимнинг ночорлигимни тан оламан. Ушбу нарса менга белги бўлиб хизмат қилади: ўйлашимча, менинг Фрасимахга қарши адолат адолатсизликдан яхшилигини кўрсатиб турган далилларимни сизлар қабул этмадингиз. Бошқа томондан, мен ўзимнинг фикрларимни ҳимоя қилмай туrolмайман. Биро, токи сен нафас олиб турган экансан ва овоз чиқаришга кучинг етар экан, адолат оёқ ости қилинаётганида ҳозир бўла туриб, унга ёрдам беришдан қочиш, муртадлик, гуноҳини деб қўрқаман. Энг яхшиси – куч етганича унинг тарафини олишдир.

Шунда Главкон ва қолганлар ҳар қандай усул билан бўлса ҳам ёрдам бериш ва мулоҳазаларни ташлаб қўймай, аксинча, адолат ва адолатсизлик нима эканлигини ҳамда уларнинг ҳақиқий фойдалилиги қандай ҳолда эканлигини

синчковлик билан тадқиқ этишни сўрай бошладилар. Ва мен ўз фикримни айтдим:

– Биз амалга оширган тадқиқот – жуда муҳим иш, менимча, у фақат кўзи ўткир, синчков одамнинггина кўлидан келади. Бундай текширув ишларини олиб бориш учун биз, менимча, унчалик моҳир эмасмиз, бу худди кўзи унча ўткир бўлмаган одамларни майда ёзилган ҳарфларни узоқдан ўқишга мажбур этганга ўхшайди. Шу онда, улардан бири, қаердадир катта ёзувда ўша ҳарфларнинг ўзи йирик бўлиши мумкинлигини тушуниб қолади! Мен ўйлайманки, агар бир хилда бўлса, аввал йирик ҳарфлар ўқилса, сўнгра майдаси кўриб чиқилса, қандай ажойиб иш бўлар эди.

д – Албатта, – деди Адимант, – аммо адолатга тегишли бу изланишларда сен, Сукрот, қандай ўхшашликни назарда тутмоқдасан?

– Сенга айтаман. Бизнинг фикримизча, адолат бир одамга ҳам, баъзан эса бутун бир давлатга ҳам хос бўлади.

– Албатта.

– Давлат айрим бир одамдан катта-ку?

– Катта.

Хусусий адолатни билиш учун давлат тажрибасидан фойдаланиш – Катта нарсада, ҳар ҳолда, адолат ҳам катта ўлчовда бўлади ва уни ўшанда ўрганиш осонроқ.

369

Шунинг учун, агар хоҳласангиз, адолат нималигини аввал давлатларда тадқиқ этамиз, сўнгра худди шундай равишда уни оддий одамда ҳам кўриб чиқамиз, яъни кичик нарса катта нарсага нимаси билан ўхшашлигини кўриб чиқамиз.

– Менимча, бу яхши таклиф.

– Агар биз пайдо бўлаётган давлатни хаёлан тасаввур қилиб кўрсак, биз у ерда адолат ва адолатсизлик куртакларини кўрамиз, тўғрими?

– Шундай бўлса керак.

– Бунда биз истаётганни пайқаш осон бўлади, деган умид бор.

– Албатта.

– Менимча, бунга эришишга ҳаракат қилиб кўриш зарур. Уйлайманки, бу борада ишимиз бошимиздан ошиб ётибди. Ўзингиз ҳал қилинг.

Идеал давлатда талаб ва табиий иқтидорга кўра меҳнат тақсимоти

– Ҳал бўлди, – деди Адимант.

– Бошлайқол.

– Давлат, – дедим мен,

– ўйлашимча, бизнинг ҳар

биримиз ўзимизни ўзимиз қондира олмаганимизда, аммо ҳали кўп нарсага эҳтиёжманд бўлганимизда пайдо бўлади. Ўки бошқа бир нарсага боғлиқ дейсанми?

– Йўқ, бошқа ҳеч нарсага боғлиқ эмас.

– Шундай қилиб, ҳар бир одам, у ёки бу эҳтиёжини қондириш учун гоҳ у, гоҳ бу одамни жалб этади. Кўп нарсага муҳтожликдан биргаликда яшаш ва бир-бирига ёрдам бериш учун кўп одамлар бир бўлиб уюшадилар: ана шундай биргаликда тузилган манзилгоҳ бизда давлат номини олади, тўғрими?

– Албатта.

– Кел, – дедим мен, – хаёлан давлат қурилишини ибтидоидан бошлаб кўрамиз. Кўриниб турибдики, уни бизнинг эҳтиёжларимиз барпо этадилар.

– Шубҳасиз.

– Биринчи ва энг катта эҳтиёж – яшаш ва тирикчилик қилиш учун овқат топишдир.

– Сўзсиз, шундай.

– Иккинчи эҳтиёж – турар жой, учинчиси кийим ва ҳоказо.

– Тўғри.

– Ўйлаб кўр, – дедим мен, – давлат ўзини қандай қилиб буларнинг ҳаммаси билан таъминлайди: кимдир деҳқон бўлиб, бошқа биров – бинокор бўлиб, учинчиси – тўқувчи бўлиб эмасми? Бунга биз яна қосиб ва жисмоний эҳтиёжларимиз учун хизмат қиладиган кимнидир ҳам қўшишимиз керакми?

– Албатта.

– Энг камида давлат тўрт ёки бешта одамдан иборат бўлмоғи зарур.

– Шундайга ўхшайди.

– Айт-чи, уларнинг ҳар бири ўз ишини ҳаммани ҳисобга олиб бажариши керакми? Масалан, деҳқон, гарчи ўзи битта бўлса ҳам, тўртта одамга ғалла етиштириши, тўрт баробар кўп вақт ва меҳнат сарф этиши ва ўзи етиштирган нарсадан бошқаларга ҳам ажратиб бериши керакми, ёки бошқаларга ғамхўрлик қилмай, бу ғалланинг фақат тўртдан бирини, ўзига етарлисини етиштириши ва бунинг учун ўзининг тўртдан бирича вақтини сарфлаб, қолган уч қисмини уй қуриш, кийим, пойабзал тикишга ишлатиши ҳамда бошқалар учун жон куйдирмай ҳамма нарсани ўз кучи билан ва ўзи учун қилиши керакми?

– Менимча, Сукрот, – деди Адимант, – бунга қараганда биринчиси осонроқ бўлади.

– Зевс билан онт ичаманки, бу ерда ажабланадиган ҳеч нарса йўқ. Сенинг, одамлар бир-бирларига унча ўхшамай туғилдилар, уларнинг табиатлари ҳар хил, шунинг учун улар у ёки бу нарсада турли қобилиятга эгалар, деб айтган сўзларингга олдин ҳам эътибор берган эдим. Сенинг фикринг шундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Яна нима десак экан? Ким яхши ишлайди – кўп санъатлар (ҳунарлар) эгасими ёки бир ҳунар эгасими?

– Бир ҳунар соҳиби.

– Шуниси ҳам равшанки, бирор ишнинг вақти ўтказиб юборилса, ҳеч нарса чиқмайди.

– Албатта, шундай.

– Менимча, ишчининг қўли тегадиган вақт пайдо бўлишини кутишни ҳеч қандай иш хоҳламайди: аксинча, у шунчаки шугулланмасдан, доимо ишга эътибор кўрсатиши даркор.

– Бошқача бўлиши мумкин эмас.

– Шунинг учун, агар бирор ишни ўзининг табиий қобилиятларига монанд ва бунинг устига бошқа ишларга чалғимай ўз вақтида бажарса, ҳамма нарсани кўпроқ, яхшироқ ва осонроқ қилиш мумкин бўлади.

– Бунга шубҳа йўқ.

– Шундай қилиб, Адимант, биз айтган нарса билан таъминлаш учун давлатнинг тўрттадан зиёд аъзоси бўлиши зарур. Биро, агар яхши омоч ёки дастаки сўқа ва бошқа деҳқончилик асбоблари керак бўлса, деҳқон ўзи ўзига ясаб олмайди-ку. Ўз навбатида, бинокорга ҳам кўп нарса керак. Худди шунга ўхшаш, тўқувчига ҳам, косибга ҳам. Шундай эмасми?

– Бу тўғри.

– Дурадгорлар, темирчилар ва шунга ўхшаш усталар, агар уларни ҳам бизнинг кичик давлатимизга қўшилса, уни кўп одамлар бўлган давлатга айлантирадилар.

– Анчагина катта бўлади.

– Ҳаттоки, биз уларга деҳқонларда ер ҳайдаш учун хўкиз, деҳқонлар билан қурувчиларда – юк ташувчи ҳайвонлар, тўқувчилар ва косибларда – тери ва юнг бўлиши учун мол-боқарлар, қўйчиёнлар ва бошқа чўпонларни қўшадиган бўлсак ҳам, давлат унчалик катта бўлмайди.

– Аммо буларнинг ҳаммаси бўлган давлат кичкина ҳам бўлмайди.

– Лекин бундай давлатни бошқа ерлардан нарсалар келтиришга ҳожат бўлмайдиган жойда жойлаштириш имконияти ҳам йўқ.

– Бунинг иложи йўқ.

– Демак, бошқа мамлакатдан зарур нарсани олиб келиш учун яна одамлар керак бўлади.

– Керак бўлади.

– Бироқ агарда шундай воситачи, бошқа юртга у ердаги одамларга керак нарсани олмай, бу ерда керак бўлган нарсани олиш учун қуп-қуруқ жўнаса, у ҳолда уларнинг ҳузурларидан ҳам ҳеч нарса ололмай қайтади.

- Менимча, шундай бўлади.
 - Бундан келиб чиқадики, бу ерда барча нарсани нафақат ўзлари учун етарли миқдорда, балки у ерда ҳам қанча талаб бўлса шунча ишлаб чиқариш керак бўлади.
 - Ҳа, шундай бўлиши керак.
 - Бизнинг жамоамизга кўпроқ деҳқонлар ва турли хунармандлар зарур.
 - Ҳа, кўпроқ.
 - Ва ҳар турли нарсаларни олиб келиш (импорт) ва олиб бориш (экспорт) учун воситачилар зарур. Зеро, булар – савдогарлардир. Шундай эмасми?
 - Ҳа, шундай.
 - Демак, бизга савдогарлар, тижоратчилар ҳам керак.
 - Албатта.
- b**
- Агар бу денгиз савдоси бўлса, у ҳолда кўшимча равишда яна денгиз ишларини билувчи кўпгина одамлар зарур.
 - Ҳа, кўпгина керак.
 - Хўш, ҳар бир одам ишлаб чиқарган нарсани улар давлатнинг ўзининг ичида бир-бирларига қандай берадилар? Зеро, биз, одамлар бир-бирлари билан алоқа қилсинлар, мулоқотда бўлсинлар, деб давлат барпо қилдик-ку!
 - Улар сотадилар ва оладилар-да.
 - Бизда бундан бозор ҳам, алмашиш воситаси – танга ҳам пайдо бўлади.
 - Албатта.
- c**
- Агар деҳқон ёки хунармандлардан биронтаси ўзи ишлаб чиқарган нарсасини бозорга етказганида, у билан алмашув ўтказувчи одамлар билан бир вақтда келмай қолса, у ҳолда, наҳотки, у ўзининг иши (деҳқончилиги, хунармандчилиги – тарж.) учун зарур вақтни бозорда ўтириб ўтказади?
 - Йўқ, бундай бўлмайди, – деди Адимант. – Чунки бундан огоҳ одамлар топилиб, унга ўзларининг хизматларини таклиф этадилар. Фаровон давлатларда улар энг нотавон, жисмонан ожиз ва бошқа бирор ишга ярамайдиган одам-



d

лардир. Улар ўз нарсасини сотмоқчи бўлганлардан бирор нарсани пулга сотиб олиш ва уни яна бирор нарса сотиб олмақчи бўлганларга пулга алмаштириш учун ўша ерда, бозорда ўтирадилар.

– Бизнинг шаҳарда, ана шу эҳтиёж туфайли чакана савдо билан шуғулланувчи боққоллар пайдо бўладилар. Бозорларда ўтирган, олиш ва сотишда воситачиларини биз шундай деб атамаймизми? Шаҳарларни кезиб юрадиганларни эса савдогарлар, деб атаймиз.

– Албатта.

– Ўйлашимча, яна бошқа воситачилар ҳам бор: уларнинг фаҳм-фаросатлари шундайки, улар билан мулоқот қилиш арзимайдими, аммо улар оғир иш бажариш учун етарли жисмоний кучга эгалар. Улар ўз кучларини ижарага сотадилар ва бу ижара баҳосини иш ҳақи деб атайдилар, шунинг учун, мен ўйлайманки, уларни ёлланма ишчилар деб атайдилар. Шундай эмасми?

– Албатта, шундай.

– Давлат тўлақонли бўлиши учун ёлланма ишчилар ҳам керакка ўхшайди.

– Менимча ҳам шундай.

– Адимант, давлат бизда шундай кенгайиб кетдики, уни энди мукаммал десак ҳам бўлар?

– Бўлса керак.

– Унда (бу давлатда) адолат ва адолатсизликнинг ўрни қаерда бўларкин? Биз таҳлил қилганларимиздан қайси бирида улар намоён бўлади?

– Шахсан мен биламиз, Сукрот. Эҳтимол, ана шу машғулотларнинг қандайдир ўзаро алоқасидадир.

– Балки сен ҳақдирсан. Яхшилаб тадқиқ этиш, ортга қайтмаслик керак. Аввало, бундай тайёрланган одамларнинг ҳаёт тарзларини кўриб чиқамиз. Улар ғалла етиштирадилар, шароб, кийим, пойабзал ишлаб чиқарадилар, уй қурадилар, ёзда кўпчиликлари яланғоч ва пойабзалсиз, қишда

e

372

b

эса етарли даражада кийинган ҳолда ишлайдилар. Улар ўзларига арпадан ёрма ва буғдойдан ун тайёрлаб овқатландилар. Ёрмани қайнатадилар ва хамир қилиб, ундан ажойиб нонлар тайёрлайдилар, уларни қамишлар ёки покиза барглари устига қатор қилиб терадилар. Хушбўй кўкатлар сочилган тўшакларда ёнбошлаб, бир-бирлари билан шод суҳбатлар қилиб базм қурадилар, ўзлари ҳам, уларнинг болалари ҳам май ичиб, ўзларини гулчамбарлар билан безайдилар ва худоларни васф этадилар; камбағаллик ва урушдан эҳтиёт бўлиб, бойликлари йўл қўядиган даражадан кўп бўлмаган миқдорда фарзанд кўрадилар ҳам.

с Шу ерда Главкон менинг сўзимни бўлди:

– Сен бу одамларни ҳеч қандай зираворсиз овқат ейишга мажбур этмоқдасан шекилли?

– Гапинг тўғри, – дедим мен, – уларда зираворлар ҳам бўлиши ёдимдан бутунлай кўтарилибди. Уларга туз ҳам, зайтун ҳам, пишлоқ ҳам, пиёз ҳам, сабзавотлар ҳам: анжир, нўхот, ловия қўшиб берамиз; мирта (хушбўй бута) меваси ва қора қайин ёнгоғини қовуриб, меъёрида шароб ичадилар. Улар ҳаётларини тинчлик ва саломатликда шундай ўтказадилар ва, эҳтимолки, қариб-қартайиб, авлодларига шундай ҳаёт тарзини васият қилиб, вафот этарлар.

– Суқрот, – эътироз билдирди Главкон, – агар сен тартиб бераётган давлат чўчқалардан иборат бўлса, ана шу ердан бўлмаса, бошқа яна қандай ем берардинг?

– Главкон, бошқа нима талаб этилади?

– Одатда, қабул қилинган нарсани: ўриндиқларда ёнбошлаш, хонтахта атрофида овқатланиш, ҳозирги одамларда мавжуд бўлган таомлар ва ширинликларни ейиш, – фақирликдан азоб чекмаслик учун, менимча ана шулар зарур.

е – Яхши, – дедим мен, – тушунаман. Биз нафақат пайдо бўлаётган, балки бой давлатни ҳам кўриб чиқмоқдамиз шекилли. Балки бу ёмон эмасдир. Зеро, биз бундай давлатни ҳам муҳокама этаётиб, эҳтимол, давлатларда адолат

ва адолатсизлик қандай пайдо бўлишини илғаб олармиз. Биз таҳдил қилган ўша давлат, менинг назаримда, ҳақиқий, яъни соғлом бўлиб туюлади. Агар сиз хоҳласангиз, алғов-далғов давлатга ҳам бир назар ташлашга ҳеч нарса халал бермайди. Дарҳақиқат, баъзиларни буларнинг ҳаммаси ва бундай ҳаёт тарзи қониқтирмайдиганга ўхшайди – уларга юмшоқ ўриндиқлар ҳам, хонтахталар ҳам, турли буюмлар ҳам, таомлар ҳам, малҳамлар ва хушбўй нарсалар ҳам, яна гўзаллар, хуштаъм ширин нонлар тортсанг, бунинг устига бу нарсалар кўпроқ бўлса. Бундан келиб чиқадики, бошида айтиб ўтганимиз уйлар, пойабзаллар, кийимларни зарурий деб ҳисобламай, энди биз рангасвир асарлари, безаклар, олтин ва фил суягини талаб қиламиз – буларнинг ҳаммаси бизга зарур. Шундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Шундай экан, энди давлатни катталаштириш керак бўлмайdimи? Ўша, соғлом давлат энди етарли эмас, уни давлатда иштирок этишга ҳеч қандай зарурат бўлмаган бир тўда одамлар билан тўлдириш керак; масалан, ҳар хил овчилар ҳамда муқаллидлар – улар расмлар ва бўёқлар борасида бисёрдирлар, яна мусиқа санъатида ҳам улар кўпдирлар: шоирлар ва уларнинг (асарларини) ижро этувчилар, рапсодлар, актёрлар, хор қатнашчилари, ёлланма ишчилар, турли рўзгор буюмларини, турли-туман нарсаларни, аёллар безакларини ясовчи усталар шундай одамлардир. Воситачилар ҳам кўпроқ керак бўладилар: ундай давлатда, сенингча, болаларга устозлар, энгалар, тарбиячилар, чўрилар, саргарошлар ҳамда қандолатчилар ва ошпазлар керак эмасми? Бизга чўчқабоқарлар ҳам керак бўлади. Булар бизнинг аввалги давлатимизда йўқ эди, чунки бундайларга талаб йўқ эди. Бу мамлакатда эса булар ҳамда яна кўп, ҳар хил чорва моллари керак бўлади, негаки овқатга гўшт ишлатилади. Шундай эмасми?

– Албатта, шундай.

d

– Бундай ҳаёт тарзида бизда шифокорларга бўлган эҳти-
ёж олдингига қараганда кўпроқ бўлади.

– Анча кўп бўлади.

– Аҳолини боқиб учун ўшанда етарли бўлган давлат,
энди кичик бўлиб қолади. Ё ундай эмасми?

– Худди шундай.

– Демак, агар биз етарли даражада яйловлар ва ҳайдала-
диган ерларга эга бўлишни истасак, қўшни мамлакатдан бир
қисмини ажратиб олишимизга тўғри келади, ўз навбатида,
бизнинг қўшниларимиз ҳам агар зарурат чегараларидан ўтиб,
беҳисоб тамагирлик йўлини тутсалар, бизнинг мамлакатдан
бир қисмини тортиб олишни хоҳлаб қоладилар.

e

– Шундай бўлиши аниқ, Суқрот.

– Натижада, Главкон, биз уруш қиламиз, ёки бошқача
бўладими?

– Ҳа, уруш қилишга тўғри келади.

– Ҳозирча биз, уруш офатми ёки яхшилик келтирадими
– бунинг ҳақида сўз юритмаймиз, фақат биз урушнинг – у
олиб борилганида шахсий ва ижтимоий балолар манбаи-
нинг сабабини кашф этдик деймиз, холос.

– Албатта.

– Бунинг устига, дўстим, давлатимизни қандайдир ар-
зимас миқдорда эмас, бутун бир қўшинга катталаштири-
шимиз (яъни қўшин тузишимиз – *тарж.*) зарур: бу қўшин
бор бойликнинг ҳимоясига, биз ҳозир айтган нарсаларнинг
ҳимоясига шай туради ва ҳужумни қайтаради.

374

– Нега? Биз ўзимиз бунга қодир эмасмизми?

Ўзимизнинг хаёлий давлатимизни қураётганимизда, агар
биз бу масалани тўғри ҳал қилган бўлсак, қодир эмасмиз.
Эсингда бўлса, бир одамнинг кўп санъатлар билан муваф-
фақиятли шуғулланиши мумкин эмас, деб айтган эдик.

– Сен ҳақ гапни айтмоқдасан.

b

– Ҳўш, сенингча, ҳарбий ҳаракатлар санъат талаб қилмайдими?

– Жуда талаб қилади-да.

– Ҳарбий санъат эмас, косиблик (санъати) ҳақида кўпроқ қайғуриш керакми?

– Асло бундай эмас.

– Бизда косиблик (этиكدўзлик) санъати яхши бўлиши учун, биз косибга деҳқон ёки тўқувчи ёхуд бинокор бўлишга ҳаракат қилишни ҳам ман этдик; худди шундай тарзда, бошқа ҳар кимга ҳам, ўзининг табиий қобилиятига кўра лойиқ бўлган фақат бир ишни топширдик, бу иш билан у бутун умр бўйи, бошқа ҳеч нарсага чалғимай шуғулланади ва, агар вақтни ўтказиб юбормаса, у муваффақиятга эришади. Ҳарбий ишга тааллуқли ҳамма ишни яхши адо этиш муҳим эмасми? Ёки у шунчалик осонки, деҳқон, косиб, бошқа хоҳлаган ҳунарманд ўз иши билан биргаликда, жангчи ҳам бўладими? Агар болаликдан шуғуланмаса, шунчаки ўйнаб юрса, шашка ёки ошиқ ўйинига ҳеч ким яхши ўрганолмайди. Наҳотки, қалқон ёки бошқа қуролни олиб ва ҳарбий аслаҳа-анжом йиғиб олиш билан – дарҳол гоплитлар ёки бошқа жангчилар сафида жанг қилишга қодир бўласан, киши? Ҳеч қандай қурол, кимнингдир қўлига тушиб қолиши билангина ўша одамни, агар у одам қурол билан муомала қилишни билмаса ва етарли даражада шуғуланмаган бўлса, дарҳол моҳир уста ва паҳлавон этиб қўймайди.

– Акс ҳолда ушбу қуроллар бебаҳо бўлар эди.

Соқчилар тоифасининг идеал давлатда тутган ўрни

– Демак, соқчиларнинг иши катта маҳорат ва қунт талаб этгани учун ҳам муҳим,

уни бошқа машғулотлар билан бирга олиб бориш жоиз эмас.

– Шундай.

– Ушбу машғулот учун унга монанд табиий қобилиятлар эгаси бўлиш талаб этилади.

– Албатта.

– Агар қўлимиздан келганида, ўз табиий хислатлари билан давлат ҳимоясига яроқли бўлганларни танлаб олиш бизнинг ишимиз бўларди.

– Албатта, бу бизнинг ишимиз.

– Зевс билан қасам ичаман, биз мураккаб мавзуга кўнгила кўйдик! Ҳар ҳолда, кучимиз етганича журъатсизликка изн бермаслигимиз зарур.

– Равшанки, бунга йўл қўймаслик керак.

375

– Сенингча қандай, соқчилик ишида зотдор кучукча билан насаби яхши бўлган йигитнинг табиий хислатлари орасида фарқ борми?

– Қандай хислатлар ҳақида гапирмоқдасан?

– Униси ҳам, буниси ҳам сезиб қолган нарсаларини яхши идрок этишлари, эпчилик билан уни таъқиб қилишлари ва, агар етиб олсалар, астойдил жанг қилишлари зарур.

– Буларнинг ҳаммаси ҳақиқатан керак.

– Ва яхши жанг қилиш учун мард бўлмоқ даркор.

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Кимда – у от бўладими, итми ёки бошқа бир қандайдир ҳайвонми – шиддатли, газабнок руҳ бўлмаса, у мардона бўлишни истармикин? Газабнок, шиддатли руҳ қандай енгилмас ва зўр бўлишини сезмадингми: у бор бўлганида ҳар қандай дил (нафс, жон) ҳеч нарсадан қўрқмайди ва ҳеч нарса олдида чекинмайди?

b

– Сездим.

– Шундай қилиб, бундай соқчи қандай жисмоний хислатларга эга бўлиши кераклиги равшан.

– Ҳа.

– Яна руҳий хислатлар, яъни газабнок руҳ.

– Бу ҳам равшан.

– Лекин Главкон, агар соқчилар ўз табиатларига кўра шундай бўлсалар, у ҳолда улар бир-бирлари билан ҳам ва бошқа фуқаролар билан ҳам ёвуз бўлмайдиларми?

– Зевс билан онт ичаманки, бу саволга жавоб бериш осон эмас.

– Аини вақтда улар ўз одамларига мулойим ва душманга шафқатсиз бўлмоқликлари лозим. Акс ҳолда улар ўзларини кимдир қириб ташлашини кутмасалар ҳам бўлади: бу ишни улар ўзлари қиладилар ва ўзларини ҳалок этадилар.

– Тўғри, шундай бўлади.

– Нима қилмоқ керак? Ҳам ҳалим, шу билан бирга жасур феъл-атворни қаердан топамиз? Зеро, ҳалим, мулойим феъл руҳ ғазабига зиддир.

– Бу аниқ.

– Агар кимда униси ҳам, буниси ҳам бўлмаса, у яхши соқчи бўлолмайди. Ушбу талабни амалга ошириб бўлмай-диганга ўхшайди, шундай қилиб яхши соқчи бўлишнинг имкони йўқ бўлиб чиқади.

– Шунга ўхшайди, – деди Главкон.

Мен тараддудда қолдим ва олдин айтилганларни хаёлан эсладим.

– Дўстим, – дедим мен, – бизнинг ҳайрон бўлаётганимиз адолатдандир, чунки биз ўзимиз таклиф этган ўша тимсолдан четга чиқдик.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Биз, ўзимиз ўйлаб ҳам кўрмаган феъл-атворлар бўлишини фаҳлмамадик, аммо уларда ана шу зиддиятли хислатлар бор.

– Қайси феъл-атворларда?

– Бу бошқа ҳайвонларда ҳам учрайди, аммо биз ўзимизнинг соқчимиз билан таққослаганимизда яхшироқ намоён бўлади. Сен зотдор итларни биласан, уларнинг хислатлари – кимга ўрганган ва кимни билсалар ўшалар билан жуда ҳам мулойим бўлиш, аммо нотанишлар билан бунинг акси бўлишдир.

– Албатта, биламан.

– Демак, бу мумкин бўлган нарса ва бундай хислатли соқчилар табиатга зид эмас.

– Зид эмасга ўхшайди.

– Бўлғуси соқчи яна ушбу нарсага муҳтож бўлиб туюлмаяптими сенга: у шиддатли, ғазабнокликдан ташқари, ўз табиатига кўра донишмандликка ҳам интилиши зарур.

– Қандай? Мен тушунмадим.

– Ва бу хусусиятни сен итларда кўрасан, бу ҳолат ҳайвонда бўлиши ғаройибдир.

– Қайси хусусият?

– Нотанишни кўриб гарчи у ўзини ҳали хафа қилмаган бўлса ҳам, итнинг жаҳли чиқади, танишни кўриб эса эркаланади, гарчи бу таниш, унга (итга) ҳеч қачон яхшилик қилмаган бўлса ҳам. Бу сени ҳайратлантирмаганми?

б – Шу пайтгача мен бунга унчалик эътибор бермаганман, аммо ит ўзини шундай тутиши аниқ.

– Унинг табиатидаги бу хислат жуда ажойиб ва, ҳатто, ҳақиқий фалсафийдир.

– Қандай маънода?

– Ит ўзи кўрган одамнинг дўстлиги ёки душманлигини у одамни таниши ёки танимаслигига қараб билади. Яқин одамни ёки бегонани аниқлаш, тушуниш ёхуд, аксинча, тушунмаслик асосида амалга оширилишида билишга бўлган интилиш йўқми?

– Буни инкор этиб бўлмайди.

– Зеро, билишга интилиш ва ақлу донишга интилиш – бир нарсанинг ўзи-ку.

– Ҳа, бир нарсанинг ўзи.

с – Демак, худди шунинг ўзини одамда ҳам бўлишини бе-малол фарз қилишимиз мумкин: агар у ўзининг танишлари ва яқинлари билан мулойим бўлса, демак, у ўз табиати бўйича ақлу дониш ва билимга интилишга эга бўлиши зарур.

– Шундай ҳам дейлик.

– Шундай қилиб, давлатнинг беназир соқчиси бизда ўз вазифасига кўра ҳам заковатга, ҳам билимга интилади ҳамда ақли ва кучли бўлади.

Жуда тўғри.

– Шундай бўла қолсин. Аммо биз соқчиларни қандай етиштирамиз ва тарбиялаймиз? Бунинг муҳокамаси бизда, ҳамма нарсани қайси ниятда кўриб чиқаётган бўлсак, ушанга ёрдам бера оладими, яъни, жамиятда адолат ва адолатсизлик қай тарзда пайдо бўлишини пайқаймизми? Суҳбатимиз мақсадини унутмасак ва суҳбатни ҳаддан ташқари чўзиб юбормасак бўлгани.

Бунга Главконнинг биродари:

– Бундай муҳокама бизнинг суҳбатимиз учун долзарб деб умид қиламан, деди.

– Зевс билан қасам ичаман, азизим Адимант, – дедим мен, – демак, ҳатто, чўзилиб кетса ҳам, бу муҳокамани қолдирмаслик керак.

– Ҳа, давом эттирмак лозим.

– Кел бўлмаса, қиссагўйлар сингари шошилмай ушбу одамларни тарбиялашга – сўз билан бўлса-да – киришайлик.

– Шундай қилиш зарур.

Соқчиларни икки хил: музиқий ва гимнастик тарбиялаш

– Тарбия қандай бўлади? Айтиш керакки, энг қадимги замонларда топилганидан яхширогини топиш

қийин. Бадан учун – гимнастик, руҳ (нафс, жон) учун эса – музиқий тарбия.

– Ҳа, шундай.

– Бизда музиқий тарбия гимнастик тарбиядан олдин бўлади.

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Музиқий тарбия ҳақида гапирганда сен унга адабиётни ҳам қўшмоқдасан, тўғрими?

– Мен – ҳа.

Адабиётнинг икки
ҳақиқий ва ёлгон тури.
Соқчиларни тарбия-
лашда ривоятларнинг
тутган ўрни

– Оғзаки ва ёзма адаби-
ётда икки тур бор: бири
– ҳақиқий, бошқаси эса –
ёлгон.
– Ҳа, шундай.
– Ва иккала турда тарбия-

лаш керак, аммо олдин – ёлғонида, шундайми?

– Нима демоқчисан, тушунмаяпман.

– Гўдакларга биз аввал ривоятлар айтиб беришимизни тушунмайсанми? Ривоятлар, умуман айтганда, ёлгон нарса-лар, аммо уларда ҳақиқат ҳам бор. Болалар билан ишлаганда аввал биз ривоятларга мурожаат қиламиз, кейин гимнастикага.

– Ҳа, шундай.

– Шунинг учун мен, аввал мусиқий санъат билан, кейин гимнастик санъат билан шуғулланиш керак, деган эдим.

– Тўғри.

– Ҳар қандай ишда энг асосийси – бу ибтидо, бошланиш эканлигини билмасмидинг? Айниқса, агар бу навқирон ва нозик бир нарсага тааллуқли бўлса? Ўшанда, унга кимдир муҳрлаб қўймоқчи бўлган хислатлар ишончлироқ шаклланади ва мустаҳкам ўрнашиб қолади.

– Адолатли фикр бу.

b – Ҳар хил одамлар томонидан ҳар қанақасига ўйлаб топилган кўпчилиги болалар балоғатга етганларида уларда бўлиши керак деб ҳисоблайдиганимиз фикрларга зид бўлган, ҳар қандай ривоятни бизнинг болаларимиз жон деб эшитишлари ва улардан таъсирланишларига осонликча йўл қўямизми?

– Биз бунга асло йўл қўймаймиз.

c – Аввало, биз ривоятларнинг ижодкорларига қарашимиз керак: агар уларнинг асарлари яхши бўлса, уни қабул қиламиз, ёмон бўлса – рад этамиз. Ривоятлар ёрдамида болаларнинг жисмини қўл билан шакллантиришдан ол-

ани руҳини шакллантириш учун биз энагалар ва оналарни боаларга фақат тан олинган ривоятларни айтиб беришга сўндирамиз. Улар ҳозир айтиб бераётганлари ривоятлардан кўпини йўқотиш зарур.

— Қайсиларини?

— Аҳамиятлироқ ривоятлар бўйича биз иккинчи даражадаги ҳақида ҳам фикр билдирсак бўлади: зеро, униси ҳам, буниси ҳам бир хил сифатлар ва бир хилдаги таъсир кучига эга бўлиши керак. Ё сен бунга эътироз билдирасанми?

— Эътирозим йўқ, бу фикрга қўшиламан, аммо қандай аҳамиятли ривоятлар ҳақида гапираётганингни тушунмаяпман.

— Гесиод, Гомер ва бошқа шоирлар айтиб беришганлари ҳақида. Улар одамлар учун ёлғон дostonлар тузиб, шуларни айтиб бера бошладилар, ҳозиргача ҳам айтиб беришмоқда.

— Қандайларини? Сен уларга нимани таъна қилмоқдасан?

— Ҳаммасидан олдин ва асосан нимага таъна қилинса, айниқса, агар кимнингдир тўқиб чиқаргани муваффақиятсиз бўлса, ўшанга.

— Тушунмадим. Нима демоқчисан?

— Худди кимларнингдир ўхшашини тасвирламоқчи бўлиб, уларга ўхшата олмай чизган рассом каби, қачонки кимда-ким, худолар ва қаҳрамонлар ҳақида гапираётиб, уларни (худолар ва қаҳрамонларни – *тарж.*) ёмон тасвирлаганини.

— Бундай таъна тўғри, аммо бундан биз нимани тушунишимиз керак?

— Энг аввало, ўтакетган ёлғонни, айтиш керакки, энг буюк нарса ҳақидаги (ёлғонни) тушуниш даркор, гўё Уран, Гесиод томонидан эслатиб ўтилган ножўя ишни қилган ва, гўёки Кронос ундан қасос олган, деб айтган одам буни яхши ўйлаб топмаган. Кроноснинг ишлари ҳақида ва у ўз-ўзидан тортган азиятлар ҳақида, гарчи бу ҳақиқат бўлса ҳам, ҳали ақли кирмаган ва ёш одамларга бемалол ҳикоя қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблар эдим – буни айтмаган маъқул, агар

бирор сабаб билан айтиш керак бўлса, у ҳолда, буни камроқ одам яширинча этишсин ҳамда чўчқа боласини эмас, бирор каттароқ ва эришиш қийинроқ нарсани қурбонлик қилсинлар, токи ҳикояни иложи борича камроқ одам эшитсин.

– Дарҳақиқат, булар ҳақида ҳикоя қилиш қийин.

– Адимант, бизнинг давлатда уларни ҳикоя қилмаслик керак. Агар, ҳатто, ўта адолатсиз иш қилиб, ёмон иш қилиб қўйган отасини жазоласа ва у шунчаки дастлабки, энг буюк худолар қилган ишни қилаётган бўлса ҳам, у ҳеч қандай ёмонлик қилаётгани йўқ, деб навқирон йигитга ҳикоя қилиб бўлмайди.

– Зевс билан онт ичаман, менинг ўзимга ҳам буларни айтиб бўлмайдигандай туюлмоқда.

– Худоларнинг худолар билан уришишлари, бир-бирларига макр-ҳийла ишлатишлари, жанг қилишлари ҳақида ҳикоя қилмаслик зарур ва бу тўғри ҳам эмас; зеро, агар ўзаро душманлик бундай осон пайдо бўладиган бўлса, давлатни қўриқлашлари керак бўлганлар буни энг катта шармандалик деб ҳисоблашлари керак. Паҳлавон (гигант)ларнинг жанглари ва худолар ҳамда қаҳрамонларнинг уларнинг ўз қариндошлари ва яқинлари билан бошқа жуда кўп жанжалларини баён қилиш ва кўз-кўз қилиш ҳеч ҳам керак эмас, аксинча, агар биз, ҳеч ким ҳеч қачон бошқа одамга душманлик қилмаслиги кераклигини ва душманлик қилиш имондан эмаслигини ўз фуқароларимизга сингдирмоқчи бўлсак, у ҳолда чоллар ҳам, кампирлар ҳам бу ҳақда болаларга, ҳатто, кейин бу болалар катта бўлганларида ҳам, дарҳол ва кўпроқ ҳикоя қилишлари керак; ва шоирларни ҳам ўз давлатида булар ҳақида ёзишга мажбур этиш зарур. Герани ўғли кишанлагани, Гефестнинг онасини отаси ураётганида Гефест онасининг (Геранинг – тарж.) тарафини олмоқчи бўлгани учун отаси Гефестни Олимпдан ташлаб юборгани ёки худоларнинг Гомер ёзган жанглари – улар бирор ишора билан ёки ишорасиз бўладими, бари бир – бизнинг давла-

шимизда бундай ҳикоялар айтиш мумкин эмас, асло мумкин эмас. Вола қаерда мажоз бору қаерда йўқлигини ажрата олмади ва у бундай навқирон ёшда ўзига сингдирган фикрлар, мулоҳазалар, одатда, ўчмас ва ўзгармас бўлиб қолади. Шунинг учун, айтиш керакки, болалар даставвал эшитадиган афсоналар гамхўрлик билан эзгуликка йўналтирилган бўлишига ҳаммасидан кўпроқ эришмоқ даркор.

– Бу оқил муносабат. Лекин кимдир бизнинг – булар бундай афсоналар ва улар нима ҳақида эканлигини сўраса – бундай афсоналарни айтишимиз мумкин бўлади?

– Лдимант, – дедим мен, – биз ҳозир шоирлар эмасмиз, балки давлатнинг асосчиларимиз. Афсоналар тўқиш асос солувчиларнинг иши эмас, шеърый ижодиётнинг асосий хусусиятлари қандай бўлиши кераклигини билиш ва уларнинг бузилишига йўл қўймасликнинг ўзи етарлидир.

– Тўғри. Аммо худолар ҳақидаги таълимотда ушбу асосий хусусиятлар қандай?

– Айтайлик, мана бундай; худо эпик шеъриятда тасвирланадими, кўшиқдами ёки фожиадами, (бари бир) у қандай бўлса, ҳамма вақт шундай тасвирланиши даркор.

– Ҳа, шундай қилиш зарур.

– Нима, ўз моҳияти бўйича худо эзгу эмасми ва унинг ҳақида худди шуни тасдиқлаш керак эмасми?

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Аммо ҳеч қандай эзгулик зарарли эмас, шундайми.

– Менимча шундай.

– Зарарли бўлмаган нарса зарар келтирадими?

– Ҳеч ҳам.

– Зарар келтирмайдиган нарса, қандайдир ёмонлик, бало келтириб чиқарадими?

– Йўқ.

– Ҳеч қандай ёмонлик қилмаса, (у ҳолда) қандайдир ёмонлик (офат, бало)нинг сабабчиси ҳам бўлмайди?

– Шундай бўлиши мумкинми?

– Инча доимиз? Эзгулик – фойдами?

Ҳа.

Демак, у – тўғри ҳаракат тарзининг сабабчисидир, шун-
данми?

Шундай.

– Демак, эзгулик – ҳар қандай ҳаракатнинг эмас, балки
фақат тўғри ҳаракатнинг сабабчисидир, шундай-а? Ёмон-
лик, бало-офатда у айбдор эмас.

– Албатта.

– Демак, худо ҳам эзгулик бўлганидан кейин, кўпчилик
айтадиганига хилоф равишда ҳамма нарса (иш)нинг саба-
би бўлиши мумкин эмас. У одамлар учун яратилган фақат
озгина нарсаларнинг сабабчисидир, кўп нарсага эса унинг
ҳеч қандай алоқаси йўқ: зеро, бизда яхши нарса ёмонига
қараганда анча камдир. Эзгуликнинг сабабчиси деб худо-
дан бошқани ҳисобламаслик керак, аммо ёмонликнинг са-
бабларини бошқа нарсалардан излаш зарур, бироқ худодан
кўрмаслик керак.

– Менимча сен мутлақо ҳақсан.

– Демак, Гомернинг ёки бошқа шоирнинг худолар бора-
сидаги адашишларини қабул қилмаслик керак: Гомер, икки
катта жом (идиш)

Зевснинг буюк уйи

*Тухфаларга тўла: бири – бахт келтирувчи, бошқаси
эса – бадбахтлик, деганида жуда адашган эди. Ва кимга
Зевс бу иккисини аралаштириб берса, у*

*Ўз ҳаётида гоҳ алам, гам топади, гоҳида қувонч,
Агар кимга аралаштирамай, фақат иккинчи жомдан
тутса, у ҳолда*

*Уни қутурган очлик илоҳий ер бўйлаб қувиб юради.
Яна, гўёки Зевс бизда*

*Эзгуликлар ҳамда ёмонлик
Берувчи бўлиб чиқиши ҳам хатодир.*

Агар кимдир, Афина ва Зевс Пандарни қасамлар ва шартномаларни бузишга ундадилар, деб айтса, биз буни маъқулламаймиз. Фемида ва Зевс томонларидан келтириб чиқарилган худоларнинг жанглари ва уларнинг низолари борасида ҳам худди шундай қиламиз.

Яна Эсхил айтгани ҳам ёшларга эшитишга йўл қўймаслик керак:

*Қачонки кимнингдир уйини барбод этмоқчи бўлса,
Худо бандаларга сабаб яратади.*

Агар қандайдир асарда шундай ямбий шеърлар учраса ва Ниоблар ёки Пелопидларга келган офатлар, ёки Троя воқеалари, ёки шунга ўхшаш бирор нарса тасвирланган бўлса, у ҳолда буларнинг ҳаммасини ё худонинг иши деб тан олмаслик зарур, ёки агар бу худодан бўлса, биз ҳозир истаётган маънони ошкор этиш ва худо фақат адолатли ва эзгу ишларни қилишини, бу одамларга келган жазо эса, уларнинг ўзларининг фойдаларига эканлигини уқтириш керак. Аммо шоирга, улар жазоланиб мушкул аҳволга солинганлар ва бунинг сабабчиси – худодир, деб айтишларига йўл қўймаслик керак. Аммо, агар шоирлар, бу одамлар жазога муҳтож эдилар ва жазоланиш борасида улар худодан ўзлари учун фойда топадиган фақат ёмон ҳулқли одамлардирлар, деб айтсалар, бунга йўл қўйиш мумкин. Аммо шоирлар, худо эзгулик бўлса-да ким учундир офат манбаи бўлиб қолади, десалар, бундай фикрга қарши курашмоқ керак: ҳеч ким – на ўспирин, на катта ёшдаги одам, агар ўз давлатида қонунийликка интиладиган бўлса – бунинг ҳақида гапирмаслиги, на шеърини, на насрий баёнда (уни) эшитмаслиги керак, чунки бундай деб тасдиқлаш гуноҳ иш бўлиб, бизга ҳеч фойдаси йўқ ва ўзига ўзи зиддир.

– Мен сен билан биргаликда ушбу қонунга овоз бераман – у менга ёқади.

– Бу қонунлардан бири бўлар эди ва худолар борасидаги олдиндан белгиланган нарсалардан бири бўларди: унга кўра нутқларда ҳам, шеърий асарларда ҳам худо – ҳамма нарсанинг эмас, фақат эзгуликнинг сабабидир, деб таъкидлаш керак.

d – Шундай бўлгани яхши.

– Иккинчи қонун тўғрисида нима деймиз? Нима, сенингча, худо – сеҳргарми ва, худди атайин қилганидай, гоҳ бу, гоҳида бошқа хилларда намоён бўладими: гоҳ у ўзининг қиёфаси ўрнига бошқа шаклларни олиб ўзгаради, баъзида унинг ҳақида бир нарсани, баъзида бошқа нарсани ўйлашимизга мажбур этиб, бизни адаштиради холосми? Ёки худо оддийгина нимадир нарса ва ўз кўринишидан жуда кам оғадими?

– Мен бунга бирданига жавоб беролмайман.

e – Бунгачи: агар нимадир нарса ўз қиёфасидан четга чиқса, у ҳолда унинг ё ўз-ўзидан, ёки бошқа нарсанинг таъсири остида ўзгариши шартми?

– Шарт.

381 – Аммо нимаки энг яхши ҳолатда бўлса, ўша нарса жуда кам ўзгаради ва бошқасининг таъсири остида нарига жуда кам сурилади. Масалан, саломатлик ва куч билан ажралиб турган жисм овқат, ичимлик ва меҳнат таъсирида, ёки ҳар қандай ўсимлик – қуёш иссиқлиги, шамол ва шунга ўхшашлар таъсирида ўзгаришга жуда қийинчилик билан мойил бўлмайдими?

– Албатта.

– Рухни ҳам – ҳар ҳолда энг мардона ва оқилини – қандайдир ташқи ўзгариш жуда кам буза олади ва ўзгартира олади.

– Ҳа, шундай.

– Ҳаттоки, турли йиғма буюмлар – рўзғор асбоблари, бино, кийим, агар улар яхши ясалган бўлса ва тартиб билан

бадланса – ўша сабаб билан вақт ва бошқа таъсирлар остида
жуда кам ўзгаради.

– Шундай.

– Табиатдан ва санъат туфайли ҳамда у ва бошқаси ту-
файли нимаики яхши бўлса, ҳаммаси бошқа нарсанинг таъ-
сири остида жуда кам ўзгаради.

– Шундай бўлса керак.

– Аммо худо ва унга алоқадор нимаики бўлса, ўша нарса
ҳар томонлама энг яхшидир.

– Албатта.

– Шу сабабли худо турли шаклларни жуда кам қабул қи-
лиши керак.

– Худди шундай.

– Эҳтимол, у ўзини ўзи бошқа нарсага айлантитарар ва ўз-
гартитарар?

– Агарда у ўзгарадиган бўлса, шундай бўлиши керак.

– У ўзини яхшироқ ва зебороқ бирон нарсага ё ёмонроқ
на хунуқроқ бошқа нарсага айлантирадимиз?

– Агарда у ўзгарса, ёмонига ўзгариши аниқ. Зеро, худо
широй ва эзгуликда камчилик сезади деб айтиб бўлмай-
ди-ку.

– Сен мутлақо ҳақсан. Аммо ҳамон шундай экан, Ади-
мант, худо бўладими ёки инсон бўладими, кимдир қандай-
дир бир нарса борасида ўзини ихтиёрий равишда ёмонроқ
қилади, деб ҳисоблайсанми?

– Бундай бўлиши мумкин эмас.

– Демак, худонинг ўзини ўзи ўзгартаришни хоҳлаши
ҳам мумкин эмас, аммо ҳар қандай худо энг олий мақомда
мумкин қадар зебо ва юксак бўлиб, ўз шаклида туриши рав-
шандир.

– Менимча, албатта шундай бўлиши керак.

– Дўстим, шоирлардан ҳеч ким бизга гўё:

*Кўпинча худолар ажнабий одамлар тимсолида,
Ўзгалар уйига кирадилар...*



b

c

d

деб асло ҳикоя қилмасинлар, Протей ҳамда Фетидаларга турли тухматлар тўқимасинлар ва фожиалар ҳамда ҳар хил бошқа асарларда

*Дарё аргосликнинг ўғиллари –
Инахнинг ҳаётбахш болаларига*

садақа йиғувчи коҳинага айланган Герани тасвирлама-синлар ва умуман бундай ёлгонни ўйлаб топмасинлар. Ўз навбатида, оналар ҳам уларга ишониб, болаларни гўёки қандайдир худолар турли ажнабийлар суратида кечалари дайдиб юрадилар, деган уйдирма, ёлгон-яшиқлар билан қўрқитмасинлар; бу худоларга тухмат, бунинг устига бола-лар ҳам қўрқоқ бўлиб қоладилар.

– Ҳа, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

– Демак, худоларнинг ўзлари ўзгармайдилар. Аммо балки улар бизга ўзларининг турли қиёфалари ҳақида та-савурларни сингдириб ва бизни бунга ишонтириб, афсун билан алдарлар?

– Бўлиши мумкин.

– Нима десак экан? Бизнинг ҳузуримизда худо бор-йўғи шарпани намоён этиб – сўз биланми ёки амалдами ёлгон ишлатишни хоҳлайдими?

– Билмайман.

– Ҳақиқий ёлгонни – агар шундай деб бўлса – барча ху-долар ва одамлар ёмон кўришларини биласан-а?!

– Нималар деяпсан ўзи?

– Демокчиманки, ўзи учун энг муҳим нарсалар ва энг муҳим мавзулар ҳақида ҳеч ким бировни алдашни ва ўзи ҳам алданиб қолишини хоҳламайди – бу ўринда ҳар қандай одам ҳам ёлгондан эҳтиёт бўлади.

– Мен ҳали ҳам ҳеч нарсани тушунмадим.

– Мени одатдан ташқари қандайдир фикрни айтмоқда, деб ўйлаяпсанми? Мен фақат айтмоқчиманки, ҳақиқий

шоқелик борасида ўз руҳини ёлғонга гирифтор қилиш, уни гумроҳликка ташлаб қўйиш ва ўзини жаҳолат ҳамда ёлғончиликда қолдириш – бу ҳеч ким учун маъқул иш эмас: бу ҳаммада ҳам ёлғон нафрат уйғотади.

– Албатта шундай.

– Шундай қилиб, мен ҳозиргина айтганимни бемалол, инсонч билан ҳақиқий ёлғон деса бўлади: бу ғафлатда қолган одамга хос, руҳга мустаҳкам ўрнашиб олган жаҳолатдир. Сўздаги ёлғон эса – руҳий ҳолатнинг акс эттирилиши, унинг намоён бўлишидир ва бу энди тоза ҳолдаги ҳеч нарса аралашмаган ёлғон бўлмайди. Шундай эмасми?

– Албатта, шундай.

– Ҳақиқий ёлғон худолар учунгина эмас, одамлар учун ҳам манфурдир.

– Менимча шундай.

– Хўш, сўздаги ёлғон баъзида нимагадир фойдали ҳам бўлмайдими, балки уни ёмон кўриб бўлмас? Масалан, душманга нисбатан ва кимни биз дўст деб атасак ўшанга нисбатан бўлган ёлғон? Жазавага тушиб ёки эсидан оғиб, нимадир ёмон иш қилмоқчи бўлганларида ёлғон худди дорига ўхшаб фойдали, уларни тўхтатадиган нарса, восита бўлмайдими? Биз ҳозиргина гапириб ўтганимиз ривоятларда ҳам, қадим замонларда аслида қандай бўлганини билмаганимиздан кейин, ёлғонни иложи борича ҳақиқатга ўхшатганимизда биз ёлғонни фойдали қилиб қўймаймизми?

– Албатта, шундай деса бўлади.

– Лекин бу муносабатлардан қайси бирида ёлғон худо учун фойдали бўлиши мумкин? Балки қадим замонлар ҳақида маълумотларга эга бўлмагани учун у ўхшатиш ёрдамида алдаётгандир?

– Бу кулгили бўлар эди.

– Демак, худода ёлғончи шоир мавжуд эмас.

– Менимча шундай.

Душманлардан қўрққанидан худо алдаши мумкинми?
Бундай бўлиши мумкин эмас.

– Унга яқин бўлганларнинг ақлсизлиги ёки эсидан оғ-
танлигидан-чи?

– Ҳеч қандай ақлсизлар ёки эсидан оғтанлар худога хуш
келмайди.

– Демак, алдашига арзийдиган ҳеч нарса йўқ.

– Ҳеч нарса.

– Демак, ҳар қандай илоҳий ибтидога ёлғон ётдир.

– Мутлақо ёт.

– Демак, худо – сўзда ҳам, амалда ҳам бутунлай оддий ва
тўғри бир нарса; у ўзи ҳам ўзгармайди ва на сўзда, на ўнгда,
на тушда – башоратлар юбориб, ўзгаларни адаштирмайди.

– Сенинг сўзларингдан менга бу равшан бўлмоқда.

– Демак, агар худоларга тааллуқли бўлса, мулоҳаза қи-
лишга ҳам, ижодга ҳам, иккинчи қонун мажбурий (шарт)
бўлади: худолар, ўз кўринишларини ўзгартириш ва сўз ёки
иш билан бизни алдаш учун жодутар эмаслар.

a

– Бу гапга қўшиламан.

– Демак, Гомер (ижодида) кўп нарсани маъқуллаб, биз,
шу билан бирга, Зевс Агамемнонга юборган тушни маъқул-
ламаймиз; яна биз Эсхилдаги, Фетиданинг Аполлон унга
болалари орқали бахт тилаб тўйида қўшиқ айтгани ҳақида
ёзилган жойни маъқул кўрмаймиз.

b

(Фетида бундай дейди):

Уларнинг касалликлари ўтади, аср узун бўлар –

Сенинг тақдиринг, деди у, худоларга қадрли.

Шундай қўшиқ билан у мени муборакбод этди,

Илоҳий сўзларга ва Феб кароматларига

Ёлғон бегона деб умид қилардим.

У ўзи шундай куйлади, ўзи базмда қатнашди,

*Ўзи шундай башорат қилди, ва ўзи менинг ўғлимнинг
қотили бўлди.*

Бизда ҳам, кимда-ким худолар ҳақида бундай нарсаларни гапирган бўлса, ундай одам нафрат уйғотади, биз унга хорни (ишониб) топширмаймиз ва ёшларни тарбиялашда ўқитувчилар бундай асарлардан фойдаланишларига йўл қўймаймиз, чунки биздаги соқчилар инсон кучи етадиган даражада диёнатли ва илоҳий бўлишлари даркор.

Мен бу қоидаларга тўла қўшиламан ва улардан қонунлар сифатида фойдаланишга тайёрман.

2002 й, 7 октябрь

УЧИНЧИ КИТОБ

386

**Соқчиларни тарбия-
лашда шеъриятнинг
тутган ўрни**

– Шундай қилиб, – дедим мен, – худоларга келганда, ё болаликдан худоларни ва ота-оналарини қадрлаб, эъзозловчи ҳамда одамлар ора-

сидаги дўстликнинг аҳамиятини камситмайдиган одамлардан эшитиш керак ёки, аксинча.

– Мен ҳам ўйлайманки, – деди Адимант, – бу бизнинг тўғри нуқтаи назаримиздир.

б – Яна нима деймиз? Агар улар мард бўлишлари керак бўлса, уларни ўлимдан ҳеч ҳам қўрқмайдиган қилиб тарбияловчи барча нарсалар билан таништириш керак эмасмикин? Сенингча, бундай қўрқинч туйғусига эга одам мард бўла оладими?

– Зевс билан онт ичаман, менимча бўла олмайди.

– Хўш? Кимда-ким Аид мавжуд деб ҳисобласа ва уни даҳшатли деб билса, унга ўлим қўрқинчи ёт бўладими ҳамда у мағлубият ва қуликдан жангдаги ўлимни афзал кўрадими?

– Ҳеч қачон.

с – Бундан маълум бўладики, биз ана шундай афсоналар ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишимиз ва уларни баён қилмоқчи бўлганлардан Аидда бор ҳамма нарсани ёмонламасликларини, аксинча, мақташларини талаб этишимиз керак: зеро, улар ўз танбеҳларида ноҳақлар, бунинг устига бу бўлғуси аскарларга ҳам наф келтирмайди.

– Ҳа, бу иш билан шуғулланиш даркор.

– Қуйидагига ўхшашларни биринчи мисрадан бошлаб
 учуриб ташлаймиз:

*Кунбай ишловчидек далада ишлаб, тирик қолганим яхши,
 Камбагал деҳқон хизматида, бир парча нон топсам
 Яхшироқ, бу ерда ўликларга ўлик шоҳ бўлгандан кўра;*

яна:

*Қоронгу, даҳшатли, худоларнинг ўзлари ҳам титрайдиган
 Унинг уйларини боқийлар ва бандаларга очмасдим;*

ёки:

*Худолар! Аиднинг ер ости уйида худди ўзидай
 Бор инсон руҳи ва тимсоли, аммо у мутлақ бежисм;*

яна:

Фақат унда ақл бор, қолганлар жинни соядек юрарлар;

ёки:

*Ғамгин қисматдан йиглаб, қалъа ва ёшликни ташлаб
 Руҳ жимгина жисмдан учиб Аидга тушар.*

яна:

*...[Менетиднинг] руҳи, тутундай, ерни ёриб,
 Дод солиб кетди;*

ёки:

*...Чуқур гор тубида кўршапалаклардай,
 Деворларга занжирбанд, – бири узилиб,
 Қоядан ерга тушгач, чийиллаб, бетартиб қанот қоқиб
 Кетгандай қийқириб учиб кетдилар...*

Биз Гомер ва бошқа шоирлардан узрлар сўраймиз – шеърлари кўпчилик эшитувчиларга нохушлиги ҳамда нафис бўлмагани учун эмас, ушбу сатрлар ва уларга ўхшаш – шеърларни ўчириб ташласак, улар хафа бўлмасинлар, йўқ, аксинча: шеърлар қанча нафис бўлса, болалар ҳам, катталар ҳам шунча кам эшитишлари керак, ростки инсон эркин бўлиши кераклиги ва қулликдан, ўлимдан кўра кўпроқ қўрқини маъқул бўлса, шундай қилишимиз керак.

– Мутлақо тўғри.

c – Бундан ташқари, у билан боғлиқ барча даҳшатли, ваҳима солувчи, ҳамма эшитганларнинг сочини тикка қиладиган – «Кокит», «Стикс», «майитлар», «марҳумлар» ва ҳоказо сўзларни йўқотиш керак бўлади. Эҳтимол, буларнинг ҳаммаси бошқа қандайдир мақсадга яроқлидир, аммо биз ўз соқчиларимиздан хавотирдамиз, улар бундай изтироблардан ортиқча ҳаяжонланадиган ва таъсирчан бўлиб қолмасинлар, деб қўрқамиз.

– Хавотирланишимиз тўғри.

– Демак, уни рад этмоқ керак.

– Ҳа.

– Ва, қиссагўйликлар ҳамда шеърлар учун унга зид бўлган бошқа намуна бериш зарур.

– Шундайлиги аниқ.

d – Демак, биз шуҳратли қаҳрамонларнинг нола-ҳасратлари ва дод-войларини ўчириб ташлаймиз.

– Олдин айтилганларга риоя қилинадиган бўлса, шундай қилиш шарт.

– Эътибор бер, – дедим мен, – бундай нарсаларни йўқотиб, биз тўғри иш қиляпмизми ё йўқми? Биз муносиб, олижаноб одам, олижаноб бўлган бошқа одамнинг вафотини, гарчи унинг дўсти бўлса ҳам, даҳшатли бир нарса деб ҳисобламайди, деб айтамыз.

– Ҳа, биз шундай деймиз.

— Демак у, гўё унинг бошига даҳшатли иш тушгандек аф-
сув надоматлар чекмайди.

— Лабатга, бундай қилмайди.

— Биз яна, бундай одам бошқа кимгадир қараганда ўзига
қўш купроқ етарлидир, чунки муносиб ҳаёт кечиради ва қолган
қимматдан фарқли равишда бошқа бир одамга жуда кам эҳтиёж
сезилади.

— Шундай.

— Демак, унинг учун ўғлидан, акасидан, ёки мулкидан,
шунда шунга ўхшаш нимадир бошқа нарсадан ажралса унинг
учун даҳшатли эмас.

— Ҳеч даҳшатли эмас.

— Демак, у ҳасрат қилмайди ва бошига тушган бахтсиз-
ликка жуда ювошлик билан кўнади.

— Жуда ювошлик билан.

— Демак, биз машҳур қаҳрамонларнинг йиғи-сигисини
истисно этиб, йиғлашни аёлларга, шунда ҳам жиддий бўл-
маганларига ва яна, балки ҳеч нарсага арзимас эркакларга
қўйиб берамиз. Шундай қилиб, айтиб ўтилганидай, мамла-
катни қўриқлаш учун кимларни тайёрлаётган бўлсак, ўша-
лар бундай йиғлашни ярамас (одат) деб ҳисоблар эдилар.

— Тўғри.

— Яна биз Гомер ва бошқа шоирлардан Ахиллни, маъ-
буданинг ўғли бўлганлиги учун ҳам, «гоҳ чалқанча ... гоҳ
ёнбошлаб» ётишга, «гоҳ бағрини ерга беришга», ёки у
«охири тўшагини қолдириб... денгиз қирғоғида маҳзун ке-
чишга» ва «тезда икки қўллаб нопок кулни бошига ... со-
чишга» мажбур қилмасинлар. Гомер кўпинча ўйлаб топга-
нидек, бошқа сабаблар билан ҳам у йиглаб ва нола қилиб
юрмасин; таваллуди бўйича худоларга яқин Приам

балчиқда юмалаб,

ялинмас эди,

ҳар бир эрнинг номини айтиб.

Яна биз Гомердан худоларни қайғуга чўмишга мажбур
этмасликни,

«Қаҳрамонни туққан мен бечоранинг, бахти қаро-
нинг, ҳолига вой»,

деб фарёд қилишга мажбур этмасликни сўраймиз.

Агар худоларни умуман бундай тасвирлаб бўлмаса, у
с ҳолда худолардан энг буюгини шунчалик ўзига ўхшамайди-
ган қилиб кўрсатиш учун қандай журъатга эга бўлиш керак-
ки, у, ҳатто,

«Оҳ, фалокат! Шаҳар яқинида қувгин азиз ул мардни,
Кўзларим кўрмоқдалар, ва касаллик қалбимни доғлар»;

ёки:

«Во ҳасрато! Мен кўраяпман, бандалар ичида мен
учун азиз Сарпедонни, Патрокл қўлидан мағлуб бўлишга
маҳкумлигини», – дейди.

Азизим Адимант, агар бизнинг ёшларимиз бундай уй-
дирмаларни жиддий қабул қилсалар ва уларнинг устидан
д қандайдир номуносиб нарса сифатида кулмасалар, у ҳолда
кимдир оддий одам бўлгани ҳолда, шунга ўхшаш нимани-
дир қиладиган бўлса, ўз обрў-эътиборига нолайиқ деб ҳи-
соблаши ва ўзига танбеҳ бериши даргумондир, аксинча, – у
ҳеч уялмасдан ва арзимас сабаб билан йиғлаб ҳамда марсия-
лар айтиб юриши мумкин.

– Жуда тўғри.

– Бизнинг мулоҳазаларимизда ҳозиргина аниқлангани-
е дек, бундай бўлиши мумкин эмас ва бошқа, яхшироқ далил-
лар келтирилмагунича ўша мулоҳазаларга суянмоқ керак
бўлади.

– Бунга қўшиламан.

– Аммо бизнинг ёшлар кулгига ҳаддан ташқари мойил бўлмасликлари лозим: деярли ҳамма вақт қаттиқ кулги бўуналай бошқа хиссиёт билан алмашади.

– Ҳа, менга ҳам шундай туюлади.

– Демак, кулги қандай қилиб олижаноб одамлардан устун келишини тасвирлашга йўл қўймаслик даркор, айниқса, худолар борасида бу муҳимдир..

– Албатта, шундай.

– Шундай қилиб, биз Гомернинг худолар ҳақидаги ушбу ибораларига ҳам йўл қўймаймиз:

*Гефест қўлда жом билан кўшкда юришин кўриб,
Осмоннинг эзгу аҳли ажаб кулги кўтардилар.*

– Сенинг сўзларинга қараганда, бунга йўл қўйиб бўлмайд.

– Шундай, агар сени менинг фикрим қизиқтираётган бўлса, ҳақиқатан ҳам бунга йўл қўймаслик керак.

– Зеро, ҳақиқатни энг юқори қўймоқ керак. Агар биз яқиндагина ёлгон худоларга моҳиятан фойдасизлигини тўғри айтган бўлсак, одамларга эса у шифо воситаси, дори сифатида фойдалидир, шуниси аниқки, бундай воситани шифокорлар ишлатишлари мумкин, (шифокорликдан) беҳабар одамлар эса унга қўл теккизмасликлари керак.

– Ҳа, шундайлиги аниқ.

– Айтиш керакки, давлат ҳукмдорлари ёлгонни душманга қарши ҳам, ўз фуқаролари учун ҳам – давлат фойдасини кўзлаб ишлатишлари керак, аммо бошқаларнинг ундан фойдаланишлари мумкин эмас. Агар бирор шахс ўз ҳукмдорларига ёлгон гапирса, биз буни худди касалнинг шифокорга ёлгон гапиришидан ҳам, ёки гимнастик машқлар билан шуғуланувчи ўз устозига ўз баданининг ҳолати ҳақида тўғри гапни айтмаган пайтдагидан ёки эшкакчи кема ва эшкакчилар ҳақида, аслида унинг ўзи ва бошқа эшкакчилар

b

c

билан нима бўлаётганини айтмай, бошқа гап айтган пайтдагидан ҳам ёмонроқ иш, деб ҳисоблаймиз.

– Мутлақо тўғри.

d

Демак, агар ҳукмдор фуқаролар орасидан, иш учун керак бўлган фолбинлар, ё шифокорлар, ёки моҳир меъморлардан кимки ёлгон гапирганини билиб қолса, давлатни кемадий тўнтариб юборувчи ҳалокатли одатни жорий этишда айблаб, унга жазо беради.

– Айниқса, сўзлар ишлар билан яқунланганида.

– Давом этамиз. Бизнинг ёшларга мулоҳазалилик, андишалилик керак эмасми?

– Нега керак бўлмас экан?

e

– Андишалилик нафақат ҳукмдорларга бўйсунишда, балки бизга овқат, ичимлик ва ишқий эрмаклар берадиган ҳузурлар устидан ўзимизнинг ҳукмдор бўлишимизда ҳам намоён бўлади.

– Менимча, шундай.

– Ўйлайманки, Гомерда Диомед айтган сўзларни биз муваффақиятли чиққан, деб тан оламиз:

Жим тур [Капанид] менинг маслаҳатимга бўйсуниб,
ва яна мазмуни билан яқин ушбу мисраларни:

*куч билан нафас олиб, яқинлашар аҳеяликлар,
Жим борардилар ўз сардорларидан қўрқиб...*

Буларга ўхшаш бошқаларини ҳам маъқуллаймиз.

– Жуда яхши.

– Аммо, мана бучи:

Ит кўзли, оҳу юракли манфур шаробхўр!

390

ва ундан кейинги мисраларни уларни яхши деб бўладими? Умуман, оддий одамлардан бири ўз нутқида ёки шеърида ҳукмдорлар борасида шундай дейиши яхшими?

– Йўқ, жуда ёмон.

– Уйлайманки, агар ёшлар бундай сўзларни эшитсалар, бу сўзлар уларнинг андишали бўлишларига ёрдам бермайди. Айтиш керакки, бундай нарсалар хузурбахш бўлиши мумкин, бунда ҳайрон қоларли нарсаяўқ. Ёки сенга бошқача туюладими?

– Худди шундай.

– Бунга нима дейсан?

*Нон ва гўшт тўла тўкин дастурхон
Атрофида ўтирарлар... кўзалардан ҳаётбахш май
Қуяди соқий ва кўпирган қадаҳларда узатар уни...*

b

на бу гўзал, деган донишманд шеърда тасвирланса, у бу сўзларни эшитаётган ёш йигитнинг сабр-қаноатли бўлишига ёрдам берадими? Ёки мана бу:

Аммо очликда ўлишдан ёмони йўқ бизга,

ёки, Зевс ҳақида ҳикоя қилиб, гўёки барча худолар ва одамлар ухлаб ётганларида ва фақат у бедор бўлганида, барча ўйлаб қўйган нарсаларини ишқ иштиёқида унутиб, Гера ни кўриши билан эҳтирос ўтида шундай куйдики, ҳатто, хобхонага кирмай ҳам, шу заҳоти ерда у билан қовушишни хоҳлади ва бундай эҳтирос ҳатто «меҳрибон ота-оналардан яширинча» ўтган илк висол чоғида ҳам бўлмаганига иқрор бўлди. Арес ва Афродита ҳам худди шундай сабаб билан Гефест томонидан биргаликда занжирбанд этилган эдилар.

c

– Зевс билан онт ичаман, буларнинг ҳаммаси номуносиб туюлмоқда.

– Аммо машҳур одамлар томонидан кўрсатиб ўтилган ва эслатиладиган матонат ўрнакларини кўриш ҳам, эшитиш ҳам зарур, масалан, мана буни:

d

*Кўкрагига уриб у [безовта] юракка деди:
Юрак, итоат қил: сен энг пасткашликка ҳам чидайсан.*

– Мутлақо тўғри.

– Бизнинг тарбияланувчиларимиз порахўр ва манфаат-
параст бўлишларига ҳам йўл қўймаслик лозим.

– Ҳеч ҳам.

– Қўшиқларда:

*Тухфалар худоларни ҳам, буюк шоҳларни ҳам хурсанд
қилади,*

деб куйланишини улар эшитмасликлари керак.

Тухфаларни қабул қилиш ва ахеяликларга ёрдам бериш,
агар тухфалар бўлмаса, ғазабдан қолмаслик ҳақида Ахиллга
гўё оқилона маслаҳат берган Ахиллнинг мураббийси Фе-
никсни ҳам мақтаб бўлмайди. Биз яна Ахиллга номуносиб
бўлган барча нарсалар билан ҳам келиша олмаймиз, маса-
лан, гўёки у шунчалик манфаатпараст бўлганки, Агамем-
нондан тухфалар олган, ёки эваз пули олиб, майит тана-
сини берган, бўлмаса бундай қилмас эди, деганлари билан
қўшилмаймиз.

– Бундай ишлар мақтовга сазовор эмас.

– Аммо бу Гомер бўлгани учун, Ахиллни бундай тасвир-
лаш гуноҳлигини айтишга ва бу ҳол бошқа шоирлар томо-
нидан ҳам тасдиқланишига ишонишга журъат қилолмай-
ман. Аммо, қаранг, Ахилл Аполлонга мана бундай дейди:

Сен мени алдадинг, оҳ, худолар аро энг ёмони!

.....
Ўч олардим сендан, агар бўлганида имкони!

b Ҳаттоки, оқимга ҳам – зеро, у худо-ку, – Ахилл бўйсун-
мади ва у билан жанг қилишга тайёр эди. Яна, бошқа бир

оқим, Сперхейга назр қилинган кокиллари ҳақида Ахилл бундай деди:



Жасур Патрокл Ахиллнинг кокилларин олиб кетади,

Патрокл эса ўшанда ўлган эди. Ахилл бундай деганига ишониб бўлмайди. Гўёки Ахилл Патроклнинг қабри атрофида Гекторни судраб юргани, гўё у дафн гулханига қалаш учун асирларни сўйгани ҳақидаги ҳикояларнинг ҳаммасини ёлгон деган бўлардик. Бизнинг ёшларимиз, гўёки Ахилл, маъбуда ва Пелейнинг – жуда мулоҳазали инсоннинг ўгли ва бунинг устига Зевснинг набирасининг – донишманд Хирон тарбиялаган Ахиллнинг, ўзида бирданига иккита бир-бирига қарама-қарши иллатни – манфаатпарастлик билан тубанликни, бошқа тарафдан эса, худолар ва одамларни менсимасликни қўлаб-қувватлайдиган гулгулага шунчалик тўлиб-тошганига ишонишларига йўл қўймаймиз.

– Сен ҳақсан.

– Гўёки Посейдоннинг ўгли Тесей ва Зевснинг ўгли Пифий даҳшатли қароқчилик қилишга журъат қилганларига ва умуман гўёки худолар ва қаҳрамонларнинг ўғилларидан кимдир даҳшатли, қабих ишлар қилишига, ҳозир уларга шундай тухматлар қилинмоқда, биз ҳеч ҳам ишонмаймиз ва бундай ҳикояларга йўл қўймаймиз. Бундан ташқари: биз шоирларни, ё ушбу ишлар бошқа одамлар томонидан қилинган ёки агар улар қилган бўлса-да, улар худоларнинг болалари эмас, деб тасдиқлашга ва бундан кейин бошқача ҳикоя қилмасликка мажбур этамиз. Гўёки худолар бало-офат туғдирадилар ва гўёки қаҳрамонлар одамлардан ҳеч қанча ҳам яхши эмаслар, деган эътиқодга бизда ёшларни ишонтиришга ҳаракат ҳам қилмасинлар. Биз, олдин ҳам айтиб ўтганимиздек, бу гуноҳ иш ва нотўғридир – зеро, биз, худолар бало-офат (ёмонлик) туғдира олмайдилар, деб исбот қилдик.

– Албатта.

– Бунинг ҳақида эшитиш ҳам зарарли: ҳар ким ҳам ундаги ўзидаги ёмонликни кечиради, чунки унинг ишончи комилики, бундай ишларни қиладилар ва қилганлар.

Худоларга қариндош бўлганлар,
Ва Зевсга яқинлар; Идей тоғлари аро
У ерда оталари Зевснинг қурбонлик бериладиган жойи
Уларда аждодлари генийлар қони қуриб қолмаган.

392

Бизнинг ёшларда иллатларга мойиллик туғдирмасинлар деб ушбу афсоналарни ҳикоя қилишни тўхтатишимиз керак.

– Мутлақо тўғри.

– Нима ҳақда гапириш ва нима ҳақда гапирмаслик кераклигини аниқлаш учун бизда асарларнинг яна қайси хили қолди? Худолар ҳақида, генийлар, қахрамонлар ҳақида ва ким Аидда бўлса, ўшалар ҳақида нималар дейиш кераклигини айтиб бўлдик.

– Айтилди.

– Одамлар ҳақида айтишимиз қолди шекилли?

– Шунақага ўхшайди.

– Аммо, дўстим, ҳозирча буни аниқлашимизнинг имкони йўқ.

– Нега?

– Унда, менимча, биз, шоирларнинг ҳам, насрда ёзадиганларнинг ҳам кўпчилиги одамлар ҳақида нотўғри фикрда эканликларини айтишимизга тўғри келади; улар, гўёки, адолатсиз одамлар кўпинча бахтли, адолатлилар эса – бахтсиздирлар; гўёки, адолатсиз иш қилиш – мақсадга мувофиқ, фақат у сир сақланса бўлди ва адолатлилик – бошқа одам учун эзгу иш, унинг соҳибига эса – жазодир, деб ҳисоблайдилар. Бундай фикрлашни биз ман этамиз ва қўшиқларда ҳам, ривоятларда ҳам аини аксини баён қилишни талаб қиламиз. Ёки, сенингча, бошқачами?

b



Гуқ, шундай, бунга ишончим комил.

Агар менинг ҳақ эканлигимга сен розилик билдирсанг, уқрада, бизнинг олдинги мулоҳазаларимизга ҳам сени рози деб ҳисоблайман.

- Сенинг таклифинг тўғри.

- Одамлар борасидаги фикрлар бундай бўлмаслиги кериқлигини, адолат нима эканлигини ва унга риоя қилувчи учун, одамлар уни адолатли ҳисоблайдиларми ёки йўқми, бари бир, ундан қандай фойда келиб чиқишини аниқлаганимизда билиб оламиз.

- Шундай.

Шеърӣ санъатнинг ифода усуллари ёки услублари – Асарлар (бошқа маънода: уйдирмалар – тарж.) ҳақидаги мулоҳазаларни шу билан тўхтатамиз. Энди, ўйлашимча,

ифода усулларига бир нигоҳ ташлаш керак – шунда нима-ни гапириш ва қандай гапириш кераклиги ҳақидаги масала тўла кўриб чиқилган бўлади.

Шунда Адимант:

– Мен сенинг сўзларингни тушунмадим, – деди.

– Аммо сен тушунишинг керак, – дедим мен. Балки мана бундай десак осонроқ тушунарсан: ровийлар ва шоирлар нималар ҳақида гапирмасинлар, ҳаммаси ўтган, ҳозирги ва ёки келаси (замон) ҳақидаги қиссадир, шундай эмасми?

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Улар бунӣ ё оддий ҳикоя қилиш билан ёки тақлид воситасида ёхуд унисидан ҳам, бунисидан ҳам (фойдаланиб) амалга оширадилар, шундай эмасми?

– Соддароқ тушунтир.

– Кўриниб турибдики, мен ношуд ва уқувсиз ўқитувчи, устозман. Шунинг учун, баён қилишни билмайдиганларга ўхшаб, мен ҳаммасини бутунича эмас, балки қандайдир айрим бир ҳолни оламан ва унинг мисолида хоҳлаётганим нарсани тушунтиришга уриниб кўраман. Менга айт-чи, сен

с

d

e

«Иллада»нинг бошланишини, Хрис қизини қўйиб юборишни Агамемнондап қандай сўраганини, у қандай ғазабланганини ва Хрис мақсадига етолмай, ахеяликлардан ўч олишни худога қандай илтижо қилганини шоир баён этган жойини биласанми?

- Ҳа, биламан.
- Демак, сен биласанки.

Барча ахеяликларга, хусусан ахея қўшинини тузган, Қудратли Атридларга ялиниб ёлворди.

деган мисралар билан тугатаркан, фақат шоирнинг ўзи гапиради ва гўё бу ерда шоирнинг ўзи эмас, бошқа кимдир гапираётгандай тасвираб, бизни чалкаштиришга ҳаракат ҳам қилмайди. Шундан кейин эса, гўё унинг ўзи Хрисдек гапиради ва бор кучи билан, бу гапираётган Гомер эмас, балки коҳин чол эканлигига бизни ишонишга мажбур қилмоқчи бўлади. Ва қолган барча қиссагўйликни, бу хоҳ Илиондаги, Итакадаги ёки «Одиссея»да баён этилган бошқа жойларда рўй берган воқеа бўлсин, худди шу тарзда олиб боради.

b

- Шундай.

- Шундай қилиб, у ўзгаларнинг нутқларини (гапларини) келтирганида ҳам, улар (яъни, ўзгаларнинг нутқлари – тарж.) орасида ўз номидан гапирганида ҳам, бу бари бир ҳикоя қилиш (қисса айтиш) бўлади, шундайми?

c

- Бўлмаса-чи!?

- Аммо у ўзга шахс номидан қандайдир нутқни келтираётганида, биз, у кимнинг нутқи деб огоҳлантирган бўлса, ўшанинг нутқига ўз нутқини иложи борича кўпроқ ўхшатмоқчи, демаймизми?

- Ҳа, биз шундай деймиз.

- Бошқа одамга – овоз ёки қиёфа билан бошқа одамга ўхшаган бўлиш – кимга ўхшамоқчи бўлсанг, ўшанга тақлид қилишни англатмайдими?

– Нима демоқчисан?

– Бундай ҳолатда Гомер ҳам, бошқа шоирлар ҳам тақлид ёрдамида ҳикоя қиладиганга ўхшайдилар.

– Албатта.

– Агар шоир ҳеч қаерда яширинмаганида, унинг барча ижоди ва ҳикоя, қиссаси тақлиддан холи бўлар эди. Сен, яна тушунмаяпман, демаслигинг учун, бу қандай рўй беришини сенга тушунтираман. Агар Гомер, Хрис келди, қизи учун тўлашга эваз келтирди ва ахеяликларга, айниқса, подшоҳларга ялинди, деганидан кейин, ўз ҳикоясини у худди Хрис бўлиб қолгандай гапирмай, балки Гомер бўлиб давом эттирганида, бу тақлид эмас, балки оддий ҳикоя қилиш эканлигини тушунасан. Ва тахминан мана бундай бўларди (шеър билан айтмайман, зеро, мен шеъриятдан узоқман): «Коҳин келди ва худолар уларга Трояни олиб, ўзлари бешикаст қолишларини ва ахеяликлар эваз олиб ҳамда худолардан хижолат бўлиб, унга қизини қайтариб беришларини сўраб дуолар қилди, коҳин буларни айтганида, ҳаммалари унга эҳтиром кўрсатдилар ва рози бўлдилар, аммо Агамемнон ғазабланди ҳамда дарҳол кетишни ва бошқа келмасликни буюрди, акс ҳолда коҳинни асо ҳам, илоҳий тож ҳам ҳимоя қиломаслигини билдирди. Унинг қизи ҳақида эса, уни озода этишдан олдин, қиз у билан биргаликда Аргосда қариб кетишини айтди. Агар коҳин уйига бешикаст етиб олишни истаса, (ҳозироқ) кетишини ва ғашига тегмасликни буюрди. Буни эшитиб чол кўрқиб кетди ва индамай йўлга равона бўлди, қароргоҳдан чиққанидан кейин эса, Аполлонга, унинг барча исмларига мурожаат этиб ва ибодатхоналар учун ҳам, муқаддас қурбонликлар учун ҳам қилинган тўхфаларни унга эслатиб, астойдил сиғина бошлади, дуолар қила бошлади. Булар учун (яъни Аполлонга қилинган тўхфалар учун – тарж.) мукофот сифатида, бу кўз ёшлари ҳаққи Аполлон ўз камон ўқлари билан ахеяликлардан ўч олишини сўради». Дўстим, тақлидсиз оддий ҳикоя қилиш мана бундай бўлади.

– Тушунаман.

– Бунинг зидди ҳам бўлиши энди сенга тушунарли: нутқлар орасида шоир ўз номидан айганларини олиб ташланса ва фақат нутқ алмашиш қолдирилса, қарама-қарши ҳолат бўлади.

– Буни ҳам тушунаман – фожиаларда шундай бўлади.

– Менинг фикримни сен жуда тўғри англадинг, шунинг учун ўйлайманки, аввал тушунтиролмаганимни эди сенга тушунтира олдим, яъни: шеъриятнинг ва афсоналар ижод этишнинг бир тури бутунича тақлиддан ташкил топади – бу сен айтганингдек, фожа (трагедия) ва кулгили сахна асари (комедия)дир; бошқа тур шоирнинг ўзининг гапларидан иборат бўлади – буни сен асосан дифирамба (қасида)лардан топасан; эпик шеърият (достоналар)да ва бошқа кўп турларда эса – агар мени тушунган бўлсанг – ўша иккала усулни (топасан).

– Ҳали нима деганингни энди тушундим.

– Олдин нималар ҳақида гапирганимизни бир эсла: шеъриятда нималар дейилиши айтиб ўтилди, аммо яна ўшалар ҳақида қандай гапириш кераклигини кўриб чиқиш зарур.

– Эсимда.

– Биз келишиб олишимиз керак, деб худди шуни айтмоқда эдим, шеърий асарларда тақлидга йўл қўямизми ёки фақат уларнинг баъзиларида тақлидга рухсат бериб, бошқаларида эса, ва айнан қайсиларида рухсат бермаймиз ёки тақлидни умуман чиқариб қўямизми?

– Бизнинг давлатимизда фожа ва кулгили асарлар бўлишига йўл қўйиш керакмикин, деб ўйлаётганингни пайқадим.

– Балки, – дедим мен, – эҳтимол мен шу билан чекланиб қолмасман, мен ҳали билмайман: сўз, худди шамолга ўхшаб қаерга учириб бораркин.

– Ажойиб сўзлар!

– Адимант, сен мана буни ҳал қил: соқчилар бизда тақлидчи бўлиши керакми ёки керак эмасми? Айтиш ке-

ракки, бу ҳам олдинги мулоҳазалардан келиб чиқади – зеро, ҳар ким кўп ишлар билан эмас, фақат бир иш билан яхши шуғулланиши мумкин, агар у кўп нарса билан машғул бўлишни истаса, ҳеч нарса қилолмайди ва ҳеч нарсада ўзини кўрсатолмайди.

– Ҳа, шундай бўлади.

– Тақлид борасида ҳам шундай далил бўлиши мумкинми? Бир одамнинг ўзи, бир вақтда кўп нарсаларга, гўё уларнинг ҳаммаси, – бир нарсанинг ўзи бўлганидай, – муваффақиятли тақлид қилолмайди.

– Ҳа, шундай.

– Кимдир, ҳақиқатан тақлидчи бўлиш учун, эслашга арзийдиган бирор ишни ҳар хил тақлид билан биргаликда олиб бора олиши даргумон. Чунки икки турдаги тақлид бир-бирига яқин туюлгани ҳолда ҳам, бир шахснинг, масалан, ҳам фожиа, ҳам комедия ёзадиганларнинг ўзининг қўлидан келмайди. Сен ҳозиргина унисини ҳам, бунисини ҳам тақлид демаганмидинг?

– Албатта шундай, бир шахснинг ўзи бир вақтнинг ўзида унга ҳам, бунга ҳам қодир эмас.

– Рапсодлар ҳам бир вақтнинг ўзида актёр ҳам бўлолмайдилар.

– Тўғри.

– Бир актёрнинг ўзи комик ва фожеий шоирлар учун, гарчи униси ҳам, буниси ҳам тақлид бўлса-да – тўғри келмайдилар. Шундай эмасми?

– Ҳа, бу тақлиддир.

– Адимант, яна айтиб ўтиш керакки, инсон табиатида кўп майда хислатлар борки, кўпинча тақлиднинг ўхшаши бўлиб хизмат қиладиган барча нарсани ҳам акс эттириш ва бажариш мумкин бўлмайди.

– Бу олий даражада тўғри.

– Демак, агар биз ўзимизнинг аввалги мулоҳазамизни кучида сақлаб қоладиган бўлсак, бизнинг соқчиларимиз

b

c

қолган барча машғулотларни бир четга суриб қўйишлари ва далаат эртишанини сақлаш билан ўта синчковлик ила ҳамда бошқа нарсага чалғимай шуғулланишлари даркор. Улар бошқа ҳеч қандай иш қилмасликлари ёки бошқа бирор нарсага тақлид этмасликлари лозим бўлади. Агар тақлид қилинадиган бўлса, фақат уларга, муносиб нарсага тақлид қилсинлар, яъни ёшлиқдан бошлаб мард, ақли, эркин ва ҳоказо одамларга тақлид қилсинлар. Эркин одамга хос бўлмаган ва умуман уятли нима иш бўлса, ўшани (тақлид туфайли уларда (соқчиларда) ҳақиқатан ҳам шундай бўлишга мойиллик пайдо бўлмаслиги учун) қилмасликлари керак. Ё тақлид, агар у билан болаликдан шуғулланилса, инсонга одат бўлиб қолишини ва табиатига сингиб кетишини – ташқи кўриниш ҳам, овоз ҳам, руҳий ҳолат ҳам ўзгаришини сезмаганмисан?

– Ҳа сезганман.

– Биз ким ҳақида ғамхўрлик қилаётган бўлсак, ўшалар ва ким фазилатли бўлиши керак бўлса, ўшалар, гарчи ўзлари эркак бўлсалар ҳам, аёлга тақлид қилишларига йўл қўймаймиз – аёл ёшми ёки қарими, эри билан уришадими ёки ўзини бахтли хаёл қилиб, худолар билан баҳслашадими, ёхуд, аксинча, мусибат чекиб, ўз ғам-андухини шикоятмуз қўшиқларда изҳор этадими, бари бир – ҳаммасини ҳам олдиндан назарда тутолмайсан.

– Албатта.

– Чўрилар ва қуларга ҳам тақлид қилиш ярамайди – зеро, улар қулар бажариши зарур бўлган ишларни бажарадилар.

– Ҳа, бу ҳам ярамайди.

– Ёки ёмон, аҳмоқ одамларга тақлид қилиб бўлмайди, чунки улар асосан кўрқоқдирлар ҳамда биз ҳозиргина айтиб ўтганимизга хилоф равишда ҳаракат (иш) қиладилар, – ғийбат қиладилар, бир-бирларининг устидан куладилар, маст ҳолда ҳам, ҳушёрликда ҳам сўкинадилар, беҳаёлик қиладилар ва умуман улар ўзларига нисбатан ҳам, бошқа

одамларга нисбатан ҳам сўз ва ишда қандай ёмонликлар қилмайдилар! Бизнинг соқчиларимиз, сўзда ҳам, ишда ҳам ақддан озган, телба одамларга ўхшаш бўлишга одатланишлари мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Эркаклар бўладими ёки аёллар бўладими, савдойи ва бузуқ одамларни фарқлаб, аниқлаб олишни билиш зарур ва шунга ўхшаш бирор ишни қилиш ҳам, уларга тақлид этиш ҳам мумкин эмас.

– Айни ҳақиқат.

– Яна. Темирчиларга, турли ҳунармандларга, кемалар эшкакчиларига ва уларнинг бошлиқларига, умуман, ким шунга ўхшаш бирор иш билан шуғулланса, ўшаларга тақлид қилиш керакми?

– Йўғ-е! Бизнинг соқчиларимиз буларнинг ҳеч қайсисига эътибор бермасликлари лозим-ку.

– Яна. Улар отларнинг кишнашига, буқаларнинг ўкиришига, сувларнинг жилдирашига, денгиз шовқинига, момақалди-роққа ва бошқа шунга ўхшашларга тақлид қиладиларми?

– Аммо уларга телбаланиш ва ақддан озганларга ўхшашлик ман этилган-ку.

– Агар мен сенинг сўзларингни тўғри тушунган бўлсам, баён ёки ҳикоя қилишнинг ҳақиқатан ҳам беназир одам бирор нарсадан хабар бермоқчи бўлганида фойдаланиши мумкин бўлган тури бор; аммо (беназир одамга) қарама-қарши табиий қобилият ва тарбияга эга одам ўз ҳикоясида қўллаши мумкин бўлган, бунга ҳеч ўхшамаган бошқа тури ҳам бор-да.

– Бу қайси тур?

– Менимча, мўътадил одам ҳикоя қилар экан, яхши фазилатли одамнинг қандайдир фикри ёки ҳаракати (иши)га келганида, буни у, гўёки, бу одам унинг ўзи бўлгандай кўрсатишни хоҳлаб қолади; бундай тақлид уят бўлмайди. Яхши одамнинг маъқул ва оқилона хатти-ҳаракатларига тақлид қилинаётганида бундай хоҳиш, анча кучли ва саломатлигини йўқотган ёки булҳаваслиги (тез севиб қолувчанлиги),

b

c

d

шаробхўрлиги ёхуд қандайдир бошқа мусибатлар туфайли иродасиз, беқарор бўлиб қолган одамга тақлид қилинаётганда эса анчагина заиф бўлади. Ҳикоя қилувчи ўзига нолайиқ одамга дуч келиб қолганида, ярамас одамга жиддий тақлид қилишни хоҳламайди, агар бу ярамас ҳарқалай нимадир арзигулик иш қилган бўлса, озроқ муддатга кўниши мумкиндир. Бундай одамларга тақлид қилишда ҳикоя қилувчи тажрибасиздир ва унга, ўзининг руҳий ҳолати бўйича ҳурмат қилолмайдиган – ҳурмат қилса ҳам, ҳазил йўсинида ҳурмат қиладиган – одамларнинг қиёфасини ўзидан воз кечиб олиш уятли ва шу билан бирга жирканчдир.

– Бу табиий.

397 – Демак, у ўз ҳикоясида (қиссасида), бизнинг ҳозиргина Гомер шеърлари борасида айтган фикрларимиздан фойдаланади: унинг баёни ҳам у, ҳам бошқа усул билан бўлади, яъни ҳам тақлид воситасида, ҳам ҳикоя қилиш воситасида бўлади, аммо, агар унинг асари яхлитлигича олинса, тақлид улуши озгина бўлади, холос. Ёки мен ноҳақманми?

– Албатта, ушбу ҳикоя қилувчида шундай услублар бўлади.

– Демак, бунга ўхшамаган ёмонроқ бошқасида, у қанча ёмон бўлса, турли-туман тақлидлар шунча кўп бўлади: бундайлар ҳеч нарсадан жирканмайди, кўп сонли эшитувчилар ҳузурида ҳамма нарсага жиддий тақлид қилишга ҳаракат қилади: яъни биз айтиб ўтганимиздек, момақалдиروққа ҳам, шамол ва дўл шовқинига ҳам, ўқ ва гилдирак гичирлашига ҳам, карнай, флейта (найсимон мусиқа асбоби – тарж.) ва бурғу – ҳар қандай чолғу садосига ҳам, яна, ҳатто, ит ҳуриши, қўйнинг маъраши ва қушлар сайрашига ҳам (тақлид қилади). Унинг баёни буткул товушлар ва ташқи қиёфага тақлиддан иборат бўлади, агар унда ҳикоя бўлса ҳам, жуда оз бўлади.

– Шундай бўлиши муқаррар.

– Шунинг ўзи баённинг мен айтиб ўтган икки туридир.

– Ҳақиқатан шундай.

– Бу турлардан бири фақат озгина оғишга йўл қўяди ва, агар бу баёнга мувофиқ уйғунлик (гармония) ҳамда усул (ритм) берилса, уни тўғри қўллайдиганларда деярли бир тахлитдаги мавзун, хушбичим айнан бир бўғин (ҳижо) ҳосил бўлади – зеро, бу ерда оғиш катта эмас; усул (ритм) билан ҳам тахминан шу ҳолатнинг ўзидир.

– Албатта, шундай.

– Бошқа турда қандай бўлади? У айнаи ўзининг зиддини, яъни эшитувчиларга муносиб тарзда таъсир ўтказиш учун усулнинг барча турлари ва созиқни талаб қилмайдими? Зеро, бу ерда ўзгаришларнинг турли шакллари бўлиши мумкин.

– Тўғри.

– Айтиш керакки, эшитувчилар ҳузурларида қандайдир чиқиш қилаётган шоирлар ёки умуман одамлар ушбу баён усулларида ё буниси, ёки бошқасига, ёхуд ниҳоят, уларнинг қандайдир бирикмасига мурожаат қилади.

– Йложсиз шундай бўлади.

– Шундай экан, биз нима қиламиз? Бизнинг давлатимизда ушбу барча турларга йўл қўямизми ёки аралашмаган бир турга, ёки, аксинча, аралашган турга йўл қўйиб берамизми?

– Агар менинг фикрим устун бўлганида, бу – шоир андишали, виждонли одамга тақдид қиладиган, аралашмаган тур бўлар эди.

– Аммо Адимант, аралаш тур ҳам ёқимли Болалар ва устозларга сен танлаётган турга қарама-қарши бўлгани кўпроқ хуш ёқади; оломоннинг кўпчилик қисмига ҳам шундай.

– Ҳа, уларга у маъқулроқ.

– Аммо, эҳтимол, у биздаги давлат тузилишига мувофиқ эмас, дерсан, чунки бизда инсон, модомики, бир иш қилар экан, у на икки хил, на кўп миқдорда бўлиши мумкин.

– Ҳа, бир-бири билан қовушмайди.

– Шунинг учун, этиқдўз – этиқдўзлаигича қолиб, этиқдўзликка қўшимча дарға эмас; деҳқон – деҳқон бўлиб, деҳқон-

с

д

е

чилик меҳнатига қўшимча равишда ҳакам (судья) эмас ва ҳарбий одам – ҳарбийлигида туриб, ҳарбий машқларига қўшимча равишда корчалон эмас ва ҳоказо.

– Бу тўғри.

– Агар янги (бошқа) қиёфага киришга ва истаган нарсасига тақлид қилиш қобилиятига эга одам, ўз асарларини бизга кўрсатишни хоҳлаб ўзи бизнинг давлатимизга келадиган бўлса, биз унга, муқаддас, ажойиб ва ёқимли бир нарса олдида таъзим қилгандек таъзим бажо келтирамиз, аммо бундай одам бизнинг давлатимизда йўқ ва бундайларга бу ерда туриш ман этилган, деб айтамызда, унинг бошига хушбўй нарсалар суртиб, жун пешонабоғ билан боғлаб, бошқа давлатга жўнатиб юборамиз, ўзимиз эса, ўз фойдамизни ўйлаб, унча ёқимли бўлмаса-да, жиддийроқ, инсофли, андишали одамнинг фикрлаш (сўзлаш) услубига тақлид қилувчи ва нима ҳақда гапирса ҳам, ўша гапини биз аввал жангчиларни тарбиялаш билан шуғулланаётганимизда ўзимиз белгилаб, аниқлаб қўйган намуналарга мувофиқ равишда баён этувчи шоир ва ривоятлар, қиссалар ижодкори билан қаноатланамиз.

– Агар бу бизга боғлиқ бўлса, (албатта), шундай қилар эдик.

– Энди, дўстим, мусиқий санъатнинг асарлар ёзиш ва ривоятлар, дostonлар (айтиш)га тегишли бўлган қисмини тугалладик: нималар ҳақида ва қандай гапириш кераклиги аниқланди.

– Менга ҳам шундай туюлмоқда.

– Демак, – дедим мен, – қўшиқлар айтиш ва мелос (мусиқий) шеърят хусусиятларини кўриб чиқиш қолди.

– Шундай.

– Агар биз мантиқан изчил бўлсак, улар қандай бўлиши ва улар ҳақида биз нималар дейишимиз керак – буларни ҳамма олдин айтилганидан топиб олади.

Главкон табассум қилди.

– Сукрот, шахсан мен, – деди у, – ҳар ҳолда, ҳамма жумла-
сидан эмасман, чунки ҳозир биз нимани тасдиқлашимиз ке-
раклигини унча англамадим. Лекин пайқаётганга ўхшайман.

– Ҳар ҳолда, – дедим мен, – мелосда уч қисм: сўз, уйғун-
лик (гармония) ва усул (ритм) борлигини бемалол тас-
диқласанг бўлади.

– Ҳа, буни албатта тасдиқлай оламан.

– Унда сўз бўлганлиги учун бу борада мелос қўшиқсиз сўз-
лардан ҳеч фарқ қилмайди, яъни биз ҳозиргина айтиб ўтгани-
миз баён қилиш намуналарига мувофиқ бўлиши керак.

– Бу тўғри.

– Ва сўзлар уйғунлик (гармония) ҳамда усул (ритм)
жўрлигида бўлиши зарур.

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Аммо биз, шеъриятда гиря ва ҳасрат бўлмаслиги ке-
раклигини тан олдик.

– Ҳа, бўлмаслиги керак.

– Гиряларга қандай пардалар хос? Сен муסיқани била-
санку, менга шуни айтиб бер.

– Аралаш лидия пардаси жиддий лидия пардаси ва шун-
га ўхшаш баъзи пардалар хос.

– Демак, уларни олиб ташлаш керак, – дедим мен, – улар,
эркаклар учунгина эмас, виждонли, покдомон бўлишлари
лозим эканлиги учун, ҳатто, аёлларга ҳам тўғри келмайди.

– Албатта.

– Соқчиларга сармастлик, нозиклик ва бекорчилик асло
тўғри келмайди.

– Шундай.

– Қандай пардалар нозиклаштиради ва зиёфатбоп қў-
шиқларга хос?

– Иония ва лидия пардалари – улар бўшаштирувчи деб
аталади.

– Дўстим, улардан жанговар одамлар фойдаланишлари
мумкинми?

– Асло. Аммо сенда дория ва фригия пардалари ҳам бор.
 – Мен мусиқий пардаларни билмайман, аммо сен ҳарбий ҳаракатларда қатнашаётган ва омадсизлик келганида, ярадорлигида, ё жонини аямай жангга кирганида, ёки бошқа бир бахтсизлик бошига тушганида матонат билан тақдирга таян берувчи, турли қийинчиликларни енгиб ўтишга мажбур бўлган одамнинг овози ва таронасига тақлид қилувчи (парда)ни қолдир.

Яна бошқа мусиқий пардани, тинчлик вақтида мажбурий эмас, ихтиёрий фаолият билан машғул бўлган, ўз дуолари билан худоними ё панд-насихатлари билан бирор одамни нимагадир ишонтираётган, ёки ўзи бошқа одамнинг илтимосиними, ёхуд панд-насихатлариними ё далиллариними эшитаётган, шу боис тўғри йўл тутаётган, кериламаётган, аммо барча ишни мулоҳаза билан, меъёрни билиб бажараётган ва натижа қандай бўлса ҳам ўшанга кўнаётган одамга қолдиргин.

с Мана шу икки – «мажбурий» ва «ихтиёрий» пардаларни менга қолдир: улар бахтсиз, бахтиёр, оқил, мард одамларнинг овозларига жуда яхши тақлид қилади.

– Аммо сен, менинг ҳозиргина айтиб ўтганим пардаларнинг ўзинигина қолдиришни илтимос қилмоқдасан.

– Шундай қилиб, кўшиқ айтиш ва мелос шеърятда на кўповозлилик на барча пардаларнинг аралашиб кетиши талаб қилинадими?

d – Йўқ, менимча, талаб қилинмайди.

– Демак, биз, тригонлар, пектидлар ва бошқа кўп тор ва кўп пардали чолғу асбобларини ясовчи усталарни тайёрламаймиз.

– Шундайга ўхшайди.

– Бизнинг давлатимизга флейта ясовчи усталарни ва флейта чалувчиларни қўясанми? Бу энг кўповозли асбоб эмасми, шунинг учун, ҳатто, барча пардаларнинг аралашishi ҳам – флейтада куй чалишга тақлид эмасми?

– Шундайлиги аниқ.

– Сенда лира ва кифара қолади – улар шаҳарга ярайди, қишлоқларда, чўпонларда эса най бўлгани маъқулга ўхшайди.

– Бизнинг мулоҳазамиз шуни кўрсатмоқда.

– Биз Аполлон ва унинг муסיқий асбобларини Марсий ва унинг асбобларидан устунроқ кўйсак, – дедим мен, – гайриоддий иш қилмаган бўламиз.

– Зевс билан онт ичаман, – жавоб берди у, – шундайлиги аниқ.

– Ва ит билан онт ичаманки, – дедим мен, – биз яқинда нозиклашиб кетган, деб атаган давлатни қанчалик пок қилиб қўйганимизни ўзимиз ҳам сезмай қолдик.

– Чунки мулоҳаза билан иш қилмоқдамиз-да, – деди у.

– Кел, қолганларини ҳам тозалайлик. Уйғунлик (гармония)лардан сўнг усул (ритм)лар ҳақидаги масала – уларнинг турли-туманлиги ва ҳар хил ўлчовда бўлишига интизмаслик, аксинча, қайси усуллар тартибли ва мардона ҳаётга мувофиқ эканлигини аниқлаш кераклиги ҳақидаги масала юзага келар эди. Буни аниқлаб олгач, шундай қилиш керакки, сўзлар усул (ритм) ва оҳангдан кейин эмас, тегишли сўзлардан кейин усул ва оҳанг келсин. Сенинг ишинг олдин муסיқий пардалар борасида нима қилган бўлсанг, ўшани қайтариш, яъни бу усуллар қандайлигини кўрсатиш бўлади.

– Аммо Зевс билан қасам ичаманки, мен тушунтиришни билмайман. Синчиклаб қараб, туроқнинг уч тури борлигини, худди барча пардалар тўртта садодан ташкил топганларидай, улар (туроқнинг уч тури – тарж.)дан шеърини ўлчовлар вужудга келадилар, деб айтишим мумкин, аммо қандай ҳаётга уларнинг қандайлари тақлид қилишини айтмайман.

– Булар ҳақида, – дедим мен, – биз Дамон билан маслаҳатлашамиз, яъни тубанлик, сурбетлик, ақдан озиш ва бошқа ёмон хислатларни ифодалашга қайси туроқлар тўғри келишини, қарама-қарши ҳолатларни ифодалаш учун қайси усул

(ритм)ларни қолдиришни маслаҳатлашамиз. Дамон бир вақтнинг ўзида ҳам дактилик, ҳам қаҳрамонона бўлган, ҳарбий рақсли йиғма қандайдир туроқни айтганини эшитганимни ғира-шира эслайман, аммо, қисқалик ва узунликдан таркиб топувчи шеърдаги кўтарилиш ва пасайиш маромига қандай эришгани ва уни қурганини билмайман. Дамон ямбни ҳам, яна қандайдир бошқа туроқни ҳам – янглишмасам, узунликлар ва қисқаликлар уйғунлашган трохейни гапирганини эслайман. Баъзи туроқнинг суръатига бўлган унинг танбеҳи ёки мақтови усул (ритм)ларга бўлган танбеҳ ва мақтовдан кам бўлмас эди, ёки уларнинг иккисига ҳам тааллуқли бўларди, яхшиси, мен буни тушунтиролмаслигимни айтишим керак. Айтганимдек, буларнинг ҳаммасини Дамонга ҳавола қиламиз – зеро, бу узоқ муҳокамани талаб этади. Ёки сен бошқа фикрдамисан?

– Зевс билан онт ичаманки, йўқ.

– Аммо, ҳеч бўлмаса, ушбуни: бир томондан, файз ва усулликнинг, бошқа томондан, хунуқлик ва усулсизликнинг бир-бирига мувофиқлигини таъкидлаб ўтишинг мумкин.

– Ҳа, албатта.

– Худди шу тарзда услублилик нутқнинг яхши ҳижосига, ноуслублилик эса – унинг зиддига мос келади. Яхши ёки ёмон уйғунлик (гармония) билан ҳам худди шунинг ўзидир, зеро, яқинда айтиб ўтилганидек, нутқ усул ва парда ортидан эмас, улар нутқ ортидан боришлари зарур.

– Ҳақиқатан, улар туроқ билан мослашишлари лозим.

– Ифода усули ва нутқнинг ўзи инсон руҳияти тарзига мос келмайдими?

– Албатта, мос келади.

– Лекин бошқа ҳаммаси ҳам нутққа мос-ку.

– Шундай.

– Демак, равон нутқ, хушоҳанглик, файз ва равон услуб – соддадиллик оқибатидир: биз соддадиллик деб атайдига-



нимиз фаҳмсизлик эмас, балки ҳақиқий беназир ахлоқий-руҳий тузилиш оқибатидир.

– Шундай.

– Ёшлар, агар ўз вазифаларини бажариш ниятида бўлсалар, бор кучлари билан бунга интилишлари керак эмасми?

– Керак.

– Чунки у ёки бу йўсинда тасвирий санъат ҳам, шу каби бошқа маҳоратлар – тўқимачилик, каштачилик ҳам, қурилиш ҳам, турли рўзғор буюмлари ҳам, бунга қўшимча яна жисмлар ва ўсимликлар табиати ҳам – бу ердаги ҳамма нарса файз ва хунуқлик, ахлоқсизлик билан тўлиқдир. Ахлоқсизлик, усулсизлик, уйғунликнинг бузилиши, носозлик – пичинг, киноя ва бадхуқликнинг яқин қариндошларидирлар, уларнинг қарама-қаршилари эса, аксинча – мулоҳазалилик ва яхши ахлоққа яқин тақлиддир.

– Сўзсиз шундай.

b

– Шундай қилиб, наҳотки фақат шоирларга қараш керак ва уларни ўз асарларида ахлоқ намуналарини тасвирлашга ёки бизда ижод қилишдан умуман воз кечишга мажбур этиш зарур? Бошқа маҳорат соҳибларига ҳам қараш ва улар тирик жонзотлар тимсолларини яратиш, қурилишларда ёки ҳар қандай ўз ишида ахлоқсиз, ўзбошимча, тубан ва файзсиз нарсаларни тасвирлашларига қаршилиқ кўрсатиш керак эмасми? Ким ушбу талабни бажара олмайдиган бўлса, унга ўз санъати (ҳунари) билан шуғулланишга йўл қўймаслигимиз даркор, акс ҳолда бизнинг соқчиларимиз иллат тасвирларида тарбияланиб, худди ярамас яйловда бўлганидай, ҳар куни, оз-оздан, майда-чуйдалаб, аммо жуда кўп намуналарда анчагина ёмонликларни йиғиб оладилар ва ютиб юборадилар ва бундан, улар билмагани ҳолда, руҳларида ягона улкан бало таркиб топади. Йўқ, ўз истеъдодлари бўйича гузаллик ва файзли нарсаларнинг табиатини кўзатишга қодир маҳорат соҳибларини излаб топишимиз ке-

c

d

рак, токи ёшларимиз нигоҳига ёки тушган ёки қулоғига етган ҳар қандай гўзал нарса, соғлом ерлар аҳолисига ўхшаб фойдали бўлсин: бу бамисоли хайр-баракали ўлкалардан эсадиган, ўзи билан саломатлик келтирадиган ва ёшларни болаликдан билинтирмай гўзал, зебо сўзга ошно қиладиган ва у билан (зебо, яхши сўз билан – *тарж.*) дўстлик ҳамда аҳилликка олиб борадиган муаттар шаббодадир.

– Бундай тарбия қанчалик яхши бўларди!

е – Шундай қилиб, Главкон, – дедим мен, – мусиқий санъатнинг асосий тарбиявий аҳамияти шунда: у руҳга бошқа ҳамма нарсадан чуқурроқ кириб боради ва ҳамма нарсадан кўпроқ таъсир қилади; усул (ритм) ва уйғунлик (гармония) ўзлари билан фэйз келтирадилар, фэйз эса одамни ҳам, агар у тўғри тарбияланган бўлса фэйзли қилади, ундай бўлмаса, акси бўлади. Кимки бу соҳада маъқул тарбияланган бўлса, у табиатдаги ва санъатдаги турли камчиликлар ва хатоларни тез фаҳмлайди. Унинг норозилиги ёки, аксинча, хузурланиши тўғри бўлади; зебо нарсани у васф этади ва уни ўз дилига жо қилиб, ундан озиқланади, натижада ўзи ҳам беназир одам бўлади; хунуқлик, ахлоқсизликни у тўғри айблайди ва ёшлик чоғидан бошлаб, балки, ҳатто, оқилона нутқни тушуннишдан ҳам олдинроқ ёмон кўриб қолади; бундай (оқилона) нутқ, фурсати келганда, оқилона нутқ тарбияси бўйича хос эканлигини идрок этиб, яхши кўриб қолади.

– Менимча, – деди Главкон, – мусиқий санъатнинг тарбия учун аҳамияти ҳам шундан бўлса керак.

б – Ўқишни билиш ҳам шу каби, – дедим мен. – Қачонки бизга, ҳар хил ҳарфлар қаерда учраса ҳам, барчасида унча кўп эмаслиги маълум бўлса, бизнинг унга кучимиз етади, деймиз. Шунга қарамай, биз кичкинасида ҳам, улканида ҳам уларга, (ҳарфларга) гўё улар эътиборга арзимасдек, бепарво бўлмаймиз, аммо ҳамма жойда аниқлаб олишга ҳаракат қиламиз ва буни билиб олганимиздан кейингина ўқишни ўрганамиз.

– Тўғри.

– Демак, ҳарфларнинг сувдагими ёки кўзгудагими – қаердагидир тасвирларини, ҳарфларни ўзини билмасдан олдин таний олмаймиз, айтиш керакки, бу ўша санъат ва машқни талаб қилади.

– Сўзсиз шундай.

– Худодар билан онт ичаманки, мен худди шуни таъкидламоқдаман: то биз мулоҳазалилик, мардлиқ, олижаноб фикрлаш тарзи, ҳиммат ва уларга ўхшаш барча нарсани ҳамда уларнинг зиддини аниқлаб олмагунимизча, токи биз буларнинг ҳаммаси ўз-ўзичами ёки тасвирлардами – қаерда мавжуд бўлса ўша ерда кўрмагунимизча, на ўзимиз, на тарбияламоқчи бўлганимиз соқчилар – худди шунга (яъни ўша ҳарфларни таниш ва ўқишни ўрганишга – *тарж.*) ўхшаб, мусиқий санъатни эгаллай олмаймиз; кичигида ҳам, улканида ҳам биз бунга бепарво бўлмаймиз, аммо бу ерда ўшанинг ўзи – санъат ва машқ талаб қилинади, деб ҳисоблаймиз.

– Бу, албатта, зарур.

– Демак, – дедим мен, – агарда қандайдир бир одамнинг дилида яшириниб ётган гўзал ахлоқий хусусиятлар унинг ташқи кўриниши билан мувофиқлашса, улар бир турга мансуб бўлганлари туфайли, кўриш (фаҳмлаш)га қодир одам учун бу энг гўзал манзара бўлади.

– Албатта.

– Зеро, олий гўзаллик олий даражада жозибалидир.

– Бўлмаса-чи!

– Мусиқий санъатга содиқ одам худди шундай инсонларни ҳамма нарсдан кўпроқ яхши кўради. Бундай уйғунлик бўлмаганларни эса яхши кўрмаган бўларди.

– Бу камчилик руҳий бўлганида, албатта, яхши кўрмас эди, агар жисмоний бўлса, у ҳолда чидаса ва учрашувларни ёқимли деб ҳисобласа бўлади.

– Тушунаман, – дедим мен, – ё сенинг шундай ҳабибинг бор ёки олдин бўлган, шунинг учун эътироз билдирмайман. Аммо менга шуни айт-чи, мулоҳазакорлик билан лаззатдаги ҳаддан ошиш орасида бирон-бир умумийлик борми?

– Нималар деяпсан? Дард чекиб ақлдан озишга қараганда, улардан (мулоҳазалар билан лаззатдаги ҳаддан ошишдан – *тарж.*) кўпроқ ақлдан озадилар.

– Унинг (ҳаддан ортиқ лаззатнинг – *тарж.*) билан бошқа бир эзгу ишда умумийлик борми?

– Асло йўқ.

– Масалан, суллоҳлик ва бебошлик билан-чи?

– Улар билан умумийлик анчагина.

– Ишқий эрмаклардан ҳам кучлироқ ва ўткирроқ (бирор) лаззатни айта оласанми?

– Айтолмайман, (улардан) ортиқ телбалик йўқ.

– Айтиш керакки, ҳаққоний муҳаббатга камтар ва гўзал нарсани, оқилна ва уйғунликда севиш хосдир.

– Албатта.

– Демак, ҳаққоний муҳаббатга жунбишга келиш ва бебошликка ўхшаш ҳеч нарсани қўшиб бўлмайди.

– Қўшиб бўлмайди.

– Демак, лаззатни ҳам қўшмаслик керак: ҳаққоний сеувчи ва севилувчида, яъни на муҳибда, на ҳабибда у (лаззат) билан умумий ҳеч нарса бўлмаслиги даркор.

– Ҳа, Сукрот, Зевс билан қасам ичаман, бунга лаззатланишни қўшиб бўлмайди.

– Биз бунёд этаётган давлатда сен, муҳибни ўз ҳабибининг дўсти, вақтини у билан ўтказадиган ва, агар ҳабиби рози бўлса, гўзаллик ҳурмати учун унга, худди ўғлига бўлгандек муносабатда бўлувчи этиб тайинлайсан. Бошқа муносабатларда у ўзи кўнглини олмоқчи бўлгани билан шундай муомала қилсинки, ҳеч қачон, улар орасида бундан ортиқроқ нимадир борлигига шубҳа ҳам пайдо бўлмасин.

Акс ҳолда у қўполликда айбланиб ва гўзалликни тушунмайдиган одам деб танбеҳ олади.

– Ҳа, шундай бўлади.

– Бизнинг мусиқа санъати ҳақидаги мулоҳазаларимиз, поёнига етганга ўхшамаяптими сенга? – дедим мен. – У нима билан тугаши керак бўлса, ўша билан тугади, – зеро, мусиқий санъатга тааллуқли ҳамма нарса гўзалликка меҳр-муҳаббат билан яқунланиши керак.

– Бу гапингга қўшиламан, – деди Главкон.

Мусиқий ва гимнастик тарбиянинг ўз аро боғлиқлиги

– Ёшлар мусиқий санъатдан кейин гимнастикани ўрганишлари керак.

– Албатта.

– Бу борада ҳам болаликдан бошлаб бутун ҳаёти давомида астойдил тарбиялаш зарур. Бу ерда иш бундай (буни сен ҳам ҳал қилганинг яхши): одамнинг жисми яхши бўлса, у эзгу фазилатлари билан дуруст руҳий ҳолатни келтириб чиқаради, деб ҳисобламайман; менимча, аксинча бўлади, яхши руҳий ҳолат ўзининг эзгу сифатлари билан жисм энг яхши ҳолатда бўлишини келтириб чиқаради. Сенингча, қандай?

– Менимча ҳам шундай.

– Шундай қилиб, агар биз соқчиларимизнинг маънавий қиёфалари ҳақида етарли даражада ғамхўрлик қилсак ва кейин уларнинг ақл-идроқларига, жисмга яхши, астойдил тарбия беришни буюрсак, ўзимиз эса кўп гапиришдан сақланиб, бир нечта намуналар кўрсатиш билан чеклансак, тўғри иш қилган бўламизми?

– Албатта.

– Уларнинг маст бўлиб қолишдан сақланишлари кераклиги ҳақида гапириб ўтдик. Ўзингнинг, ҳатто, қаердалигингни ҳам билмайдиган бўлиб ичиб олиш бошқа бир одамга мумкиндиру, бироқ соқчига мутлақо мумкин эмас.

— Агар соқчининг ўзи соқчиға муҳтож бўлса, кулгили бўларди.

— Уларнинг озиқ-овқати-чи? Зеро, бу одамлар – энг буюк мусобақанинг қатнашчиларидир. Шундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Атлетларнинг ҳаёт шароитлари уларга тўғри келадики?

– Эҳтимол.

– Лекин бу серуйқуликка олиб келади ва саломатлик учун хавфли-ку. Бу полвонлар умр бўйи ухлайдилар ва уларга тайинланган тартиботни бузишлари билан қаттиқ касал бўлиб қолишларини сезмаганмисан?

– Ҳа, мен буни кузатиб тураман.

– Ҳарбий атлетлар янада мукамалроқ тайёргарликка муҳтождирлар: улар итники каби сезгига, жуда ўткир кўзга, яхши эшитиш қобилиятига эга бўлишлари ва ҳарбий юришларда сувнинг ўзгариши, турли овқатлар, жазирама ёки серёгин кунлар уларнинг саломатлигига путур етказмаслиги учун жуда соғлом бўлишлари зарур.

b – Менга ҳам шундай туюлади.

– Аммо энг яхши гимнастик тарбия биз ҳозиргина таҳлил этганимиз мусиқа санъатига яқин эмасми?

– Буни сен қандай тушунасан?

– Бундай тарбия, айниқса, ҳарбий иш борасида, оддий ва муносиб бўлиши керак.

– Тушунмадим.

– Буни, ҳатто, Гомердан ҳам билса бўлади. Сен биласанки, ҳарбий юриш пайтида Гомер қаҳрамонларни, гарчи бу Геллеспонда, денгиз бўйида рўй бераётган бўлса ҳам, на балиқ билан, на қайнатилган гўшт билан овқатлантирмайди, балки фақат қовурилган гўшт беради, бу эса аскарларга қулайдир: зеро, айтиш керакки, оловни ҳамма жойда ҳам топса бўлади, идиш олиб юришга ҳожат қолмайди.

– Ҳа, бу анча қулай.

d

e

405

b

– Вилишимча, Гомер зираворларни ҳам ҳеч тилга олмайди. Айтиш керакки, атлетлар ҳам буни биладилар: кимдаким ўз танини яхши ҳолатда ушлаб турмоқчи бўлса, бу нарсалардан у ўзини тийиши зарур.

– Тўғри, улар буни биладилар ва ундан ўзларини сақлайдилар.

– Кўришиб турибдики, сен буни тўғри, деб ҳисоблар экансан, демак, сиракуза дастурхонини ва сицилияча турли-туман таомларни маъқул топмайсан, шундайми?

– Маъқул топмайман.

– Демак, агар ўз танини яхши ҳолатда сақлашни хоҳдасаю коринфлик қиз унга ёқиб қолса, сен буни хуш кўрмайсан?

– Албатта, шундай.

– Ва гарчи хуштаъмлиги билан машҳур бўлсаларда аттика пишириқларини ҳам маъқул топмайсан?

– Албатта.

– Ўйлайманки, бундай овқатланиш ва ҳаёт тарзини, бир пайтнинг ўзида барча мусиқий пардалар ва барча усул (ритм) ларда ёзилган мелос шеърят ёки қўшиққа тўғри ўхшатдик.

– Албатта.

– Ранг-баранглик у ерда бебошликни, бу ерда эса – касалликни келтириб чиқаради. Оддийлик эса мусиқий санъатда руҳга вазминлик, яхши феъл, гимнастика соҳасида – тан саломатлигини беради.

– Мутлақо тўғри.

– Давлатда ахлоқсизлик ва касалликлар авж олганида, кўпгина суд маҳкамалари ва касалхоналар очишга тўғри келмайдими? Кўпгина олижаноб одамлар жиддий шуғуллансалар, суд маҳкамаси иши ва шифокорлик ҳурмат топмайдими?

– Ҳа, шундай бўлиб чиқади.

– Агар шифокорлар ва моҳир ҳакамлар (судьялар)га нафақат ёмон одамлар ва ҳунармандлар, балки эзгулик йўсинида тарбия олганликларига даъво қиладиганлар ҳам эҳтиёжман

бўлашади, фуқароларнинг ёмон ва уятли тарбия олганларига бундан ҳам кучлироқ, катгароқ далил келтира оласанми? Адолат ҳақида ўзининг шахсий тушунчалари бўлмагани учун бегона одамларнинг қарорларидан, худди улар (қарорлар) қандайдир ҳукмдорлар ҳамма нарсани ҳал қила оладигандай фойдаланиш эҳтиёжи, сенингча, шармандалик ва тарбиясизликнинг аниқ белгиси эмасми?

– Бу энг шармандали ҳолдир.

с – Инсон ўз умрининг кўп қисмини суд маҳкамаларида жавобгар ёки даъвогар сифатида ўтказиши, аммо ўзининг тарбиясизлиги туфайли адолатсизлик қилишга уста, жазодан сақланиб қолиш учун турли ҳийлалар ҳамда ноқонуний йўللарни биладиган одамман, деган ишонч билан яна кеккайиб юриши ва буларнинг ҳаммаси арзимас, асти қиммати йўқ иш учун бўлиши сенга янада шармандалироқ ҳолат бўлиб туюлмайдими? Ўз ҳаётини мудраб, бошини кўтаролмайдиган ҳакам (судя)га иши тушмайдиган тарзда қуриш қанчалик гўзал ва яхши эканлиги унга номаълумдир.

– Ҳа, бу янада шармандали ҳолдир.

д – Яраланиб олинган жароҳатлар ёки қандайдир йил сайин қайтарилиб турадиган касалликлар туфайли эмас, балки, бекорчилик ва биз олдин эслатиб ўтганимиз бебок ҳаёт тарзидан пайдо бўлган даволанишга эҳтиёж шармандалик эмасми? У ҳолда намлик ва буғланиш худди ботқоқликдаги сингари туриб қолади ва бу, топқир Асклепиадларнинг касалликларга «шамол» ва «ҳолсизланиш» деб ном беришларига ундайди.

– Ҳақиқатан ҳам, булар касалликларнинг янги ва бемаъни номларидир.

е – Асклепий даврида мавжуд бўлмаган касалликларнинг номи, деб ўйлайман. Троя остонасида унинг ўғиллари, яраланган Еврипилга, менимча, шилимшиқ ялағланиш келтириб чиқарадиган, кўпгина арпа ёрмаси ва қирғичланган пишлоқдан солиб прамний шаробидан ичирган аёлга тан-

беҳ бермаганлар. Асклепийнинг ўғиллари Патроклнинг да-
волаш тадбирларига ҳам эътироз билдирмаганлар.

– Шундай аҳволда бўлган одам учун ҳақиқатан ғалати
ичимлик бу!

– Агар сен, у пайтларда, Геродикнинг пайдо бўлишидан
олдин, айтишларича, Асклепиадлар касалликни ҳозирги да-
волаш услубини билмаганларини ҳисобга олсанг, унчалик
ғалати бўлмайди. Геродик эса гимнастика ўқитувчиси бўл-
ган. Касал бўлиб қолганида у даволаниш учун гимнастик
машқларни қўллаган; олдин бу билан у ўзини ўзи, кейин эса
яна кўп бошқа одамларни қийнаган.

– Қай тарзда?

– У ўз ажалини нарига сурди; у ўз касалига қанча қарама-
син, унинг оқибати ўлим эди ва, ўйлайманки, даволанишга
ҳам кучи етмасди, шунинг учун у ҳеч нарса билан шуғуллан-
май, фақат даволаниб ва машаққат чекиб яшарди, бу билан у
ўзига одат бўлиб қолган ҳаёт тарзини бузмасликка ҳаракат
қиларди. Ана шундай, узлуксиз ўлиш ҳолатида, у ўзининг
донолиги шарофати билан кексайиб, қариб-қартайгунича
яшади.

– Эгаллаган санъати уни яхши мукофотлабди!

– Асклепий ғофиликдан ёки тажрибасизликдан ўз ав-
лодларига даволашнинг бу тури ҳақида ҳеч нарса айтма-
ганини фаҳмламаган одам ана шундай, қилмишига яраша
топади. Қонуний тартибга риоя қиладиган ҳар бир одамга
жамиятда қандайдир бир иш белгиланганини ва у бутун умр
ўз касалликларини беҳуда даволаш билан шуғулланмай, ана
шу вазифани бажариши зарурлигини Асклепий билар эди.
Қизиги шундаки, бунинг тасдиғини ҳунармандларда кўра-
миз, бой ва яхши ҳаёт кечирувчиларда эса бу сезилмайди.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Дурадгор касал бўлиб қолганида, шифокорга қустира-
диган ёки сурги дори сўраб мурожаат қилади, токи шу йўл
билан касалликдан қутулсин, бўлмаса у куйдиришни ёки

b

c

d

ёришни сўрайди. Агар унга узоқ муддатли даволанишни тайинласалар, бошни ўраб отишни ва ҳоказо буюрсалар, у дарҳол касал бўлиб юришга вақти йўқлигини, агар касалликка эътибор берилса ва зарур иш назардан четда қолдирилса, яшашнинг ҳам ҳожати қолмаслигини айтади. Бундай тоифадаги шифокор билан хайр-маъзур қилиб, ўзининг одатий ҳаёт тарзига қайтади ва, агар тузалиб кетса, ўз иши билан шугулланишни давом эттиради; башарти унинг тани касалликка бардош бермасдан, ажали етади ва ташвишлардан қутулиб кетади.

е

– Бундай одам шифокорликдан худди шундай фойдалангани маъқул.

407

– Унинг қандайдир иши борлиги ва агар бу ишни бажармайдиган бўлса, яшашининг ҳам ҳожати йўқлиги учун шундайдир?

– Шундай бўлса керак.

– Айтиб ўтганимиздек, бой одамда бундай мажбурий иш йўқ, шунинг учун унингсиз ҳаёт ҳаёт, бўлмай қоладиган бўлса, яшашга ҳожат қолмайди.

– Аммо, одатда, буни тан олмайдилар.

– Сен Фокилиднинг, ҳаёт шароитлари таъминланганидан кейингина ўзида тана бақувватлигини ривожлантириш керак, деган сўзига қўшилмасанг керак?

– Буни янада олдинроқ бошлаш керак, деб ўйлайман.

в

– Бу масалада Фокилид билан жанг қилиб ўтирмаймиз, бой одамга бунинг ҳақида ғам ейиш керакми ва агар у бу билан машғул бўлмаса, ҳаёт унга ҳаёт бўлмай қолмайдими ёки эътиборларини ишдан чалгитганидан ва Фокилиднинг маслаҳатлари, умуман олганда, ҳеч нарсага халақит бермаганидан, фақат дурадгорлар ва бошқа соҳиби ҳунарларга ўз касалликлари билан машғул бўлиш мумкин эмасми, яхшиси шуларни ўзимиз учун аниқлаб олайлик.

– Зевс билан онт ичаманки, – деди Главкон, – агар ўз тани ҳақидаги бундай ортиқча гамхўрлик оддий гимнасти-

ва чегараларидан ўтиб кетса, жуда ҳам халақит беради: у ҳолда бу уй-рўзгор ишларида ҳам, ҳарбий юришларда ҳам яқинни келтиради ва шаҳар ҳокимияти вакиллари учун ҳам нохушдир.

– Аммо, энг асосийси, бундай ортиқча ғамхўрлик ҳар қандай билимларни олиш (ўрганиш)га, фикрлашга ва ўз устида ишлашга тўсиқ бўлиб хизмат қилади: чунки одамларга доимо бошлари оғриётгандай ёки айланаётгандай туюлади, бунда улар фалсафага айб қўядилар, шунинг учун қалерда ушбу ғамхўрлик устун бўлса, ўзининг эзгу ишини ривожлантиришга ва текширишга тўсиқ бўлади, негаки ушбу ғамхўрлик туфайли инсон ўзини абадий касал деб ғумон қилади ва ҳамма вақт баданида оғриқ ҳис этади.

– Бу гап ҳақиқатга ўхшайди.

– Бу ҳол Асклепийга ҳам маълум бўлган, десак бўлармикин: кимнинг тани табиатан соғлом бўлса ва ким соғлом ҳаёт тарзи ила яшаса, аммо бирон-бир ғайриоддий касалликка дучор бўлса, бундай одамлар бундай ҳолатда қандай даволаниши лозимлигини Асклепий айтиб ўтган – у одам дори-дармон ва кесиб-тилишлар билан касалликни йўқотиши керак, аммо шу билан бирга, ижтимоий ишларга путур етмаслиги учун, одатдаги ҳаёт тарзини сақлаши зарур. Асклепий бутун умр давом этадиган ички касалликлари бўлган беморнинг ҳаёт тарзини ўзгартириб ва касалликни чўзиб, бу инсоннинг арзимас ҳаётини узайтириш, бунинг устига яна, табиийки, худди шундай (яъни, касалманд – тарж.) авлодни дунёга келтиришга имкон бериб, беморнинг аҳволини енгиллатишга уринмаган. Асклепий, кимдаким инсонга берилган муддатда яшашга қодир бўлмаса, уни даволаш ҳам керак эмас, чунки бундай одам ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам бефойда, деб ҳисобларди.

– Сен, Асклепий жамият ҳақида қайғурган, демоқчимисан?

– Буниси аниқ. Унинг ўғиллари ҳам унинг шундай бўлганини кўрсатдилар. Ўзларининг шифокорлик санъатларини

Троя остонасидаги жангларда, мен қандай айтаётган бўлсам, худди шундай қўллаб, қандай машҳур бўлганларини кўрмаяпсанми? Ёки, Пандарнинг камони ўқидан жараланган Менелай жароҳатидан улар

*Юмшатовчи малҳам қўйиб жароҳатга, эзиб қон чиқардилар,
буни сен эслайсанми?*

Нима ейиш ва ичиш кераклиги ҳақида Менелайга улар Еврипилга тайин этганларидан ортиқ нарсани бермадилар, чунки агар инсон жароҳат олишдан олдин соғлом бўлган ва батартиб ҳаёт тарзини кечирган бўлса, уни даволаш учун дори-дармоннинг ўзи етарлидир, гарчи унга май, асал, арпа ёрмаси ва қирилган пишлоқ аралаштирилган ичимликни ичиш эндигина насиб этган бўлса ҳам. Табиатан касал, бунинг устига ўз нафсини тиёлмайдиган одамнинг ҳаётини

b Асклепийлар унинг ўзи учун ҳам, атрофидагилар учун ҳам бефойда деб билардилар, шунинг учун улар, агар бундай бемор Мидасдан ҳам бой бўлса-да, уни парваришлаш ва даволашга ҳожат йўқ, деб ҳисоблар эдилар.

– Агар сенга ишонадиган бўлсак, Асклепийнинг ўғиллари жуда фаросатли бўлган эканлар.

– Гарчи бизнинг бу фикримизга трагиклар ҳам, Пиндар ҳам қўшилмасалар-да, улар шундай бўлишлари керак, гарчи

c Асклепий Аполлоннинг ўғли бўлса ҳам, бари бир, ўлим тўшагида ётган бир бойни даволаш учун пора олди, шунинг учун у яшин уриб қўйиб кул бўлди, дейдилар. Биз эса, айтиб ўтган гапларимиздан келиб чиқиб, на униси, на буни-си борасида уларга (яъни, фожианавислар ва Пиндарга – тарж.) ишонамиз: агар у худонинг ўғли бўлса, деймиз биз, манфаатпараст бўлмас эди, агар у манфаатпараст бўлса, бас, худонинг ўғли эмас.

d – Бу-ку мутлақо тўғри. Қуйидагилар ҳақида Сукрот, нима дейсан: бизнинг давлатимизга яхши шифокорлар керак

эмасми? Кимнинг қўлидан соғломлар ҳам, касаллар ҳам иложи борича кўпроқ ўтган бўлса, ўшалар шундай (шифокор) бўлишлари мумкин. Худди шунга ўхшаб, ҳакамлар ҳам: ўз табиий қобилиятлари бўйича ҳар хил бўлган одамлар билан кўпроқ муомала қилган ҳакам – ҳакамларнинг яхшиси.

– Албатта, улар энг яхши шифокорлар бўлишлари керак. Биласанми, мен кимларни шундай деб ҳисоблайман?

– Марҳамат қилиб айт менга.

– Ҳаракат қилиб кўраман. Аммо сен ўз саволингда бир-бирига ўхшамаган икки нарсани бирлаштирдинг.

– Қандай қилиб?

– Ким болалигидан бошлаб ўз фанини ўрганишдан ташқари, иложи борича кўпроқ бутунлай нажотсиз касалларни кўрган, яна ўзи ҳам турли касалликларни бошидан кечирган ва табиатан унча соғлом бўлмаган шифокорлар энг яхши шифокорлар бўлар эдилар. Зеро, менимча танни тан билан даволамайдилар – шундай бўлганда, шифокорнинг ўзининг танининг аҳволи йўл қўйиб бўлмас даражада аянчли бўларди, – йўқ, танни руҳ билан даволайдилар, агар шифокорнинг руҳи ёмон бўлса ёки ёмон бўлиб қолса, бундай руҳ билан яхши даволаб бўлмайди.

– Бу тўғри.

– Ҳакам эса, дўстим, руҳ билан руҳларни идора қилади. Унинг руҳи ёшлигидан ахлоқсиз руҳлар орасида тарбияланиши, муомала қилиши, турли-туман адолатсизлик узра ўтиши ва ўзи ҳам шундай қилиши – буларнинг бари, фақат ўз шахсий тажрибаси бўйича, худди ўзгаларнинг касалликлари ҳақида ўз касалликлари бўйича хулоса чиқаргандек, ўзгаларнинг қилмишлари ҳақида ўз қилмишлари бўйича хулоса чиқариши мумкин эмас. Аксинча, руҳ, агар у беназир ва ақд билан адолатли ҳакамлик қилиши керак бўлса, ёшлигидан бошлаб бокира бўлиб, ёмон ахлоққа тааллуқли бўлмаслиги зарур. Шунинг учун ҳам виждонли, андишали одамлар ёшлик пайтларида соддадил кўринадилар

e

409

b

ва осонгина адолатсиз одамларнинг қурбони бўладилар – ваҳоланки, уларнинг ўзларида бузуқ одамларга монанд ҳеч қандай қирралар йўқ.

– Дарҳақиқат улар кўпинча шундай аҳволга тушадилар.

– Шунинг учун йигит эмас, адолатсизлик нималигини кексайганида билган қариягина яхши ҳакам (судья) бўла олади. Адолатсизликнинг борлигини у руҳан ва шахсий хислати сифатида кўргани йўқ, аксинча, унга бегона бир нарса сифатида бошқа одамларнинг руҳида кўрди. Бу балонинг қандайлигини билишни, фаҳмлашни ўргангунича кўп вақт керак бўлди – зеро, бало унинг тажрибаси маҳсули, мавзуси эмас, балки билим мавзуси, маҳсулидир.

с – Ундан аъло ҳакам чиқади.

– Ҳа, яхши: сенинг сўраганинг шудир. Зеро, кимнинг руҳи яхши бўлса, ўша – яхши. Эпчил ва ҳамма нарсада фақат ёмонликни гумон қиладиган, ўзи кўпгина адолатсизликлар қилган ва ўзини ҳамма нарсага уста ҳамда донишманд ҳисоблаган одам ўзига ўхшашлар билан мулоқотда бўлганида, ўз ишининг устасидай бўлиб кўриниши тўғри, чунки у ўзида ёмон ўрнатилган, намуналарни кўриб, ҳамма нарсадан хавфсирайди, аммо яхши одамлар билан ва ўзидан катта ёшдагилар билан учрашганида бефаҳм кўринадилар, чунки у соғлом ахлоқ-одобни билмагани сабабли ўринсиз гумондор бўлади – зеро, бундай намуналар (соғлом ахлоқ – тарж.) унга ётдир. Яхши одамлар билан учрашганидан кўра кўпроқ ахлоқсиз одамлар билан учрашиб тургани учун ўзига ҳам, бошқаларга ҳам у, нодондан кўра кўпроқ донишмандга ўхшаб кўринадилар.

– Мутлақо тўғри.

– Шундай қилиб, агар яхши ва доно бўлишини хоҳласан, бундай ҳакамни эмас, олдин кўрсатиб ўтганимизга ўхшаганини исташимиз керак. Ахлоқсизлик ҳеч қачон на эзгу ишни, на ўзини англай олмайди, қадрига етмайди, ўз вақти-

да тарбия олган инсон табиатининг фазилати, эзгу ишлари эса ҳам ўзи ҳақида, ҳам ахлоқсизлик ҳақида билим олади, уларни англай олади.

Разил (одам) эмас, айнан ана шундай одам, менимча, до-нишманда бўлиб етишади.

– Менга ҳам шундай туюлади.

– Демак, сен ана шу хилдаги ҳакамлик санъати билан бирга, бизнинг давлатимизда биз айтиб ўтган тарздаги шифокорликни ҳам қонунаштириб қўясан. Уларнинг иккови ҳам тан, ҳам руҳ борасида мукамал фуқаролар ҳақида ғамхўрлик қиладилар, кимда-ким бундай бўлмаса, кимнингки фақат тани мукамаллиги бўлса, уларнинг ўлиб битишларига қўйиб берадилар, руҳи ёмон, бадхулқ, устига-устак бедаво одамларга келсак, улар ўзларини ўзлари ўлдирадилар.

410

– Шунда бундай камчиликларга гирифтор бўлганларга ҳам, бутун давлатга ҳам яхши бўлиши аниқ.

– Ёшлар эса, айтиб ўтганимиз мулоҳазалиликни келтириб чиқарадиган оддий мусиқа санъатини эгаллаганликларни учун ҳакамлик маҳкамасига мурожаат қилишдан ўзларини тиядилар.

– Албатта.

b

– Мусиқа санъати соҳиби бўлган одам шу йўлдан бориб, гимнастика билан шуғулланиб, истаса худди шундай қарорга келади, яъни заруратсиз шифокор ёрдамига ошиқмайди.

– Мен бу гапга қўшиламан.

– У, бақувватроқ бўлиш мақсадида овқатланадиган ва машаққатларга бардош берадиган паҳлавонлар (атлетлар) га ўхшаб куч йиғиш учун эмас, балки руҳнинг табиий жасорати ва эҳтироси учун, уларни уйғотиш мақсадида гимнастик машқлар билан шуғулланади ва қийинчиликларни енгиб ўтади.

– Сен мутлақо ҳақсан.

c

– Главкон, мусиқий ва гимнастик санъатлар ёрдамида тарбиялаш керак, деб қарор қилган одамлар, баъзилар ўй-

лаганларидек, бирининг воситасида танни, бошқасининг воситасида – руҳни камол топтириш учун шундай қилган-микинлар?

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Айтиш керакки, униси ҳам, буниси ҳам асосан руҳ учун белгилаб қўйилган.

– Тушунмадим.

– Бутун умрини гимнастикага бағишлаб, муסיқий санъатга асло эътибор бермаган одамларнинг руҳий хусусиятлари қандай бўлишини биласанми? Буларнинг зидди бўлган одамларда бу ҳолат қандайлигини-чи?

– Нимани назарда тутмоқдасан?

d – Бир томондан қўполлик ва шафқатсизлик, бошқа томондан эса – мулойимлик ва нозиклик.

– Ҳа, фақат гимнастика билан шуғулланувчиларнинг керагидан кўра қўполроқ, фақат муסיқий санъат билан шуғулланувчиларнинг эса – уларга зийнат бўлмайдиган даражада мулойим бўлишларини кўрганман.

– Айтиш керакки, қўполлик руҳнинг табиий шиддатига кўмак бериши мумкин эди ва тўғри тарбия берилганида мардликка айланарди; аммо ҳаддан ташқари қўполлик машаққат келтиради ва чидаб бўлмас даражага етади.

e – Ҳа, менга шундай туюлади.

– Хўш, ювошлик, фалсафага мойил одамларнинг феъл-атворлари хусусияти бўлмайдими? Тўғри, ортиқча ювошлик мулойимликка олиб боради, аммо яхши тарбия берилса, у фақат ювошлик ва камтарлик бўлиб қолади.

– Шундай бўлади.

– Бизнинг соқчиларимиз эса, деймиз биз, ушбу иккала табиий хусусиятлар соҳиби бўлишлари керак.

– Ҳа, шундай.

– Ва бу хусусиятлар бир-бирларига уйғун, ҳамжиҳат бўлиши лозим.

– Албатта.

– Ва кимда улар уйғун бўлса, унда рух мулоҳазали, оқил ва мардона бўлади.

– Шундай бўлади.

– Кимда уйғун, ҳамжиҳат бўлмаса – у қўрқоқ ва қўпол бўлади.

– Жуда ҳам.

– Агар одам мусиқа санъати ўзини флейта товушлари билан мафтун қилишига ва биз ҳозиргина айтиб ўтганимиз ўша ширин, мулойим ва маҳзун мақомларни кулоқлари орқали унинг дилига қуйишига йўл қўйса; агар у бутун умрини ашулалар таъсири остида гоҳ ҳасрат билан инграб, гоҳ қувониб ўтказса, у ҳолда, агар унда шиддатли, сержаҳл рух бўлса, у дастлабки пайтларда худди осон болғаланадиган темирдек юмшайди ва олдин фойдасиз бўлган қайсар табиати энди унга фойдали бўлиб қолиши мумкин. Аммо, агар у бундай сеҳрга билмай берилиб кетса, у ҳолда у ўз руҳини, худди дилдан барча пайларни кесиб ташлагандек, токи бутунлай ҳолдан тоймагунича бўшаштиради ва шунда у «нимжон найзабардор» бўлиб қолади.

– Сўзсиз шундай бўлади.

– Агар бошиданоқ табиатан саботсиз (руҳияти кучсиз) одам тўғри келиб қолса, бундай ҳолат тез рўй беради. Кимда-ким шиддатли рух бўлса, у ўз қизиққонлигини босиб ҳам жиззаки бўлиб қолади: гарчи у кек сақламайдиган бўлса-да, ҳар қандай майда-чуйда нарса унга тегиб кетаверади. Бундай одамлар жиззакиликдан зардаси қайнайди-ган, жаҳддор ва ҳамма нарсадан норози бўлаверадиган даражага тушиб қолади.

– Худди шундай.

– Нима десак экан? Агар одам жисмоний машқларга кўп меҳнат сарф қилса, яхши ва кўп еса-ю, аммо на мусиқий санъатга, на фалсафага алоқаси бўлмаса, у такаббурлик ва эҳтиросга берилиб кетмайдими ва (мардлигига) мардлик қўшиб олмасмикин?

– Шундай бўлиши мумкин.

– Яна нима десак бўлади? Агар у бошқа ҳеч нарса билан шуғулланмаса ва Муза билан ҳеч қандай мулоқотда бўлма-са, ҳатто, агар унинг дилида ўқиш, урганиш иштиёқи бўлсада, на билимдан, на изланишдан тотиб кўрмаган, ижодга, асар ёзишга ва бошқа мусиқий санъатларга бефарқ бўлиб қолган бўлса, худди шу сабабдан ожизланади, қар ва кўр бўлиб қолади, чунки у (мусиқий санъат – тарж.) ушбу одамни рағбатлантирмайди, уни озиклантирмайди ва унинг ҳиссиётларини покламайди.

– Ҳа, шундай.

– Бундай одам, менимча, сўзнинг ашаддий душмани, жоҳил бўлиб қолади; у сўз билан ишонтириш неъматидан ҳеч фойдаланмайди, барча нарсага эса худди ҳайвондек ваҳшийлик ва зўравонлик билан эришади; у ўз ҳаётини жоҳиллик ва нодонлик, бемаънилик билан ножўя ва завқсиз ўтказади.

– Бу мутлақо тўғри.

– Шуниси аниқки, [инсон табиатининг] худди ушбу икки томони учун, мен айтган бўлардимки, қандайдир худо одамларга иккита санъатни: мусиқий санъат ва гимнастикани тухфа қилди, аммо буни (тухфани) руҳ ва тан учун эмас (балки, ҳар эҳтимолга қарши, булар учун ҳамдир), одамдаги шиддатли ва фалсафий ибтидолар учун берилгандир, токи улар иккаласи, гоҳ таранг тортилиб, гоҳ бўшашиб, уларнинг зарурий ҳолатларига эришиламагунча бир-бирлари билан мувофиқлашсинлар.

– Шундайга ўхшайди.

– Шундай қилиб, кимда-ким гимнастик машқларни энг яхши тарзда мусиқий санъатлар билан, навбатма-навбат алмаштириб турса ва муносиб меъёра уларни руҳга етказса, ундай одамни биз камолотга эришган ва торларни созловчига қараганда кўпроқ уйғунликни амалга ошира олган одам, деб ҳисоблашга ҳақли бўламиз.

– Табиийки, бу шундай, Суқрот.

– Демак, Главкон, бизнинг давлатда ҳам тартиботни сақлаш, барқарорлик учун доимо қандайдир васий керак.

– Жуда ҳам керак.

– Тарбия ва таълимнинг асосий намуналари бизда шундай бўла қолсин. Бизнинг фуқароларимизда хоровад рақслар, ҳайвон овлаш, ит билан ов қилиш, атлетлар мусобақалари ва отлар ҳамда тезюрар араваларни бошқариш қандай бўлиши кераклиги ҳақида батафсил гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак? Умуман, буларнинг ҳаммаси асосий намуналар билан мувофиқлашган бўлиши равшан, шунинг учун бу ерда талаб қилинаётган нарсани топиш қийин эмас.

– Қийин бўлмаса керак.

Ҳукмдор ва соқчиларни танлаш

– Энди яна нималарни муҳокама қиламиз? Балки, бизнинг ушбу фуқароларимиздан қай

бирлари раҳбарлик қилиши, қай бирлари эса – тобе, бўйсунувчи бўлиши кераклигини аниқлаш зарурдир?

– Албатта.

– Кимларнинг ёши каттароқ бўлса, ўшалар раҳбарлик қилишлари, кимки ёшроқ бўлса, бўйсунувчи бўлиши зарур.

– Шундай бўлиши керак.

– Ва энг яхшилар раҳбар бўлишлари керак.

– Бу ҳам равшан.

– Деҳқонлар орасида энг яхшилари деҳқончиликда иш кўрсатганлар эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Энди бунга эътибор бер: модомики, бизнинг фуқароларимиз соқчиларнинг энг яхшилари бўлишлари керак экан, демак, кимда-ким давлатни кўриқлашга энг яроқли бўлса, ўшалар соқчи бўлишлари даркорми?

– Ҳа.

– Бу ерда ҳам фаҳм, ҳам қобилият, бундан ташқари, давлат ҳақида гамхўрлик ҳам зарур.

– Албатта.

b

c

d

– Ҳар ким ўзи нимани яхши кўrsa, ўша нарса ҳақида кўпроқ гамхўрлик қилади.

– Муқаррар.

– Қачонки, ишнинг фойдалилигини – ўзининг шахсий фойдаси, деб ҳисобласа ва ишнинг муваффақияти ўзининг муваффақиятига мос тушганини билса, ўша ишни у кўпроқ севади, акс ҳолда – тескариси бўлади.

– Ҳа, шундай.

– Демак, соқчилардан, бизнинг кузатишимиз бўйича, давлат фойдасига ғайрат-шижоат билан хизмат қилишни ҳаётий мақсад этиб олган ва унга зид равишда ҳаракат қилишга асло кўнмайдиган одамларни танлашимиз керак бўлади.

е

– Булар энг мақбул васийлар бўлар эдилар.

– Менимча, давлат учун қандай энг яхши ишларни қилиш керак, деган нуқтаи назарни йўқотмай аксинча, қўриқлашга қодир кишиларни турли ёшдаги одамлар орасидан танламоғимиз керак; токи на авраш, на зўравонлик уларни бу фикрдан қайтара олсин.

– Нима дединг?

413

– Ҳозир айтаман. Сенга, инсон онгидан фикрлар гоҳида унинг ихтиёри билан, гоҳида эса ихтиёрсиз тушиб қолади: агар инсон фикрдан қайтиб, ўз иродаси билан ёлғон фикрни ташлаб юборса, ҳар қандай ҳақиқий фикрни ташлаб юбориши ихтиёрсиз рўй беради.

– Ўз ихтиёримиз, иродамиз бўйича бўлганини тушунаман, аммо ихтиёрсиз бўлишини ҳали ҳам тушуна олмаяпман.

– Нега? Сен одамлар, яхшидан иродага қарши, ихтиёрсиз, ёмонидан эса – доимо ихтиёрий равишда ажраладилар, деб ҳисобламайсанми? Ҳақиқат борасида адашиш – ёмон ва унга риоя қилиш – яхши эмасми? Ҳақиқатан мавжуд нарса ҳақида фикрга эга бўлиш, сенингча, ҳақиқатга риоя қилиш эмасми?

– Сен ҳақ гапни айтдинг. Менга ҳам одамлар ҳақиқий фикрларидан фақат ихтиёрсиз айриладигандек туюлади.

– Демак, одамлар (мулкени) ўғирласалар, аврасалар ёки зулм ўтказсалар, зўравонлик қилсалар бу ҳол рўй беради.

– Мен яна тушунмаяпман.

– Мен худди фожиалардагидек гапираётганга ўхшайман. Ўғирлатганлар деб, кимда-ким паришонхонтир бўлса, ўшаларни айтаман: бировлардан, уларнинг ўзларига сездирмай, вақт ўғирлайди, бошқалардан – сўз билан келтирилган далилларни ўғирлайди. Энди тушундингми?

– Ҳа.

– Кимники фикрини ўзгартиришга гам ёки дард мажбур қилган бўлса, мен ўшаларни мазлумлар, деб атайман.

– Буни ҳам тушундим. Гапларинг тўғри.

– Алданганлар деб, буни сен ҳам тан олсанг керак, лаззатга маҳлиё бўлган ёки нимадандир қўрқувга тушган одамларни айтаман.

– Барча ёлғончи нарсалар, табиийки, алдовчи бўлади.

– Шундай қилиб, мен ҳозиргина айтганимдек, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилишда жасорат кўрсатадиган ва давлат учун ҳамма энг яхши ишларни қилиш керак, деб ҳисобловчи одамларни топиш зарур. Ҳатто, болалик йилларида ҳам, уларга машғулотлар тақлиф этилаётганда, улардан қайси бирлари нимадан кўпроқ паришонхотир бўлиши ва алданишини кузатиш зарур. Хотираси яхши ва алданмайдиганларни танлаб олиб, бундай бўлмаганларни рад этиш керак, шундай эмасми?

– Шундай.

– Яна уларга меҳнат, машаққат ва куч синаш юкини ортиш ва айтиб ўтилганларни шу ҳолатда кузатиш зарур.

– Тўғри.

– Бундан келиб чиқадики, улар учун яна учинчи хил синов ўтказиш керак, яъни, авраш ёрдамида текшириб кўриш ва шу аснода уларни кузатиш зарур. Тойчоқларнинг хурковичлигини аниқлаш учун уларни шовқин-сурон ва қий-қириқ билан югуртирганларидай, йигитчаларни ҳам олдин

нимадир кўрқинчли нарсага, кейин эса ёқимли нарсага дучор этиш керак ва шу тарзда уларни олтинни оловда синагандан ҳам кўпроқ диққат билан синаш зарур. Ўсмир йигитча ўзини аврашларига йўл қўядими, ҳамма жиҳатдан ахлоқлими, ўзи ўрганган мусиқий санъатга ҳам, ўзига ҳам яхши соқчими, ҳар қандай шароитда ўзига ҳам, давлатга ҳам иложи борича кўпроқ фойда келтиришга қодирлигини, маъқул ва уйғунлигини кўрсата оладими? Кимда-ким бу синовдан ўтган бўлса ва ҳамма ёшларда – болалик, ўсмирлик ва йигитликда – ўзини барқарор инсон сифатида кўрсатса, ўшани давлатнинг ҳукмдори ва соқчиси этиб тайинлаш керак, унга ҳаётида ҳам, ўлганидан кейин ҳам иззат-икром кўрсатиб, ҳурмат билан дафн этиб ва, айниқса, хотирасини абадийлаштириб, эҳтиром кўрсатилиши керак. Ким бундай бўлмаса, уларни рад этиш даркор. Главкон, ҳукмдорлар ва соқчиларни танлаш ва уларни тайинлаш ана шундай бўлиши зарур; тўғри, ҳозир буни умумий тарзда, тафсилотларсиз айтиб ўтилди.

– Менга ҳам шундай бўлиши керакдай туюлди.

б – Бундай соқчиларни тўла ишонч билан баркамол деб айтса бўладими? Улар давлатни ташқи душманлардан кўриқлардилар, давлат ичкарасида эса, аҳил фуқароларни ҳимоя қилардилар, токи буларда хоҳиш, уларда (ташқи душманларда – *тарж.*) эса – ёмонлик қилишга куч бўлмасин. Биз соқчилар, деб атайдиганимиз ёшлар эса ҳукмдорларнинг ёрдамчилари ва уларнинг нуқтаи назарларини амалга оширувчилар бўлсинлар.

– Маъқул.

с – Аммо биз, яқиндагина айтиб ўтганимиз, зарурат бўйича пайдо бўладиган олижаноб хаёлий тўқималардан бирига кўра, ҳукмдорларни – агар бунинг иложи бўлмаса, бошқа фуқароларни – ишонтиришга мажбур этадиган қандай восита топар эканмиз?

– Қандай хаёлий тўқимани?

– Асло янги эмас, балки финикияликларга мансуби тўқимани: шоирлар ҳикоя қилишларича, авваллари тез-тез бўлиб турарди ва одамлар уларга ишонадилар, аммо бизнинг давримизда у рўй бермаган, ҳатто, бўлиши мумкинмикан, биламайман ҳам ва бунга ишонтириш учун жуда пухта далиллар керак.

– Афтидан, сен айтишга журъат этмаяпсан?

– Уни айтганимда, менинг журъатсизлигим сенга табиий кўринарди.

– Кўрқма, айтавер.

– Яхши, гарчи қандай қилиб жасоратли бўламан ва қандай сўзлардан фойдаланаман билмайману, лекин айтаман. Мен аввал ўзимнинг ҳукмдорларим ва жангчиларимга, кейин бошқа фуқароларга ҳам, биз уларни қандай тарбиялаганимиз ва ўстирганимиз ҳамда уларнинг бошларидан ўтган ва ўзлари ҳис этгани барча нарсалар гўёки уларнинг тушларида бўлгандай, аслида эса ўшанда уларнинг ўзлари ҳам, қуроллари ҳам, улар учун тайёрланадиган турли анжом-аслаҳалар ҳам – ер остида бўлганларини ва ернинг қаърида яралганларини ва ўстирилганларини уқдиришга ҳаракат қиламан. Улар бутунлай тайёр бўлганларида, уларнинг онаси бўлмиш ер уларни дунёга келтирди. Шунинг учун улар ҳозир ҳам, ўзлари яшаётган мамлакат ҳақида она ва энага сифатида гамхўрлик қилишлари ҳамда агар биров ҳужум қилса, уни ҳимоя этишлари, бошқа фуқароларга эса уларни ҳам ер туққан биродарларидек муносабатда бўлишлари керак.

d

e

– Бу масалани баён этишга шунчадан бери бекорга тортинмаётган экансан.

415

– Бу табиий. Аммо – ривоятнинг қолган қисмига ҳам қулоқ сол. Гарчи давлатнинг ҳамма аъзолари биродар бўлсалар ҳам (афсонани давом эттириб, биз уларга шундай деймиз), аммо сизни ясаган худо, сизлардан қайси бирларингиз ҳукмдорлик (идора) қилишга қодир бўлсангиз, ўша-

нингиз туғиланшлари пайтларида олтин қўшиб қўйган, шунинг учун улар энг қадрли, қимматлидирлар, уларнинг ёрдамчиларига кумуш, деҳқонларга ва турли хунармандларга темир ва мис (қўшган). Сизларнинг ҳаммангиз бир-бирингизга қариндошсизлар, аммо кўпроқ қисмингиз ўзингизга ухшашларни дунёга келтирасизлар, лекин айтиш керакки, баъзида олтиндан кумуш авлод, кумушдан эса – олтин авлод туғилиши ҳоллари ҳам бўлади; бошқа ҳолатларда ҳам худди шундай бўлиши мумкин. Худо ҳукмдорлардан, аввало, худди шу борада жонбоз соқчилар бўлишларини ва уларнинг

b болаларининг қалбларида қандай қорيشма борлигини кузатиб, аниқлаб, ҳеч нарсани ўз авлодларини қўриқлагандек астойдил қўриқдамасликларини талаб қилади ва агар бола мис ёки темир аралашмаси билан туғилса, улар ҳукмдорлар унга шафқат қилмасликлари, балки унинг табиий қобилиятига қараб иш қилишлари керак, яъни уни хунармандлар ва деҳқонлар қаторига қўйишлари даркор; агар охиригиларда (яъни хунарманд ва деҳқонларда – *тарж.*) кимдир олтин ёки кумуш аралашмаси билан туғилса, буни қадрлаш

c ва ҳурмат-иззат билан соқчилик ёки ёрдамчиликка ўтказиш лозим. Шундай бир башорат бор, дейдилар, қачонки давлатни темир ёки мис соқчи қўриқласа, у ҳалокатга учрайди. Аммо қандай қилиб бу афсонага ишонишга мажбур қилиб бўлади, бунга сенда бирор восита борми?

d – [Биринчи] соқчиларнинг ўзлари ишонишлари учун ҳеч қандай восита йўқ, аммо буни уларнинг ўғилларига ва кейинги авлодларига уқтирса бўлади.

– Лекин айтиш керакки, фуқароларнинг давлатга ҳам, бир-бирларига ҳам катта гамхўрлик кўрсатишларига шунинг ўзи ҳам ёрдам берган бўларди, сенинг сўзларингни мен тахминан шундай тушундим. Бунда муваффақият ушбу миш-миш қанчалик тарқалишига боғлиқ; биз эса ер тукқан шу одамларимизни қуроллантириб, ҳукмдорлар раҳбарлигида улар билан бирга олға юрамиз. Манзилга етиб келиб улар, агарда кимдир

e

қонунларга бўйсунитишни истамаса ва агар бўри подага ҳужум қилганидек, душман ҳужум қилса, аҳолини итоатда сақлаб туриш қулайроқ бўлиши учун зарур бўлган ҳолатда қаерга қароргоҳ қуриш маъқуллигини кўриб чиқсинлар. Қароргоҳ қуриб ва зарур қурбонлик қилиб, улар турар жой қуриш билан машғул бўлсинлар. Шундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Турар жой токи у уларга қишда ҳам, ёзда ҳам бошпаналик қиладиган даражада бўлсин, шундайми?

– Бўлмаса-чи! Менимча, сен уйлар ҳақида гапирмоқдасан.

– Шундай, лекин ишбилармон, корчалонлар учун эмас, жангчилар учун уйлар ҳақида.

– Сенингча, бу ерда қандай фарқ бор?

– Тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Агар чўпонлар подани қўриқлаш учун итларни шундай ўстирсаларки, у итлар ё итоатсизликлари билан, ёки очликдан, ёхуд ёмон одатлари туфайли қўйларга ёвузлик қилсалар ва улар итларга эмас, бўриларга ўхшасалар – бу энг даҳшатли ва номаъқул, хунук иш бўлар эди.

– Албатта, бу даҳшатли ҳолат.

– [Ҳукмдорларнинг] ёрдамчилари, баски, фуқаролардан устун, афзалроқ эканлар, бизда фуқароларга нисбатан шунга ўхшаш ишлар (ёзувликлар) қилмасликлари, балки уларнинг хайрихоҳ иттифоқчилари бўлиб қолишлари ва даргазаб ҳукмдорларга ўхшамасликлари учун жуда эҳтиёт бўлиш керак.

– Ҳа, бундан эҳтиёт бўлиш керак.

– Улар дарҳақиқат яхши тарбияланган бўлишлари учун гамхўрлик қилиш ўта муҳим эҳтиёт чораси бўлмасмиди?

– Ҳали ҳам шундай-ку, – деди Главкон.

Шунда мен бундай дедим:

– Азизим Главкон, бундай деб қатъий айтиб бўлмайди. Биз яқиндагина айтган гапимизни тасдиқлаганимиз маъқуларок; ростики, улар энг асосийси – ҳам бир-бирларига, ҳам ўзлари

кўриқлаётган фуқароларга мулойим муносабатда бўлишлари зарур бўлганлиги учун, улар (соқчилар – тарж.) қандай бўлганда ҳам яхши тарбия олишлари зарурдир.

– Бу гапни тўғри айтдик.

Соқчиларнинг турмушлари – Ҳар қандай соғлом фикр юри-
тувчи одам айтадики, уларнинг тар-
бияларига қўшимча равишда турар

жойлари ва бошқа мулкларини шундай ташкил этиш керак-
ки, булар (яъни уй ва мулклари – тарж.) уларга энг яхши
соқчилар бўлишларига ҳалақит бермасин ва бошқа фуқаро-
ларга ёмонлик қилишга мажбур этмасин.

– Ҳа, соғлом фикр юритувчи инсон худди шундай дейди.

– Ўйлаб кўр, – давом этдим мен, – улар шундай бўлиш-
лари керак экан, уларнинг ҳаёти ва турар жойларини
тахминан қутидагига ўхшаб ташкил этиш керакмасми-
кин: агар ўта муҳим зарурат бўлмаса, аввало, ҳеч ким ҳеч
қандай хусусий мулкка эга бўлмаслиги керак. Кейин ҳеч
кимда, хоҳлаган одам кириши мумкин бўлмаган турар
жой ёки омбор бўлмаслиги зарур. Мулоҳазали ва мард
ҳарбий билимдонлар учун зарур бўлган захираларни бош-
қа фуқаролардан, уларни қўриқлаганларининг ҳақи сифа-
тида олишлари даркор. Захираларнинг миқдори бир йил-
га етиши керак, аммо ортиқча бўлмасин. Ҳарбий юриш-
лар пайтидаги каби, улар биргаликда овқатланадилар ва
бирга яшайдилар. Олтин ва кумуш борасида уларга айтиш
керакки, илоҳий олтин – худолар берган нарса – уларнинг
доимо дилларидадир, шунинг учун ҳеч ҳам башар олтини-
га муҳтож эмаслар ва ўшанақа олтин соҳиби бўла туриб,
банданинг олтини аралашмаси билан уни нопок қилиш,
таҳқирлаш гуноҳ иш бўлар эди: олтин уларда мусаффо,
пок бўлиши зарур, кўпинча муртадлик билан сохта зарб
этиладиган, қўлдан-қўлга ўтадиган тангага ўхшамаслиги
керак. Бизнинг давлатимизда фақат уларга олтин ва ку-
мушдан фойдаланиш, ҳатто, уларни ушлаб кўриш, улар



(олтин ва кумуш билан – тарж.) билан бир том остида бўлиш, улар билан зийнатланиш, ясаниш ёки олтин ва кумуш идишлардан ичимлик ичиш ман этилади. Соқчилар фақат шу йўсинда бешикаст, эсон-омон қолишлари ва давлатни сақлашлари мумкин. Уларда хусусий ер, уй, пул пайдо бўлиши билан улар соқчилардан хўжайинлар ва деҳқонларга; қолган фуқароларга иттифоқидан уларга душман мулкдорларга айланадилар; ўзлари ҳам ёмон кўриб ва ўзларига нисбатан нафрат уйғотадилар, ёвуз ниятлар қилиб ва улардан хавфсираб, доимо ташқи душманлардан кўра кўпроқ ички душманлардан кўрқинчда яшайдилар, бундай аҳволда уларнинг ўзлари ҳам, бутун давлат ҳам ўзининг тез орадаги ҳалокатига шиддатли интилади.

Мана шу сабабларга кўра, мен айтганимдек, соқчиларнинг турар жойларини ҳам, бошқа ҳамма нарсани ҳам худди шундай ташкил этиш, тузиш ва буни қонун даражасига кўтариш керак. Ёки сен бу фикрларга қўшилмайсанми?

– Қўшиламан, – жавоб берди Главкон.

ТҮРТИНЧИ КИТОБ

419 Шу онда Адимант гапга аралашди:

– Суқрот, агар, бу одамларни жуда бахтсиз қилмоқдасан, яна бунинг устига бу бахтсизликда уларнинг ўзлари айбдор бўлиб қоладилар, деб айтадиган бўлсалар, – деди у, – сен ўзингни қандай ҳимоя қиласан: негаки, тўгрисини айтганда, давлат уларнинг қўлларидаю, аммо улар давлат томонидан бериладиган неъматларнинг ҳеч қайсисидан фойдаланмайдилар, бошқалар эса шу пайтда ҳосилдор далаларни сотиб оладилар, катта, ҳашаматли бинолар қурадилар, уларни рисоладагидек қилиб жиҳозлайдилар, худоларга ўзларининг алоҳида қурбонликларини қиладилар, ажнабийларни меҳмоннавозлик билан кутиб оладилар, ҳозиргина сен айтган нарсалар – олтин, қумуш ва, умуман бахтли ҳаёт учун нима керак бўлса ўшанга эга бўладилар. Сенинг соқчиларинг давлатда, айтиш мумкинки,

420 ёрдамчи ёлланма ҳарбий дасталар сифатида соқчилик хизмати учунгина ўрнашганга ўхшайдилар.

– Ҳа, – дедим мен, – буларга қўшимча равишда, бошқалардан фарқли ўлароқ, улар фақат озиқ-овқат учун, ундан ортиқча ҳеч қандай мукофот олмай, хизмат қиладилар, шунинг учун улар ўз хоҳишлари билан на ўзга юртларга бора оладилар, на гетералар – сатанг аёлларни совгалар билан сийлай оладилар, на бахтиёр деб шуҳрат қозонганлар қиладиган сарф-харажатларни қиладилар. Менга қарши айбномалар қўя туриб, буларнинг ҳаммасини ва шунга ўхшаш яна жуда кўп нарсаларни унутдинг.

– Бўлмаса, буларнинг ҳаммасини айбномага қўшамиз, – деди Адимант.

– Демак, ўзимизни қандай ҳимоя қиламиз, деб сўрамоқ-
чисан-да?

– Ҳа.

Идеал давлат андаза (орзу)си

– Уйлайманки, агар биз шу йўл-
нинг ўзидан юрадиган бўлсак ай-
тадиган гап топамиз. Агар бизнинг
соқчиларимиз худди шу тарзда энг бахтли бўлсалар, бунга
ҳайрон қоладиган жойи йўқ, деймиз биз; айтиш керакки,
биз бу давлатга аҳолининг бирон-бир қатламини эмас,
балки бутун давлатни жуда бахтли қилиш учун асос сол-
моқдамиз. Зеро, биз адолатни худди шундай давлатдан,
адолатсизликни эса, аксинча, энг ёмон давлатдан топиш-
ни ва бизнинг шунчадан бери диққатимизда бўлган ма-
салани шу кузатувлар асосида ҳал қилишни мўлжаллаган
эдик. Ҳозир биз, бахтли деб ҳисоблайдиганимиз давлатни
хаёлан (кулол каби) ясамоқдамиз, аммо бу давлатнинг ай-
рим қисмида эмас, яна унда фақат кимларгинадир эмас,
балки бутун давлатда ҳамма бахтли бўлишини хоҳаймиз;
шундан кейин унга қарама-қарши давлатни кўриб чиқа-
миз. Бу худди, агар биз расм чизаётган бўлсак, кимдир ҳу-
зуримизга келиб, тирик жонзот танасининг энг чиройли
қисмларини чизишда энг чиройли бўёқлардан фойдалан-
маганимизни, айтиб, масалан, кўз, гарчи у энг гўзал бўл-
сада, қип-қизил эмас, қора бўёқда чизилибди, деб танбех
бергандаги ҳолатга ўхшайди. Бундай танбехлардан ҳи-
мояланиб қуйидагича дейиш ўринли бўлар эди: «Ғалати
одам экансан-ку, кўзни шундай чиройли чизиш керакки,
ҳатто, у кўзга ўхшамайдиган бўлиб қолсин, деб ўйлама-
гин; бу сўзлар баданнинг бошқа қисмларига ҳам тегишли
– сен, ҳар бир қисмни муносиб тарзда тасвирласак, у бу-
тунлигича чиройли чиқадими, йўқми, шуни яхшилаб қара.

Мана ҳозир ҳам – сен бизни, соқчилар мансаби бил-
лан, улардан соқчиларни эмас, бошқа хоҳлаган одамни
шакллантирувчи бундай бахтни бирлаштиришга мажбур

е

қилма. Биз деҳқонларга ҳам башанг кийимлар кийгизиб қўйишимиз, уларни олтинга чулғашимиз ва фақат ўзлари ҳузур топишлари учунгина ерга ишлов беришга имкон яратишимиз мумкин эди, кулоллар эса қулай ўринда, хумдон олдида ёнбошласинлар, истаганларича ичсинлар ва кулоллик дастгоҳини ўзларига яқинроқ суриб ҳамда ўз ҳунарлари билан фақат хушларига келганида шуғулланиб базм қилсинлар. Бутун давлат шундай гуллаб-яшнаши учун бошқа ҳамма-ҳаммани худди шу тарзда, бахтли қилишимиз мумкин.

421

Йўқ, бизни бу ишга кўндирмоқчи бўлма, зеро, агар биз сенга қулоқ солсак, у ҳолда деҳқон – деҳқон бўлмай қолади, ҳамда кулол – кулол бўлмайди ва давлатни ташкил этган одамларнинг ҳеч бири ўз қиёфасини сақлаб қололмайди. Айтиш керак-ки, баъзи ҳолларда бу унчалик муҳим ҳам эмас. Зеро, агар косиблар ишга ярамай қолсалар, бузилсалар ва ўзлари аслида ким бўлсалар, ўшанга эмас, бошқа одамга ўзларини ўхшатиб кўрсатсалар, ҳали бундан давлатга офат етмайди. Аммо қонунлар ва давлатни кўриқлаб турган одамлар моҳиятан бундай эмас, балки шундай кўринсалар, сен, уларнинг бутун давлатни асосигача вайрон қилганларини кўрасан ва фақат улар учунгина яхши яшаш ва гуллаб-яшнашларига имконият бўлади».

b

Агар биз соқчиларни ҳақиқий соқчилар қилиб тарбияласак, улар ҳеч қандай йўл билан давлатга ёмонлик қилмайдилар. Кимда-ким қандайдир деҳқонлар ҳақида, худди улар давлатнинг аъзолари эмас, балки умумхалқ зиёфатининг бекорчи ва омади келган иштирокчиси деб уқтирадиган бўлса, у одам, эҳтимол, давлатни эмас, ниманидир бошқа нарсани назарда тутлади. Биз соқчиларнинг ўзларининг энг юксак беҳбудлиги, бахтини назарда тутиб соқчилар қўямизми, ёки бутун давлат ва унинг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қиламизми – шуни ҳал этишимиз зарур. Соқчилар ва уларнинг ёрдамчиларини бунга ёрдам



беришга мажбур этиш зарур ва улар ўз ишларининг аъло даражадаги усталари бўлишлари кераклигини уларга ҳам, қолган бошқаларга ҳам уқтириш даркор. Шундай қилиб, давлатимизнинг ўсиши ва обод бўлиши борасида барча табақаларга умумий фаровонликдан ўз табиий қобилиятларига мос равишда улушга эга бўлишларига имконият яратиш керак.

– Менимча, сен яхши гаплар айтмоқдасан.

– Бунга жуда ўхшаш нарсани тўғри деб айтгандек туюлмаётими сенга?

– Нимани?

– Кўрайлик-чи, шу нарса барча қолган усталарни бузмаётимикин, улар ёмон бўлиб қолмоқдалармикин...

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Бойлик ва камбағалликни.

– Тушунмадим.

– Мана бундай: бойиб кетган кулол, сенингча, ўз ҳунарида камолотга эришишни хоҳлайдими?

– Ҳеч ҳам.

– У борган сари танбалроқ ва бепарвороқ бўлиб бориши аниқ.

– Жуда ҳам.

– Демак, у ёмон кулол бўлиб қоладими?

– Бу ҳам тўғри.

– Агар у камбағаллигидан ўзига асбоб-ускуна ёки ҳунари учун зарур бўлган бошқа нарсаларни ололмаса, у тайёрлаган буюмлар ёмонроқ чиқади ва у ўғиллари ҳамда бошқа шогирдларини бу ишга ёмонроқ ўргатади.

– Бошқача бўлиши мумкин эмас.

– Демак, бундан ҳам, ундан ҳам, яъни камбағалликдан ҳам, бойликдан ҳам – буюмлар у усталарнинг ўзлари ҳам ёмонлашадилар.

– Шундайлиги аниқ.

Идеал давлатда бойлик ва камбағалликни бартараф этиш

топдик шекилли, токи у, соқчиларни ғафлатда қолдириб давлатга кириб олмасин.

– Бу нима экан?

– Бойлик ва камбағаллик. Бири ҳашамат, дангасалик, бидъатга, бошқаси янгиликлардан ташқари – пасткашлик ва ёвузликларга олиб келади.

– Албатта. Аммо, Суқрот, ушбу ҳолни ҳам фикрлаб кўр: агар бизнинг давлатимиз пул маблағларига эга бўлмаса, айниқса, агар у катта ва бой давлат билан уришишга мажбур бўлиб қолса, давлатимизнинг кучи етармикин?

– Битта бундай давлат билан уришиш анча қийин бўлиши, иккитаси билан эса – осонлиги аниқ.

б – Қандай қилиб.

– Аввало, шунинг учунки, бизнинг ҳарб иши билимдонларимиз бой одамлар билан жанг қилмайдиларми?

– Албатта, бойлар билан.

– Энди нима дейсан, Адимант? Аъло даражада тайёрланган битта муштлашувчи жангчининг бу ишга ўргатилмаган бой ва семириб кетган икки одам билан жанг қилиши осон туюлмайдими сенга?

– Аммо бирданига иккитаси билан эмасдир?

с – Йўқ, худди шундай: у аввал қочиб нарига бориши, кейин ўтирилиб, қувиб унга яқинлашган биринчисини уриши керак. Агар у ушбу усулни кўпроқ қайтарса, бунинг устига қуёш тиғи остида, жазирама кун бўлса-чи? Бундай жангчи шуларга ўхшаш рақиблардан бир нечасини енголмайдими?

– Бунга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

– Бой одамлардаги муштлашиш жангига бўлган маҳорат ва тажриба ҳарбий ишга бўлган маҳорат ва тажрибага қараганда кўпроқ, деб ҳисобламайсанми?

– Ҳисоблайман.

– Демак, бизнинг ҳарбий ишга билимдонларимиз, табиийки, икки баробар ва, ҳатто, уч баробар кўп сонли рақиблар билан жанг қилишга қодирлар.

– Тан бердим: менимча, сен тўғри гапирмоқдасан.

– Яна. Агар улар бошқа давлатга элчилар юборсалар ва ҳақиқатни айтсалар, яъни: «Биз олтиндан ҳам, кумушдан ҳам умуман фойдаланмаймиз – бизга бу ман этилган, аммо сизларга мумкин, демак, агар сизлар биз билан иттифоқ бўлиб уруш қилсангиз, ўлжа бизнинг улушимиз сизники бўлади», деганида бунга жавобан кимдир, улар билан биргаликда семириб кетган ва нозик қўйларга қарши эмас, балки бақувват ва чайир итларга қарши чиқишни афзал кўради, деб ўйлайсанми?

– Ўйлайманки, буни афзал кўрмайди. Агар бошқа давлатларнинг бойликлари ҳам улардан бирида тўпланса, бойлиги бўлмаган давлат учун бу хавfli бўлмайдими, нима дейсан?

– Биз асос солаётган давлатдан бошқа биронтаси давлат деб аталишга лойиқ деб ҳисоблайдиган бўлсанг, бахтли экансан.

– Нега бундай деяпсан?

– Қолган бошқаларининг ҳаммасининг номи узунроқ бўлиши зарур, чунки уларнинг ҳар бири, ўйинчилар ибораси бўйича, «шаҳар» эмас, балки кўпгина давлатдан иборатдир. Қандай бўлганида ҳам, уларда иккита бир-бирига душман давлат мужассам бўлган: бири – камбағалларники, бошқаси – бойларники; ва уларнинг ҳар бирида яна кўпдан-кўп давлатлар мавжуд, шунинг учун, агар сен уларга яхлит нарса сифатида ёндашсанг, албатта, адашасан. Башарти, сен уларга кўпликка ёндашгандай ёндашсанг ва фуқаролардан бирининг пул маблағлари ҳамда ҳокимиятини бошқаларига берсанг ва уларнинг ўзларини бир гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтказсанг, у ҳолда сен ўзингга иттифоқчилар

топасан, душманларинг эса кўп бўлмайди. Биз яқинда қарор қилганимиздай, токи давлат оқилона бошқарилар экан, бениҳоя қудратли бўлади; мен юзаки эмас, балки, давлатни фақатгина мингта жангчи билан ҳам ҳимоя қила оладиган ҳақиқий қудрат ҳақида гапирмоқдаман. Эллилар орасидан ҳам, варварлар орасидан ҳам, шу маънода буюк бўлган ҳеч бўлмаса битта давлатни топиш мушкул, шу билан бирга, сохта буюк давлатлар жуда кўп ва улар бизнинг давлатимиздан бир неча бор каттадир. Ёки сен бошқача фикрдамисан?

– Зевс билан қасам ичаманки, йўқ.

Идеал давлатнинг миқёси – Шундай қилиб, бизнинг ҳукмдорларга худди шунинг ўзи улар ташкил этаётган давлатнинг зарурий ўлчами (катта-кичиклиги) учун чегара бўлиб хизмат қилган бўларди: ва улар унинг миқёсига мувофиқ ортиқчасига даҳл қилмай, унга ер миқдорини аниқлаб берардилар.

– Қандай чегара ҳақида гапирмоқдасан?

– Менимча, мана бундайи ҳақида: давлатни токи у яхлитлик ҳолатидан ўтмагунича катталаштириш мумкин, бироқ асло ундан ортиқ эмас.

– Жуда яхши.

– Шундай қилиб, биз ўз соқчиларимизга яна давлатимизнинг жуда кичик ҳам, сунъий равишда катта бўлиб кетишига ҳам йўл қўймасдан, буни назорат қилиш вазифасини топширамиз – у етарли даражада катта ва яхлит бўлиши керак.

– Биз уларга осон вазифани топширибмиз-да!

– Соқчилар авлодини, агар у номақбул бўлса, бошқа табақаларга ўтказиш зарур, бошқа тоифалардан иқтидорларини – соқчилар қаторига ўтказиш керак, деб айтиб ўтганимиз уларга янада осонроқ бўлади. Бу билан биз, бошқа фуқароларнинг ҳам ҳар бирини, унинг қандай ишга қобилияти бўлса, ўша ишга ўтказиш кераклигини кўрсатмоқчи бўлган эдик, токи улардан ҳар бири ўзига тўғри келадиган иш билангина шуғулланиб, кўплик эмас, балки яхлитлик

(бирлик) бўлиб қолсин: шунда бори давлат ҳам кўп эмас, бир (яхлит) бўлиб қолади.

– Бу масала олдингисидан осонроқ.

– Азизим Адимант, кимдир, эҳтимол, бизнинг барча талабларимизни соқчилар учун жуда кўп ва юксак деб ўйлар. Агар улар фақатгина битта буюк, аниқроғи, буюк эмас, кифоя даражасидаги ишни қўриқлашга ўзларини бағишласалар, бундан осони бўлмас эди.

– Бу қандай иш?

Идеал давлатда тарбия, ўқитиш ва қонунларнинг тутган ўрни

– Ўқитиш (ўргатиш) ва тарбия. Агар соқчилар яхши ўрганиш йўли билан холис одамлар бўлиб қолсалар,

буни ва ҳозир биз тушириб қолдираётган барча нарсалар, масалан, ўзига хотин топиш ва никоҳ, фарзандли бўлиш (масалалари) ни ҳам қийинчиликсиз ҳал қила оладилар. Буларнинг ҳаммасини: «Дўстларда ҳамма нарса умумий», – мақоли билан мувофиқлаштириш даркор.

– Бу жуда тўғри бўлар эди.

– Ҳақиқатан ҳам, давлат тузумига биринчи туртки берилиши билан, у ўзи худди гилдиракдек, олдинга борган сари тезроқ юра бошлайди. Зеро, тўғри тарбия ва ўқитиш (ўргатиш) инсонда яхши табиий қобилиятни уйғотади, кимда бу нарса олдиндан мавжуд бўлса, улар бундай тарбия туфайли, барча тирик мавжудотларда кузатилганидек, умуман ҳам, уларни (ана шу қобилиятларни – тарж.) ўзининг авлодига ўтказиш маъносида ҳам – янада яхшироқ бўладилар.

– Бу табиий.

– Қисқаси, кимда-ким давлатни қўриқлаётган бўлса, ўша одамлар давлатнинг бузилишидан беҳабар қолмасликлари учун барча тадбирларни кўришлари зарур ва, аввало, улар давлатни гимнастика ҳамда мусиқий санъатлар соҳасида янгиликлар тартиботини бузувчи нарсалардан эҳтиёт қилишлари даркор. Қачонки ушбу ҳолатга ишорат қилсалар:

қушиқни одамлар жуда қадрлайдилар
Эт энгисин, хонандалар яқинда тўқиганларин,

рўйи, шоир қушиқларнинг янги маъноси ҳақида эмас, балки таронанинг янги шакли ҳақида гапирмоқда, деб ўйлашларидан алоҳида кўрқиш керак ва худди шуни маъқуллаш зарур (яъни, таронанинг янгичасини маъқуллаш ҳақида гап бораётган кўринади – тарж.). Айтиш керакки, бундай нарсаларни маъқуллаб ва бу тарзда тушуниб бўлмайди. Мусиқий санъатнинг янги хилини жорий этишдан эҳтиёт бўлиш керак – бу ўринда ҳамма нарса хавф остида қолади: зеро, ҳеч қаерда мусиқий санъат усуллариининг ўзгариши давлатнинг энг муҳим тартиботларидаги ўзгаришсиз рўй бермайди – Дамон шундай дейди, мен ҳам унга ишонаман.

– Мени ҳам унга ишонувчилар қаторига қўшиб қўй, – деди Адимант.

– Худди мана шу ерда – мусиқий санъат соҳасида бизнинг соқчиларимиз ўзларининг соқчилик манзилларини ташкил этишлари керакка ўхшайди.

– Дарҳақиқат, бу ерга қонунбузарлик осонликча ва билинтирмай кириб олади.

– Ҳа, зарарсиз бир эрмак ниқоби остида, киради.

– Аслида эса, қонуларни бузиш шундай зарар келтирадигани, у оз-оздан сингиб, аста-секин ахлоқ ва одатларга ўтади, у ердан энди каттароқ ўлчамларда фуқароларнинг амалий ўзаро иш муносабатларига тарқалади ва, ҳатто, қонуларнинг ўзларига ва давлат тартиботига хуруж қилади, яна ушбу ҳолатга эътибор бер, Сукрот, бу хуруж шундай бемаънилик, ахлоқсизлик билан рўй берадигани, у шахсий ҳаётда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборади.

– Худди шундай бўлиши мумкин, деб ўйлайман.

– Менимча, шундай.

– Демак, биз олдин ҳам айтиб ўтганимиздек, ҳатто, болаларимизнинг ўйинлари ҳам қонуларга мувофиқ бўлиши

лозим, чунки агар болалар бетартиб бўлсалар ва қоидаларга риоя қилмасалар, улардан жиддий, қонунларга бўйсунувчи фуқароларни камол топтириб бўлмайди.

– Албатта, шундай.

– Агар болалар аввалдан тўғри ўйнасалар, у ҳолда муסיкий санъат туфайли улар қонунийликка кўникадилар ва бошқа болаларга мутлақо зид равишда бу одат уларда доимо мустаҳкамланиб боради ва барча ҳолларда таъсир ўтказади, ҳатто, агар давлатда нимадир нотўғри бўлса, унинг тузатилишига ёрдам беради.

– Бу тўғри.

– Ва нимаики нарсада нимадир арзимас, деб ҳисобланса, улар ахлоқ меъёрларини топадилар; айтиш жоизки, бу иқтидор биз олдин эслатиб ўтганларимиз томонидан мутлақо йўқотилгандир.

– Булар қайси меъёрлар?

– Булар – ёши кичиклар катта ёшдагилар олдида жим ўтиришлари, уларга жой бериш, улар ташриф буюрганларида ўриндан туриш, ота-онани эъзозлаш; сўнгра, ташқи кўринишга тегишли ҳамма нарса: соч олдириш, кийим, пойабзал ва ҳоказолардир. Ёки сен бунга қўшилмайсанми?

– Қўшиламан.

– Аммо мен ўйлайманки, буларнинг ҳаммасини қонун билан белгилаб қўйиш аҳмоқлик бўларди, бу ҳеч қаерда қабул қилинмаган, агар бундай қарорлар, ҳатто, ёзма равишда баён этилган бўлса ҳам, бари бир барқарор бўлиб қолмайди.

– Нега?

– Адимант, ким қандай йўналишда тарбияланган бўлса, менимча, келгусидаги бутун йўли шу ҳолда бўлади. Ёки, сенингча, ўхшашлик одатда ўхшашликдан келиб чиқмайдими?

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Мен ҳам ўйлайманки, биз аниқ ва равшан натижа охири оқибат тарбияга боғлиқ деб айтган бўлардик, яъни ё эзгулик, ёки унинг зидди.

– Албатта.

– Шу сабабни инобатга олиб, шахсан мен ҳозирча бу соҳадаги қонунларни тайин этишга ҳаракат ҳам қилмаганман.

– Бу табиий ҳол.

– Шундай бўлса-да, Худолар ҳаққи, сен менга айт, биз бозорга тааллуқли қандайдир қонунларни ўрнатишга журъат эта оламизми, яъни у ерда тузиладиган шартномалар ҳақида, жоиз бўлса, ҳунармандлар ўртасидаги муносабатлар, давволар, ҳакамлар чиқарадиган қарорлар ҳақида? Бунинг устига, яна гоҳ бозордаги, гоҳ бандаргоҳдаги солиқларни ундириш ва аниқлаш ҳам керак бўлади – умуман, бир сўз билан айтганда, бозор, шаҳар, порт ишлари ва шунга ўхшаш бошқа ишларга муносабат билдира оламизми?

– Ким беназир тарбия олган бўлса, балки, ўшаларга таалабномалар ёзиш керак эмасдир: уларнинг ўзлари бу ерда қандай қонунлар талаб қилинишини кўп ҳолларда осонгина тушунадилар.

– Ҳа, дўстим, агар худо уларга биз олдин таҳлил қилганимиз қонунларни яхлитлигича сақлаб қолишга имкон берса.

– Агар бундай бўлмаса, у ҳолда уларнинг ҳаётлари кўпдан-кўп, турли-туман қонунларни ўрнатиш ва бу қонунларга тузатишлар киритиш орқали камолот даражасига етиш умидида қонунларга ўзгартишлар киритиш билан ўтади.

– Сенинг сўзларингга қараганда, бундай одамларнинг ҳаёти ўз ахлоқсизликлари туфайли ёмон ҳаёт тарзидан воз кечишни хоҳламайдиган касалларнинг ҳаётига ўхшаб кетади.

– Худди шундай.

– Уларнинг вақт ўтказишлари ғаройиб бўлади: даволанаётиб, улар ўз дардлари хилининг кўпайиши ва кучайишига эришадилар, аммо қачонки кимдир янги дори таклиф этса, доимо тузалиб кетишга умид қиладилар.

– Дарҳақиқат, бундай беморларнинг аҳволлари худди шундай.

– Яна. Улардаги ушбу ҳолат ҳам қизиқ эмасми: улар ўзларига тўғри гапни айтувчиларни ашаддий душман деб била-

дилар, яъни улар токи шаробхўрликни тўхтатмас эканлар, ортиқча овқат ейишдан, ишқий эрмаклар ва бемаъни вақт ўтказишдан ўзларини тиймас эканлар, уларга дори, куйдириш, тилиб-кесиш, афсун, тумор ва шунча ўхшаш нарсалар асло ёрдам бермаслигини айтган одамларни душман, деб биладилар.

– Аммо бу унчалар қизиқ эмас: тўғри кўрсатмалар ғазабларини келтирса, бунинг қандай қизиқ жойи бор?

– Бундай одамларни васф этишга унча мойилга ўхшайман.

– Зевс билан онт ичаманки, мойил эмасман.

– Шундай экан, биз яқиндагина айтиб ўтганимиздек шунга ўхшаш ишлар билан бутунлай шугулланувчи давлатни сен мақтамайсан. Фуқароларга бутун давлат тузумини ўзгартиришни ман этадиган ва бундай уринишлар учун ўлим жазоси бериладиган ёмон бошқарилувчи давлатларда ҳам худди шунинг ўзи рўй бераётгандай туюлмайдими сенга? Кимда-ким ёқимли бўлишга интилса ва шундай бошқарув остидаги фуқаролар кўнглини олса, улар олдида тилёгмалик қилса, уларнинг истак-хоҳишларини олдиндан билса ва уларни адо этишга уста бўлса, бундай одам яхши, энг муҳим ишларда доно бўлиб чиқади ва фуқаролар унга хурмат-эҳтиром кўрсатадилар.

– Менимча, бундай давлат, [сен айтиб ўтган] беморларга ўхшаб иш қиладиганга ўхшайди, буни эса мен маъқуллашмайман.

– Бундай давлатларга жон-дили билан хизмат қиладиганларнинг жасорат ва эпчиликлари сени мафтун этмайдими?

– Мафтун этади, аммо мен бундай давлатлар борасида алданаётганлар ва уларни оломон мақтаётганлигидан ўзларини ҳақиқий давлат арбоблари деб хаёл қиляётганларни истисно этаман.

– Нима деяпсан? Сен уларнинг фикрларига қўшилмайсанми? Ёки, сенингча, қачонки бирор одам ўлчашни ўзи

билмаса-ю, ўлашни билмайдиган кўпчилик бошқа одамлар уни бўйи тўрт тирсак эканлигига ишонтирсалар, бундай эмаслигини ўйлашга у қодирмикан?

– Бундай бўлиши мумкин эмас.

– Улардан жаҳлинг чиқмасин. Бундай соҳиби қонунлар жуда ғалатидирлар: улар, биз ҳозиргина айтиб ўтганимиздек, доимо ўз қонунарига ўзгартиришлар киритадилар, бу билан ишлардаги суиистеъмолчиликларни бартараф қилмоқчи бўладилар, аммо ҳозир мен айтиб ўтганимдек, бу билан аслида гидрани – кўп бошли аждарни чопаётган одамларга ўхшаб кетаётганларини биамайдилар.

– Бу тўғри, улар фақат шу иш билан машғуллар.

– Шундай қилиб мен, ёмонми, яхшими тартибот ҳукм сурадиган давлатда ҳақиқий қонун чиқарувчининг бу хилдаги қонунлар ҳақида куюнишига ҳожат йўқ, чунки биринчи ҳолда улар фойдасиздирлар ва кераклари ҳам йўқ, иккинчисида эса, уларнинг (яъни бу қонунларнинг – *тарж.*) баъзиларини ким бўлишидан қатъи назар, кимдир жорий этади, қолганлари эса илгаридан мавжуд бўлган кўникмалардан ўз-ўзидан келиб чиқади.

– Қонунчилик борасида, – сўради Адимант, – яна нималар қолди бизда?

Мен шунда дердим:

– Бизда ҳеч нарса қолмади, аммо Дельфадаги Аполлонда энг буюк, энг зебо ва дастлабки қонунлар мажмуи бордир.

– Қайси қонунлар мажмуи?

– Ибодатхоналар қуриш, қурбонликлар қилиш ва худолар, даҳолар ва қаҳрамонларни эъзозлаш, қадрлашга тааллуқли барча нарсалар ҳақида ҳамда яна ўликларни кўмиш ва Аиддагиларни ўзига мойил этиш учун нима қилиш кераклиги ҳақидаги қонунлар мажмуи (мавжуд). Бундай нарсалар бизга номаълум, аммо биз давлатга асос солаётиб, агар бизда ақл бўлса, ватанимизнинг устозидан бошқа ҳеч қайси устозга ишонмаймиз ва мурожаат этмаймиз: зеро, бундай

ишларда худди шу худо (яъни Аполлон – тарж.) – барча одамларнинг ватанимиздаги устозидир; у, Ернинг кинди-ги қаерда бўлса, ўша ерда (виқор билан) ўтириб, панд-на-сиҳат қилади, ўргатади.

– Ажойиб сўзлар! Биз шундай қиламиз.

– Энди, Аристоннинг ўгли, сенинг давлатинг ташкил топди, деб ҳисоблаймиз. Шундан кейин, қўлингга етарли даражада ёруғ бўлган чироқ олгинда, ўзинг қара, бирода-рингни ҳам, Полемархни ҳам ва қолган бошқаларни ҳам тақлиф қил, балки адолат ва адолатсизлик қаерда яширин-ганини, улар орасидаги фарқ нимада ва инсон барча худо-лар ҳамда одамлардан беркина оладими ёки йўқми, бари бир бахтли бўлиш учун улардан қайси бирига эга бўлиши кераклигини кўришга муваффақ бўлармиз.

– Тутуруқсиз гаплар, – деди Главкон, – адолатга иложи борича ва ҳар қандай усул билан ёрдам қилмаслик ўзинг то-монингдан гуноҳ иш бўларди, деб ҳисоблаб, сен ўзинг бун-дай тадқиқот ўтказмоқчи эдинг-ку.

– Сен тўғри эслатдинг, – дедим мен, – шундай қилиш за-рур, аммо сизлар ҳам менга ёрдам беришингиз керак.

– Марҳамат, биз тайёрмиз.

– Мен жавобни қуйидаги тарзда топмоқчиман: ўйлай-манки, ушбу давлат, баски тўғри тартиб берилган экан, биз-да у анча мукамал бўлади.

– Сўзсиз шундай.

Идеал давлатнинг тўртта эзгу иши

– У (давлат) доно, мардона, мулоҳазали ва адолатли эканлиги аниқ.

– Аниқ.

– Демак, биз унда топганимиз мавжуд нарса бўлса, унда қолган нарасагина топилмаган нарса бўлади, шундайми?

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Бу шундай насаки, тўртта нарса биз орасидан қандай-дир истаган биттасини излаётган бўлсак, ё унинг нималиги-

ни, ёки қолган уч нарсанинг нималигини олдиндан билиш етарли бўлади; шу йўл билан биз истаганимиз ўша нарсани топамиз – чунки у қолдиқнинг ўзи эканлиги равшан.

– Сен тўғри гапирмоқдасан.

– Бизнинг давлатимиз тўртта хислат билан ажралиб турар экан, демак, бизнинг масаламизда ҳам худди шундай қидирув олиб бориш зарур.

– Шундайлиги аниқ.

– Аввало, менимча, гарчи бу ерда иш ғалатироқ туюлса ҳам, унинг донолиги (донишмандлиги) анча аниқ.

– Нега?

– Биз таҳлил қилган ўша давлат менга ҳақиқатан ҳам доно туюлади – зеро, унда соғлом қарорлар амалга оширилади, шундай эмасми?

– Шундай.

– Шу билан бирга бу соғлом қарорлар, моҳиятан қандайдир билим ҳамдир; зеро, жаҳолат эмас, билим яхши фикрлашга ёрдам беради.

– Шундайлиги аниқ.

– Давлатда эса кўп турли-туман билимларга дуч келиш мумкин.

– Албатта.

– Наҳотки, дурадгорлик санъатини билиш туфайли давлатни доно ва соғлом қарорлар қабул қилувчи давлат деб аташ мумкин бўлса?

– Асло бунинг учун эмас, у ҳолда уни дурадгорлик (давлати) дейишга тўғри келарди.

– Демак, гарчи давлатга ёғоч буюмлар иложи борича яхши бўлиши маъқул бўлса-да, аммо уларнинг маҳорат билан тайёрланаётгани учунгина давлатни оқил давлат деб бўлмайди.

– Албатта, бундай деб бўлмайди.

– Хўш, мис буюмлар ва бошқа шунга ўхшашлари учун-чи?

– Буларнинг ҳеч бирини алоқаси йўқ.

– Замин мевалари етиштирилгани учун ҳам эмас, булми са давлатни деҳқончилик давлати деб атаса бўларди.

– Менимча (ҳам) шундай.

– Хўш, биз ҳозиргина ташкил этган давлатда, фуқароларнинг биронтасида, майда-чуйда эмас, балки ички ва ташқи муносабатларни аъло тарзда бошқариб, умумдавлат масалаларини ҳал этишга ёрдам бера оладиган билим бормикин?

– Ҳа, бор.

– Қандаю ва кимда?

– Бу, соқчиликда бўлиш санъати: унинг соҳиблари, биз яқинда баркамол соқчилар деб атаганимиз ҳукмдорлардир.

– Ростки, шундай билим бор экан, у ҳолда бизнинг давлатимиз ҳақида нима дейсан?

– Унда соғлом қарорлар амалга оширилади, ва у ҳақиқий донишмандлик билан ажралиб туради.

– Бизнинг давлатимизда қайси бири кўпроқ, деб ҳисоблайсан – темирчиларми ёки ҳақиқий соқчиларми?

– Темирчилар анча кўп.

– Қандайдир билими бор ва ўша билим бўйича номланадиган (масалан: темирчи, дурадгор, тўқувчи – *тарж.*) барча қолган одамларга нисбатан эса соқчилар бундан ҳам озроқ бўлади.

– Ҳа, анча кам.

– Демак, табиатга мувофиқ ташкил этилган давлат (ҳокимият) тепасида турган ва бошқарадиган жуда камчиликни ташкил этувчи аҳоли ва шу аҳолининг билими туфайли яхлитлигича доно бўларкан-да. Ҳарқалай, билимнинг барча турларидан донишмандлик номига муносиб бўлган биргина ушбу билим соҳиби бўлишга лойиқ одамлар табиатан жуда кам учраса керак.

– Сен мутлақо ҳақсан.

– Мана, биз, қандай қилиб билмадиму, аммо давлатимизнинг тўрт хислатидан бирини, унинг нималигини ва давлатимиздаги ўрнини топдик.

– Менимча, биз уни етарли даражада аниқлаб олдик.
– Мардликка келсак – у ўзи қандайлиги ва унинг давлат-даги ўрнини (давлатнинг нега мардона давлат дейилиши-ни) – буни англаш қийин эмас.

– Нечун?

– Давлатни журъатсиз ва мардона давлат, деб айтилганида, фуқароларнинг унинг учун урушга кирувчи ва жанг қилувчи қисмидан бошқасига ким эътибор беради?

– Ҳеч ким бошқа ҳеч нарсага қарамайди.

– Уйлайманки, унинг бошқа фуқаролари бўйича, улар кўрқоқ ёки мард бўлсалар ҳам, давлатнинг бундай эмас, бошқачалигини аниқлаб бўлмайди.

– Бўлмайди.

– Давлат ўзининг фақат қандайдир бир қисми туфайли мард бўлади, ўзининг бу қисмида фалон-фалонда хавф бор, деб – соҳиби қонун унга тарбия орқали ўргатган (яъни шу қисмга ўргатган – *тарж.*) хавф-хатарлар ҳақидаги фикрни доимо сақлаш иқтидорига эга бўлиш туфайлигина мард бўлади. Ёки сен бошқа нарсани мардлик, деб атайсанми?

– Нималар ҳақида гапираётганингни унча тушунмадим. Марҳамат қилиб, гапингни такрорла.

– Мардликни мен қандайдир сақланганлик, деб ҳисоблайман.

– Қанақа сақланганлик.

– Хавф-хатар – у ўзи нима ва қандайлиги ҳақида маълум бир фикр-мулоҳазани сақловчи сақланганликни. Бу фикр-мулоҳаза қонуннинг тарбияловчи таъсири остида вужудга келади. Мен уни сақланганлик, деб айтдим, яъни инсон уни дард чекишда ҳам, ҳузурланишда ҳам, эҳтирос онларида ҳам, кўрққанида ҳам сақлаб қолади ва ҳеч қачон ундан воз кечмайди. Бунинг нимага ўхшашлигини, агар хоҳдасанг, мен сенга тимсол-ташбеҳ ёрдамида тушунтиришим мумкин.

– Албатта, хоҳлайман.

– Сен биласанки, бўёқчилар жунни қирмизи рангга бўямоқчи бўлганларида олдин жуннинг кўп туслари орасидан фақат бирини – оқ рангисини танлаб оладилар, кейин диққат билан, турли усулларни қўллаб, уни то қирмизи рангга яхшилаб киргунича тайёрлайдилар ва, ниҳоят, уни бўяйдилар. Шу тариқа бўялган жун энди ўнгмайди ва ишқор биланми ёки ишқорсизми ювиш унинг рангига таъсир қилмайди. Акс ҳолда, бу рангга бўяйдиларми ёки бошқа ранггами, бари бир, агар дастлабки тайёргарликсиз бўясалар, нима бўлишини ўзинг биласан.

– У ҳолда ранг қанчалик омонат бўлишини ва у қандай аянчли кўринишини биламан.

– Биз аскарларни танлаётганимизда ва уларни мусиқий санъат ва гимнастика ёрдамида тарбиялаётганимизда кучимиз етганича биз ҳам шунга ўхшаш иш қилишимизни сен инобатга ол. Улар иложи борича яхшироқ ва комил ишонч билан қонунларни худди бўёқ (ранг) ядек қабул қилишлари, ўзлаштиришларидан бошқа ниятимиз йўқ: уларнинг хавф-хатарлар ва бошқа ҳамма нарса ҳақидаги фикрлари уларнинг табиий иқтидорлари ва олган маълум тарбиялари туфайли мустаҳкам бўлади ва бу бўёқни ҳеч қандай кучли ишқор – на халестрий ишқори (поташи) ва қулдан ҳам кучлироқ таъсир этувчи лаззатлар билан, на гам-алам билан, на кўрқинч билан, на эҳтирос билан, умуман шуларга ўхшаш биронта ўткир восита билан ювиб ташлаб бўлмайди. Агар эътироз билдирмасанг, мана шунга ўхшаш қобилият ва нима хавфли, нима хавфсиз эканлиги ҳақидаги тўғри ва қонуний фикрни доимий сақлашни мен мардлик деб атайман ва мардлик деб ҳисоблайман.

– Мен ҳеч ҳам эътироз билдирмайман, чунки, менимча, ҳайвонлар ва қулларда кузатиладиган, тарбиядан ташқари пайдо бўлган нарса ҳақидаги фикрни, гарчи у тўғри бўлсада, сен қонуний деб ҳисобламайсан ва (у нарсани) мардлик деб эмас, балки бошқача ном билан атайсан.

– Айни ҳақиқат.

– Демак, мен мардлик ҳақидаги сенинг тушунчангга қўшиламан.

– Яхшироқ, дурустроқ тушуниш учун яна, бу ерда мардлик ҳақида бамисоли, фуқаролик хислати ҳақида гапирилаётганига ҳам қўшилишинг керак. Қулай фурсат бўлганида, бошқа бир кун, агар хоҳласанг, буларнинг ҳаммасини тузувроқ таҳлил қиламиз, зеро, ҳозир бизнинг изланишларимиз мардликка эмас, адолатга тааллуқлидир. Бу мақсад учун, менимча, етарли гап айтилди.

– Жуда яхши, – деди Главкон.

– Давлатимизнинг яна иккита хусусиятини кўриб чиқиш қолди: мулоҳазалилик (оқиллик) ва бизнинг тадқиқотимиз бағишланган мавзу – адолат.

– Ҳа, албатта.

– Агар адолат нима эканлигини олдинроқ топганимизда, мулоҳазалилик билан овора бўлиб юрмас эдик.

– Мен шахсан билмадим, аммо мулоҳазалиликни кўриб чиқмай туриб, адолат нима эканлигини аниқлашни хоҳламас эдим. Агар менга хуш ёқадиган иш қиламоқчи бўлсанг, аввал мулоҳазалиликни муҳокама қил.

– Ўзим ҳам шуни хоҳлайман ва, ҳатто, адашмасам, шундай қилишим ҳам керак.

– Бошла бўлмаса.

– Ҳа, албатта. Бизнинг нуқтаи назаримиз бўйича мулоҳазалилик, аввалги хислатларга (донолик ва мардликка – тарж.) қараганда кўпроқ қандайдир ҳамоҳанглик ва уйғунликка (гармонияга) ўхшаб кетади.

– Тушунмадим.

– Тартибга ўхшаш бир нарса – мана шу мулоҳазалилик, оқилликдир; бу маълум бир лаззатлар ва орзу-истаклар устидан ҳукмронликдир – «ўзини ўзи енгиш» иборасини келтирганларида шундай дейдилар, лекин бу қандай рўй беради, билмайман. Шунга ўхшаш бошқа кўп нарсалар

хақида ҳам, бу – мулоҳазалилик, оқиллик излари, дейишадн. Шундай эмасми?

– Худди шундай.

– «Ўзини ўзи енгил» дегани кулгили эмасми? Бундан келиб чиқадики, кимда-ким ўзига ўзи ён босса, инсон ўшани енгади, шунинг учун, ким ён босса, ўшанинг ўзи енгганинг ўзи бўлади: зеро, бундай ҳолатда сўз ўша-ўша бир одам хақида боради.

– Албатта.

– Менимча, бу ибора билан, инсоннинг ўзида, унинг дили (қалби)да қандайдир яхши ва қандайдир ёмон қисмлар бор демоқчидирлар ва қачонки ўз табиати бўйича ўша яхши нарса ёмонни жиловласа, тия олса, ундай пайтда у «ўзини ўзи енгди», деб айтадилар: демак, бу мақтовдир; қачонки ёмон тарбия ёки атроф-муҳит сабабли ёмонлик устун келса (зеро, у жуда кўп, яхшилиқ анчагина кам), у ҳолда танбеҳ ва таъна билан бунин «ўзидан ўзи енгил», деб ва бундай ҳолатни бошидан ўтказган одамни – баднафс, деб атайдилар.

– Одатда, шундай дейдилар.

– Энди бизнинг янги давлатимизга бир нигоҳ ташла, сен унда ушбу ҳолатлардан бирини топасан: сен айтасанки, бундай давлатни адолатли равишда ўзини ўзи енгган, деб атаса бўлади, чунки, нимада яхши нарса ёмон нарса устидан ҳукмрон бўлса, ўша нарсаларнинг ҳаммаси ўзини ўзи енгган ва мулоҳазали, оқил, деб аташ керак.

– Сенинг ҳақдигингни кўраяпман.

– Кўздан-кўп ва жуда турли-туман орзу-истаклар, лаззатлар ва дард чекишларни болалар, аёллар ва уй хизматкорлари (мулозимлар)да, эркин (хур) одамлар орасида эса – кўпчиликнинг нотавон вакилларида осон кузатиш мумкин.

– Шундай.

– Оддий, меъёрдаги, ақл (идрок) ва тўғри фикр ёрдамида ўйлаб йўналтирилган туйғуларни эса сен, жуда кам одамда, табиатан ва тарбиятан яхшиларда учратасан.

– Бу гашиг тўғри.

– Сен буни бизнинг давлатимизда кўрмаяпсанми: кўпчиликнинг ҳақир-нотавон орзу-истаклари (ҳирслари) у ерда озчиликнинг, яъни андишали одамларнинг оқилона хоҳиш-истакларига бўйсунди?

– Ҳа, пайқадим.

– Демак, агар лаззатларни ҳам, ҳирсни ҳам, ўзини ҳам енгган қандайдир бир давлат тан олинадиган бўлса, бу бизнинг давлатимиз бўлади.

– Мутлақо тўғри.

– Айтиганларга мувофиқ равишда уни мулоҳазали ҳам деб тан олиб бўлмайдимиз?

– Албатта бўлади!

– Яна, агар қайсидир бир давлатда ҳукмдорларда ҳам, тобеларда ҳам, ким ҳукмронлик қилиши кераклиги ҳақида келишилган фикр мавжуд бўлса, бу ҳолат бизнинг давлатда ҳам бор. Ё сен бунга қўшилмайсанми?

– Сўзсиз қўшиламан.

– Модомики шундай экан, мулоҳазалилик фуқаролардан қай бирига – ҳукмдорларга хосми ёки тобеларгами, деб сўрайсан, албатта?

– Уларга ҳам, буларга ҳам хос бўлса керак.

– Ана, кўрдингми, мулоҳазалилик қандайдир уйғунликка ўхшайди, деб тўғри башорат қилибмиз.

– Нима бўлибди?

– Бу мардлик ёки доноликка ўхшамайди: улар давлатнинг қандайдир бир қисмида мавжуд бўлиб, бутун давлатни ўзларига мавофиқ равишда ё мардона, ёки доно қилади; мулоҳазалилик эса давлатда ўзгача намоён бўлади: у ўз оҳанги билан яхлитлигича барча нарсага чуқур таъсир ўтказади; ўз торларидан фойдаланиб, у бўш тортилганларини ҳам, таранг тортилганларини ҳам, ўргачаларини ҳам бир-бирларига мослаштириб, баҳамжиҳат товуш чиқаришларига мажбур этади, буни у зарурат тақозоси билан, ақл-идрок

қудрати ёрдамида, баъзан эса куч ишлатиб ёки ниҳоят кўп-лиги ва бойлиги ва шунга ўхшашлар орқали амалга оширади, шунинг учун биз бу мослашув, баҳамжиҳатликни тўла ишонч билан мулоҳазалилик, бошқача айтганда, (мулоҳазалилик) давлатда ҳам, ҳар бир айрим одамда ҳам нима ҳукмдорлик қилиши керак, деган масалада ёмонлик ва яхшилиқнинг табиий ҳамоҳанглигидир, деб аташимиз мумкин.

– Мен ҳам шундай фикрдаман.

– Яхши. Давлатимизнинг бу уч хусусиятини кўриб чиқдик. Энди, таҳлил қилинмаган, давлат эзгуликка дахлдор бўлишига сабаб бўладиган тури қолди-ки, у нима ўзи? Дарвоқе, бу – адолат эканлиги аниқ.

– Тушунарли.

– Энди, Главкон, биз худди овчилардек, бу чангалзорни ўраб олишимиз ва биздан адолат қочиб кетмаслиги учун диққат билан кузатишимиз керак, йўқса у қочиб кетади ва яна ҳамма нарса мавҳум бўлиб қолаверади. Зеро, у қаердадир яқин жойда беркиниб ётибди: сен қараб тур ва уни топишга ҳаракат қил, агар топсанг менга ҳам кўрсат.

– Қўлимдан келганида эдимиз? Мен сенинг кўрсатганларингни мулоҳаза қилиб, сенга эргашиб юришга ярайман, холос.

– Мен билан бирга ибодат қилиб, эргашақол.

– Мен шундай қиламан, сен эса йўлга бошла.

– Қара, бу ер ўтиб бўлмас чангалзор, ҳаммаёқ қоронғу, бирор нарсани излаб топиш қийин. Лекин, бари бир, олға юриш керак.

– Кетдик.

Шу пайт, бехос бир нарсани кўриб қолиб, хитоб қилдим: «Эй, Главкон, қандай қувончли ҳол! Биз унинг изига тушибмиз, шекилли, менимча, у узоққа қочиб улгурмаган!»

– Хушxabар! – деди Главкон.

– Аммо хўп ландавурмиз-да!

– Нега?

– Азизим, (суҳбатимиз) бошланганидан бери адолат оёгимиз остида ўралашиб юрипти, шуниси кулгилики, биз

унга қиё ҳам боқмадик! Бу худди қўлда тутиб турилган нарсани қидираётганга ўхшайди: мана, ҳозир биз ҳам бу ерга эмас, гўёки у беркиниб олган олис жойларга қараяпмиз.

– Нималар деяпсан?

– Айтмоқчиманки, бизнинг суҳбатимизда биз ўзимизни ўзимиз тушунмадик, яъни ўша пайтнинг ўзида (суҳбат бошланишидаёқ – *тарж.*) биз қандайдир тарзда айнан адолат ҳақида гапирган эдик.

– Билишга сабр чидамаяптию сен ҳаддан ташқари узун дебоча қиляпсан!

– Эшитгин-да, хулоса чиқар. Биз даставвал, давлат тузабошлаган пайтимизда, буни албатта яхлитлик учун қилиш керак, деб қарор қилган эдик. Худди ана шу яхлитликнинг ўзи адолат ёки унинг қандайдир бир туридир, агар ёдингда бўлса, ҳар бир айрим инсон, давлатдаги ўз табиий иқтидори бўйича энг кўп қодир бўлган зарур ишлардан бири билан машғул бўлиши зарур, деб айтган эдик.

– Ҳа, биз шундай деган эдик.

– Аммо ўз иши билан шуғулланиш ва бошқаларнинг ишларига аралашмаслик – адолатнинг ўзидир, бу фикрни биз бошқа кўп одамлардан эшитганмиз, қолаверса, ўзимиз ҳам кўпинча шундай деганмиз.

– Ҳа, шундай деганмиз.

– Шундай қилиб, дўстим, менимча, ҳар кимнинг ўз иши билан шуғулланиши – худди шу адолат бўлади. Мен нега бундай хулосага келганимни биласанми?

– Билмайман, тушунтириб бер.

– Менимча, давлатнинг биз кўриб чиққан хислатлари – унинг мулоҳазалилиги, мардлиги ва донолигидан ташқари, унда мазкурларнинг давлатда мавжуд бўлиши ва сақланишини таъминлайдиган яна бир нарсга қолади. Биз бу уч хислатни топганимиздан кейин қоладиган қолдиқ адолат бўлади, деб айтган эдик.

– Шундай дегандик.

– Шундай бўлса-да, агар ушбу хислатлардан қай бирининг мавжудлиги бизнинг давлатимизни энг баркамол эта олади, деган масалани ҳал этиш талаб этиладиган бўлса, бу мушкул иш бўларди: бу ҳукмдорлар ва тобеларнинг фикр бирлиги бўлдики ёки нима хавфлиё нима хавфсиз эмаслиги ҳақидаги қонунларга мос фикр-мулоҳазаларнинг жангчиларда мавжудлиги ва улар томонидан сақлаб қолинишими ёки, ниҳоят, ҳукмдорларга хос оқиллик ва ҳушёрликми? Ёхуд давлатдаги болага ҳам, аёлга ҳам, қулга ҳам, ҳур одамга ҳам мансуб бўлган нарса давлатимизнинг баркамол бўлишига энг қўп имконият яратадими, яъни, аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзини ҳар ишга уринтирмай ва ўзгаларнинг ишларига аралашмай, ҳар ким ўз ишини қиладими?

– Буни ҳал этиш, албатта, қийин.

– Кўриниб турибди-ки, давлатнинг баркамоллиги масаласида ҳар бир фуқаронинг ўз ишини бажариш қобилияти донолик, мулоҳазалилик ва мардлик билан рақобатлаша олади.

– Жуда ҳам.

– Адолат ҳам улар билан давлат баркамоллиги учун курашади, деб ўйламайсанми?

– Сўзсиз, шундай, деб ўйлайман.

– Яна ушбуни муҳокама қилиб кўр – аммо, сен бунга қўшилсанми, йўқми, билмайман: маҳкама ишларини давлатни идора қилувчиларига топширмайсанми?

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Суд маҳкамаларида улар ўз куч-ғайратларини ҳеч ким бировнинг мулкани тортиб ололмаслиги ва ўз мулкидан ҳам ажралмаслиги учун ишга солмай, бошқа нимагадир йўналтирадиларми?

– Йўқ, худди шунга.

– Чунки бу адолатлидир, шундайми?

– Ҳа.

– Демак, ушбу мисолдан ҳам, адолат, ҳар ким ўз нарсаси (мулки)га эга бўлишидан ва ўзининг ишини бажаришидан иборат бўлишига ишониш кераклиги кўриниб турибди.

– Ҳа, шундай.

– Қуйидаги мулоҳаза бўйича менинг фикримга қўшила-санми: агар дурадгор косибнинг, косиб эса дурадгорнинг ишини бажаришига ва унинг асбоб-ускуналари ва номини алмаштириб, дурадгорнинг ишини бажаришга уриниб кўр-са ёки агар бир одам бу икки ишни бажаришга уринса ва ҳамма нарсанинг жойи ўзгарса, давлат катта зарар кўради, деб ҳисоблайсанми?

– Унча катта зарар кўрмайди.

– Аммо, айтиш керакки, бирор ҳунарманд ёки яна ким-дир, табиий иқтидори бўйича ишбилармон бирор одам ўзининг бойлиги, кўпдан-кўп алоқалари, куч-қудрати ва шунга ўхшашлар туфайли жангчилар тоифасига ўтишга уринса ёки қачонки жангчилардан кимдир, ўзи нолойиқ бўлса ҳам, кенгаш аъзолари ёки соқчилар қаторига кириб олишга ҳаракат қилса ва, бунинг устига улар ҳам, булар ҳам ўз қуроллари ва унвон-номларини алмаштирадилар, ёки бир одамнинг ўзи бу ишларни бир вақтнинг ўзида бажаришга уринса, у ҳолда, ўйлайманки, сен ҳам бунга қўшилсан, бун-дай алмаштириш ва ўз иши бўлмаган ишга аралashiш дав-лат учун ҳалокатлидир.

– Ҳудди шундай.

– Демак, бу уч тоифанинг ўзгалар ишига аралashiши ва бир тоифадан бошқасига ўтиши – давлат учун жуда катта зарардир ва тўла ҳуқуқ билан буни энг катта жино-ят, деб ҳисобласа бўлади.

– Мутлақо тўғри.

– Ўз давлатига нисбатан қилинган энг катта жиноятни адолатсизлик деб атамайсанми?

– Албатта, шундай атайман.

– Демак, худди шунинг ўзи адолатсизликдир. Кел, яна бир марта айтайлик: унга зид ўлароқ, барча тоифаларнинг – ишбилармонлар, соқчилар (соқчилар) ва уларнинг ёрдамчиларининг ўз ишларига садоқати – адолат бўлади, ва давлатни адолатли қилади, айтиш керакки, бу тоифанинг ҳар бири ўзига хос ишни бажаради.

– Менимча (ҳам) шундайга ўхшайди.

– Ҳозирча бунга қатъий тасдиқламай турамиз, аммо агар бу гоյ алоҳида олинган ҳар бир одамга ҳам тўғри келса ва у ерда ҳам адолат қарор топаётганлиги тасдиқланса, у ҳолда биз бунга рози бўламиз, чунки бошқа нима ҳақида ҳам гапириб бўлади? Агар бундай бўлмаса, унда биз бошқача тадқиқот олиб боришимиз керак бўлади. Кел, энди ўз текширувимизни қандай белгилаган бўлсак, шундай тутаётганлик: баски, биз, олдин адолат қарор топаётган бирор йирик нарсани кузатаётган эканмиз, уни айрим бир одамдан илғаб олиш анча осонроқ. Биз давлатни йирик деб ҳисобладик, мукамал, баркамол давлатда адолат қарор топиши кераклигини аниқ билиб, бу давлатни қўлимиздан келганича яхши ташкил этдик.

Биз у ерда нимани истаб топган бўлсак, ўшани айрим бир одамга ўтказиб кўрайлик-чи. Мос келса – жуда яхши; агар айрим одамларда бошқа бир нарса топилса, биз яна давлатга мурожаат қилиб, уни текшириб кўрамиз. Балки ана шу яқинлашиш туфайли, худди иккита ёғоч бўлагини бир-бирига ишқалагандек, биз адолатни ярақлаб ёниб кўринишга мажбур этармиз, у ёрқин бўлгач эса, биз уни ўзимизда барқарор қилармиз.

– Сен тўғри йўл кўрсатмоқдасан, шундай қилиш зарур.

– Агар кимдир катта ва кичик нарсани бир хил ном билан атайдиган бўлса, уларнинг шундай аталишига сабаб бўлган нарсада улар (катта ва кичик нарса – тарж.) наҳотки ўхшаш эмаслар? Ёки улар бир-бирларига ўхшамайдиларми?

– Ухшайдилар.

– Демак, адолат гоёси бўйича, адолатли одам ҳам адолатли давлатдан фарқланмайди, аксинча, унга ўхшаш бўлади.

– Ҳа, ўхшаш бўлади.

– Агар давлатда мавжуд, ўз табиатига кўра турлича бўлган уч хил тоифанинг ҳар бири ўз ишини қилса, (бундай) давлатни биз адолатли, деб тан олган бўлардик. Худди шу тоифалар вакилларининг тегишли ҳолати ва хусусияти сабабли биз давлатни мулоҳазали, мард ва доно деб тан олдик.

– Тўғри.

– Демак, дўстим, айрим одамни ҳам биз худди шундай баҳолаймиз: унинг дилида ҳам давлатда мавжуд бўлган турларининг ўзи мавжуддир ва уларнинг ҳам худди шундай ҳолати туфайли уларга худди ўша белгиларни қўллаш тўғри бўлади.

– Албатта, шундай бўлиши керак.

– Азизим, қара, биз яна тадқиқотнинг оддий мавзусига дуч келдик! Гап дил ҳақида бормоқда: унда ушбу учта тур борми, йўқми?

– Менимча, бу осон иш эмас, «гўзаллик – машаққат», деб тўғри айтадилар-ку!

– Балки шундайдир.

– Шундайга ўхшайди. Главкон, амин бўлки, менинг фикримча, мулоҳазаларимиздаги биз ҳозир фойдаланган усуллар билан биз ҳеч қачон бу мавзунинг етарли даражада аниқ қамраб ололмаймиз, унга олиб борадиган йўл анча узоқ ва машаққатли, айтиш керакки, (бу йўл) биз аввал кўриб чиққанemiz ва гапирганимизга мос келади.

– Шунинг ўзи етарли эмасми? Менга ҳозир шунинг ўзи ҳам маъқул бўлур эди.

– Мен учун эса ундан-да кўпроқ маъқул.

– Сен умидсизланмай мулоҳаза қилишга кириш.

– Биз, – дедим мен, – давлатда қандай ахлоқий хусусиятлар бўлса, худди ўшалар бизларнинг ҳар биримизда ҳам мавжудлигини албатта тан олишимиз керак эмасми? Акс

ҳолда улар қандай пайдо бўладилар? Баъзи давлатларда руҳнинг газабноклиги каби хусусият кучайишининг сабаби у ерлардаги айрим шахслар – шу сабабни келтириб чиқарувчилар шундай бўлганларидан эмас, деб ўйлаш кулгили бўлар эди: Фракия, Скифия ва барча шимолий ҳудудларда яшовчиларда – шу тариқа, бизнинг юртларда қизиқувчанлик хос, тамагирлик, манфаатпарастлик эса финикияликлар ва мисрликларда кўпроқ кўзга ташланади.

– Жуда ҳам кўзга ташланади.

– Иш худди шундайлигини билиш асло қийин эмас.

– Ҳеч ҳам қийин эмас.

– Бизнинг хатти-ҳаракатларимиз ўша бир хусусиятдан келиб чиқадими ёки, бундай хусусиятлар учта бўлгани учун, уларнинг ҳар бири алоҳида хатти-ҳаракатни келтириб чиқарадими – мана шуни билиш қийин. Бизда мавжуд хусусиятларнинг бири орқали (ниманидир) биламизми, газаб бошқаси орқали келиб чиқади, учинчи хислат эса овқатдан, бола туғиш-туғдиришдан ва шунга ўхшаш барча (турдош) нарсалардан лаззат топишга мажбур этади ёки бизда бундай хоҳиш-истак пайдо бўлганида ушбу ҳодисаларнинг ҳар бирида бизнинг хатти-ҳаракатларимиз яхлит, бори дилимиздан келиб чиқади? Ана шуни ушбу мавзуга муносиб даражада аниқлаш қийин.

– Менимча, ҳам шундай.

– Ушбу хусусиятлар ўхшашми ёки улар орасида фарқ борми – буни қуйидаги йўл билан аниқлашга уриниб кўрамиз...

– Қандай қилиб аниқлаймиз?

– Шуниси аниқки, ўхшашлик (айният) бир вақтнинг ўзида бирор-бир муносабатда бир-бирига зид хатти-ҳаракатларни бажара олмайди ёки ўзи бошидан ўткази олмайди. Шунинг учун, агар биз бу ерда шу ҳолат кузатилишини сезсак, у ҳолда биз олдимизда турган бир нарсанинг ўзигина эмас, балки кўп нарсани эканлигини билиб оламиз.

– Шундай бўлақолсин.

Мен нима демоқчи эканнимга эътибор бер.

– Гапир.

– Ўша бир нарса ўша бир муносабатда бир вақтнинг ўзида ҳам тек туриши, ҳам ҳаракатда бўлиши мумкинми?

– Ҳеч ҳам.

– Кейинчалик тушунмовчиликлар бўлмаслиги учун аниқроқ келишиб олайлик. Агар кимдир тек турган ҳолда, қуллари ва бошини қимирлатса бу одам турибди ва шу билан бирга у ҳаракатланмоқда десалар, мен ўйлайманки, бундай дейишларига биз қўшилмас эдик, бу ерда унинг қайсидир бир аъзоси тек турибди, бошқа бир аъзоси эса ҳаракатда, дейилса ўринли бўларди. Шундай эмасми?

– Шундай.

– Аммо, шундай деган одам, ҳазиломуз ва янада оқилона мисол келтирган бўларди: пилдироқ бир бутун ҳолда бир жойда турибди ва шу вақтда ҳаракат қилмоқда – у айланмоқда, лекин унинг учи бир жойга таянган. Ўз ўрнини ўзгартирмай айлана оладиган нарсалар борасида кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Аммо биз буларнинг ҳаммасини бир четга суриб қўямиз, чунки бу ҳолларда (ўша) нарсалар ўз жойларида туради ва уларнинг ҳаракатлари ўша-ўша бир муносабатда эмас. Биз айтган бўлар эдикки, уларда тўғрилиқ ва юмалоқлик бор: тўғри йўналишда улар ҳеч қайси томонга оғишмай тек турибди, айлана бўйича айланмоқда. Айланма ҳаракат сақланиб турганида тўғри йўналиш ўннга ёки чапга, олдинга ёки орқага силжиса, у ҳолда ҳеч ҳам бу нарсалар тек турибдилар, деб бўлмайди.

– Бу гап тўғри.

– Демак, келтирилган мисолларнинг ҳеч бири, гўё нимадир нарса ўзича қолиб, бехосдан ўз ўхшашлиги (айниятига) қарама-қарши ёки унга (айниятга) қарши йўналган ҳаракат қилади ва ёки ўз бошидан ўтказади, деб фикримизни ўзгартиролмайди ва бизни хижолат қилмайди.

– Шахсан мени бунга ишонтиролмайдилар.

– Аммо, ҳар ҳолда, бунга ўхшаш тушунмовчиликларни текширмаслик ва уларнинг гайриқонуний эканлигини узундан-узоқ исботлаб ўтирмаслик учун, кел, буларнинг ҳаммаси шундай, деб фараз этамиз ва олдинга юраверамиз, фақат келишиб олайлик, агар қачонлардир иш бошқача бўлиб чиқса, ушбу ҳолатдан чиқарган бизнинг хулосаларимизнинг ҳаммаси йўққа чиқади.

– Ҳа, шундай қилиш керак.

– Яна: маъқуллаб бош силкитмоқ ва норозилик билдириб бош чайқамоқ; бирор нарсани олишга интилмоқ ва худди ўшанинг ўзини рад этмоқ; ўзига жалб этмоқ ва ўзидан итариб юбормоқ (зеро, бу ҳолларнинг ҳаммаси ўхшаш) – буларнинг ҳаммасини сен бир-бирига зид ҳаракатлар ёки ҳолатлар деб қабул қилмайсанми?

– Албатта, улар бир-бирига зиддир.

– Яна: чанқаш, очлик ва умуман турли хоҳишларни бошдан кечириш ҳамда кўнгил суст кетиши, истак – буларнинг ҳаммасини биз ҳозиргина сўз юритганимиз нарсалар ҳақидаги турларга киритмайсанми? Наҳотки сен, масалан, хоҳиш билдираётган одамнинг дили ўзи хоҳлаган нарсасига интилади ёки у (дил) нимага эга бўлишни хоҳласа, ўша нарсани жалб этади, деб айтмасанг? Ёки бошқа бир мисол: дил ниманидир олишни хоҳласа, у, худди ундан сўрашаётгандек, ўзига ўзи маъқуллаб бошини силкитади ва ўзининг истагини амалга оширишга интилади, деб айтолмайсанми?

– Ҳа, мен худди шундай дейман.

– Яна нима дейиш мумкин? «Хоҳламаслик», «истамаслик», «орзу қилмаслик» – буларнинг ҳаммасини «рад қилмоқ», «кўнгил билан қабул қилмаслик» турига, яъни барча қарма-қарши нарсага қўшмаймизми?

– Албатта (қўшамиз).

– Модомики, шундай экан, у ҳолда биз, истакларнинг қандайдир турлари мавжуд ва уларнинг энг қаттиқларини чанқоқлик ва очлик, деб атайдиганимиз демаймизми?

– Ҳа, шундай деймиз.

– Биринчиси – ичиш истаги, иккинчиси – овқат ейиш истаги, тўғрими?

– Шундай.

– Модомики, биринчиси – чанқоқлик бўлса, у ҳолда инсон дилида биз кўрсатиб ўтганимиздан ташқари яна қўшимча хоҳиш ҳам пайдо бўладими? Бошқача айтганда, бу, албатта, иссиқ (қайноқ) ёки совуқ, кўп ёки оз ичиш – бир сўз билан айтганда, қандайдир маълум бир ичимлик ичиш хоҳиши бўладими? Агар одам исиб кетса, унинг чанқоқлигига нимадир совуқ, агар у совқотса, у ҳолда – иссиқ нарса (ичимлик) ичиш хоҳиши қўшилмайдими? Агар ичимликлар хили кўп бўлса, чанқоқлик турлича жилва қилади: кўп нарсани, агар оддийгина чанқоқлик бўлса, у ҳолда – озгинани хоҳаб қоладилар. Аммо чанқоқлик ўз-ўзича, ичишга бўлган табиий хоҳишдан бошқа истаги бўлмайди, очлик эса ўз-ўзича – овқатланиш хоҳишидан бошқа истаги бўлмайди.

– Шундай қилиб, – деди у, – ҳар бир истак ўз-ўзича ҳар бири айрим ҳолда унинг табиатига жавоб беришгагина йўналтирилгандир. Бундай ва ундай сифатга бўлган истак эса – бу нимадир қўшимча бўлса керак.

– Аммо кимдир бир йўл билан бизнинг эҳтиётсизлигимиздан фойдаланиб, ҳеч ким оддий ичишни эмас, балки, албатта, яроқли ичимликни ва оддий овқатни эмас, балки яроқли овқатни хоҳлашига ишора қилиб, бизни ноқулай аҳволга қўймаса бўлди. Зеро, ҳамма ҳам айнан яхши нарсани истайди. Модомики, чанқоқлик истак экан, у яроқли ичимлик хоҳиши ёки истак кўзлаган бошқа бирор хоҳиши бўлиши зарур. Бошқа ҳамма ҳолатларда ҳам шунинг ўзидир.

– Бу тўғри эътироз бўлса ажаб эмас.

– Аммо бу (эътироз) бир нарса билан ўзаро боғланиш (муносабат) да бўлган нарсаларга тегишли: улар фалон-фалон сифатларга эга, чунки уларда уларнинг нима билан ўза-

ро муносабати кўрилса, ўша нарсада фалон-фалон сифатлар бор, ўз-ўзларича эса, улар фақат ўз-ўзлари билан ўзаро муносабатда бўладилар.

– Мен тушунмадим.

– Сен, катта (нарса) нимадандир катталиги учун катта эканлигини тушунмадингми?

– Буни-ку тушундим.

– Кичкинадан катталигини, а?

– Буни ҳам.

– Нимаики анчагина катта бўлса – у анчагина каттадан анчагина катта. Шундай эмасми?

– Ҳа.

– Ва қачонлардир катта бўлган нарса – қачонлардир кичик (бўлган нарса)дан катта? Бўлғусидаги катталик ҳам – бўлғусидаги кичикликдан каттами?

– Бошқача бўлмаса керак?

– Кўплик ҳам фақат камликка нисбатан кўплик, иккиланган – яримликка нисбатан бўлади ва ҳоказо; худди шундай, огирроқ ҳам – енгилроққа, тезроқ ҳам – секинроққа, иссиқлик – совуқликка нисбатан бўлади ва бунга ўхшаш ҳамма бошқалари шундайдир. Ё бундай эмасми?

– Албатта, шундай.

– Бизнинг билимларимиз ҳақида нима деса бўлади? У ерда ҳам шунинг ўзи эмасми? Билим ўз-ўзича қандай нарса-ни билишни олмайлик, ўрганилаётган нарсанинг ўзи билан ўзаро муносабатда бўлади: билим шунинг учун шундайки, у фалон-фалон нарсаларга таалуқлидир. Мен ушбуни назарда тутмоқдаман: уй қуришни ўрганиб олган пайтларида, ушбу билим бошқаларидан ажраб чиқди, шунинг учун уни қурилиш (бинокорлик) иши, деб, атадилар.

– Нима қилмоқчисан?

– Демак, бошқа билимларнинг ҳеч қайсиси унга ўхшамайди, шунинг учун уни шундай деб атадилар.

– Ҳа, шундай.

Билим, мавзуи қандай сифатга эга бўлса, билимнинг ўш қам шундай бўлиб қолади. Бошқа ҳамма билимлар ва санъатлар билан ҳам шунинг ўзи рўй беради.

– Шундай.

– Агар энди тушунган бўлсанг, сен нарсаларнинг сифат бўйича ўзаро муносабатлари нималигини, айтмоқчи бўлган эдим, деб ҳисобла: ўз-ўзича улар фақат ўз-ўзлари билан ўзаро муносабатдалар, бошқа нарсалар билан олинган ўзаро муносабатда эса улар ўша нарсаларнинг сифатларини қабул қиладилар. Аммо мен бу билан, улар нима билан ўзаро муносабатда бўлсалар, ўша нарса билан ўхшашлиги бор, демоқчи эмасман, масалан, гўё саломатлик ва касалликларни билиш билан саломат ёки касал, ёмонлик ва эзгуликни билиш билан ёмон ёки яхши бўлиб қолмайди. Билим ўз мавзуси нима бўлса, ўша бўлиб қолмайди, у (билим) ўша нарсанинг хусусиятлари билан ўзаро муносабатда бўлади – ҳозирги ҳолатда эса саломатлик ёки касалликнинг хусусияти билан (ўзаро муносабатда бўлади), – ва бу хусусият уни белгилайди (аниқлайди?). Шунинг ўзи бундай билимни оддийгина билим эмас, балки унинг қўшимча хусусияти бўйича шифокорлик санъати дейишга мажбур этади.

– Мен тушундим ва, менимча, иш худди шундай бўлса керак.

– Айт-чи, чанқоқни сен ўзининг мавжудлиги туфайли нимадир бошқа нарса билан ўзаро муносабатда бўлган нарсалар қаторига, ушбу ҳолда – чанқоқлик сифатида, қўшасанми?

– Ҳа, мен уни (чанқоқни) ичишга нисбатан олган бўлардим.

– Яъни маълум бир ичишга маълум бир чанқоқлик тааллуқлидир, ўз-ўзича эса у на кўп ичишга, на кам ичишга, на яхши ичишга, на ёмон ичишга йўналган – бир сўз билан айтганда, ҳеч қандай сифатга (йўналган эмас): чанқоқлик ўз-ўзича, табиийки, фақат ичимликка ичимлик сифатида ўзаро муносабатда бўлади.

– Шубҳасиз.

Инсон дилининг уч ибтидоси – Демак, чанқоқ одамда у чанқоқни ҳис этаётган экан, унинг дили кўнгли ичишдан бошқа нарса-ни хоҳламайди – у бунга интилади ва антикади.

– Шундайлиги аниқ.

– Ва агар, чанқаган бўлишига қарамай, уни нимадир тутиб турса, демак, унда (кўнгилда) истак билдирувчи, ичиш учун уни худди ҳайвонни ундагандай ундовчи ибтидодан ўзгача нимадир бор. Зеро, биз тасдиқлаб айтамикки, ўша бир нарса айни вақтнинг ўзида ўзининг бир қисмида ва ўша-ўша бир муносабатда қарама-қарши (ишни) бажара олмайди.

– Албатта, бажара олмайди.

– Худди шунга ўхшаб, кимдир камондан отаётган бўлса, унинг қўллари бир вақтнинг ўзида ҳам ўзи томон, ҳам ўзидан нариги томонга тортмоқда, дейилса, ўйлайманки, бу гап ноўрин бўларди. Бундай дейилиши керак: «Бир қўл ўзи томон тортмоқда, бир қўл – ўзидан нарига».

– Шундай.

– Чанқаётган одамлар баъзида ичишдан бош тарта оладилар, деб айта оламизми?

– Жуда кўп одамлар ва тез-тез шундай қиладилар.

– Улар ҳақда нима деса бўлади? Уларнинг кўнгилларида уларни ичишга ундайдиган нимадир борлигиними, аммо ичишни ман этадиган нарса ҳам борлигиними ва ўша нарса ундовчи ибтидо устидан ғолиб келишиними?

– Менимча, шундай.

– Буни қилишни ман этадиган нарса – агарда пайдо бўлса – мулоҳаза қилиш қобилияти туфайли пайдо бўлади, бунга етаклайдиган ва қизиқтирадиган нарса эса – дард чекиш ва касалликлар туфайли (пайдо бўлади), тўғрими?

– Шундай бўлиши мумкин.

– Биз бу ибтидоларни икки хил ва бир-биридан фарқланадилар деб тан олишимиз асоссиз эмас: улардан, инсон-

нинг мулоҳаза юритиш (фикрлаш) қобилиятига ёрдам берадиган бирини биз дилнинг онгли ибтидоси, инсонни ошуфта этадиган, очлик ва чанқоқлик келтириб чиқарадиган ва инсонни бошқа орзу-истакларга гирифтор қиладиганини онгсиз ва истак-хоҳиш уйғотувчи тур билан турдош (бир жинсли) бўлса керак.

– Менга айтиб берган эдиларки ва, мен бунга ишонаман, Аглайоннинг ўғли Леонтий Пиреядан қайтиб келаётиб, ташқарида, шимолий девор остида жаллод олдида жасадлар ётганини кўриб қолди. Унинг ҳам кўргиси келарди ва шу билан бирга, унинг учун жирканч бўлганидан, тескари қараб оларди. Аммо у қанча курашмасин ва юз-кўзини тўсмасин, истак ундан кучлироқ келади – у кўзларини катта очиб, жасадлар олдида югуриб келди ва: «Мана, бадбахтлар, ушбу гўзал-зебо манзарага тўйиб олинг!» – деб хитоб қилади.

– Мен ҳам буни эшитганман.

– Аммо бу ҳикоя кўрсатадики, газаб баъзида истак-хоҳишларга қарши жангга киради ва, демак, улардан фарқ қилади.

– Дарҳақиқат.

– Биз кўпинча бошқа ҳолатларда ҳам, истак-хоҳишлар исканжасида бўлган одам мулоҳаза юритиш қобилиятига хилоф равишда ўзини ўзи сўкишини ва ўзининг қалбига кириб олган бу зўравонларга жаҳл қилишини сезмаганмидик? Бундай одамнинг газаби гўёки фақат икки тараф ўртасида кетаётган бу жангда унинг онгига иттифоқдош бўлиб қолади. Онг тақиқлаганида газаб хоҳишлар тарафида бўлганлигини, ўйлайманки, буни тан ол, на ўзингда, на бошқаларда кузатгансан.

– Зевс билан онт ичаманки, кузатмаганман.

– Яна. Инсон ўзи адолатсизлик қилганлигини идрок этса, у ҳолда у қанча олижаноб бўлса, уни очлик, қаҳратон совуқ ва шунга ўхшаш бошқа азобларга солишга ҳуқуқли одамдан шунча кам аччиқланади! Бу уни газаблантирмайди – мен ана шу ҳақда айтмоқдаман.

– Тўғри.

– Ўзига нисбатан адолатсизлик қилмоқдалар, деб ҳисоблаганда эса, у ёниб кетади, тажанглашади ва унга адолатли бўлиб туюлган нарсанинг иттифоқчиси бўлиб қолади ва бунинг учун у очлик, қаҳратон совуқ ва шуларга ўхшаш азоб-уқубатларга чидашга тайёр, фақат ғалаба қилса бўлди, у ўзининг олижаноб интилишларидан воз кечмайди – ё ўз ниятига эришади ёки ўлади, худди чўпон ўз итини чақириб олганидай, унинг ўз ақл-идроки келтирган далиллар уни тинчитмаса, бошқаси тинчитмайди.

– Сенинг ўхшатишинг жуда маъқул. Зеро, бизнинг давлатимизда биз унинг ҳимоячиларига худди соқчи итлардай, ҳукмдорларига эса – худди чўпонлардай хизмат қилишни топширганмиз.

– Нима демоқчи бўлганимни сен жуда яхши тушунибсан, аммо яна мана бу ҳолатга ҳам эътибор бер...

– Нимага?

– Ҳозир бизда дарғазаб руҳ ҳақида яқингинадаги тасаввуримизга зид тасаввур пайдо бўлганига. Аввал биз уни истак-хоҳиш интилувчи ибтидо билан боғлиқ деган эдик, энди эса бу ундай эмас, деб ҳисобламоқдамиз, чунки инсон дилда бўладиган низо пайтида дарғазаб ибтидо онглилик (оқиллик) ибтидоси учун (унинг тарафини олиб – тарж.) курол кўтаради.

– Албатта, шундай бўлади.

– У (дарғазаб ибтидо) ундан (онгли ибтидодан) фарқ қиладими ёки онгли ибтидонинг фақат бир хилими (нима бўлганда ҳам) дилда (кўнгилда) ҳаммаси бўлиб икки хил ибтидо мавжуд: оқил (онгли) ва истак-хоҳиш билдирувчими? Ёки давлатда таркиб берувчи ибтидонинг уч тури амалий, ҳимоявий, кенгашувчи ибтидо бўлганидай, дилда ҳам учинчи ибтидо – дарғазаб руҳ борми? Ўз табиатига кўра у (дарғазаб ибтидо), агар дарғазаб ибтидо ёмон тарбия би-

лан бузилган бўлмаса, онгли ибтидонинг ҳимоячиси бўлиб хизмат қилади.

– Учинчи ибтидо ҳам, албатта, бўлиши керак.

– Ҳа, агар дарғазаб ибтидонинг истак-хоҳиш билдирувчи ибтидодан фарқланиши аниқданганидай, у (дарғазаб ибтидо) нинг онгли ибтидо билан мос келмаслиги маълум бўлса.

– Буни аниқлаш қийин эмас. Ёш болалар мисолида кўриш мумкинки, улар туғилганлари заҳотиёқ узулқисиз (тўхтовсиз) газабли бўладилар, назаримда, шу билан бирга, уларнинг баъзилари мулоҳаза қилишга қобилиятли бўлмай қоладилар, кўпчилиги эса мулоҳаза қилиш қобилиятига жуда кеч эришадилар.

– Ҳа, Зевс билан онт ичаманки, сен буни жуда яхши гапирдинг. Бунинг устига, иш худди сен айтгандек эканлигини ҳайвонларда ҳам кузатиш мумкин. Бундан ташқари, биз олдин ҳам келтириб ўтганимиз Гомернинг мисраси шундан далолат беради:

У ўз кўкрагига урди-да асабий юракка деди...

Бу ерда Гомер, икки турли [ибтидо] дан бири бошқасини, яъни нима яхшию нима ёмонлигининг фарқига борадиган ибтидо, телба дарғазаблик ибтидосини тергаётганини аниқ-равшан ифодалаган.

– Сен жуда тўғри гапирмоқдасан.

– Демак, қийинчилик билан бўлса ҳам, биз ҳар ҳолда бунинг ҳаммасидан ўтдик ва давлатда ҳам, ҳар бир айрим одамнинг дили (кўнгли)да ҳам ўша-ўша ибтидолар мавжуд ва уларнинг сон (адад)лари бир хилда, деган хулосага келдик.

– Ҳа, шундай.

– Демак, яна ушбу ҳам албатта бўлиши зарур: давлат донолиги (донишмандлиги) қандай ва нимада намоён бўлса, хусусий шахсларда ҳам худди шундай ва худди шунинг ўзида намоён бўлади.

– Албатта.

– Ва хусусий инсон ўз мардлигини нимада ва қандай намоиш этса, давлат ҳам худди ўшанда ва худди ўшандай мардона бўлади. Уларнинг иккаласи эзгуликка муносабати бўлган барча бошқа нарсаларга ҳам эга бўлади.

– Ҳа, шундай бўлиши керак.

– Мен ўйлайманки, Главкон, давлатда адолат қандай амалга оширилса, айрим одам ҳам худди шу тарзда адолатли бўлади.

– Бу ҳам керак, албатта.

– Аммо агар давлатдаги учта тоифанинг ҳар бири унда ўз ишини бажарсагина, бу давлат бизда адолатли деб тан олинганини эсдан чиқармадик шекилли.

– Менимча, эсдан чиқармадик.

– Демак, бизда мавжуд бўлган ҳар бир ибтидо ўз ишини бажарсагина бизнинг ҳар биримиз адолатли бўлишимиз ва ўз ишимизни бажаришимиз мумкин эканлигини эсда тутишимиз зарур.

– Буни яхшилаб эслаб қолиш керак.

– Шундай қилиб, мулоҳаза қобилиятига ҳукмронлик қилиш жоиздир, чунки донишмандлик ва бутун дил ҳақида ғамхўрлик – айна унинг (мулоҳазанинг) ишидир, даргазаб ибтидо эса унга (донишмандликка) бўйсунуши ва унинг иттифоқчиси бўлиши зарур.

– Албатта. Биз олдин айтиб ўтганимиздай, мусиқий санъатнинг гимнастик (санъат) билан қўшиливи бу иккала ибтидони ҳамоҳангликка олиб боради: бу қўшилиш мулоҳаза қобилиятининг шиддатини кучайтиради ва уни зебо нутқлар ҳамда фанлар тўйинтиради, даргазаб ибтидони эса сўзлар билан юмшатиб ва уйғунлик (гармония) ҳамда усул (ритм) билан тинчлантириб, бирмунча кучсизлантиради.

– Мутлақо тўғри.

– Шу тазда тарбияланган, ўргатилган ва ўз вазифаларини тушунган ушбу икки ибтидо, истак-хоҳишлар билдирув-

чи ибтидони бошқаради. У (истак-хоҳиш ибтидоси) эса, ҳар бир одам дилининг кўпроқ (каттароқ) қисмини ташкил этади ва ўз табиатига кўра бойлик талаб қилади. У (истак-хоҳиш) ошиб кетмаслиги ва жисмоний лаззатлар ҳисобига кучайиб кетмаслиги ҳамда ўз вазифасини бажаришдан тўхтаб қолмаслиги учун уни кузатиб туриш керак: акс ҳолда у ўзига қардош бўлмаган нарсани қул қилиш ва ўзига тобе қилиб олишга ва шу тарзда барча ибтидоларнинг ҳаёт фаолиятини бузишга ҳаракат қилади.

– Сўзсиз, шундай.

– Иккала ибтидо бутун дилни ҳам, баданни ҳам, – ташқи душманлардан аъло даражада сақлар эди: маслаҳатлари билан, бошқаси – қуроли ҳимоя билан; бири – ўзининг у (яъни дарғазаб руҳ – тарж.) ҳукмдор ибтидога эргашади ва унинг (онгли ибтидонинг – тарж.) қарорларини мардона бажаради.

– Шундай.

– Ҳар бир айрим одамни, унинг дарғазаб руҳи ҳамда ҳам, лаззатларда ҳам ақл-идрокнинг нима хавfli, нима эса хавfli эмаслиги борасидаги кўрсатмаларига қайси меъёрада риоя қилишига қараб, ўша меъёрада мард деймиз, деб ўйлайман.

– Бу тўғри.

– Доно эса – ҳар бирида бош бўладиган ва ушбу кўрсатмаларни берадиган кичик бир меъёрада, зеро, худди у (донолик, донишмандлик), ҳар бир айрим ибтидога ҳам, ушбу учта ибтидонинг бор мажмуига ҳам нима яроқли эканлиги ҳақидаги билим соҳибидир.

– Албатта.

– Онгли ибтидо бошқариши зарурлиги ва унга қарши исён қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларида асосий бўлган ибтидо ҳам, унга тобе икки ибтидо ҳам ҳамфикр бўлган ушбу ибтидоларнинг иттифоқи ва ҳам-оҳанглиги бўйича уни мулоҳазали, деб атамаймизми?

– Дарҳақиқат, давлатнинг ҳам, хусусий шахснинг ҳам мулоҳазалилиги – шундан бошқа нарса эмас.

– Аммо тез-тез таъкидлаб турганимиздек, худди шу нарса сабабли ва шу тарздагина инсон адолатли бўлади.

– Мутлақо шундай.

– Яна нима деймиз? Бу ерда адолат, уни биз давлатда (қандайлигини) тан олганимиздан бошқа бир нарса бўлиб чиқишига қандайдир унча-мунча ишора йўқмикан?

– Менимча, йўқ.

– Агар бизнинг дилимизда қандайдир гумон бўлса, кундалик ҳаётдан мисоллар келтириб, уни тарқатиб юборишимиз мумкин.

– Қандай мисоллар.

– Агар биздан, бизнинг давлатимиз ва ўз табиати бўйича унга ўхшаш, ўшандай тарзда тарбия топган айрим одам борасида бир битимга келиш талаб қилингандай бўлса, мана сенга мисол: бундай одамга олтин ёки қумуш омонат бериб қўйилса, у уларни ўғирлаб қўяди, деб ўйлаб бўладими? Буни (яъни ўғирлашни) бошқа ахлоқли одамдан кўра кўпроқ ана шундай одамдан кутиш мумкинлиги, сенингча, кимнинг ҳаёлига келади?

– Ҳеч кимнинг.

– У шаккоқлик, ўғрилик, сотқинликдан четда туради, улар унинг хусусий ҳаётига – унинг шахсий дўстларига ёки жамиятга – давлат ҳаётига тегишлими, йўқми, бари бир.

– Ҳа, у буларнинг ҳаммасидан четда туради.

– Ва у, албатта, онг ичиш ҳамда турли-туман шартномаларда хиёнат қилмайди.

– Албатта.

– Оиласига бевафолик, ота-оналарга беписандлик, худоларни қадрламаслик – буларнинг ҳаммаси кимларгадир тўғри келса келар, фақат унга эмас.

– Ҳа, бошқа ҳар кимга тўғри келиши мумкин.

– Буларнинг ҳаммасининг сабаби, ундаги мавжуд ибтидоларнинг ҳар бири бошқариш ва бўйсунуш борасида ўз ишини қилаётганлигида эмасмикин?

– Ҳа, сабаб шу, бошқа ҳеч нарса эмас.

– Яна сен адолатни инсонларни ҳам, давлатларни ҳам бошқача эмас, шундай (яъни адолатли – тарж.) қиладиган ўша куч эмас, бошқа нарса бўлишини хоҳлайсанми?

– Зевс билан онг ичаманки, мен буни хоҳламайман.

– Демак, биз фақат фараз қилганимиз – тушимиз рўёбга чиқди: кўриниб турибдики, биз давлат тузишга киришганимиз чоғдаёқ, қандайдир худо туфайли ўша заҳотиёқ адолатнинг ибтидоси ва намунаси минтақасига кириб бордик.

– Бегумон шундай.

– Демак, Главкон, кимки ўзининг табиий иқтидори бўйича этиқдўзлик (косиблик)ка яраса, унинг фақат этиқдўзлик қилиши ва бошқа ҳеч қандай иш билан шуғуланмаслиги, кимки дурадгорликка яраса – дурадгорлик қилиши керак, деб тасдиқлаганимиз адолатнинг қандайдир акси бўлган эди. Бошқа ҳолатларда ҳам худди шунинг ўзидир.

– Шундайлиги аниқ.

– Дарҳақиқат, адолат бизда инсоний ташқи кўринишлар маъносида эмас, балки ўзига ўзи ва ўз қобилиятларига ҳақиқий ички таъсир ўтказиши маъносида, шундай турда бўлган. Бундай одам, ўз дилидаги ҳеч бир ибтидога ўзгаларнинг вазифаларини бажаришига ёки бир-бирининг ишига аралashi билан хафа қилишга йўл қўймайди: у, ушбу ибтидоларнинг ҳар бирига дарҳақиқат нима хос бўлса, ўшани ажратади; у ўзини тута олади, ўзини тартибга келтиради ва ўзига ўзи дўст бўлиб қолади; у ўз дилининг уч ибтидосини, худди оҳангдошликнинг уч асосий товуши – баланд, паст ва ўртасини, бунинг устига яна агар у ерда оралиқ товушлар бўлса, уларни ҳам бир-бирига мослаштиради: буларнинг ҳаммасини бирга боғлайди ва шундай қилиб кўпликдан ўзининг бирлигига, мулоҳаза-

лилик ва батартиб бўлишига эришади. Уз ҳаракатларида ҳам, (унинг ҳаракатлари) мулк сотиб олишгами, уз бадавнини парвариш қилишгами, давлат ишларигами ёки хусусий шартномаларгами, нимага тегишли бўлса ҳам, шундайдир. Буларнинг ҳаммасида, кўрсатиб ўтилган ҳолатни сақлаб қолишга ёрдам берувчи фаолиятни у адолатли ва гўзал деб ҳисоблайди ва шундай атайди, донишмандликни эса – шундай фаолиятга раҳбарлик қилиш қобилияти, деб билади. Буларнинг ҳаммасини бузган фаолиятни у адолатсизлик, унга раҳбарлик қилувчи фикр-мулоҳазаларни эса – жоҳиллик, деб ҳисоблайди.

– Сен мутлақо ҳақсан, Суқрот.

Адолатли давлат ва адолатли одам

– Начора, – дедим мен. – Агар биз, адолатли одам ва адолатли давлатни ҳамда уларда намоён бўладиган адолатни аниқладик,

деб тан олсак, ўйлайманки, биз нимададир жуда адашаётгандай бўлиб кўринмаймиз.

– Бундай кўринмайди, Зевс билан онт ичаман.

– Демак, биз буни тан оламизми?

– Тан оламиз.

– Шундай бўлақолсин. Энди, ўйлайманки, адолатсизликни кўриб чиқиш керак.

– Бу аниқ.

– У (адолатсизлик) гарчи бу гап бунга мўлжалланмаган, балки ҳукмронлик қилиши керак бўлганига бўйсунуши зарур бўлса-да, кўрсатиб ўтилган учта ибтидонинг низосида, беҳаловатликда, ўзгаларнинг ишига аралашишда, дилда ҳукмронлик қилиш учун дилнинг қандайдир қисмининг бутун ҳаммасига қарши исёнида жойлашган бўлиши керак, тўғри эмасми? Адолатсизлик ҳақида ушбуни тасдиқлаймиз: у дилнинг турли қисмларининг саросимага тушиши ва адашиб юриши, уларнинг бебошлиғи ва кўрқоқлиғи, бунинг устига жоҳиллик – бир сўз билан айтганда, ҳар хил ёмонликлардир.

– Буларнинг ҳаммаси бир нарса.

– Шундай экан, адолатсизлик ва жиноятлар қилиш нимани англатади ва, аксинча, адолат бўйича иш қилиш нимани англатади – адолатсизлик нима-ю адолат нималиги аниқлангач, буларнинг ҳаммаси равшан бўлади, тўғри эмасми?

– Булар аниқландими?

– Адолат ва адолатсизлик соғлом ва касаллик келтириб чиқарувчи ибтидолардан ҳеч нарсаси билан фарқланмайди, фақат буниси – баданда, униси эса – дилдадир.

– Қандай қилиб?

– Соғлом ибтидо соғлиқ келтиради, касаллик туғдирадигани эса – касал қилади.

– Шундай.

– Адолатли фаолият адолатга, адолатсиз эса адолатсизликка олиб боради.

– Сўзсиз, шундай.

– Соғлом қилиш жисмоний ибтидолар ўртасида ҳукмронлик ва бўйсунушнинг табиий муносабатларини яратишни англатади, шу каби, касаллик уларнинг табиатга зид равишда ҳукмронлиги ёки бўйсунушини англатади.

– Шундай.

– Демак, дилни адолатли қилиш, у ерда унинг ибтидоларининг ҳукмдорлик ва тобеликнинг табиий муносабатларини ўрнатишни англатади, адолатсизлик қилиш эса – демак, у ерда, бир ибтидонинг бошқаси устидан ҳукмронлиги ёки бирининг бошқасига бўйсунушини табиатга зид равишда ўрнатишни англатади.

– Мутлақо тўғри.

– Бундан келиб чиқадики, ҳар қалай эзгулик – бу қандайдир соғломлик, чирой, дил хотиржамлиги, фарогатидир, ёмонлик (ахлоқсизлик) эса касаллик, хунуклик ва ожизликдир.

– Ҳа, шундай.

– Яхши одатлар эзгулик соҳиби бўлишга, ахлоқсизлари эса ёмонликка олиб бормайдими?

– Иложсиз шундай бўлади.

– Кўриниб турибдики, энди бизга нима мақсадга мувофиқроқ – адолатли иш қилишими, яхши одатларга эга бўлишими ва пинҳон бўладими ёки йўқми, бари бир, адолатли бўлишими ёхуд жиноят қилиш ва, гарчи бу жазоланиш ва ахлоқ тузатиш жазосини олиш хавфи бўлмаса ҳам, адолатсиз бўлишими – шуларни тадқиқ қилиш қолади, холос.

– Аммо, Суқрот, менимча, энди бундай тадқиқот ўтказиш кулгили бўлар эди: агар инсонда турли овқатлар, ичимликлар, ҳар хил бойликлар ва турли ҳокимият бўла туриб, унинг жисмоний табиати шикастланганида инсонга ҳаёт – ҳаёт бўлмай қолса, агар биз нима билан яшасак, худди ўша нарса шикастланса ва бузилса, у ҳолда унинг ҳаёти қандай бўлади? Агар у, унга ёмонлик ва адолатсизликдан қутулишида ва адолат ҳамда эзгулик соҳиби бўлишида ёрдам берадиган нарсадан бошқа ҳамма нарсани қиладиган бўлса-чи? Биз униси ҳам, буниси ҳам нимадан иборат эканлигини яхши таҳлил қилдик.

– Ҳа, шундай бўлса-да, бу кулгили бўлар эди; модомики, буларнинг ҳаммаси айнан шундай эканлиги ҳаммасидан равшанроқ кўриниб турадиган чегарагача етиб борган эканмиз, чекинишимиз мумкин эмас.

– Зевс билан онт ичаманки, чекиниш – энг ёмон иш.

– У ҳолда, бу ёққа келиб қара, ахлоқсизлик қанча турларга эга: бунга нигоҳ ташласа арзийди.

– Мен сенга эргашиб бормоқдаман, сен эса давом эт.

– Дарҳақиқат, бу ердан, худди бизнинг суҳбатимиз давомида кўтарилганимиз кузатиш минорасидан қарагандай, фақат бир турдаги эзгу иш мавжуд бўлиб кўринади, ахлоқсизлик, иллатлар турлари эса беҳисоб кўп бўлган бир пайтда, улардан тўрттасини эслаб ўтиш керақдир.

– Сен нималар ҳақида гапирмоқдасан?

**Беш хилдаги руҳий
ҳолатга беш хилдаги
давлат тузумининг
тўғри келиши**

– Давлат тузумларининг қанча хили бўлса, айтиш керакки, шунча хил руҳий ҳолат мавжуддир.

– Қанча?

– Давлат тузумининг беш хили ва дилнинг беш хили.

– Улар қайсилар, айтақол.

– Мен тасдиқлаб айтаманки, шундай давлат тузуми хилларидан бири ҳозир биз таҳлил қилганимиздир, аммо уни икки хил аташ мумкин: агар ҳукмдорлар орасидан кимдир ажралиб турса, буни подшоҳлик ҳоқимияти деб аташ мумкин, агар ҳукмдорлар бир нечта бўлса, у ҳолда бу аристократия бўлади.

– Тўғри.

– Мен худди шуни алоҳида бир тур, деб белгилайман. Ҳукмдорлар кўп бўладими ёки фақат битта, токи биз айтиб ўтганимиз тарбия ва таълимни ишга солар эканлар, улар энг муҳим қонунларни бузмайдилар.

– Бузмайдилар, бу табиий.

БЕШИНЧИ КИТОБ

– Худди шунга ўхшаш турдаги давлатни ва давлат тартиботини, яна алоҳида одамни ҳам яхши ва тўғри дейман, балки бундай давлат тўғри экан, қолган ҳамма хилларини ёмон деб ҳисоблайман: уларда давлат бошқаруви ҳам, хусусий одамларнинг руҳий ҳолати ҳам янглишдир. Ахлоқсиз (иллатли) давлат тузумининг хиллари тўртта.

– Яъни қандай хиллар? – деди Главкон.

– Менимча, улар биридан бирига қандай тартибда ўтсалар, шу тартибда гапирмоқчи бўлиб турган эдим. Шу аснода Полемарх – у Адимантга яқин ўтирган эди – қўлини чўзиб, унинг елкасидаги ёпинчиғидан ушлаб тортиб, ўз томонига энгаштирди ва эгилиб, унинг қулоғига нимадир деб шивирлади. Фақат ушбу гапни эшитиб қолдим: «Уни ҳол-жонига қўямизми ёки бирор нарса қиламизми?»

– Ҳеч ҳам қўйиб юбормаймиз, – деди Адимант баланд овозда.

Шунда мен сўрадим:

– Нимани қўймаслик сизларга шунчалик муҳим?

– Сени, – жавоб берди Адимант.

Мен яна сўрадим:

– Нега бу сизларга шунчалик муҳим?

**Соқчиларда хотинлар
ва болаларнинг
умумийлиги масаласи-
нинг қўйилиши**

– Сен, бизнингча, ўзингни қийнашни хоҳламай, – деди у – ва таҳлил қилишдан қочиб, суҳбатимизнинг бутун бир – анчагина – қис-

мини пинҳона ўтказиб юбормоқдасан. Ёки сен, хотинлар ва болалар, дўстларда барча нарса умумий бўлиши ҳақида шунчаки гапириб ўтганингни эсдан чиқардик, деб ўйлайсанми?

– Адимант, нима, бу ногўғрими?

– Аммо бунинг тўғрилиги, бошқа ҳоллардагига ўхшаб, бундай умумийлик қай тарзда амалга оширилиши тушунтирилишига муҳтождир, – зеро, бу (бундай умумийлик) турлича бўлиши мумкин-ку! Шунинг учун сен қандай йўлни назарда тутаётганингни албатта кўрсатиб ўтгин. Сен бола туғиш ҳақида – болаларни қандай туғишлари, туққандан кейин тарбиялашлари ҳақида – умуман сен айтиб ўтгандай болалар ва хотинларнинг умумийлиги ҳақида эслаб ўтасан, деб биз анчадан бери кутамиз. Бу тўғри рўй бермоқдами ёки йўқми эканлиги давлат тузуми учун улкан, ҳатто, ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Сен бўлса, бу масалани етарли даражада текширмай, қандайдир бошқа бир давлат тузумини кўриб чиқишга ўтиб кетдинг. Шунинг учун, сен эшитганингдек, токи сен буни ҳам бошқа қолганларини таҳлил қилганингдек таҳлил қилмагунингча, олдинга юришинг ноўрин, деб ҳисобладик.

– Ушбу қарорга мени ҳам тарафдор этиб қабул қилинг, – деди Главкон.

– Сукрот, бундай қарор бизнинг ҳаммамиз томонимиздан сўзсиз қабул қилинган, деб ҳисобла, – деди Фрасимах.

– Сиз ўзи нималар қиялпсиз! – хитоб қилдим мен. – Сизлар мени (бу ерда) ушланиб қолишга мажбур этмоқдасиз ва давлат тузуми ҳақида, гўё биз яна қайтадан киришаётгандай, узундан-узоқ суҳбатни бошламоқдасиз. Мен эса, ушбу муҳокамани тугатдим, деб қувониб юрибман – агар сизлар олдин айтганларим билан қаноатланганларингизда менга шунинг ўзи ҳам етар эди. Сиз ўзингизнинг ушбу таклифингиз билан бутун бир мулоҳазалар галасини кўтардингиз,

буни олдиндан билиб, бунчалик (кўп мулоҳазалардан) чўчиб ўшанда мен мулоҳазани тўхтатган эдим.

– Нима, – деди Фрасимах, – сенингча, суҳбатни эшитиш учун бу ерга келганларнинг ҳаммаси бекорга келган эканлар-да?

– Аммо суҳбат ҳам, – дедим мен, – меъёрида бўлиши керак.

– Бундай суҳбатни эшитиш учун онгли одамларда бутун умр меъёр бўлади, – деди Главкон. – Аммо, бу ерда гап бизда эмас. Сен, биз сўраган масалани ўз услубингда таҳлил қилишдан эринма: бизнинг соқчиларимизда болалар ва хотинларнинг умумийлигини қандай тушуниш керак, энг қийин, мушкул ҳисобланган, туғилганларидан то ўқишни бошлашгача бўлган вақт орасида гўдакларнинг тарбияси қандай кечади? Булар қай тарзда ўтиши керак, шуни кўрсатишга ҳаракат қилиб кўр.

– Буни тушуниб етиш осон эмас азизим. Бу ерда ақлга тўғри келмайдиган нарсалар биз аввал таҳлил қилганимизга қараганда ҳам кўп. Агар буни амалга ошириш мумкин, дейилса – ишонишмайди, агар бу тўла амалга оширилса, бунинг энг яхши нарса эканлигига ишончсизлик билан ёндашган бўлар эдилар. Азиз дўстим, бу суҳбат яхши (эзгу) тилакларга айланиб қолмаслиги учун ушбу мавзуда тўхташга журъат қилмаяпсан.

– Дадилроқ бўл! Зеро, сенинг сомиъларинг нодон эмаслар, улар ишонувчан ва хайрихоҳдиллар.

Шунда мен бундай дедим:

– Қадрли дўстим, буни менга далда бериш учун гапирмаяпсанми?

– Шундайлигини эътироф этаман.

– Агар мен ўзимга ишонсам ва гўё нималар ҳақида гапирётганимни биламан, деб ҳисобласам, сен аксига эришасан, у ҳолда сенинг таскининг ажойиб бўларди: кимки ҳақиқатни билса, ўша (одам) тушунувчи ва қадрли одамлар даврасида у энг буюк ва қимматли нарсалар ҳақида жасур

– Эҳтимол, биз ҳозир гапираётган бўлсак, унинг кўп қисми кулгили туюлади, чунки агар айтилганларга мувофиқ бажарилса, урф-одатларга зид бўлиб қолади.

– Ҳа, бу жуда кулгили туюлар эди.

– Сенинг назарингда, бу ерда ҳаммасидан кулгилироғи нима? Афтидан, ялангоч аёлларнинг палестраларда (палестра – гимнастика мактаби) эркаклар билан биргаликда машқ қилишлари кулгили бўлса керак. Бунинг устига нафақат ёшлар, балки, ҳатто, катта ёшдагилар ҳам – худди гимнасияларда машқ қиладиган чоллардай: юзларини ажин босган, кўринишлари кўркам бўлмаса-да, улар бари бир машқ қиладилар.

– Зевс билан қасам ичаманки, бу ҳар ҳолда ҳозирги тушунчалар бўйича, кулгили кўринган бўларди.

– Гапни бошлаган эканмиз, қочиримга усталар қанча ва қайси тарзда бундай ўзгариш – аёллар учун гимнасиялар, муסיкий санъат ва қурол ишлатишни билиш (охирги навбатда эмас) ва суворийлик устидан кулмасинлар, бизнинг улардан кўрқадиган жойимиз йўқ.

– Сен ҳақсан.

– Модомики биз гапни бошлаган эканмиз, ҳозирги одатларининг қаттиқлигига қарши чиқишимиз керак, мазах қилувчиларни эса ўзларини пичингдан тийишларини ва яқин-яқинларда эллинларда ҳам, кўпчилик варварларда ҳозиргача бўлганидек, ялангоч кўриниш эркаклар учун уят ҳисобланганини ва критлилар биринчи бўлиб, кейинроқ эса лакедемонликлар ҳам ўзларида гимнасияларни расм қилганларини, ўша замонларида ҳам бунинг устидан кулиш имконияти бўлганлигини эслашларини сўрашга тўғри келади. Ёки, сенингча, бу бошқачами?

– Менимча, шундай.

– Аммо бутун баданни кийим билан беркитиб машқ қилгандан кўра, кийимсиз машқ қилиш қулайроқ эканлиги тажрибадан равшан бўлганидан кейин, бу ҳолат кўрганга кулгили

бўлмай қолди, зеро, оқилона далиллар шундай бўлгани афзалроқ эканлигини кўрсатди. Бу ҳол ёмон нарсани эмас, бошқа ниманидир кулгили, деб ҳисоблаган одам пуч одам эканлигини кўрсатди; қачонки у ниманингдир устидан кулмоқчи бўлса, у аҳмоқлик ва иллатни эмас, бошқа ниманидир кулгили деб билади: гўзалликка интилганида ҳам у эзгуликни эмас, бошқа нимадир нарсани мақсад қилиб қўяди.

– Бу ҳар жиҳатдан тўғри.

– Шундай қилиб, бу нарсани бажариш мумкинми ёки йўқми – бир келишувга келиш керак ва ҳазилми ёки чинми – ушбу баҳсли масалани ким қандай хоҳласа, шундай ҳал қилиши зарур: инсониятнинг аёл қисми барча ишларда эркаклар билан бир қаторда қатнашишга лаёқатлими, ёки у бу ишларнинг ҳеч бирида қатнаша олмайдими? Балки у нимагадир лаёқатли, бошқасига эса – лаёқатли эмасдир? Ҳарбий иш борасида ҳам шу гап: аёллар унга лаёқатлимилар? Гапни энг яхши ҳолатда тугатиш учун худди шундай бошламоқ дуруст эмасмикин?

– Албатта.

– Рақибларнинг далиллари бизнинг қамалимизга учраб ҳимоясиз қолмаслиги учун бошқалар (билан баҳслашиш ўрнига) биз ўз-ўзимиз билан баҳс юритишимизни хоҳлайсанми?

– Бунга ҳеч нарса халал бермайди.

– Биз уларнинг номидан бундай деймиз: «Сукрот ва Главкон, сизларга бегоналарнинг эътирозлари асло керак эмас: сиз ўзингизнинг давлатингизга асос солишни бошлаганингизда, ҳар ким, ким бўлишидан қатъи назар, ўз табиатига мувофиқ равишда – фақат ўз ишини қилиши керак, деб тан олган эдингиз».

– Ҳа, ўйлайманки, биз шундай деб тан олганмиз. Бошқача бўлиши мумкинми?

«Нима, аёллар ўз табиатларига кўра эркаклардан мутлақо фарқ қилмайдиларми?»

– Қандай қилиб фарқ қилмасликлари мумкин?

«Демак, уларга табиатларига мос бошқа ишни тайин этиш керак».

– Хўш, нима бўлибди?

«Энди бу сизнинг тарафингиздан йўл қўйилган хато эмасми, эркаклар ва аёллар, гарчи уларнинг табиатлари кескин фарқ қилса-да, бир (хилдаги) ишни бажаришлари керак, деб тасдиқлаб, сиз ўзингизга ўзингиз зид фикр билдирмаяпсизми?» Эй, галати одам, ўзингни ҳимоя қилиш учун нима дейишни биласанми?

– Буни бирдан бажариш осон эмас. Аммо мен, бизнинг далилларимиз борасида нимани мумкин бўлса, ўшани тушунтириб беришингни сўрайман, ҳозир ҳам илтимос қилмоқдаман.

– Мана шу ва шунга ўхшаш бошқа барча нарса, Главкон, мен алақачон олдиндан кўрганим нарсалардир, шунинг учун мен кўрқиб, қандай қилиб хотин олиш ва болали бўлиш ҳамда уларни қандай тарбиялаш ҳақидаги қонунга ёндашишга шошилмас эдим.

– Зевс билан қасам ичаманки, буларнинг ҳаммаси осон (ҳал бўладиган) эмас!

– Албатта, осон ҳал бўлмайди. Аммо иш бундай: кимдир унча катта бўлмаган, чўмиладиган ҳовузга тушадими ёки улкан денгизнинг ўртасига тушадими бари бир у сузиб чиқишга ҳаракат қилади.

– Албатта.

– Шунга ўхшаб, биз ҳам, бизни қандайдир дельфин елкасига олади ёки биз қандайдир тасодиф билан қутқариб олинмиз деган умид билан сузиб, ушбу мулоҳазаларимиздан чиқиб олишга уриниб кўришимиз зарур.

– Ҳа, уриниб кўриш керакка ўхшайди.

– Кел, бирон йўлини излаб кўрайлик. Биз, табиат ҳар хил бўлгани ҳолда машғулотлар ҳам ҳар хил бўлиши керак, деб келишган эдик, айтиш керакки, аёллар ва эркаклар табиати ҳар

хил. Энди эса биз бирданига, одамлар турлича табиати билан бир ишнинг ўзини бажаришлари мумкин, деб тасдиқламоқдамиз. Зеро, бизни худди шунда айбламоқдалар-ку!

– Мутлақо тўғри.

– Ҳа, Главкон, баҳс санъати буюқдир!

– Нима, нима дединг?

– Зеро, кўпчилик унга, ҳатто, беихтиёр қизиқадилар, ва яна улар ўзлигини баҳсда мусобақалашаётган эмас, балки мулоҳаза юритаётган, деб ўйлайдилар. Бу шунинг учун рўй берадики, улар аслида сўз юритилаётган мавзуни (нарсани) хиллари бўйича фарқлаб мулоҳаза қилишни билмайдилар. Сўзлардан айб топишга уриниб, улар суҳбатдошнинг айтган гапидан зиддият излайдилар ва суҳбатлашиш ўрнига баҳсда мусобақалаша бошлайдилар.

– Тўғри, бундай эҳтирос кўпчиликка хос. Аммо наҳотки у ҳозир бизга ҳам қарши йўналтирилган?

– Сўзсиз, зеро, биз беихтиёр шундай сўз зиддиятига тўқнаш келдик.

– Қандай қилиб?

– Инсонлар табиати бир хил бўлмаган ҳолда уларнинг машғулотлари ҳам ҳар хил бўлиши зарур; биз буни мардона ҳимоя қилдик, баҳсларга эса исмлар сабаб бўлдилар: зеро биз, табиий хусусиятларнинг турдаги фарқи ва ўхшашлиги нимадан иборат эканлигини кўриб чиқмаганмиз ва, турли табиатли одамларга турли машғулотларни, бир хилларига бир хил машғулотларни тайин қилганимизда у (турли табиатли – тарж.) ва бошқаси (бир хил табиатлисиз – тарж.) нимага мойиллигини аниқлаб олмадик.

– Ҳақиқатан, биз буни кўриб чиқмадик.

– Энди, афтидан, ўзимизга ўзимиз қуйидаги саволни бериш имконияти пайдо бўлмоқда: кал ва сертук одамларнинг табиий хусусиятлари бир хилми ёки қарама-қаршими? Башарти, қарама-қарши, деб тан олсак, у ҳолда яна сўраймиз: агар кал киши этиқдўзлик қилса, у ҳолда бу (иш)ни

бажариш сертук кишига ҳам мумкинми? Агар сертук киши этикдўзлик қилса, қал бу (иш)ни бажариши мумкинми?

– Буни сураш кулгили-ку!

Нега энди? Биз аввал табиатларнинг ўхшашлиги ва фарқини умуман эмас, балки уларнинг фарқи ва ўхшашлигининг машғулотлар билан боғлиқ туринигина аниқлагандик, масалан, биз, шифокор ҳам, фақат дилидагина шифокор бўлганлар ҳам ўша-ўша бир табиий хусусиятга эгадирлар, деб айтган эдик. Ёки, сенингча, бу бошқачами?

– Менимча, шундай.

– Шифокор ва дурадгорда табиий хусусиятлар ҳар хилми?

– Албатта.

– Демак, агар қандайдир санъат ёки бошқа бир машғулот борасида эркак ва аёл жинслари ўртасида фарқ топилса, унда бу ишни у ёки бу жинсга мувофиқ топшириш керак, деб айтамыз. Агар улар фақат аёлнинг туғиши, эркакнинг эса уруғлантириш билангина фарқлансалар, у ҳолда биз, бу нарса биз фикр юритаётган борада аёлнинг эркакдан фарқини ҳеч ҳам исботламайди, деймиз. Аксинча, бизда соқчилар ҳам, уларнинг хотинлари ҳам ўша бир иш билан шуғулланишлари керак, деб ўйлашда давом этаверамиз.

– Ва шундай ўйлаб тўғри қиламыз.

– Демак, шундан кейин кимки бунинг зиддини тасдиқлаётган бўлса ўша одам давлат тузумига тааллуқли қайси санъат ёки машғулот борасида аёл ва эркак табиатининг бир хил эмас, балки ҳар хил эканлигини кўрсатиб, бизга тушунтирсин.

– Адолатли талаб!

– Тўғри, сен сал олдинроқ айтиб ўтганингдек, кимдир, бунга бирданига жавоб бериш осон эмас, аммо фикр юритиб, қийналмай бунинг урдасидан чиқса бўлади, деб айтиши ҳам мумкин.

– Эҳтимол, шундай ҳам дер.

– Хоҳласанг, ушбу эътирозларни билдираётган одамдан бизнинг оптимиздан юришни ва унга, давлат тузуми билан

боғлиқ машғулотлар борасида аёлда ҳеч қандай хусусиятлар йўқлигини исботлаш қўлимиздан келиш-келмаслигини ўзи кўришини сўраймиз.

– Жуда хоҳайман.

– Қани, жавоб бер-чи, деймиз унга. Сен бундай деган эдинг: «Биров нимагадир қобилиятли, бошқаси – қобилиятсиз туғилди; биров бу ишни осонликча, бошқаси – қийинчилик билан билиб олади, биров озгина ўқиб-ўрганиб ҳам, ўрганган соҳасида жуда топқир бўлади, бошқаси эса, гарчи кўп ўқиган ва машқ қилган бўлса-а, ҳатто, ўргатиغان нарсани ҳам ўзлаштира олмайди. Бирида унинг жисмоний ҳолати руҳий ривожига мос келади, бошқасига эса у фақат халақит беради». Сен одамларни табиатан кимлар қандайдир ишга лаёқатлигу кимлар бунга лаёқатли эмаслигига қараб ажратдингми ёки йўқми?

– Ҳар ким ҳам, шундай, деб айтади.

– Одамларнинг машғулотларидан эркаклар устун бўлмаган ҳеч бўлмаса бирортасини биласанми? Бу ўринда аёлларнинг тўқишлари, қурбонлик обинонларини ёпишлари, овқат пиширишларини гапириб ўтириш ортикча. Ҳақиқатан ҳам, буларни аёл жинси тузуккина билади – бинобарин, агар шуни ҳам эплай олмаса, унинг устидан куладилар.

– Сен тўғри айтмоқдасан; бу жинс барча нарсада унисидан паст туради. Тўғри, кўп аёллар кўпгина эркаклардан кўп борада яхшироқдирлар, аммо умуман олганда, иш худди сен айтганингдекдир.

– Демак, дўстим, аёлга фақат аёл бўлгани учунгина, эркакка фақат эркак бўлгани учунгина қандайдир ишни топшириш одати давлатни ташкил этувчиларда бўлиши мумкин эмас. Йўқ, у ва бу жинсдаги тирик мавжудотларда бир хилдаги табиий хусусиятлар учраб туради ва шу табиат бўйича аёл ҳам, эркак ҳам, барча ишларда қатнашишлари мумкин, аммо аёл барча нарсада эркакдан кучсизроқдир.

– Ҳаттоки, анча кучсиздир.

– Нима, ҳамма нарсани эркакларга топшириб, аёлларга ҳеч нарсани топширмаймизми?

– Шундай қилиб бўладими?

– У ҳолда, ўйлайманки, ўзининг табиий қобилияти бўйича бир аёл шифокорлик қилиши мумкин, бошқаси эса – йўқ, бири мусиқий санъатга мойил, бошқасига эса Музалар бегона, деймиз.

– Нима демоқчисан?

– Нима, бирон-бир аёл жанговар бўлмагани ва гимнастик машқларни яхши кўрмагани ҳолда, бошқасида гимнастика ва ҳарбий ишга қобилият бўлмаслиги мумкинми?

– Ҳа, шундай.

– Нима десак бўлади? Бири фалсафага мойил, бошқаси эса уни ёмон кўради. Бирига руҳ дарғазаблиги хос, бошқаси эса огир-босиқ.

– Шундай ҳам бўлади.

– Демак, соқчи бўлишга мойил аёллар учраб туради. Биз эркаклар орасидан ҳам табиатан соқчиликка табиатан мойил бўлганларини танлаб олмадикми?

– Албатта, худди шундайларни танладик.

– Демак, давлатни қўриқлаш учун, аёлларда ҳам, эркакларда ҳам бир хил табиий қобилиятлар мавжуд, фақат аёлларда улар кучсизроқ, эркакларда эса кучлироқдир.

– Шундайга ўхшайди.

– Демак, бундай эркаклар учун хотинларнинг ҳам шундайларини танлаш зарур, токи улар биргаликда яшасинлар ва улар (давлат муҳофазасига) лаёқатли ҳамда ўз табиати бўйича соқчиларга ҳеш бўлганлари ҳолда, давлатни қўриқлаб турсинлар.

– Албатта.

– Кимларки ўз табиати бўйича бир хил бўлса, уларга бир хилда иш билан шуғулланиш имкониятини бериш керак.

– Ҳа, бир хилларга шундай қилиш керак.

– Демак, биз тўла айланани ўтиб бошланиш нуқтасига қайтиб келдик ва соқчиларнинг хотинларига ҳам мусиқа

санъати билан, ҳам гимнастика билан шуғулланишга имконият бериш табиатга зид эмаслигини тан оламиз.

– Асло зид эмас.

– Демак, бизнинг қарорларимиз бажариб бўлмайдиган эмас экан ва биз табиатга мувофиқ қодалар ўрнатган эканмиз, улар фақат пуч хоҳишга айланиб қолмагандир. Кўришиб турганидай, бизнинг давримизда бунга хилоф равишда кузатиладиган нарса табиатга зид бўлса керак.

– Шундайга ўхшайди.

– Зеро, биз ўз қарорларимиз амалга ошиши мумкинлигини ва улар энг яхши эканлигини кўриб чиқмоқчи эдик.

– Ҳа, шундай эди.

– Аммо улар амалга ошиши мумкинлигини барчамиз тан олдик-ку.

– Ҳа.

– Энди, улар энг яхши эканлиги ҳақида бир фикрга келишимиз зарур.

– Албатта.

– Аёл соқчи бўлиши учун, унинг тарбияси, эркак соқчилар тарбиясидан ўзгача бўлмаслиги зарур, бунинг устига бу ерда сўз ўша-ўша бир хил табиий қобилиятлар ҳақида бормоқда.

– Ҳа, у бошқача бўлмаслиги керак.

– Ушбу нарса ҳақида сенинг фикринг қандай?

– Яъни?

– Сен ўз тажрибангда, бири одам яхши, бошқаси эса ёмон эканлигига имонинг комиами ёки сен барча (одамлар) бир хил деб ишонч ҳосил қилмадингми?

– Асло.

– Биз асос солган давлатда, сенинг фикрингча, қайси одамлар яхшироқ чиқдилар – биз таҳлил қилганимиздай таълим олган соқчиларми ёки ўз касб-корлари бўйича тарбияланган этиқдўзларми?

– Сўраш ҳам кулгили!

– Тушунаман. Яна: бизнинг соқчиларимиз фуқароларнинг энг яхшилари эмасми?

– Албатта, энг яхшилари.

– Яна. Уларга ухшаш аёллар – аёллар орасида энг яхшилари бўлмайдиларми?

– Улар ҳам шундай бўладилар.

– Давлат учун, унда аёллар ва эркакларнинг энг яхшилари ҳозир бўлганидан-да яхшироқ нарса борми?

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас.

– Буни эса, биз таҳлил қилганимиздай, қўлланилган муסיқий санъат ва гимнастика амалга ошира олади.

– Бегумон шундай.

– Демак, бизнинг қароримизни нафақат бажарса бўлади, балки у давлат учун ҳамма нарсадан яхшидир.

– Ҳа, шундай.

– Соқчиларнинг хотинлари кийим ўрнига жасоратга бурканар эканлар, кийимларини ечсинлар-да, уруш ва давлат ҳимоясида қатнашсинлар ва бошқа ҳеч нарсага чалғимасинлар. Аммо буларнинг ҳаммасида ҳам, уларнинг жинслари заифлиги учун, аёлларга эркакларга нисбатан енгилроқ топшириқлар бериш зарур. Юксак мақсадлар учун гимнастика билан шундай аҳволда (яъни яланғоч – тарж.) шуғулланадиган яланғоч аёлларни кўрганда улар устидан куладиган эркак, ўзининг бу кулгиси билан «доноликнинг хом мевасини узиб», айтиш керакки, ниманинг устидан кулаётганини ва нима қилаётганини ўзи ҳам билмайди. Зеро, жуда топиб айтганлар – қайта-қайта айтадилар ҳам – фойдали (наrsa) зебодир, зарарлиси эса – уятсизликдир.

– Сўзсиз шундай.

– Аёллар борасидаги қонун муҳокамасида соқчи эркаклар ва соқчи аёллар барча ишларни биргаликда бажаришлари керак, деб қарор қилганимизда, биз бир тўлқиндан қутулиб қоламиз, бизнинг суҳбатимиз эса, аксинча, буни мумкинлиги ва фойдалилиги ҳақида хулосага изчиллик билан олиб боради.

– Ҳақиқатан ҳам, даҳшатли тўлқиндан омон қолишнинг урдасидан чиқасан!

– Аммо кейингиларини кўрсанг, бу ҳали арзимас нарса экан, деган бўлардинг.

– Кўрамиз, сен эса давом эт.

– Ушбу қонун ва қолган барча оддингиларидан кейин, ўйлайманки, мана буниси келади...

– Қандайи?

Соқчиларда хотинлар ва болаларнинг умумийлиги (давоми)

– Ушбу эрларнинг барча хотинлари умумий бўлиши керак, уларнинг ҳеч бири ҳеч ким билан айрим яшамасин.

Болалар ҳам умумий бўлишлари керак ва ота-оналар ўз болаларини, болалар эса ота-оналарини билмасинлар.

– Ушбу қонун, бажарилиши мумкинлиги ва фойдалилиги маъносида, унисига қараганда анча кўпроқ ишончсизлик келтириб чиқаради.

– Фойдалилик борасида эса, бунинг устида баҳслашмаслар ва хотинлар ҳамда болаларнинг умумийлиги, агар бу нарса мумкин бўлиб чиқса, энг буюк эзгулик эмас, демаслар. Аммо мумкинлик борасида, ўйлайманки, кўп гумонлар пайдо бўлса керак.

– Униси борасида ҳам, буниси борасида ҳам кўп гумонлар бўлади.

– Сен, бу ерда исботларнинг қўшиливи зарур бўлади, демоқчимисан? Сен фойдалилик борасида рози бўлганингдан кейин менга бу нарсани амалга ошириб бўладими ёки йўқми, фақат шунинг ҳақида гапириш қолиб, мен улардан бирига чап берган бўлар эдим.

– Йўқ, чап беролмайсан, овора бўлма: унисига ҳам буни-сига ҳам ҳисобот бер.

– Шундай жазога дучор бўлишга тўғри келади. Аммо сен менга ҳеч бўлмаса ушбу илтифотни кўрсат – ўзимга бир байрам қилиб олишимга изн бер. Руҳан бемаъни одамлар ёлғиз сайр қилиб юрганларида ўзларини ўзлари ана шундай

овутадилар: улар ўзлари хоҳлаган нарсаларинг қандай амалга ошишини топмасдан туриб, ўзларини мумкинлик ва мумкин эмаслик ҳақидаги ўйлар билан қийнамаслик учун буни ўтказиб юбориб (яъни хоҳлаганлари амалга ошиш-ошмаслигини ўйлаб ўтирмай – тарж.), ўзлари хоҳлаган нарсаларни гўё муҳайё деб ҳисоблайдилар: ва, мана энди улар кейинги ишларни бажара бошлайдилар, қачон бу амалга ошса, нима қилишларини қувонч билан ўйлай бошлайдилар; уларнинг бусиз ҳам бемаъни дил (руҳ)лари янада бемаънироқ бўла боради. Худди шунга ўхшаб, мен ҳам ана шу ожизликка бериламан ва менда бу масалани кейинга қолдириш ҳамда буни қай тарзда бажариш мумкинлигини кейинроқ кўриб чиқиш истаги пайдо бўлади, ҳозир эса, буни амалга оширса бўлади, деб фараз қилиб, агар сен рухсат берсанг, бу нарса амалга ошиб бўлганида ҳукмдор (ҳоким)лар уни қандай ишлатишларини кўриб чиқаман ва буларнинг ҳаммаси давлат учун ҳам қанчалик фойдали эканлигини кўрсатаман. Айнан шу нарсани сен билан биргаликда кўриб чиқишга ҳаракат қиламан, шундан кейингина, рухсат берсанг, унисини кўриб чиқаман.

– Албатта, мен рухсат бераман. Кўриб чиқавер.

– Мен ўйлайманки, агар бизнинг ҳукмдорлар ва уларнинг ёрдамчилари ҳам шундай номланишга лойиқ бўлсалар, у ҳолда сўнгилар кўрсатмаларни жон деб бажарадилар, улар (яъни, ҳукмдорлар – тарж.) эса – қисман қонунга бўйсуниб, қисман эса биз буюрганимизга тақлид қилиб – буйруқ берадилар.

– Табиий.

– Модомики, сен улар учун қонун чиқарувчи экансан, у ҳолда сен соқчи эркакларни қандай танлаб олган бўлсанг, имконияти борича, ўз табиати бўйича уларга ўхшаш аёлларни ҳам танлаб оласан ва буларни уларга топширасан. Модомики, уларда уй-жой ҳам, овқат ҳам умумий экан ва

бу ҳеч кимнинг хусусий мулки бўлмас экан, модомики, улар гимнасияларда доимо учрашиб ва умуман бир хилда тарбия олиб, доимо мулоқотда бўлар эканлар, уларда зарурат бўйича – мен ўйлайманки, туғма (зарурат бўйича) – бир-бирлари билан қовушишга интилиш пайдо бўлади. Ёки, сенингча, мен муқаррар бўлмаган нарсалар ҳақида гапирмоқдаманми?

– Бу геометрик эмас, балки шаҳвоний (эротик) заруратдир; одамларни бу унисидан кўра кучлироқ ишонтиради ва ўзига қизиқтиради.

– Жуда қизиқтиради-да. Аммо, Главкон, одамлар фаровон яшаб турган давлатда тартибсиз қўшилув ёки шунга ўхшаш қандайдир ишлар бўлишига йўл қўйиш диёнатсизлик бўларди, ҳокимлар ҳам бунга йўл қўймайдилар.

– Ҳа, бундай бўлса адолатга хилоф бўларди.

– Аниқки, кейинроқ биз, кучимиз етганича, имконият борича муқаддас никоҳларни таъсис этамиз. Энг фойдали никоҳлар муқаддас никоҳлар бўлади.

– Сўзсиз шундай.

– Аммо улар нима билан фойдали бўлади? Менга мана бунни айт, Главкон: сенинг уйингда мен ов итлари ва энг қиммат зотли кўп қушларни кўраман. Зевс учун айт-чи, уларнинг қўшилишларига ва кўпайишларига эътибор берганмисан?

– Яъни қандай?

– Уларнинг ҳаммаси зотдор бўлсалар ҳам ораларида бошқаларидан яхшироқлари учрамайдими?

– Учрайди.

– Сен уларни фарқламай кўпайтирасанми ёки энг яхшиларини кўпайтиришга ҳаракат қиласанми?

– Энг яхшиларини.

– Нима десак экан? Қайси биридан яхшироқ насл чиқади – жуда ёшлариданми, жуда қарилариданми ёки айни етилганлариданми?

- Айни балогатга етганларидан (ўрта ёшларидан).
- Агар бунга риоя қилинмаса, қушлар ва итларнинг зоти жуда бузилиб кетадими? Сен нима деб ўйлайсан?
- Мен анчагина бузилади, деб ҳисоблайман.
- Отлар ва бошқа ҳайвонлар борасида фикринг қандай? У ерда иш бошқача бўладими?
- Бу галати бўлар эди.
- Оҳ, азизим, агар инсон зоти билан ҳам худди шундай бўлса, демак, бизда ҳокимлар қанчалик буюк одамлар бўлишлари керак.
- Дарҳақиқат, шундай. Бундан нима келиб чиқади?
- Ҳокимларнинг кўпгина турли воситаларни қўллашлари зарурати. Агар бадан дориларга муҳтож бўлмаса ва агар инсон унга тайин этилган ҳаёт тарзига бажонидил риоя қилса, у ҳолда ўртача шифокор ҳам етарли деб ҳисоблаймиз. Аммо дори ишлатиш керак бўлганида, биламизки, жасурроқ шифокор зарур.
- Бу тўғри. Аммо нега бундай деяпсан?
- Демокчиманки, бизда баъзида бу ҳокимларга, тобе-ларнинг фойдасини деб, ёлғон ва алдовни қўллашга тўғри келади. Зеро, биз, бунга ўхшаш ишлар даволаш воситаси сифатида фойдалидир, деб айтиб ўтган эдик.
- Бу ҳам тўғри.
- Ҳар ҳолда, бу никоҳ пайтида ва бола туғишда кўпроқ ўринли бўлса ажаб эмас.
- Қандай қилиб?
- Келишиб олганимиздан келиб чиқадикки, бизнинг подамиз энг сараланган бўлиши кераклиги учун, энг яхши эркаклар билан қовушишлари ва энг яхши эркаклар ёмонлари эса, аксинча, энг ёмон эркаклар билан кўпроқ энг яхши аёллар билан, энг яхши аёлларнинг авлодларини тарбиялаш, ёмонларнинг авлодини эса – тарбияламаслик керак. Аммо бундай қилинаётганини ҳокимлардан бошқа ҳеч ким билмаслиги зарур, токи соқчилар гуруҳига заррача низо орамасин.

– Мутлақо тўғри.

– Қонун билан қандайдир байрамларни жорий этиш керак, бу байрамларда биз келин ва куёвларни таништирамиз; қурбонликлар таъсис этиш зарур ва шоирларимизга никоҳ маросимларига тўғри келадиган кўшиқлар яратишни топширмақ даркор. Никоҳлар сонини аниқлашни ҳокимларга қўйиб берамиз, токи улар эркаклар сонини имконият бори-ча ҳамиша бир хилда сақласинлар, бу ўринда урушлар, касалликлар ва ҳоказоларни ҳисобга олсинлар, токи бизнинг давлатимизда (аҳоли сони) имкон бори-ча кўпаймасин ҳам, камаймасин ҳам.

– Бу тўғри.

– Чек ташлашни шундай усталик билан амалга ошириш керакки, токи ҳар бир никоҳ маросимида ёмонлар орасидан чиққан одам ҳокимларни эмас, тақдирни айбласин.

– Ҳа, шундай қилиш зарур.

– Урушда ёки бошқа бир ҳолатда ўзини кўрсатган ёшларни ҳурмат-эҳтиром ва мукофотлар билан тақдирлаш ва уларга аёллар билан қўшилишга кенгроқ имконият яратиб бериш керак, токи чиройли баҳона билан улардан иложи бори-ча кўпроқ чақалоқ ҳомила бўлсин.

– Тўғри.

– Барча туғилган авлод дарҳол, махсус қўйилган мансабдор шахслар ихтиёрига келтириб берилади, улар эркакларми ёки аёлларми, ёки улар ҳам, бошқалари ҳам бўладими, бари бир – зеро, мансабни эгаллаш аёлларга ҳам, эркакларга ҳам бир хилдандир.

– Шундай.

– Яхши ота-оналардан туғилган гўдакларни бу ота-оналар шаҳарнинг қайсидир бир қисмида айрим яшовчи энагаларга яслига олиб борадилар. Ёмон ота-оналардан ёки жисмоний камчилиги бўлган ота-оналардан туғилган гўдакларни эса, ҳеч ким боролмайдиган, пинҳона жойга яширадилар.

– Ҳа, соқчилар тоифаси покиза бўлиши кераклиги учун шундай бўлиши керак.

– Улар болаларнинг овқатлари ҳақида ҳам гамхўрлик қиладилар: кўкраклари сутга тўлган оналарни улар яслига олиб келадилар, аммо ҳар қандай йўл билан улардан ҳеч бири ўз боласини таний олмайдиган қиладилар. Агар она сути етмаса, сути бор ва гамхўрлик қила оладиган бошқа аёлларни жалб этадилар, токи ўша энагалар ўз вақтида эмизсинлар, тунги бедорлик ва бошқа машаққатли вазифалар энагалар ва болаларга қаровчи аёллар иши бўлади.

– Соқчиларнинг хотинлари учун болаларга қарашни сен жуда осонлаштирмоқдасан.

– Шундай қилиш ҳам керак. Энди белгилаб қўйган нарсамизни таҳлил қиламиз. Биз наслни гуллаб-яшнаган ёшдаги ота-оналар дунёга келтиришлари керак, деган эдик.

– Тўғри.

– Гуллаб-яшнаш пайти – аёл учун йигирма ёш, эркак учун эса – ўттиз ёшда, бунга сен розимисан.

– Ва неча ёшгача?

– Аёл, давлат учун йигирма ёшдан бошлаб қирқ ёшгача туғсин, эркак эса – унинг югуриши учун энг яхши вақт ўтгач туғдирсин; шу пайдан бошлаб у эллик беш ёшгача давлатга авлод етказиб берсин.

– Тўғри, уларда ҳам, буларда ҳам бу давр жисмоний ва руҳий гуллаб-яшнаш давридир.

– Агар кимдир ёши (бундан) катталашганда ёки, аксинча, ёшроқ пайтида болалар туғишдек ижтимоий ишга киришса, биз бунни шаккоклик, адолатсизлик деб тан оламиз, зеро, у давлат учун шундай болани дунёга келтирадики, агар бу ҳол назардан четда қолса, бола, қурбонликлар ва ҳар бир никоҳда қоҳин аёллар ҳам, қоҳинлар ҳам ва бутун давлат ҳам яхши ва фойдали одамларнинг авлоди доимо янада яхшироқ ва фойдалироқ бўлсин, деб дуолар қиладиган иб-

датлар аломати остида эмас, аксинча, қоронғилик пардаси ортида, даҳшатли эхтирос меваси сифатида ҳомила бўлади.

– Бу тўғри.

– Агар ҳали авлод келтирувчи эркаклардан кимдир, ҳатто, балоғат ёшидаги аёлга, уларнинг иттифоқига (эр-хотин бўлишига – *тарж.*) ҳокимнинг рухсатисиз тегса, худди ўша қонун амалда бўлсин: биз, бундай эркак давлатга никоҳсиз ҳароми болани келтирди, чунки никоҳ қилинмаган, табаррук этилмаган, деймиз.

– Мутлақо тўғри.

– Аёллар ҳам, эркаклар ҳам (дунёга) авлод келтириш учун тайинланган ёшдан ўтганларида, мен ўйлайманки, биз эркакларга ким билан бўлса-да қўшилишларига имконият берамиз, фақат қизи, онаси, қизининг қизлари ва она томонидан катта қариндош аёллар билан қўшилишлари мумкин эмас; аёлларга эса – ўғиллари, отаси ва уларнинг кичик ва катта қариндошларидан ташқари ҳамма билан қўшилишга рухсат бор. Аммо биз бунинг ҳаммасига рухсат берсак ҳам, улар битта ҳам гўдак дунёга келмаслигига алоҳида ҳаракат қилишлари керак, агарда улар шароит тақозоси бўйича бунга мажбур бўлсалар ва бола туғилса, улар шундай қилсинларки, токи уни ўстиришга ҳожат қолмасин.

– Бу ҳам тўғри. Аммо ким кимнинг отаси, қизи ёки сен ҳозир гапириб ўтганинг қариндошлари эканлигини улар қандай биладилар?

– Ҳеч қанақасига билмайдилар. Аммо ҳар ким, никоҳдан ўтганидан кейинги ўнинчи ёки еттинчи ойда туғилган ўғил болалар ва қизларни ўзининг ўғиллари ва қизлари деб, улар эса уни ўзларининг оталари деб атайдилар, уларнинг авлодларини у болаларининг болалари, деб атайди, улар эса шунга ўхшаб қарияларни боболар ва бувилар деб атайдилар, уларнинг оналари ва оталари (дунёга) авлод келтираётган вақтларида туғилганларнинг барчасини эса ўзларининг

опа-сингиллари ва биродарлари, деб атайдилар ва, шунинг учун биз ҳозиргина айтиб ўтганимиздай, уларга бир-бирлари билан қовушишлари ман этилади. Қуръа ташлашда биродарлар (ака-укалар) ва опа-сингиллардан кимга қуръа тушса ва Пифия томонидан қўшимча равишда тасдиқланса, қонун ўшаларга бирга яшашга рухсат беради.

– Бу олий даражада тўғридир.

– Главкон, бизнинг давлатимизда соқчиларнинг хотинлари ва болааларининг умумийлиги ана шундай. У унинг (давлатнинг – *тарж.*) тузилишига энг маъқул равишда мос келишини эса – буни кейинги мулоҳазаларда асослаш керак бўлади. Ёки биз бошқача муносабатда бўламизми?

– Зевс билан онт ичаманки, худди шундай қиламиз.

Ўзиники билан умумий- нинг давлатдаги ўзаро нисбати

– Бизнинг келишуви-
мизнинг ибтидоси ушбу
нарса бўлмайдими: биз ни-
мани давлат тузуми учун

энг буюк эзгулик, дея оламиз, яъни соҳиби қонун, қонун чиқараётиб кўзлаган мақсад нима ва биз нимани энг буюк офат деб ҳисоблаймиз, деб ўзимизга ўзимиз савол берамиз. Тўғри эмасми, кейин биз, ҳозир таҳлил қилганимиз барча нарса ўзида ана шу эзгулик изларини мужассам этганми ва ҳақиқатан ҳам у ёвузлик (балога) мувофиқ келмайдими, кўриб чиқишимиз даркор.

– Бу энг асосийси.

– Бизнингча, давлат учун унинг бирлигини йўқотишга ва кўп қисмларга бўлиниб кетишига олиб келувчи балодан ҳам каттароқ офат бўлиши мумкинми? Давлатни бирлаштириб ва унинг бирлигига ёрдам бериб турган нарсадан ҳам каттароқ эзгулик бўлиши мумкинми?

– Бизнингча, бўлиши мумкин эмас.

– Бирор ҳодиса юз берганда ёки бирор фалокат бўлса, деярли барча фуқаролари бир хилда қувонадиган ёхуд

гам андух чекадиган пайтларда унинг бирлигини лаззатлар ёки гам-алам сақлаб туради.

– Сўзсиз.

– Бундай гам-ташвишлардан ажралиб қолганлик фуқаролар орасидаги алоқани бузади, бу ҳол давлат ва унинг аҳолисининг аҳволи бировларни жуда хафа, бошқаларни эса жуда хурсанд қилганида рўй беради.

– Бўлмаса-чи!

– Бу ҳодиса давлатда «Бу – меники!» ёки «Бу – меники эмас!» деган хитобларнинг пала-партиш янграшидан рўй бермайдими? Ўзганики борасида ҳам худди шу гапнинг ўзи.

– Мутлақо тўғри.

– Қаерда худди шу тарзда ва ўша бирон-бир нарса ҳақида кўпчилик гапирса, яъни «Бу меники!» ёки «Бу меники эмас!» деса, демак, у ерда энг яхши давлат тузуми бўлади.

– Ҳа, энг яхши.

– Ўз ҳолати бўйича айрим одамни эслатадиган давлат ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Масалан, биронтамиз бармоғимизни уриб олсак, барча жисмоний ибтидо яхлитлигича дилда ҳукмрон бўлган ибтидога бўйсуниб, бир саф сифатида дил тарафга қараб куч билан йўналади, дил буни тўлалигича ҳис этади ва оғриқ қисмга дардкаш бўлади; шунда биз бу одамнинг бармоғи оғримоқда, деймиз. Худди шу иборани инсоннинг бошқа ҳар қандай ҳис-туйғусига – унинг қаеридир оғриётганида дард чекиши ва тузалиб кетганидаги ҳузурланишига қўлласа бўлади.

– Ҳа, шундай. Сен сўраётган нарса худди шунинг ўзидир: бундай давлатнинг ҳолатига энг яхши тузумга эга бўлган давлат яқин келади.

– Бундай давлатнинг фуқароларидан бири қандайдир яхшилик ёки ёмонликни бошидан кечирса, бундай давлат, менимча, буни давлатнинг ўзининг кечмиши дейди ва ушбу фуқаро билан биргаликда бутун давлат ё қувонади, ё гам тортади.

– Агар давлатда яхши қонунлар бўлса, бу албатта шундай бўлади.

– Энди ўзимизнинг давлатга қайтсак ва бизнинг мулоҳаза-замизнинг хулосалари шу давлатдами ёки бошқа бир давлатдами мавжудлигини кўриб чиқсак бўларди.

– Шундай қилиш керак.

Идеал бўлган ва идеал бўлмаган давлатлардаги ҳокимлар ва халқнинг ўзаро муносабатлари

– Нима десак экан? Барча бошқа давлатларда ҳукмдорлар ва халқ бор экан, улар бизнинг давлатимизда ҳам борми?

– Бор.

– Ва улар ҳаммалари бир-бирларини фуқаролар, деб атайдиларми?

– Албатта.

– Аммо, бошқа давлатларда ўз ҳукмдорларини халқ «фуқаролар» номидан ташқари яна қандай атайди?

– Кўпларида – ҳўжайинлар дейишади, демократик давлатларда эса мана шу – «ҳукмдорлар» номи сақланиб қолади.

– Бизнинг давлатнинг халқи-чи? «Фуқаролар» деб мурожаат қилишидан ташқари, ҳукмдорларни қандай ном билан атайдилар?

– Халоскорлар ва ёрдамчилар, деб.

– Улар халқни қандай атайдилар?

– Тўловчилар ва боқувчилар, деб.

– Қолган бошқа мамлакатларда ҳукмдорлар халқни қандай ном билан атайдилар?

– Қуллар деб.

– Ҳукмдорлар бир-бирларини-чи?

– Биргалиқда ҳукмдорлик қилувчилар, деб.

– Бизда-чи?

– Соқчилик бўйича бирга бўлган ўртоқ, жўра, дейдилар.

– Бошқа давлатларда ҳукмдорлардан қай бири биргалиқда ҳукмдорлик қилувчилардан бирортасига ўртоқ сифати-

да, бошқасига эса бегона сифатида мурожаат қилган ҳолат-ни айта оласанми?

– Бу тез-тез бўлиб туради.

– Яқин одамини у ўзиники, деб ҳисоблайди ва шундай атайди, бегонани эса ўзиники деб ҳисобламайди.

– Тўғри.

– Сенинг соқчиларингда қандай? Улар орасида, ўзининг жўраларидан бирортасини бегона деб ҳисоблайдигани ва шундай дейдигани топиладими?

– Ҳеч қачон. Улардан қайси бири билан учрашмасин, уларни ака-ука, опа-сингил, ота-она, ўғил, қиз ёки уларнинг фарзандлари ёхуд бува-бувилари, деб тан олади.

– Гўзал жавоб! Аммо яна ушбуни айт-чи: уларга фақат қариндошларча муомалада бўлишни қонун билан тайин этасанми ёки яна ушбу муомалага мувофиқ ўзини тутиш-ни тайин этасанми? Масалан, ўз оталарига нисбатан, умуман оталарга инсбатан одатга кирган барча нарсаларга ҳам риоя қилишни, яъни одобли бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш ва агар улар бошқача иш тутсалар, уларга на худодардан, на одамлардан яхшилик келмаслиги хавфи билан отоналарга қулоқ солиш кераклигини; агар улар бошқача иш тутсалар, уларнинг бу ишлари шаккоклик ва адолатсизлик бўлади. Ҳатто, энг кичкина болачалар ҳам, уларга оталари ва қариндошлари сифатида кўрсатилган одамлар борасида доимо барча фуқароларнинг ана шу нутқларини эшитадиларми ёки қандайдир бошқа нутқларни эшитадиларми?

– Шуларнинг ўзини. Агар бу ҳаётга жорий этилмаса, кулгили бўлар эди ва яқинларнинг номлари бекорчи бир сўз бўлиб қоларди.

– Демак, агар қандайдир бир фуқаронинг ишлари яхши ёки ёмон бўлса, бошқа ҳамма давлатлардан фақат шу давлат фуқароларининг: «Менинг ишларим яхши!» ёки «Менинг ишларим ёмон!» деган овози бошқа давлатлар фуқаролариникидан кучлироқ янграган бўлар эди.

- Мутлақо тўғри.
- Бундай нуқтаи назарлар ва иборалар билан умумий қувонч ва ғам-андух туташдир, деб кўрсатиб ўтмаганмидик?
- Ва буни биз тўғри кўрсатиб ўтганмиз.
- Демак, агар бизнинг фуқароларимиз: «Бу – меники!» – деб айта олсалар, улар биргаликда нимадандир жуда таъсирланадилар. Бундай умум таъсирланишдан уларда албатта умумий қувонч ва ғам-андух пайдо бўлади.
- Албатта.
- Бошқа қарорларга қўшимча равишда бу ҳам соқчиларнинг хотинлари ва болаларининг умумийлигига сабаб бўлмайdimи?
- Ҳа, асосан шу (сабаб бўлади).
- Аммо биз, давлат учун бу энг буюк эзгуликдир, деб келишган эдик-ку: биз обод давлатни, дард чекиши ёки саломатлиги мучалларининг аҳволига боғлиқ бўлган баданга ўхшатдик.
- Биз шундай келишиб тўғри иш қилганмиз.
- Демак, бизнинг давлатимизда унинг ҳимоячилари болалари ва хотинларининг умумийлиги унинг учун энг буюк эзгуликнинг сабаби бўлиб чиқади.
- Сўзсиз шундай.
- Бу биз аввалги тасдиқлаганларга ҳам мувофиқдир. Зеро, биз, соқчиларда хусусий уй ҳам, ер ҳам – умуман ҳеч қандай мулк бўлмаслиги керак, ҳақиқий соқчилар бўлиш зарурлигидан улар ўзларининг қоровулчилик хизматлари ҳақи сифатида овқатни бошқа фуқаролардан оладилар ва ҳаммасини биргаликда баҳам кўрадилар, деб айтиб ўтган эдик-ку!
- Тўғри.
- Мен ҳозир айтаётганим шуки, бизнинг аввал айтганимиз, бунинг устига айтаётганларимиз уларни ундан ҳам кўпроқ ҳақиқий соқчилар қилиб етиштиради ва, одатда, одамлар биргина нарсани ўзлариники деб ҳисобламай, балки ҳар ким бошқа нарсани ўзиники деб ҳисоблаган чоғда

рўй берадиган ҳолат – давлатни парчалаб ташламасликларига ёрдам беради: биров нимани ололган бўлса, ўша нарсани уйига ташийди, бошқаси ҳам шундай қилади, фақат ўз уйига ташийди; ҳар кимнинг хотини ва боласи ўзиники, модомики, шундай экан, бу ҳол ҳар ким учун айрим бўлган қувонч ва ғам-ташвишни келтириб чиқаради. Нимани ўзиники деб ҳисоблашга ҳаммада бир хил нуқтаи назар бўлганида, аксинча, уларнинг ҳаммаси ўз олдларига ўша биргина мақсадни қўядилар ва иложи борича бир хилдаги, қувончли ёки ғамгин ҳолатни бошдан кечирадилар.

– Бегумон шундай бўлади.

– Яна нима деймиз? Уларда, сирасини айтганда, ўз жисмларидан ташқари ҳеч қандай мулк бўлмаслиги сабабли улар орасида даъволашув ва ўзаро айбловлар йўқ бўлиб кетмайдими? Шунинг учун улар мулк ёки болалар ва қариндошлар баҳонасида одамлар орасида пайдо бўладиган жанжалларга мойил бўлмайдилар.

– Бу уларда асло бўлмайди.

– Зўравонлик ва ҳақоратлар туфайли судлашишга ҳам уларда асос бўлмайди. Биз уларга, ўз тенгдошига муносиб жавоб бериш – бу гўзал ва адолатли иш, деб айтамыз ва ўзларининг жисмоний ривожланишлари ҳақида қайғуришларини талаб қиламыз.

– Тўғри.

– Бу қонунда яна ушбу нарса тўғри: агар кимдир ким биландир жанжаллашиб қолса, у ўз ғазабини шу жанжал чегарасида қондиради, аммо низони авж олдирмайди.

– Тушунарли.

– Ёши кичик бўлгани эса, ҳукмдорлар буюрганларидан ташқари ҳолатни ҳисобламаганда, ёши каттага зўравонлик қилишга ёки унга қўл кўтаришга ҳеч қачон журъат қилмайди ва умуман ҳеч қачон уни ҳақоратламайди, бу асида табиийдир. Бунга етарли даражада икки соқчи: кўрқинч ва ҳурмат-эҳтиром қаршилик кўрсатади. Ҳурмат-эҳтиром ота-онага тегишни

ман этади, қўрқинч эса хафа қилинганга бошқалар ё ўғил сифатида, ё биродар сифатида, ёки ота сифатида ёрдам берадилар, деб тахмин қилишга мажбур этади.

– Шундай ҳам бўлади.

– Шундай қонунлар шарофати ила одамлар бир-бирлари билан ҳар борада тинч яшайдилар.

– Жуда ҳам-да.

– Улар орасида жанжаллар бўлмаганидан кейин давлатнинг бошқа қисми улар билан тинч-тотув бўлмайди ва у ерда ички низолар пайдо бўлади, деб қўрқмаса ҳам бўлади.

– Албатта.

– Менга улар халос бўладиган турли майда-чуйда нохушликлар ҳақида эслатиш ҳам ноқулай, масалан, камбағалларнинг бойлар олдида хушомадгўйликлари, болалар тарбиясининг қийинчиликлари ва машаққатлари, одамлар (бир-бирларидан) гоҳ қарз олишга, гоҳ бошқаларга қарз бермасликка мажбур бўлганларида, оилани боқиш учун маблағ излаш ҳақида, гоҳида ҳар қандай йўл билан пул топиб, рўзгор ишларини хотинлари ёки оила аъзоларига топшириб, (ўша пулни) уларга сақлашга беришлари лозимлиги ҳақида эслатишнинг ўзи ноқулай; қисқаси, дўстим, ташвишлар кўп, бу кундек равшан, аммо бундай тубан нарсалар ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

– Ҳа, бу кўрга ҳам равшан.

– Бизнинг соқчиларимиз буларнинг ҳаммасидан халос бўлиб, фароғатли ҳаёт кечирадилар – олимпия ўйинларининг голибларидан кўра ҳам фароғатлироқ ҳаёт кечирадилар.

– Қайси борада?

– Улар бизнинг соқчиларда бўладиган нарсанинг фақат бир қисмидангина фойдалансалар-да, бахтлидек туюладилар. Зеро, соқчиларнинг ғалабаси гўзалроқ, уларнинг ижтимоий маъноси ҳам салмоқлироқдир; чунки улар эришган ғалаба – бутун давлатнинг халос бўлиши, уларнинг ўзлари ҳам, болалари ҳам ҳаётда нима керак бўлса, ўша нарса ва озиқ-овқат билан

таъминланадилар; фахрий тухфаларни ҳам улар ҳаётлик чоғларидаёқ ўз давлатларидан оладилар, вафот этганларидан кейин эса муносиб равишда дафн этиладилар.

– Бу жуда соз.

– Эсингдами, аввал, – билмадим, мулоҳазаларимизнинг қайси бир ерида, – бизга қарши далил келтирилган эди, (унда айтилишича) гарчи соқчилар фуқароларнинг барча мол-мулкларини ўзлаштириб олиш имкониятлари бўлса-да, уларда ҳеч нарса йўқ, шу сабабли биз уларни бахтиёр этмаётган эканмиз. Ўшанда биз, агар бу масала пайдо бўлса, биз уни кейинроқ кўрамиз, ҳозир эса соқчиларни ҳақиқатан бахтли, давлатни эса имкон борича хайрли, муваффақиятли этиш керак, деб жавоб берган эдик, хайрли деганда фақат бир тоифанинг хайрли, муваффақиятлилиги назарда тутилмаганди.

– Эсимда.

– Яна нима десак бўлади? Модомики, энди бизнинг ҳимоячиларимизнинг ҳаётлари олимпия ғолибларининг ҳаётларидан анча гўзал ва яхши экан, уни қандай қилиб этикдўзлар, қандайдир ўша ҳунармандлар ёки деҳқонлар ҳаёти билан солиштириб бўлади?

– Менимча, бу асло мумкин эмас.

– Айтиш керакки, – бу ҳақда биз ўшанда ҳам эслатган эдик, ҳозир ҳам қайтарса арзийди, – агар соқчи ўз бахтини соқчи бўлмасликда ва бундай меъёрдаги ишончли ҳамда биз тасдиқлаб айтганимиздай, энг яхши ҳаётдан қониқмасликда кўрадиган бўлса, аммо, давлатнинг барча бойликларини куч билан ўзиники қилиб олишга ундайдиган бахт ҳақидаги мулоҳазасиз ва болаларча фикрга ишонса, у ҳолда Гесиод, қайсидир бир маънода «ярим бутундан кўп» деганида, дарҳақиқат, донишманд бўлганлигини тушунган бўларди.

– Агар бундай соқчи менинг маслаҳатимга кирганида, у биз кўрсатган ҳаёт тарзида қоларди.

– Демак, сен биз муҳокама қилиб бўлганимиз эркаклардаги хотинлар умумийлигини мумкин деб ҳисоблайсанми?

Бу болалар ва уларнинг тарбияси ҳамда қолган фуқароларнинг кўриқланишига ҳам тааллуқлидир. Аёллар шаҳарда қоладиларми ёки урушга борадиларми, бари бир, улар эркаклар билан биргаликда соқчилик хизматини ўтайдилар, худди итларга ўхшаб бирга ов ҳам қиладилар; улар кучлари етганича барча ишларда қатнашадилар. Уларнинг бундай фаолиятлари энг яхши иш бўлиб, эркак ва ургочи орасидаги муносабат табиатига ҳеч ҳам зид эмас.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

– Бошқа тирик мавжудотлардаги каби умумийликни инсонлар орасида ҳам амалга оширса бўладими ва бунни қандай амалга ошириш мумкин, ана шунни таҳлил қилиш қолди.

– Мен айтмоқчи бўлган гапни айтдинг: мен эндигина худди шунни кўшиб кўймоқчи эдим.

Уруш ва идеал давлат фуқароларининг ҳарбий бурчлари – Ҳарбий ҳаракатларга келсак, ўйлайманки, аёллар қай тарзда уришишлари аён.

– Қай тарзда?

– Улар эркаклар билан ҳарбий юришларда қатнашадилар, болалардан эса етилганларини урушга олиб борадилар, токи улар, ҳар қандай иш усталарида бўладигандай, йиллар ўтиб эгаллайдиганлари маҳоратни кузатсинлар. Кузатишдан ташқари, болалар дастёрлик қилишлари, ҳарбий соҳа борасида ёрдам беришлари, оталар ва оналарини парвариш қилишлари керак. Сен бунни турли ҳунарларда, масалан, кулолларда кўрмаганмисан? Уларнинг болалари, ўзлари кулолчилик қилишдан олдин, узоқ вақт хизматда бўладилар ва кузатадилар.

– Ҳа, бунни мен кўп кўрганман.

– Нима дейсан, кулоллар ўз болаларини, бизнинг соқчиларга қараганда пухтароқ, ҳафсала билан, нима қилиш кераклигини тажриба ва кузатиш ёрдамида ўргатишлари керакми?

– Бу жуда кулгили бўларди!



– Бундан ташқари, авлоди ёнида бўлганида, ҳар қандай тирик мавжудот жанговар бўлади.

– Шундай. Аммо, Сукрот, мағлуб бўлганда, – бу эса урушда тез-тез бўлиб туради, – катта хавф бор, улар ўзлари билан бирга ўзларининг болаларини ҳам ҳалок қилишади ва қолган фуқаролар бу йўқотишнинг ҳиссасини чиқара олишмайди.

– Сен тўғри гапирмоқдасан, аммо, аввало, уларнинг тўла хавфсизлигини таъминлаш керак, деб ҳисоблайсанми?

– Ҳеч ҳам бундай ҳисобламайман.

– Нима десак экан? Муваффақиятга эришилган тақдирда улар яхшироқ бўлишлари шарти билан таваккал қилиниши маъқулдир?

– Шундай бўлиши кераклиги аниқ.

– Нима дейсан, сенингча, ёшлари катталашиб аскар бўладиганлар ёшлиқдан урушни кузатишлари учун бу муҳим эмасми ва таваккал қилишга арзимайдими?

– Сен айтаётган мақсад учун бу, албатта, муҳимдир.

– Демак, болаларни урушнинг кузатувчилари қилиш керак бўлади, аммо айти пайтда уларнинг хавфсизлигини таъминловчи воситани ўйлаб топиш керак, ана шунда ҳаммаси яхши бўлади, шундай эмасми?

– Ҳа, албатта, шундай.

– Аввало, уларнинг оталари имконият борича урушни билмайдиган гўл эмас, балки қандай ҳарбий юришлар хавфли, қандайлари хавфли эмаслигини билувчи одамлар бўладилар.

– Табиий.

– Бир юришга улар болаларини олиб борадилар, бошқаларига уларни олиб боришдан эҳтиёт бўладилар.

– Бу тўғри.

– Улар учун бошлиқ этиб оддий одамларни эмас, балки ўз тажрибакорлиги ҳамда ёши бўйича болаларга раҳбар ва устоз бўла оладиганларни тайинлайдилар.

– Шундай қилиш ҳам керак.

– Аммо, айтиб ўтишимиз керакки, кутилмаган турли ҳолатлар бўлиши мумкин.

– Кўпинча шундай бўлади.

– Ана шундай ҳолатларни назарда тутиб, уларга қанот бахш этиш зарур, токи улар, зарурат бўлганида, балодан қочиб учиб кета олсинлар.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Болаларни жуда ёш пайтларидан отга ўтқазиш керак, улар отда юришни ўрганганларида уларни урушга бирга олиб борсинлар; фақат уларнинг отлари асов ва жанговар бўлмасин, балки жуда учқур ва жиловга қулоқ соладиган бўлсин. Шу тарзда болалар ўз ишларига кўникадилар, агар зарурат бўлса, ўзларининг устозларига эргашиб бориб, аниқ кутулиб қоладилар.

– Менимча, сен тўғри айтяпсан.

– Хўш, уруш тўғрисида нима деймиз? Сенингча, жангчилар ўзларини қандай тутадилар ва улар душманга қандай муносабатда бўладилар? Менга шундай туюляптики...

– Айтақол, нима демоқчисан?

– Агар жангчилардан биронтаси сафни ташлаб кетса, куролини ташласа, бўш кўнгиллик қилиб, умуман, шунга ўхшаш бирор иш қилиб, қўйса, уни ҳунармандлар ёки деҳқонлар қаторига ўтқазиш керак эмасми?

– Албатта, шундай қилиш керак.

– Душманга тириклайин асир тушганларни бу ўлжадан фойдаланишни хоҳлаганларга совға қилиш керак эмасми?

– Албатта.

– Кимда-ким ўзини кўрсатса ва шуҳрат қозонса, у билан юришда қатнашган ўспиринлар ва ёш йигитлар, шу ҳарбий юришнинг ўзида унга навбат билан гулчамбарлар кийгизиб, шарафлашлари керак эмасми? Ё бошқача бўлиши лозимми?

– Менимча, шундай бўлиши керак.

– Нима десак экан? Унинг ўнг қўлини сиқиб ҳам қутлаш керак.

– Мана буни маъқулламасанг керак...

– Нимани?

– У ҳаммани ўпиши ва уни ҳамма ўпишини...

– Буни бажонидил маъқуллайман ва ушбу қонунга, мана шу ҳарбий юриш давомида агар бундай жангчи кимнидир ўпишни хоҳласа, ҳеч ким унга йўқ демаслиги лозимлигини ҳам қўшиб қўяр эдим, зеро, агар у йигитча ёки аёлга кўнгили қўядиган бўлса, бу унга жасорат кўрсатиш учун бардамлик бахш этади.

– Жуда яхши. Биз айтиб ўтган эдикки, кимки шон-шуҳратли бўлса, унга кўпроқ никоҳларга йўл қўйилади ва бундай одамларни ана шу мақсадда бошқаларга қараганда кўпроқ танлаб оладилар, токи улардан имкон борича кўпроқ авлод қолсин.

– Ҳа, биз буни айтиб ўтган эдик.

– Гомер бўйича ҳам, бундай ҳурмат жасоратли йигитларга адолатли равишда кўрсатилади. Урушда шуҳрат қозонган Аяксга «жуда узун умуртқа қисми» билан иззат-икром кўрсатилган эди, дейди Гомер. Бу жасур, мард одамга айни гуллаб-яшнаган ёшида кўрсатишга лойиқ ҳурмат эди: бундай ҳурмат-эҳтиром билан бирга унга куч-қувват ҳам қўшилганди.

– Мутлақо тўғри.

– Бу борада Гомерга қулоқ соламиз. Жасоратли одамларни улар кўрсатган жасоратларига яраша, қурбонликлар ва шунга ўхшаш маросимларда қўшиқлар айтиб ва ҳозиргина айтиб ўтганимиз билан ҳамда бунинг устига:

Фахрий ўрин, ва гўшт, ва тўла жомлар билан ҳам,

шарафлаймиз, токи бу жасоратли эркак ва аёлларни иззат-икром қилиш билан биргаликда бақувват ҳам этилсин.

– Зебо сўзларни айтдинг.

– Шундай деб фараз қилайлик. Ҳарбий юришда вафот этганлар ҳақида, агар кимдир шон-шавкат билан ўлган бўлса,

биз, авваламбор, уларни олтин авлодга мансуб одамлар, деб айтмаймизми?

– Албатта, шундай деймиз.

– Нима, ушбу авлоддан баъзилари ўлганларидан кейин

*Одил демонларга айландилар, токи ер юзида бандалар
Соқчиси бўлиб, эзгулик билан ёвузликдан доимо қайтардилар.*

деган Гесиодга ишонмаймизми?

– Албатта, ишонамиз.

– Демак, бундай хушбахт, илоҳий одамларни қанақа имтиёзлар билан ва қандай дафн этишни худодан сўраб, у бизга қандай кўрсатма берса, худди шундай дафн этамиз.

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Кейинчалик эса, улар – демон бўлганлари учун, биз уларнинг дахмаларини қадрлаймиз ва уларга топинамиз. Агар ҳаётда алоҳида эзгу ишлар қилганлардан кимдир қарилик ёки бошқа бир сабаб билан ўлса, биз худди шундай одатни ўрнатамиз.

– Бу адолатли бўлар эди.

– Яна. Бизнинг аскарларимиз душман билан қандай муносабатда бўладилар?

– Қайси маънода?

– Аввал қул қилиш борасида: эллинлар эллин давлатларини асоратга солишларини адолатли иш, деб ҳисоблаб бўладими ёки, аксинча, ҳеч кимга бундай қилишга йўл қўймаслик ва эллинлар уруғи варварларга қул бўлиб қолиши хавфини инobatга олиб, эллинлар уруғини аяшни ўргатишни адолатли деб бўладими?

– Худди шундай.

– Демак, бизнинг фуқароларимиз ҳам эллиндан қул тутишлари мумкин эмас ва бошқа эллинларга ҳам худди шуни маслаҳат бериш керак.

– Албатта. Шундай қилиб, уларнинг куч-ғайрати кўпроқ варварларга қарши қаратилган бўлади ва эллинлар ўзаро низолардан ўзларини тиядилар.

– Яна. Ғалаба қозонилганда, ўлдирилганлардан қуролдан ташқари бирор нарсани олиш яхши ишми? Бу кўрқоқлар учун душман билан тўқнашишдан қочишга бир баҳона бўлмайдими? Улар, худди ўз бурчларини адо этаётгандай, ўлдирилганлар атрофида ўралашиб юрадилар, бундай талончилик сабабли кўп қўшинлар халок бўлишган.

– Ҳатто, жуда кўп қўшинлар халок бўлишган.

– Ўликни талаш – пасткаш юлгинчилик эмасми? Гарчи душманнинг (руҳи) учиб кетиб бўлган ва у ниманинг ёрдамида жанг қилган бўлса, ўшанинг ўзигина қолган бўлса-да, ҳатто ўлган одамнинг танасини (жисмини) душман деб ҳисоблаш, фақат аёлларча, бачкана фикрлаш тарзига хосдир! Ёки, сенингча, бу ишни қилаётганлар, ўзларига отилаётган тошлардан жаҳли чиқиб, тошларни отаётганларга эса тегмайдиган итлардан бирон нарса билан фарқ қиладиларми?

– Ҳеч қандай фарқ қилмайдилар.

– Демак, ўликларни талашдан воз кечиб, жасадларни йиғиштиришга ҳалақит бермаслик керак.

– Зевс билан онт ичаманки, албатта воз кечиш керак!

– Агар биз учун бошқа эллинлар билан хайрихоҳ муносабат озгина эса-да муҳим бўлса, биз ибодатхоналарга қурбонлик совғаси сифатида қурол, айниқса, эллинлар қуролини олиб бормаймиз. Биз, ўз қариндошларимиздан тортиб олинган нарсаларни олиб келиб, ибодатхоналарни таҳқирлашдан янада кўпроқ кўрқиб турамиз, агар худонинг амри бошқача бўлмаса.

– Мутлақо тўғри.

– Эллин ерларини хонавайрон қилиш ва уйлارга ўт қўйиш, – бундай ҳолатларда аскарлар душманга нисбатан ўзларини қандай тутадилар?

– Агар сен ўз фикрингни айтсанг жон деб эшитардим.

– Менимча, улар бунисини ҳам, унисини ҳам қилмайдилар, фақат бир йиллик ҳосилни тортиб оладилар; хоҳласанг, негалигини айтаман.

– Хоҳлайман.

– Менимча, бекорга уруш ва низо, деб иккита ном берилмаган. Бу икки хил келишмовчилик билан боғлиқ икки турли кўринишдир. Қуйидаги сабабга кўра мен уларни иккита ҳисоблайман: бири – ўзимизникилар ва яқинларимиз ўртасида, бошқаси – бегоналар, чет элликлар билан. Ўзаро душманлик – низо деб, чет элликлар билан эса – уруш деб атаган.

**Уруш масаласи билан
боғлиқ намунавий
давлаат тавсифи**

– Аммо қараб тур, ҳозир мен айтадиганим оддийми, йўқми? Мен тасдиқлаб айтаманки, эллинлар – бир-бирларига яқин ва ўзаро қариндош одамлар, варварлар учун эса – чет элик, бегоналар.

– Жуда яхши.

– Демак, агар эллинлар варварлар билан, варварлар эса эллинлар билан жанг қилсалар, биз улар уришмоқдалар, улар ўз табиатларига кўра душмандирлар ва душманликни уруш деб атамоқ керак, деймиз. Агар шунга ўхшаш нарса эллинлар орасида бўлса, улар ўз табиатларига кўра дўстдирлар, аммо Эллада бу аҳволда бемордир ва унда ички низо ҳукм сурмоқда ва бундай душманликни низо, деб атамоқ керак, дейишимиз зарур.

– Худди шундай баҳолашга розиман.

– Қара: биз ҳозиргина келишиб олганимиздай ном билан атаган бундай низоларда, қачонки бунга ўхшаш нарса қаредадир рўй берса ва давлатда парчаланиш ҳукмрон бўлса, фуқаролар бир-бирларининг далаларини вайрон қилишса ва ўзгаларнинг уйларига ўт қўйишса, бу низо қанчалик ҳалокатли бўлади, иккала тараф ҳам ўз ватанларига қанчалик оз муҳаббат кўрсатадилар! Акс ҳолда улар ўзларини боқувчи момо ерни

хонавайрон қилишга журъат қилмас эдилар. Голиблар мағлублардан уларнинг меҳнат маҳсулини тортиб олганларининг ўзи етарли, аммо улар асосий мақсад – сулҳ тузиш эканлигини унутмасинлар: улар абадий uriшмайдилар-ку!

– Бу фикрлаш тарзи наригисидан олижаноброқ.

– Нима десак экан? – дедим мен. – Сен тартиб бераётган давлат эллин давлати бўлмайдими?

– У шундай бўлиши керак, – жавоб берди Главкон.

– Унинг фуқаролари шавкатли ва тарбияли бўлмайдиларми?

– Албатта, шундай бўладилар.

– Улар эллинларга оид барча нарсани севмайдиларми, Элладани ватанлари, деб ҳисобламайдиларми ва муқаддас байрамларда бошқалар билан биргаликда қатнашмайдиларми?

– Шубҳасиз, қатнашадилар.

– Эллинлар билан бўлган келишмовчиликларни ўз уруғдошлари билан бўлган, деб, уларни низо, деб ҳисоблайдилар ва уруш деб атамайдилар-а?

– Ҳа.

– Ва жанжаллаша туриб, сулҳга интиладиларми?

– Албатта.

– Улар душман эмас, оқил маслаҳатгўй бўлганликлари учун, жазолаш мақсадида асоратга солмай ва ишни ҳалокатгача етказмай, ўз рақибларига хайрихоҳлик билан тушунтирадилар.

– Шундай.

– Улар эллинлар бўлгани учун, Элладани вайрон қилмайдилар ёки у ерда уйларга ўт қўймайдилар; бирон-бир давлатда ҳаммани – эркакларни ҳам, хотинларни ҳам, болаларни ҳам, ўзларининг душманлари деб ҳисобламайдилар, балки фақат уларнинг озгина қисмини – низо айбдорларинигина душманлари деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун уларда мамлакатни хонавайрон қилиш ва кўпчилик фуқа-

роларга нисбатан гина-қудуратлари бўлмаганидан уйларни бузиш истаги пайдо бўлмайди, низони эса, бегуноҳ азобланаётганлар унинг (низонинг) айбдори бўлганларни жазони тортишга мажбур этмагунларигача давом эттирадилар.

– Бизнинг фуқароларимиз ўзларининг рақибларига худди шу тарзда, варварларга эса – ҳозир эллилар бир-бирларига қандай муносабатда бўлсалар, шундай муносабатда бўлишларини мен маъқуллаймаман.

– Биз соқчилар учун мамлакатни вайрон қилмаслик ва уйларга ўт қўймаслик қонунини ҳам ўрнатамиз.

– Биз оддин айтиб ўтганларимиз яхши бўлганидай, буни ҳам яхши деб қарор қиламиз. Аммо, менимча, Суқрот, агар сенга ушбу нарсалар ҳақида гапиришга изн берилса, сен аввал пайдо бўлган, бундай давлат тузуми амалга ошиши мумкинми ва у қандай амалга ошади, деган саволни жавобсиз қолдириб, бунга ўтиб кетганингни ҳам эсламайсан. Зеро, агар буларнинг ҳаммаси амалга ошса, сен айтганингдек, бу иш амалга ошган давлат учун сўзсиз эзгулик бўларди. Мен, сен эслаб ўтмаганинг бошқа афзалликларни ҳам кўрсатиб ўтган бўлардим: бундай давлатнинг фуқаролари душман билан юксак даражада жасорат билан жанг қилган бўлардилар, чунки улар бир-бирларига биродар, ота, ўғил эканликларини билиб ва бир-бирларини шундай атаб, ўз яқинларини фалокатда қолдирмас эдилар. Агар аёллар ҳам – худди шу сафнинг ўзидами ёки душманларни ваҳимага солиш учун орқада юрибми, ёки бирор зарурат бўлганида ёрдам бериш учунми ҳарбий юришларда қатнашсалар, ишончим комилки, шулар туфайли бизнинг фуқароларимиз енгилмас бўладилар. Хонадонлардаги фаровонлик ҳақида гапириб ўтирмайман – у қанчалик бўлишини тасаввур қила оламан! Агар ушбу давлат тартиботи амалга ошса, у – ва яна бошқа кўп фаровонлик бўлиши тўғрисидаги фикрингга тўла қўшиламан, (шунинг учун) сен бу ҳақда бошқа гапирма, биз эса бунинг мумкинлигига ўз-ўзи-



мизни ишонтиришга ва бу қай тарзда рўй беришини тушунтиришга ҳаракат қиламиз, қолган барча нарсалар ҳақидаги ғамхўрликни эса қолдира қолайлик.

– Сал бепарво бўлган эдим, сен менинг мулоҳазаларимга беҳос ҳужум қилдинг, шафқатсиз ҳужум қилдинг. Уша икки тўлқиндан мен зўрга қочиб қолганимни тушунмасанг керак, менга учинчи, энг катта ва хавфли тўлқинни юбормоқдасан. Сен уни кўрсанг ва шовқинини эшитсанг, нега мен шошилмаганимни тушуниб, ўта мурувват билан муносабатда бўлар эдинг: фикрларим ғайриоддий бўлгани учун уни айтишим ҳам, муҳокама қилишга ҳаракат қилиш ҳам даҳшатли эди, у шунчалик ғайриоддийдир.

– Сен қанча кўп бундай гапирсанг, бу давлат тартиботини қай тарзда амалга ошириши мумкинлиги ҳақидаги масаладан четга чиқишга шунча кам йўл қўямиз. Пайсалга солмай бизга жавоб берақол.

Файласуфлар давлат ҳукмдорлари бўлишлари керак

– Адолат ва адолатсизлик нимадан иборатлигини текширган вақтимизда биз ушбу масалага келганлигимизни аввал эслаб олиш зарур.

– Кел эслаб олайлик. Аммо бу нимага керак?

– Ҳеч нарсага! Аммо, адолат нимадан иборат эканлигини модомики топган эканмиз, адолатли инсон унинг ўзидан (адолатдан – *тарж.*) ҳеч нарсада фарқ қилмаслигини, аммо ҳар жиҳатдан, адолат қандай бўлса, шундай бўлиши кераклигини талаб қиламизми? Ёки биз, инсон иложи борица унга яқинлашиши ва бошқа нарсага қараганда унга кўпроқ тааллуқли бўлиши билан қаноатланамизми?

– Ҳа, қаноатланамиз.

– Намуна сифатида биз адолатнинг ўзини – унинг қандайлигини – ва мутлақо адолатли одамни, агарда шундай одам топилса, – у қандай бўлишини текшириб чиқдик; биз

яна адолатсизликни ва бутунлай адолатсиз одамни текшириб чиқдик – буларнинг ҳаммаси шунинг учун қилиндики, токи уларга қараб, улар бизга бахтли бўлиб туюладиларми ёки бахтсиз, шунга биноан ўзимиз борамизда ҳам мажбурий хулосага келсак: кимки уларга барча нарсада ўхшаш бўлса, уни шунга ўхшаш қисмат ҳам кутади. Аммо биз, бундай нарсаларни амалга ошиши мумкинлигини исбот қилиш учун бу текширишни ўтказмади.

– Сен ҳақсан.

– Нима, сенингча, рассом энг чиройли одам қандай кўринишда бўлиши керак деб, шу намунани чизса, гарчи бундай одам ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигини исбот қила олмаса-да суратда ҳамма нарсани тўғри ифодаласа бу билан у ёмонроқ бўлиб қоладими?

– Зевс билан онт ичаман, бу билан у ёмон бўлиб қолмайди.

– Нима десак экан? Айтса бўладики, нима биз ҳам – сўзлар орқали – баркамол давлат намунасини бермадикми?

– Албатта бердик.

– Сенингча, айтиб ўтилганидек бундай давлат тартиботи мумкинлигини биз исбот қила олмасак фақат шунинг учунгина бизнинг баёнимиз ниманидир йўқотадими?

– Албатта йўқотмайди.

– Бу тўғри гап. Агарда, сенга ёқиш учун, бу нарса қандай маъқул тарзда ва қандай шароитларда кўпроқ мумкин бўлишини кўрсатиш керак бўлса, у ҳолда бундай исбот учун сен менга яна ўшанинг ўзидан инъом эт...

– Нимадан?

– Ниманидир, худди айтилганидай ижро этса (бажарса) бўладими? Гарчи кимгадир бу нарса бундай туюлмаса ҳам, табиат бўйича иш, (амал) ҳақиқатга сўзга қараганда камроқ тааллуқлимикин? Сен бунга розилик билдирасанми?

– Розиман.

– Шунинг учун сен мени, биз сўз билан таҳлил этганимиз, амалда ҳам худди шундай адо этилиши керак, деб исбот

қилишга мажбур этма. Агар биз, тасвирланганига энг яқин бўлган давлатни қандай қуриш кераклигини идрок эта бил-сак, гапимга қўшил, биз сенинг талабингни бажариб қўй-дик деб айтишимиз мумкин, яъни биз буни қандай амалга ошириш мумкинлигини кўрсатдик. Ёки сен бунга қаноат-ланмайсанми? Шахсан мен бунга қаноатланар эдим.

– Мен ҳам (қаноатланаман).

– Аниққи, шундан кейин биз, замонавий давлатларда айнан нима ёмон, нима учун улар бошқача тартиботга эга эканлигини топишга ва кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга жуда оз ўзгариш натижасида давлат кўрсатил-ган тартибот турига келиши мумкин, айниқса, агар бундай ўзгариш битта ёки иккита бўлса, балки ҳатто бир нечта бўл-са, аммо улар бари бир иложи борича кам бўлиши зарур ва улар арзимас бўлишлари керак.

– Албатта.

– Лекин фақат биттагина ўзгариш юз берса, менимча биз ўшанда бутун давлатнинг бутунлай ўзгариб кетишини кўрсата олган бўлар эдик; тўғри, бу ўзгариш кичик ва енгил эмас, аммо унинг бўлиши бари бир мумкин.

– У нимадан иборат бўлади?

– Мана энди мен, биз энг улкан тўлқинга ўхшатгани-мизнинг истиқболига қараб юраман; гарчи мени бошдан оёгимгача, худди ўкириб турган тулқин босганидай мазах ва шармандалиқ остида қолсам ҳам бу нарса айтилади. Қара, мен нима демоқчиман.

– Гапир.

– Токи давлатларда файласуфлар подшоҳлик қилмас эканлар, ёки ҳозирги подшоҳ деб аталувчилар ва ҳукмдор-лар олижаноблик билан астойдил фалсафа билан шуғул-ланмас эканлар ва бу – давлат тартиботи ва фалсафа – бус бутун бўлиб қўшилмас экан ҳамда ҳозир ё ҳокимиятга ёки фалсафага айрим-айрим равишда интилаётганлар, – улар

эса кўпчилик, – мажбурий равишда четлаштирилмас эканлар, азизим Главкон, давлатлар бало-офатлардан фориг бўлмайдилар ва биз ҳозиргина сўз билан тасвираганимиз давлат тартиботи ҳам инсон зоти учун ҳеч қачон рўёбга чиқмайди ва қуёш нуруни кўрмайди. Шунинг учун мен шунча вақтдан бери айтишга журъат этмаган эдим – буларнинг ҳаммаси ҳаммага маъқул бўлган фикрга бутунлай зид бўлишини билган эдим; зеро, бошқачасига на уларнинг шахсий, на жамоатнинг фаровонлиги бўлиши мумкин эмаслигини одамлар тан олишлари қийиндир.

Шунда Главкон бундай деди:

– Суқрот, сен бизга қаратиб шундай сўз ва фикр-ни отдингки, энди ўзингга жуда кўп, яхшигина одамлар ташланишларини кутавер: улар кийимларини ечиб ташлаб, яланғоч бўлиб, дуч келган қуроли олиб, ҳамма нарсага тайёр ҳолда ташланадилар; ва агар сен уларнинг ҳужумларини ўз даилларинг билан даф қилмасдан, қочишга тушсанг, улар мазах қилиб сени жазолайдилар.

– Бунда сен айбдор бўлмайсанми?

– (Агар шундай қилсам) мен мутлақо ҳақ бўлардим. Аммо мен сени тутиб бермайман, қўлимдан келганича – хайрихоҳлик ва ялиниб-ёлборишлар билан ва яна сенга бошқа ҳар қандай одамдан кўра яхшироқ жавоб бериш билан сени ҳимоя қиламан. Бундай ёрдамчига эга бўлиб, сен энди барча ишонмовчиларга, иш бошқачага эмас, балки худди сен айтганингдек эканлигини исбот қилишга уриниб кўришинг керак. Менимча, агар сен айтган одамлар томонидан бўладиган ҳужумдан қутулиб қолишни истасақ, биз айнан кимни файласуф деб айтаётганимизнинг таърифини уларга қарши қўйишимиз керак ва шу билан бирга, биз албатта файласуфлар ҳукмронлик қилишлари зарур, деб тақдирлашга журъат этишимиз даркор: қачонки, бу аниқ-равшан бўлса, ўшанда биз ҳимояга ўтишни бошлашимиз ва

баъзи одамлар ўз табиатларига кўра файласуфлар ва давлат ҳукмдорлари (ҳокимлари) бўлишлари кераклигини, қолган бошқаларнинг ҳаммаси эса бу иш билан шуғулланмай, ким раҳбарлик қилса, ўшаларга эргашишлари кераклигини исботлашни бошласак бўлади.

– Ҳа, ҳозир шундай таъриф берадиган пайт келди.

– Кел, шу йўналишда сен менга эргаш, балки биз буни бир-мунча кўнгилдагидек талқин этишга муваффақ бўлармиз.

– Эргашишга тайёрман.

**Кимки гўзалликни
мушоҳада қилса,
ўша – файласуф**

– Сенга эслатиш керакми, – дедим мен, – ё ўзингнинг эсингдами, ростки, бизнинг назаримизда инсон бирор нарсани

якши кўрса, у, агар унинг тўғрисида рост айтаётган бўлсалар, ўзи якши кўрган нарсасининг қандайдир бир жиҳатини якши кўриб, бошқа жиҳатига бепарво қолмаслиги, аксинча, унга ҳаммаси қадрли бўлиши керак.

– Менга эслатиб қўйиш зарурга ўхшайди: бу менга унчалик тушунарли эмас.

– Ҳамма айтса ҳам, сен айтмаслигинг керак эди бу гапни, Главкон! Ёшларни якши кўрадиган ва тез ошиқ бўладиган одамни гуллаб-яшнаган ёшдагилар қай бир даражада ва ҳаяжонга ҳайратга солишларини ва унга эътиборга ҳамда муҳаббатга лойиқ кўринишларини ишқий ишлар билимдонни эсидан чиқармаслиги керак. Сизлар барно йигитларга шундай муносабатда бўлмайсизларми? Бирини бурни пучук бўлгани учун ёқимтой деб атайсиз ва роса мақтайсиз, бошқаси қирғий бурун – демак, сизнингча унда шоҳоналикдан нимадир бор, бурни ўртача бўлганларни эса мутаносиблиги билан ажралиб туради, деб ҳисоблайсизлар. Қорамағизларда – мардона кўриниш, оқ маллалар – худоларнинг болалари. «Мисранг-сарғиш»ларга келсак, буни, ўзи рангпар бўлса ҳам, гуллаб-яшнаган ёшдаги йигитча бўлса бўлди деб, буни ундан юз ўтирмайдиган назокатли ошиқ-

дан бошқа биров тўқиган деб ўйлайсанми? Бир сўз билан айтганда, гуллаб-яшнаган ёшдаги ҳеч кимни ҳеч қандай баҳона ва ҳеч қандай ном билан рад этмайсиз.

– Ошиқлар ўзларини қандай тутишлари ҳақида менинг мисолимда гапиришни хоҳласанг, майли, мен сенга ён бо-саман, аммо фақат суҳбатимиз ҳурмати учун.

– Начора? Шаробни хуш кўрувчилар ҳам худди шундай қилишларини кўрмаяпсанми? Улар ҳар қандай майдан ҳар қанақа баҳона билан қувонадилар.

– Жуда ҳам.

– Шухратпарастлар ҳам шунақа, деб ўйлайман. Биласану, агар уларга бутун қўшинга бош бўла олишмаса, улар ҳеч бўлмаса триттияга бошлиқ бўладилар; агар улар баланд мартабали ва обрўли одамлардан ҳурмат-эҳтиром кўрмасалар, кичкина ва арзимас одамлардан кўрган ҳурматлари билан қаноатланадилар, аммо нима бўлса ҳам ҳурматга сазовор бўлишни хоҳлайдилар.

– Мутлақо тўғри.

– Шундай қилиб, ушбуни қабул қил ё рад эт. Қачонки биз: «Инсон бир нарсани орзу қилади», – деганимизда, биз нарсаларнинг ана шу барча хилини орзу қилади деймизми, ёки уларнинг бирларини орзу қилади, бошқаларини эса – йўқ, деймизми?

– Барча хилини.

– Файласуф ҳам донишмандлик, ҳикматнинг қандайдир бир хилини эмас, балки бутун ҳикмат, донишмандликни хоҳлайди, демаймизми?

– Бу гапинг тўғри.

– Демак, одам, айниқса, у ёш бўлса ва ҳали нима фойдали, нима эса – йўқ (фойдали эмас) лиги ҳақида ўзига ҳисобот бера олмайдиган бўлса, худди, овқатни кўнгли тортмайдиган одамни оч ва овқатни хоҳлайди, деб ҳисобламаганимиздай, уни на қизиқувчан, на файласуф деймиз.

– Агар шундай десак, тўғри бўлади.

– Кимда-ким ҳар қандай фандан тотиб кўришга жон-ди-ли билан тайёр бўлса, кимда-ким қувонч билан ўқишга бор-са ва бу борада у тўймайдиган бўлса, уни биз файласуф деб аташга ҳақли бўламиз, шундай эмасми?

Шунда Главкон деди:

– Бундай одамлар кўп топилади ва, айтиш керакки, улар анчагина тутуруқсиздирлар. Зеро, менимча, томоша-га жуда ўч одамлар шундай: нимадир янги нарсани билиб олиш уларга қувонч келтиради. Эшитиш ҳавасмандларини ҳам файласуфларга қўшиш мутлақо бемаънилик бўлар эди: уларни ниманидир муҳокама этадиган бундай суҳбатлар ҳеч ҳам жалб этмайди, лекин, кимдир уларни барча хорлар-ни эшитишга ёллагандек, улар на шаҳар, на қишлоқ Дио-нисийларини ўтказиб юбормай, Дионис шарафига бўлган байрамларга югурадилар. Наҳотки буларнинг ҳаммасини ва шунга ўхшаш нарсаларни билиш истайдиган ёки қан-дайдир арзимаган хунарни ўрганмоқчи бўлган бошқаларни ҳам файласуфлар деб атаймиз?

– Асло бундай демаймиз, уларга ўхшайди десак, бошқа гап.

– Бўлмаса, сен кимларни ҳақиқий файласуфлар деб хи-соблайсан?

– Ким ҳақиқатдан бохабар бўлишни яхши кўрса, ўшаларни.

– Бу тўғри: аммо бундан сен қандай тушунасан?

– Бундан бошқа одамга тушунтиришим осон эмас, аммо сен, ўйлайманки ушбу (нарс)да мен билан ҳамфикр бўласан...

– Нимада?

– Модомики гўзаллик хунукликнинг зидди экан, демак, бу иккита ҳар хил нарсадир.

– Албатта.

– Аммо бу иккита нарс экан, у ҳолда ҳар бири – битта, шундайми?

– Албатта, шундай.

– Худди шунинг ўзини адолатлилик ва адолатсизлик, яхши ва ёмон ҳамда барча бошқа хиллар ҳақида ҳам айтиш мумкин: уларнинг ҳар бири – битта (бир нарса), аммо ҳамма жойда ўзаро муносабатда бўлиб, ҳамда турли ҳаракатлар ва жисмлар билан қўшилиб, кўплик бўлиб туюлади.

– Сен ҳақсан.

– Шунга биноан мен фарқлайман: томошалар, ҳунарлар ҳавасмандлари ва ишбилармонларни, яъни сен айтиб ўтган барчани айрим қўяман ва ҳозир биз кимлар ҳақида гапирётган бўлсак, ўшаларни – тўла ҳуқуқ билан файласуфлар деса бўладиганларни айрим қўяман.

– Нега бундай қилмоқдасан?

– Кимки эшитиш ва томоша қилишни яхши кўрса, улар ажойиб товушлар, ранглар, қиёфалар ва бундан келиб чиқадиган барча нарсадан хурсанд бўладилар, аммо уларнинг руҳий нигоҳи гўзаллик табиатини ўз-ўзи кўришга ва ундан қувонишга қодир эмаслар.

– Ҳа, шундай.

– Гўзалликнинг ўзигача юксалишга қодир ва уни ўз-ўзича кўра оладиганлар ноёб одамлар эмасми?

– Жуда ҳам ноёб одамлар.

– Кимда-ким чиройли нарсаларни қадрласаям аммо гўзалликни ўз-ўзича қадрламаса ва уни (гўзалликни) билишга етакловчи одамга эргашишга қодир бўлмаса – бундай одам тушда эмас, ўнгида яшамоқдами, ё туш кўрмоқдами, нима деб ўйлайсан? Ўзинг ўйлаб кўр: тушидами ёки ўнгидами – ширин хаёл суриш – бу, ўхшаш нарсани ўхшаш эмас, у ўхшаб кетадиган нарсанинг ўзи деб ҳисоблаш эмасми?

– Албатта, мен бундай одамни ширин хаёл оғушида, деб айтган бўлардим.

– Яна, кимдаки бунга қарама-қарши равишда ниманидир ўз ўзича гўзаллик деб ҳисобласа ва уни ўзини ҳам, унга алоқадор ҳамма нарсани ҳам, бирини бошқаси деб қабул



этмай мушоҳада қилса – бундай одам, сенингча, тушида яшамоқдами ё ўнгидами?

– Албатта, тушида эмас, ўнгида.

– Унинг тафаккур ҳолатини биз билиш жараёни деб тўғри атаган бўламиз, чунки у биомоқда, унисиди, биринчисиди эса буни мулоҳаза деб атаган бўлар эдик, чунки у фақат хаёл суради.

– Сўзсиз шундай.

– Яна, агар, биз фақат хаёл суради, билиб ололмайди, деб айтганимиз ўша одам норози бўлиб, бизнинг фикрларимизнинг тўғрилиги борасиди баҳслашса, биз уни тинчлантиришимиз ва унинг ақли жойиди эмаслигини очик айтмай, вазминлик билан тушунтиришимиз мумкинмикин?

– Шундай қилса бўлади.

Файласуф мулоҳазаларни эмас, балки борлиқ ва ҳақиқатни ўрганади

– Қарасанг-чи, биз унга қандай жавоб берамиз. Ёки, хоҳласанг, биз унга (бизнинг унга ҳеч қандай даъвойимиз йўқлигини, балки, аксинча,

биз уни билагон одам ҳисоблашимизни айтиб, ишонтириб) бундай савол берамиз: «Бизга айт, билим орттираётган одам ниманидир билаётган бўладими ёки ҳеч ниманими?». Унинг ўрнига сен жавоб бер.

– Бундай одам ниманидир билаётган бўлади, деб жавоб бераман.

– Мавжудми ниманидир ёки мавжуд бўлмаганними?

– Мавжуд бўлганми. Мавжуд бўлмаганми билиб бўладими?!

– Шундай экан, биз нимадир бир нарсани қайси томондан кўриб чиқмайлик, тўлиқ мавжуд нарсани тўлиқ билса бўлади, умуман номавжуд нарсани эса умуман билиб бўлмайди, бизга шунинг ўзи етарлидир.

– Ҳа, шунинг ўзи мутлақо етарли.

– Яхши. Агар шундай бўлсаки, бирор нарса гоҳ мавжуд, гоҳ номавжуд бўлса, у ҳолда у, соф борлиқ билан асло мавжуд бўлмаганнинг ўртасиди бўлмайдами?

– Ҳа, у улар орасида бўлади.

– Билиш мавжуд нарсага, билмаслик эса муқаррар равишда номавжуд (йўқ) нарсага йўналган экан, у ҳолда, уларнинг иккаласининг орасидаги ўрталikka йўналган нарса учун билмаслик ва билиш орасидаги ўрта нарсани, агар шунга ўхшаш нимадир учраса, излаш керак.

– Мутлақо тўғри.

– Биз ниманидир мулоҳаза деб атаймизми?

– Албатта.

– Бу, билимдан бошқа бир қобилиятми ё ўшанинг ўзими?

– Бошқа.

– Демак, ушбу қобилиятларнинг фарқига қараб, (мулоҳаза) бир нарсага, билим эса – бошқа нарсага йўналган.

– Ҳа, шундай.

– Демак, билим ўз табиатига кўра, борлиқнинг қандайлигини билиш мақсадида унга (борлиққа) қараб йўналганми? Менимча, аввал ушбу нарсани билиб олиш зарур...

– Нимани?

– Қобилиятлар ҳақида биз, улар мавжуд нарсанинг қайсидир туридан иборатдир, деб айтаемиз; улар туфайли биз нимани қила олсак, ўшани қила оламиз фақат биз эмас, балки умуман барча қобилиятларимиз шундай: масалан, агар сенга мен қайси хил ҳақида гапираётганим тушунарли бўлса, кўриш ва эшитишни мен ана шундай қобилиятлар қаторига қўшаман.

– Менга тушунарли.

– Улар борасидаги менинг нуқтаи назаримга кулоқ сол. Мен қобилиятларда на ранг, на қиёфани ва умуман бошқа нарсаларга хос, улар туфайли мен ўзимча фарқлайдиган нарсаларни назарда тутаман. Қобилиятда мен фақат у нимага қараб йўналгани ва унинг таъсири қандайлигини назарда тутаман; у ёки бу қобилиятни худди ана шу белги, аломат бўйича белгилайман. Агар йўналиш ҳам, таъсир ҳам ўша-ўша бир нарса бўлса, мен уни ўша-ўша бир қобилият

деб ҳисоблайман, агарда йўналиш ҳам, таъсири ҳам турлича бўлса, у ҳолда у бошқа қобилиятдир. Сен-чи қандай йўл тутган бўлардинг?

– Худди шундай.

– Муҳтарам зот, яна ўшанга қайтайлик. Сен билимни қандайдир қобилият деб тан оласанми, ё уни бирор турга қўшасанми?

– Ўша турга қўшаман: барча қобилиятлардан энг қудратлиси шу.

– Мулоҳазани биз қобилиятларга қўшамизми ё бошқа бирор хилгами?

– Асло. Зеро, мулоҳаза шундай нарсаки, у туфайли биз хаёл суриш қобилиятига эгамиз, у ундан бошқа нарса эмас.

– Аммо сен аввалроқ билим ва мулоҳаза бир нарса эмас, деб келишган эдинг-ку.

– Соғлом ақл билан қандай қилиб хатосиз нарсани хато-лардан иборат бўлган нарса билан бир нарса деб ҳисоблаш мумкин!

– Яхши. Фикримиз бирлиги аниқ: билим ва мулоҳаза – турли нарсалар.

– Ҳа, турли нарсалар.

– Демак, улардан ҳар бири ўз табиатига кўра алоҳида йўналиш ва қобилиятга эга.

– Сўзсиз шундай.

– Билим борлиққа, унинг хосиятларини билиш учун йўналган.

– Ҳа.

– Мулоҳаза эса, фақатгина хаёл суриш, ўйлаш учун йўналган деб тасдиқлаймиз.

– Ҳа, шундай.

– Билим нимани билаётган бўлса, мулоҳаза ҳам шу нарсанинг ўзини билаётган бўладими? Билинаётган ва мулоҳазадаги нарса бир нарсанинг ўзими? Ёки бундай бўлиши мумкин эмасми?

– Биз маъқуллаганимиз ҳолат сабабли мумкин эмас: ҳар бир қобилият ўз табиати бўйича ўзининг йўналишига эга;

бу икки нарса – ўй, хаёл (мулоҳаза) ва билим – қобилиятдан бошқа нарса эмас, аммо биз тасдиқлаганимиздек, турлича қобилиятдир, шунинг учун, билинадиган ва хаёлий нарса – бир нарсанинг ўзи деб хулоса чиқариб бўлмайди.

– Агар борлиқ билса бўладиган бўлса, у ҳолда хаёлий (нарса) ундан нимаси биландир фарқли бўлиши керак.

– Ҳа, униси бунисидан фарқлидир.

– Демак, мулоҳаза йўқлиқ (фано) томон йўналганми? Ёки фано (йўқлик)ни ҳатто хаёл қилиб ҳам бўлмайдими? Ўйлаб кўр: мулоҳазалари бўлган одам ўз фикр, мулоҳазасини қандайдир нарсага тааллуқли демайдими? Ёки мулоҳазага эга бўлатуриб, ҳеч нарсани ўйламаслик мумкинми?

– Бу мумкин эмас.

– Шундай, аммо кимки фикр, мулоҳазага эга бўлса, бир ниманидир бари бир ўйлайди-ку?

– Ҳа.

– Айтиш керакки, йўқликни тўла ҳуқуқ билан бир нима эмас, балки умуман ҳеч нарса, деса бўлади.

– Албатта.

– Шунинг учун йўқликқа зарурий равишда билимсизлик (биамаслик)ни, борликка эса – билишни (билимни) тааллуқли дейилди.

– Тўғри.

– Демак, мулоҳаза на борликқа на йўқликқа тааллуқли.

– Ҳа, шундай.

– Демак, бундан келиб чиқадики, мулоҳаза – бу билим ҳам эмас, билимсизлик ҳам эмас, шундайми?

– Шунақага ўхшайди.

– Шундай қилиб, мулоҳаза уларга мос келмай, аниқ-равшанлиги билан билимдан, ноаниқлиги билан – билимсизликдан устун турадими?

– У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам устун турмайди.

– Демак, сенингча, мулоҳаза билимдан ноаниқ, аммо билимсизликдан аниқроқ.

– Анчагина.

– Аммо уларнинг чегарасидан чиқмайди, шундайми?

– Ҳа, шундай.

– Демак, у – уларнинг ўртасидаги нимадирми?

– Худди шундай.

– Биз олдин айтиб ўтганимиздай, агар мавжуд ва шу билан бирга номавжуд нимадир маълум бўлса, унинг ўрни соф борлиқ ва мутлақо йўқлиқ орасидаги ўрталикда бўлади ва унга билим ҳам эмас, билимсизлик ҳам эмас, балки яна билимсизлик ва билим орасидаги ўрталикда бўлган нимадир йўналган бўлади.

– Тўғри.

– Энди эса, уларнинг орасидаги ўрталикда биз мулоҳаза деб айтадиган нарса борлиги маълум бўлди.

– Шундай бўлди.

– Энди биз, уларнинг иккаласига – борлиқ ва йўқликка тааллуқли, аммо тоза ҳолда униси ҳам, буниси ҳам деб бўлмайдиган ниманидир топишимиз керак. Агар шунга ўхшаш нимадир маълум бўлса, биз уни хаёл қилаётган нарсамиз деб атасак бўлади: четдаги аъзоларга четда бўлиш хусусиятини, ўртасидагига эса – ўртасида бўлиш хусусиятини таъин этамиз. Шундай эмасми?

– Шундай.

– Буни асос қилиб олиб, ўз-ўзича гўзалликни ва бундай гўзалликнинг қандайдир айнан ғоясини инкор этувчи ўша меҳрибон инсон мен билан суҳбат қура қолсин, дейман. Ушбу томошалар ҳавасманди гўзал нарсалар кўп деб ҳисоблайди ва унга, гўзаллик худди адолат каби ва барча бошқалари ҳам бир бутун дейилса хафа бўлади, кўтаролмайди. «Азизим, – деймиз биз унга, – шундай кўп гўзал нарсалардан, хунук бўлган бирор нарса топилмайдими? Ёки адолатли ишлардан адолатсиз бўлиб чиқадигани, художўйлик (тақводорлик)ларидан – гуноҳкор (муртад)лари бўлмайдими?»

– Ҳа, бу нарсалар иложсиз бир борада гўзал ва бир борада хунук бўлиб чиқади. Сен сўраётганларнинг бошқалари ҳам худди шундай.

– Нимадандир икки баробар катта бўлган кўп нарсаларга бу бошқа бир борада икки баробар кичик бўлишига ҳақиқат берадими?

– Ҳеч ҳам.

– Агар нимадир бир нарсани катта, кичик, енгил, оғир десак, қарама-қарши белгилашларга қараганда бунга кўпроқ асослар бўладими?

– Йўқ, ҳар бир нарсага иккала белги (аломат) тегишлидир.

– Айтиб ўтилган кўп нарсалардан ҳар бири асосан уни қандай атаган бўлсалар, шундай бўладими ёки бўлмайдими?

– Бу базм-зиёфатларда кўп гапириладиган икки маъноли сўзларга ёки бичилган қул кўршапалакни қандай ўлдиришни хоҳлагани ҳақидаги болалар топишмоғига ўхшайди: қул нима ни отганини ва кўршапалак қаерда ўтирганини топиш керак.

Бу ерда ҳам ҳамма нарса иккита маънога эга, ҳеч бир нарса ҳақида у мана бундай ёки бошқача эканлиги ёхуд унга иккала аломат (белги) тўғри келмайди, буларнинг ҳаммасини олдиндан аниқ айтиш (тахмин қилиш) қийин.

– Бундай белги (аломат)ларни нима қилмоқчисан? Уларга борлиқ ва йўқликнинг орасидаги ўрталикдан яхшироқ жой борми? Улар йўқликдан ноаниқроқ эмас ва ундан кўпроқ номавжуд бўлмайди, бошқа тарафдан эса, улар борликдан аниқроқ эмас ва ундан кўпроқ мавжуд бўлмайди.

– Мутлақо тўғри.

– Демак, биз, кўпчиликнинг гўзаллик ва унга ўхшаш нарса борасидаги умум қабул қилинган фикр-мулоҳазалари йўқлик ва соф борлиқ орасида қаердадир кўпроқ тебраниб турган, деб топдик.

– Ҳа, биз буни топдик.

– Биз аввал келишиб олган эдикки, агар шунга ўхшаш нимадир топилса, биз билаётган нарса эмас, уни биз ҳаёл қилаётган

нарса деб ҳисоблаш керак, чунки оралиқда тебраниб турган бу нарса оралиқ қобилият билан илғаб олинади.

– Ҳа, биз шундай келишганмиз.

– Демакки, кимда-ким кўп гўзалликни пайқасаю, аммо гўзалликни ўз-ўзича кўрмаса ва унга (ўз-ўзича гўзалликка – тарж.) бошлаб олиб борувчига эргашиб бора олмайди-ган бўлса ҳамда кимда-ким кўп адолатли ишларни англаса, кўрсаю, аммо ўз-ўзича адолатни кўрмаса ва ҳоказо, биз буларнинг ҳаммаси ҳақида уларда фикр-мулоҳаза бор, аммо улар мулоҳаза қилаётган нарсаларидан ҳеч нимани билмайдилар, деб айтамыз.

– Ҳа, худди шундай дейиш керак.

– Кимда-ким ўз-ўзига айнан ўхшаш ана шу (моҳиятлар)-нинг ўзини мушоҳада қилувчи, кузатувчи бўлса, ундайлар ҳақида нима деймиз? Зеро, улар моҳиятни фақат мулоҳаза қилибгина қолмай, билмоқдалар ҳам-ку?

– Бу ҳам зарур.

– Ва биз, булар билаётган (билган) нарсаларини, улар эса – мулоҳаза қилган нарсаларини яхши кўрадилар ва ҳурмат қиладилар, деб айтамыз. Зеро, биз улар (яъни мулоҳаза қилувчилар – тарж.), айтиб ўтганимиздек, товушлар, чиройли ранглар ва шунга ўхшашларни яхши кўрадилар ва кўрадилар, сезадилар, аммо гўзаллик ўз-ўзича мавжудлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

– Ҳа, бу бизнинг эсимизда.

– Шунинг учун, агар уларни ҳикмат (донишмандлик) ҳавасмандлари дейишдан кўра, мулоҳазалар ҳавасмандлари деб атасак, адашмаймиз. Агар уларни шундай деб атасак, наҳотки улар қаттиқ хафа бўлсалар?

– Агар менга қулоқ солсалар, хафа бўлмайдилар: зеро, ҳақиқатдан хафа бўлиш мумкин эмас.

– Барча мавжуд нарсаларни ўз-ўзича қадрлайдиганларни мулоҳазалар ҳавасмандлари эмас, ҳикмат (донишмандлик) ҳавасмандлари дейиш даркор.

– Сўзсиз, шундай.

ОЛТИНЧИ КИТОБ

Идеал давлатда файласуфларнинг тутган ўрни – Главкон, – дедим мен, – ким ҳақиқатан файласуф, ким эса файласуф эмас – униси ҳам, буниси ҳам қандай одамлар эканлиги зўрға, узоқ мулоҳазалар йўли билан аниқланди.

– Ҳарқалай, – жавоб берди у, – бу ишни қисқароқ бажариш осон эмас.

– Мумкин бўлмаса керак. Бунинг устига, менимча, адолатли ҳаёт адолатсиз ҳаётдан нимаси билан фарқланиши масаласини кўриб чиқишда бошқа кўп нарсалар таҳлилига киришиб кетмай, фақат бир нарса ҳақида гапириш керак бўлганида, бу осонроқ аниқланган бўлар эди.

– Бундан кейин нимани муҳокама қиламиз?

– Тартиб билан келадиганидан бошқа нимани ҳам бўларди? Модомики, файласуфлар – ўз-ўзига абадий айнан ўхшаш нарсаларни англаб етиш иқтидорига эга одамлар бўлиб, бошқалар бундай қила олмас ва кўпдан-кўп турли-туман нарсалар орасида адашиб жойларида қотиб қолар эканлар, шунинг учун улар файласуф эмас эканлар, улардан қай бирлари давлатни бошқаришлари керак, деган савол туғилади?

– Бу саволга қандай қилиб дуруст жавоб берсак экан?

– Кимда-ким қонунларни ва давлат одатларини қўриқлаш қобилиятини намоён этса, ана шундайларни қўриқчилар этиб тайинлаш зарур.

– Бу тўғри.

– Ҳар қандай соқчиликни қандай қўриқчига – кўрга топшириш керакми ёки кўзи ўткир бўлгангами бу равшанми?

– Албатта, равшан.

– Кимда-ким ҳар қандай нарсанинг моҳиятини билишдан маҳрум бўлса ва кимнинг дилида унинг (ҳар қандай нарсанинг – *тарж.*) аниқ тимсоли бўлмаса, бундай одамлар кўрлардан нимаси билан афзалдирлар? Улар, олий ҳақиқатни рассомларга ўхшаб кўра олиш ва уни ҳеч назардан қочирмай, имкон борича диққат, синчковлик билан тасвирлаш қобилиятига эга эмаслар, шунинг учун талаб қилинган пайтда бу ерда гўзаллик, адолат ва эзгулик ҳақида янги қонун ўрнатиш ёки алақачон мавжуд бўлганларини сақлаб қолиш салоҳияти уларга берилмаган.

– Ҳа, Зевс билан онт ичаманки, улар кўрлардан кам фарқ қиладилар.

– Нима дейсан, кимни биз қўриқчи этиб тайинлаймиз – уларними ёки ҳар бир нарсанинг моҳиятини билиб олган, бунинг устига тажрибалиликда ва эзгуликнинг бошқа биронта қисмида улардан қолишмайдиганларними?

– Булар (улардан) умуман ёмонроқ бўлмаганликлари бунинг устига шундай улкан афзаллик билан ажралиб турганликлари учун бошқаларни сайлаб олиш ноўрин иш бўлар эди.

– Улар қай тарзда унисига ҳам, бунисига ҳам эга бўлишлари мумкинлигини айтиб ўтмаймизми?

– Албатта, шундай қилиш керак.

– Ушбу муҳокама бошланишида биз, аввало, ўша одамлар табиатини англаб етиш керак, деб айтган эдик. Мен ўйлайманки, агар ушбу нарса борасида биз тўла келишиб олсак, бундай одамлар кўрсатиб ўтилган иккала хусусиятга эга бўлиши ҳақида, давлатлар раҳбарлари ҳам бошқа ҳеч ким эмас, фақат шулар бўлиши кераклиги ҳақида ҳам келишиб оламиз, деб ўйлайман.

– Сен буни қандай тушунасан?

Фалсафий руҳ хусусиятлари

– Файласуфларнинг табиати бора-сида, уларни (биз айтиб ўтганимиз) борлиқнинг пайдо бўлиши ва йўқ қилиниши билан ўзгармайдиган ва уларга (файласуфларга – *тарж.*) абадий моҳиятни озгина намоён этувчи билишга жуда қаттиқ жалб этиши фикрига қўшилишимиз зарур.

– Ҳа, буни қабул қилиш керак.

– Яна айтиш керакки, улар бутун борлиққа яхлитлиги-ча интиладилар, унинг (борлиқнинг) ҳеч бир қисмини, на кичик, на катта, на қадри оз, на қадри кўп қисмини қўлларидан келганича назардан қочирмайдилар, яъни улар, биз шуҳратпараст ва тез севиб қолувчи одамлар мисолида кўрганимиздай иш қиладилар.

– Сен ҳақ гапни айтдинг.

– Ўзинг ўйлаб кўр, биз айтганимиздай бўлиши керак бўлган одамларнинг феъл-атворида бундан ташқари, яна қуйидагилар ҳам бўлиши зарурми...

– Айнан нима?

– Тўғрилиқ, ҳар қандай ёлғонни асло, асло қабул қилмаслик, ёлғондан нафратланиш ва ҳақиқатга бўлган муҳаббат.

– Табиийки, улар бунга эга бўлишлари керак.

– Табиийгина эмас, дўстим, ҳар қандай инсон барча борада, агар у ўз табиатининг қудрати бўйича, жўшқин интилиш оғушида бўлса, ўз муҳаббати мавзусига қардош ва яқин бўлган барча нарсани қадрлайди.

– Тўғри.

– Ҳикматга ҳақиқатдан кўра яқинроқ бўлган бирор нарсани топа оласанми?

– Яъни қандай?

– Биргина одамнинг ўзи ҳикмат ва ёлғонни бир хилда яхши кўра оладими?

– Асло.

– Демак, кимда-ким ҳақиқатан қизиқувчан бўлса, дарҳол, ёшлигидан бор кучи билан ҳақиқатга интилиши керакми?

– Ҳа, бу интилиш баркамол бўлиши керак.

– Аммо қачонки инсонда унинг хоҳиш-истаклари бир нарсага кескин оғиб кетса, биз биламизки, бундан бошқа ҳамма қолганларига нисбатан улар (хоҳишлар), худди четга буриб юборилган оқимдай кучсизланадилар.

– Нима демоқчисан?

– Кимдадир улар билим олиш ва шунга ўхшаш нарсаларга интилсалар, ўйлайманки, бу унинг айнан дилига ҳузур бахш этади, агар у ёлғондакам эмас, ҳақиқий файласуф бўлса, унинг учун жисмоний ҳузур йўқолади.

– Ҳа, бу муқаррар.

– Бундай одам мулоҳазали ва ҳеч ҳам манфаатпараст эмас – зеро, одамлар пул кетидан қувишининг сабаби бўлмиш нарсага умрини сарфлаш ҳар кимга ҳам ярашади, фақат унга эмас.

– Шундай.

– Сен фалсафий феъл-атворни нофалсафий феъдан фарқламоқчи бўлсанг, яна шу нарсага ҳам эътибор беришинг керак...

– Хусусан нимага?

– Унинг олижаноб бўлмаган майллари сендан пинҳон қолмаслиги зарур, зеро, пасткашлик – илоҳийлик ва инсонийликнинг бус-бутунлиги ҳолатига абадий интилиши тақдир этилган руҳнинг ашаддий душманидир.

– Айни ҳақиқат.

Фалсафий дилнинг асосий хусусияти – умум вақт ва борлиқни фикран қамраб олишдир

– Агар унга юксак ни-
ятлар ва фикрий назар билан умум вақт ва борлиқни қамраб олиш хос бўлса, бундай одамга инсоний

умр жуда ардоқлими? Сен нима деб ўйлайсан?

– Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

– Демак бундай одам ўлимни ҳам даҳшатли нарса деб ҳисобламайдими?

– Ҳисобламайди.

– Журъатсиз ва олижаноб бўлмаган фитратга ҳақиқий фалсафа насиб қилмайдиганга ўхшайди.

– Менимча йўқ.

– Начора? Шухратпараст ҳамда мақтанчоқ бўлмаган, ор-номусли, олижаноб, журъатли инсон – қай бир тарзда муроа қила олмайдиган ва адолатсиз бўлиши мумкинми?

– Бу мумкин эмас.

– Мана шунинг учун, қай бир одамнинг дили фалсафийлигини кўриб чиқаётганинда сен дарҳол, унинг ёшлик йиллариданоқ қалби адолатлими, ҳалимми ёки мулоқотга қийин ва ваҳшийми эканлигини сезасан.

– Албатта, сезаман.

– Сен яна ушбунни ҳам назардан қочирмайсан, деб ўйлайман...

– Нимани?

– У билим олишга (билишга) қобилиятлими ё қобилиятсизми эканлигини. Инсон нима борада қийналаётган ва уни зўрга эплаётган бўлса, бу нарсани у вақт ўтиб яхши кўриб қолишини кутиб бўладими?

– Бундай бўлиши даргумон.

– Нима десак экан? Агар у ўрганган нарсасини миясида сақлай олмайдиган бўлса, демак, у паришонхотир бўлади. Шундай экан, билимлар борасида ҳам мияси бўм-бўш бўлмаслиги мумкинми?

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Беҳуда меҳнат қилиб, у охири ўзини ҳам, бундай машғулотни ҳам ёмон кўриб қолмайдими?

– Албатта, ёмон кўриб қолади.

– Демак, паришонхотир дилни биз ҳеч қачон фалсафийлар қаторига қўшмаймиз ва хотираси яхшиларни излаймиз.

– Сўзсиз шундай.

Файласуфнинг табиати ақанинг мутаносиблиги ва туғма назокати билан фарқ қилади

– Аммо биз, Музаларга
ёт ва ахлоқсиз фитрат ному-
таносибликдан бўлак бирор
нарсага майл билдириши
мумкин, деб айта оламизми?

– Нима демоқчисан?
– Сенингча, ҳақиқат номутаносибликка яқинми ёки му-
таносибликками?

– Мутаносибликка.
– Демак, бошқа ҳамма нарсадан ташқари, мутаносиблик
ҳам, инсонни барча мавжудотнинг ғоясига таъсирчан қи-
либ қўядиган ақлнинг туғма назокати ҳам талаб қилинади.

– Ҳа, албатта.
– Шундай қилиб, сенингча, биз ҳар бири бошқасидан келиб
чиқиб, борлиқни етарлича ва мукамал тушуниш учун диалга
зарур бўладиган хусусиятларни муҳокама қилмадикми?

– Ҳа, улар бунинг учун олий даражада зарурдирлар.

Идеал давлатнинг тўрт асосий фазилати файла- суфга мансубдир

– Агар инсон табиатан
хотираси яхши, билишга
иқтидорли, ҳимматли, на-
зокатли ва бунинг усти-

га ҳақиқат, адолат, мардлик ва мулоҳазалиликка дўст ва
қардош бўлмаса, шуғуллана олмайдиган бундай хилдаги
машғулотни ёмонлашга сенда қандайдир асослар борми?

– Ҳатто Мом¹ ҳам бу ерда нимага қитмирлик қилишни
топа олмаган бўларди.

– Нима, сен давлатни етук ёшдаги, таълимда баркамол-
ликка эришган одамларга – ва фақат уларнинг ўзига бер-
масмидинг?

Шу пайт гапга Адимант қўшилади:

¹ Мом (Momos) – қадим юнон ривояти бўйича ҳазил, киноя, театр
санъати худоси.

– Суқрот, сўзларингга эътироз билдирадиган одам топилмайди. Аммо сен бундай мулоҳаза қилаётганингда ҳар сафар тингловчиларинг тахминан ушбуни ҳис этадилар: саволлар бериш ёки уларга жавоб беришга одатланмаганлари учун улар сенинг ҳар бир саволингга мулоҳаза уларни салпал четга тортади, деб ўйлайдилар, аммо бу «сал-пал»лар бир бўлиб тўпланганида, биринчи тасдиқланганларидан оғиш ва зиддият аниқ намоён бўлади. Шашка ўйинида кучли ўйинчи охир-оқибат яхши билмайдиганнинг йўлини беркитганидек ва у қаерга юришни билмай қолганидек, сенинг тингловчиларинг ҳам (суҳбат) охирида боши берк кўчага кириб қоладилар ва шашкалар ўрнида сўзлар бўлган ушбу ўйинда улар нима дейишни билмай қоладилар. Тўғриси, иш бу билан ҳал бўлмайди. Мен биз дуч келган ҳолатни назарда тутиб гапирмоқдаман: зеро, ҳар ким ҳам, берилган ҳар бир савол бўйича сенга эътироз билдира олмаслигини тан олади.

Лекин бу борада иш қандайлигига назар ташланса маъқул бўларди: зеро, кимда-ким таълимни мақсад қилиб олмай, ёшлиқда бир ёпишиб, сўнг ташлаб кетгандай бўлмай фалсафага интилган бўлса, унга кўп вақтларини сарфлайдилар, улар кўпинча, ҳеч нарсага ярамайдилар демаймизу, улар жуда ғалати бўлиб қоладилар ва, ҳатто, улардан энг яхшилари, сен бунчалик мақтаётганинг машғулотлар таъсирида бари бир давлат учун бефойда бўлиб қоладилар.

Адимантнинг гапини эшитиб бўлгач, бундай дедим:

– Нима, сенингча, бундай деган одам адашяптими?

– Билмайман, аммо мен сенинг фикрингни жон деб эшитган бўлардим.

– Сен мендан, фикримча, улар айти ҳақиқатни айтадилар, деган гапни эшитган бўлардинг.

– У ҳолда, биз ҳозиргина арзимас деб тан олганимиз файласуфлар давлатларни идора қилмагунларича давлат-

лар фалокатлардан халос бўлмайдилар, дейилган гап қандай қилиб бу билан қовушади?

– Сенинг саволинг таққослаш йўли билан бериладиган жавобни талаб қилади.

– Афтидан, сен таққослашга ўрганмаган кўринасан.

– Шундай бўлақолсин. Сен мени қийин мулоҳазага тортдинг, устига-устак ҳазиллашмоқдасан ҳам! Бўлмаса, менга қандай қийинчилик билан таққослаётганимни аниқлаш учун менинг таққослашимга қулоқ сол.

Давлатга муносабатда энг виждонли одамларнинг аҳволи шундай оғирки, ундан ёмонроқ нарса бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун қиёслашда уларнинг ҳимояси учун кўп ҳислатларни, худди рассомлар эчки-оҳулар ва шунга ўхшашларни чизаётганларида турли хусусиятларни, жиҳатларни қўшиб юборганларидай, бирлаштирмақ керак бўлади. Мана, энди сен битта ёки бир нечта кема эгаси бўлиб қолган одамни тасаввур қил. Дарға, бўйи билан ҳам, кучи билан ҳам кемадагиларнинг ҳаммасидан устун, аммо қулоғи бир оз қар, устига-устак узоқни кўра олмайди ҳамда денгизда кема юритишни яхши билмайди, денгизчилар орасида эса кемани бошқариш учун жанг бормоқда: ҳар бири айнан ўзи бошқариши керак, деб ҳисоблайди, гарчи у ҳеч қачон бу санъатга ўқимаган бўлса ҳам, ўз устозини ва қачон ўқиганини кўрсата олмаса ҳам. Бунинг устига улар бу нарсага ўқишнинг ҳожати йўқ дейдилар ва ким ўқиш керак деса, ўшани нимталаб ташлашга тайёрлар. Улар кема эгасига илтимослар билан ёпишиб оладилар ва у кемани бошқаришни ўзларига беришига турли йўللار билан эришишни хоҳлайдилар. Баъзилар унга асло, бошқалар эса қисман қулоқ солишмайди ва шунда улар буларни ўлдиришга ва кемадан улоқтириб юборишга тушадилар. Олижаноб кема эгасини мандрагора², шароб ёки бошқа бир нарса ёрдами-

² Мандрагора – «Одам боши» ўсимлиги.

да кўндириб, улар кемада ҳокимиятни қўлга оладилар, бор нарсага эгалик қила бошлайдилар, шаробхўрлик қиладилар, базм қурадилар ва кемани ҳам бундай одамлар учун табиий бўлган тарзда йўналтирадилар. Боз устига, улар кимда-ким куч билан ёки кема эгасини кўндириб ҳокимиятни олишга қобилиятли бўлса, ўшани мақтайдилар ва билагон денгизчи, кема бошқаришдан хабардор дарға дейдилар, агар кимдир бундай бўлмаса, уни арзимас одам ҳисоблаб, сўкадилар.

Улар, дарҳақиқат, бу кимнингдир истагига мос келадими ё йўқми, бари бир, кемани бошқариши лозим бўлган, йил фаслларини, осмон, юлдузлар, шамолларни – унинг санъатига тааллуқли барча нарсаларни ҳисобга олиши керак бўлган ҳақиқий дарға ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Улар бундай маҳорат, тажриба ва шу билан бирга дарға ҳокимиятини эгаллаб, ўзлаштириб бўлмайди, деб ўйлайдилар.

Шундай қилиб, модомики, бундай нарсалар кемаларда кузатиладиган бўлса, ишлар бундай аҳволда бўлганида денгизчилар кимда-ким ҳақиқатан бошқаришга қодир бўлса, ўшани баландпарвоз вайсақи ва арзимас одам деб атайдилар, деб ўйламайсанми?

– Албатта – жавоб берди Адимант.

– Бундай ҳолатни кўриб, сен унинг давлатларда файласуфларга бўлган муносабат билан ўхшашлиги нимада бўлса, ўшани талқин қилишга эҳтиёж ҳис этасан, деб ўйламайман, нима ҳақда гапираётганимни тушуняпсан-а?

– Ҳа, тушунмоқдаман.

– У ҳолда, сен, энг аввало, нега файласуфлар давлатларда ҳурмат-эҳтиром кўрмайдилар, деб хайрон бўлаётган одамга бу тимсолни тушунтир ва агар уларни (файласуфларни) у ерда ҳурмат қилсалар, ғаройиброқ иш бўлишига уни ишонтиришга ҳаракат қил.

– Мен буни унга тушунтираман.

Яна бир марта давлат- нинг ҳақиқий ҳукм- дорлари ҳақида

– Унга яна шундай дегин:
«Фалсафада улуғ бўлган одам-
лар кўпчилик учун бефойда,
деб тўғри айтасан». Аммо бу

бефойдалиқда ушбу атоқли одамларни эмас, улардан фойдаланмайдиганларни айбла, дегин. Зеро, дарганинг денгизчилардан ўзига бўйсунилларини сўраши ёки донишмандларнинг бойлар оstonасига бош уриши нотабийдир – бундай ҳазил қилган адашган одамдир. Айнан тескариси табийдир: бойми, камбагал, бари бир, агар у бетоб бўлиб қолса, шифокорларга мурожаат қилиши керак; тобеликка эҳтиёжи бор ҳар қандай одам бошқаришга қобилияти бўлган одамга мурожаат қилиши керак. Агар бирор ишга ҳақиқатан яроқли бўлса, ҳукмдорнинг фуқаролардан ўзига бўйсунилларини сўраши бўлмаган ишдир. Кимда-ким ҳозирги давлат арбобларини, ҳозиргина биз айтиб ўтганимиз денгизчиларга, улар арзимас ва баландпарвоз деб ҳисоблайдиган одамларни эса ҳақиқий дарғаларга таққосласа, ҳеч қандай хатога йўл қўймаган бўлади.

– Бу олий даражада тўғри.

– Шундай сабабларга кўра ва шундай шароитда энг яхши машғулот айни қарама-қаршиси билан машғул одамлар назарида обрў-эътиборга лойиқ бўлиши осон эмас. Фалсафа ўзининг ёмон шухратига шунга ўхшаш нарсалар билан шуғулланиш – бизнинг ишимиз, деб айтадиган одамлар дастидан ҳаммасидан кўпроқ ва кучлироқ даражада эришди. Сен эслатиб ўтган фалсафани қораловчи, унга (фалсафага) мурожаат қилувчиларнинг кўпчилиги – бу энг разил одамлардир, энг виждонлиси эса бефойда одамлардир, деган эди ва мен ўшанда сен тўғри айтасан деган эдим, шундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Аммо биз виждонли одамларнинг бефойда эканликлари сабабини таҳлил қилиб бўлдик.

– Тўла таҳлил қилдик.

– Агар хоҳдасанг, шундан кейин биз кўпчиликнинг муқаррар ахлоқсизлиги сабабини кўриб чиқамиз ва бу ерда ҳам фалсафа айбдор эмаслигини исбот қилишга кучимиз етганча интилиб кўрамиз, майлими?

– Албатта хоҳайман.

– Кел, инсон беназир бўлиши зарур бўлган табиий хусусиятлар борасидаги дастлабки фикримизни ёдда тутган ҳолда тинглаймиз ва жавоб берамиз. Ёдингда бўлса, у энг аввал ҳақиқатга бўйсунishi, ҳар хил воситалар билан унга эришиши керак, сафсатабоз эса ҳақиқий фалсафага ҳеч қанақасига тааллуқли эмас.

– Ҳа, биз шундай деб таъкидлаган эдик.

– Фақат шу ҳолатнинг ўзиёқ, ушбу нарсалар ҳақидаги ҳозирги тасаввурларга кескин зиддир.

– Ҳа, олий даражада зид.

– Ўз нуқтаи назаримизни ҳимоя қилиб, билимга туғма мойиллиги бўлган инсон бор кучи билан ҳақиқий борлиққа интилади, десак ўринли бўлмайдими? У фақат мавжуддай туюладиган кўп нарсаларга тўхталмайди, лекин тинмай олға юради ва унинг эҳтироси бундай нарсаларга ўз дилидаги шундай нарсаларга алоқадор бўлиши мумкин бўлган нарса билан ҳар бир нарсанинг айнаи моҳиятига то алоқадор бўлмагунича сўнмайди, бу эса уларга яқин ибтидога ўхшайди. Айнаи шу ибтидо воситасида яқинлашиб ва ҳақиқий борлиқ билан бирлашиб ақл ва ҳақиқатни дунёга келтириб, у ҳам билади (билим орттиради, билим олади), ҳам ҳақиқат бўйича яшайди, ва озикланади, ва фақат шундай тарзда ташвишдан халос бўлади, лекин бундан олдин халос бўлолмайди.

– Ҳа, бундай ҳимоя жуда ўринли бўлар эди.

– Нима десак экан? Бундай одамнинг қисмати ёлгонга муҳаббат бўладими ёки айнан акси, унга нисбатан нафратми?

– Нафрат.

– Модомики уни ҳақиқат бошлаб борар экан, мен ўйлайманки, ҳеч қачон ҳақиқатга балолар, офатлар жўр бўлди, деб айтмаймиз.

– Шундай демай бўладими!

– Аммо айтамикки, унга соғлом ва адолатли ахлоқ ва унинг ордан эса мулоҳазалилик ҳамроҳ бўлади.

– Тўғри.

– Фалсафий хусусият соҳиби бўлган инсоннинг бошқа хислатлари мажмуа-чи? Айтгандай, нега уни янгидан тузиш керак – зеро, сенинг эсингда бўлса керак, унга мардлик, ҳиммат, тушунувчанлик (зеҳн), хотира кириши лозим. Бизнинг гапларимизга ҳамма рози бўлиши, аммо айти маҳалда, мулоҳазаларни бир чеккада қолдириб, бунинг ўрнига ким ҳақида сўз кетаётган бўлса, ўшаларни кузатиш керак, деб сен менга эътироз билдирдинг; яна ҳар қандай одам, уларнинг орасида ҳам бефойда, ҳам ҳатто, кўп ҳолатларда бутунлай ярамайдиганларини кўряпман, деган бўлар эди. Уларнинг бундай ёмон номини қараб чиқаётганимизда биз, ҳозир нега уларнинг кўпчилиги арзимас эканликлари масаласига дуч келдик ва шу боис биз яна ҳақиқий файласуфларнинг табиий хислатларини таҳлил қила бошладик ва уларни аниқлашга мажбур бўлдик.

– Ҳа, шундай бўлди.

– Ҳа, бундай фитрат, хулқнинг бузилишига, кўпчиликда унинг йўқ бўлишига, агарда кимдасир ундан (*хулқдан – тарж.*) нимадир қолса, ўша одамларни ахлоқсиз бўлмаса-да, ҳар ҳолда бефойда ҳисоблашларига назар ташлаш керак. Кейин, уларга тақлид қилувчи ва уларнинг ишини қилмоқчи бўлганларнинг хусусиятларини кўриб чиқиш зарур – бундай хулқ соҳибларида янглишишлар кўп бўлади, чунки улар фалсафа билан шуғулланишга лойиқ эмаслар ва бунга улар ожизлик қиладилар; улар туфайли фалсафа ва файласуфлар ҳамма ерда сен айтган шухратга сазовор бўлдилар.

– Қандай бузилиш ҳақида эслатдинг?

– Агар қўлимдан келса, буни кўриб чиқишга ҳаракат қиламан. Баркамол файласуф бўлиши учун биз талаб қиладиган нарсага эга бўладиган бундай одам инсонлар орасида кам – фақат аҳён-аҳёнда, истисно тариқасида туғилади. Ёки сен бундай деб ҳисобламайсанми?

– Мен сенинг гапингга тўла кўшиламан.

– Бундай одамлар кам, аммо қарагин, улар учун жуда ҳам ҳалокатли нарсалар қанчалик кўп.

– Хусусан нима?

– Бундай одамлардаги биз маъқуллаган ҳар бир хусусият ана шу хусусиятлар соҳиби бўлмиш дилни нобуд қилади ва уни фалсафадан узоқлаштиради, деган гапни эшитса, ҳар қандай одам жуда ҳайратланади: мен мардлик, мулоҳазаликни – биз таҳлил қилганларнинг умуман ҳаммасини назарда тутмоқдаман.

– Ҳа, буни эшитиш жуда ғалати!

– Бундан ташқари, неъмат деб аталадиган барча нарсалар: чирой, бойлик, жисмоний куч, давлатдаги нуфузли қариндошлик ва бу билан боғлиқ барча нарсалар уни (дилни) нобуд этадилар ва чағитадилар. Мен назарда тутган нарса умумий кўринишда ана шудир.

– Тушунаман, аммо сенинг бу нуқтаи назаринг билан жон деб танишган бўлардим.

– Уни сен имкон борича яхлит қамраб ол, шунда бу мавзу (бу нарса) ҳақида айтилган гаплар анча равшан бўлади ва ғалати туюлмайд.

– Сен бу борада қандай маслаҳат берасан?

– Ўсимликнинг ҳар қандай уруғи ёки ҳайвоннинг ҳомиласи борасида биз биламизки, зарур овқат, об-ҳаво ва жойдан махрум бўлганларида улар ўзлари қанча қувватли бўлсалар, шунча кўп ўз хислатларини йўқотадилар: зеро, ёмон ярамасга қараганда, яхшига кўпроқ қарама-қаршидир.

– Албатта.

– Үзига ёт озуқа олганида энг мукаммал табиат ўртачасига қараганда ёмонроқ бўла боришига оқилона асос бор-ку!

– Ҳа, бор.

– Худди шунга ўхшаб, энг иқтидорли қалблар ҳам ёмон тарбия олганида, айниқса, ёмон бўладилар, деб айтсак бўладими, Адимант? Ёки сен, буюк жиноятлар ва ҳаддан ташқари бузилиш жўшқин фитратнинг ёмон тарбиядан бузилиши натижаси эмас, балки ўртачаликнинг, қобилиятсизликнинг оқибати деб ўйлайсанми? Аммо ожиз феъл-атворли одамлар ҳеч қачон на буюк неъматларнинг, на улкан бало-офатларнинг сабаби бўладилар.

– Фикрингга қўшиламан.

– Агар файласуфнинг биз томонимиздан белгиланган табиати зарурий таълимни олса, у ҳолда у, албатта, барча эзгуликка етишади; аммо агар у нолайиқ ерга экилса ва ўша ерда кўкарса, у ҳолда акси бўлади, худоларнинг қайси биридир ёрдамга келса – бошқа гап. Кўпчиликка ўхшаб сен ҳам гўё озгина ёшлар баъзи хусусий донишмандлар томонидан бузилган сафсатабозлар ва фақат ана шу ёшлар ҳақида гапириш керак, деб ўйлайсанми? Айтиш керакки, кимда-ким шундай деса, уларнинг ўзлари ёшлар ва қарияларни, эркаклар ва аёлларни ўз йўлларида қайта тарбиялаш ва ўзгартиришни мукаммал билувчи буюк сафсатабозлардир.

– Буни ким амалга оширади?

– Халқ мажлисларида ё судларда ёки театрларда, ҳарбий қароргоҳларда ва, ниҳоят, қандайдир умумий йиғинларда тўда-тўда бўлиб кенгаш қурадиган, кимнингдир сўзини ёки хатти-ҳаракатини шовқин-сурон билан қисман рад этадиган, қисман қўллаб-қувватлайдиган ва иккала ҳолда ҳам меъёр билмайдиган кишилар; улар бақириб-чақирадилар, олқишлайдилар, устига-устак уларнинг сўкинишлари ёки мақтовлари, бу кенгаш қаерда ўтаётган ердаги қояларда акс-садо бериб туради, шундай қилиб шовқин икки баробар кучаяди. Бундай шароитда ўспирин қалбида, сенингча,

нима бўлади? Ва олинган қандай хос тарбия бунга бардош беради? Бундай сўкишлар ва мақтовлардан у (олинган тарбия – тарж.) ювилиб, уларнинг оқимида оқиб кетмайдими? Успирин, улар нимани яхши ёки айб иш ҳисобласалар, ўшани яхши ёки айбли деб тан олмайдими ёки ўша нарса-нинг ўзи билан шуғулланмайдими? Ниҳоят, унинг ўзи ҳам, улар қандай бўлсалар, шундай бўлиб қолмайдими?

– Бу муқаррар, Сукрот.

– Биз эса бу борада энг буюк зарурат ҳақида ҳали эслаб утмадик.

– Қандай зарурат ҳақида?

– Ушбу тарбияловчилар ва сафсатабозлар ўз нутқлари билан ишонтира олмаганларида иш ёрдамида сўзга қўшадиганлари ҳақида. Ёки сен улар итоатсизларни фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш, пул жарималари, ҳатто, ўлимга маҳкум этиш билан жазолашларини билмайсанми?

– Ҳа, одамлар жон деб бундай чораларни қўллайдилар.

– Сенингча, уларни енгадиган сафсатабоз топиладими? Ёки, балки хусусий шахсларнинг далиллари уларнинг фикрларини ўзгартира олармикан?

– Йўқ деб ўйлайман.

– Ҳа, шундай. Ҳатто бундай уринишнинг ўзи ўта тел-балиқдир. Зеро, кимда-ким кўпчиликнинг тарбиясини, яъни инсоний тарбия олган бўлса, уларда бошқача, яхши фазилатга зид муносабат бўлмайди, бўлмаган ва, менимча, бўлмайди ҳам; аммо, дўстим, мақолга мувофиқ, илоҳий тарбияни истисно қиламиз. Ушбуни қатъий билиш зарур: агар давлатларнинг бундай тузилишида қандайдир тартиб сақланиб қолса, у ҳолда унинг сақланиб қолинишини худовандга боғласанг адашмайсан.

– Ҳа, менга иш бошқача эмасдай туюлади.

– Қўшимча равишда яна шунга ҳам қаноат ҳосил қилгил...

– Нимага?

Сафсатабозлар оломон фикрига йўл берадилар

– Пул оладиган ушбу хусусий шахслардан ҳар бири (кўпчилик уларни сафсатабозлар дейди ва гўё уларнинг санъати ўзларига қарши қаратилаган, деб ҳисоблайди), кўпчиликнинг нуқтаи назари ва йигинларда ифода этилган мулоҳазаларнинг ўзини ўргатади ва уни донишмандлик, деб атайди. Бу худди, кимдир баҳайбат ва кучли ҳайвонни боқаётиб, унинг феъли ва хоҳишларини ўрганган, ҳайвонга қайси томондан яқин келишни, уни қандай қилиб силашни, қайси пайтда ва нимадан дарғазаб бўлишини ёки юпанишини, қандай шароитларда у ёки бу овозни чиқаришга одатланганини ва қандай ташқи овозлар уни овунтириши ёки газаблантиришини билган ҳолатга ўхшаб кетади. У билан муомала қилиш орқали ва узоқ муддатли кўникма, маҳорат ёрдамида буларнинг ҳаммасини ўрганган одам буни ҳикмат, донишмандлик деб атайди ва гўёки бир қўлланма тузиб, тўғриси айтганда, (кўпчиликнинг) нуқтаи назарини ва унинг хоҳишини билмай туриб, ушбу нуқтаи назар ва хоҳишларда – нима гўзал ёки уятли, яхши ёки ёмон, адолатли ёки адолатсизлигини билмайди, аммо айтиб ўтилганларни ушбу улкан ҳайвоннинг фикрларига монанд равишда белгилаб: унга нима ёқимли бўлса, шуни неъмат дейди, унга нохуш бўлса – ёмонлик дейди ва бунинг ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган ҳолда, нима зарур бўлса, ўша нарсани адолатли ва гўзал деб атайди-да, ўргатишга бел боғлайди. Зарурийлик ва эзгуликнинг табиати аслида қанчалик фарқли эканлигини у кўрмайди ва буни бошқа одамга кўрсатишга қодир эмас. Зевс ҳурмати айт, бундай тарбиячи сенга ғалати бўлиб туюлмасмиди?

– Ғалати туюларди.

– Кўпчилик ҳар хил одамлар мажлисига нима ёқмайдию нима ёқишини пайқаганини донишмандлик деб ҳисоблайдиган одам – бу тасвирий санъатда бўладими, мусиқада-



ми ёки, ҳатто, сиёсатдами, ундан (юқорида айтиб ўтилган одамдан – тарж.) нимаси билан фарқ қилади? Агар улар билан мулоқотда бўлаётиб, ўзининг шеърий ёки бошқа бир асарини ёхуд ўзининг давлатга хизматини кўз-кўз қилса, у ушбу кўпчиликни ўзининг зарурат талабидан-да кучлироқ ҳукмдори этиб қўяди ва шунда Диомед эҳтиёжи деб аталувчи эҳтиёж бўйича кўпчилик маъқуллаган нарсани бажаради. Бу нарса ҳақиқатан ҳам яхши ва чиройлими – улардан биронтаси буни ўйлаб кўрганини ва бу кулги келтириб чиқармаганини ҳеч эшитганмисан?

– Ўйлайманки, ҳеч қачон эшитмасам керак.

– Энди, буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, биз олдин айтиб ўтганларимизни бир ёдинга ол: кўпгина чиройли нарсаларни эмас, чирой ўз-ўзича мавжуд бўлишини ёки кўплаб айрим нарсаларнинг мавжудлигини эмас, ҳар бир нарса моҳиятининг мавжудлигини оломон фараз қилиши ва тан олиши мумкинми?

– Бу асло мумкин эмас.

Файласуф ва оломоннинг – Бас шундай экан, оломонга файласуф бўлиш хос эмас.

зиддияти – Йўқ, хос эмас.

– Демак, фалсафа билан шуғулланганлар, албатта, унинг ёмонланишига олиб келадилар.

– Албатта.

– Авом билан мулоқотда бўлганида унга ёқишга интиладиган хусусий шахслар томонидан ҳам (фалсафа) ёмонланади.

– Буниси аниқ.

– Бундан келиб чиқиб, фалсафий табиатга эга киши ўз машғулотини ташламаслиги ва ўз мақсадига етишида унинг учун нима халоскор бўлишини айта оласанми? Биз аввал айтиб ўтганимиз: бундай табиатга яхши қобилиятлар, ўткир хотира, мардлик ва юксак фикр юритиш тарзи хослигини тан олганимиз асосида ҳал қил.

- Ҳа.
- Айниқса, агар у қалбан қандай туғилган бўлса, жисмонан ҳам шундай туғилса, у болалик йилларидан барча инсонлар орасида биринчи бўлмайдими?
- Нега у шундай бўлмасин!
- Унинг яқинлари ва ҳамфуқаролари у катта бўлганида уз ишларида ундан фойдаланишни хоҳлайдиларми?
- Бошқача бўлмайди!
- Демак, улар ўз илтимослари билан унинг жонига тегадилар ва унинг пинжига кириб олмоқ учун ҳамда унинг қудратли ҳомийлигига ноил бўлиш учун унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатадилар.
- Ҳа, бундай ҳолат кўп бўлади.
- Бундай одам, шундай одамлар орасида, айниқса, у буюк давлат фуқаролари қаторига кирса ва шу давлатда у бой ва аслзода, устига-устак қадди-қомати келишган ва кўриниши жозибали бўлса, сенингча, у нима қилади? Унда гайриоддий даъволар пайдо бўлмайдими? У ўзини эллинларнинг ҳам, варварларнинг ҳам ишларини идора қилишга қобилиятли деб ҳисобламайдими ва ақл-идроққа зид равишда қуруқ ўзига бино қўйиш ва кеккайиш билан баландпарвоз бўлиб кетмайдими?
- Ҳаммаси бўлиши мумкин.
- Унинг бундай аҳволига қарамай, агар кимдир унинг олдига бемалол бориб, унга ҳақиқатни, яъни унинг ақли йўқлигини, лекин ақли бўлганида ортикчалик қилмаган бўлишини, аммо агар ўзини ана шу мақсадга – ақлли бўлишга – бўйсундирса, ақллироқ бўлиши мумкинлигини айтса, сенингча, унинг шунча кулфатлар орасида буни эшитиши осон бўладими?
- Асло осон бўлмайди.
- Агар кимдир, биттагина бўлса-да одам, ўзининг яхши табиати ва бундай таълимотларга яқинлиги туфайли қизиқиш пайдо қилиб, фалсафа томонига ён босса, ундан (шу

одамдан – тарж.) иттифоқчи сифатида фойдаланиш имконияти йўқотилганини тушунган фалсафа душманлари, бизнингча, қандай йўл тутган бўлар эдилар? Уни фикридан қайтариш учун ва унинг устози муваффақият қозонмаслиги учун улар ҳар қандай воситаларни ишга солмайдиларми? Уни судга тортиб, ҳам хусусий тарзда, ҳам ижтимоий тартибда найранглар қилмайдиларми?

– Албатта, шундай бўлади.

– Шундай одам фалсафа билан шуғуллана оладими?

– Унчалик шуғуллана олмайди!

– Кўрдингми, ҳатто фалсафий табиат хусусиятларининг ўзи ҳам, ёмон шароитга тушиб қолганида, инсон у (фалсафа – тарж.) билан шуғулланмай қўйишига қандайдир тарзда айбдор ўлиб қоладилар; неъмат деб аталмиш бойлик ва турли хил фаровонлик ҳам сабаб бўлади.

– Бу тўғри айтилган гап.

– Дўстим, энг олижаноб машғулот учун мўлжалланган энг яхши табиатларнинг ҳалокати ва бузилиши мана шундандир! Биз тасдиқлаётганимиздек, бундай фитратлар умуман ноёб. Давлатлар ва хусусий шахсларга энг буюк офат етказувчи одамлар ҳам, агар яхшиликка мойиллиги бўлса, хайрли иш қилувчилар ҳам улар қаторига кирадилар; майда табиат эса хусусий шахслар учун ҳам, давлат учун ҳам ҳеч қачон ҳеч қандай буюк иш қилолмайди.

– Айни ҳақиқат.

– Фалсафа билан энг кўп шуғулланиши зарур бўлган одамлар фалсафадан шу тарзда узилсалар, у (фалсафа) ёлғиз ва номукамал бўлиб қолади, уларнинг ўзлари эса ҳам нолайиқ, ҳам ноҳақиқий ҳаёт кечирадилар. Фалсафага эса, у етим бўлиб қолгани ва ўз қардошларидан маҳрум бўлгани учун умуман нолайиқ бошқа шахслар киришадилар. Улар фалсафани шарманда қиладилар ва, сен айтганингдек, гўё у билан кўпчилиги ё ҳеч нарсага арзимайдиган, ёки энг

ёмон нарсаларга лойиқ одамлар шуғулланадилар, деб фалсафани ғийбат қилувчилар унга нимани ёмонласалар, худди шу нарсани унга таъна қиладилар.

– Ҳақиқатан ҳам шундай дейдилар.

– Ва тўғри гапирадилар. Зеро, одамга ўхшаган баъзилар, айниқса, ўзининг арзимас ишида эпчиллар, бу соҳа бўш қолганини ва у шуҳрат топган номлар ҳамда хўжакўрсинга дабдабалар билан тўлалигини кўриб, шу заҳотиёқ, худди зиндондан қочиб ибодатхонадан паноҳ истаган одамлардай қувонч-шодлик билан хунардан фалсафа томон қочадилар. Гарчи фалсафа шундай аҳволда бўлса ҳам, бошқа ҳар қандай устачилиқдан кўра кўпроқ эҳтиром қилинади, худди шу нарса ўз табиати бўйича мукамал бўлмаган кўп одамларни унга жалб этади: уларнинг жисмлари хунар ва ишлаб чиқариш билан мажруҳ этилган, қалблари ҳам қўпол меҳнатдан шикаст топган ва ҳолдан тойган.

– Ҳа, худди шундай.

– Бундай қарасанг, улар яқиндагина қамоқдан қутулиб, озода бўлган ҳаммомда ювиниб чиққан, ўзига янги чакмон сотиб олган ва худди куёвдек ясан-тусан қилган, бойиб кетган кал ва пакана темирчидан нима билан фарқ қиладилар? Дарвоқе, у ўз хожасининг камбағаллиги ва нотавонлигидан фойдаланиб, унинг қизига уйланмоқчи ҳам.

– Деярли ҳеч нарса билан фарқ қилмайдилар.

– Бундай одамлардан нима туғилиши мумкин? Уларнинг авлодлари ноқонуний туғилган ва ярамас бўлиб чиқмайдими?

– Шундай бўлиши муқаррар.

– Яна нима десак экан? Тарбияга нолойиқ одамлар унга яқинлашиб, ўзларини номуносиб тутсалар, биз унда қандай ниятлар ва мулоҳаза-фикрлар туғилишини кутишимиз мумкин? Ҳақиқатан ҳам улар (нийат ва мулоҳазалар – тарж.) донишмандлик деб аталишга номуносибдирлар, негаки уларда на ҳаққоният бор, на фикр.

– Мутлақо туғри.

– Адимант, фалсафа билан муносиб равишда мулоқотда бўладиган жуда оз кишилар қолмоқда: бу ё қувғин бўлиб, яхши тарбия олган инсон сифатида ўз табиатининг олижаноблигини сақлаб қолган – модомики, ҳалокатли таъсирлар ўтказилмагач, табиийки, у фалсафани ҳам ташламайди, ёки бу кичкина давлатда туғилган буюк қалб соҳиби: у ўз давлати ишларини назар-иисанд қилмайди. Яна бошқа санъатларнинг вакиллари ҳам, ҳар ҳолда, фалсафага мурожаат қилишлари мумкин: яхши табиий қобилиятлар соҳиби бўлиб, улар адолатли равишда ўз машғулотларига киришадилар. Дўстимиз Феагадаги каби жилов ҳам тутиб туриши мумкин: унда барча нарса фалсафадан узилишга қараб олган эди, аммо унга хос бўлган касалмандлик уни жамоат ишларидан тўхтатиб турадилар. Менинг шахсий ҳолатим – илоҳий аломат – ҳақида эсламаса ҳам бўлади: аввал бундай ҳолат ҳеч ким билан рўй бермаган.

Фалсафани татиб кўриб, ушбу озчилик одамлар қаторига кирган барча бу қанчалик ширин ва фароғатли неъмат эканлигини билди; улар кўпчиликнинг ақлдан озишини ҳамда давлат ишларида ҳеч ким, айтиш мумкинки, ҳеч қандай оқилона ишни бажармаслигини ва ҳақ ишга ёрдамга келиш ҳамда омон қолиш учун у ерда ўзига иттифоқдош топиб бўлмаслигини кўп марта кўрганлар. Аксинча, агар бирор одам худди ҳайвонлар орасига тушиб қолгандай, у билан бирга адолатсизлик қилишни хоҳламаса, барча ваҳший душманларига якка ўзининг кучи етмайди ва у давлатга ёки ўз дўстларига фойда етказишга улгурмай, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойда келтирмай ўлади. Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, ўзини вазмин, хотиржам тутати ва худди бўрон тўзитган чангдан девор ортида беркиниб олгандай, ўз ишини қилади. Бошқаларнинг ҳаммаси қонунсизлик билан тўлиб-тошганини кўриб, у агар бу ердаги ҳаётни ноҳақликдан ва гуноҳ ишлардан пок ҳолда кечирса,

умрининг охирида яхшиликка умид боғлаб, қувонч ва ҳалимлик билан ҳаётдан кўз юмса, кўнгли тўлар эди.

– Демак, у кўп нарсага эришиб жон таслим этади!

– Аммо, ҳар ҳолда, давлат тузуми унинг учун тўғри келмагани учун, у ўз қўлидан келадиганга тўла эриша олмайди. Маъқул тузумда у ҳам ўзи ўсган бўларди, ҳам ўз бойлигини (маънавий бойлигини – *тарж.*), ҳам ижтимоий бойликни сақлаб қоларди.

Энди фалсафа борасида – қайси сабаб билан унда бундай ёмон шухрат (айтиш керакки, бу адолатсизликдир), – агар сенда бошқа фикр бўлмаса, менимча, етарли даражада айтилди.

– Мен бунга ҳеч нарса қўшолмайман. Аммо ҳозир мавжуд давлат тартибларидан қайси бирини унга муносиб, деб ҳисоблайсан?

Бузилган давлат тартиботи файласуфга ҳалокатли таъсир қилади

– Бундай йўқ. Ҳозирги давлат тузулмаларидан ҳеч бири файласуф табиати учун муносиб эмаслиги учун ҳам ёзгира-япман-да. Бундай файласуф табиати уларда бузилади ва ўз қиёфасини ўзгартиради. Бошқа мамлакатлардан келтирилиб, ёт заминда сепилган уруғ ўз кучини йўқотиб, маҳаллий ўсимликлар хусусиятларини олгани каби, ҳозирги пайтда бундай табиатли одамлар ўзларига ёт тузилишга эга бўлиб, ўз имкониятларини рўёбга чиқармайдилар. Аммо бундай табиатли одам ўзига ўхшаш аъло даражада тузилган давлатда пайдо бўлиб қолса, унинг дарҳақиқат илоҳий эканлиги маълум бўлади, бошқа ҳаммаси эса – бошқа фитратлар ва машғулотлар – инсонийликдан бошқа нарса эмас.

Энди сен, бу қандай давлат тузуми, деб сўрасанг керак.

– Тополмадинг. Бундай деб эмас, балки мана бундай деб сўрамоқчиман: бу биз ўз давлатимизга асос солаётимиз, таҳлил қилганимиз тузумми ёки бошқасими?

– Умуман олганда, ўшанинг ўзи. Зеро, ўшанда ҳам давлатда, сен соҳиби қонун сифатида қонунлар ўрнатаётганинда қандай нуқтаи назарда бўлсанг, шундай нуқтаи назарга эга бўлган қандайдир қисм мавжуд бўлмоғи керак, деб айтилган эди.

– Ҳа, шундай дейилган эди.

– Аммо бу етарли даражада тушунтирилмаган эди, чунки сизлар, олдиндан ваҳимага тушиб, бу масалани кўриб чиқиш узундан-узоқ ва машаққатли бўлади, деб ҳисоблаган эдингиз. Айтиш керакки, бошқа ҳаммасини ҳам таҳлил қилиш асло осон эмас.

– Хусусан нимани?

**Давлатда фалсафани
нотўғри татбиқ
қилишдан қутилиш
усуллари**

– Фалсафани давлат зарар кўрмайдиган қилиб қандай татбиқ қилса бўлади? Зеро, барча буюк нарсалар омонат, гўзал нарсалар эса, мақолга кўра, ҳақиқатдан ҳам қийиндир.

– Аммо бу ҳам аён бўлганидагина бизнинг исботимиз ниҳоясига етган бўлади.

– Хоҳишнинг йўқлиги эмас, балки кучнинг етишмаслиги тўсиқ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳозир сен ўзинг менинг ғайратимни кўрасан: қарагин, давлат бу ишга ҳозиргига қараганда бутунлай қарама-қарши тарзда киришиши кераклигини айтишда мен қанчалик қатъият ва жасорат кўрсатмоқдаман.

– Қандайлигини айт-чи?

– Ҳозирги пайтда кимда-ким фалсафага ёндашаётган бўлса, бу эндигина болалик ёшидан чиққан ўсмирлардир: уй-жойга эга бўлиб, иш билан машғул бўлишдан олдин улар фалсафанинг энг қийин қисмига киришадилару уни ташлаб кетадилар, айти маҳалда ўзларини билимдон қилиб кўрсатадилар; фалсафада энг қийини деб мен исбот-

ларга тааллуқлисини айтган бўлардим. Кейинчалик агар улар бошқаларнинг – фалсафа билан шуғулланувчиларнинг – маслаҳати билан уларнинг тингловчилари бўлишни хоҳлашса, гарчи бу иш билан номигагина шуғулланса бўлади деб ўйласалар-да, у ҳолда буни буюк хизмат, деб ҳисоблайдилар. Улар қариганларида, бундан баъзиларгина мустасно, Гераклит қуёшидан одинроқ сўнадилар, чунки энди ҳеч қачон порламайдилар.

– Фалсафа билан қандай шуғулланиш керак?

– Мутлақо бошқача. Ўсмирлар ва ўғил болалар ўсиб улғаяётган вақтларида ўз баданлари ҳақида узлуксиз ғамхўрлик қилиб, ўзларининг навқирон ёшларига муносиб равишда тарбия олишлари ва фалсафани ўрганишлари зарур; фалсафага бу ёрдам бўлади. Ёшлари катта бўлиб, руҳлари камол топа бошлагач, уни зўр ғайрат билан машқ қилдиришлари керак. Кучлари кетиб, фуқаролик ва ҳарбий вазифалари огирлик қилиб қолса, шунда, ниҳоят, эркинлик келади: улар фароғатли умр ўтказишни хоҳлар эканлар, бошқа ҳеч нарса билан шуғулланмай қўядилар, номигагина шуғулланишлари мумкин, холос. Вафот этгач эса, ўтган умрга муносиб охират қисматини қўшадилар.

– Сукрот, тўғриси айтганда, жуда берилиб сўзламоқдасан, аммо ўйлайманки, кўпчилик тингловчилар, Фрасимаҳдан бошлаб, янада кўпроқ берилиб сенга эътироз билдирадилар: зеро, сен уларни ҳеч нарсага ишонтиролмадинг.

– Мени Фрасимаҳ билан уриштириб қўйма; биз эндигина дўстлашдик, аввал ҳам душман эмас эдик. Мен, токи уни ва бошқаларни ишонтиришга эришмагунимча ёки то улар янгидан туғилиб, бундай масалаларга дуч келган ҳаётларида уларга қандай бўлса-да фойда келтирмагунимча, синаб қўлаб кўрилмаган биронта ҳам восита қолдирмайман.

– Ана холос, сен узоқни кўзламаяпсан!

– Абадият билан таққосланса, бу узоқ муддат эмас. Кўпчилик бошқа одамнинг сўзларига ишонмаслиги ажабла-

нарли эмас. Зеро, биз ҳозир айтаётганларимизни улар ҳеч қачон кўрмаганлар, буларнинг ҳаммаси улар учун, ҳозир-гидай бири биридан ўз-ўзидан чиқиб келадиган низомлар эмас, бир-бирига атайлаб мослаштирилган қандайдир қуруқ гаплардир. Эзгуликнинг, яхши фазилатнинг ўзига тенг ва ўхшаш, имконият чегарасида иш ва сўзда камолот касб этган ва шундай турдаги давлатда ҳукмронлик қилувчи одамни ҳам улар ҳеч қачон кўрмаганлар – бундай одамларнинг на биттасини, на кўпини кўрганлар. Ёки сен кўрган ҳоллар бўлган, деб ўйлайсанми?

– Асло.

– Шахсан мулоқотда ва судлардаги рақобат ёки шон-шухрат учун керилиб қилинган баҳслар билан умумий ҳеч нимаси бўлмаган ва сабот ҳамда барча воситалар билан билиш учун ҳақиқатни излаётган гўзал ва олижаноб мулоҳазаларнинг олижаноб тингловчиси бўлиш, азизим, уларга насиб этмаган.

– Ҳа, бундай мулоҳазаларни улар эшитмаганлар.

– Шунинг учун, гарчи биз ўшанда ҳам буни олдиндан билган ва ундан хавотирда бўлган бўлсак-да, ҳар ҳолда, ҳақиқат таъсирида (ҳақиқатга эргашиб) биз на давлат, на унинг тузилиши яна айрим одам ҳам, токи, ушбу оз сонли файласуфларни – гарчи ҳозир уларни бефойда деб атасалар-да, ёмон бўлмаган одамларни – улар буни хоҳлайдиларми ё йўқми (давлат уларга қулоқ солишга мажбур), бари бир, давлат ҳақидаги гамхўрликни ўз зиммасига олишга мажбур этадиган қандайдир зарурат пайдо бўлмас экан; ёки қандайдир бир илоҳий илҳом билан ҳозирги ҳукмдорлар ва подшоҳларнинг ўғиллари ёхуд уларнинг ўзлари фалсафага бўлган ҳақиқий эҳтирос оғушида қолмагунларича, ҳеч қачон мукамал бўлмайдилар. Ушбу икки имкониятдан қайси биринидир ёки уларнинг иккисини – бажариб бўлмайдиган иш, деб ҳисоблашни мен шахсан ўзим ҳеч қандай асоссиз деб биламан. Бошқача бўлганида бекорчи (қуруқ)

хошишлар билан шуғулланмоқдалар, деб бизни кулги қилардилар. Шундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

Идеал давлатни қуриш мумкинлиги – Агар фалсафада буюк бўлган одамлар учун давлат ҳақида гамхўрликни ўз зиммасига олиш зарурати қачонлардир бениҳоя ўтмишда пайдо бўлган бўлса ёки ҳозирги кунда мавжуд бўлса – қандайдир варварлар ерларида, узоқда, бизнинг фикр доирамиз – савиямиздан ташқарида – ёки агар бундай зарурат кейин пайдо бўлса, у ҳолда бизнинг томонимиздан баён этилган давлат қурилиши бўлган, бор ёки бўлади, деган нуқтаи назарни қунт билан ҳимоя қилишга тайёрмиз, негаки, худди шу Муза давлат ҳукмдори бўлиб қолади. Бундай тартиботнинг амалга оширилиши деярли мумкин ва биз мумкин бўлмаган нарса ҳақида гапирётганимиз йўқ. Бунинг қийинлигини эса биз ҳам тан оламиз.

– Мен ҳам бу фикрга қўшиламан.

– Аммо сен, кўпчилик ҳар ҳолда бу фикрга қўшилмайди, деб айтасан.

– Балки.

– Азизим, кўпчиликни бундайин айблаш керак эмас. Агар сен, билиш ва билиш мумкин бўлган муҳаббатнинг ёмон номини жаҳл қилмай, мулойимлик билан рад этсанг, файласуфлар сенинг назарингда қандай эканликларини кўрсатсанг ва кўпчилик файласуф деб атаганларни гўё сен ҳам файласуф деяётгандек ўйламаслиги учун уларнинг табиатлари ва машғулотларини аниқлаб берасан. [Агар кўпчилик уларга шундай қараса, тўғриси, сен унда (кўпчиликда) энди бошқача фикр пайдо бўлди ва у (кўпчилик) улар (файласуфлар) ҳақида бошқачароқ муносабат, фикр билдирадилар, деб айтасан]. Кимдир баджаҳл бўлмаган одамга жаҳл қилади ва ҳасадгўй бўлмаган одамга унинг ҳасадгўй бўлмай саховатли бўлгани учун ҳасад қилади, деб ўйламай-

санми? Сенинг жавобингни ўзим айтиб қўя қоламан, менимча, бундай огир одат жуда кам одамда учрайди, бу кўпчиликка хос эмас.

– Тинчлан, мен сенинг фикрингга қўшиламан.

– Кириши ножоиз бўлган жойга шовқин кўтариб кировчи, одамларга адоват қилиб, уларни ҳақоратловчи ва ўзларига шахсий ҳамла (ҳужум) қилишга йўл қўювчи тўда – бошқача айтганда, ўзларини файласуфларга асло хос бўлмаган тарзда тутувчи бегона шахслар кўпчиликнинг фалсафага хайрихоҳ бўлмаслигининг айбдори эканликларига розимисан?

– Бу фикрингга тўла қўшиламан.

– Айтиш керакки, Адимант, кимда-ким ҳақиқатан ҳам ўз фикрини борлиққа йўналтирган бўлса, ўша одамнинг пастга, инсоний беҳуда уринишларга қарашга ва одамлар билан курашиб, ичи қоралик ва ҳасадга тўлиб-тошишга фурсати йўқ. Нимадир изчил ва адолатсизлик қилмайдиган ҳамда ундан (адолатсизликдан) азият чекмайдиган абадий айнан ўхшаш, тартиб ва маънога тўла нарсани кўра туриб ва тафаккур қилиб, унга тақлид қилади ва унга иложи борича кўпроқ ўхшай боради. Ёки сен, гўё мулоқот чоғида нимадан ҳайратланган бўлсанг, ўшанга тақлид қилмаслигининг бирон-бир воситаси бор, деб ўйлайсанми?

– Бу мумкин эмас.

– Файласуф ҳам, илоҳий ва батартиблик билан мулоқотда бўлиб, инсоннинг имконияти даражасида батартиб ва илоҳий бўлади. Қоралашга келсак, дунёдаги ҳамма нарсани қоралаш мумкин-ку.

– Жуда ҳам қоралаш мумкин.

– Шундай қилиб, агар файласуфда, одамларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётига (маишати, рўзгорига) у юқорида нимани назарда тутган бўлса, ўшани киритиш ва ўзининг баркамол бўлиши билан чеклаиб қолмаслик ҳақида

гамхўрлик қилиш зарурати пайдо бўлса, унда (ўша файласуфдан – тарж.) мулоҳазалилик, адолат ва умуман халққа фойдали барча эзгу ишлар борасида ёмон уста чиқади, деб ўйлайсанми?

– Жуда яхши уста чиқади.

– Аммо, агар одамлар, унинг ҳақида биз ҳақиқатни айтаётганимизни тушунсалар, улар файласуфлардан нафратланадиларми ва агар биз давлатни рассомлар илоҳий тимсолда нақш этмасалар, ҳеч қачон, ҳеч қайси ҳолатда давлат гуллаб-яшнамайди, деб тасдиқласак, ишончсизлик билдирмайдиларми?

– Агар тушунсалар, у ҳолда нафратланмайдилар. Аммо нақш этишнинг қайси усули ҳақида гапирмоқдасан?

– Давлат ва одамларнинг ахлоқини худди лавҳ (ёзув тахтаси)дай қўлга олиб, уларни аввал поклашлари зарур, бу эса осон иш эмас. Аммо сен тушунасанки, улар аввал бошдан оқ хусусий шахсларга ҳам, давлатларга ҳам тегишни хоҳамасликлари ҳамда токи давлатни пок ҳолда олмагунларича ёки уни шундай ҳолга келтирмагунларича давлатда қонунлар киритишни истамасликлари билан бошқалардан ажралиб турадилар.

– Бу тўғри.

– Шундан кейин улар давлат тузилишининг тарҳини тайёрлайдилар, тўғрими?

– Бошқача бўлиши ҳам мумкинми?

– Кейин, ўйлайманки, ана шу тарҳни ишлаб чиқаётиб, улар икки нарсага: табиатан адолатли, гўзал, мулоҳазали ва ҳоказога ҳамда буларнинг ҳаммаси одамларда қандай зуҳур топишига диққат билан назар соладилар. Улар одамларнинг фазилатларини аралаштириб ва қўшиб юбориб, бир вақтлар Гомер айтганидек, одамларда худоларга хос кўриниш ва худоларга ўхшашлик хусусиятлари билан аниқланадиган инсон тимсолини (намунасини) яратадилар.

– Бу тўғри.

– Мен ўйлайманки, улар токи, инсоний ахлоқни худога маъқул бўладиган даражага келтирмагунларича ниманидир ўчирадилар, ниманидир яна қайта нақш этадилар.

– Бу энг чиройли сурат бўлар эди!

– Сен айтгандек, бизга қарши елкама-елка саф тортиб келаётганларни, биз аввал уларга мақтаганимиз, уларнинг эса унга давлатни ишониб топшириб қўйганимиздан аччиғланганлари давлат тузилиши чизмасини чизувчиси худди шундай эканлигига ишонтира олмасмидик? Агар улар ҳозир бизнинг гапларимизга қулоқ солганларида, наҳот мулойимлашмас эдилар?

– Агар уларда соғлом ақл бўлса, албатта юмшар эдилар.

– Уларда қандай эътирозлар бўлиши мумкин? Фақат, файласуфлар ҳақиқат ва борлиқнинг ўта эҳтиросли мухлислари эмаслар, дейишлари мумкин?

– Бу бемаънилик бўларди.

– Ёки, биз таҳлил қилган файласуфона табиат олий неъматга қардош эмас, десалар-чи?

– Бу ҳам шундай бемаъни эшитиларди.

– Яна. Агар бу бўлмаса, у ҳолда қайси бир табиат, фойдаланилмаган тақдирда, тўла хайрли ва фалсафий бўлади? Эҳтимол, биз рад этган табиатлар ҳақида шундай дейишимизга тўғри келар?

– Албатта, бундай эмас.

– Балки, токи файласуфлар қавми давлат ҳукмдори бўлмас экан ёки биз сўз билан тасвираганимиз давлат тартиботи амалда рўёбга чиқмас экан, на давлат учун ва на фуқаролар учун бахтсизликларнинг поёни бўлмайди, деган сўзларимиз ҳали ҳам уларнинг ғазабини келтираётимиди?

– Балки бу, гарчи энди камроқ бўлса-да, уларнинг аччиғини келтираётгандир?

– Агар сен қарши бўлмасанг, кел, улар камроқ аччиғланибгина қолмай, балки жуда мулойим ҳам бўлиб қолганлар

на, майли, уялганларидан бўлса-да, ўзларини ишонтиришларига йўл қўйдилар, деб айтақолайлик.

– Мен қарши эмасман, албатта.

– Шундай қилиб, биз бу борада уларни ишонтирдик, деб ҳисоблайлик. Аммо зеро, подшоҳлар ва ҳукмдорларнинг авлодлари орасида файласуфона табиатлилар учраши мумкин-ку, бу ҳақда ким ҳам биз билан баҳслашарди...

– Бу масалада ҳеч ким баҳслашмайди.

– Модомики бундай табиатлилар учрар экан, уларнинг бузилишга учрашлари шунчалик муқаррарми? Уларнинг ўзларини сақлаб қолишлари қийинлигини биз ҳам эътироф этамиз. Барча замонларда улардан ҳеч бирига, ҳеч қачон ўзини сақлаб қолиш муяссар бўлмаган, дейиш баҳсталаб эмасми?

– Баҳсталаб.

– Айтиш керакки, давлат ўз қўл остида шундай бир одамнинг пайдо бўлиши унинг ҳозир ишонмаётганлари барча нарсани амалга ошириши учун етарлидир.

– Унинг бир ўзи етарли бўлар эди.

– Зеро, агар ҳукмдор биз таҳлил қилган қонунлар ва урф-одатларни ўрнатадиган бўлса, фуқаролар уларни жон-диллари билан бажаришлари мумкинлигини истисно этиб бўлмайди.

– Мумкин.

– Нима, бизнинг қарашларимизга қўшилиш бошқалар учун қандайдир ғаройиб ва мумкин бўлмаган нарсами?

– Шахсан мен бундай деб ўйламайман.

– Айтиш керакки, агар амалга оширилиши мумкин бўлса, биз тақлиф қилган нарса – энг яхшиси эканлигини етарлича таҳлил қилдик, деб ўйлайман.

– Ҳа, буни биз етарлича таҳлил қилдик.

– Энди эса, қонунчилик борасида бундай бўлиб чиқмоқда: агар биз айтганимиз амалга ошса, жуда яхши иш бўларди, гарчи бу қийин бўлса-да, мумкин бўлмаган нарса эмас.

– Шундайга ўхшайди.

– Ушбу масалани зўрға тутатганимиздан кейин, қолган нарсалар ҳақида ҳам гапириш керак бўлади. Бутун давлат тузуми таянувчи одамлар қай тарзда ва қандай фанлар ҳамда машғулотлар воситасида етишиб чиқадилар? Бу ишларнинг ҳар бирига уларнинг ҳар бири қандай ёшда киришади?

– Ҳа, буни айтиб ўтиш зарур.

– Уйланиш, бола туғиш ва ҳукумат мансабларига тайинланишга тааллуқли оғир масалани аввал қолдиришга ҳаракат қилиб, мен ҳеч нарса ютмадим – ўшанда тўлиқ ҳақиқат нохуш ва оғир бўлишини билар эдим; аммо бари бир, ушбу масалани кўриб чиқиш зарурати ҳозир ҳеч ҳам камаймагани аён бўлди. Айтиш керакки, хотинлар ва болалар борасида бу ҳал қилинди, ҳукмдорлар борасида эса таҳлилни янгидан бошлаш керак бўлиб қолди.

Агар ёдингда бўлса, уларда ўз давлатига муҳаббат туйғуси бўлиши, бу муҳаббат шодлиқда ҳам, мусибатда ҳам синалган бўлиши ва улар ана шу ўз қоидаларидан ҳар қандай қийинчиликлар, хавф-хатарлар ёки бошқа беқарорликларда ҳам воз кечмасликлари ошкор бўлиб туриши зарур, деб айтган эдик. Бу ўринда ким ожиз бўлса, уни рад этиш керак, аммо ким бу синовдан худди оловдан чиққан олтиндай соф чиқса, ўшани ҳукмдор этиб тайинлаш, ҳаётлигида ҳам, вафот этганидан кейин ҳам унга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва мукофотлар бериш керак. Бизнинг суҳбатимизда гап орасида тахминан шулар таъкидланган эди, аммо (ўшанда) ҳозир қаршимизда пайдо бўлган нарсада тўхталишдан қўрқиб, дарҳол яшириниб олди.

– Айни ҳақиқат, зеро, бу менинг ёдимда.

– Дўстим, ҳозир журъат қилганимни айтишга ўшанда журъат қилмаган эдим. Энг синчков соқчилар сифатида файласуфларни қўйиш кераклигини ҳам айтишга журъат қилайлик-чи.

– Бу гап айтилгани маъқул.

Яна файласуфлар табиати ва тўрт эзгулик ҳақида

– Улар сенда, таби-ийки, кўп бўлмаслигини эътиборга ол, зеро уларнинг табиати биз таҳлил қилганимиздай бўлиши зарур, шу билан бирга, бундай табиатларнинг барча хусусиятлари бир бўлгани ҳолда кам учрайди: улар кўпинча тарқоқ бўлади.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Билишга бўлган қобилият, хотира, зукколик, фаросат ва у билан боғлиқ ҳамма нарса, биласанки, бирданига учрамайди, ёшларга хос шўх ва ёрқин ақлли одамлар эса доимо бир маромда ва вазмин яшашга мойил эмаслар; аксинча, ўзларининг тийрақликлари туфайли улар ҳар томонга интиладилар ва доимий бўлган барча нарса уларни тарқ этади.

– Сен ҳақсан.

– Одамлар ахлоқнинг доимийлиги билан ажралиб турсалар ва ўзгарувчанлик уларга ёт бўлса, уларнинг садоқатларига таянса бўлади ва уларнинг урушда даҳшатга тушишлари қийин, аммо уларнинг ана шу сифатлари билимларни ўзлаштиришда панд беради: улар ўжар, уқувсиз ва худди карахтга ўхшайдилар, агарда шунга ўхшаш иш билан шуғулланиш керак бўлса, уларни уйқу тортади, эснайдилар.

– Шундай ҳам бўлади.

– Инсон у ва бу хусусиятлар соҳиби бўлиши керак, акс ҳолда унга бунчалик астойдил тарбия бериш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва ҳокимиятни топшириш маъқул бўлмас эди, деб айтиб ўтган эдик.

– Тўғри.

– Кўрсатиб ўтилган бирикув жуда кам учрайди, деб ҳисобламайсанми?

– Ҳа, жуда кам учрайди!

– Демак, инсонни машаққат, қийинчиликларда, хавф-хатарларда ва шодликларда текшириб кўриш зарур, бу ҳақда олдин ҳам гапирган эдик. Бундан ташқари, биз ўшанда айт-

май қолдирганимизни ҳозир қўшиб қўямиз: у энг юксак билимларни қабул қила оладими ёки одамлар бошқа ҳолларда ҳадиксираганларидек, билимлардан ҳайиқадими – шуларни кузатиб, уни кўпгина фанларда машқ қилдириш зарур.

– Буни кузатиш керак. Аммо сен қандай билимларни юксак, деб атайсан?

– Балки эсларсан, дилнинг уч хилини фарқлаб, биз адолат, мулоҳазалилик, мардлик ва донишмандлик борасида, уларнинг ҳар бири нима эканлигини аниқлаб, хулоса қилдик.

– Агар эсламасам, кейинги фикрларни эшитишга ҳаққим бўлмас эди.

– Ундан олдин нима дейилгани эсингдами?

– Хусусан нима дейилган эди?

– Биз қачондир, ушбу хусусиятларни мукамал кўриб чиқиш учун, бошқа, узоқроқ йўл бор, ва агар шу йўлдан борилса, тўла аниқликка эришиш мумкин, аммо аввал айтиб ўтилганлардан ҳам зарур хулосалар чиқариш мумкин, деб айтган эдик. Сиз сўнггисини етарли деб тан олдингиз ва шундай қилиб, менинг назаримда, унча аниқ бўлмаган хулосаларга келинди. Бу хулосалар сизларни қониқтирадими, марҳамат қилиб ўзингиз айтинг-чи?

– Аммо менга, – жавоб берди Адимант, – шу қатори бошқаларга ҳам, улар асосли бўлиб кўринади.

– Аммо, азизим, бундай нарсалардаги ўлчов, агар у ҳақиқий ҳолдан озгина эса-да ортда қоладиган бўлса, керакли даражада асосланган бўла олмайди.

Зеро, номукамаллик ҳеч нарсага ўлчов бўла олмайди. Айтиш керакки, баъзиларга баъзида шунинг ўзи ҳам етарли, кейинги изланишлар эса ортиқча бўлиб туюлади.

– Кўпчиликда уларнинг бепарволиклари туфайли шундай таассурот пайдо бўлади.

– Давлат ва қонунлар қўриқчиси бундай аҳволга ҳеч тушмаслиги керак.

– Албатта.

– Демак, дүстим, у узоқроқ йўлдан бориши ва билим олишга гимнастик машқлардан кам бўлмаган даражада ҳаракат қилиши керак, акс ҳолда, биз ҳозиргина айтиб ўтганимиздай, у ҳеч қачон энг муҳим ва унга энг зарур билимда баркамолликка эриша олмайди.

– Бу энг муҳим нарсами ва адолатдан ҳам, биз таҳлил этганимиз барча нарсадан ҳам муҳимроқ бошқа нарса йўқми?

– Ҳа, муҳимроқ нимадир бор ва уни биз ҳозир кўриб чиқаётгандай фақат умумий кўришда муҳокама қилмаслик керак: аксинча, у ерда ҳеч нарсани назардан қочирмаслик даркор, ҳамма нарса тугал бўлиши зарур. Ҳамма нарса иложи борица аниқроқ ва тозароқ бўлиши учун арзимас нарсаларга ҳафсала қилиниши, энг муҳими, ишга эса зўр диққат-эътибор қаратилмаслиги кулгили эмасми?

**Эзгулик
ҒОЯСИ**

– Албатта (сенинг фикринг қадрли). Аммо, ушбу энг муҳим билим ўзи нима ва нима ҳақда, сен қандай фикрдасан? Ёки, бу саволни бермай туриб сени қўйиб юборадилар, деб ўйлайсанми?

– Бунга унча ҳам умид боғламаяпман; марҳамат қилиб, сен ҳам савол беравер. Ҳар ҳолда, сен бу ҳақда кўп эшитгансан, ҳозир эса ё шунчаки фаҳминг етмади, ёки ўз аралашувинг билан яна менга атайлаб ташвиш орттирмоқчисан; кўпроқ, ташвиш орттириш бўлса керак. Сен кўп эшитгансан: эзгулик ғояси – мана шу энг муҳим билимдир; у орқали адолат ва бошқа ҳамма нарса яроқли ҳамда фойдали бўлади. Мен худди шундай дейишимни ва, бунга қўшимча равишда, бу ғояни биз етарли даражада билмаслигимизни ҳам сен деярли аниқ билган бўлсанг керак. Модомики, билмас эканмиз, у ҳолда усиз, қолган бошқа нарсалар ҳақида, сени ишонтириб айтаманки, ҳатто энг кўп миқдорда маълумотлар бўлса ҳам, ҳеч нарса бизнинг фойдамизга хизмат қилмайди: бу худди, келтирадиган яхшилигини ўйламай

қандайдир буюмни сотиб олганга ўхшайди. Ёки, яхшилигини ўйлаб ўтирмай, кўпроқ мулкка эга бўлиш асосий иш деб ўйлайсанми? Эҳтимол, ҳамма нарсани тушуниш керагу, гўзаллик ва эзгулик ҳақида бош қотирмаслик зарурми?

– Зевс билан онт ичаман, бундай ўйламайман.

– Зеро, сен биласанки, кўпчиликнинг фикрича, эзгулик ҳузурдадир, назокатлироқ одамлар учун эса тушунишдадир, шундайми?

– Албатта.

– Дўстим, яна биласанки, бундай нуқтаи назарда бўлганлар ана шу тушуниш ўзи нималигини кўрсатишга ожиздирлар, аммо охир-оқибат, гўё, нима яхши бўлса ўшани тушунишдир, деб айтишга мажбур бўладилар.

– Бу хўп кулгили-ку.

– Албатта, кулгили, агар бизни эзгуликдан беҳабарликда айблаб, улар ундан кейин биз билан буни биладиган (бундан хабардор) лардай гаплашсалар (ва бунинг устига), ҳар қандай яхши нарсани тушунишни эзгулик деб атаб, агар улар «эзгулик» сўзини тез-тез айтсалар, улар нима деяётганлари бизга гўёки тушунарли бўлади.

– Айни ҳақиқат.

– Нима десак экан? Эзгуликни ҳузурланиш сифатида таърифловчи одамлар адашишга камроқ гирифтормилар? Уларга ёмон ҳузурланишлар ҳам бўлишини тан олишларига тўғри келмайдими?

– Жуда ҳам ёмон (ҳузурланишлар), бўлишини.

– Бундан келиб чиқадики, улар гўё эзгулик ва офат (ёмонлик) – бир нарсанинг ўзи эканлигини тан оладилар, деб ўйлайман. Шундай эмасми?

– Худди шундай.

– Демакки, буларнинг ҳаммасида баҳсли нарсалар кўплиги аниқ.

– Албатта.

– Яна. Мана бу ҳам равшан эмасми: адолатли ва гўзал нарса сифатида кўпчилик ўзларига шундай туюлган нарсани танлаган бўлар эдилар, гарчи у ўша бўлмаса ҳам, кейин шунга мос равишда ҳаракат қилиб уни олардилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини баён этар эдилар; эзгулик борасида эса (бундай эмас), бу ерда ҳеч ким ҳаёлий (сохта) нарсанинг эгаси бўлишни хоҳламайди, аммо ҳамма ҳақиқий эзгуликни излайди, ҳаёлийни эса ҳамма ҳам рад этади, менсимайди.

– Сўзсиз шундай.

– Ҳар қандай дил эзгуликка интилади ва унинг учун ҳамма ишни бажаради; дил шундай нимадир борлигини сезади, аммо унга қийин ва ўша нарса нимадан иборат эканлигини тушунишга кучи етмайди.

Бошқа ҳамма нарса ҳақидаги каби, дилнинг бунга мутлақо ишончи йўқ, худди шунинг учун, ўзига фойдали бўлиши мумкин бўлган нарсада ҳам муваффақиятсизликка учрайди. Наҳотки, ҳамма нарсани ишониб топширишга тайёр турганимиз давлатдаги ўша энг яхши одамлар ҳам ушбу муҳим мавзуда шундай тараддузда қоладилар, деб айтамыз?

– Ҳеч қачон.

– Адолат ва чирой, агар қай жиҳатдан улар моҳиятан эзгулик эканликлари номаълум бўлса, бу нарсани билмайдиган одамни ўзларига муносиб қўриқчи деб ҳисоблай олмайдилар, деб ўйлайман. Олдиндан сезиб турибманки, бусиз ҳеч ким уларни билолмайди ҳали.

– Тўғри сезибсан.

– Айтиш керакки, агар давлатни буни биладиган (яъни, ўша моҳиятни биладиган – тарж.) соқчи қўриқласагина, давлат тузуми бизда мутлақо тартибли бўлади.

– Бу зарур. Аммо сен ўзинг, Сукрот, эзгуликни билим деб ҳисоблайсанми ёки ҳузурланиш дебми? Ёки нимадир бошқа, учинчи нарса дейсанми?

– Ажойиб одамсан-да! Бу нарсалар ҳақида одатдаги фикрлар сени қаноатлантирмаслиги менга яхши маълум,

айтиш керакки, олдин сен ўзинг ҳам буни яхши намойиш этган эдинг.

– Бу соҳада узоқ шуғуланганига қарамай, ўзгалар нуқтаи назарларини баён қила олиб, шахсий фикрларини эса баён қила олмаслик, Сукрот, нотўғри.

– Нималар деяпсан? Сенингча, инсон, ўзини билимдон кўрсатиб, ўзи билмайдиган нарса ҳақида гапиришга ҳақлими?

– Билимдон сифатида эмас, асло, аммо у ўзи нимани ўйласа, ўша нарсани айнан ўзининг фикрлари сифатида баён этсин.

– Қандай қилиб? Билимга асосланмаган барча мулоҳазалар ҳеч нарсага арзимаслигини кўрмаганмидинг? Ҳатто уларнинг энг яхшилари, улар ҳам кўрдирлар. Агар одамларда тушунишга асосланмаган қандайдир тўғри фикрлар бўлса, у ҳолда, сенингча, улар йўлда тўғри кетаётган кўрлардан нимаси билан фарқ қиладилар?

– Ҳеч нарса билан фарқ қилмайдилар.

– Сен, гарчи бошқалардан ҳам аниқ ҳам чиройли нарсани билиш имконияти бўлса-да хунук, мавҳум ва ноаниқ нарсани кузатишни афзал кўрасанми?

– Зевс ҳаққи, Сукрот, – хитоб қилди Главкон, – худди мулоҳаза қилишни тугатгандай ўзингни олиб қочма. Сен адолат, мулоҳазалилик ва бошқа ҳаммасини қандай кўриб чиққан бўлсанг, эзгулик ҳақидаги масалани ҳам таҳлил қилсанг, биз учун етарли бўлади.

– Азизим, менга эса ундан-да кўпроқ даражада етарлидир. Адашиб қолмаслик учун нима қилсам экан, акс ҳолда ўзимнинг бемаъни ғайратим билан кулгига қоламан. Аммо, азизларим, эзгулик ўз-ўзича нима эканлигини ҳозирча бир четда қолдириб турамиз, чунки, менимча, у бизнинг ҳозирги фикр доирамиз кўлами билан етишиш мумкин бўлган фикрларимдан юқорироқдир. Эзгуликдан нима туғилади ва агар сизларга маъқул бўлса, унга бағоят ўхшаш бўлган нарса ҳақида жон деб гапирган бўлардим, агар маъқул бўлмаса, буни ҳам қолдирамиз.

– Марҳамат қилиб гапир, унинг отаси ҳақида бизга кейинроқ ҳикоя қилиб берасан.

– Ҳозир удум бўлганидек, фақат фоизинигина эмас, бутун қарзимни сизларга беришга кучим етадиган бўлишни хоҳлардим. Аммо ҳозирча ҳеч бўлмаса фоизларни, яъни эзгуликнинг ўзидан туғиладиган нарсани ундириб туришлар. Аммо эҳтиёт бўлинг, яна нотўғри ҳисоб тақдим этиб, мен беҳос сизларни алдаб қўймайин.

– Биз кучимиз етганича эҳтиёт бўламиз. Аммо сен давом эттир.

– Фақат сизларнинг розилигингиз билан ва сизлар билан олдин гаплашганимиз ҳамда умуман кўп марта эслаб ўтганимизни сизларнинг ёдингизга тушириб давом эттираман.

– Хусусан нимани?

– Биз, кўп чиройли нарсалар бор, эзгуликлар кўп ва ҳоказо, деб ҳисоблаймиз ва уларни таърифлар билан чеклаб қўямиз.

– Ҳа, биз шундай деб ҳисоблаймиз.

– Яна, ўз-ўзича гўзаллик, ўз-ўзича эзгулик бор ва гарчи уларни кўп деб тан олсак-да, барча нарсалар борасида ҳам худди шундай қиламиз. Ҳар бир нарса нима эканлигини биз ҳар бир нарса учун битта бўлган ягона гоёга мос равишда белгилаб қўямиз.

– Ҳа, шундай.

– Ва биз, у нарсаларни кўриш мумкин, аммо фикрлаб бўлмайди, гоёларни эса, аксинча, фикрлаб бўлади, аммо кўриб бўлмайди, деймиз.

– Албатта.

– Кўраётган нарсамизни ўзимиздаги нима воситасида кўраемиз?

– Кўриш қобилияти воситасида.

– Эшитиш қобилияти воситасида нимани эшитиш мумкин бўлса, ўшанинг ҳаммасини эшитаемиз, қолган туйғулар

воситасида нимаики нарсани сезиш мумкин бўлса, ҳаммасини сезамиз, тўғрими?

– Хўш, нима бўлибди?

– Бизнинг сезгиларимизда Демиург яратган ушбу кўриш қобилияти ва кўриш орқали идрок этиш қай даражада қадрли эканлигига эътибор берганмисан?

– Йўқ, унча эътибор бермаганман.

– Сен бунга қуйидагича назар ташла: қулоқ эшитиши, товуш эса товуш бўлиб чиқиши учун йўқ бўлса, ҳеч нарса эшитилмайдиган ва товуш бўлмайдиган учинчи бир нарса талаб қилинадими?

– Бу ерда учинчи ҳеч нарса керак эмас.

– Мен ўйлайманки, қолган бошқа кўп туйғуларга – аммо ҳаммасига ҳам эмас – бунга ўхшаш ҳеч нарса керак эмас. Ёки сен нимагадир эътироз билдирасанми?

– Йўқ, билдира олмайман.

– Нима, сен бу нарса кўриш қобилиятига ва, нимани кўриш мумкин бўлса, ўшанга талаб қилинишини сезмаганмисан?

– Нима демоқчисан?

– Одамнинг кўзлари қанчалик ўткир рангдан таъсирланувчан бўлмасин, сен биласанки, агар шунга мўлжалланган махсус учинчи нимадир мавжуд бўлмаса, у кўриш қобилиятидан фойдалангани билан ҳеч нарсани кўролмайди ва рангларни ажрата олмайди.

– Сенингча, бу нима?

– Сен нур деб атаганинг.

– Сен ҳақсан.

– Демак, кўриш сезгиси ва кўриш орқали идрок этиш имконияти бир-бири билан муҳим ибтидо ила боғланидлар; уларнинг алоқаси бошқа ҳаммасидан қимматлироқдир, чунки нур қадрлидир.

– Албатта, шундай бўлади-да!

– Осмон худоларидан қайси бири унинг устидан ҳукмронлик қилишини тан оласан ва бизнинг кўриш қобилиятимизга ниманинг нури энг яхши кўришга, нарсаларга эса – кўриш билан идрок этилишга имконият беради?

– Сен ва бошқалар (тан олган) худони. Зеро, сен Қуёш ҳақида сўрамоқдасан-ку.

– Кўриш қобилияти ўз табиати бўйича ушбу худога мана бундай муносабатда бўлади...

– Қандай?

– Кўриш қобилияти на ўз-ўзича, на нимадан пайдо бўлаётган бўлса ўша нарсада – биз уни кўз деб атаймиз, – Қуёш эмасдир.

– Албатта, йўқ.

– Аммо бизнинг сезги қуролларимиз орасида у қуёшга энг ўхшашидир.

– Ҳа, шундай.

– Кўриш эга бўлган қобилият унга Қуёш томонидан қандайдир оқим сифатида берилган.

– Албатта.

– Демак, Қуёш ҳам кўриш эмас. Гарчи у – кўриш сабабчиси бўлса-да, аммо кўришнинг ўзи уни кўради.

– Ҳа, шундай.

– Мен буни эзгуликдан туғиладиган нарса ҳақида ҳам тасдиқлайман – зеро, эзгулик уни ўзига ўхшаш қилиб бунёд этди: эзгулик ақл етиши мумкин бўлган соҳада ақл ва ақл етиши мумкин бўлган нарсага нисбатан нима бўлса, кўриш соҳасида Қуёш кўришга ва кўриш орқали идрок этиладиган нарсаларга нисбатан ўшанинг ўзи бўлади.

– Нима? Тузукроқ тушунтир.

– Биласанми, ранги кундуз нурида намоён бўладиган эмас, балки туннинг ғира-шира нурланишида товланган нарсаларни кўриш учун қаттиқ тикилганларида, кўриш қобилияти ўтмаслашади ва одамни, гўё унинг кўзларида нуқсон бордек, кўр деб ҳисоблаб қўйиш мумкин бўлади.

– Ҳақиқатан шундай.

– Айтиш керакки, шу кўзларнинг ўзи Қуёш ёритган нар-саларни аниқ кўради: бу кўриш қобилиятининг бенуқсон-лигини кўрсатади.

– Нима демоқчисан?

– Дил билан ҳам шундай бўлади деб ҳисоблагин: ҳар са-фар, қачонки дил ҳақиқат ва борлиқ порлаб турган томонга интилса, у уларни идрок этади ва билади, бу унинг онгли эканлигини кўрсатади. Қачонки дил зулмат билан қўши-лиш, пайдо бўлиш ва барбод этиш соҳасига оғишса, му-лоҳазаларга мойил бўла боради, уларни унақасига ҳам, бу-нақасига ҳам ўзгартиради ва у ақдан озганга ўхшаб кетади.

– Шунақага ўхшайди.

– Шундай қилиб, билиниши керак бўлган нарсаларга ҳаққонийлик ато этадиган, одамга эса билиш қобилиятини берадиган нарсани сен эзгулик гоёси, билим ва ҳақиқат-нинг билинишининг сабаби, деб ҳисобла. Униси ҳам, бу-ниси ҳам – билиш ва ҳақиқат – қанчалик гўзал бўлмасин, агар эзгулик гоёсини нимагадир гўзалроқ деб ҳисобласанг, сен ҳақ бўласан. Нур ва кўришни (кўриш қобилиятини – *тарж.*) қуёшга ўхшаш деб ҳисоблаш қанчалик тўғри бўлса-да, уларни Қуёш деб тан олиш нотўғри бўлар эди, бу ерда ҳам шундай: билишни ва ҳақиқатни эзгулик тимсолига эга, деб ҳисоблаш тўғри, аммо улардан ниманидир эзгуликнинг ўзи деб тан олиш нотўғри бўлар эди: эзгуликни унинг хусу-сиятлари бўйича янада кўпроқ қадрлаш керак.

– Сенинг сўзларингга қараганда, билиш ва ҳақиқат унга боғлиқ бўлишса, эзгуликнинг ўзи эса ўз чиройи билан улардан юқори бўлса, сен уни (эзгуликни) гўзал деб ҳисоб-лайсан! Албатта, бу ўринда сен ҳузурланишни тушунма-санг керак?

– Шаккоклик қилма! Унинг тимсолини, яхшиси, мана бунақасига кўриб чиқ...

– Қандай?

– Биз кўраётган барча нарсага Қуёш гарчи, унинг ўзи шаклланиш бўлмаса-да, нафақат кўриниш имкониятини, балки туғилишни ҳам, ўсиб-улғайишни ҳам, озиқ-овқатни ҳам беради.

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Билинадиган нарсалар фақат эзгулик туфайли билинибгина қолмайди, балки эзгулик уларга борлиқни ҳам, мавжудликни ҳам беради, гарчи эзгуликнинг ўзи мавжудлик бўлмаса-да, у – мавжудликдан қадр-қиммат ва куч билан устун бўлса-да, мавжудлик доирасидан наридадир.

Шу ерда Главкон ғалати хитоб қилди:

– Аполлон! Қандай юксакларга кўтарилдик!

– Ўзинг айбдорсан, – дедим мен, – сен мени эзгулик ҳақидаги фикримни баён қилишга мажбур этмоқдасан.

– Ва сен буни асло ташлаб кўйма; бошқа нарса ҳақида гапирмагинда, яна Қуёш билан бўлган ана шу ўхшашликни таҳлил қил – бирон нарсани ёддан чиқармадингми?

– Асло гапирма, мен кўп нарсани айтмадим.

– Майда-чуйдаларни ҳам қолдирмай айт.

– Улар жуда кўп, деб ўйлайман; айтиш керакки, ҳозир ило-жи борича ҳеч нарсани қолдирмасликка ҳаракат қиламан.

– Албатта, ҳаракат қил.

Идрок этиладиган олам ва кўринадиган олам

– Демак, биз айтиб ўтгани-
миздек, иккита ҳукмдор бор,
деб ҳисобла: бири – идрок эти-
ладиганнинг барча турлари ва

соҳалари устидан, бошқаси, аксинча, барча кўринадиганлар устидан – сенга гўё мен сўзлар билан қандайдир донолик қилаётгандек бўлиб туюлмаслиги учун буни осмон деб атамайман. Сен ушбу икки турни, кўринадиган ва идрок этиладиганларни ўзлаштириб олдингми?

– Ўзлаштирдим.

– Қиёслаш учун иккита тенг бўлмаган бўлакка ажратилган чизиқни ол. Ҳар бир шундай бўлакни, яъни кўринадиган соҳа ва идрок этиладиган соҳани яна шу тарзда бўлиб чиқ, айтиш керакки, кўринадиган соҳани сен катта ёки кичик аниқлик белгиси ила ажратасан. Шунда у ерда пайдо бўлган бўлақлардан бири тимсолларни ўзида мужассам қилади. Мен аввал сояларни, кейин сувдаги, зич, силиқ ва жиллоли нарсалардаги аксларни – бир сўз билан айтганда, шунга ўхшаш барча нарсани шундай деб атайман.

– Тушунаман.

– Шунга ўхшаш бошқа бўлимга сен атрофимиздаги тирлик мавжудотларни, ўсимликларнинг барча хиллари ҳамда нимаики ишлаб чиқарилса, ўшани жойлайсан.

– Шундай қўйиб чиқаман.

– Ҳақиқийлик ва ноҳақиқийлик борасида бундай бўлинишни тан олишга наҳотки рози бўлмасанг: худди, биз нимани мулоҳаза қилсак, биз ҳақиқатан биладиганимизга тааллуқли бўлгани каби, ўхшаш нарса ўхшатилаётган нарсага тааллуқдир.

– Мен бунга тўла қўшиламан.

– Идрок этиладиган соҳанинг бўлинишини ҳам ўз навбатида кўриб чиқ – уни қандай аломат бўйича бўлиш керак.

– Қандай аломат бўйича, айтақол?

Муқаддимасиз ибтидо.

Идрок этиладиган ва кўринадиганининг бўлимлари

– Ўшанда бизда юзага келган бўлақлардан бўлган тимсоллардан фойдаланиб, дил шарт-шароит асосида идрок этиладиганининг бир бўлими-

ни излашга мажбур бўлади ва шунинг учун у ибтидога эмас, балки интиҳога интила боради. Бу орада дил бошқа бўлимни, муқаддимадан, бундай муқаддимага эга бўлмаган ибтидога (бошланишга) кўтарила бориб, излаб топади. Биринчи ҳолда дил мавжуд бўлган тимсолларсиз, аммо ғояларнинг ўзларининг ёрдамида ўзига йўл очиб боради.

– Сен айтаётган нарсани унча тушунмаяпман.

– Агар мен аввал мана буни айтсам, сен осонроқ тушунасан: кимда-ким геометрия, ҳисоб ва шунга ўхшаш нарсалар билан шуғулланса, у ўзининг ҳар қандай тадқиқотида, жуфт ва тоқ, шакллар, бурчакларнинг уч хили ва шунга ўхшаш ҳоказоларни, гўё улар ўзларига маълумдай, фараз қиладилар. Буни улар бошланғич ҳолат деб қабул қиладилар ва бу худди усиз ҳам ҳаммага равшандай, улар ҳақида на ўзларига, на бошқаларга ҳисобот берадилар. Ушбу ҳоллардан келиб чиқиб улар энди ҳамма қолганларини таҳлил қиладилар ва ўзлари кўриб чиққанларининг мавзуси нима бўлса, ушани изчил равишда охирига етказадилар.

– Буни мен жуда яхши биламан.

– Зеро, улар бунга қўшимча равишда чизмалардан фойдаланганларида ва улардан хулосалар чиқарганларида, уларнинг фикрлари чизмага эмас, ўша чизма ўхшатма бўлиб хизмат қилган шаклларга қаратилган бўлади. Ўзлари чизган диагонал учун эмас, балки тўртбурчакнинг ўзи бўйича ва унинг диагонали бўйича хулоса чиқарадилар. Бошқа ҳамма нарса ҳақида ҳам шундай қилардилар. Бу ҳайкалтарошлик ва рангтасвир асарларига ҳам тааллуқли: улардан соя тушини мумкин, улар сувда аксланиши ҳам мумкин, аммо улар, нимани хаёлий нигоҳ билан кўриш мумкин бўлса, ўша нарсанинг тимсолий ифодасигина бўлиб хизмат қиладилар.

– Сен ҳақсан.

– Ўшанда мен идрок этиб билинадиган нарсанинг ана шу хили ҳақида гапирган эдим: дил унга иштиёқ билан интилганида дастлабки шарт-шароит, асослардан фойдаланишга мажбур ва шунинг учун унинг ибтидосига кўтарилмайди, чунки у (дил) фараз, тахмин чегарасидан чиқиб кетолмайди ва тубан, паст нарсалар, айниқса, уларнинг аниқ ифодасини топадиган ва эъзозлайдиганларида ифодаланган тимсолий ўхшашларидан фойдаланади.

– Мен тушуниб турибман: сен геометрия ва унга ўхшаш усуллар ёрдамида ўрганиладиган нарса ҳақида гапирмоқдасан.

– Яна шуни ҳам тушунгинки, бизнинг онгимиз жадаллий (диалектик) қобилият ёрдамида эришадиган нарсани идрок этиб эришиладиганнинг иккинчи бўлими, деб атабман. У ўз тахминларини ибтидоий бир нарса деб кўрсатмайди, аксинча, улар (тахминлар) унинг учун фақат тахминнинг ўзидир, яъни энди тахмин бўлмай қолган, ҳамма нарсанинг ибтидоси томон қандайдир бўсаға ва интилишлардир. Унга етиб бориб ва у нима билан боғлиқ бўлса, ўшанга риоя қилиб, шундан кейин ҳиссий ҳеч нарсадан фойдаланмай, аммо фақат ғояларнинг ўзидан, уларнинг ўзаро муносабатидан фойдаланиб бир хулосага келади ва унинг хулосалари фақат ғояларга тааллуқли бўлади.

– Етарли даражада бўлмаса ҳам тушунаманки, сен мураккаб нарсалар ҳақида гапираётганга ўхшайсан. Аммо сен, фақат фараз, тахминлардан келиб чиқадиган фанлар деб аталувчилар ёрдамида кўриб чиқиладиган нарсага қараганда, жадалия (диалектика) ёрдамида борлиқ ва идрок этиб эришиладиган барча нарсани равшанроқ мушоҳада қилиш, тафаккур қилиш мумкинлигини аниқламоқчисан. Тўғри, бундай тадқиқотчилар ҳам туйғулар воситасида эмас, балки идрок этиб эришиладиган нарсани фаросат ёрдамида мушоҳада қилишга мажбур бўладилар, аммо улар уни ибтидога кўтарилмай, ўз тахминлари асосида кўриб чиқаётганларини учун, сенингча, у идрок билан эришиладиган нарса бўлса-да, ибтидода унга етилса, уни ақл билан идрок этиш мутлақо мумкин. Менимча, сен фаросат деб, геометрия билан шуғullanувчилар ва уларга ўхшашларда учрайдиган қобилиятни айтмоқдасан. Аммо бу ҳали ақл эмас, чунки фаросат мулоҳаза ва ақл ўртасидаги оралиқ ҳолатдан жой олган бўлади.

– Сен тўлиқ тушунганингни кўрсатдинг. Кўрсатиб ўтилган бўлаклар билан, дилда пайдо бўладиган тўрт ҳолатни

Талаштира: энг юқори поғонада – ақл-идрок, иккинчисида – фаросат туради, учинчи ўринни ишонч (имон, эътиқод) ва даярат, охирги ўринни эса – ўхшатишга бер ва у ёки бу талафат ҳақиқатга қанчалик тааллуқли бўлса, унда ишончлиги ҳам шунча бўлади, деб ҳисоблагинда уларни шу тариқа талаштира.

Тушунаман. Мен фикрингга қўшиламан ва уларни сен шундай айтган бўлсанг, худди шундай жойлаштираман.

ЕТТИНЧИ КИТОБ

Ғор тимсоли – Шундан кейин, – дедим мен, – сен, бизнинг инсоний табиатимизни маърифатлилик ва маърифатсизликка нисбатан мана бундай ҳолатга ўхшатишинг мумкин... Фараз қилки, гўё одамлар ғорга ўхшаган ер ости турар жойларда яшамоқдалар, у ерда ғорнинг бутун узунлиги бўйича кенг ёруғлик тушиб турибди. Уларнинг ёшликларидан оёқлари ва бўйинларида кишан, шунинг учун одамлар жойларидан қимирлай олмайдилар ва улар фақат тўғридаги, кўзлари ўнгидагини кўрадилар, негаки улар шу кишанлар дастидан бошларини (у ёқ бу ёққа) бура олмайдилар. Одамлар узоқда, баланд чўққида ёниб турган нурга тескари (орқалари билан) ўтирибдилар, олов билан банд орасида, тасаввур қилки, кўзбойлоқчилар парда тепасидан қўғирчоқларни кўрсатаётганларида ўз ёрдамчиларини ортида жойлаштирадиган пардага ўхшаш пастак девор билан тўсиб қўйилган юқори йўл ўтади.

– Буни тасаввур қила оламан, – деди Главкон.

– Бу девор ортида бошқа одамлар турли буюмларни девор устидан кўриниб турадиган қилиб кўтариб ўтаётганликларини тасаввур қил; улар ҳайкалларни ҳам, тирик жонзотларнинг тош ва ёғочдан ишланган ҳар хил тасвирларини ҳам олиб ўтадилар. Нарса кўтарганларнинг баъзилари гаплашиб, бошқалари индамай бормоқдалар.

– Гаройиб тимсолни ва гаройиб бандиларни тасвирламоқдасан.

– Үзимизга ўхшаганларни. Бундай аҳволда қолиб, уларнинг қаршисидаги гор деворига оловдан тушаётган соялардан бошқа ё ўз нарчасини, ёки бошқа одамнинг нарчасини ўша одамлар кўрадилар, деб ўйлайсанми?

– Улар бутун умр давомида бошларини қимирлатмай тутишга мажбур бўлган бўлсалар, бошқа бир нимани қандай қилиб кўрсинлар?

– У ерда, девор ортидан олиб ўтилаётган нарсалар-чи? Улар билан ҳам шундай ҳол рўй бермайдими?

– Яъни?

– Агар бандилар бир-бирлари билан суҳбатлаша олганларида эди, улар айна кўриб турган нарсамизга ном берайпмиз, деб ҳисобламас эдиларми, нима дейсан?

– Албатта шундай деб ҳисоблар эдилар.

– Яна. Агар, ўтиб кетаётган ҳар қандай одам нимадир десаю, унинг сўзлари горда акс садо берса, (гордаги) одамлар бу товушларни сояларга эмас, бошқа бирор нарсага таллуқли дер эдилар, деб ўйлайсанми?

– Зевс билан онг ичаман, бундай деб ўйламайман.

– Шундай бандилар, олиб ўтилаётган нарсаларнинг сояларини яхлит ва тўлалигича ҳақиқат деб билар эдилар.

– Албатта шундай бўлади.

– Энди уларнинг ақсизлик кишанларидан озод бўлганини ва ундан шифо топганини, бошқача айтганда, агар улар билан табиий йўл билан шунга ўхшаш бирор ҳодиса рўй берса, у қандай ўтишини кузатиб кўр.

Қачонки улардан бирининг кишанларини олиб ташласалар, бирдан ўрнидан туришга, бошини ўгиришга, тепага, нур томонга қарашга мажбур этсалар, буларнинг ҳаммасини бажариш унга азоб бўлади, аввал сояларини кўрган нарсаларга кучли ёруғликда қарашга ҳоли келмайди. Қачонки унга, унинг аввал кўрганлари арзимас бир нарса эканлигини, энди эса у борлиққа яқинлашиб ва ҳақиқийроқ нарсага

қараб, тўғри нуқтаи назар соҳиби бўлиши мумкинлигини айта бошласалар, сенингча, у нимаалар дер эди? Агар яна, унинг олдидан ўтаётган у ёки бу нарсани кўрсатсалар ва бу нима деган саволга жавоб беришга мажбур этсалар, нима бўлади? Бу уни қийин аҳволга тушириб қўймайдими ва у, ўзи аввал кўрган нарсасида ҳозир унга кўрсатаётганларидагига қараганда кўпроқ ҳақиқат бор, деб ўйламайдими, нима дейсан?

– Албатта, шундай деб ўйлайди.

– Агарда у нурнинг ўзига тик қарашга мажбур этилса, унинг кўзлари оғриб қолмайдими ва у кўришга кучи етадиган нарсага, уни (яъни, кўришга кучи етадиган нарсалар, яъни соялар назарда тутилмоқда. – *Тарж.*), ҳозир кўрсатаётган нарсасига қараганда ишончлироқ, ҳақиқийроқ деб ҳисоблаб, шошилиш равишда унга ўтирилиб олмайдими?

– Ҳа, шундай бўлади.

– Агар уни кимдир тик ўр орқали юқорига, тоққа зўрлик билан судраса ва токи уни қуёш нурига олиб чиқмагунича қўйиб юбормаса, у азоб чекмайдими ва бундай зўравонликдан норози бўлмайдими? Ёруғликка чиққанида эса, унинг кўзлари ёғду билан шунчалик қамашиб қолар эдики, ҳозир унга ҳақиқийлиги ҳақида гапирилаётган нарсалардан биронтасини ҳам кўра олмаган бўларди.

– Ҳа, у бирданига бундай қилолмас эди.

– Модомики у, тепадаги ҳамма нарсаларни кўриши керак экан, бу ўринда унга кўникма ҳосил қилиш зарур. Энг осонидан бошлаш керак: олдин сояларга, кейин – одамларнинг ва турли нарсаларнинг сувдаги аксига ва фақат шундан кейингина нарсаларнинг ўзига қараш керак; айтиш керакки, осмондаги нарсалар ва осмоннинг ўзини кундузи эмас, кечаси кўриш унга осонроқ бўларди, яъни, Қуёш ва унинг нурига эмас, балки юлдузлар нури ва Ойга қараш осонроқ бўлар эди.

– Бегумон шундай.

– Ва, ниҳоят, бу одам ўз муҳтида (жойида) бўлган Қуёшнинг ўзига қарашга ва унинг сувдаги ёки ўзига ёт муҳитлардаги алдамчи аксини кузатиш билан чегараланиб қолмай, унинг (қуёшнинг) хусусиятларини кузата билишга қодир бўларди.

– У бунга, албатта, муяссар бўларди.

– Ва, ниҳоят, шунда у, йил фасллари ҳам йиллар ўтиши (оқими) ҳам, Қуёшга боғлиқ эканлиги ҳақида ва у (Қуёш) кўриниб турувчи маконда ҳамма нарсага бош эканлиги ва у (Қуёш) бу одам ҳам, бошқа бандилар ҳам аввал ғорда кўрганларининг ҳаммасига қайсидир тарзда сабабчи эканлиги ҳақида хулоса қилган бўлади.

– У шундай хулосага ўша кузатишлардан кейин келиши аниқ.

– Яна нима деймиз? Аввалги турар жойини, у ердаги ҳикмат ва асорат бўйича ҳамдўстларини эслаб, ўз аҳволининг ўзгаришини фароғат деб ҳисобламайдими ва ўзининг дўстларига раҳми келмайдими?

– Жуда раҳми келади.

– Кимда-ким олдидан липиллаб ўтиб турган нарсаларни кузатишда ўткир нигоҳ билан ажралиб турса ва, одатда, нима олдин, нима кейин, нимадир эса бирваракай пайдо бўлганини бошқалардан яхшироқ эслаб қолса ва шунинг асосида келажакни башорат қилса, ўшани мукофотлаб, агар бир-бирларини мақтаб, ҳурмат кўрсатсалар, сенинг фикрингча, у ҳолда, кишанлардан озод бўлган одам буларнинг ҳаммасини хоҳлармиди, бандилар эъвозлайдиган ва улар орасида таъсир кучига эга бўлганларига ҳавас қилармиди? Ёки у, Гомер айтган нарсани, яъни у.

... мардикордай далада ишлаб,

Бечора деҳқонга хизмат қилиб тирикчилик ўтказса

ва ҳамма нарсага чидаб, бандиларнинг тасаввурига шерик бўл-
маса, улар яшагандай яшамасликни жуда ҳам хоҳлармиди?

– У бундай яшагандан кўра, ҳамма нарсага чидашни афзал кўради, деб ўйлайман.

– Мана буни ҳам ўйлаб кўр: агар бундай одам яна ўша ерга (горга) тушса ва яна ўша ўрнига ўтирса, Қуёш нуридан бундай кўкқисдан нари кетганида унинг кўзларини зулат қопламайдими?

– Албатта қоплайди.

– Агар унга, ўша сояларнинг маъносини (аҳамиятини) таҳлил қилиб, ушбу абадий бандилар билан мусобақалашшига тўғри келса-чи? Токи унинг кўриш қобилияти ўтмаслашиб ва кўзлари ўрганмагунигача – у кулгили бўлиб туюлмайдими? Бунинг учун кўп вақт керак бўлади. Унинг ҳақида, баландликка кўтарилиб, у шикастланган кўриш қобилияти билан қайтди, демакки, юксакликка кўтарилишга ҳаракат қилмаса ҳам бўлади, деган бўлар эдилар. Бандиларни юқорига олиб чиқиш учун уларни кимда-ким озод қилмоқчи бўлса, ундай одамни, агар уларнинг қўлига тушиб қолса, ўлдирмасмидилар?

– Албатта ўлдирар эдилар.

– Шундай қилиб, Главкон, ушбу ўхшатишни аввал айтилган ҳамма нарсага қўллаш керак: кўриш қобилияти билан қамраб олинган минтақа зиндонхонага, оловдан тушган ёруғлик эса Қуёш қудратига ўхшатилади. Юқорига кўтарилиш ва баландликда жойлашган нарсаларни кўриб мушоҳада қилиш – бу дилнинг идрок этиб эришиладиган жабҳага, минтақага кўтарилишидир. Агар сен буларнинг ҳаммасини шундай тушунсанг, агар сен уни билмоқчи бўлсанг, у ҳолда мен ардоқлаган фикрни ўзлаштирасан, – унинг тўғрими, йўқлиги худонинг ўзига аён. Шундай қилиб, менга мана булар намоён бўлмоқда: ниманики билиш мумкин бўлса, ўшандаги эзгулик гоёси – бу чегара, чўққи бўлиб, у зўрға аниқланади, ажратиб олинади, аммо у аниқланиши билан бу ўринда бир хулоса келиб чиқади, яъни худди у (эзгулик гоёси) – барча тўғрилиқ ва гўзалликнинг сабабчисидир.

Кўринадиган жабҳада у нур (ёруғлик) келтириб чиқаради (пайдо қилади), идрок этиб эришиладиган жабҳада эса у (эзгулик гоёси)нинг ўзи – ҳукмдор ва ҳақиқат ҳамда фаҳм (тушуниш) унга боғлиқдир, ҳам хусусий ҳаётда, ҳам ижтимоий ҳаётда онгли иш қилмоқчи бўлган одам унга қараши зарур.

– Мен гапларингга ақлим етганича кўшиламан.

– У ҳолда, қуйидаги масалада ҳам мен билан бўл: буларнинг ҳаммасига етиб келганлар инсоний ишлар билан шуғулланишни хоҳламайдилар, бунга ҳайрон бўлма; уларнинг дили доимо юксакликка интилади. Бу табиий, чунки юқорида нақш этилган суратга мос келади.

– Ҳа, бу табиий.

Илоҳий нарсаларни ўз-ўзича адолатни ва инсоний нарсаларни мушоҳада қилиш

– Нима десак бўлади? Сенингча, агар кимдир илоҳий мушоҳададан инсоний қашшоқликка ўтганида унга яхши кўринмаслиги (аҳамиятсиз бў-

либ қолиши) ва жуда кулгили туюлиши ҳайрон қоларлими? Кўриш қобилияти ҳали кўникмай туриб, бу орада, ён-атрофдаги қоронғиликка кўникмасдан олдин уни судда ёки яна бирор жойда гапиришга ва адолат соялари ёки бу соялардан тушган тасвирлар борасида курашишга мажбур қилдилар, шундай қилиб, адолатнинг ўзини ҳеч қачон кўрмаган одамлар уни қандай идрок этсалар, улар (соядан пайдо бўлган тасвирлар – тарж.) ҳақида шундай руҳда баҳслашишга тўғри келади.

– Ҳа, бу ерда ҳайрон қоларли ҳеч нарса йўқ.

– Миясини ишлатадиган ҳар қандай одам кўриш қобилияти бузилишининг икки хили борлигини билади, яъни у иккита сабаб билан бузилади: ё ёруғликдан қоронғиликка ўтаётганида, ёки қоронғиликдан ёруғликка ўтишида. Дил билан ҳам шунинг ўзи рўй беради; баъзида дил қандай қилиб тарадудда қолиб, бирон нарсани сезишга лаёқатсиз

бўлиб қолишини кўриб ҳам буни тушуниш мумкин. Бемаъни кулгандан кўра, бу дил ёрқинроқ ҳаётдан келгани учун хиралашдимми ёки, аксинча, тўла жаҳолатдан ёрқин ҳаётга ўтгач, кучли ёғдудан кўзи қамашдимми, шуни кузатган яхши: бундай ҳолат ва бундай ҳаётни фароғат деб ҳисобласа ҳам бўлади, унисига, яъни биринчисига эса ачинмоқ керак. Агар кимнингдир уни кўриб кулгиси қистаса, унинг устидан, юқоридан, ёруғликдан келганнинг устидан кулганидан камроқ кулсин.

– Сен жуда тўғри гапирмоқдасан.

– Модомики бу тўғри экан, ушбу диллар ҳақида биз қуйидагича ўйлашимиз зарур: маърифат – баъзи одамлар унинг ҳақида тасдиқлаган нарса эмас, улар айтишларича, инсон дилида билим йўқ ва улар худди сўқир кўзга кўриш қобилиятини жойлагандек, уни у ерга жойлаб қўяр эмишлар.

– Тўғри, улар шундай деб тасдиқлайдилар.

– Бизнинг ушбу мулоҳазамиз ҳар бир дилда бундай қобилият борлигини кўрсатади: дилда ҳар кимга ҳам ўқиб-ўрганишга ёрдам берадиган қурол бор. Худди кўз зулматдан ёруғликка бурилиши учун бутун бадан (тана) бурилишидан бошқа илож бўлмаганидай, бутун дил билан барча шаклланаётган нарсалардан (яъни, ҳали шакланмаган, мавҳум, номукамал нарсалардан дейилмоқчи бўлса керак. – *Тарж.*) тесқари ўтирилиш керак: шунда инсоннинг билишга бўлган қобилияти борлиқ ва ундаги энг ёрқин нарсани мушоҳада қилишга бардош бера олади, бу (энг ёрқин нарса) эса, биз тасдиқлаганимиздай, эзгуликнинг ўзидир. Тўғри эмасми?

– Ҳа, тўғри.

**Инсонни гоёлар
(эйдослар)нинг
мушоҳадасига жалб
этиш санъати**

– Худди шу ерда жалб этиш санъати инсонни қай тарзда осон ва фаолроқ жалб этиш мумкинлиги намоён бўлади. Бу унга кўриш қобилиятини жой-

лаштириб қўйиш дегани эмас – унда бу қобилият мавжуд, аммо нотўғри йўналтирилган ва керак томонга эмас, бошқа томонга қарайди. Худди шу ерда бор кучни ишлатиш зарур.

– Шундайга ўхшайди.

– Дилга тааллуқли дейиладиган баъзи ижобий хусусиятлар, айтиш жоизки, баданнинг худди шундай хусусиятларига жуда яқин; аслида инсонда аввал улар бўлмаслиги ҳам мумкин, улар (хусусиятлар) кейинчалик машқ йўли билан ривож топади ва одатга айланади. Аммо тушуниш қобилияти, кўриниб турибдики, келиб чиқишига кўра кўпроқ илоҳийдир, аммо йўналишига кўра гоҳ фойдали ва яроқли, гоҳида бефойда ва, ҳатто, зарарли бўлади. Ёмон бўлса ҳам, ақлли, деб аталадиган одамларда уларнинг ғариб диллари қандай ўткир нигоҳли эканлигини ва улар ўзларига керак нарсани ич-ичигача кўришларини сезмаганмисан? Демак, кўриш қобилияти уларда ёмон эмас, аммо у уларнинг ахлоқсизликларига хизмат қилишга мажбур, ва улар қанча ўткир кўрса (ўткир зеҳли бўлса – *тарж.*), шунча кўп офат олиб келади.

– Мен буни сезганман.

– Худди кўрғошин қармоқтошлар юхолик (очофатлик) ва бошқа турли ҳузурларга тортиб кетувчи бундай дил нигоҳини қўйига йўналтирувчи бундай фитратнинг мойилликларини ҳали ёш пайтидаёқ дарҳол қирқиб қўйилса, у ҳолда дил буларнинг ҳаммасидан озод бўлиб, ҳақиқатга юз тутган бўлар эди ва ўша одамларнинг ўзлари у ерда ҳамма нарсани, ҳозир нигоҳлари тушган нарсани қандай аниқ кўрсалар, худди шундай аниқ фарқдай олар эдилар.

– Бу табиий.

**Бу санъатнинг давлат
бошқарувидаги
аҳамияти**

– Нима десак бўлади? Олдин айтиб ўтилганлардан давлатни бошқаришга маърифатсизлар ва ҳақиқатдан беҳабар-

лар ярамаганларидек, бутун умр ўзини камолотга етказиш билан шуғулланишга имконият берилган кимсалар ҳам ярамайдилар, табиий равишда ва иложсиз деган хулоса келиб чиқмайдими? Дастлабкилари шунинг учун ярамайдики, уларнинг ҳаётларида улар хусусий ёки ижтимоий ҳаётда нимаки қилсалар, интилиб ҳаракат қиладиган ягона мақсадлари йўқ, иккинчилари эса шунинг учунки, ҳаётликларининг ўзида хушбахт, Саодат соҳилига кўчиб ўтганмиз, деб ҳисоблаб, ўз хоҳишларича ҳаракат қилмайдилар.

– Бу тўғри.

– Модомики биз давлат асосчилари эканмиз, бизнинг ишимиз аввал энг юксак, яъни эзгуликни кўра олиш ва унга кўтарилиш маҳоратини билишга ўрганишга мажбур қилиш бўлади: аммо, улар юқори кўтарилиб, уни етарли даражада кўриб, тушунганларидагина бизнинг давримизда рухсат бериладиган нарсага изн бермаймиз.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Яна ўша бандилар ҳузурига тушишни хоҳламай, уларнинг чўққида қолишларига йўл қўймаймиз ва, қийин бўлса ҳам, уларнинг машаққатлари ҳамда ҳурмат-эҳтиромларига шерик бўлишлари зарур.

– Демак, биз ушбу буюк одамларга нисбатан адолатсиз бўламиз ва улар биз туфайли мумкин бўлганидан ёмонроқ яшайдилар.

– Дўстим, қонун аҳолининг қандайдир бир қатламининг роҳат-фароғатини эмас, балки бутун давлатнинг фаровонлигини мақсад қилиб қўйганини яна унутмоқдасан. Гоҳ ишонтириш, гоҳ куч билан у (қонун) барча фуқароларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлайди, токи улар бутун жамиятга қай даражада фойдали бўла олсалар, бир-бирларига ҳам шу даражада фойдали бўлишлари мумкин бўлсин. Қонун буюк одамларни, уларга истаган томонларига оғишига имконият бериш учун эмас, балки давлатни мустаҳкамлаш мақсадида

қонун ўзи улардан (буюк одамлардан – тарж.) фойдаланиши учун давлатга киритади.

– Тўғри, мен буни унутибман.

– Эътибор бер, Главкон, бизда файласуф бўлаётганларга биз адолатсиз бўлмаймиз, аксинча, уларни бошқаларга гамжўрлик қилишга ва уларнинг манфаатларини қўриқлаб туришга мажбур этиб, уларга бундай деймиз: «Барча бошқа давлатларда фалсафага мурожаат қилган одамлар давлат ишларида қатнашмасликка ҳуқуқлидирлар, чунки одамлар давлат тузумига хилоф равишда ўз-ўзларича шундай бўлдилар, ўз-ўзича кўкариб чиқадиган нарса эса, озуқаланиши учун ҳеч кимдан қарздор эмас ва у харажатларни қоплашга ҳаракат қилмаслиги зарур. Сизларни эса, худди асаларилар оиласи орасида сардорлар ва подшоҳлар бўлгани каби, сизларнинг ўзингиз ва қолган фуқаролар учун дунёга келтирдик. Сизлар у файласуфларга қараганда яхшироқ ва мукамалроқ тарбиялангансизлар ҳамда у билан ҳам, бошқаси билан ҳам маъқулроқ шуғулланишга қодирсизлар. Шунинг учун сизлар, ҳар бирингиз, ўз навбатида, бошқа одамларнинг манзилларига тушишингиз ва ҳаётнинг қоронғи томонларини кузатишга, тафаккур қилишга ўрганишингиз зарур. (Зулматга) кўникиб, сизлар, ҳар бир соя ва тимсол ниманики бўлса, ўшанинг моҳиятини минг маротаба яхшироқ кўра оласизлар ва била оласизлар, негаки, сизлар барча гўзаллик, адолат ва яхшилик борасидаги ҳақиқатни кўришга муваффақ бўлгансизлар. Шунда давлат, гўё бу қандайдир буюк эзгулик каби – ҳозир ички, ўзаро урушлар ва ҳокимият учун ноаниқ жанглар бўлаётган кўп давлатларда рўй бераётганидай, рўёда эмас, ҳақиқатда тартиб топган бўлади. Аслида иш мана бундайдир: қаерда ҳукмдорлик қилиши керак бўлганлар ҳокимиятга энг кам интилсалар, ўша ерда давлат энг яхши бошқарилади ва низо умуман бўлмайди; қаерда ҳукмдорлар аксинча ниятда бўлсалар, ўша давлатда (иш) бутунлай бошқачадир.

– Сўзсиз шундай.

– Биз тарбиялаган одамлар буни эшитиб, ҳар бири, ўз навбатида, фуқаролар билан бирга бизга бўйсунмай қўйиб ва меҳнат қилишни хоҳламай, бунинг ўрнига бир-бирлари билан ҳамма вақт соф (борлиқ) минтақасида бўлишни афзал кўрмайдилармикин? Сен қандай фикрдасан?

– Бундай бўлиши мумкин эмас, чунки биз адолатли инсонларга адолатли талаб билан мурожаат қилмоқдамиз. Аммо ҳар ҳолда, ҳар қандай давлатдаги ҳозирги ҳукмдорларга тўлиқ зид равишда, – бу зарурат бўлгани учунгина уларнинг ҳар бири бошқаришга боради.

– Азизим, ишлар шунақа. Агар сен, ҳукмдорлик қилиши керак бўлган одамлар учун ҳокимият соҳиби бўлишдан яхшироқ ҳаёт тарзини топиб бера олсанг, фақат шундагина сенда яхши давлат тартиботига эга бўлган давлат барпо бўлади. Зеро, фақат шундай давлатдагина ким ҳақиқатан бой бўлса – олтинга эмас, балки саодатманд одам нимага бой бўлиши керак бўлса, ўшанга: хайрли, эзгу ва оқилона ҳаётга бой одамлар ҳукмдорлик қиладилар. Агар камбағал ва мулксиз одамлар ўзига бир бўлак узиб олиш учун жамият ноз-неъматларига (ижтимоий ноз-неъматларга) етишишга ҳаракат қиладиган бўлсалар, у ҳолда яхши иш бўлмайди: ҳокимият талашиб олиш мумкин бўлган бир нарса бўлиб қолади ва бундайин хонаки, ички уруш унда қатнашувчиларни ҳам, бошқа фуқароларни ҳам ҳалок этади.

– Мутлақо тўғри.

– Ҳақиқий фалсафага бағишланганларидан бошқа давлат мансабларига беписанд бўлган яна қандайдир ҳаёт тарзини сен айта олармидинг?

– Зевс билан онт ичаман, айта олмайман.

– Аммо, ҳокимиятга ошиқ одамлар ҳокимиятга келмасликлари керак. Шундай бўладиган бўлса, ўзлари каби ошиқ рақиблар улар билан жанг қиладилар.

– Бу шак-шубҳасиз.

– Кимда-ким энг яхши давлат бошқарувидан огоҳ бўлса, шу билан бирга бошқа фазилатлар соҳиби ҳам бўлса ва давлат арбобларига қараганда кўпроқ хайрли, эзгу ҳаёт кечирадиган бўлса, ўшандай одамларни давлатни қўриқлашга мажбур этмай, кимни мажбур этасан?

– Ҳеч кимни.

– Бундай одамлар қандай етишишларини ва уларни, худди, ривоят бўйича баъзилар Аиддан худолар ҳузурларига кўтарилганларидай, ниманинг ёрдамида юқорига, ёруғликка олиб чиқиш мумкинлигини кўриб чиқишимизни хоҳлайсанми?

– Жуда хоҳайман!

– Бу, зеро, сопол парчасини ўтириб қўйишнинг ўзи эмас; бу ерда дилни ғира-шира кундан борлиқнинг ҳақиқий кунига ўгириш керак бўлади; бундай юксалишни биз, тўғриси, ҳикматга (донишмандликка) интилиш, деб атаймиз.

– Албатта.

– Бунга қандай билим ёрдам беришини кўриб чиқсак бўлармиди?

– Ҳа, шундай қилиш зарур.

Соф борлиқни билишга йўналтирилган фанлар бўлимлари

– Главкон, айт-чи, қандай билим дилни шаклланишданок борлиққа ошуфта эта олиши мумкин бўларди?

Аmmo мен ушбу саволни беришим биланок миямга ушбу (фикр) келди: (бўлгуси файласуфлар) ёшлиқларида албатта ҳарбий иш билан асосли равишда, пухта танишишлари керак, деб айтмаганмидик?

– Айтган эдик.

– Демак, биз излаётган ўша билишга яна ушбу билиш ҳам қўшилиши зарур.

– Яъни нима қўшилиши зарур?

– У ҳарбийлар учун бефойда бўлмаслиги керак.

- Агар имкон бўлса, бефойда бўлмаслиги керак.
- Аввал айтиб ўтганимиздек, бизда гимнастик машқлар ва мусиқий санъатлар уларни тарбиялашга хизмат қилади.
- Ҳа, бу айтиб ўтилган эди.
- Айтиш керакки, гимнастика пайдо бўла оладиган йўқола оладиган нарсага томон йўналтирилган, зеро, баданнинг мустаҳкамлиги ортиши ҳам, камайиши ҳам унга (гимнастикага) боғлиқдир.
- Тушунарли.
- Лекин бу изланаётган нарса эмас, билиш эмас.
- Йўқ, у эмас.
- Балки бу, биз аввал таҳлил этганимиз мусиқий санъатдир.
- Агар ёдингда бўлса, – деди Главкон, – худди ўша (яъни мусиқий санъат – тарж.) гимнастикага посанги (қарама-қарши куч) бўлиб хизмат қилган, зеро, у соқчиларнинг ахлоқини тарбиялайди: уйғунлик гарчи уларга билим бермаса ҳам, уларни хушфёл қилади. Усул (ритм) эса, уларнинг хатти-ҳаракатлари (амаллари)га изчиллик бахш этади. Уларнинг нутқларида ҳам, уларга яқин бўлган, ўйлаб топилаган ёки ҳақиқатга яқин мусиқий санъат хислатлари ҳам бўлади. Аммо ҳозир сен излаётган, эзгуликка олиб борадиган билим мусиқий санъатда умуман йўқ.
- Сен менга бунини жуда яхши эслатдинг: биз айтиб ўтганимиздек, ҳақиқатан ҳам, унда бунга ўхшаш ҳеч нарса йўқ. Аммо, азизим Главкон, у нимада бўлиши мумкин? Зеро, барча санъатлар қўполроқ бўлиб чиқди-ку.
- Албатта. Агар мусиқий санъат ҳам, гимнастика ҳам, бошқа ҳамма санъатлар ҳам бундай бўлмаса, яна қандай билиш қолади?
- Шошилама. Агар биз улардан бошқа ҳеч нарсага эга эмас эканмиз, уларнинг ҳаммасига тааллуқли нима бўлса, ўшани оламиз.
- Бу нима ўзи?

– Бу, ҳар қандай санъат ҳам, ақл-идрок ҳам, илмлар ҳам фойдаланадиган, ҳар бир одам ҳамма нарсадан олдин билиши керак бўлган, умумий бир нарсадир.

– Бу ўзи нима?

**Ҳисоб ва рақам (сон)
соф борлиқни билиш
бўлимларидан бири
сифатида**

– Арзимаган наrsa: бир, икки ва уч нима эканлигини ажратиш керак. Умуман мен буни сон ва ҳисоб деб атайман. Ҳар қандай санъат ҳам, илм

ҳам унга қўшилишга мажбур эмасми?

– Ҳа, худди шундай.

– Ҳарб иши-чи?

– Унга у бениҳоя зарур.

– Паламед ўз фожиаларида Агамемнонни жуда ғалати саркарда қилиб кўрсатади! Эътибор берганмисан, Паламед – сонлар ихтирочиси – ўзи ерда ўзи ҳақида, Илион бўсағасида қўшинни қисмларга худди у бўлгандай, кемаларнинг ва бошқа ҳамма нарсанинг ҳисобини қилгандай, гўёки ўшангача улар саналмагандай гапиради. Кўриниб турибдики, модомики Агамемнон санашни билмас экан, ҳатто, ўзининг нечта оёғи борлигини ҳам билмас экан-да! Сенингча, у қандай қўмондон бўлиши мумкин?

– Агар ҳақиқатан шундай бўлса, бемаъни қўмондон бўлган.

– Бу фаннинг саркарда учун зарур эканлигини, яъни унинг ҳисоблаш ва санашни билиши кераклигини биз тан оламизми?

– Агар у ҳарбий ишда бирор нарсани тушунишни истаса ва, айтиш керакки, агар умуман у инсон бўлишни хоҳласа, бу жуда зарурдир.

– Сен бу фанда мен кўрган нарсани кўрасанми?

– Хусусан нимани?

– Ўз табиатига кўра, у инсонни фикрлашга олиб борадиган нарсага, яъни сен билан биз излаётганимизга олиб

боради, аммо ундан ҳеч ким ҳақиқатан, бизни борлиққа эргаштириб борувчи фан сифатида фойдаланмайди.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Ўз фикримни тушунтиришга ҳаракат қиламан. Аммо мен ўзим учун, бизнинг муҳокамамиз мавзусига нима олиб бориши билан нима олиб бормаслиги орасидаги фарқни аниқлаётганимда буни сен мен билан биргаликда кўриб чиққин-да, бу борада нимага қўшилишинг ва, нимага қўшилмаслигингни очик айт, токи биз, менинг тахминларим тўғри ёки нотўғрилигини шу тарзда равшанроқ кўра олайлик.

– Менга сен йўл кўрсатавергин.

– Мен (йўл) кўрсатаман, сен эса диққат қил. Биз идрок этаётган нарсаларда нимадир тафаккуримизни кейинги тадқиқотга ундамайди, чунки у сезгининг ўзи билан етарли даражада аниқланади; аммо нимадир бундай тадқиқотни қатъий талаб қилади, негаки сезги ишончли ҳеч нарса бермайди.

– Сен узоқдан, гўёки гира-шира тутунаро кўринаётган нарсалар ҳақида гапираётганинг аниқ.

– Аммо сен менинг фикримни яхши англамадинг!

– Сен нималар ҳақида гапирмоқдасан ўзи?

– Бир пайтнинг ўзида қарама-қарши ҳис (сезги) келтириб чиқармайдиган нарса тадқиқотга ундамайди, бундай сезги келтириб чиқарадиган нарсани эса мен тадқиқотга ундовчи деб ҳисоблайман, негаки бу сезги (ҳиссиёт) яқинда турган нарсаларга тааллуқлими ёки узоқдагигами, бари бир, сезги бирини, унга қарама-қарши бўлган бошқасига қараганда кўпроқ истаб топа олмайди. Сен буни ушбу мисолда равшанроқ тушунасан: айтайлик, мана учта бармоқ – жимжилоқ, номсиз ва ўрта...

– Хўш.

– Мен булар ҳақида гапираётганимда яқиндан кўриб чиқилаётган нарсалар сифатида гапирмоқда, деб ҳисобла, лекин бу ерда мана бунга эътибор бер...

– Нимага?

– Уларнинг ҳар бири бир хилда бармоқдирлар – бу борада улар орасида, у четда бўладими ёки ўртадами, оқми ёки қорами, йўғонми ёки ингичками ва ҳоказо, бари бир, ҳеч қандай фарқ йўқ. Буларнинг барчасида кўпчилик одамларнинг дили тафаккурга: «Бу ўзи нима – бармоқми?» – деган савол билан мурожаат қилишига ҳожат қолмайди, чунки кўриш дилга бармоқ бир пайтнинг ўзида қарама-қарши нимадир, деб ҳеч қачон кўрсатмаган.

– Албатта кўрсатмаган.

– Шунинг учун, табиийки, бу ерда у тафаккур (қилиш)га ундамайди ва уни келтириб чиқармайди.

– Табиий.

– Яна. Бармоқларнинг катта ёки кичиклигини бир қарашда етарли даражада аниқлаб бўладими ва қайси бармоқ ўртада, қайсиниси эса четдалиги кўз учун (кўриш қобилияти учун) бефарқ эмасми? Бармоқнинг йўғонлиги, ингичкалиги, юмшоқ ёки қаттиқлигини ушлаб кўриб, пайпаслаб аниқ билса бўладими? Бошқа сезгилар ҳам буларнинг ҳаммасини топишда ожизлик қилмайдими? Уларнинг ҳар бири билан ушбу ҳолат юз бермайдими: қаттиқликни аниқлашга белгилаб қўйилган сезги юмшоқликни ҳам аниқлашга киришишга мажбур ва шунинг учун у бир нарсанинг ўзининг томонидан ҳам қаттиқ сифатида, ҳам юмшоқ сифатида сезилаётганини дилга хабар беради.

– Ҳа, шундай бўлади.

– Ушбу сезги бир нарсани юмшоқ деб айтган чоғида худди шу нарсани қаттиқ сифатида аниқласа, бундай ҳолларда, ўз навбатида, дил тараддудга тушиб, ҳайрон бўлади. Енгил ва оғир (нарса)ни сезишда ҳам худди шундай бўлади: агар идрок қилиш оғирни енгил сифатида, енгилни эса оғир сифатида белгилаб қўйса, дил бу нарсанинг енгилми ёки оғирлигини тушунмайди.

– Бундай хабарлар дилга ғалат туюлади ва уларни кўриб чиқишга эҳтиёж туғилади.

Муҳокама ва мулоҳаза соф борлиқни билиш қўли сифатида – Табиийки, бундай ҳолатларда муҳокама ва мулоҳазани дил ўзига ёрдамга чақиради ва у ёки бу ҳолда сезги унга

(дилга) бир нарса ҳақида ахборот берадими ёки иккита турли нарса ҳақида билгиси келади.

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Агар бу иккита нарса эканлиги аниқланса, у ҳолда уларнинг ҳар бири ҳам бошқа нарса, ҳам ўша-ўша бир нарса бўлиб чиқади.

– Ҳа.

– Агар уларнинг ҳар бири битта, биргаликда эса улар иккита бўлса, у ҳолда фикрлашда бу икки (нарса) ажратилади, чунки агар бу икки ажратилмаган бўлса, улар энди иккита сифатида эмас, балки битта сифатида фикрланадилар.

– Тўғри.

– Зеро, кўриш қобилияти катта ва кичикни айрим-айрим эмас, балки яхлит (қўшилиб кетган) бир нарса сифатида қабул қилади, деб тасдиқлаймиз, тўғри эмасми?

– Шундай.

– Буни аниқлаш учун тафаккур катта кичикни, ўз навбатида, қўшилгани (яхлитлиги)да эмас, балки айримлик ҳолатларида кўриб чиқишга мажбур: бу ерда кўриш қобилиятига тўла қарама-қаршилик мавжуд.

– Бу тўғри.

– Шундай қилиб, бизда, хусусан, бу – катта ва кичик ўзинима, деган савол, аввало, шунинг учун пайдо бўлмайдими?

– Худди шунинг учун.

– Шу тарзда биз бирини ақл-идрок билан эришиладиган, бошқасини эса – кўринадиган (сезиларли), деб атаймиз.

– Мутлақо тўғри.

– Мен худди шу нарсани айтмоқчи эдим: нимадир ақл-идрокни фаолликка ундайди, нимадир эса – ундамайди.

Сезги – ҳисларга айна вақтда ўз қарама-қаршиси билан таъсир этадиган нарсани мен ундовчи (уйғотувчи) деб белгиладим, бундай тарзда таъсир этмайдиган нарса фикр уйғотмайди.

- Ниҳоят, энди тушундим ва менга ҳам шундай туюлмоқда.
- Яна. Бир ва сон бу икки гуруҳнинг қайси бирига тегишли?
- Ақлим етмаяпти.

– Сен аввал айтилганлардан хулоса чиқар. Агар нимадир бир якка нарса, хоҳ кўриш орқали, хоҳ бошқа қандайдир ҳиссиёт билан ўз-ўзича етарли даражада яхши идрок этилса, у ҳолда мен бармоқ мисолида кўрсатиб ўтганимдай, унинг моҳиятини аниқлашга бўлган интилиш пайдо бўлмайди. Агар унда яна қандайдир қарама-қаршилиқ мудом намоеън бўлиб турса, шу сабабдан у ўзи унинг қарама-қаршиси бўлган якка бўлиб чиқса, шунда қандайдир мулоҳаза талаб қилинади; бундай ҳолатда дил мажбуран таажжубланиши, изланиши ўзида фикр уйғотиши керак ва ўша ягона нима, деб ўзига савол бериши зарур. Шу тарзда ушбу ягонани билиш борлиқни тафаккур қилишга олиб борган ва ундаган (уйғотган) бўлар эди.

Айнанликни тафаккур қилиш – Албатта, – деди Главкон, – биз айнанликни тафаккур қилаётганимизда ҳам бу кам кузатилмайди: бир нарсанинг ўзини биз ҳам якка, ҳам беҳад кўп нарса сифатида кўраемиз.

- Агар бир билан шундай бўлса, умуман бошқа ҳар қандай сон билан ҳам шу каби бўлмайдимиз? – сўрадим мен.
- Бошқача бўлмаса керак?
- Ахир арифметика ва ҳисоб яхлитлигича сонга тааллуқли эмасми?
- Албатта.
- Ва худди мана шулар ҳақиқатга олиб борадиганлар бўлиб чиқади.
- Ҳа, ажойиб тарзда.

– Демак, улар биз излаган билимларга киради. Жангчи ҳарбий саф учун, файласуф эса – у моҳиятга эришиш учун ҳар сафар шаклланиш минтақасидан лоп этиб чиққанида уларни ўрганиши зарур, акс ҳолда у ҳеч қачон мутафаккир бўла олмайди.

– Шундай.

– Зеро, бизнинг қўриқчимиз – у ҳам жангчи (сипоҳ), ҳам файласуфдир.

– Нима демоқчисан?

Дилнинг шаклланиш- дан ҳақиқий борлиққа юз тутиши. Ҳисоб санъати

– Главкон, бу фан қонун ўрнатиш учун ва кимда-ким давлатда олий мансабларни эгаллашни, ҳисоб илмига муурожаат қилишни хоҳла-

са, ўшаларни ишонтириш учун мос келади, айтиш жоизки, улар у билан хушларига келганича эмас, балки, токи фикрлаш ёрдамида сонлар табиатини тафаккур қилишга этиб боргунларигача шуғулланишлари зарур – улар, савдогарлар ва боққоллар жон куйдиришлари олди-сотди учун эмас, балки ҳарбий мақсадларда ва дилга унинг шаклланишдан ҳақиқий борлиққа юз тутишини осонлаштириш учун шуғулланишлари зарур.

– Зебо сўзлар!

– Дарҳақиқат, энди, ҳисоб санъати таҳлилидан сўнг, у билан (яъни ҳисоб санъати билан – *тарж.*) боққолларча эмас, балки билиш учун шуғуллансалар, у қанчалик ноциклигини ва бизнинг кўзлаган мақсадимиз учун қанчалик фойдали эканлигини тушунаман.

– Хусусан нима билан фойдали у?

– Ҳозиргина айтганимиз билан-да: дилни у юксакларга етаклайди ва кимдир сонларни кўриниб турадиган ҳамда ҳис этиладиган жисмлар билан алмаштириб қўйишига асло йўл қўймай, улар (сонлар) ҳақида фикр юритишга мажбур қилади. Зеро, сен биласанки, кимда-ким бу фанда кучли бўлса, у

бирнинг ўзини фикран бўлишга уриниш устидан кулади ва уни рад этади, аммо агар сен уни (бирни) парчаласанг, бир-бир бўлмай, балки биттанинг кўпдан-кўп улуши бўлиб қолишидан кўрқиб, улар яна қисмларни кўпайтирадилар.

– Сен мутлақо ҳақсан.

– Главкон, агар улардан: «Олийқадр инсонлар, сизлар қандай сонлар ҳақида мулоҳаза қилмоқдасиз? Бирни сиз қандай ҳисобласангиз, шундай бир бўлган сонлар, яъни ҳар қандай бир ҳар қандай бирга тенг бўлган, ундан ҳеч фарқ қилмайдиган ва ўзида ҳеч қандай қисмлар бўлмаган сонлар ҳақида эмасми?» – деб сўрасак, сенингча, улар қандай жавоб берар эдилар?

– Ҳа, менимча, улар фақат фикрлашгина мумкин бўлган сонлар ҳақида гапирмоқдалар, акс ҳолда улар билан ҳеч мулоқот қилиб бўлмайди.

– Ҳақиқат йўлида фикрлашнинг ўзидан фойдаланишга дилни мажбур этгани учун ҳам бизга бу фан ҳақиқатан жуда зарур.

– Ва буни у шунақанги маҳорат билан амалга оширадики!

– Хўш? Ҳисобга табиатан қобилиятли одамлар, айтиш мумкинки, барча фанларга қанчалик таъсирчан бўлишларини кузатганмисан? Ҳатто, ақли яхши ишламайдиганларнинг ҳаммаси ҳам, агар бунга ўқиса ва машқ қилса, гарчи улар ўзлари учун ҳеч қандай фойда топмасалар ҳам, бари бир олдингига қараганда таъсирчанроқ бўлиб қоладилар.

– Ҳа, шундай.

– Ўқувчига, ҳатто, тиришқоқ ўқувчига ҳам бунга қараганда қийинроқ бўлган бошқа фанларни топиш сен учун қийин бўларди ва топсанг ҳам кўп топмас эдинг, деб ўйлайман тўғриси.

– Албатта тополмайман.

– Ва булар (қийинчиликлар) туфайли бундай фанни четга суриб бўлмайди, аксинча, айнан унинг ёрдамида ажойиб табиий қобилиятга эга бўлган одамларни тарбиялаш зарур.

– Мен фикрингга қўшиламан.

– Бундан келиб чиқадики, бу бизнинг биринчи фанимиз бўлақолсин. Айтиш мумкинки, биринчиси билан боғлиқ бўлган иккинчисини кўриб чиқайлик: у бизга тўғри келармикан?

– Айнан қандай? Ёки сен геометрия ҳақида гапирмоқдамисан?

– Ҳа, айнан (шу фан) ҳақида гапирмоқдаман.

Геометрия – Модомики у ҳарбий ишда қўлланилар экан, тўғри келиши аниқ, – деди Главкон. –

Қароргоҳлар қуриш, жойларни эгаллаш, қўшинларни жамлаш ва ёйиш ҳамда жанг пайтида ҳам, ҳарбий юришларда ҳам бўладиган турли бошқа ҳарбий тартиботларда геометрияни биладиган ва билмайдиган одамлар орасидаги фарқ, албатта, ўз таъсирини ўтказади.

– Аммо бунинг учун геометрия ва ҳисобнинг қандайдир арзимас бир қисми етарли бўлар эди. Лекин унинг кенгроқ қўлланиладиган, афзалроқ қисмини кўриб чиқиш зарур: у бизнинг мақсадимизга томон йўналганми, эзгулик ғоясини тафаккур қилишимизда бизга ёрдам берадими? Ҳа, у инсон дилининг борлиқнинг энг улуғ фароғати, бахт-саодати жойлашган минтақасига мурожаат қилишига ёрдам беради, деб жавоб берамиз – зеро, худди шуни у ҳар қандай йўл билан кўриши кераклиги аниқ.

– Сен ҳақсан.

– Демак, агар геометрия борлиқни тафаккур қилишга мажбур этса, у бизга яроқлидир, агарда шаклланиш (вужудга келиш, ташкил топиш) бўлса – ярамайди.

– Ҳақиқатан ҳам, биз шундай деб тасдиқлаймиз.

– Аммо кимда-ким геометрияни озгина бўлса-да фаҳмласа, бу фан у билан шуғуланувчилар кўп ишлатадиган сўз ифодаларига мутлақо қарама-қаршилиги тўғрисида баҳслашмайдилар.

– Яъни?

– Улар қандайдир жуда ғалати ва зўрма-зўраки гапирадилар. Гўёки улар амалий иш билан машгуллар у, ана шу иш манфаатларини назарда тутадилар, улар тўртбурчак «қурамиз», чизиқ «ўтказамиз», «устма-уст қўямиз» ва ҳоказо ибораларни ишлатадилар, буларнинг ҳаммаси уларнинг оғизларидан булоқ сувидай оқиб чиқади. Айтиш керакки, аслида бу билиш учун шуғулланиладиган фандир.

– Шундайлиги аниқ.

– Яна ушбуни ҳам айтиб ўтсакмикан...

– Хусусан нимани?

– Бу, пайдо бўлиб, йўқ бўлиб кетадиган нарсани эмас, боқий борлиқни билиш учун шуғулланиладиган фандир.

– Яхши изоҳ: дарҳақиқат геометрия – бу абадий (боқий) борлиқни билишдир.

– Демак, азизим, у дилни ҳақиқатга етаклайди ва фалсафий фикрни юксакларга кўтариб, унга таъсир ўтказади, ҳозир эса бизда у зарур бўлганига зид ўлароқ, тубандир.

– Ҳа, геометрия бунга жуда ҳам таъсир ўтказади.

– Демак, Зебо шаҳар фуқароларига геометрияни асло ташламасликларини иложи борича қатъийроқ тайинлаш зарур, ҳатто, унинг иккинчи даражали ишлатилиши ҳам муҳимдир.

– Қандай?

– Сенинг айтиб ўтганинг – ҳарбий ишда қўлланилиши, ҳа, айтиш керакки, барча фанларда ҳам – уларни (фанларни) яхшироқ ўзлаштириш учун: зеро, геометрияга тааллуқли бўлган ва тааллуқли бўлмаган одамлар орасида қанчалик бениҳоя фарқ мавжудлигини биз биламиз.

– Зевс билан онт ичаман, бениҳоя фарқ бор.

– Буни бизнинг ўспиринларимиз ўрганадиган иккинчи фан, деб қабул қиламизми?

– Қабул қиламиз.

Астрономия – Яна нима? Учинчи фан бизда астрономия бўлса нима дейсан?

– Менимча, шундай бўлиши керак, чунки йил фасллари, ойлар ва йилларнинг алмашилишини диққат билан кузатиш нафақат деҳқончилик ва денгизда сузиш учун, балки ҳарбий ҳаракатларга (юришларга) раҳбарлик қилиш учун ҳам улардан кам бўлмаган миқдорда яроқлидир.

– Кўпчиликка гўё сен бефойда фанларни тайин этаётганингдек бўлиб туюлишидан қўрқаётганинг сенинг яхши фазилатинг. Айтиш керакки, гарчи бунга ишониш қийин бўлса-да, қуйидагилар жуда муҳимдир: бу фанларда, ҳар бир инсон дилининг бошқа машғулотлар ҳалок этадиган ва кўр қиладиган қандайдир қуроли покланади ва янгидан тирилади, айтиш керакки, минглаб кўзга эга бўлишдан кўра, уни (яъни, дилнинг ўша қуролини – тарж.) бутун сақлаш қимматлироқдир, зеро, фақат унинг ёрдамида ҳақиқатни кўриш мумкин. Ким бунга қўшилса, сен жуда яхши гапирдинг деб қарор қилади, кимда-ким буни ҳис этмаса, табиийки, гўё сен сафсата билан машғулсан, деб ўйлайди ва, уларнинг фикрича, ундан ҳеч қандай фойда ҳам йўқ, эслашга арзийдиган нарса ҳам йўқ. Шунинг учун қайси хилдаги одамлар билан суҳбатлашаётганингни дарҳол ҳисобга олиб қўй. Ёки сен, униси билан ҳам, буниси билан ҳам эмас, балки асосан ўзинг учун тадқиқотга киришаётгандирсан? Аммо шундай бўлган ҳолда ҳам, агар бошқа кимдир улардан ўзига фойда чиқара олса, сен қаршилиқ кўрсатмаслигинг керак.

– Кўпинча мен мана шундай, аммо ўз-ўзим учун, саволлар ва жавоблар воситасида мулоҳаза юритишни яхши кўраман.

– Бундай бўлса орқага қайт, чунки биз ҳозир геометриядан кейин келувчи фанни хато белгиладик.

– Биз нимада адашдик?

– Текисликлардан кейин биз ҳаракатда бўлган ҳажмли жисмларга киришдик, аслида уларни аввал ўз-ўзлари бўйи-

ча ўрганиш керак эди, зеро, иккинчи ўлчовдан кейин учинчи ўлчов кўриб чиқилса тўғри бўлар эди: у кублар ва чуқурликка эга бўлган барча нарсага тааллуқлидир.

– Шундайку-я, Сукрот, аммо бу ерда ҳали ҳеч нарса кашф этмаганга ўхшаймиз.

– Бунинг икки хил сабаби бор: бу фан эъзозланадиган давлатнинг ўзи йўқ, у жуда қийин бўлганидан уни ночор тадқиқ этадилар. Тадқиқотчилар раҳбарга муҳтожлар, унингсиз улар кашфиёт қилолмайдилар. Аввало, бундай раҳбарнинг пайдо бўлишини кутиш қийин, у пайдо бўлганда ҳам, аҳвол бундайлигида бу нарсаларни тадқиқ қилувчилар унга қулоқ солмаган бўлар эдилар, чунки улар ўзлари ҳақида жуда ҳам юқори фикрдалар. Агар бутун давлат бундай машғулотларни умуман ҳурмат қилганида ва уларга кўмак берганида, тадқиқотчилар бўйсунган бўлардилар ва уларнинг узлуксиз жаҳд билан олиб борган изланишлари ўрганилаётган фаннинг хусусиятларини очиб берган бўлар эди. Ҳатто, ҳозир бу машғулотларга кўпчилик ҳурмат кўрсатмайдиган, тадқиқотчилар уларнинг фойдалилиги ҳақида ўзларига ўзлари ҳисобот бермайдиган бир пайтда ҳам улар (яъни, ўша фанлар – *тарж.*) буларга қарамай ривожланмоқда, улар шунчалик жозибалидирлар. Шунинг учун, бу фан дунёга келганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

– Дарҳақиқат, унда жозибали нарсалар жуда кўп. Аммо сен ҳозиргина айтганларингни менга тузукроқ тушунтир: текисликка оид ҳамма нарсани ўрганишни сен геометрияга киритганмисан?

– Ҳа.

– Ундан кейин сен астрономияга киришдинг-да, яна ортга қайтдинг.

– Мен ҳамма нарсани тезроқ таҳлил қилишга шошилганимдан секинроқ бўлиб чиқди. Энди тартиб бўйича чуқурликни ўлчаш фани келар эди, аммо уни ўрганиш кулгили бир ҳолатда бўлганидан мен ундан сакраб ўтиб, геометрия-

дан кейин астрономия ҳақида, яъни чуқурликка (яъни, учинчи ўлчовга – тарж.) эга бўлган жисмларнинг айланиши ҳақида гапирдим.

– Сен тўғри айтасан.

– Шундай қилиб, билишнинг тўртинчи фани деб биз астрономияни айтамыз, у ҳозирги пайтда қандайдир эсдан чиқарилган, аммо агар давлат у билан шуғулланса, жонланади.

– Бу табиий. Суқрот, яқинда сен, менинг астрономияни мақташимни бачкана деб танбеҳ бердинг, мана энди мен унга сенинг руҳиятингда мадҳ айтаман: зеро, менимча, у дилни бу ердагидан нарига, юксақларга нигоҳ ташлашга мажбур этиши ҳаммага аён-ку!

– Балки, бу мендан ташқари ҳаммага ҳам аёндир, менга бундай эмасдай туюлади.

– Нега?

– Агар астрономия билан уни фалсафа даражасига кўтарувчиларга ўхшаб шуғулланилса, у бизнинг нигоҳимизни жуда қуйига қаратиб қўяди.

– Сен нимани назарда тутасан?

– Менимча, осмон ҳақидаги фан нималигини ўзинг учун ғоят зўр ҳал этиб олгансан. Балки сен яна, гўёки, агар кимдир бошини кўтариб шипдаги нақшларга назар ташласа ва ниманидир билса, буни кўзлари билан эмас, фикрлаш ёрдамида кўради, дерсан ҳам. Балки сен тўғри ўйлаётгандирсан, лекин мен соддароқман, шунинг учун бизнинг дилимизни юксақларга қарашга борлиқ ва кўринмайдиган нарсаларни ўрганадиган фандан бошқа қандайдир фан мажбур этади, деб ҳисоблай олмайман. Кимдир сезгилар ёрдамида ниманидир аниқлашга ҳаракат қилаётганида оғзини очиб юқорига ёки кўзини қисиб пастга қарайдими, бари бир, мен тасдиқлаб айтаманки, у бунга эриша олмайди, чунки бундай нарсалар учун билиш йўқ ва бундай ҳолатда инсон дили юқорига эмас, пастга қа-

райди, ҳатто, у ерда чалқанча гушиб ётадимиз ёки денгизда осмонга қараб сузадими, бари бир.

– Ҳа, мени роса бопадинг! Сен ҳақсан. Сенингча, астрономияни ҳозир ўрганаётганларидан фарқли равишда, қандай ўрганиш керак? Бизнинг мақсадимиз учун уни ўрганишнинг қандай фойдаси бор?

– Мана бундай. Кўриниш минтақасини безовчи осмондаги нақшларни бунга ўхшаш нарсалар ичида энг мукаммал ва зебоси, деб тан олиш керак бўлади, лекин улар ҳақиқий нарсаларга қаттиқ ютқизадилар, бу нарсалар бир-бирларига нисбатан ҳаракатда бўлади; уларнинг ҳаракатлари ҳақиқий тезлик ва секинлик билан, ҳақиқий сонга мувофиқ ва турли-туман шаклларда ҳаракатда бўлади, айтиш керакки, бор нарсанинг ҳаммаси ҳаракатланади. Бунга кўз билан эмас, онг ва идрок билан эришилади. Ёки, сенингча, айнан кўз биланми?

– Асло.

– Демак, худди агар Дедалнинг ёки бошқа бир уста ёхуд рассомнинг аъло даражада ва кунт билан чизиб чиқилган чизмаларига дуч келганимизда, самовий нақшлардан ҳақиқий борлиқни ўрганишда фойдаланиш зарур. Кимда-ким геометриядан хабардор бўлса, ўша одам уларга назар ташлаб, уларнинг ижросини гўзал деб топарди, аммо уларни, тенгликни, иккиланишни ёки бошқа муносабатларни ҳақиқий билиш манбаи сифатида кўриб чиқиш кулгили бўларди.

– Албатта кулгили бўларди!

– Нима, сенингча, юлдузлар айланма ҳаракатига қараб туриб ҳақиқий астроном бунга ишонч ҳосил қилмасмиди? У, буларнинг ҳаммасига ортиги билан чиройли тартибот берилганини топар эди, зеро, Демиург осмонни ҳам, осмондаги ҳамма нарсаларни: тун ва куннинг нисбати, уларнинг ойга, ойнинг эса – йилга, юлдузларнинг буларнинг ҳаммасига ва бир-бирига нисбатини шундай яратган. Аммо

у буларнинг ҳаммаси доимо бир хилда рўй беради ва ҳеч нарсада ҳеч қандай оғишлар бўлмайди, деб ўйлаган одамни бемаъни, тугуруқсиз деб, ҳисоблайди, албатта. Айтиш керакки, у (яъни Демиург – тарж.) турли йўллар билан бу ерда ҳақиқатга эришишга ҳаракат қилади, зеро самовий ёриткичлар жисмга эгалар ва кўриш қобилияти ёрдамида идрок қилинадилар.

– Сенинг далилларингга қўшиламан.

– Демак биз, астрономияни худди геометриядай, умумий ҳолларни ишлатиш орқали ўрганамиз, токи биз ҳақиқатан ҳам астрономияни ўзлаштирмақчи ва бизнинг дилимизнинг фойдаланилмаган, ўз табиати бўйича оқил ибтидосидан фойдаланмоқчи эканмиз, осмондаги у нарсаларни бир четда қолдирамиз.

– Астрономиянинг вазифасини ҳозир уни ўрганаётганларига қараганда анчагина мураккаблаштирмақдасан.

– Агар биздан, соҳиби қонунлар сифатида қандайдир фойда кутиладиган бўлса, мен ўйлайманки, бизнинг бошқа кўрсатмаларимиз ҳам худди шу хилда бўладилар. (Бунга) тўғри келадиган яна бирор фанни эслата оласанми?

– Ҳозир, дабдурустдан эслата олмайман.

– Менимча, ҳаракат бир турда бўлмайди, у бир неча турда бўлади, Уларнинг ҳаммасини (уларнинг билимдони) кўрсатиб бера олар, аммо бизда икки хили ҳақида тасаввур бор...

– Улар қайсилари?

– Кўрсатиб ўтилганидан ташқари, унга мос келадиган яна бири.

– Қандайи?

Мусиқа – Айтиш керакки, бизнинг кўзларимиз астрономияга тикилганидай, қулоқларимиз – мавзун оҳанглар ҳаракатига муштоқ; бу икки фан худди қондош она-сингиллардайдир, ҳар ҳолда пифагорчилар шундай деб тасдиқлайдилар, биз эса, Главкон, уларнинг фикрларига қўшиламиз. Шундай йўл тутамизми?

– Албатта.

– Ушбу мавзу мураккаб, шунинг учун улар уни қандай тушунтиришларини сўрайлик, балки улар яна нималарнидир қўшарлар. Аммо, нима бўлганида ҳам, биз ўз фикримизда турамиз.

– Қандай?

– Тарбия бераётганларимиз, биз ҳозиргина астрономия борасида айтиб ўтганимиздай мақсадга йўналганмаган, бошқа нимадир номукамал нарсани ўрганишга уринмасинлар ҳам. Сен, уйғунлик (гармония) борасида ҳам худди ўша хато қайтарилаётганини билмайсанми? Худди астрономлар сингари у ерда одамлар фойдасиз меҳнат қилмоқдалар: улар эшитиш қобилияти қабул қилиб оладиган оҳанглар ва товушларни ўлчайдилар ва солиштирадидилар.

– Худолар билан онт ичаманки, бу уларда ғалати чиқади: ниманидир улар «зичлаштириш» деб атайдилар ва, худди қўшни уйдан келаётган овоз товушларини илғаб олаётгандай, қулоқларини динг қиладилар; бирлари ўртада икки товуш орасида қандайдир акс садони илғаб топдим ва худди шу ерда, ўлчовларга асос қилиб олинадиган энг кичик оралиқ бор, дейдилар; бошқалари эса, бу ерда товушларда фарқ йўқ, деб ишонтириб, улар билан баҳшлашадилар.

– Сен, торларга ором бермайдиган ва (соз) қулоғини бураб қийноққа соладиган яхши одамлар ҳақида гапирмоқдасан. Плектр билан уриш, торларни қандай айблаш, уларни рад этиш ва улар билан керилиш ҳақида гапириб чўзиб ўтирмаслик учун, мен тасвирлашга барҳам бераман ва бу одамларнинг жавобларини эмас, балки, биз ҳозиргина уйғунлик (гармония) ҳақидаги фикрларини сўрамоқчи бўлганимиз пифагорчиларни назарда тутганимни айтиб ўтмоқчиман. Зеро, улар худди астрономлар каби иш юритадилар: улар, эшитиш қобилияти қабул қилиб оладиган оҳангларда сонни излайдилар, аммо умумий масалаларни

кўриб чиқиш даражасига кўтарила олмайдилар ва қандай сонлар ҳамоҳанг, қайсилари ҳамоҳанг эмас ҳамда нега бундайлигини аниқламайдилар.

– Сен айтаётган нарсалар (амалга ошса) – ажойиб иш бўларди!

– Ҳа, бу иш гўзаллик ва эзгуликни тадқиқ этиш учун ҳақиқатан ҳам фойдали, акс ҳолда ҳаракат қилишдан наф йўқ.

– Сўзсиз шундай.

Диалектик усул – Ҳар ҳолда мен ўйлайманки, агар биз таҳлил қилган барча фанларни ўрганиш уларнинг умумийлиги ва қардошлигини аниқлашгача етиб борса ва улар бир-бирларига айнан қайси жиҳатдан яқинликлари борасидаги хулосага олиб келса, у ҳолда у (ўша фанларни ўрганиш – тарж.) биз қўйган мақсадга эришишга ёрдам беради, шундай қилиб ушбу меҳнат бефойда бўлиб қолмайди. Акс ҳолда у бефойдадир.

– Менга ҳам шундай туюлади. Аммо, Сукрот, сен жуда мураккаб нарса ҳақида гапирмоқдасан.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан, кириш қисминими ёки бошқа ниманидирми? Буларнинг ҳаммаси ўзлаштириш керак бўлган таронанинг кириш қисмигина эканлигини биз билмаймизми? Зеро, ким бунда (яъни кириш қисмида – тарж.) кучли бўлса, ўшани моҳир диалектик деб ҳисобламайсан-ку!

– Зевс билан онт ичаманки, йўқ! Фақат, мен учратганларнинг баъзиларигина (шундай).

– Кимда-ким оқилона далил келтиролмаса ва уни қабул қилолмаса, ундай одам, бизнинг фикримизча, зарурий билимлардан ҳеч қачон, ҳеч нарсани билолмайди.

– Ҳа, бошқача бўлиши мумкин эмас.

– Шундай қилиб, Главкон, худди мана шу диалектика келтириб чиқарадиган ўша таронанинг ўзидир. Унга ақл-идрок билан эришилади, аммо айтиш керакки, кўриш қобилияти уни акс эттиришни хоҳдарди, лекин унинг ни-

манидир кўришга бўлган ҳаракатлари, биз айтиб ўтганимиздай, фақатгина ҳайвонларга шундайлигича, юлдузларга шундайлигича ва, ниҳоят, Қуёшга шундайлигича қаратилган. Қачонки кимдир мулоҳаза юритишга ҳаракат қилса, у ҳис, сезгиларни бир ёнда қолдириб, биргина ақл-идрок воситасида ҳар қандай нарсанинг моҳиятига интилади ва фикрлаш ёрдамида эзгулик моҳиятига етишмагунича ортга қайтмайди. Шундай қилиб, гўё бошқа биров кўринадиган (нарса)нинг чўққисига чиққандай, у ақл-идрок билан эришиладиганнинг қоқ чўққисида бўлиб қолади.

– Мутлақо тўғри.

– Ҳўш, нима десак экан? Сен бу йўлни диалектик йўл деб атамайсанми?

– Яна нима (демоқчисан)?

– Бу кишанлардан озод бўлиш, соялардан тимсоллар ва ёруғликка юз буриш, ер остидан Қуёшга кўтарилиш бўлади. Агар ўшанда ҳам тирик мавжудотларга, Қуёшга ва ўсимликларга қараш мумкин бўлмаса, у ҳолда, Қуёш билан солиштириганда соясидан ортиқ бўлмаган ёруғлик манбаи томонидан яратилган тимсоллар соясига қарагандан кўра, ҳақиқийнинг сувдаги илоҳий аксига ва соясига қараган яхшироқдир. Умуман олганда, биз гапириб ўтганимиз фанлар билан шуғулланиш бу имкониятни беради ва бизнинг дилимизнинг энг гўзал ибтидосини юксакликларга, мавжудиятдаги энг мукамалликни тафаккур қилишга етаклайди, бу худди, бизнинг баданимизга хос аввалги ҳолатдаги (сезгилардан) энг аниқ бўлганига, жисмонийдаги ва кўринадиган минтақадаги энг ёрқин нарсага йўналган бўлганига ўхшайди.

– Ушбу мулоҳаза юритиш қобилияти нимаси билан ажралиб туради, у қандай турлардан иборат ва унга олиб борадиган йўллар қандай? Бу йўллар, йўловчи учун гўё ором ва унинг саргардонликларининг тугалланиши билан яқунланувчи мақсадга олиб борадиганга ўхшайди.

– Азизим Главкон, гарчи менинг тайёргарлигимда камчилик бўлмаса-да, менга етиб юришга кучинг ҳозирча етишмайди. Зеро, сен биз айтаётганимиз нарсанинг тимсолини эмас, балки ҳақиқатнинг ўзини ҳар ҳолда менинг тасаввуримдаги ҳақиқатнинг кўриб бўлган бўлардинг. Ҳақиқатан ҳам шундайми, ёки йўқми – бунга ҳозирча зўр бериш керакмас. Аммо шунга ўхшаш ниманидир албатта кўриш зарур – бунда қатъий туриш керак. Шундай эмасми?

– Ҳўш?

– Фақат мулоҳаза юритиш қобилиятигина буни биз энди таҳлил этганимиз фанлардан хабардор одамга кўрсатиши мумкин, акс ҳолда бу асло мумкин эмас.

– Буни ҳам тасдиқлаш керак.

– Барча нарсани, яъни ҳар қандай нарсанинг моҳиятини гўё қандайдир бошқа бир йўл билан қамраб олишга ҳаракат қилиш мумкинлигини ҳеч ким бизга исботлаб беролмайди, зеро, тадқиқотнинг барча бошқа усуллари ё инсоний фикр-мулоҳазаларга ва хоҳишларга боғлиқ, ёки (нарсаларнинг) пайдо бўлиши ва қовушишига, ёки нима ўсса ва бирикса, ўшани тўла қувватлашга йўналтирилган. Биз айтиб ўтганимиздай, борлиқдан ҳеч бўлмаса нимагадир эришишга ҳаракат қилувчи бошқа фанларга келсак (гап геометрия ва ундан кейин келадиган фанлар ҳақида бормоқда), уларга борлиқ фақатгина тушда кўринмоқда, токи улар ўз тахминларидан фойдаланиб уларнинг пойдорликларини сақлаб эканлар ва улар ҳақида ўзларига ҳисобот бермас эканлар, уни ўнгларида кўришлари эса мумкин бўлмайди. Кимдаки у билайдиган нарса ибтидо (бошланиш) бўлиб хизмат қилса, хулоса (интиҳо) ва ўртаси қовуштириб бўлмайдиган нарсадан иборат бўлса, бундай номувофиқлик қачонлардир билимга айланиши мумкинми?

– Ҳеч қачон.

– Демак, бу борада фақат биргина диалектик услуб тўғри йўлни тутади: у тахминларни бир тарафга қўйиб, ибтидога,

уни асослаш мақсадида ёндашади; варварлик ботқоғига ботган бизнинг дил нигоҳимизни у шу ботқоқдан аста-секин суғуриб олади ва ёрдамчилар ҳамда ҳамроҳлар сифатида биз таҳлил этганимиз фанлардан фойдаланиб, уни (яъни, дил нигоҳимизни – *тарж.*) юксакларга, осмонга йўналтиради. Одатга кўра, биз уларни фанлар деб атадик, аммо бу ерда бошқа ном талаб қилинади, чунки уларнинг усуллари, тарчи мулоҳазага қараганда аниқроқ бўлса-да, фан каби равшан эмас. Айтиш керакки, менимча, ҳозир бизда бўлганидай кўриб чиқиладиган нарсаси бунчалик улкан бўлганида ном ҳақида баҳслашиш ноўриндир.

– Ҳа, баҳслашишга ҳожат йўқ.

– Ном ўзи нимани англатаётганини аниқ-равшан ифодаласа бўлгани, шунинг ўзи бизга етарли бўладими?

– Ҳа, етарли.

Диалектик услуб бўлимлари – билиш, мулоҳаза юритиш, ишонч, ўхшатиш

– Унда, олдин бўлганидай, бизни қуйидаги номлар қониқтиради: биринчи бўлим

– билиш (билим), иккинчиси – фикр юритиш, учинчиси – ишонч (имон), тўртинчиси – ўхшатиш. Охирги иккиси биргаликда мулоҳазани, биринчи иккитаси – фикрлашни ташкил этади. Мулоҳаза шаклланишга, фикрлаш – моҳиятга тааллуқли. Ва моҳият шаклланишга қандай тааллуқли бўлса, фикрлаш ҳам мулоҳазага худди шундай тааллуқлидир. Фикрлаш мулоҳазага қандай тааллуқли бўлса, билиш ишончга, фикр юритиш эса – ўхшатишга шундай тааллуқлидир. Биз мулоҳаза қилаётган нарсани ва ақл билан эришадиганимизни икки минтақага бўлиб ва бу белгилашларнинг уларга тааллуқли бўлган нарсага мос, мувофиқлигини, Главкон, айтилган мулоҳазалардан ҳам узунроқ мулоҳазаларга берилмаслик учун, четлаб ўтаемиз.

– Мен бошқаларида ҳам, кучим етганича сенга эргашшишга розиман.

Диалектика таърифи – Кимнинг ҳар бир нарса моҳияти-нинг исботига кучи етса, ўшани, сен албатта, диалектик деб атайсан. Агар кимдир бундай қилолмаса, у ҳолда, у на ўзига, на бошқага қанчалик ҳисобот беролмаса, сен бунга унинг ақли шунчалик етишмайди, дейсан.

– Бундай демай бўладими?

– Эзгулик борасида ҳам иш худди шундай. Кимда-ким исбот ёрдамида эзгулик ғоясини, уни қолган барча нарсалардан ажратиб, аниқлай олмаса, кимда-ким, худди жанг майдонига боргандай, барча тўсиқлардан ўтиб, мулоҳазага эмас, моҳиятни тушунишга асосланган раддияга интилиб бормаса; буларнинг ҳаммасининг орасидан метиндай қатъият билан олға силжимаса, бундай (одам) ҳақида сен, унга на эзгуликнинг ўзи, на қандай бўлса-да умуман эзгулик номаълум, агар у қандайдир йўл билан эзгулик шарпасига яқинлашса, у ҳолда билим ёрдамида эмас, фақатгина мулоҳаза ёрдамида бўлади, дейсан. Бундай одам ҳозирги ўз ҳаётини уйқу ва рўёларда (тушларда) ўтказди ва у бу ерда уйгонгунича, Айдга келиб, бутунлай уйқуга ғарқ бўлади.

– Зевс билан онт ичаман, мен буларнинг ҳаммасини қатъиян тасдиқлайман.

– Ўз болаларингга эса, – тўғри, ҳозирча уларни фақат хаёлан ўстирмоқдасан ва тарбияламоқдасан, – агар уларни ҳақиқатан ҳам ўстиришингга тўғри келиб қолса, токи улар чизма қораламаси каби гунг эканлар, давлатда ҳукмдор бўлишларига ва жуда муҳим ишлар билан шуғулланишларига йўл қўймаган бўлардинг-ку!

– Албатта йўл қўймас эдим.

– Ва сен қонун билан уларга, уларнинг саволлар ва жавоблар ишидан олий даражада хабардор бўлишларига омил бўлувчи тарбия олишлари мажбуриятини юклаган бўлардингми?

– Биз сен билан биргаликда шунда қонун чиқарамиз.

– Диалектика бизда барча билимлар хулосаси худди бинога кўрк багишловчи арақига ўхшаш бўлади, ва қандайдир бошқа билимни ундан юқори қўйиш нотўғри бўлар эди, деб ўйламайсанми?

– Менимча, шундай.

– Энди сенга, бу билимларни кимга етказиш ва буни қай тарзда бажаришни белгилаш қолди, холос.

– Шундай.

Яна бир бор ҳокимларни саралаш ва уларнинг тарбияси ҳақида

– Ҳокимларни сайлаб олиш ҳақида гапирганимизда қандайларини танлаб олганимиз эсингдами?

– Бўлмаса-чи!

– Умуман олганда, ўшанда кўрсатиб ўтилган фитрат (феъл-атвор)ларни сайлаб олиш керак, яъни энг ишончли, мард ва иложи борича энг одоблиларини танлаш зарур. Аммо, бундан ташқари, нафақат олижаноб ва яхши ахлоқли одамларни, балки ана шундай тарбияга тўғри келадиган хусусиятлар соҳиби бўлганларни ҳам излаб топиш даркор.

– Сенингча, бу ким бўлиши мумкин?

– Уларда, дўстим, фанларни яхши қабул қилиш қобилияти ва ўткир фаҳм-фаросат бўлиши керак. Зеро, дил фанларнинг қудрати олдида, гимнастик машқларга қараганда кўпроқ ҳадиксирайди, бу қийинчилик дилга кўпроқ тааллуқлидир, бу унинг жисм билан баҳам кўрмайдиган хусусиятидир.

– Бу тўғри.

– Яхши хотирали, метиндай мустаҳкам ва барча борада меҳнатсевар одамни излаш зарур. Бундай бўлмаса, нима, сенингча жисмоний машаққатларга бардош бериш ва бунинг устига шунча ўқиш ва машқ қилишга иштиёқманда бўлармиди?

– Бошқа бунақасини топа олмаимиз, зеро, у жуда-жуда истеъдодли фитрат бўлмоғи зарур.

– Бизнинг замонамизнинг хатоси ҳам шунда, ва шунинг учун ҳам у (фалсафа) лойиқ бўлган мақомда унга киришмаганларидан фалсафани етарли даражада қадрламайдилар, – биз аввал ҳам бу ҳақда гапирган эдик. У билан пасткаш одамлар эмас, олижаноб одамлар шуғулланмоқликлари зарур.

– Яхшироқ тушунтир.

– Аввало, унга киришган одамда меҳнатсеварлик оқсамаслиги зарур, инсон фақат ярмига меҳнатсевар, ярмига эса танбал бўлса, бундай ҳолат рўй беради. Агар кимдир гимнастика, ов ва умуман баданни ривожлантирувчи машғулотни яхши кўрса, аммо ўқишни, тадқиқот ўтказишни ёмон кўрса, қизиқувчан бўлмаса, шунда кузатилади – бундай машаққатли ишлар унда нафрат уйғотади. Меҳнатсеварлиги бунга қарама-қарши бўлган қийинчиликларга қаратилган одамни ҳам оқсоқ деса бўлади.

– Сен ҳақсан.

– Демак, ҳақиқат борасида ҳам, агар дил ўзининг билиб туриб қилинган ёлғондан жирканишига қарамай (бунга у, ўзида бўлса ҳам чидамайди, бошқаларнинг ёлғонидан ҳам ғазабга келади), бари бир билмасдан, беҳос айтилган ёлғонни мумкин деса ва дил энгилтаклик билан жаҳолатга худди чўчкадай булганганига ишора қилганда уялмаса, биз уни (дилни) жароҳатланган, деб ҳисоблаймиз.

– Буларнинг ҳаммаси мутлақо тўғри.

– Мулоҳазалилик, мардлик, олиҳимматлик ҳамда яхши фазилатларнинг бошқа барча қисмлари борасида ҳам, ким олижанобликни, кимдир эса – пасткашликни намоён этаётганини бундан кам бўлмаган даражада кузатиш зарур. Бунинг фарқини ажрата олмайдиганлар – бу хусусий шахс бўладими ёки давлатми – ўзи бунга билмай, бу ёки бошқа заруратлар учун – дўстлар ёки ҳукмдорлар сифатида – бир оёғи оқсоқ ва пасткаш одамларни жалб этади.

– Ҳақиқатан ҳам бундай аҳвол тез-тез бўлиб туради.

– Биз шундай нарсаларга йўл қўймаслигимиз керак. Агар тани ва рудияти соғ одамларни танлаб олсак ва уларни юксак билимлар ҳамда кучайтирилган машқлар воситасида тарбияласак, у ҳолда адолатнинг ўзи бизга ҳеч нарсада таъна қилмайди ва биз давлатни ҳам, унинг тартиботини ҳам яхлит (бутун)ликда сақлаб қоламиз; агар биз бунга нолойиқ одамларни танлаб олсак, у ҳолда бизда ҳамма нарса аксинча бўлиб чиқади ва фалсафага янада кўпроқ кулгилар ёғилади.

– Бу шармандалик бўларди.

– Албатта. Аммо, кўриниб турибдики, мен ҳозирнинг ўзидаёқ кулгили аҳволда қолдим.

– Нега?

– Бунинг ҳаммаси фақат бир эрмак эканлигини унутиб, мен кучим борича кучаниб гапирдим. Гапираётим эса, мен фалсафага қараб қўярдим ва уни қандай хўрлаётганларини кўрардим. Бунинг айбдори бўлганларга жаҳл қилиб, мен бехосдан қизишиб кетдим ва жуда ҳам жиддий гапирдим.

– Зевс билан қасам ичаманки, бир тингловчи сифатида менда бундай таассурот қолмади.

– Лекин менда – нотик сифатида шундай таассурот қолди. Аммо мана бунинг эсдан чиқармайлик: ўшанда саралаш ҳақида гапираётим, биз кексаларни танлаб олган эдик, энди эса, бунинг нотўғрилиги маълум бўлди, зеро, Солоннинг гўё инсон қариган сари кўп нарсани ўрганиши мумкин деган гапига ишониб бўлмайди; аксинча, бунга у чопишга (югуришга) қараганда ҳам камроқ қобилиятли бўлиб боради: барча буюк ва кўпдан-кўп асарлар айнан ёшларга тегишлидир.

– Сўзсиз шундай.

Тарбиянинг ёш бўйича босқичма-босқич изчиллиги

– Демак, ҳисоб, геометрия ва диалектикадан олдин келадиган бошқа турли дастлабки билимларни

бизнинг кўриқчиларимизга ёшликлариди ўргатиш керак ва бу борада ўқитиш шаклини мажбурий қилмаслик керак.



– Яъни?

– Хур туғилган одам ҳеч бир фанни қулларча ўрганиши керак эмас. Тўғри, агар танни қийинчиликларни енгиб ўтишга зўрма-зўраки мажбур этилса, бу билан у ёмонлашиб қолмайди. Аммо дилга зўрлаб жойлаштирилган билим омонатдир.

– Бу тўғри.

– Шунинг учун, дўстим, сен ўз фарзандларингни зўрлаб эмас, ўйнатиб ўргатгин, шунда сен уларнинг ҳар бирининг табиий мойиликларини яхшироқ кузатиш имкониятига эга бўласан.

– Айтаётганларинг асоссиз эмас.

– Эсингиздами, биз болаларни урушга ҳам олиб бориш керак – албатта, томошабин сифатида, отларда, хавфсизроқ бўлган, яқинроқ бўлган жойларга олиб бориш керак, деган эдик; майли улар кучукчалардай қонни искаб кўрсинлар.

– Эсимда.

– Кимда-ким буларнинг ҳаммасида – меҳнат-машаққат, фан, хавф-хатарда – ўзини доимо энг топқир қилиб кўрсатса, уларни алоҳида рўйхатга киритиш зарур.

– Қайси ёшда?

– Улар мажбурий жисмоний машқлардан озод этилганларида. Зеро, ушбу муддат давомида, у икки ёки уч йил давом этадимиз, бари бир, уларда бошқа нарса билан шуғулланишга имконият йўқ. Чарчоқ ва уйқу – илмнинг душманидир. Шу билан бирга, жисмоний машқларда ким ўзини қандай кўрсатиши – бу ҳам муҳим синов.

– Бўлмаса-чи?

– Бу муддат тутагач, ўн икки ёшлилар орасидан танлаб олинган ёшлар бошқаларига нисбатан кўпроқ иззатли бўладилар, уларнинг болаликларида айрим-айрим ўқитилган фанлардан эса қисқача умумий маълумот берилади, токи уларнинг ўзаро ва борлиқ табиати билан ўхшашлиги кўрсатиб ўтилсин.

– Шу йўл билан олинган билим мустаҳкам бўлади.

– Инсонда диалектика билан шуғулланиш учун табиий қобилиятнинг бор ёки йўқлиги асосан шу билан текширилади. Ким буларнинг ҳаммасини кўра олса ва таҳлил қила олса, ўша – диалектикдир, кимнинг бунга кучи етмаса у – диалектик эмас.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

– Ким у борада (бошқалардан) ажралиб турса, кимдаким илм-фанда, урушда ва қонун нимани талаб қилса, ўшанда собит бўлса, ўшаларни сен аниқлашинг керак бўлади. Бу йигитлар ўттиз ёшга кирганларида уларни яна саралаш, уларга янада кўпроқ иззат-икром кўрсатиш ва улардан қайсилари, кўриш ҳамда бошқа сезгиларга эътибор бермай, ҳақиқий борлиққа кўтарила олишларини кузата бориб, уларнинг диалектикага қобилиятларини синаш керак бўлади. Аммо, дўстим, бу ўринда жуда катта эҳтиёткорлик талаб этилади.

– Нега?

– Бизнинг давримизда мулоҳаза юритиш билан боғлиқ балони, у қанчалик (кенг) тарқалганлигини сезмаяпсанми?

– У нимадан иборат?

– Бу билан шуғулланувчи одамлар қонунбузарликка муккасидан кетганлар.

– Жуда қаттиқ муккасидан кетишган.

– Уларнинг ҳолатлари сени ҳайратга солмайдими? Улар, сенингча, шафқатга лойиқ эмасмилар?

– Асосан қай борада?

– Бир мисол олиб кўрайлик: қандайдир ташландиқ бола бойликда, катта ва машҳур оилада улғаяди, унинг кўнглига қараб, лутф этадилар. Катта бўлгач, у ўз ота-онам деб юрганлари бегоналар эканлигини билиб қолади, ҳақиқий ота-онасини эса тополмайди. У, ўзини эркалаган ўғай ота-онасига – аввал ўзининг ташландиқлигини билмаган вақтида, кейин эса буни билганида қандай муносабатда бў-

лишини олдиндан айта оласанми? Хоҳлайсанми, мен ўзининг фикримни айтаман?

– Хоҳлайман.

– Ҳақиқатни билмаган вақтида у ўзининг ёлғон қариндошлари – онаси, отаси ва бошқа барчани ўзини эркатланганларга қараганда кўпроқ ҳурмат қилишини олдиндан кўриб турибман. Унинг томонидан уни эркатланганларнинг эҳтиёжларига қараганда, қариндошлар эҳтиёжларига эътибор кўпроқ бўлади, қонунга хилоф хатти-ҳаракат ёки уларга бўйсунмаслик камроқ рўй беради.

– Бу табиий.

– У ҳақиқатни билганида, ўйлайманки, агар у ўз табиати бўйича унчалик андишали бўлмаса, ўтай қариндошларга ҳурмат ва эътибори камаяди, уни эркатланганларга эса кучаяди; у уларга (эркатланганларга) олдингидан кўпроқ қулоқ солади, улар билан очиқчасига яқинлашиб, уларнинг ҳаёт тарзлари бўйича яшайди, ўзининг аввалги отаси ва бошқа ёлғондакам қариндошларига умуман ғамхўрлик қилмай кўяди.

– Ҳаммаси сен айтганингдек бўлади. Аммо сенинг мисолингнинг мулоҳазага алоқадор одамларга қандай алоқаси бор?

**Адолат инсонда
болаликдан тарбияланади**

– Мана бундай: нима адолатли ва яхшилиги борасида бизда ёшлигимиздан ота-оналаримиз таъсирида шакланган нуқтаи назарлар бор,

биз уларга бўйсунамиз ва уларни ҳурмат қиламиз.

– Ҳа, шундай.

– Аммо, ҳузурлар билан боғлиқ бошқа кўникмалар уларга қарама-қаршидир, улар (кўникмалар – тарж.) ўзларининг жозибадорликлари билан бизнинг дилимизни эркалайди. Тўғри, бирмунча рисоладаги инсонлар оталар ўғитларини одоб билан эъзозлаб, ҳурмат қилиб, уларга учмайдилар.

– Ҳа, шундай.

– Яна. Бундай ҳолатдаги одамга савол дуч келиб: «Гўзаллик нима?» деб сўраса, у одам, соҳиби қонундан одат-дагича ўзлаштирганидай жавоб беради, аммо кейинги мулоҳаза буни рад этади. Кўп қайтарилган ва ҳар хил раддиялардан кейин инсон шундай тубанлашиб кетадики, ҳатто, гўёки гўзаллик, хунуқликдан унча гўзал эмас, деган фикрга қўшилиб қолади. Адолат, эзгулик ва у алоҳида ҳурмат-эъзоз қилгани барча нарсалар билан ҳам худди шу ҳол рўй беради. Шундан кейин, сенингча, унинг ҳурмат-эҳтироми ва одоби нима бўлади?

– Энди унинг бундай ҳурмат-эҳтироми ва одоби бўлмайди.

– Агар буларнинг ҳаммасини у олдингидай қимматли ва қадрли, деб ҳисобламай қўйса, ҳақиқатни эса топишга қурби етмаса, табиийки, ўзига хуш ёқадиган ҳаётдан бошқа қандай ҳаёт тарзини танлаган бўларди?

– Бошқа барчасини истисно этарди.

– Гарчи аввал қонунларнинг талабларига риоя қилган бўлса ҳам, у қонунларни бузувчи бўлиб қоларди.

– Албатта, шундай бўлади.

– Демак, бунга ўхшаш ҳолат мулоҳаза юритишга тааллуқли одамлар учун табиий ҳолатдир ва, олдин мен айтиб ўтганимдай, бундай инсонлар раҳм-шафқатга лойиқдирлар.

– Ачинишга ҳам.

– Демак, ўттиз ёшга кирган одамлар сенда ачиниш (ҳиссини) келтириб чиқармасликлари учун, барча эҳтиёткорликлар билан мулоҳазаларга киришиш зарур.

– Бу бегумон.

– Мулоҳазалар юритишга иштиёқ ёшлиқдан пайдо бўлишига йўл қўймаслик доимий эҳтиёт чораларидан бири бўлмайdimи? Мен ўйлайманки, ўсмирлар бундай мулоҳаза юритишнинг мазасини татиб кўрганларидан кейиноқ, қарама-қаршилиқларга қизиқиб ва ким уларни рад қилса, ўшанга тақлид қилиб, эрмак учун мулоҳазалардан ёмон фойдаланадилар, яна ўзлари ҳам, ўз далиллари билан худди

кучукчалардай, ким тўғри келса, ўшани тортқилашиб, тишлаб пора-пора қилиб ташлашдан ҳузурланиб, бошқаларни рад қилишга киришадилар.

– Ҳа, бундан уларни тўхтатиш қийин.

– Улар кўп одамларни ва кўп одамлар уларни рад қилганларидан кейин, тезда ўзларининг аввалги тасдиқлаган нарсаларини инкор этишга мойил бўладилар, бу эса уларнинг ўзларини ҳам, бутун фалсафа фанини ҳам бошқалар назарида бадном қилади.

– Мутлақо тўғри.

– Кимнинг ёши каттароқ бўлса, у одам бундай бебошликда қатнашишни хоҳламайди; у, эрмак, ҳазил қилиш учун рад этувчи одамдан кўра, суҳбатда ҳақиқатга эришишни хоҳловчи одамга тақдир қилади. У ўзи ҳам вазмин бўлади, ўз машғулотини жиркантирадиган эмас, ҳурматга сазовор, ардоқли қилади.

– Тўғри.

– Биз олдин айтиб ўтганларимизнинг барчаси: мавҳум мулоҳазалар қилишга ҳозиргидек ким тўғри келса, ўша, шу жумладан мутлақо тўғри келмайдиган одамлар киришганларидек эмас, фақат рисолага тушган ва табиатан матонатли одамларгагина рухсат бериш керак, деб айтганимиз эҳтиёт чорасига кирмайдими?

– Албатта бу зарурий чора.

– Гимнастик машғулотлар йўли билан ўз баданини ривожлантираётганларга қиёсланда, агар доимо ва қаттиқ ғайрат кўрсатиб фақат мулоҳаза юритиш санъати билан шуғулланилса, бу санъатни эгаллашга икки баробар кўпроқ муддат етарли бўлармикин?

– Сен олти йил ёки тўрт йилни назарда тутмоқдамисан?

– Бу унча муҳим эмас. Майли, беш йил бўлақолсин. Шундан кейин улар яна ўша ғорга тушишлари керак бўлади, уларни давлат мансабларини – ҳам ҳарбий, ҳам ёшларга муносиб бошқаларини эгаллашга мажбур этиш зарур, токи улар

тажрибалиликда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмасинлар. Бунинг устига, улар турли-туман таъсирларга бардош бера оладиларми ёки нимададир кўнгила бўшлик қилиб қўядиларми уларни буларнинг ҳаммасида текширувдан ўтказиш керак.

– Сен бунга қанча вақт ажратмоқчисан?

– Ўн беш йил. Улар элик ёшга кирганларида, у ҳолда улардан қайсилари омон қолган бўлса ва ишда ҳам, билимларда ҳам ўзини кўрсатган бўлса – ўшаларни якуний мақсадга олиб бориш зарур – уларни ўзларининг руҳий нигоҳларини юксакларга қаратишга ва ҳамма нарсага нимайки ёғду берса, ўша нарсага нигоҳ ташлашга, эзгуликни ўз-ўзича кўргач эса, уни намуна сифатида олиш ва давлатни ҳам, хусусий шахсларни ҳам, ўзларини ҳам – ҳар бирини ўз навбатида – бутун қолган умрларигача тартибга солишларига мажбур этиш даркор. Вақтнинг кўпини улар фалсафий мушоҳадаларда ўтказадилар, навбати келганда эса, фуқаровий тартибот устида меҳнат қиладилар, давлат мансабларини эгаллайдилар – (бу ишларни) гўзал бўлгани учун эмас, балки бундай қилиш давлат учун зарурлигидан қиладилар. Шундай қилиб, улар ўзларига ўхшаш одамларни доимо тарбиялайдилар ва ўзларининг ўринларига уларни давлат соқчилари (соқчилари) қилиб қўядилар, ўзлари эса, яшаш учун Саодат соҳилига ўтадилар. Давлат жамият ҳисобига уларга ҳайкаллар қўяди ва агар Пифия тасдиқласа, маъбудларга қилгандек, қурбонлик қиладилар, агар тасдиқламаса, у ҳолда бахтиёр ҳамда илоҳий инсонлар сифатида қурбонлик қиладилар.

– Сен, Сукрот, худди ҳайкалтарошдек, ўзинг яратган ҳукмдорлар ҳайкалини жуда гўзал якунладинг.

– Ҳукмдор аёлларни ҳам, Главкон; менинг айтганларимнинг ҳаммаси эркакларга қанча тегишли бўлса, аёлларга ҳам шунчалик тегишлидир. Тўғри, бу, албатта, бунга табиий иқтидори, қобилияти бўлган аёлларга тааллуқдидир.

– Биз айтиб ўтганимиздай, модомики аёллар барча ишда эркаклар билан тенг қатнашар эканлар, бу тўғри бўлади.

– Хўш? Давлат ва унинг тартиботи борасида унчалик пуч нарсалар айтмаганимизга сизлар қўшиласизларми? Албатта, буларнинг ҳаммаси қийин (амалга ошади), лекин айтиб ўтилганидан бошқача бўлмаса, қандайдир имконият бор: қачонки давлатда ҳақиқий файласуфлар ҳукмдор бўлсалар, улар бир нечта бўла олдими ёки, ҳеч бўлмаса, битта бўладими, ҳозирги ҳурмат-эҳтиромларни тубан ва ҳеч нарсага арзимас, деб писанд қилмайдилар ва одоб ҳамда у билан боғлиқ шарафни юқори баҳолайдилар, қадрлайдилар, аммо энг улуғ ва зарурий деб адолатни ҳисоблайдилар; унга хизмат қилиб ва уни кўпайтириб, ўз давлатларини тузадилар.

– Аммо айнан қандай қилиб?

– Шаҳарда кимки ўн ёшдан катта бўлса, ўшаларни қишлоққа жўнатадилар, қолган болаларни ота-оналарга хос ҳозирги ахлоқ таъсиридан ҳимоя қилиб, биз аввал таҳлил қилганимиз ўша қонунлар доирасида, ўз хоҳишларича тарбиялайдилар. Шундай тарзда, биз айтиб ўтганимиз ўша давлат тартиботи осонгина ва тезда яратилади, давлат гуллаб-яшнайти, унда мавжуд бўлган халқ эса хушҳолликка эришади ва буюк фойда топади.

– Ҳа, жуда улкан фойда топади. Агарда қачонлардир амалга ошса, бу қандай рўй беришини, Сукрот, сен яхши тушунтириб бердинг.

– Демак, биз ушбу давлат ва унга муносиб одам ҳақида етарли даражада гаплашдик, шундайми? Зеро, бизнингча, у қандай бўлиши кераклиги равшан.

– Ҳа, равшан. Менимча, сенинг томонингдан қўйилган савол ҳам якунига етди.

САККИЗИНЧИ КИТОБ

– Шундай бўлақолсин. Главкон, сен билан мен: намунали тартибот берилган давлатда хотинлар шунингдек, болалар ҳам умумий бўлиши керак ва уларнинг тарбияси ҳам умумий бўлади; буларнинг ҳаммасининг устидан фалсафа ва ҳарбий ишда ўрناق кўрсатганлар подшоҳ бўлиши даркор, деб келишдик.

– Ҳа, биз шундай келишдик.

– Ҳокимлар тайинланишлари билан, улар ўз аскарларини оладилар ва биз аввал айтиб ўтганимиз турар жойларга жойлаштирадилар, деб келишган эдик; ҳеч кимда шахсий ҳеч нарса бўлмайди, аммо ҳамма нарса ҳаммада умумийдир. Ёдингда бўлса, турар жойлардан ташқари у ерда уларда қандай мулк бўлиш кераклигини айтиб ўтган эдик.

– Эсимда, ҳозир қилаётганларидай, ҳеч ким ҳеч нарса сотиб олмаслиги керак, деган нуқтаи назарда турган эдик. Ҳарбий ишда фаолият кўрсатаётган бизнинг қўриқчиларимиз қўриқлаганлари учун бошқа фуқаролардан бир йилга етадиган озиқ-овқат захираси сифатида мукофот оладилар, уларнинг вазифалари эса бутун давлатга ғамхўрлик қилиш бўлади.

– Сен тўғри айтасан. Модомики биз буни тугатган эканмиз, у ҳолда, ўзимизнинг аввалги йўлимизни давом эттириш учун, кел, (суҳбатда) четга оғиб кетишдан олдин нима ҳақида гаплашганимизни эслаб олайлик.

– Эслаш қийин эмас. Сен давлат тартиботи ҳақидаги ўз мулоҳазангни ҳозир нима деган бўсанг, тахминан ўша сўз-

лар билан тугатган эдинг, хусусан сен ўшанда, гарчи янада чиройлироқ давлат ва унга мувофиқ шундай одамни кўрса-тишинг мумкин бўлса ҳам, биз кўриб чиққан давлат ва унга мос инсонни яхши деб ҳисоблашингни айтгандинг. Модомики бундай давлат тартиботи тўғри экан, қолган ҳаммаси иллатли, дединг сен.

Бузуқ давлат тарти- ботининг тўрт хили

Агар тўғри эслаётган бўлсам, сен тўрт хилда иллатли давлат тартиботи мавжуд ва уларни аниқлаш зарур, токи уларнинг иллатлилиги кўринсин, – деб айтган эдинг; худди шунинг ўзи (унга) хос одамларга ҳам таллуқлидир: уларнинг ҳам ҳаммасини кўриб чиқиш даркор. Бир-биримиз билан келишиб олиб, биз энг яхши ва энг ёмон одамни олардик ва энг яхшиси – энг бахтли, энг ёмони – энг аянчлиси, эканлиги тўғрими ёки иш бошқачароқми, кўриб чиққан бўлардик. Сен қандай тўрт хил давлат тартиботи ҳақида гапирмоқдасан, деб сўраганимда, гапимизни Палемарх ва Адимант бўлиб қўйишди ва сен, токи биз ушбу масалага етиб келмагунимизча, улар билан суҳбатлашдинг.

– Сен жуда тўғри эслатдинг.

– Ана энди сен, худди курашчи (полвон)дай яна ўша ҳолатда тургинда, менинг ўша саволимга, ўшанда қандай жавоб бермоқчи бўлган бўлсанг, шундай жавоб бергин.

– Агар қўлимдан келса.

– Менинг эса, ҳақиқатан ҳам сен давлат тартиботининг қандай тўрт хили ҳақида гапирганингни эшитишга сабрим чидамаяпти.

– Бу қийин эмас, эшитасан. Мен худди ўша маълум бўлган хиллари ҳақида гапирмоқдаман. Кўпчилик крит-лаке-демон тартиботини маъқуллайди. Иккинчи ўринда камроқ маъқулладиган олигархия туради: бу давлат тартиботи кўп балолар келтиради. Бу тартиботдан ундан фарқланувчи демократия пайдо бўлади. Машхур тирания уларнинг барчасидан фарқ қилади – бу давлатнинг тўртинчи ва дав-

латнинг ўта касалмандлигидир. Балки сенда, қандайдир кўринишда равшан намоеён бўладиган бошқа давлат тартиботининг ғояси бордир? Зеро, меросий ҳокимият ва пулга (сотиб) олинадиган подшоҳлик ҳамда, буларга ўхшаш бошқа ҳар хил давлат тартиботлари кўрсатиб ўтилган тартиботлар орасида қандайдир оралиқ ҳолатни эгаллайди ва варварларда ҳам эллинларга қараганда кам учрамайди.

– Ҳа, бунинг ҳақида кўп қизиқ нарсаларни ҳикоя қиладилар.

– Шундай қилиб, биласанки, ҳар хил одамларда, давлат тартиботининг қанча хили бўлса, худди шунча руҳий феъл-атвор бўлади. Ёки сен, давлат тартиботлари қаердан пайдо бўлиши номаълум, тартиботлар давлатларда мавжуд бўладиган ва улар томони огирроқ келгани учун қолган ҳаммасини ўз ортидан тортиб кетадиган ахлоқ-одобдан эмас, балки эман ёки қоядан пайдо бўлади, деб ўйлайсанми?

– Асло, фақат ундан (ахлоқдан) пайдо бўлади.

Беш хил феъл-атворнинг беш турдаги давлат тартиботига монандлиги ҳақида

– Демак, модомики давлат хиллари бешта экан, у ҳолда турли одамларда, дилнинг тузилиши ҳам беш хил бўлиши зарур.

– Нима демоқчисан?

– Энг яхши бошқарув – зодагонларга (аристократик) бошқарувга монанд инсонни биз таҳлил этиб бўлдик ва уни яхши ҳамда адолатли деб тан олиб тўғри қилдик.

– Ҳа, биз уни таҳлил этиб бўлдик.

– Энди биз, ёмонларини ҳам баён этишимиз зарур, бошқача айтганда, бир-бирлари билан рақобат қилувчи ва шуҳратпараст – лакедемон тузумига мос одамларни, кейин – олигархик, демократик ва тирания (мустабид) одамни баён этишимиз керак, токи, энг адолатсизни кўрсатиб, уни энг адолатлига қарама-қарши қўйиш мумкин бўлсин ва бу билан бизнинг, тоза адолат, тоза адолатсизликка унинг соҳиби (адолат соҳиби – тарж.) учун бахт ёки бахтсизлик

нуқтаи назаридан қандай муносабатда бўлиши ҳақидаги масаламизни яқунлашимиз даркор. Шунда биз ё Фрасимаҳга ишонамиз ва адолатсизликка қараб интиламиз, ёки энг аниқ-равшан бўлаётган ўша ҳулосага келамиз ва адолатга риоя қиламиз.

– Сўзсиз шундай қилиш даркор.

– Модомики биз, айрим шахслардан эмас, анчагина аниқроқ бўлганлари учун, давлат ахлоқларини кўриб чиқишдан бошлаган эканмиз, у ҳолда энди ҳам аввал шуҳратпарастликка асосланган давлат тузумини (бошқа ибора тополмадим, биз уни «тимократия» ёки «тимархия» деймизми), кейин – олигархияни ва олигархик одамни (кўриб чиқамиз); сўнг демократияга нигоҳ ташлаймиз ва демократик одамни кузатамиз; ниҳоят, тираник (мустабидона) бошқариладиган давлатга борамиз ва яна дилнинг тираник феълига эътибор бериб, у ерда нима бўлаётганини кўриб чиқамиз. Шундай қилиб, биз ўзимиз белгилаган масалаларда етарли даражада билимдон ҳакамлар бўлишга ҳаракат қиламиз.

– Бундай кўриб чиқиш изчил ва асосли бўларди.

Тимократия

– Кел, истократик бошқарувдан тимократик (бошқарув) қандай йўл билан келиб чиқиши мумкинлигини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Балки бу жуда оддийдир, ва давлатдаги ўзгаришларнинг келиб чиқиши, унинг ҳокимиятга эга бўлган қисми ичида пайдо бўлувчи низолар туфайлидир? Ёки, хоҳдасанг, худди Гомердай Музаларга мурожаат қилармиз, токи улар «илк бор низо қачон кириб келганини» бизга айтиб берсинлар ва, тасаввур қилайликки, улар бизга баландпарвоз, фожиа пардасида ва гўёки жиддий жавоб берадилару, аслида у жавоб уларнинг ҳазиллари бўлади ва улар, болаларга тегажаклик қилгандай, бизга тегажаклик қиладилар.

– Улар бизга нима дейдилар?

– Мана бунга ўхшаган нимадир дейишади: «Бу тарзда тартиб берилган давлатга путур етказиш қийин. Аммо модомики нимаики пайдо бўлса, унинг ниҳояси бўлар экан, ҳатто шундай тузум ҳам абадий сақланмайди, емирилишга гирифтор бўлади. Бу ушбуни билдиради: ҳар сафар айланма ҳаракат маълум бир даврнинг тўла ниҳоясига етишига олиб келганида ҳосил ва ҳосилсизлик нафақат ердан ўсиб чиқаётган нарсаларга, балки унда яшайдиган нарсалар – диллар ва жисм (бадан)ларга бўлади: умри қисқа мавжудотларда бу давр (цикл) қисқа, умри узунларда – аксинча. Гарчи сиз давлат раҳбарлари сифатида тарбиялаганларингиз доно бўлсалар-да, аммо улар ҳам сезгига асосланган мулоҳаза йўли билан сизнинг уруғингиз учун ҳосил беришнинг энг яхши вақтини ва, аксинча, ҳосилсизлик вақтини бошқа одамлардан яхшироқ аниқлашга қодир эмаслар. Бунга улар эришолмайдилар ва уларнинг ўзлари бевақт бола тугадилар. Илоҳий авлод учун, мукаммал сон билан қамраб олинган айланиш (даври) мавжуддир, инсонийси учун эса шундай сон борки, унда – ҳаммасидан биринчисида – уч оралиқ ва тўрт чегара (ўхшатиш, ўхшатмаслик, ўсиш ва камайиш)ни ўзига олган квадрат ва куб даражаларига кўтариш ҳамма нарсани ўлчовдош ва ифодаланувчи қилади. Бу сонлардан бешга туташ тўртдан учи, уч (карра) кўпайтиришдан кейин, иккита уйғун (гармоник) бирикма беради, бири – тенгтомонли, яъни юзликни шунча марта олингани, бошқаси эса, ўша узунликнинг ўзида, лекин чўзиқроқдир; бошқача айтганда, бешнинг ифодаланувчи диаметрлари сони, ҳар сафар бирни айирган ҳолда юз марта олинади, ифодаланмайдиганларидан эса иккилар айрилади ва улар учнинг кубу бўйича юз марта олинади. Ҳаммаси яхлит ҳолда геометрик сон бўлиб, у (сон) туғилишлар сифати яхши ёки ёмон бўлишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Модомики бу бизнинг қўриқчиларимизга тушунарсиз қолар экан, улар келинлар ва куёвларни вақтида қовуштиришмас

экан, яхши табиий иқтидорли ва бахтли тақдирли болалар туғилмайди. Аввалги қўриқчилар ўзларининг ворислари этиб бу болалардан энг яхшиларини тайинлайдилар, аммо улар бари бир бунга лойиқ одамлар бўлмайдилар ва ўз оталарининг мансабларини эгаллашлари билан ўзлари қўриқчилар бўлишларига қарамай, бизни менсимай қўядилар. Муסיқий, ундан кейин гимнастик санъатларни ҳам улар муносиб баҳолай олмайдилар; шунинг учун йигитлар бизда камроқ маърифатли бўладилар ва уларнинг орасидан Гесиод авлодларини ҳимоя қилиш ҳамда синашга унча қодир бўлмаган ҳукмдорлар чиқади, зеро, сизда ҳам худди ўшандайлар, яъни олтин, кумуш, мис ва темир (ҳукмдорлар) дир. Қачонки темир кумушга, мис эса олтинга қоришиб кетса, оғишлар ва бемаъни бирикмалар пайдо бўлади, бу эса, қаерда рўй бермасин, дарҳол душманлик ва низо келтириб чиқаради. Тан олиш лозимки, қаерда низо чиқмасин, унинг «табиати абадий шундайдир».

– Тан олиш керак, Музалар бизга тўғри жавоб бермоқдалар.

– Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, улар Музалар-ку!

– Улар бундан кейин нималар дейдилар?

– Агар низо пайдо бўлса, бу шуни билдирадики, ҳар иккита уруғ (қабила) ўз тарафларига тортар эдилар: темирдан бўлгани ва мисдан бўлгани бойишга, ер ва уйлар сотиб олишга, ҳамда олтин ва кумуш олишга олтин ва кумуш уруғлар эса, камбағал эмас, аммо табиатан бой-бадавлатлари дилларни яхшилик ва қадимий тартибот томон олиб борадилар. Улар бир-бирлари билан курашиб ва рақобатлашиб, ниҳоят, ўртача бир нимага келишди: ер ва уйларни ўзаро бўлиб олишиб, уларга хусусий мулкчиликни ўрнатишга келишдилар, бу пайтгача кимларни ўзларининг эркин дўстлари ва боқувчилари сифатида қўриқлаган бўлсалар, ўшаларни қулларга айлантиришга қарор қилдилар,

уларни қишлоқ меҳнатчиси ва хизматкор қилиб, ўзлари ҳарбий иш ва қўриқлаш хизмати билан шуғулландилар.

– Бу ўзгариш, менимча, ўшандан бошланган.

– Демак, бундай давлат тартиботи – аристократия ва олигархия орасидаги бир нарса (деса бўлади).

– Бегумон шундай.

– Ушбу ўтиш шундай рўй беради; у ҳолда давлат тартиботи қандай бўлади? Модомики ўртача ҳолатни эгаллар экан, қисман у аввалги тузумга, қисман эса – олигархияга тақлид бўладиганга ўхшайди, аммо унда ўзиники, алоҳидаси ҳам бўлади.

– Ҳа, бўлади.

– Ҳукмдорларга эҳтиромда, мамлакат ҳимоячиларининг деҳқончилик ишларидан, косиб-ҳунармандчилик ва бойлик орттиришнинг бошқа хилларидан ўзларини тийишларида, биргаликда овқатланишларда, жисмоний машқларда ва ҳарбий мусобақаларда – шуларга ўхшаш барча нарсаларда ушбу тузум аввалгисига тақлид этади.

– Ҳа.

– У ерда доно одамларни давлат мансабларига қўйишдан кўрқадилар, чунки у ерда бу хилдаги соддадил ва тўғри одамлар қолмаган, фақат аралаш ахлоқли одамлар қолган, у ерда, кимда-ким газабнок руҳиятли одамлар бўлса, ўшаларга, ҳамда оддийроқ айтилса – тинчлик учун эмас, уруш учун туғилганларга ён босадилар; у ерда ҳарбий айёрлик ва қувлик шуҳрат топади, зеро, ушбу давлат абадий уруш қилади. Ушбу тузумнинг кўпдан-кўп хусусиятлари ана шундайдир.

– Ҳа.

– Бундай хилдаги одамлар олигархик тузумда бўладигандай пулга ўч бўладилар; улар худди ваҳшийлардай ақллари хиралашиб, олтин ва кумушни эъюзлайдилар, буларнинг ҳаммасини яшириш учун уларда омборлар ва хонаки хазиналар бор, турар жойларини панжаралар билан ўрайдилар ва у ерда, ўз шахсий уяларида улар, харажат билан ҳисоблашмай аёлларга ва кимга бўлса, ўшаларга (пул) сарф қиладилар.

– Мутлақо тўғри.

– Улар тежамкорлар, чунки пулни эъозлашади, улар ўз давлат-бойликларини яширадилар ва бошқалар ҳисобига яшашдан ор қилмайдилар. Қаттиққўл отадан қочган болалардай, қонундан қочиб ҳузурга пинҳона бериладилар, зеро, уларни ишонч – эътиқод эмас, зўрлик-зулм тарбиялаган, чунки улар, ҳақиқий соҳаси нутқ ва фалсафа бўлаган Музани менсимаганлар, жисмоний машқларни эса мусиқий санъатдан юқори қўйганлар.

– Сен ёвузлик билан эзгулик тўла аралашиб кетган давлат тузуми ҳақида гапирмоқдасан.

– Дарҳақиқат, унда ҳамма нарса аралашиб кетган; у ерда фақат бир нарса – рақобат ва шуҳратпарастлик, кўзга ташланади, чунки у ерда газабнок руҳ ҳукмронлик қилади.

– Ва бу жуда аниқ кўриниб турибди.

– Бундай давлат тузуми худди шу тарзда ва шу шаклда пайдо бўлади, тўғри эмасми? Менинг баёнимда у фақат умумий ҳолда чизилган ва тафсилотлар тушириб қолдирилган, чунки у ерда инсон қандай бўлишини: аъло (даражада) адолатлими ёки, аксинча, жуда адолатсизми, шундай ҳам билиб олса бўлади, ҳеч нарсани қолдирмай, барча бошқарувлар ва ахлоқларни кўриб чиқиш эса жуда ва жуда узоқ давом этади.

– Бу тўғри.

«Тимократик» одам

– Шу давлат тузумига кўра инсон қандай бўлади? У қандай шаклланади ва қандай хислатларга эга бўлади?

– Менимча, – деди Адимант, – у муқаррар ном чиқаришга интилиши билан бизнинг Главконга яқин бўлади.

– Бундай бўлиши мумкин, аммо менимча, унинг феъли Главконнинг феълидан шуниси билан ажралиб турадики...

– Нима билан?

– У қаттиққўлроқ, камроқ ўқимишли ва гарчи ўқимишлиликни қадрласа-да ва бошқаларни иштиёқ билан эшит-



са-да, лекин ўзи сўзамол эмас. Бундай одам, гарчи қулла-
ни ёмон кўрмаса ҳам, қуллаарга қаттиққўл, чунки керакли
даражада тарбия олган; хур одамлар билан муомалада на-
зокатли, боадаб, ҳокимиятга ўта итоаткор; ҳокимиятнинг
асоси гапириш ёки шунга ўхшаш нарса эмас, балки ҳарбий
жасоратлар ва умуман барча ҳарбий нарсалар деб ҳисоб-
лайди, чунки у гимнастикани ҳам, овни ҳам яхши кўради.

– Ҳа, ушбу давлат тузумида айнан шундай феъл-атвор
ривож топади.

– Бундай одам ёшлигида пулга нафрат билан қарайди,
лекин қанча катта бўлса, шунча уни яхши кўра бошлайди,
унинг бойликни яхши кўришга бўлган табиий мойиллиги
ва эзгулик, яхшиликка ёт бўлган қоришма таъсир қилади,
чунки у ўзининг шавкатли кўриқчисидан айрилиб қолган.

– Бу қандай кўриқчи? – сўради Адимант.

– Ўқимишлилик билан сўзлаш қобилиятининг бирлаши-
ши; фақат ҳар иккисининг борлиги, яхшилик соҳиби бўл-
ган инсон учун бутун умрга халоскорлик бўлиб қолади.

– Зебо сўзлар!

– Бу йигит эса ўзининг тимократик давлатига ўхшайди...

– Жуда ҳам.

– Унинг феъл-атвори тахминан қуйидагича шакллана-
ди: баъзида бу, унча тузук тартиботи бўлмаган давлатда
яшовчи ва шунинг учун иззат-икромлар, ҳукумат мансабла-
ри, суд ишлари ва шунга ўхшаш ҳар қандай беҳудалиқдан
ўзини тортиб юрувчи одамнинг катта бўлиб қолган ўғли;
у одам ўзини камтар тутишни афзал кўради, ўзига ортиқча
ташвиш орттирмаса бўлди.

– Унинг ўғлига бу қандай таъсир қилади?

– Аввало, у онаси жиғибийрон бўлиб айтаётган гаплар-
ни эшитади: унинг эри ҳокимлар қаторига кирмайди ва
шунинг учун у (хотин) аёллар орасида камситилади; кейин
у эри пул ҳақида унча қайғурмаётганини кўради, суда,
йигинларда ҳақорат қилувчиларга муносиб жавоб бермай-

ди, буларнинг ҳаммасига бепарволик билан чидайди; у (эр) фақат ўзини ўйлайди – буни хотин доимо сезиб юради – гарчи ҳақорат қилмаса-да, уни (хотинини) унчалик ҳурмат қилмайди. Буларнинг ҳаммаси уни эзади, у (хотин) ўғлига отаси жасоратдан маҳрумлигини, жуда ҳам ожизлигини ва шунга ўхшашларни, умуман бундай ҳолларда аёллар дийдиё қиладиганларни гапиради.

– Ҳа, – деди Адимант, – бунда улар доимо ўзларига садоқатлидирлар.

– Биласанми, бундай одамларнинг хизматкорлари ҳам, хо-жаси бирон-бир қарздорни ёки озор етказувчини суд маҳкамасига тортмаганини кўрсалар, болаларга – гўё раҳмлари келгандай, шунга ўхшаш нарсаларни аста шипшиб гапиришади, бундай ҳолларда хизматкорлар хўжайиннинг ўғлига тахминан мана бундай дейишади: «Катта бўлганингда улардан бунинг қасосини оламиз, сен отангдек эмас, балки ҳақиқий эркак бўласан». Уйдан ташқарида ҳам ўсмир деярли шуни эшитади ва кўради: фуқаролар орасида кимда-ким ўз ишини қилса, уларни соддалар деб аташади ва уларни ҳисобга олишмайди, кимда-ким ўзининг иши бўлмаган ишга қўл урса, уни ҳурмат қилишади ва мақташади. Ўшанда, бундай нарсаларни эшитган ва кўрган ўсмир, бошқа томондан, отаси айтган гапларга ҳам қулоқ солади, атрофдагиларга қарши ўлароқ отаси нима билан шуғулланаётганини кўради ва шундай қилиб униси ҳам, буни-си ҳам унга таъсир қилади: отасининг таъсири билан унда дилнинг оқил ибтидоси ривожланади ва кучаяди, бошқа одамлар таъсири остида эса – хоҳловчи ва ғазабнок (ибтидо кучаяди ва ривожланади), ўз табиати бўйича у ёмон одам эмас-ку, фақат ёмон жамиятга тушиб қолгани учун, ушбу таъсирлар уни ўртанча йўлга бошлайди ва у нимадир ўртанча нарсага – рақобат ва ғазабнокликка мойилликлар ўзига ҳукм ўтказишига йўл қўяди, худди шунинг учун у шуҳратпараст одам бўлиб қолади ва мансабга интилади.

– Унинг феъл-атвори қандай шаклланишини сен тўла тушунтирдинг.

– Шундай қилиб, бизда тартиб бўйича иккинчи давлат тартиботи ва унга мос инсон бор.

– Ҳа, иккинчи.

– Энди Эсхилнинг: «Бошқа эркак бошқа шаҳарга қўйилган», – деган иборасини эслатиб ўтмайми? Ёки, тахминимизга кўра, олдин давлатнинг ўзини кўриб чиқамизми?

– Шундай бўлгани маъқул.

Олигархия – Бундан кейинги давлат тузуми, ўйлашимча, олигархия бўлади.

– Қандай тартиботни олигархия, деб атамоқдасан?

– Бу мулк цензига асосланган тузумдир; у ерда ҳокимият тепасида бойлар туради, камбағаллар бошқарувда қатнашмайди.

– Тушунаман.

– Олдин тимократия қандай қилиб олигархияга ўтиши ҳақида тўхташ керакмикин?

– Ҳа, албатта.

– Лекин бу ўтиш қандай юз бериши кўрга ҳам равшан-ку.

– Қандай қилиб?

– Хусусий шахсларнинг омборларида олтиннинг тўпланиб қолиши тимократияни ҳалок қилади: улар, аввало, уни (олтинни) нимага ишлатишни ўйлайдилар ва бунинг учун қонунларни, улар (қонунлар) билан ҳисоблашмай, бошқача изоҳлайдилар; бойларнинг ўзлари ҳам, уларнинг хотинлари ҳам шундай қилдилар.

– Бу табиий.

– Сўнгра, кимнинг нимада омади келганини кузатиб ва бир-бирлари билан мусобақалашиб, улар бутун аҳолини ўзларига ўхшатадилар.

– Бу ҳам табиий.

– Улар бойиш, давлат орттириш йўлидаги кейинги силжишларни қанча кўп қадрласалар, яхшиликни (хайрли ишни) шунча кам эъзозлайдиларми, агарда улар тарозунинг турли палларига қўйилса, бири бошқасидан оғир келмайдими?

– Албатта (шундай бўлади).

– Модомики давлатда бойлик ва бойлар эъзозланар экан, демак, у ерда яхшилик (хайрли иш) ва унинг соҳиблари камроқ қадрланади.

– Бу аниқ.

– Одамлар эса, нимани қадрли ҳисобласалар, ҳамма вақт ўшанга бериладилар ва нима қадрланмаса, ўшани назар-писанд қилмайдилар.

– Шундай.

– Бу, мансаб эгаллаш ва ҳурмат-эҳтиромга эришишга бўлган интилиш ўрнига мансабпарастлик ва бойлик орттиришга мойиллик ривож топиши билан тугайди ва бойларнинг иши маъқулланади, улардан ҳайратланилади, улар давлат мансабларига тайинланадилар, камбағаллар эса у ерда ҳурмат топмайди.

– Албатта.

– Мулкий цензни ўрнатиш олигархик тузумнинг қонуни ва меъёрига айланиб боради: бу тузум қанча кўп олигархик бўлса, ценз шунча баланд; қанча кам олигархик бўлса, ценз шунча паст бўлади. Кимда белгилаб қўйилган мулкий ценз бўлмаса, улар ҳокимиятга қўйилмасликлари олдиндан эълон қилинади. Бундай давлат тузуми қуроли кучни қўллаш орқали тутиб, турилади ёки аввал қўрқитиш йўли билан ўрнатилган бўлади. Бу тўғри эмасми?

– Ҳа, тўғри.

– Қисқача айтганда, у худди шундай ўрнатилади.

– Ҳа. Аммо унинг йўналиши қандай ва биз айтиб ўтганимиздай унга хос ёмонлик, иллат нимадан иборат?

– Асосий иллат – у асосланган меъёр. Ўзинг ўйлаб кўр: агар кемаларда дарғалар мулкий цензга биноан тайинланса-ю, камбағални эса, гарчи у кемани бошқаришга кўпроқ қобилиятли бўлса-да, (дарғаликка) қўйилмаса...

– Бундай кема бошқаруви ҳеч нарсага арзимасди.

– Бошқарув талаб этиладиган ҳар қандай ишда худди шундай бўлмайдими?



– Ҳайламанки, шундай бўлади.

– Давлат бундан истисноми? Ёки давлатда ҳам шундайми?

– Давлатда бошқариш бундан-да қийинроқ, чунки бошқариш қийин, унинг аҳамияти эса улкан.

– Шундай экан, шунинг ўзи олигархиянинг биринчи йирик камчилиги бўлар эди.

– Шундай бўлса керак.

– Нима, қуйидагиси унча муҳим эмасми?

– Хусусан нима?

– Айтмоқчиманки, бунга ўхшаш давлат муқаррар равишда яхлит бўлмайди, унда гўёки иккита давлат бўлади: бири – камбағалларники, бошқаси – бойларники. Гарчи улар ўша-ўша бир жойда яшасалар-да, доимо бир-бирларига қарши ёвузликлар қиладилар.

– Зевс билан онт ичаман, ушбу иллатни айтиб ўтиш муҳим.

– Яна шуниси ҳам ёмонки, улар, айтиш керакки, ҳеч қандай уруш қилолмайдилар, чунки агар олигархлар оломон қўлига қурол берсалар, ундан душмандан кўра кўпроқ кўрқардилар, ёки оломонни қуроолантиришдан воз кечиб, улар ҳатто ҳарбий ишда ҳам ҳақиқий олигарх эканликларини намойиш этадилар. Бунинг устига улар пулга қаттиқ бўлганларидан урушга харажат қилишни хоҳламайдилар.

– Бу яхши эмас.

– Нима десак экан? Зеро, биз аввал ҳам, бундай давлат тузумида ўша-ўша бир шахслар ҳам ерга ишлов беришларини, ҳам пул ғамлашларини, ҳам ҳарбий хизмат ўташларини, яъни бирданига ҳамма иш билан шуғулланишларини маъқулламаган эдик. Ёки, сенингча, бу тўғрими?

– Асло тўғри эмас.

– Қара, худди шундай тузумда энг ёмон офат авж олмайdimи?

– Хусусан қандай (офат)?

– Ўзининг барча мулкани сотиш – у бошқа бировнинг мулки бўлиб қолади, – сотгач эса, бу давлатнинг ҳеч бир та-

бақасига мансуб бўлмай, яъни на тадбиркор, на ҳунарманда, на суворий, на гоплит, балки камбағал ва фақир бўлиб шу давлатда яшашни давом эттириш имконияти.

– Бундай тузум гўёки худди шунга яратилган.

– Олигархия (давлатлари)да бундай ҳолатга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди, акс ҳолда уларда бировлар ҳаддан ташқари бой, бошқалар эса жуда камбағал бўлмас эдилар.

– Тўғри.

– Яна мана бунга бир боқ: қачонки бой-бадавлат одам ўз мулкидан сарф қилса, бу бундаин давлатга биз ҳозиргина айтиб ўтганимиз маънодаги қандайдир фойда келтирадими? Ёки бу кўринишигагина шунақами, гўёки у, ким бошқарувчилар қаторига кирса, ўшалардан бирими, тўғрисини айтадиган бўлса, давлатда у ҳоким ҳам эмас, табаа ҳам эмас, тайёр нарсани оддийгина совурувчидир.

– Ҳа, бу фақат бир кўриниш, аслида эса у исрофгардан бошқа эмас.

– Агар эътироз билдирмасанг, биз мумкатакда пайдо бўлган (текинхўр) эркак асалари – асалари галаси (кўч) учун касаллик бўлса, уйдаги бундай ишёқмас ҳам, шунга ўхшаб, давлат учун касалликдир, деймиз.

– Албатта, шундай, Суқрот.

– Адимант, тўғри эмасми, барча учувчи эркак асалариларни худо нишсиз яратди, ушбу оёқда юрувчилардан баъзиларига ниш бермади, бошқаларига эса энг даҳшатлисини берди. Ниши йўқлари бутун умр – камбағаллардир, ниш берилганларидан эса жиноятчилар деб аталадиганлар чиқади.

– Айни ҳақиқат.

– Давлатнинг қаерида камбағалларни кўрсанг, демак, у ерда ўғрилиқ қилаётганлар, киссавурлар, ибодатхоналарни булғовчилар ва кўп ёвуз ишларни қилувчилар яширинганлар.

– Бу аниқ.

– Нима десак экан? Нима, сен олигархик давлатларда камбағалларни кўрмаганмисан?

– У ерда ҳокимлардан бошқа деярли ҳамма камбағал.
 – Бошқа томондан, у ерда ниш билан таъминланган жиноятчилар ҳам кўп, ҳам улар ҳукуматнинг саъй-ҳаракатлари билан зўрма-зўраки ушлаб туриладилар, деб ўйлашга ҳақлимизми?

– Шундай деб ўйлашимиз мумкин, албатта.

– Одамлар у ерда ёмон тарбия ва аянчли давлат тузуми келтириб чиқарган ўқимаганликдан шундай бўладилар, деб тан олсак бўладими?

– Ҳа, худди шундай деб ҳисоблаймиз.

– Олигархик давлат мана шунақа экан ва унда анчагина ёмонликлар бор экан (балки ундан ҳам кўпроқдир).

– Ҳа, булар тахминан шундай.

– Олигархия деб аталувчи тузумнинг таҳлили шу билан тугай қолсин: ҳокимият унда мулкӣ цензга асосланган.

«**Олигархик**» – Кел, ундан кейин муносиб инсон-
ИНСОН ни – у қандай шаклланиши ва қандай хислатларга эгаллигини кўриб чиқамиз.

– Албатта буни кўриб чиқиш зарур.

– Унинг тимократик тузилишдан олигархик тузилишга ўтиши асосан қуйидагича бўлади...

– Қандай?

– Ундан туғилган ўғил аввал отага тақлид қилишга ҳаракат қилади, унинг изидан боради, кейин кўрадики, отаси ўзида бор нарсаси билан, худди сув ости қоя билан тўқнашгандай, бехос давлат билан тўқнашиб ҳалокатга учраганини кўради; бу ҳодиса ота стратег бўлган ёки қандайдир юқори мансабни эгаллаган, кейин эса туҳматчиларнинг бўҳтони билан суд маҳкамасига тортилган ва ўлим жазосига, сургунга ҳукм қилинганида ёки фуқаролик ҳуқуқларидан ва бутун мулкидан маҳрум бўлганида содир бўлиши мумкин.

– Бу табиий.

– Дўстим, буларнинг ҳаммасини кўриб, жабрланиб ва мол-мулкени йўқотиб, ҳатто, ўйлайманки, боши кетиши-

дан кўрқиб кетиб, дилининг туб-тубидаги шуҳратпарастлик ва унга аввал мансуб бўлгани ғазабнок руҳни тахтдан ағдариб ташлайди. Камбағалликдан тавбасига таяниб, тамагирликка ва ўта тежамкорликка киришиб кетади ва ўз меҳнати билан озгинадан пул йиғади. Нима, сен бундай одам ўзининг очкўзлиги ва манфаатпарастлигини тахтга ўтказмайди ва ўзига улардан тиара ва маржонлар таққан, белига калта шамшир боғлаган Буюк подшоҳни ўзига ясаб олмайди, деб ўйлайсанми?

– Менимча, шундай бўлади.

– Ушбу подшоҳнинг пойида, ернинг ўзига у ер бу ерга у қуллар сифатида ақл-идрок ва ғазабнок руҳни ўтказиб қўяди. У ўзининг камтарона маблағи кўпайишинигина назарда тутиб, ҳеч қандай фикрлашларга йўл қўймайди. Бойлик ва бойлардан ташқари ҳеч нарса ҳайрат ва ҳурмат уйғотмайди, унинг шуҳратпарастлиги эса фақат бойлик орттиришга ва ана шу бойликка нима олиб борса, ўша нарсага йўналган бўлади.

– Ўспиринда ҳеч қандай ўзгариш, ҳурмат-эҳтиромга муҳаббатнинг пулга бўлган муҳаббатга айланишичалик тез ва кучли рўй бермайди.

– Инсон олигархик тузумда қандай бўлишига бу мисол бўлолмайдимиз? – деб сўрадим мен.

– Ҳарқалай бу, олигархик тузумдан олдинги тузумга монанд инсоннинг бузилиши, йўлдан озишига мисолдир, – жавоб берди Адимант.

– Бу одам унга монандми (ёки йўқми), кўриб чиқа қолайлик.

– Кел, кўриб чиқайлик.

– Аввало, ўхшашлик унинг пулни жуда ҳам қадрлашида.

– Албатта.

– У тежамкор ва фаол, бошқа сарф-харажатларга йўл қўймай ва ўзга истак-хоҳишларни арзимас, деб билиб, ўзининг энг зарурий хоҳишларинигина қаноатлантиради.

– Сўзсиз (шундай).

– Жулдирвоқи бўлиб юради, ҳамма нарсадан фойда чиқаради ва йиғади; бундай одамларни оломон ёқтиради. Унинг қиёфаси шунга ўхшаш давлат тузумини эслатайми?

– Менимча, эслатади. Ҳар ҳолда, бундай давлат ва бундай одам пулни жуда ҳам қадрлайди.

– Менимча, ростки, шундай экан, у ўзининг тарбиясига эътибор бермаган.

– Шунга ўхшайди. Бўлмаса кўрни хорег этиб қўярмиди ва унга алоҳида ҳурмат кўрсатармиди.

– Яхши. Яна мана бунга қара: унда тарбиянинг етишмаганидан, эркак асаларининг майллари гарчи уларни эҳтиёткорлик туфайли жиловлаб турса-да, қисман фақирлик, қисман жинояткорона майллари намоён бўлади.

– Албатта.

– Бундай одамларнинг жинояткорона ишларини сезиш учун сен нимага назар ташлашинг зарурлигини биласанми?

– Нимага?

– Улар етимларга қандай васийлик қилаётганларига ёки адолатга хилоф равишда иш қилишга тўла имкониятга эга бўлганларида нима бўлишига.

– Тўғри.

– Нима, бундай одам бошқа амалий муносабатларда, уни адолатли деб ҳисоблаганлари учун яхши шуҳратдан фойдаланиб, одобликнинг қолдиқлари ёрдамида ўзининг ёмон майлларини, гарчи бундай қилинса яхшироқ бўлишига имони комил бўлмаса ҳам, базўр тийиб туради; ўз мол-мулкнинг тақдири тўғрисида қайғургани учун, оқилона фикрлар бўйича эмас, қўрқинчдан, ноиложлик сабабли уларни тийиб, тизгинлаб туради.

– Албатта.

– Ва Зевс билан онт ичаманки, қачон иш бошқа одам ҳисобига бўладиган чиқим борасида бўлса, бу одамларнинг кўпчилигида эркак асалариларга хос майлларни топасан.

- Бу майллар уларда жуда кучлилиги бегумон.
- Демак, бундай инсон ички кураш билан пора-пора бўлади, унинг бирлиги бузилган, у иккига бўлинган: бир истак-хоҳишлар бошқаларидан – кўпроқ энг яхшилари ёмонларидан устун келади.
- Ҳа, шундай ҳам бўлади.
- Менимча, бундай одам, гарчи у руҳий уйғунликнинг ва вазминликнинг ҳақиқий фазилатидан анча йироқ бўлса ҳам, ҳар ҳолда, кўпчиликдан тузукроқ.
- Менга ҳам шундай туюлади.
- Ва, албатта, фуқаролар нимададир ғалаба қилиш учун ёки олижаноб шухратпарастликни қониктириш учун мусобақалашаётганларида унинг тежамкорлиги унга ўз ҳисобидан қатнашишга тўсқинлик қилади; у, ўзида беҳуда сарфларга мойилликни уйғотишдан ва уни ўзининг шухратпараст интилишларида иттифоқдоши қилиб қўйишдан қўрқиб, бундай мусобақалар ва шухрат учун (пул) сарфлашни хоҳламайди. У ҳақиқий олигархик равишда, ўзининг маблағидан кам сарф қилиб жанг қилади ва шунинг учун кўпинча мағлубиятга учрайди, аммо бойлигича қолади.
- Жуда ҳам.
- Тежамкор, ишбилармон одамни олигархик давлат билан солиштириш мумкинлигига бизда гумон борми?
- Йўқ, ҳеч ҳам йўқ.
- Кўриниб турибдики, бундан кейин демократияни кўриб чиқиш зарур – у қай тарзда пайдо бўлади, пайдо бўлгач, қандай хусусиятларга эга бўлади, токи, ўз навбатида, шунга ўхшаш одамнинг хусусиятлари билан танишиб чиқиш ва унинг ҳақидаги фикрни айтиш мумкин бўлсин.
- Шунда танлаган йўлимиздан олдинга силжиган бўлар эдик.
- Олигархия демократияга тахминан шу тарзда ўтади: бу ерда сабаб тахмин қилинадиган, гўёки иложи борича бой бўлиш керак, деган фикрдан иборат эзгулик (неъмат) кетидан очкўзлик билан қувишдадир.

– Сен буни қандай тушунасан?

– Зотан, олигархия (тузуми)да ҳокимиятдаги ҳукмдорлар бой бўлатуриб, ёшларнинг ҳавойиликларини қонун билан чегаралашни ва ўз мол-мулкларини исроф қилиш ҳамда йўқотишни уларга тақиқлашни хоҳламайдилар; аксинча, ҳокимлар уларнинг мулкларини сотиб оладилар ёки уларга фоиз ҳисобига қарз берадилар, токи ўзлари янада бой ва қудратли бўлсинлар.

– Бу уларда – энг асосийси.

– Нима, бундай давлат фуқароларига бойликни ҳурмат қилиш ҳам, шу билан бирга ақл-идроқ соҳиби бўлиш ҳам мумкин эмасми – бу ерда уларда ё униси муқаррар, ёки буниси менсимамайди.

– Бу етарли даражада равшандир.

– Олигархик давлатларда бебошлик, ахлоқсизликка эътибор бермайдилар, ҳатто, унга йўл қўядилар, шунинг учун анча-мунча олижаноб одамлар ҳам баъзан у ерда камбағалликдан қочиб қутула олмайдилар.

– Албатта.

– Бундай давлатда, ўйлайманки, бу одамлар ишсиз ўтирадилар, аммо уларда ниш ҳам, қурол ҳам бор; улардан баъзилари қарз ботқоғига ботганлар, бошқалари фуқаровий ҳуқуқлардан маҳрум бўлганлар, яна бирлари эса унга ҳам, бунга ҳам гирифтор бўлганлар; улар, энди ўз мулкларига эгалик қилаётганларга ҳамда бошқаларга нафрат билан тўлиб-тошганлар ва тўнтариш қилиш фикридалар.

– Ҳа, буларнинг ҳаммаси шундай.

– Бу орада ўз ишлари билан овора бўлган ишбилармонлар бундай одамларга эътибор бермаётганга ўхшайдилар; улар бошқаларни кузатадилар ва ўз пул маблағлари билан ким бўшроқ бўлса, ўшанга жароҳат етказадилар; дастлабки қарздан бир неча марта кўпроқ бўлган фоизлар олиб, улар давлатда жуда кўп бекорчиларни (матнда: эркак асалариларни – тарж.) ва қашшоқларни кўпайтирадилар.

– Шунақанги кўпайтирадиларки!

– Қачонки давлатда бу хилдаги офат аланга олса, улар ўз мулкидан ким қандай хоҳласа, шундай фойдаланишини ман қилиш ёрдамида уни ўчиришни хоҳламайдилар ва ўзга қонун воситасида буни бартараф этувчи бошқа қонунга му рожаат қилмайдилар...

– Бу қандай қонун?

– Аввал эслатилганининг ортидан келадиган ва фуқароларни эзгуликка, мажбур этувчи (қонун)ни. Зеро, агар фуқаролар ихтиёрий битимларнинг кўп қисмини таваккалчилик билан тузишлари талаб қилинса, бойишга бўлган интилиш бу қадар уятсизларча бўлмас эди ва давлатда ҳозир биз кўрсатиб ўтганимиз ёмонлик, офатлар камроқ бўлар эди.

– Ҳатто, анчагина кам ҳам бўларди.

– Бизнинг давримизда ҳокимлар бунга ўхшаш нарсалар туфайли ўзларига тобе фуқароларни худди шунга мойил этиб қўйдилар. Ҳокимларнинг ўзлари ва уларнинг атрофидагиларга келсак, айтиш керакки, уларда ёшлар тантиқ, жисмонан ва руҳан дангаса, танбал ва ожиз; улар на дардга, на ҳузурга қаноат қиладилар ва, умуман, фаол эмаслар.

– Бўлсам-чи!

– Уларнинг бойишдан бошқа дарди йўқ, яхшилик, эзгуликлар ҳақида улар камбағаллардан кўп жон куйдирмайдилар.

– Ҳа, асло (жон куйдирмайдилар).

– Бошқарувчиларнинг ҳам, тобеларнинг ҳам ҳолатлари шундай. Шу билан бирга саёҳатларда ҳам, мулоқотнинг бошқа хилларида ҳам байрам томошаларида, ҳарбий юришларда, бирон-бир кемада, бирон-бир қўшинда бир-бирларига ишлари тушиб туради; ниҳоят, улар бир-бирларини хавф-хатарлар орасида ҳам кузатадилар ва бу ҳолатларнинг ҳеч бирида камбағаллар бойлар кўзига разил, жирканч кўринмайдилар. Аксинча, кўпинча шундай ҳам бўладики, фақир, озгин, қуёшда куйган одам жанг пайтида соя-салқин-

да ўсган ва бировнинг ҳисобига семириб кетган бой билан ёнма-ён бўлиб қолиб, унинг нафаси қисганини ва бутунлай ўзини йўқотиб қўйганини кўради. Нима, сенингча, бундай одамлар камбағалларнинг иродалари сустлигидангина бой эканликлари ўша камбағалнинг хаёлига келмайдими ва, бегона кўз тушмаётган пайтда, ўзига ўхшаш камбағал билан учрашганида, унга: «Бизнинг хўжайинлар – арзимас одамлардир», – деб айтмайдими?

– Ишончим комилки, камбағаллар шундай дейдилар.

– Худди касалманд баданнинг мувозанатини бузиш учун ташқаридан озгина туртки бетоб бўлиб қолишда етарли бўлганидай, – баъзида эса унда ташқи сабабларсиз ҳам касалликнинг кучайиши юз беради, – давлат ҳам шундай аҳволда бўлади, озгина баҳона билан касал бўлади ва ўзи билан ўзи уришади, яна айтиш керакки, унинг баъзи фуқароларидан баъзилари қандайдир олигархик давлатнинг ёрдамига таянадилар, баъзилари эса – демократик давлатга таянадилар; шундай ҳам бўладики, баъзан ички низолар ташқи аралашувсиз ҳам рўй беради.

– Ҳатто, кўпинча (шундай бўлади).

Демократия

– Демократия, менинг назаримда, камбағаллар галаба қозониб, ўз душманларидан баъзиларини йўқ қилган, баъзиларини қувгин қилган, қолганларини эса фуқаролик ҳуқуқлари ва давлат лавозимларини эгаллашда тенглаштиригандагина амалга ошади, бу эса демократик тузумда кўпинча қуръа ташлаш йўли билан рўй беради.

– Ҳа, бу қурол ишлатиб бўладими ёки унинг рақиблари қўрқиб кетиб, аста-секин чекинадиларми, бари бир, демократия худди шундай ўрнатилади.

– Бу тузумда одамлар ҳаёти қандай кечади? – сўрадим мен. – Ва бу давлат тузуми қандай? Зеро, у демократик қиёфа оладиган инсонда ҳам акс этиши аён-ку!

– Ҳа, бу аниқ, – жавоб берди Адимант.

– Энг аввало, булар ҳур одамлар бўладилар: давлатда тўла озодлик ва ошкоралик ҳамда нимани хоҳласанг, ўша ишни қилиш имконияти пайдо бўлади.

– Айтишларича, шундай бўлади.

– Қаерда бунга рухсат берилса, шуниси равшанки, ҳар ким ўз таъби бўйича ҳаёт кечиради.

– Ҳа, бу аниқ.

– Мен ўйлайманки, бундай давлат тузумида одамлар жуда ҳар хил бўладилар.

– Албатта.

– Бу энг яхши давлат тузумига ўхшайди. Худди барча рангларга бўялган матога ўхшаб, турли-туман ахлоқлар билан тўла бу тузум ҳам ҳамма нарсадан зебороққа ўхшаб кетиши мумкин. Балки, барча гулдор нарсадан завқланувчи болалар ва аёлларга ўхшаб, кўпчилик бу тузумни энг яхши дейиши мумкин.

– Албатта.

– Дўстим, бундай тузумда давлат тартиботини танлаш қулай.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Нимани хоҳласанг қилишинг мумкинлигидан у ўзида барча турдаги давлат тартиботларини қамраб олади. Агар худди биз билан сенда бўлганидай, кимдадир хоҳиш пайдо бўлган бўлса, қаерда демократия бўлса, у ўша ерга бориши керак ва ўша ерда, худди ҳар хил бошқарувлар билан савдо қилувчи бозорга кириб қолгандай, унга нима ёқса, ўшани танлаб олиши даркор, танлаб олиб эса, ўзининг давлатига асос солиши зарур.

– У ерда намуналар кўп бўлса керак.

– Демократик давлатда, агар сен бошқарувга лаёқатли бўлсанг ҳам, унда қатнашишингнинг ҳожати бўлмайди; агар сен хоҳламасанг, бўйсунуш ҳам, ёки бошқалар жанг қилганларида жанг қилиш ҳам, ёки агар тинчликни истама-санг, бошқаларга ўхшаб тинчлик шартларига риоя қилиш

ҳам мажбурий эмас. Яна, агар қандайдир қонун бошқариш на суд қилишни ман этса, агар бундай фикр миянгга келиб қолса, бари бир сен бошқаришинг ва суд қилишинг мумкин. Бундай ҳаёт бир қарашда гаройиб ва жозибали эмасми?

– Шундайдир, лекин узоқ муддатга эмас.

– Яна. Баъзи маҳжумлар борасида шафқат қилиш ажойиб эмасми? Ёки сен, бундай давлат тузумида ўлимга ёки сургунга ҳукм қилинган одамлар бари бир жазоланмай, жамиятда қолишларини кўрмаганмисан; бундай одам худди ярим худодай кезиб юраверади, гўё бу билан ҳеч кимнинг иши йўқдай ва ҳеч ким буни сезмайди ҳам.

– Ҳа, бунақалар кўп учрайдилар.

– Бундай мурувват демократик тузумнинг майда-чуйда тафсилоти эмас, асло; аксинча, бунда биз ўзимизнинг давлатимизга асос солаётганимизда нималарни муҳим, деб ҳисоблаган бўлсак, ўшаларни менсимаслик кўриниб турибди. Агар инсонда, буюк фитрат бўлмаса, у ҳеч қачон яхши фазилатли бўлолмайди, дегандик биз; агар ёш болалигидан – ўйинлар ва ўз машғулотларида, – у зеболик (гўзаллик) билан бирлашмаса, муомалада бўлмаса, худди шу ҳол бўлади. Бу орада демократик тузум буларнинг ҳаммасини кибер билан топтаб, давлатдаги фаолиятга ким қайси машғулотдан кейин ўтгани ҳақида ташвиш қилмайди. Ким оломонни ёқтирсагина, ўша одамга ҳурмат-эҳтиром билдирилади.

– Ҳа, жуда олижаноб мурувват!

– Шулар ва шуларга ўхшаш хислатлар демократияга – зарур бошқаруви бўлмаган, аммо ёқимли ва турли-туман тузумга – хосдир. Унда тенглар ва тенг бўлмаганларни тенглаштирувчи ўзига хос тенглик мавжуд.

– Сен айтаётган гаплар бизга яхши таниш.

«**Демократик**» – Ушбу хислатлар айрим шахсда
одам қандай акс этишини бир кўриб қўй.
Ёки, балки аввал, унда ушбу хислатлар шаклланишини, худди биз давлат тузумининг ўзини

қандай кўриб чиққан бўлсак, шундай кўриб чиқишимиз керак бўлар?

– Ҳа, шундай қилиш даркор.

– У куйидагича ўтмайдими: биз айтиб ўтганимиз олигархик тузумнинг тежамкор вакилида ўғил фарзанд туғилиб, у отасининг хулқ-атвори бўйича тарбия олмайдими?

– Нима қилибди?

– У ҳам, ўзидаги бойлик орттиришга эмас, балки исрофгарликка бўлган хоҳишини ирода кучи билан тияди: исрофгарчиликни заруратдан маҳрум деб аташ мумкин.

– Тушунарли.

– Хоҳдасанг, бизнинг суҳбатимизда ноаниқликлар бўлмаслиги учун аввал, қандай хоҳиш-истаклар зарур ва қайсилари зарур эмаслигини аниқлаб оламиз?

– Хоҳлайман.

– Биз халос бўлишга ожизлик қилганимиз ўша хоҳишларни адолат бўйича зарурий деб атаса бўлади ҳамда яна адо этилиши бизга фойда келтирадиганларини ҳам шундай атаса бўлади – унисига ҳам, бунисига ҳам итоат этиш эса табиатимизда бор. Шундай эмасми?

– Албатта, шундай.

– Бинобарин, бу мойилликлар ҳақида улар муқаррар нарсалар, деб айтишга ҳаққимиз бор.

– Ҳа, ҳаққимиз бор.

– Яна нима десак экан? Агар ёшлиқдан жиддий ҳаркат қилинса халос бўлиш мумкин бўлганларини ва бунинг устига ҳеч яхшилик келтирмайдиганларини, баъзилар эса, аксинча, ёмонликка олиб борадиганларини нима деб атаймиз? Уларни заруратдан маҳрум деб атасак, тўғри белгиланган бўламиз.

– Ҳа, тўғри бўлади.

– Даставвал бирон-бир истак-хоҳишга мисоллар олиб, уларнинг умумий намунасини бериш учун улар қандай эканликларини кўриб қўймаймизми?

– Ҳа, шундай қилиш керак.

– Овқатга, яъни нон ва зирavorга эҳтиёж соғ бўлиш ва ўзини яхши ҳис этиш учун зарурат бўлмайдими?

– Бўлади, деб ўйлайман.

– Нонга бўлган эҳтиёж икки муносабат билан: биз учун фойдали бўлгани ҳамда токи инсон тирик экан, тўхтатиши мумкин бўлмагани учун ҳам зарурдир.

– Ҳа (шундай).

– Зирavorга эҳтиёж у яхши кайфият учун фойдали бўлгани учун зарур.

– Албатта.

– Бундан ортиғи, яъни бошқа, ортиқча овқатга бўлган хоҳиш-истак борасида нима деймиз? Агар бу хоҳиш-истак болаликдан жиловланса ва тарбия йўли билан ундан қайтарилса, у ҳолда кўпчилик ундан халос бўлиши мумкин, зеро, у баданга зарар, ҳам ақл-идрок, ҳам мулоҳазалилик борасида дилга зиёнدير. Уни заруратдан маҳрум, деб атасак тўғри бўлар эди.

– Ҳа, жуда тўғри бўларди.

– Ушбу хоҳиш-истакларни хонавайрон қилувчи, бошқаларини эса, фойда келтирувчи деб атасак бўлмайдими, чунки улар ишга ёрдам берадилар-ку!

– Албатта бўлади.

– Ишқий ва шунга ўхшаш бошқа хоҳиш-истаклар ҳақида ҳам худди шундай деймиз.

– Ҳа, айнан шундай деймиз.

– Биз ҳозир кимни эркак асалари (текинхўр) деб атаган бўлсак, ўша бундай заруратдан маҳрум хоҳиш-истаклар билан, уларнинг ҳукми остида яшайди, айти пайтда тежамкор, олигархик йўсиндаги одамда фақат зарурий хоҳишлар бўлади, холос.

– Албатта шундай.

– Мана энди, олигархик инсондан қандай қилиб демократик инсон пайдо бўлишига қайтамиз. Менимча, бу кўпинча қуйидаги тарзда рўй беради...

– Айнан қандай?

– Ҳозиргина айтиб ўтганимиздай, керакли тарбия олмасдан ва тежамкорлик шароитида ўсган ўспирин, ногоҳ эркак асалари болидан татиб кўрса ва унга ҳар хил, турли-туман ҳамда рангин лаззатлар беришга қодир хавфли ва ёвуз ҳайвонлар жамиятига тушиб қолса, ишонавергинки, шунинг ўзи олигархик йўсиндан демократик йўсинга ўтишнинг бошланиши бўлади.

– Иложсиз шундай бўлади.

– Ва мен ўйлайманки, унинг олигархик ибтидосига нимадир бунга посанги бўлиб ёрдам берса, бу панд-насиҳатми ёки отаси ёхуд оила бошқа аъзоларининг танбеҳлари бўладими, (бари бир) унда норозилик, нафрат ва қаршилик кўрсатиш ҳамда ўз-ўзи билан кураш пайдо бўлади.

– Албатта.

– Баъзан, менимча, демократик ибтидо олигархикка ён босади, хоҳиш-истакларнинг бир қисми барбод бўлади, баъзилари ҳайдалади, ўспириннинг дилида қандайдир ҳаё пайдо бўлади ва ҳамма нарса яна жой-жойига тушади.

– Баъзан шунақа ҳам бўлади.

– Аммо кейин, ўйлайманки, ҳайдалганларига ўхшаш бошқа хоҳишлар, отанинг тарбиячи сифатидаги укувсизлиги туфайли, аста-секин ривож топиб, кўп сонли ва кучли бўла боради.

– Одатда, худди шундай бўлади.

– Улар ўспиринни аввалги даврага тортади ва бу пинҳона мулоқотдан бошқа кўп хоҳиш-истаклар туғилади.

– Албатта.

– Охир-оқибат, менимча, улар, унинг дил қалъаси бўш эканлигини билиб қолиб, у ерда билимлар, яхши кўникмалар, ҳаққоний нутқлар, худоларга хуш келадиган одамлар ақлидрокининг энг яхши ҳимоячилари ва кўриқчилари йўқлиги учун, уни (дил қалъасини) ўспириндан тортиб оладилар.

– Бу бегумон.

– Уларнинг ўрнига, ўйлайманки, унга ёлгон мулоҳазалар ва мақтанчоқ нутқлар ҳужум қилади ва ўспириндан ушбу қалъани тортиб олади, – дедим мен.

– Сўзсиз, – маъқуллади Адимант.

– Шундай қилиб, у яна ўша лотофагга қайтиб келади ва ўша ерга ошкора жойлашиб олади. Агар унинг қариндошлари унинг дилининг тежамкор ибтидосини қутқаришга қўшин тортса, у ҳолда у мақтанчоқ нутқлари билан ундаги шоҳ девори дарвозаларини беркитиб қўяди, иттифоқ қўшинларини киргизмайди, ҳатто, элчиларни, яъни каттароқ ёшдаги ва ақллироқ одамларнинг, гарчи улар фақат хусусий шахслар бўлсалар ҳам, оқилона далилларини қабул қилмайди; тежамкорлик ибтидоси билан жангда ушбу нутқлар устун келади, ва ҳаёни худди қувғиндини қувгандек, бадном этиб, уни аҳмоқлик деб атаб, суриб, олиб чиқиб ташлайди, ақл-идрокни эса мардликнинг нуқсонини деб атайди ва балчиққа булғаб улоқтиради. Маблағни сарф қилишдаги меъёрни қишлоқи жоҳиллик ва пасткашлик деб билиб, кўпдан-кўп тантиқликларга суяниб, уларни ўзларининг худудларидан чиқаради.

– Ҳа, шундай бўлиши аниқ.

– Ўсмирнинг улар томонидан босиб олинган ва буюк сеҳрларга бахшида этилган дилини бўшатиб ва тозалаб, у ерга, тантанали равишда, кўп ижрочилари бўлган хор жўрлигида бошларига сурбетлик, ахлоқсизлик, бузуқлик ва уятсизликдан гулчамбарлар кийгизиб ва юмшатишган иборалар билан мақтаб у ерга олиб кирадилар: сурбетликни улар маърифатлилиқ, ахлоқсизликни – озодлик, эркинлик, бузуқликни – ҳашамат, уятсизликни – мардлик, деб атайдилар. Зарурий хоҳиш-истаклар чегарасида тарбияланган одам худди шундай равишда ёшлик йилларининг ўзида заруратдан маҳрум ва фойдасиз хоҳиш-истакларга адабсизларча эрк беришга ўтмайдими?

– Шундай бўлиши аниқ.

– Кейин, мен ўйлайманки, бундай ўсмирнинг ҳаётида зарурий ҳузурларга пул, куч ва бўш вақт сарфлаш, заруратдан маҳрум (ҳузурлар)га қараганда ҳеч қанча кўп бўлмайди. Аммо, агар унинг бахтига унда айш-ишрат ҳаддан ташқари жунбишга келмаса, бунинг устига у озроқ катта бўлиб қолса ва асосий саросима ўтмишда қолса, у қисман ўзининг ҳайдалган хоҳишларига қайтади ва босиб келганларига (яъни босиб келган хоҳишларга – *тарж.*) тўла берилмайди ва (шунда) унинг ҳаётида хоҳишларнинг қандайдир мувозанати ўрнатилади: ҳар сафар у, унга худди қуръа бўйича теккандай бўлган хоҳишлардан бирига токи уни тўла қаноатлантирмагунича бўйсунди, ундан кейин эса – бошқасига (бўйсунди), айтиш лозимки, у ҳеч бирини рад этмайди, аммо ҳаммасини баробар таъминлайди.

– Албатта.

– Лекин, бари бир, агар кимдир унга, бир хил ҳузурлар яхши, зебо хоҳишлар туфайли, бошқалари эса – ёмон хоҳишлар туфайли бўлади ва бир хил хоҳишларни ривожлантириш ҳамда ҳурмат қилиш, бошқаларини эса – тўхта-тиш ва бўйсундириш керак деса, ушбу тўғри мулоҳазани қабул қилмайди. Жавобига у йўқ, деб калласини ликилла-тади ва ҳамма хоҳишлар бир хилда ва тенг ҳурматга лойиқ, дейди.

– Бундайин одамлар худди шундай қиладилар.

– Бундай одам кун-бакун биринчи ёпирилиб келган хоҳишга (истакка) берилиб яшайди: гоҳ у най овозини эшитиб шаробхўрлик қилади, гоҳ бирданига фақат сув ичади ва ўзини ҳолсизлантиради, гоҳида жисмоний машғулотларга қизиқади; шундай ҳам бўладики, дангасалиги тутиб қолади ва шунда ҳеч нарса қилгиси келмай қолади. Баъзан у вақтини фалсафий туюлган машғулотлар билан ўтказиши. Кўпинча у жамоат ишлари билан машғул бўлади: бирдан сакраб туриб, нима тўғри келса, шуни гапиради ва қилади. Унга ҳарбий одамлар ёқиб қолса – ўша томонга, агар ишби-



лармонлар ёқиб қолса, у ҳолда ўша ёққа чопади. Унинг ҳаётида тартиб йўқ, унда зарурат подшоҳлик қилмайди; ушбу ҳаётни у ёқимли, эркин ва фарогатли деб атайди ва ундан худди шундай фойдаланади.

– Тенг ҳуқуқлилиқ шароитида эркин, ҳур инсоннинг ҳаёт тарзини аъло даражада кўрсатдинг.

– Мен, бу одам ўзининг давлати каби турли-туман, кўп қиёфалилик, зебо ва ранг-барангдир, деб ўйлайман. Кўпгина эркаклар ва аёллар, давлат тарзларининг ва ахлоқларнинг жуда кўп намуналари кўшилиб кетган ҳаётга ҳавас қилган бўлар эдилар.

– Ҳа, шундай.

– Нима десак экан? Биз, бундай хил одам демократик тузумга мос (монанд) деб қабул қиламизми ва шунинг учун биз уни демократик (одам) деб аташга ҳуқуқдимизми?

– Қабул қиламиз.

– Аммо энг гаройиб давлат тузуми ва энг гаройиб одамни таҳлил қилиш ҳали турибди: бу – тиранийлик ва тиран (мустабид ҳоким)дир.

– Ҳа, шундай.

Тиранийлик – Кел, азиз дўстим, тиранийлик қай тарзда пайдо бўлишини кўриб чиқайлик. Унинг демократиядан пайдо бўлиши, менимча, аниқ.

– Аниқ.

– Демократия олигархиядан қандай пайдо бўлган бўлса, демократиядан тиранийлик шундай пайдо бўладими?

– Яъни?

– Охирги мақсад сифатида олдинга сурилган эзгулик – шунинг натижаси ўлароқ олигархия – бойлик қарор топди, шундай эмасми?

– Ҳа.

– Бойликка очофатлик билан интилиш ва бойлик орттиришдан бошқа ҳамма нарсани менсимаслик эса олигархияни ҳалок қилди.

– Тўғри.

– Шундай қилиб, демократия нимани эзгулик сифатида белгиласа ва ўшанга очофатлик билан интилса, айнан шу нарса уни бузади.

– Сенингча, у нимани эзгулик сифатида белгилайди?

– Озодликни. Демократик давлатда озодлик қандай, гўзал ва кимда-ким ўз табиати бўйича озод бўлса, фақат шундай давлатда яшаши керак, деган гапларни эшитасан, холос.

– Ҳа, бундай гаплар тез-тез қайтарилиб туради.

– Шундай экан, мен ҳозиргина гапира бошлаганим, бундай очофатлик билан бир нарсага интилиш ва қолганларини менсимаслик бу тузумни бузади ва тиранийликка эҳтиёжни тайёрлайди.

– Қандай қилиб?

– Қачонки, демократик тузум ва озодликка ташналик бўлган давлат тепасида ноҳўя шарбатдор туриб қолишига тўғри келса, ушбу давлат аралашмаган ҳолдаги озодлик билан керагидан ортиқ маст бўлиб қолади, ўзининг мансабдор шахсларини эса, агар улар кераклигича илтифот қилмасалар ва ҳаммага тўла озодлик бермасалар, жазолайдилар ва разил олигархик оғишда айблайдилар.

– Ҳа, шундай бўлиши турган гап.

– Ҳокимиятга бўйсунувчи фуқароларни, ҳеч нарсага арзимайдиган ихтиёрий қуллар сифатида у ерда балчиқ билан қориштириб ташлайдилар, лекин тобеларга ўхшаш ҳокимларни, ва ҳокимларга ўхшаш тобеларни у ерда мақтайдилар ва ҳам хусусий, ҳам ижтимоий, кундалик ҳаётда ҳурмат қиладилар. Нима, бундай давлатда озодлик иложсиз ҳамма нарсага тарқалиб кетмайдими?

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Дўстим, у хусусий уйларга ҳам кириб боради, охир-оқибатда эса ҳатто ҳайвонларга ҳам юқади.

– Буни қандай тушуниш керак?



– Масалан, ота болага ўхшашга ва ўз ўғилларидан кўрқишга, ўғил эса – ўзини отага ўхшаб тутишга ўрганиб қолади; у ерда ота-онани ҳурмат қилмайдилар ва улардан кўрқмайдилар (буларнинг ҳаммаси озодлик баҳонаси билан бўлади), кўчиб келган (одам) туб ерли фуқаро билан, фуқаро эса – кўчиб келган билан тенглашади; ажнабийлар билан ҳам шу ҳол рўй беради.

– Ҳа, шундай ҳам бўлади.

– Бундан ташқари, бошқа, турли-туман арзимас нарсалар: аҳвол бундай бўлганида ўқитувчи мактаб болаларидан кўрқади ва уларнинг олдида мулозамат қилади, ялтоқланади, мактаб болалари эса, ўз ўқитувчилари ва устозларини ҳеч менсимайдилар. Умуман, ёшлар катталарга тақлид қила бошлайдилар ва улар билан мулоҳаза юритишларда ва ишларда мусобақалаша бошлайдилар, катталар эса, ёшларга мослашиб ва уларга тақлид қилиб, нохуш ва ўта қатъий бўлиб туюлмаслик учун ҳазиллашадилар ва шўхлик қиладилар.

– Жуда тўғри илғаб олинган (бу ҳолат).

– Аммо, бундай давлатнинг халқи учун ўта озодлик сотиб олинган қулар ва аёл қулар ўзларини сотиб олганлардан кам бўлмаган озодликда юришларидир. Ҳа, унутишимизга сал қолибди, у ерда аёлларда эркакларга нисбатан қандай тенгҳуқуқлик ва озодлик мавжуд ва эркакларда ҳам аёлларга нисбатан шундай.

– Эсхил айтганидек, «ҳозир тилларда нима бўлса, шуни айтамин».

– Шундай, мен ҳам шундай дейман. Одамларга тобе ҳайвонлар бу ерда бошқа жойларга қараганда қанчалик эркинлигини ўз кўзи билан кўрмагунча бунга ҳеч ким ишонмайди. Худди мақолдаги каби: «Итлар – бу уй бекаларидир», отлар ва эшаклар бу ерда мағрур ва тўла эркинлик билан юрадилар ва агар уларга йўл берилмаса, қаршидан келаётганларнинг устига бостириб келаверадилар! Худди шундай, бошқа ҳамма нарса ҳам озодликка тўлиб-тошган.

– Сен роса тўғри гапирдинг: зеро, мен ўзим ҳам қишлоққа борганимда кўпинча улардан азият чекаман.

– Агар буларнинг ҳаммаси бир ерга тўпланса, сен буни тушунасан, у ҳолда фуқаро дили, ҳатто, арзимас нарсаларга ҳам, жуда сезгир, нозик бўлиб қолади: нимаики мажбурий бўлса, қандайдир ножоиз нарса сифатида уларда норозилик уйғотади. Сен биласанки, улар бу ҳолатни, ҳатто, ёзилган ва ёзилмаган қонунларга бўйсунмаслик билан тугаллайдилар, токи умуман ҳеч кимда ва ҳеч нарсада улар устидан ҳокимият бўлмасин.

– Мен буни яхши биламан.

– Шундай қилиб, дўстим, айнан ана шу бошқарувдан, шундай гўзал ва ёшларча жасур, дадил бошқарувдан менимча тиранийлик ўсиб чиқади.

– Дарҳақиқат, у дадил. Сўнг нима бўлади? Орлигархияда ривожланган ва уни ҳалок этган ўша касаллик бу ерда янада кўпроқ ва кучлироқ ривожланади – ўзбошимчалик туфайли – ва демократияни асоратга солади. Дарҳақиқат, ҳар қандай ҳаддан ошиш, бу об-ҳаво, ўсимликлар ёки жисм (бадан) ҳолатими, бари бир, одатда, қарама-қарши томонга ўзгаришни келтириб чиқаради. Бу давлат тартиботларида ҳам (бундан) кам кузатилмайди.

– Табиий шундай.

– Зеро, ҳаддан зиёд озодлик айрим одамга ҳам, давлатга ҳам фавқулодда қуликка айланиб қоладиганга ўхшайди.

– Бу табиий-ку.

– Шундай экан, тирания бошқа бир тузумдан эмас, албатта демократиядан пайдо бўлади; бошқача айтганда, энг сўнгги озодликдан энг буюк ва энг қаттиққўл, қаҳрли қулик пайдо бўлади.

– Бу асоссиз эмас.

– Аммо мен ўйлайманки, сен бунинг ҳақида эмас, балки, олигархияда учровчи қайси касаллик худди шунга ўхшаб демократияни емиради ва уни қул қилади, деб сўраган эдинг.

– Сен тўғри айтасан.

– Алоҳида хилдаги ноумид довюраклар бошчилигида бекорчи ва исрофгар одамларнинг пайдо бўлишини мен ушбу касаллик деб ҳисоблаган эдим, ноумид довюракларнинг кетидан унча довюррак бўлмаганлар ҳам судралиб борадилар, биз уларни бир қисми нишлик, бир қисми нишсиз эркак асалариларга ўхшатдик.

– Бу тўғри.

– Ушбу икки гуруҳ, пайдо бўлиб, ҳар қандай давлат тузумига, худди зотилжам ва сафро баданни касаллантирганга, парокандалик келтирадилар. Яхши шифокор ҳам, давлат қонун чиқарувчиси ҳам, уларга қарши, тажрибали асаларичидан кам бўлмаган тадбирлар кўришлари зарур, – асосан эркак асаларилар (текинхўрлар)нинг туғилишига йўл қўймаслик учун – аммо, агар улар пайдо бўлсалар, улар билан бирга мумкатакни ҳам кесиб ташлаш керак.

– Зевс билан онт ичаман, албатта шундай қилиш зарур.

– Биз аниқлашни хоҳлаётган нарса яхшироқ кўриниши учун, ушбуни амалга оширамиз...

– Айнан нимани?

Демократик давлатнинг учта «қисми»: текин- хўрлар, бойлар ва халқ

– Хаёлан демократик давлатни уч қисмга бўламиз – бу аслида ҳақиқатан ҳам шундай. Бир қисмини

ушбуга ўхшаш текинхўрлар (эркак асаларилар) ташкил этади: улар бу ерда гарчи ўзбошимчалик туфайли пайдо бўлсалар-да, аммо бу олигархик тузумдагидан кам эмас.

– Шундай.

– Аммо бу ерда улар у ердагидан заҳарлироқлар.

– Нега?

– У ерда улар ҳурмат-эҳтиромда эмаслар, уларни эгаллаб турган мансабларидан бўшатадилар ва шунинг учун ҳам улар бирор нарсада ҳунар орттиролмайдилар ва куч йиғолмайдилар. Демократияда эса, жуда оз истисно билан

салкам энг юқорида турадилар: текинхўрлардан (эркак асаларилардан) энг заҳарлилари нутқ сўзлайдилар ва ҳаракатда бўладилар, қолганлари эса, супа яқинига ўтириб олиб гингиллайдилар ва кимнингдир бошқача гапиришига қўймайдилар. Шундайки, бундай давлат тузумида шунга ўхшаш одамлар ҳамма нарсага хўжайинлик қиладилар, жуда оз нарса бундан истисно.

– Албатта.

– Оломон таркибида доимо яна бир қисм ажралиб чиқиб туради...

– Қандай (қисм)?

– Ишбилармонлардан ўз табиатига кўра энг ўзини тутиб олганлари кўпинча энг катта бойлар бўлиши мумкин.

– Табиий.

– Худди ана шулардан эркак асаларилар (текинхўрлар) энг кўп асал йиғишлари анча қулай.

– Кимдаки у (асал, яъни бойлик – тарж.) кам бўлса, улардан қандай ҳам олардинг?

– Бундай бойларни эркак асаларилар (текинхўрлар)нинг мумкатаги дейдилар.

– Ҳа, шунақага ўхшайди.

– Учинчи гуруҳ халқдан иборат – улар ўз қўллари билан меҳнат қиладилар, тор амалиётчиликка бегонадирлар, уларда мулк ҳам оз. Улар кўпчиликни ташкил қиладилар ва демократик тузумда ҳаммадан кўра нуфузlidirлар, айниқса, бирга йиғилганларида.

– Ҳа, аммо, агар уларга уларнинг асалдаги улушлари берилмаса, буни (бирга йиғилишни – тарж.) унча хоҳламайдилар.

– Нима, улар ҳамма вақт ўз улушларини олмайдиларми, негаки ҳокимият мулкдорлардан мол-мулкларини тортиб олиб, ўзига кўп қисмини олиб қолиб, (қолганини) халққа бўлиб бериш имкониятига эга-ку?

– Бундай йўл билан улар доимо ўз улушларини оладилар.

– Мулки тортиб олинганлар эса ҳимояланишга, халқ йиғинида чиқиб гапиришга ва умуман қанчалик илож бўлса, шунча ҳаракат қилишга мажбурдирлар.

– Албатта.

– Гарчи улар (давлатни) тўнтаришга интилмасалар ҳам, кимлардир, бари бир, уларни халққа қарши макр, ҳийлада ва олигархияга интилишда айблайди.

– Кейин нима бўлади?

– Охир-оқибат, тухматчилар томонидан алданган халқ, ёмонликдан эмас, гафлатда қолганидан уларнинг адабини бериб қўйишга тайёрлигини кўрганлари чогида улар энди олигархиянинг ҳақиқий тарафдорлари бўлиб қоладилар. Бунда уларнинг айблари йўқ, фақат ўша эркак асалари (текинхўр) уларга ниш урди ва шундан уларда бундайин ёмонлик, ёвузлик туғилди.

– Ҳа, шундай.

– Айблашлар, суд маҳкамалари, тортишувлар бошланади.

– Албатта.

– Нима, халқ одамлардан бирини алоҳида фарқ этишга, унга мулозамат қилишга ва уни улуғлашга ўрганмаганми?

– Албатта, ўрганган.

– Демак, қачонки тиран (мустабид) пайдо бўладиган бўлса, у айнан ана шу илдиздан ўсиб чиқиши, яъни халқ ҳомийлигидаги одам сифатида ўсиб чиқиши равшандир.

– Ҳа, мутлақо равшан.

«**Тираник**» – Бундай халқ ҳомийлигидаги одамнинг тиранга айланиши нимадан бошланади? Айтиш керакки, Аркадиядаги Ликейлик Зевс ибодатхонаси борасида ҳикоя қиладиганлари ривоятдаги ишни қила бошласалар, бу рўй бериши аниқ.

– Айнан нима бу?

– Айтадиларки, кимда-ким майдалаб тўғралган одам ичак-чавоқларини қурбонлик ҳайвонларнинг гўшти билан

қўшиб татиб кўрган бўлса, бўри бўлиб қолишдан қутула олмас эмиш. Ёки сен бундай ривоятни эшитмаганмисан? – деб сўрадим мен.

– Эшитганман, – деди Адимант.

– Нима дейсан, халқ вакили билан ҳам шунинг ўзи эмасми? Ўз қўлида ҳаддан ташқари итоаткор оломонга эга бўлиб, нима, у ўз қабиладошларининг қонидан ўзини тиярмиди? Аксинча, одатда бўладигандек, у уларни адолатсиз айбловлар бўйича суд маҳкамасига торга бошлайди ва одамларнинг жонларини олиб, ўзини ҳаром қилади, таҳқирлайди, ўзининг муртад оғзи ва тили билан қариндошларининг ўлдирилишидан тамшаниб лаззатланади. Сургун қилиш билан жазолаб ва даҳшатли ўлим жазосига буюриб, бу орада қарзни бекор қилиш ва ер тақсимлашни ваъда қилади. Буларнинг ҳаммасидан кейин, бундай одамга иложсиз ушбу икки нарсадан бири: ё ўз душманлари қўлидан ҳалок бўлиш, ё тиран бўлиш ва одамдан бўрига айла ниш қисмат бўлмайдами?

– Ҳа, иложсиз бу унинг қисмати бўлади.

– Бу мулк эгаси бўлганларга қарши қўзғолон кўтарган одамдир.

– Ҳа, у шундай одам.

– Агар у муваффақиятсизликка учраса, ҳайдалса, кейин эса – ўз душманларига қасддан – қайтиб келса, у ҳолда у етук тиран (мустабид) бўлиб қайтади.

– Бу аниқ.

– Агар уни ҳайдаб чиқарган ўша одамлар уни фуқаролар кўзига қора кўрсатиб, яна ағдара олмасалар ва ўлдира олмасалар, у ҳолда улар уни пинҳона ўлдириш фикрида бўладилар.

– Одатда шундай бўлади.

– Тиранлар томонидан қилинадиган умуммаълум талаб шундандир: бундай ҳокимиятга эришишлари билан улар, халқ уларга тансоқчилар тайинлашини талаб қиладилар, токи халқ тарафдори беэиён бўлсин.

– Албатта, шундай талаб қиладилар.

– Халқ ҳам, албатта, унга тансоқчиларни беради, чунки унинг ҳаётини қадрлайди, ўзидан эса ҳозирча анча кўнгли тўқ.

– Сўзсиз (шундай бўлади).

– Пули бор, пул билан бирга эса халқни ёмон кўришга асоси бор одам буни кўрган заҳоти, Крезга қилинган башоратга айтилганидай:

*...Германинг қумлик қиргоқларига
Кўнгли бўш деб шуҳрат қозонишидан уялмай қочиб боради.*

– Кейинги гал у уялмай ҳам қоларди.

– Агар уни тутиб олганларида, ўлдирар эдилар.

– Бу муқаррар.

– У, халқ томонидан қўйилган (одам) «буюк маконда улуғвор...» ором билмайди, аммо, бошқа кўпларни ағда-риб, ўз давлати жанговар аравасида энди халқ вакили сифатида эмас, балки мукамал тиран (мустабид) сифатида тик туради.

– Бўлмаса-чи!

– Ушбу одам ва бундай хилдаги банда пайдо бўлган ўша давлатнинг бахти нимада эканлигини таҳлил қиламизми?

– Албатта таҳлил этиш даркор.

– Биринчи кунларда, умуман биринчи онларда у, ким унга учрамасин, ҳаммага табассум қилади, ўзи ҳақида эса мустабид (тиран) эмаслигини таъкидлайди; у, хусусий шахслар ва жамиятга кўп ваъдалар беради; у одамларни қарзлардан озод қилади ва халққа ҳамда атрофидагиларга ер беради. У қувлик билан ҳаммага ўзини меҳрибон, марҳаматли ва мулойим қилиб кўрсатади.

– Иложсиз шундай бўлади.

– У ўз душманларидан баъзилари билан ярашиб, бошқаларини йўқотганида ва улар ўзини безовта қилмай қўйган-

ларида, ўйлайманки, унинг илк вазифаси, токи халқ раҳбар, йўлбошчига эҳтиёж ҳис этсин учун, фуқароларни қандайдир урушларга жалб этиш бўлади...

– Бу табиий.

– ... ва яна одамлар унга қарши камроқ ёмон ниятда бўлиб, солиқлар туфайли камбағаллашсинлар ва кунларини зўрға ўтказсинлар, деб шундай қилади.

– Бу тушунарли.

– У кимдандир ҳурфикрлиликда ва ўзининг бошқарувини рад этишда шубҳаланса, у ҳолда бундай одамларни у, улар душманга сотилдилар, деган баҳона билан йўқ қилади. Буларнинг ҳаммасини деб тиран ҳаммани уруш билан алғов-далғов қилиши зарур бўлади.

– Ҳа, зарур

– Аммо бундай ишлар туфайли уни фуқаролар борган сари ёмон кўра бошлайдилар.

– Шундай бўлади.

– Бу орада, унинг юксалишига кўмаклашган баъзи нуфузли шахслар, ҳар ҳолда жасурроқлари рўй бераётган нарсалардан норози эканликларини очикчасига ҳам, ўзаро суҳбатларда ҳам унга изҳор қилдилар.

– Шундай бўлиши мумкин.

– Ҳокимиятни қўлида сақлаб қолиши учун тиран ҳаммани йўқ қилиши даркор, шунда охир-оқибат дўстлардан ҳам, душманлардан ҳам ишга яроқли ҳеч ким қолмайди.

– Тушунарли.

– Демак, тиран, ким мард, ким мурувватли, ким бой бўлса, ўшаларни зийраклик билан кузатиши керак. Тиран хўп бахтли-да: бу барча одамларга у беихтиёр душмандир ва то давлатни улардан тозаламас экан, уларга қарши макр-ҳийлалар ишлатади.

– Ажабо, галати тозалаш-ку!

– Ҳа, бу шифокорлар қўллайдиганларига зид: улар банданда энг яхшисини қолдириб, энг ёмонини олиб ташлайдилар, бу ерда эса иш аксинча.

– Агар ҳокимиятни сақлаб қолишни истаса, тиран учун бу бир заруратга ўхшайди.

– Унинг олдида турган танлаш ҳам унинг ҳузур-ҳаловатидан огоҳ этади: у ё ўзини ёмон кўрадиган ярамаслар оломони орасида яшаши, ёки ҳаёт билан видолашиши зарур.

– Ҳа, иккисидан бири бўлади.

– Ушбу ишлари билан фуқароларга у қанча манфур кўринса, шунча кўп содиқ тансоқчилар керак бўлади, тўғри эмасми?

– Албатта.

– Ўзи ким унга содиқ? Содик одамларни қаердан олади?

– Пул тўланса бўлди, улар хоҳлаганча ёпирилиб келадилар.

– Ит билан онт ичаман, менимча, сен яна қандайдир текинхўрлар (эркак асаларилар) ва ажнабий қаланғи-қасанғилар ҳақида гап бошладинг шекилли.

– Сенга тўғри туюлибди.

– Нима десак экан? Нима, тиран шу ерлик тансоқчиларга эга бўлишни хоҳламайдими?

– Қай тарзда?

– Фуқаролар орасидан у қуларни танлаб олиб, уларни овоз қилади ва ўзига найзабардор қилиб олади.

– Ҳақиқатан ҳам, улар энг содиқ одамлар бўлишади.

– Модомики унинг содиқ дўстлари шу хилдаги одамлар экан, аввалгиларини, ҳақиқийларини эса йўқ қилган экан, сен яна тиранни бахт-саодатли демоқчимисан?

– У шундайлар билан қаноатланишга мажбур.

– Унинг бу сафдошлари ундан фахрланадилар, одобли одамлар уни ёмон кўриб ва ундан қочган пайтларида унинг муҳити, улфатлари ана шу янги фуқаролар бўлади.

– Бу бегумон.

– Фожиалар ёзиш бекорга мушкул иш бўлмаса керак, зеро, бунда Еврипид алоҳида ажралиб туради.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Унда чуқур маъноли бир ибора бор:

Донолар билан мулоқот қилиб, тиранлар ҳам донодир.

Шуниси равшанки, у тиран донишмандлар билан мулоқотда бўлади, деб ҳисоблайди.

– У ва бошқа шоирлар тираник (мустабид) ҳокимиятни ва бу ишдаги кўп бошқа нарсаларни кўкларга кўтариб мақтайдилар!

– Шунинг учун, модомики трагик шоирлар шунчалик донишманд эканлар, улар бизни ва бизнинг жамият тартиботи борасидаги нуқтаи назарларимизга қўшиладиган барча одамларни, агар улар тираник ҳокимиятни шундай мақтаганлари учунгина, биз уларни ўз давлатимизга киритмасак, маъзур тутсинлар.

– Бошқа давлатларда кезиб юриб, қалин оломонни тўллаб, зебо, кучли, таъсирчан овозли ижрочиларни ёллаб, улар фуқароларни тирания ва демократияга жалб этадилар.

– Ҳа, улар бу борада қаттиқ ҳаракат қиладилар.

– Бу камлик қилгандай, табиийки, улар тиранлар томонидан, иккинчи ўринда демократиядан ҳам, ажру мукофот оладилар ва уларга энг кўп ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Аммо улар давлат ҳокимияти чўққиларига қанчалик баланд кўтарилсалар, олдинга юриш учун унга (ҳурмат-эҳтиромга – *тарж.*) нафас етмаганидай, уларга бўлган ҳурмат шунча кўп заифлашади, камаяди.

– Ҳақиқатан шундай бўлади.

– Бироқ сен билан биз чалғиб кетдик, кел, яна ўша кўп сонли, ажойиб ҳашаматли, рангин, ўз таркибини доимо ўзгартириб турувчи тираннинг ана шу қўшинига қайтайлик ва у қандай маблағ ҳисобига сақланишини кўриб чиқайлик.

– Шуниси аниқки, тиран унга ибодатхоналарнинг маблағларини, агар улар (маблағлар – *тарж.*) давлатда мавжуд бўлса, сарфлайди ва токи уларни олиб харажатларни қоп-



лаш мумкин бўлар экан, у аҳолига солинадиган солиқларни камайтиради.

– Бу маблағлар тугага-чи?

– У ҳолда у ўзини ҳам, сафдошларини ҳам, сафдош аёлларни ҳам энди отасининг маблағига боқади.

– Тушунаман: модомики тиранни халқ дунёга келтирган экан, уни ва унинг сафдошларини халқ боқиши керак.

– Тиран учун бу жуда зарур.

– Сен нима демоқчисан? Агар халқ норози бўлиб, улғайган ўғил ота ҳисобига кун кўриши мумкин эмас, аксинча, аслида, ота бола ҳисобига кун кўриши керак ва ўғил улғайганидан кейин отанинг ўз қуллаарига қул бўлиб қолмаслик ҳамда ўғилни қуллаарни ҳар хил қаланғи-қасанғиларни боқиш учун ўғил туғдирмагани ва ўстирмаганини айтар? Аксинча, модомики халқ вакили шунчалик кўтарилган экан, халқ бойлардан ва ҳурматли деб аталувчи одамлардан ҳам озода бўлишни умид қилса бўларди; энди эса халқ унга ҳам, унинг сафдошларига ҳам уйдан ўғлини унинг маст тўдаси билан бирга худди шундай ҳайдаб чиқаради.

– Зевс билан онт ичаман, халқ шунда, қандай махлуқни туғиб, яна муҳаббат билан катта қилганини тушунар эди; у ўзининг ожиз кучи билан ҳайдаб чиқаришга ҳаракат қилаётгани одамларнинг қанчалик қудратли эканлигига ишонч ҳосил қилар эди.

– Нималар деяпсан ўзи? Тиран ўз отасига зулм қилишга журъат қиладими ва агар у (ўз йўлидан) қайтмаса, ҳатто, калтаклайдими?

– Ҳа, у ўз отасидан қуролни тортиб олади.

– Демак, тиран – отанинг қотили ва қариялар учун ёмон боқувчи; тиранлик ҳокимиятнинг хусусияти шундайлигини кўпчилик тан олган кўринади. Мақолда айтилишича: «Тутундан қочиб, ўтга тутиласан» («Ёмғирдан қочиб, қорга тутилдинг»); шундай қилиб, халқ ҳам озода одамларга тобелиқдан (қочиб), зулмкор (золим) ҳокимиятга хиз-

маткор бўлиб ва ўзининг меъёрсиз озодлигини энг оғир ва аламли қулликка – қуларга қул бўлишга алмашади.

– Худди шундай бўлади.

– Нима деймиз? Муболага қилмай, биз демократиядан қандай қилиб тиранлик келиб чиқишини ва унинг хусусиятлари қандай эканлигини етарли даражада таҳлил қилдик, деса бўладими?

– Етарли даражада.

ТУҶҚИЗИНЧИ КИТОБ

– Тираник тузумдаги, инсоннинг ўзини кўриб чиқиш қолди, бошқача айтганда, – дедим мен, – демократик одамдан у қандай ривожланади, унинг хусусиятлари қандай ва ҳаёти қандай – бахтсиз, фақиронами ёки, аксинча, бахтлими?

– Ҳа. Ҳозирча биз уни кўриб чиқмадик, – деди Адимант тасдиқлаб.

– Биласанми, мен яна нимани хоҳлайман?

– Нимани?

Хоҳиш-истакларнинг таҳлили

– Менимча хоҳиш-истакларни биз – улар нимадан иборат ва улар қанчалигини етарли даражада таҳлил қилмадик. Модомики шу камлик қилар экан, биз амалга ошираётган тадқиқотда тўла равшанлик бўлмайди.

– Демак, буни ҳозир таҳлил этсак маъқул бўлади.

– Албатта. Мен бу ерда нимани аниқламоқчи эканлигимга қараб тур: заруратдан маҳрум ҳузурлар ва хоҳишлардан баъзилари менга қонунга хилоф бўлиб туюлади. Улар, айтиш керакки, ҳар қандай одамга хосдир, аммо қонунлар ва энг яхши хоҳишлар билан жиловланган баъзи одамларда бутунлай йўқ бўлиб кетади ёки заифлашади ва жуда оз қолади. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларда булар (заруратдан маҳрум ҳузурлар ва хоҳишлар – *тарж.*) ҳам кучаяди, ҳам кўпаяди.

– Қандай хоҳишлар ҳақида гапирмоқдасан?

Уйқу вақтида уйғонувчи хоҳиш-истаклар – Дилнинг асосий, ақл-идрокли ва безор ибтидоси (бошланиши) муд-

раётганида уйқуда уйғонувчи (хоҳишлар) ҳақида; аммо бу ёввойи, ҳайвонга ўхшаш ибтидо тўқликдан ва хумордан пишқириб сакрайди, кўзидан уйқуни қочириб ҳайдайди ва ўз инжиқлигини қаноатлантириш йўлини излайди. Сенга маълумки, бундай ҳолатда ҳар қандай уят ва ақл-идрокни улоқтириб, ҳамма нарсага журъат қилади. Агар хаёлига келиб қолса, ўз онаси билан, эҳтимол, одамлар, худолар ва ҳайвонлардан ким учраса, ўша билан қўшилишга уринишдан ҳам қайтмайди, қандай бўлмасин қон тўкиш билан у ўзини ҳаром қилади ва ҳеч қандай овқатдан ўзини тиймайди. Бир сўз билан айтганда, уятсизлиги ва ақл-идроксизлиги туфайли ҳеч нарсани қадрламайди.

– Тўппа-тўғри.

– Қачонки инсон ўзини соғлом сабр-қаноатда тута билса, уйқуга кетаётиб ўзининг оқилона ибтидосини уйғотади, уни ажойиб далиллар ва мулоҳазалар билан меҳмон қилади ва шу тарзда ўз виждонига таъсир ўтказиши. Хоҳиш билан боғлиқ ибтидони у, гарчи очидан ўлдирмаси-да, аммо тинчлансин ва инсондаги энг олижанобликни ўз қувончлари ва ғам-андуҳлари билан безовта қилмасин деб, уни тўйдириб қаноатлантирмайди; мана шу сўнггиси, ҳеч бир тўсиқсиз, ўз-ўзича, ўз мукамал поклиги билан, ҳали ўзига маълум бўлмаган нарсани бу ўтмиш бўладими, бугунги кунми ёки истиқболми, бари бир, тадқиқ қилиш ва сезишга интилинсин. Шунга ўхшаб, ҳаяжонга тушган ва газабланган ҳолда уйқуга кетмаслик учун, ўзининг ғазабнок ибтидосини тияди, жиловлайди. Ўзига хос бу икки ибтидони тинчлантириб ва учинчисини – оқилоналик хос бўлганини – ишга тушириб, инсон ҳордиқ чиқара бошлайди. Бундай шароитда унинг ҳақиқат билан туташини эҳтимоли кўпроқ бўлишини ва

унга уйқуда ҳар хил ноқонуний нарсалар кўринмаслигини сен биласан.

– Мен сенинг фикрингга мутлақо қўшиламан.

– Буларни гапириб, биз бошқа томонга огиб кетдик. Биз фақат ушбуга ишонч ҳосил қилмоқчи эдик: ҳар бир одамнинг ичида хоҳишларнинг қандайдир даҳшатли, ёввойи ва ноқонуний хили яширингандир, ҳаттоки анчагина меъёрадаги бўлиб туюлганларимизда ҳам шундайин аҳволдир; тушда мана шу кўринади. Мен тўғри айтяпманми ё йўқми ва сен қандай фикрдасан, бунисини ўзинг ҳал қил.

– Мен ҳам шундай фикрдаман.

– Демократ бўлиб қолган инсонни биз қандай тасвирлаганимизни эслагин. У деярли туғилган ондан, ҳар ҳолда, гўдаклигидан бошлаб, тежамкор, фақат тама билан боғлиқ хоҳишларнигина ҳурмат қилувчи ва, унинг фикрича зарурати бўлмаган ҳамда фақат эрмак ва гўзаллик учун пайдо бўлади деб ҳисобловчи хоҳишларни асло менсимайдиган ота томонидан тарбияланган. Шундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Ундан назокатлироқ, ҳозиргина биз таҳлил этган хоҳиш-истакларга тўла одамлар билан мулоқотда бўлиб, ўспирин уларнинг ҳаёт тарзларига ва ҳар қандай бебошликларга киришиб кетади, чунки отасининг хасислиги унга жирканч туюлади. Аммо ўз табиати бўйича у, уни бузаётганлардан яхшироқ, шунинг учун у гўё ҳаётга бўлган бу икки ёндашиш ўртасида тўхтаб қолади: унинг ҳали у томонга, ҳали бу томонга мойиллиги бор. Бу иккала ҳаётдан меъёрида татиб кўриб, у пасткаш ва ноқонуний бўлган ҳаётда яшамайди ва олигархик инсондан демократга айланади.

– Бунга ўхшаш одам ҳақида бизда худди шундай фикр шаклланган ва у мавжуд.

Тирания ва ноқонуний – Тахмин қилайликки, **хоҳиш-истаклар,** бу одам катта бўлгач унинг **Тиран қиёфаси** ўз отасининг феъл-атвори буйича тарбияланган ўғли бўлади. **(давоми)**

– Шундай тахмин қилайлик-чи.

– Яна тахмин қилайликки, отаси билан нима рўй берган бўлса, у билан ҳам ўша нарса рўй беради: уни йўлдан урувчилар ўзлари мутлақо озодлик деб атайдиган ҳар хил ноқонуний ишларга уни тортадилар. Отаси ва бошқа ҳамма яқинлари ундаги ўртача ҳолатга риоя қилишга бўлган мойилликни қўллаб-қувватлайдилар, аммо уни йўлдан урувчилар бунга қаршилик кўрсатадилар. Ушбу моҳир сеҳргарлар ва тиранларни яратувчи ижодкорлар ўспирин устидан ҳукмронликни бошқача йўл билан ўрнатишдан умидларини узсалар, унда қандайдир бир эҳтиросни, ишёқмаслик ва жамгарилган нарсани созуришга бўлган хоҳиш-истакларни бошқарувчи эҳтиросни уйғотишга устамонлик билан эришадилар: бундай эҳтирос улкан, қанотли эркак асалари (текинхўр)нинг худди ўзгинасидир. Ёки, сенингча, бошқа нарсами?

– Менимча, худди шунинг ўзи.

– Ушбу эҳтирос атрофида бошқа хоҳиш-истаклар лорсиллаб юрибдилар, уларнинг ортидан хушбўй тутатқилар ва малҳамлар, гулчамбарлар, шароблар, бундай хил мулоқотларда одатий бўлган тизгинсиз ҳузурлар оқими чўзилиб келади. Бу хоҳиш-истаклар ўсиб ривожланади ва кучаяди, улар текинхўр (эркак асалари)ни шахвоний нафс ниши билан қуролаштиради ва шунда, жазавага тушган ушбу дилнинг ҳимоячиси нишини уради. Агар у ўспириндан одоблиликка даъво қиладиган ва ҳали ҳаёдан ҳоли бўлмаган қандайдир мулоҳаза ёки хоҳишни забт этса, у уларни ўлдиради, мулоҳаза юритиш (ақл-идрок, фикрлаш)дан

бутунлай тозаланмагунча ва унга селдай бостириб келган жазавага тўлиб-тошмагунича итқитиб юборади.

– Сен яхлит қуйилган (қуйма) титаннинг пайдо бўлишини тасвирламоқдасан.

– Нима, Эрот буларнинг ҳаммаси ва уларга ўхшашлар туфайли қадим замонлардан бери тиран деб аталмайдими?

– Шундайга ўхшайди.

– Дўстим, тираннинг бошида ҳам мастнинг бошидагининг ўзи юз бермайдими?

– Балки шундайдир.

– Кимнингки мияси айниса ва қутуриб кетса, у нафақат одамларни, балки, ҳатто, худоларни ҳам енгишига ишонади.

– Ҳақиқатан ҳам шундай.

– Дўстим, инсон қачонки маст бўлса, ёки ҳаддан ташқари булҳавас, севувчан бўлса, ёки қора сафродан жинни бўлиб қолса, шунда у тўлиқ тиран бўлади, буларнинг ҳаммаси эса ё унинг табиати шундайлигидан ёки одатлари шундайлигидан, ёхуд ундан ҳам, бундан ҳам, содир бўлади.

– Мутлақо тўғри.

– Кўриниб турибдики, бундай одам шундай туғилади. У ўзи қандай яшайди?

– «Энди ўзинг жавоб беравер», деган ҳазиломуз мақол бор.

– Жавоб бераман. Менимча, шундан кейин уларда байрамлар, бутун галанинг тантанали юришлари, базмлар бўла бошлайди, қизлардан дўст орттиришади ва ҳоказо, зеро, уларнинг дилида яшайдиган тиран – Эрот унда (дилда – тарж.) бор ҳамма нарсани бошқаради, ҳамма нарсага ҳукмронлик қилади.

– Шундай бўлиши муқаррар.

– Ҳаддан ташқари кўп талаблар қўядиган жуда кўп даҳшатли истаклар кундан-кунга, тундан-тунга авж олиб боради.

– Ҳа, улар равнақ топади.

– Демак, даромадлар ҳам агар бор бўлса, тез орада тугайди.

– Албатта.

– Бундан кейин мулк гаровга қўйила боради, маблағ қисқара боради.

– Кейин-чи?

– Ҳамма нарса тугагач, бу одамларда ин қуриб олган хоҳиш-истаклар галаси гингиллай бошлайди ва бу одамлар турли хоҳишлар найзаси билан, айниқса, Эрот томонидан (зеро, Эрот ўз ортидан барча хоҳишларни худди тансоқчилардай эргаштириб юради) қувиб борилаётгандай жинни бўлиб, ақддан озадилар ва кимда нима борлигини ҳамда алдаш ва зўравонлик билан нимани тортиб олиш мумкинлигини кўзлай бошлайдилар.

– Албатта шундай бўлади.

– Улар талончиликсиз яшай олмайдилар, акс ҳолда оғир дардлар ва азобларга дучор бўладилар.

– Ҳа, шундай бўлиши муқаррар.

– Бундай одамнинг ҳузур интилиши борган сари кучайиб, унинг аввалги инжиқликларини йўлда қолдириб кетади ва уларни бебахра этиб қўяди; худди шундай тарзда унинг ўзи отаси ва онаси олдида кўпроқ нарсага даъво қилади, лекин у улардан ёшроқ бўлгани учун ўз улушини ҳам сарфлаб бўлиб, отасининг пулларини ўзлаштириб олади ва сарф қилади.

– Кейин нима бўлади?

– Агар ота-онаси бунга йўл қўйишмаса, у дарҳол улардан ўғирлашга ва уларни алдашга ҳаракат қилиб кўрмайдими?

– Албатта, ҳаракат қилади.

– Агар бунинг иложи бўлмаса, у зўравонлик қилиб, уларни қароқчидай таламайдими?

– Уйлайманки, шундай қилади.

– Агар қариялар қаршилик кўрсатишса ва у билан олишишса, уларни аяб ўтирадими ва тиранларга хос қилиқларни қилишдан ҳайиқадими?

– Мен бундай одамнинг ота-онаси тақдири учун кафила бўлолмайман.

– Аммо, Зевс ҳурмати, Адимант, наҳотки қандайдир янги дугона туфайли, гарчи усиз ҳам куни ўтса-да, ўз онасини урса? Ёки, эндигина дўстлашгани гуллаб-яшнаётган ўсмирни деб, гарчи усиз ҳам яшаб бўлса-да, ўз отасига, қариб қолган ва хазон бўлаёзган, аммо дўстларининг энг қадимгиси бўлган отасига қўл кўтарадими? Наҳотки бу одам, сенингча, бундай одамларни ўз уйига киритиб, ўзининг ота-онасини уларга қул қилиб беради?

– Зевс билан онт ичаманки, беради.

– Тираник мойилликлари бўлган ўғилни туғиш нақадар буюк бахт экан-а! (бу сўзлар истехзо билан айтилган. – *Тарж.*)

– Ҳа, жуда буюк бахт! (бу ҳам истехзо – *тарж.*)

– У ўзлаштириб олган отасининг ҳам, онасининг ҳам маблағлари тугаб қолса, бу орада эса унда сон-саноксиз инжиқликлар юзага келган бўлса, унинг ҳоли нима кечади? Бу уни аввал бегоналарнинг уйларига ўғирликка киришга ёки тунда кеч қолган ўткинчини тунашга, кейин эса қандайдир бир ибодатхонани шип-шийдам қилиб кетишга мажбур қилмайдими? Бу барча ишларда унинг зебо нимаю, жирканч нима эканлиги ҳақида ёшлиқдан ўзлаштирган ва тўғри деб ҳисоблаб келинган аввалги фикр-мулоҳазалари боягина озодликка чиқариб юборилган, Эротга эргашиб юрган ва у бошлиқ бўлган хоҳишларга бўйсунди. Авваллари, инсон одатлар, қонунлар ва ўз отасига бўйсунган ва кўнглида ўзини демократ деб ҳис этиб юрган пайтларда ушбу хоҳишлар унинг фақат тушида озодликка чиқардилар, энди эса, уни Эрот тиранга айлантирганида инсон бутун умрга, баъзан уйқуда тушган ҳолатига тушиб қолади, у энди на қотилликдан, на очофатликдан, на ножўя ишлардан, улар қанчалик даҳшатли бўлмасин, ўзини тия олмайди: бу одамда ҳар қандай бошбошдоқлик ва қонунсизлик ўртасида Эрот тиранларча яшайди. Якка ҳукмдор сифатида у (яъни Эрот – *тарж.*) нима қилиб бўлса-да, ўзини ҳам, ўзини кузатиб

юрувчи, инсонга қисман четдан, унинг атрофидаги ёмонлар орасидан, қисман ичидан, унинг ўзида бўлган худди шу хилдаги, ҳозир эрк бериб бўшатиб юборилган хоҳишларидан иборат авбош галани қаноатлантириш учун ўзи оғушига олган одамни, худди унга тобе давлатдай, мумкин бўлган барча қўрслик, дадилликка олиб боради. Бу хилдаги одамнинг ҳаёти шундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Бундай одамлар давлатда кўп бўлмаса, қолганлар эса соғлом фикр юритса, анавилар ўзга юртларга кетиб қоладилар, у ерда улар қандайдир бир тиранга тансоқчи бўлиб ёки уруш кетаётган жойда ёлланма қўшинларда хизмат қиладилар. Буларга ўхшаш хоҳиш-истаклар уларда тинчлик шароитида намоён бўлган тақдирда улар ўз ватанларида ҳам, гарчи майда-чуйда бўлса-да, кўп ёмонликлар қиладилар.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Улар ўғрилиқ қилишлари, деворлар остидан лаҳм қозишлари, киссавурлик қилишлари, ўткинчиларни ечинтиришлари, шаккоклик қилишлари, одамларни қул қилиб сотишларини назарда тутмоқдаман. Шундай ҳам бўладики, улар агар бирор гапни билиб қолсалар, зимдан хабар бериб чақувчилик қиладилар, ҳатто, ёлгон гувоҳлик берадилар ёки пора оладилар.

– Шулар майда-чуйдами? Ҳали бу шундай одамлар оз бўлганларида улар қиладиган ёмонликларми?

– Ҳа, майда-чуйдалар, чунки буюк ёвузлик билан солиштирилганда, булар ҳақиқатан майда-чуйда ёмонликлар, зеро, давлат учун зарар ва бахтсизлик маъносида буларнинг ҳаммаси, айтиладиганидек, тирандаги каби кенг кўламли эмас. Давлатда бундай одамлар ва уларга эргашувчилар анча йиғилиб қолса ва улар ўзлари кўпчилик эканликларини сезиб қолишса, у ҳолда тиран ҳам худди ўшаларнинг муҳитларидан туғилади, бунга халқнинг ўйламай иш қили-

ши кўмак беради. Бу, улар орасидан кимда-ким ўз-ўзида, яъни ўз дилида энг буюк ва ашаддий тиранни олиб юрувчи бўлса ўша бўлади.

– Бу табиий, зеро, бундай одам энг катта тиран бўлади.

– Унга қаршиликсиз йўл қўйиб берсалар шундай бўлади; агар давлат бунга йўл қўймаса, у ҳолда у фақатгина ўз ватанига нисбатан яқинда эслатиб ўтилган мисолдагидай – қўли отаси ва онасига кўтарилганидай иш қилади: у ватанга ўзининг янги сафдошларини киритиб, ватанни ҳам забт этади; авваллари критликлар айтганидек, «она ватан», яъни ота юрт уларнинг қўлида қуликда сақланади ва тарбияланади. Бундай одамнинг хоҳиш-истакларининг пировард мақсади шудир.

– У айнан шундан иборат.

– Бундай хилдаги одамлар ҳокимият тепасига чиқмасларидан олдин ҳам шахсий ҳаётларида шундай эдилар. Улар ким билан мулоқотга киришмасинлар, хушомадгўйликни ва хизматга тайёрликни талаб қиладилар, қачонки ўзлари бирор нарсага эҳтиёжманд бўлсалар, у ҳолда яқин одамдай бўлиб, ҳеч уялмай ўша одамга ёпишиб оладилар, аммо ишлари битиши билан яна унга бегона бўлиб қоладилар.

– Бу жуда аниқ пайқалган.

– Демак, бутун умрлари давомида улар бир марта ҳам ҳеч ким билан дўст бўлмаганлар; улар доимо ё ҳукмронлик қиладилар, ёки қуликда бўладилар: тираник табиат озодликни ҳам, ҳақиқий дўстликни ҳам ҳеч қачон билмаган.

– Албатта.

– Бундай одамларни ишончга нолайиқ одамлар деб айтилса тўғри бўлмайдими?

– Бошқача бўлиши мумкин эмас!

– Агар биз ўз суҳбатимизда, аввал адолат нимадан иборатлиги борасида тўғри хулоса чиқарган бўлсак, уларни олий даражадаги адолатсизлар, деб атасак ҳам бўлади.

– Албатта.

– Шундай қилиб, жуда ҳам ёмон одам ҳақида умуман шундай деймиз: бу, тушларда қандай бўлса ўнгида ҳам шундай бўлган, биз таҳлил қилган одамдир.

– Мутлақо тўғри.

– Кимда-ким ўзининг табиий тираник майилларида якка ҳокимликка эришса, ўша одам шундай бўлиб қолади ва бундай ҳокимлик соҳиби бўлиб қанча узоқ турса, шунча кўп у шунақа бўлиб боради.

– Албатта шундай бўлади, – деди Главкон, ўз навбатида суҳбатга қўшилиб.

Тираник дил – – Шундай экан, – дедим мен, –
бадбахт кимда-ким ашаддий аблаҳ бўлса, ўша
энг бахтсиз одам бўлиб қолмайдими?

Ва унинг қўлида бундай ҳокимият қанча узоқ ва кўп турса, у ҳақиқатан ҳам шунча кўп ва узоқроқ муддатга бахтсиз бўлиб қолган, зеро, кўпчилик бунини турлича тасаввур қилади.

– Бу айнан шундай бўлади, – жавоб берди Главкон.

– Яна, ўхшашлик борасида: тираник одам тираник бошқариладиган давлатга, демократ эса – демократик давлатга мос келади. Бошқа ҳолатларда ҳам шунинг ўзи эмасми?

– Бошқача бўлиши мумкинми?

– Ва давлат давлатга хайрли ишлар ҳамда фаровонлик маъносида қандай муносабатда бўлса, одам ҳам одамга шундай муносабатда бўладими?

– Бошқача бўлиши мумкин эмас.

– Тираник тузумдаги давлат, хайрли (эзгу) ишлар маъносида, биз аввал таҳлил этганимиз подшоҳ томонидан бошқариладиган давлатга қандай муносабатда бўлади?

– Улар бир-бирларига мутлақо қарама-қаршидирлар: улардан бири энг олижаноб. Бошқаси – энг тубан.

– Улардан қайси бирини қандай деб ҳисоблашингни сўраб ўтирмайман – бу шундай ҳам равшан. Аммо фаровонлик ёки, аксинча, камбағаллик маъносида сен худди шундай қарорга келасанми ё бошқачами? Айрим олинган ёки кам-

сонли мулозимлар қуршовидаги тиран кўриниши бизни ҳайратга солмаслиги керак, биз бутун давлатни яхлитлиги-ча кўриб чиқишимиз, унинг ичкарасига киришимиз, ҳамма нарсани ўрганишимиз ва кўриб чиққанзимиздан кейингина унинг ҳақида ўз фикримизни билдиришимиз даркор.

– Сенинг талабинг тўғри. Аммо, тираник бошқарувдаги давлатдан аянчлироқ ва подшоҳлар бошқарадиган давлатдан фаровонроқ, фазилатлироқ давлат йўқлиги ҳар қандай одамга равшан.

– Агар мен, айрим одамларга татбиқан ҳам шунинг ўзини талаб қилсам, менинг талабим тўғри бўлардими? Улар ҳақида, кимда-ким инсоннинг феъл-атвориға фикран кириб бориб, уни кўриб чиқишга қодир бўлса, ўша одам улар ҳақида фикр билдириши мумкин, деб ҳисоблайман, болаларга ўхшаб фақат ташқи кўринишига қараб ва тиранларда атрофдагиларда таассурот қолдириш учун ўйлаб топиладиган нарсалардан ҳайратланадиган одам бунга қодир эмас: буни таҳлил қилишни билиш керак. Мен ўйлайманки, кимнинг ҳақиқатан ҳам фикр билдириш имконияти бўлса, ўша одамнинг, яъни ким тиран билан бир уйда яшаган бўлса, унинг рўзгордаги ҳолати ва оила аъзоларига муносабатини кузатган бўлса, ўшанинг баҳоси, мулоҳазасига қулоқ солишимиз керак бўлади, шунда тиран бизнинг қаршимизда худди фожиа спектаклдаги каби ушбу ҳашаматли кийимларсиз, қип яланғоч ҳолда намоён бўлар эди. Давлатда аҳвол хавфли бўлиб қолган тақдирда ҳам шундай бўлади: буларнинг ҳаммасини кузатган одам, бошқа одамлар билан солиштирганда фаровонлик, беҳбудлик маъносида тираннинг иши қай аҳволдалигини бизга айтсин.

– Ва сенинг ушбу талабинг олий даражада тўғри бўлар эди.

– Хоҳласанг, биз ўзимизни шундай фикр билдира оладиганлар, бундай хилдаги одамлар билан учрашганлар қаторига кирамиз, деб ҳисоблаймиз.

– Албатта, хоҳлайман.

– Бу масалани кўриб чиқишга қуйидаги тарзда ёндаш: давлат билан айрим бир одамнинг ўхшашлиги нимада эканлигини эсла ва у ёки бу хислатнинг қандайлигини кўрсатиб, униси ва бошқасини навбат билан олиб кўр.

– Аммо нимадан бошлаш керак?

– Аввало, агар давлат ҳақида гапирилса: тираник тузумли давлатни сен озод давлат деб атайсанми ёки қуллик давлатими?

– Ўта қуллик (давлати) деб.

– Аммо сен кўриб турибсанки, у ерда хўжайинлар ва озод одамлар бор.

– Ҳа, кўриб турибман, аммо улар (яъни озод одамлар – тарж.) жуда оздирлар, бутун давлат яхлитлигича ва ундаги энг виждонли, анлишалиси эса шармандали ва ҳалокатли қулликда.

– Модомики айрим одам давлатга ўхшар экан, у ҳолда унда ўша тартибнинг ўзи бўлиши зарур: унинг дили қуллик ва тубанлик билан тўлиб-тошган, унинг виждонли қисмлари эса тобеликдалар, энг ёмон ва ўжар, асов кичкина қисми эса ҳукмдорлик қилади.

– Шундай бўлиши муқаррар.

– Хўш, бундай дилни қул дейсанми ёки озод дейсанми?

– Мен уни қул дил дейман.

– Зеро, қул бўлган ва тираник бошқарувга эга давлат камдан-кам истаганини қила олади.

– Албатта.

– Демак, агар бутун, яхлит дил ҳақида гапирилса, тираник бошқариладиган дил ҳам ўз хоҳлаганини камдан-кам ҳолда қила олади. Ҳамма вақт ғазабнок сўна томонидан иғво, фитнага йўлиқтирилган ва зўравонликка учраган дил саросима ва ўкинч-афсусларга тўла бўлади.

– Бегумон шундай.

– Зарурат бўйича тираник бошқарувдаги давлат бой бўладими ёки камбағал бўладими?

- Камбагал.
- Демак, тираник бошқариладиган дил ҳам ноилож доимо камбагал ва қаноатланмаган бўлади.
- Ҳа, шундай.
- Нима десак экан? Нима, бундай давлат ва бундай одам иложсиз қўрқувга тўлиб-тошганми?
- Жуда ҳам (тўлиб-тошган).
- Сенингча, буларнинг ҳаммаси, ўзининг хоҳиш-истаклари ва эҳтирослари туфайли жазавага тушган тираник одамга қараганда бошқа кимдадир кўпроқми?
- Мумкин эмас.
- Буларнинг ҳаммасига ва унга ўхшашларга қараб туриб, ўйлайманки, сен бундай давлат – давлатлар орасида энг аянчлиси деб ҳисоблагандирсан?
- Нима, бу нотўғрими? – сўради Главкон.
- Жуда ҳам тўғри, – жавоб бердим мен. – Аммо агар тираник майлдаги одамда худди шунинг ўзини кўриб қолсанг, бундай одам ҳақида нима дейсан?
- У қолган бошқалардан кўра анча бахтсиз.
- Мана буни нотўғри айтдинг.
- Нега?
- Ўйлайманки, ҳаммадан бахтсиз у эмас.
- Бўмаса ким?
- Мана бундай одам сенга янада бахтсизроқ кўринади...
- Қандай одам?
- Бу шундай одамки, унинг тираник майллари бўлиб, бошига бало келиб, қандайдир шароит туфайли у тиран бўлишига тўғри келса, бутун умрини хусусий шахс сифатида ўтказиш насиб этмаса, ўша одам.
- Аввалги гапларимиздан келиб чиқиб, сен ҳақсан, деган худосага келдим.
- Ҳа, аммо бундай масалаларда умумий мулоҳазалар билан қаноатланиб бўлмайди, балки, барча нарсани аввалги усудда синчковлик билан текшириш керак бўлади.

- Мутлақо тўғри.
- Қара, тўғри гапиряпманми? Ушбу масала кўриб чиқи-лаётганида, менимча, ушбу нарсадан келиб чиқиш зарур.
- Нимадан?
- Кўп қулларнинг эгаси, бой фуқаролардан ҳар бири қандай аҳволда эканлигидан. Бу одамлар, ўзларига кўп одамлар тобе бўлганликлари билан тиранларга жуда ўхшаб кетадилар: бу ерда фарқ фақат тиранга кўпроқ халқ (одам) тобелигидадир.
- Ҳа, бутун фарқ шунда.
- Сен биласанки, бундай одамлар бемалол яшайдилар ва чўри-қаролларидан қўрқмайдилар.
- Улар нимадан қўрқадилар?
- Ҳеч нарсадан қўрқмайдилар. Аммо бунинг сабаби ни-малигини биласанми?
- Хусусий одамларнинг ҳар бирига бутун давлат ёрдамга келишида.
- Худди шундай. Лекин худолардан бири, элликта ва ун-дан кўпроқ қуллари бўлган бундай одамни олиб, уни хоти-ни, болалари қарол-чўрилари ва барча мулки билан – унга ёрдам бериш учун ҳур туғилган одамлар топиламайдиган жойга олиб бориб қўйса, сенингча, унда ўзи, болалари ва хотини учун, уларнинг ҳаммасини чўрилар ҳалок этишидан хавотир, қўрқув қанчалик пайдо бўлар эди?
- Менимча, у доимо қўрқиб яшарди.
- Нима, у баъзи қуллари олдида хушомадгўйлик қил-масмиди, турли ваъдалар бермасмиди, ҳеч бир заруратсиз уларни озод этиб юбормасмиди?
- Шундай қилмаса у ҳалок бўлади.
- Агар худо унинг атрофида кўпдан-кўп қўшнилари жой-лаштира, аммо улар бирор одамнинг ҳукмронлигига чида-майдиган ва агар уларга бундай одам тўғри келиб қолса, жуда қаттиқ жазолашлари мумкин бўлган одамлар бўлса-чи?
- У ҳолда, унинг атрофида фақат душманлар ҳушёр тур-салар, у бутунлай балога қолади.



– Нима, биз табиатини таҳлил этганимиз ўша тиран ана шундай зиндонда эмасми? Зеро, у кўпдан-кўп турли эҳтирослар ва қўрқувларга тўла; ўзининг очкўз дили (нафси) билан давлатда унинг бир ўзи на бирор ерга боришга, на барча хур туғилган одамлар қанчалик ҳавасманд эканликларига қараб қўйишга имкон топади; кўпинча у, худди аёл кишига ўхшаб, ўз уйида беркиниб ўтиради ва қачон кимдир бошқа юртларга борса ҳамда нимадир яхши нарсани кўрса, ўша фуқароларга ҳавас қилади.

**Инсон учун тираник
майларни амалга оши-
риш – уларни тийишдан
кўра оғирроқ офат**

– Бу айнан шундай бўлади.

– Бу балоларга қўшимча равишда, кимда-ким ботинан (ички) тартиб

берилмаган бўлса, ўша одам янада ёмонроқ бўлади, яъни агар тираник майли бор одам (яқинда сен уни энг бахтсиз одам, деб тан олган эдинг), бутун ҳаётини хусусий одам сифатида ўтказмай, қандайдир тасодиф билан ҳақиқатан тиран бўлишига тўғри келса ва, ўзига кучи етмай, бошқаларга ҳукмдорлик қилишга ҳаракат қилса, ўша одамга (янада ёмонроқ бўлади). Бу худди, агар ўз касалликларини тузата олмаган соғлиғи нодуруст одам ўз ҳаётини узлатда ўтказмай, аксинча, бошқа одамлар билан курашиш ва мусобақа-лашишга мажбур бўлганга ўхшайди.

– Улар орасида тўла ўхшашлик бор, Сукрот, сен мутлақо ҳақсан.

– Азизим Главкон, бундай ҳолат – сўзсиз бахтсизликдир ва, кимда-ким тиран бўлиб қолса, ўшанинг ҳаёти, инсон учун энг оғир ҳаёт деб сен тан олганинг ҳаётдан ҳам оғирроқдир, тўғрими?

– Бу аниқ.

– Демак, балки кимдир бунга қўшилмас, аммо тўғриси айтганда, кимда-ким ҳақиқий тиран бўлса, ўша одам энг ёмон одамларга хушомад қилишга мажбур бўлган, энг

буюк лаганбардорлик ва қулликнинг ҳақиқий қулидир. У ўз хоҳиш-истакларини қондиролмайдди, унга кўп нарса етишмайди, агар кимдир унинг бутун дилини бир назар билан қамраб ола билса, у ҳақиқий камбағал бўлиб чиқади. Ўзи бошқараётган давлат билан ўхшаш бўлганлигидан бу умр кўрқинчга тўла бўлади, у титраб-қақшайди ва азоб чекади. Улар орасида ўхшашлик бор-ку, тўғри эмасми?

– Ўхшашлик кўп.

– Бундан ташқари, биз бу одамда аввал айтиб ўтганимиз хусусиятларни кўрсатиб ўтамиз: ҳокимият уни иложсиз ҳасадагўй, маккор, адолатсиз, нохайрихоҳ ва муртад қилиб қўяди: у ҳар хил ёмонлик, балони қўллайди ва озиқлантиради; шу сабабли у ўта виждонсиз бўлиб қолади ва ўз яқинларини ҳам шундай қилади.

– Ҳеч бир оқил одам бу борада баҳслашмайди.

**Бахт даражаси бўйича
беш хил дилнинг
изчиллиги**

– Тезроқ бошлайқол!
Бундай ҳолатда бизда ушбу
барча масалалар бўйича
ҳакам бор. Шундай экан,

қарор чиқар: сенингча, бахт бўйича, подшоҳлик тузуми, тимократия, олигархия, демократия ва тираниянинг беш вакилидан қайси бири биринчи, қайси бири иккинчи ва ҳоказо ўринни олади?

– Қарор чиқариш осон: яхшилик ва ёмонлик, бахт ва унинг қарама-қаршиси маъносида, улар худди театр хорларига ўхшаб, бизнинг олдимиздан қайси тартибда ўтган бўлсалар, худди шу тартибда қўяман.

– Кел, жарчи ёллайқолайлик! Ё бўлмаса мен ўзим, Аристоннинг ўғли, энг хайрли ишларни қилувчи ва адолатли одамни энг бахтли деб ҳисоблаш керак, деб қарор қилди, бундай одам эса энг шоҳона, ўзининг устидан ҳукмрон одам бўлиши мумкин; энг бахтсиз деб, энг ёмон ва адолатсизни ҳисоблайди, бундай одам эса, кимки ўзига

ўзи ашаддий тиран бўлса ва яна ўз давлатини ҳаддан ортиқ тиранлаштирувчи бўлса, ўша одам бўлади, деб эълон қилиб юбораман.

– Шундай деб эълон қилақол!

– Яна, буларнинг ҳаммаси, ушбу хусусиятлар барча одамлар ва худоларга сир бўлиб қолиши ёки сир бўлмаслиги билан боғлиқ эмасдир, деб ҳам қўшиб қўяйми?

– Буни ҳам қўшиб қўй.

– Шундай бўлақолсин! Бу бизнинг биринчи далилимиз бўлақолсин. Бошқаси агар ишонтира оладиган бўлса, мана бу бўлиши мумкин...

– Бу қандай далил?

Инсон дилининг уч ибтидосига давлатнинг уч тоифаси ва ҳузурларнинг уч хилига монандлиги

– Агарки давлат уч тоифага бўлинар экан, у ҳолда ҳар бир айрим одамнинг дилида ҳам уч ибтидони фарқ этиш

мумкин. Бу ерда яна бир далил бўлиши мумкинга ўхшайди.

– Қандай?

– Мана бу: дилда уч ибтидо бор экан, уларнинг ҳар бирига, менинг назаримда, уч хил ҳузур мос келади. Хоҳиш-истаклар ва улар устидан ҳукмронлик ҳам худди шундай бўлинади.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Биз айтган эдикки, битта ибтидо – бу унинг инсоннинг билиш (билим олиш) воситаси бўлган нарса, бошқаси – унинг инсон тутақиб кетишга сабаб бўладиган восита деган эдик; учинчисига эса, унинг хилма-хиллиги сабабли, унга хос бир белги топа олмадик, шунинг учун унда яққол кўриниб турган аломат бўйича атагандик: биз унга овқатга, ичимликка, ишқий эрмакларга ва у билан боғлиқ ҳамма нарсага бўлган бениҳоя кучли хоҳишлар туфайли – хоҳиш-истак деб ном бердик. Бунга бойликка ўчлик (очкўзлик) ҳам киради, чунки бундай хоҳиш-истакларни қондириш учун пул жуда ҳам зарур.

– Ҳа, биз буни тўғри атадик.

– Агар биз, охирги ибтидонинг ҳузурланиши ва муҳаббатни ҳақида улар фойдага йўналтирилганлар деб айтсак, бу билан биз унинг асосий хусусиятларидан бирини кўпроқ ифода этган бўлар эдик, шундай қилиб бизга ҳар сафар дилнинг қайси қисми ҳақида сўз бораётгани аниқ бўларди; ва агар биз бу ибтидони очкўз ва шуҳратпараст деб атасак, нима, бундай ном тўғри бўлмасмиди?

– Менга-ку тўғрига ўхшаб кўринади.

– Яна. Ғазабнок руҳ доимо ва бутунлай кимдандир устун бўлиш, ғалаба қозониш ва шуҳратли бўлишга интилади, деб айтмаймизми?

– Сўзсиз шундай деймиз.

– Демак, агар биз уни иззатталаб ва рақобатга мойил десак, ўринли бўладими?

• – Жуда ҳам.

– Биз унинг воситасида биладиганимиз (билим орттирадиганимиз) ибтидо-чи? Унинг доимо ва бутунлай ҳақиқатни билишга йўналганлиги, яъни ҳақиқат нимада эканлигини билишга йўналганлиги, пул ва шуҳрат ҳақида жуда оз қайғуриши ҳар кимга ҳам равшан.

– Ҳатто, ҳеч ҳам қайғурмайди.

– Биз уни қизиқувчи ва фалсафий деб атасак, уни тўғри белгиллаган бўламизми?

– Албатта.

– Аммо, бир тоифа одамларнинг дилида бир ибтидо, бошқаларининг дилида – бошқа ибтидо ҳукмрон; бу энди қандай бўлса, шундай бўлади-да.

– Ҳа, шундай.

– Шунинг учун, кел, аввал уч хил одам бор деймиз: бир хиллари – файласуфлар, бошқалари – шуҳратпарастлар, учинчилари – бойликка ўчлар.

– Албатта.

– Ва, ушбу хил одамларга монанд уч хил ҳузурлар бор, деймиз.

– Бегумон шундай.

– Биласанми, агар сенда, ушбу уч одамдан қандай ҳаёт ҳаммасидан хушроқ, ёқимлироқ эканлигини навбат билан сўраш хоҳиши пайдо бўлса, улардан ҳар бири ўз ҳаёти-ни жуда мақтайди. Ишбилармон айтадики, бойиш билан таққослаганда ҳурмат-эҳтиром ёки билимдан олинадиган ҳузур ҳеч нимага арзимаيدи, фақат ундан ҳам даромад оли-ниши мумкинлиги бор, холос.

– Тўғри.

– Шухратпараст-чи? У пул келтирадиган ҳузур – бу бач-кана бир нарса, бошқа томондан эса, билимлардан олина-диган ҳузур, илм ҳурмат келтирмагани учун оддийгина ту-тун, деб ҳисобламайдими?

– Ҳа, у шундай деб ҳисоблайди.

– Файласуф барча қолган ҳузурларни, ҳақиқатни билиш – у нимадан иборат – ва бу соҳада ўз билимларини дои-мий кенгайтириш билан солиштирилганда уларни (бошқа барча ҳузурларни – *тарж.*) нима деб ҳисоблашини ўйлаб кўрайлик. Нима, у қолган барчасини ҳузурдан жуда узоқ, деб билмайдими? Бунинг устига, унинг бошқа ҳузурларга эҳтиёжи ҳам йўқ, фақат улардан қочиб бўлмаса: шунинг учун уларни зарурий деб атайди.

– Буни яхши билиш керак.

– Қачонки, уч хилдаги одамларнинг ҳар бирининг ҳузу-ри ва, ҳатто, ҳаёт тарзи шубҳа остига олинса – кимнинг тур-муши зебороқ ёки уятлироқ, яхши ёки ёмонлиги нуқтаи на-заридан эмас, балки баҳс фақат нима ёқимлироқ ва нимада камроқ дард-азоб борлиги ҳақида борганида, – биз улардан қайси бири ҳақлигини қандай қилиб билиб оламиз?

– Бунга жавоб беришим қийин.

– Сен масалага бундай қара: тўғри бўлиши учун мулоҳаза нимага асосланган бўлиши керак? Тажриба, ақл-идрок ва да-лил-исботда эмасми? Ёки бундан яхшироқ ўлчов борми?

– Албатта йўқ.

– Қара: ушбу уч одамдан қайси бири сен айтган ҳузурларда кўпроқ тажрибага эга? Қачонки инсон ҳақиқатнинг ўзига, унинг қандайлигини англашга эришганидаги билиш (билим)дан ҳузурда манфаатпараст кўпроқ тажрибага эгами ёки файласуфми?

– Файласуф манфаатпарастдан анча юқори туради, зеро, унга болаликдан унисидан ҳам, бунисидан ҳам татиб кўришга ноилож тўғри келган, манфаатпарастда эса, гарчи ўз табиий хислатлари бўйича моҳиятга эришишга қодир бўлса-да, ушбу ҳузурни татиб кўришга ва унинг қандай лаззатли эканлигига тажрибада ишонч ҳосил қилишига зарурат йўқ; бундан ташқари, қанча интиямасин, унга бу (иш) осон эмас.

– Демак, файласуф манфаатпарастдан ҳам бу, ҳам бошқа ҳузурда ўз тажрибалилиги билан устун туради.

– Албатта, анча юқори туради.

– Шухратпараст борасида-чи? Файласуф ҳурмат-эҳтиромдан олинадиган ҳузур-ҳаловатда шухратпараст англашдан оладиган ҳузур-ҳаловатга қараганда тажрибасизроқми?

– Аммо ўз мақсадига эришса, ҳар ким ҳам ҳурмат-эҳтиром соҳиби бўлади-ку! Бой, мард ёки донишманд одамни кўпчилик ҳурмат қилади, шунинг учун ҳурмат-эҳтиромдан келадиган ҳузурда ҳамма тажрибага эга ва бунинг нима-лигини билади. Борлиқни тафаккур қилиш қандай ҳузур беришини татиб кўриш эса файласуфдан бошқа ҳеч кимга насиб этмаган.

– Демак, унинг муҳокамаси тажрибалилиги туфайли, бу учта (одам)никидан яхши бўлади.

– Бегумон.

– Ва фақат у ақл-идрок билан биргаликдаги тажрибага эга бўлади.

– Албатта.

– Муҳокама қилиш воситаси бўлган қурол соҳиби манфаатпараст ҳам, шухратпараст ҳам эмас, файласуфдир.

– Қандай қурол?

– Биз, далиллар ёрдамида фикр билдириш, мулоҳаза юритиш керак дедик, шундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Далиллар – кўпроқ файласуф қуролининг ўзидир.

– Сўзсиз шундай.

– Агар суд қилинадиган нарсани бойлик ёки тама асосида суд қилинса, у ҳолда манфаатпараст томонидан бўладиган мақтов ёки танбеҳ, албатта, энг тўғри мулоҳаза бўлар эди.

– Албатта.

– Агар ҳурмат-эҳтиром, ғалаба, мардлик асосида суд қилинса, у ҳолда, рақобат қилишга мойил шухратпарастнинг мулоҳазалари тўғри бўларди, шундай эмасми?

– Шундайлиги аниқ.

– Агар тажриба, фикрлаш ва далиллар ёрдамида суд қилинса-чи?

– Ҳикмат ва далил (исбот)ни яхши кўрадиган одам нимани маъқулласа, ўша нарсаси, албатта, энг тўғри бўлиши керак, – деди Главкон.

– Шундай қилиб, модомики уч хил ҳузур бор экан, – дедим мен, – демак, дилнинг билим оладиган (биладиган) қисмига тўғри келадигани мукаммал бўлади ва, бизлардан қайси биримизда ушбу қисм устун бўлса, ўша одамнинг ҳаёти ҳам ҳаммасидан ёқимлироқ бўлади.

– Қандай қилиб бундай бўлмасин! Ақл-идрокли инсон – бу ишдаги бош ҳакам бекорга ўз ҳаётини бундай баҳоламайди.

– Бизнинг ҳақамимиз иккинчи ўринни қандай ҳаёт ва қандай ҳузурларга беради?

– Жанговар ва шухратпараст одамнинг ҳузур-ҳаловат истеъмолчининг ҳузур-ҳаловатига қараганда биринчиларига яқинроқдир.

– Демак, охириги ўринда шухратпарастнинг ҳузури турар экан-да.

– Албатта.

– Шундай қилиб, мана, гўё икки мусобақа ўтди ва адолатли одам икки бора ғалаба қозонди, адолатсиз эса енгилди. Энди учинчи, Олимпик Зевс – халоскор шарафига олимпия мусобақаси ўтади. Оқил одамдан ташқари ҳаммада ҳузур-ҳаловат унча ҳақиқий эмас, кўпроқ улар ҳузурларнинг сояларидир – билимдонларнинг биридан шундай деб эшитган эдим шекилли; зеро, бу адолатсизликнинг тўла мағлубиятини англатар эди.

– Бўлмаса-чи! Аммо сен нимани назарда тутмоқдасан?

**Ҳузур ва дард. Ҳақиқий
ҳузурнинг дарднинг
оддий тугатишидан
фарқи**

– Агар сен ўз жавобларинг билан ёрдам берсанг, мен буни топаман.

– Саволингни бер.

– Менга айт-чи, биз дард

чекиш ҳузур-ҳаловатга қарама-қарши, демаймизми?

– Албатта шундай.

– На қувончли, на гамгин бўладиган нарса борми?

– Бор.

– Ушбу икки ҳолат орасида, униси ва бошқасига нисбатан қандайдир кўнгил ҳаловати борми? Ёки сен уни бошқача атайсанми?

– Йўқ, шундай атайман.

– Касалларнинг сўзларини эсла – улар бемор бўлганларида нима дейдилар?

– Нима демоқчисан?

– Улар: соғ бўлишдан ёқимлироқ ҳеч нарса йўқ, дейдилар. Аммо касалликдан олдин унинг қанчалик ёқимли, хуш эканлигини улар билмас эдилар.

– Ҳа, эсимда.

– Ва, агар одам қандайдир оғриқдан азоб чекса, энг ёқимлиси оғриқ босилган пайти, деганларини эшитгандирсан?

– Эшитганман.

– Ва бунга ўхшаш кўп ҳолатларда, ўйлайманки, сен сезгандирсан, одамлар ғамга ботганда энг олий ҳузур сифа-



тида қувончлар ҳақида эмас, балки ғамдан фориғ бўлиш ва ором олиш ҳақида орзу қиладилар.

– Ором ўшанда орзу қилинган ва ёқимли бўлади, менимча.

– Инсон қандайдир қувонч, шодликдан махрум бўлган ҳолда ҳузурдан кейинги ором ғамгин бўлади.

– Шундай бўлса керак.

– Шунинг учун, ҳозир биз айтиб ўтганимиздек, икки чегара орасидаги ўрталикни эгаллаб турган нарса, яъни ором у ҳам, бу ҳам – дард чекиш ҳам, ҳузур ҳам бўлади.

– Шундай бўлса керак.

– Униси ҳам, буниси ҳам бўлмай туриб, ҳам униси, ҳам буниси бўлиш мумкинми?

– Менимча, йўқ.

– Дилда пайдо бўладиган ҳузур ҳам, дард ҳам – улар иккиси моҳиятан қандайдир ҳаракатдир. Ёки ундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– На ҳузур, на дард бўлган нарса ҳозиргина уларнинг ўртасида бўлиб қолмадими? Бу – оромдир.

– Ҳа, у ўртасида бўлиб қолди.

– Ушбу ҳол тўғри бўлиши мумкинми – дарднинг йўқлигини ҳузур деб, дардни эса – ҳузурнинг йўқлиги, деб ҳисобласа бўладими?

– Ҳеч қачон, асло.

– Демак, аслида бундай бўлмайди, аммо шундай туюлади: ором, фақат уни дард билан таққосланган чоғда, ҳузур бўлади ва, аксинча, у ҳузур билан таққосланса, дард бўлади. Аммо ҳақиқий ҳузур билан ушбу хаёлий ўйиннинг ҳеч қандай умумийлиги йўқ: унда ҳеч қандай соғлом фикр йўқ, бу фақат биргина васвасадир.

– Бизнинг мулоҳазамиз шуни кўрсатиб турибди.

– Дарддан кейин келадиган ҳузурни ҳам кўриб чиқ, бўлмаса сен, эҳтимол, табиатнинг ўзи ҳузурни – дарднинг тўхташи, дардни эса – ҳузурнинг тўхташи қилиб қўйган, деб ўйларсан?

– Бундай ҳузурлар қаерда бор, ва улар нимадан иборат?

– Улар кўп ва яна ҳар хил, аммо агар буни тушунишни истасанг, ҳидлаш билан боғлиқ ҳузурни олиб кўр: биз уларни бехос жуда кучли ва ҳеч қандай дастлабки дард чекишларсиз ҳис этамиз, бу ҳузурлар тўхтаса, у ўзидан (кейин) ҳеч қандай азоб қолдирмайди.

– Мутлақо тўғри.

– Демак, гўё дарднинг тўхташи – бу ҳузур, ҳузурнинг тўхташи – дард бўлишига ишонмаймиз.

– Ишонмаймиз.

– Аммо, жисм ёрдамида дил томонидан ҳис этиладиган ҳузур деб аталадиган нарса деярли кўпчиликдир ва уларнинг энг кучлилари – худди ана шу хилга тааллуқлидир, бошқача айтганда, улар дард чекишнинг тўхташи сифатида пайдо бўлади.

– Бу тўғри.

– Келгусидаги ҳузурлар ва дардларни олдиндан сезиш, бошқача айтганда, олдиндан қувончни ҳис этишимиз ёки дард чекишимиз борасида ҳам иш худди шундай эмасми?

– Ҳа, худди шундай.

– Бу нима ва у нимага жуда ўхшайди, биласанми?

– Нимага?

– Сен, табиатда ҳақиқатан юқори, паст ва ўрта бор, деб ҳисоблайсанми?

– Албатта, шундай деб ҳисоблайман.

– Шундай экан, агар кимнидир пастдан ўртага олиб ўтсалар, сенингча, у қаергадир бошқа жойга эмас, юқорига кўтарилаяпман, деб ўйлайдими? Ўртада тўхтагач, келиб қолган жойидан аланглаб қараб, ўзини бирор бошқа жойда эмас, юқоридаман, деб ҳисобламайдими, ахир у ҳақиқий юқорини кўрган эмас-ку?

– Зевс билан онт ичаманки, менимча, бундай одам бошқача ўйлаши мумкин эмас.

– Аммо агар у орқасига қайтарилса, у пастга қулаб тушаяпман, деб ҳисоблар эди ва тўғри ҳисоблаган бўларди.

– Албатта.

– Юқори, ўрта ва пастлик аслида нима эканлиги ҳақида унинг тажрибаси бўлмагани учун у билан бундай ҳол рўй беради.

– Бу тушунарли.

**Ҳақиқатни билмай туриб,
ҳақиқий ҳузурдан ёлғон
ҳузурни ажратиб
бўлмайди**

– Агар одамлар бошқа кўп нарсалар борасида ҳақиқатан беҳабар бўлсалар, бу ҳақда ҳам соғлом фикрга эга бўл-

масликларига ҳайрон қоласанми? Ҳузур, дард ва оралиқ ҳолат борасида одамлар шундай кайфиятдаларки, қачонки улар дард томонига ташлаб юборилса, улар тўғри мулоҳаза қиладилар ва ҳақиқатан дард чекадилар, аммо улар дардан оралиқ ҳолатга ўтсалар, гўёки бу қониқиш ва хурсандчилик, қувонч келтиради деб ўйлашга мойилдирлар. Улар оқни билмаган ҳолда кулрангга қараб уни қора билан солиштиряптилар, деб ўйлаш мумкин, – дардни унинг йўғи билан солиштириб ва ҳузурда тажрибага эга бўлмай туриб шундай адашадилар.

– Зевс билан онт ичаманки, бу мени ажаблантирмайди, агар иш бошқача бўлса ажабланардим.

– Мана буни ўйлаб кўр-чи: очлик, ташналик ва шунга ўхшашлар – бизнинг баданимиздаги бўшлиқ ҳолатини ҳис этиш эмасми?

– Нима демоқчисан?

– Билмаслик ва тушунмаслик – бу дилдаги бўшлиқ ҳолати эмасми?

– Бўшлиқ ҳолати.

– Бундай бўшлиқни инсон овқат еб ва ақли кириб тўлдирган бўларди.

– Албатта.

– Нима ҳақиқийроқ бўларди: кўпроқ ҳақиқий борлиқ билан тўлдиришми ёки камроқ ҳақиқий борлиқ билан тўлдиришми?

- Кўпроқ ҳақиқийси биланлиги аниқ.
- Нарсаларнинг қандай турини сен тоза борлиққа дахлдор деб ҳисоблайсан? Булар ушбуларга ўхшаш, масалан, нон, ичимликлар, дориворлар, ҳар хил овқат бўладими ёки ҳақиқий мулоҳаза, билим, ақл, умуман ҳар хил мукамалликнинг қандайдир хили бўладими? Бу ҳақда қуйидагича мулоҳаза қил: абадий айнан ўхшашлик, ҳақиқий ва боқийликка дахлдор нарса яна ўзи айнан ўхшаш бўлган ва айнан ўхшашликда пайдо бўладиган нарсани сен абадий ўзгарувчан ва боқий бўлмаган нарсадан, ўзи шундай ва шундайнинг ўзида пайдо бўладиган нарсадан ҳақиқийроқ, деб ўйламайсанми?
- Абадий айнан ўхшашлик кўпроқ ҳақиқийдир.
- Абадий айнан ўхшашликнинг моҳияти билимга қараганда борлиққа кўпроқ дахлдорми?
- Ҳеч ундай эмас.
- Нима десак экан? Ҳақиқатга у кўпроқ дахлдорми?
- Бундай ҳам эмас.
- Агар нимадир ҳақиқатга камроқ алоқадор бўлса, у ҳолда борлиққа ҳам камроқ алоқадор эмасми?
- Албатта, шундай.
- Демак, жисм ҳақидаги ҳар қандай ғамхўрлик ҳақиқат ва борлиққа дил ҳақидаги ғамхўрликдан камроқ дахлдорми?
- Анча кам (дахлдор).
- Демак, кўпроқ ҳақиқий нарса билан тўлдирилган нарсанинг ўзи ҳам кўпроқ ҳақиқий бўлиб, аслида камроқ ҳақиқий билан тўлдирилган ва ўзи ҳам камроқ ҳақиқий бўлган нарсадан кўпроқ тўлдирилади, шундайми?
- Бўлмаса-чи?
- Сени ўз табиатига кўра мақбулроқ бир нарса тўлдирса, у ҳолда қандайдир ҳақиқий нарса билан ҳақиқий тўлдириш ҳам ҳақиқий ҳузурга кўпроқ ҳақиқий ва чинакам қувонишга мажбур этган бўлар эди, айтиш керакки, камроқ ҳақиқийни қўшиш билан уни камроқ чинакам ва мустаҳкам тўлдирадиган ва камроқ ишончли ва чинакам ҳузур бахш этар эди.

– Албатта, шундай бўлади.

– Демак, кимнинг мулоҳазакорликда ва хайрли ишлар қилишда тажрибаси бўлмаса, кимда-ким вақтини базмлар ва бошқа шунга ўхшаш кўнгилахушликларда ўтказса, табиийки, бу уни пастга туширади, кейин яна ўртага чиқаради ва улар бутун умр ана шундай тентираб юрадилар. Улар ушбу ҳудуддан чиқиб кетолмайдилар, зеро, улар ҳеч қачон чинакам юксакликни кўрмаганлар ва унга кўтарилмаганлар, ҳақиқатда ҳақиқий билан тўлмаганлар, ишончли ва пок хузурдан татиб кўрмаганлар; худди ҳайвонга ўхшаб, улар ҳамма вақт бошларини ерга... ва хонтахтага эгиб, пастга қарайдилар: улар ҳаддан ташқари овқат еб ва жуфтлашиб ўглаб юрадилар, ва буларнинг ҳаммасига очкўзлик қилиб бир-бирларини темир шохлари билан сузиб, туёқлари билан ўлгунча тепиб, қопадилар – буларнинг ҳаммаси очофатликдандир, чунки улар на ўзларининг ҳақиқий ибтидоларини, на ўзларининг қоринларини (бирор) ҳақиқий нарса билан тўлдирмайдилар.

– Ажойиб, – деди Главкон, – сен, Суқрот, кўпчиликнинг ҳаётини худди кароматгўйдек тасвирламоқдасан.

– Нима, ҳузурга дарднинг аралashiши муқаррарми? Гарчи булар ҳақиқий ҳузурнинг шарпадек тимсоллари бўлса-да, ҳам у билан (ҳузур билан – тарж.) солиштирганда ранглар бўйича анча рангпар бўлсалар-да, улар кучли таассурот қолдирадилар, одамларни жазавога соладилар, ақлдан озганларнинг ўша шарпаларга эҳтиросли муҳаббатларини уйғотадилар ва низолар мавзуси бўлиб қоладилар: Стесихор тасдиқлашича, мардлар ҳақиқатни билмай Троя остонасида фақат Еленанинг шарпаси учун курашган эканлар.

– Ҳа, бу шунга ўхшаш бирон нарса бўлиши керак.

– Яна нима десак экан? Нима, бизнинг дилимизнинг газабнок ибтидоси ҳам шунга ўхшаш бир нарсани келтириб чиқармайдими? Қачонки, инсон маънисиз ва номаъқул тарзда фақат бир нарсага: ҳурмат-эҳтиромга, ғалаба-

га, газабга тўйиб олишнигина хоҳласа, ё ҳасад туфайли – шуҳратпарастлик натижасида худди шунинг ўзини қилади, ёки рақобат туфайли зулм, зўравонликка қўл уради ёки ўзининг ёмон феъл-атвори туфайли газаблана бошлайди.

– Ва бу ҳолда ҳам муқаррар шундай бўлади.

– Яна нима десак экан? Манфаатпарастлик ва шуҳратпарастликка йўналган истак-хоҳишлар қаерда ҳукмронлик қилса, ўша ерда ҳам, агар улар билиш ва ақл-идроққа ҳамроҳ бўлсалар ва улар билан бирга ақл-идроқли ибтидо томонидан текшириладиган ҳузурни таъқиб қилсалар (улардан бохабар бўлсалар), улар, ҳар ҳолда, чинакам ҳузурга эришадилар, чунки ҳақиқий ҳузурга ҳақиқатга эришишга ҳаракат қилаётган одамларгина етишишлари мумкин, деб айтишга журъат қиламизми? Ҳақиқатга эришиш учун ҳаракат қилаётган одамлар муносиб ҳузурга етишишлари мумкин, деб айтишга журъат қиламизми? Булар муносиб ҳузур бўлар эди, чунки кимгадир нимадир энг яхши бўлса, унга ўша нарса энг кўп муносиб ҳамдир.

– Ҳа, ўша нарса энг кўп муносибдир.

**Энг ҳақиқий ҳузур –
фалсафий ибтидога
эргашувчи дилдадир**

– Шундай экан, агар бутун дил ўзининг фалсафий ибтидосига эргашар экан ва қарама-қаршиликлар билан тортқиланмас экан, у ҳолда унинг ҳар бир қисми қолган ҳаммасини адолат бўйича бажариши керак, балки шундан алоҳида, энг яхши ва иложи борича энг ҳақиқий ҳузур топиши мумкиндир.

– Мутлақо тўғри.

– Қачонки қандайдир бошқа бир ибтидо устунроқ бўлса, у ҳолда унга хос ҳузурни топиш мумкин бўлмайди, бунинг устига қолган қисмлар ҳам ўзларига ёт ва ҳақиқий бўлмаган нарсага интилишга мажбур бўладилар.

– Шундай.

– Ва фалсафа ҳамда ақл-идрокдан қанча узоқлашилса, шунча кўпроқ бу рўй беради.

– Ҳа, анча кўп (рўй беради).

Икки қутб: тираник ва шоҳона хоҳиш-истаклар ва ҳузурлар

– Нимаики қонун ва тартиб-интизомдан оғишса, ўша нарса ақл-идрокдан жуда йироқлашади.

– Буниси аниқ.

– Ишқий ва тираник хоҳиш-истаклар ақл-идрокдан энг узоқ турадиган нарсалар эканлиги аниқланган эди.

– Ҳа.

– Шоҳона ва батартиб хоҳиш-истаклар унга энг яқин.

– Ҳа.

– Чинакам ва шахсий ҳузур (ҳаловат)дан энг узоқда турадиган одам тирандир, унга энг яқин турадигани подшоҳдир.

– Албатта.

– Демак, тиран ҳузурлардан маҳрум ҳаёт кечиради, подшоҳда эса улар бисёр бўлади.

– Ҳа, шундай бўлиши муқаррар.

– Подшоҳдагига қараганда тираннинг ҳаётида ҳузур неча марта камлигини биласанми?

– Марҳамат қилиб, ўзинг айт-чи.

– Кўриниб турибдики, уч хил ҳузур бор: улардан бири ҳақиқий, иккитаси – ёлғон. Тиран қонун ва ақл – идрокдан қочиб, сохта ҳузурларнинг чегара минтақасидан ўтиб кетди. У ўша ерда яшайди ва қандайдир қулларча ҳузурлар унинг тансоқчилари бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳузурлари неча мартаба кичиклашганини айтиш осон иш эмас, балки мана бундайдир...

– Қандай?

– Тиран олигархик инсондан кейин учинчи ўринда туради, улар орасидаги ўрталикда демократ бор.

– Ҳа, шундай.

– Чинакам ҳузур билан солиштирганда, олигархдан ҳисобланса, агар бизнинг олдинги айтганларимиз тўғри бўлса, тиранда унинг учинчи хаёлий, хира ўхшаши пайдо бўлади.

– Ҳа, шундай.

– Айтиш керакки, олигархик одамнинг ўзи ҳам шоҳона инсондан кейин, агар биз бунисини аристократик инсонга ўхшаш деб ҳисобласак, учинчи ўринда туради.

– Ҳа, учинчи ўринда.

– Демак, уч марта уч – тираннинг ҳузури ҳақиқийдан мана шунча марта камдир.

– Шундайга ўхшайди.

– Демак, тираннинг ҳузури миқдорини, ҳузурнинг ушбу хаёлий, ёлғондакам ўхшаши миқдорини (квадрат) текислик билан ифодалаш мумкин бўлади.

– Тўғри.

– Агар иккинчи ва учинчи даража олинса, тиранни (подшоҳдан) ажратиб турувчи масофа қанча бўлиши равшан бўлиб қолади.

– Кимда-ким ҳисоблашни билса, ҳар ҳолда, ўшанга равшан бўлади.

– Агар кимда-ким, ҳузурнинг ҳақиқийлиги маъносида, подшоҳ тирандан қанча наридалигини тескари тартибда ҳисоблайдиган бўлса, у ҳолда кўпайтиришни охиригача етказиб, подшоҳнинг етти юз йигирма тўққиз марта ёқимлироқ яшашни, тираннинг эса шунча марта оғирроқ (мушкулроқ) яшашини топади.

– Сен ғаройиб ҳисоб-китоб қилдинг! Ушбу икки одамнинг орасидаги фарқ, яъни ҳузур ва дард борасида адолатли ва адолатсиз одамлар орасидаги фарқ шунчалик катта.

– Аммо ушбу сон тўғри ва бунга қўшимча равишда бу сон (уларнинг) ҳаётларига тўғри келади, чунки кеча-кундузлар (24 соат – *тарж.*), ойлар ва йиллар уларга мосдирлар.

– Ҳа, улар (ҳаётларга – *тарж.*) мосдир.

– Агар, ҳатто, ҳузур маъносида яхши ва адолатли одам ёмон ва адолатсиз одамдан шунчалик юқори турса, у ҳолда,

ўз ҳаётининг файзлилиги, гўзаллиги ва хайрлилиги бўйича у нақадар юқори тураркин!

– Зевс билан онт ичманки, бениҳоя юқори, – фикримга қўшилади Главкон.

Хўжакўрсинга адолат- нинг етишмаслиги

– Яхши, – дедим мен. Модомики биз бу ҳақда гап бошлаган эканмиз, аввал ай-

тилган ва бизни ушбу масалага олиб келган нарсага қай-тайлик. Ҳанда айтилган эдики, бутунлай адолатсиз одам учун, уни адолатли, деб ҳисобласаларгина адолатсиз бўлиш фойдали, деб айтилган эди. Шундай дейилмаганмиди?

– Ҳа, шундай дейилган эди.

– Модомики биз адолатли ва адолатсиз фаолиятнинг аҳамияти борасида бир фикрга келган эканмиз, кел, энди ушбу тасдиқни муҳокама қилайлик.

– Уни биз қандай муҳокама қиламиз?

– Биз дилнинг сўздаги қандайдир ўхшашини яратамиз, токи кимда-ким Ҳанда буни тасдиқлаган бўлса, ўзи нима деганини кўра олсин.

– Бу ўхшаш нима бўлади ўзи?

– Қадимги афсонавий махлуқларга – Химера, Скилла, Керберга – ўхшаш нимадир нарсалар, ривоятларга мувофиқ равишда улар қандай туғилган бўлса, ана шундай. Яна кўпгина бошқа мавжудотлар ҳақида, уларда бир неча турли тимсоллар қўшилиб кетган, дейишади.

– Ҳа, шундай дейишади.

– Мана энди, кўп қиёфали ва кўп бошли ҳайвон тимсолини ярат. Ушбу хонаки ва ёввойи ҳайвонларнинг қиёфалари унда айлана бўйлаб жойлашган, у уларни ўзгартириши ва буларнинг ҳаммасини ўз-ўзидан ясаб чиқиши мумкин.

– Бу ерда моҳир ҳайкалтарош зарур! Айтиш керакки, мум ёки шунга ўхшаш ашёлардан ясаганидан кўра, сўздан (ҳайкал) ясаш анча осонроқ бўлганидан, кел, тимсол яратиб бўлинди, деб фараз қилайлик.

– Яна арслон тимсолини ва инсон тимсолини яратгин, биринчи анчагина катта, иккинчиси эса ундан кичикроқ бўлишини айтиш керак.

– Бу осон: улар тайёр бўлди.

– Гарчи бу ерда учта тимсол бўлса ҳам, аммо сен уларни шундай бирлаштирки, токи улар бир-бирлари билан қўшилиб кетсинлар.

– Тайёр, улар бирлаштириб маҳкамландилар.

– Энди уларга ташқаридан, атрофидан ягона қиёфа – инсон қиёфасини бер, шундай бўлсинки, буларнинг ҳаммаси битта тирик мавжудотдай кўринсин, айнан худди одамга ўхшасин, ҳар ҳолда, унинг ичида нима борлигини кўролмайдиган ва фақат ташқи қобигини кўрадиган одам учун шундай қил.

– Бу ҳам тайёр.

– Гуёки бундай одамга адолатсизлик қилиш фойда, адолат бўйича иш қилиш – фойдасиз, дейдиганларга биз айтмизки, бу билан гуё кўп қиёфали ҳайвонни роса боқиш, уни ҳам, арслонни ҳам ва арслонга тегишли барча нарсани ҳам бақувват қилиш, одамни эса оч қолдириб ўлдириш, ожизлантириш лозим, токи улар (кўп қиёфали ҳайвон ва арслон – тарж.) уни (одамни – тарж.) қаерга хоҳласалар, ўша ерга қараб судрасин ва у, уларни ўзаро дўстликка ўргатишга қодир бўлмаса, эҳтимол, уларга бир-бирлари билан гажизишлари, уришишлари ва бир-бирларини ейишларига йўл қўйиб беришга мажбур бўлиши фойдалидир, деб тасдиқланмоқда.

– Кимда-ким адолатсизликни маъқулласа, ўша одамнинг тасдиқлаб айтган гапида айнан шундай маъно бор.

– Ўз навбатида, кимда-ким адолатнинг фойдалилигини тан олса, бу билан у, ички одам ўша (таркибий) одамни ниманинг ёрдамида қўлга ола билса, ўша нарсани қилиши ва гапириши керак, деб тасдиқлайди ва кўп қиёфали ушбу махлуқда мавжуд бўлган мулоҳимликни ҳосил қилиб ва

бойитиб (фазилатларини кучайтириб) ҳамда унинг ёввойи хислатлари ривожланишига қаршилик кўрсатиб, унинг ҳақда гамхўрликни ўз зиммасига олади. У, арслон билан иттифоқ тузади ва барча қисмлар ҳақида, уларни ўзаро ҳамда ўзи билан дўст бўлишга мажбур қилиб, у (арслон – тарж.) билан биргаликда гамхўрлик қилади. Уларни шундай ўстирган бўларди у.

– Кимда-ким адолатни мақтаса, ўша одам, албатта, худди шуни тасдиқлайди.

– Қандайин айланторма, ким адолатни васф этса, ўша одам ҳақиқатни гапирган, ким адолатсизликни мақтаса, ўша одам ёлгон гапирган бўлиб чиқади. Буни ҳузур, яхши шухрат ёки фойда нуқтаи назаридан кўриладими, бари бир, доимо кимда-ким адолатни маъқулласа, ўша одам ҳақ бўлади, кимда-ким сўкса, ёмонласа, ўша одамнинг ҳеч нарсага ақли етмайди – у фақат сўкинса бўлди.

– Менимча, бу одам ҳеч нарсани тушунмайди.

– Биз унга мулойимлик билан тушунтирамиз – зеро, у ўз хоҳиши билан адашмаяпти-ку – ва унга ушбу саволни берамиз: «Сен ғалати одам экансан, зебо ва уят нарсаларга бўлган умумий нуқтаи назарлар шу тарзда пайдо бўлмаганми? Қачонки ўз табиатининг ҳайвонсифат тарафини инсоний, тўғрироғи, илоҳий табиатга бўйсундирганларида – бу зебо иш бўлади, зотан мулойимлик, ҳалимлик ёввойилик томонидан қул қилинса, асоратга солинса, бу уятли ва хунук ишдир». Бу фикрга у қўшиладими, нима дейсан?

– Ҳа, агар менга қулоқ солса.

– Ушбу мулоҳазадан келиб чиқиб, адолатсизлик билан олинган олтинга эгаллик қилиш кимгадир фойда келтирадими? Зеро, бу ҳолатда тахминан ушбу рўй беради: у олтинни олади, аммо бу билан бир вақтнинг ўзида, ўзининг энг яхши қисмини энг расво қисми томонидан асоратга солади. Ёки, агар олтин учун одам ўз ўғли ёки қизини қуликка, бунинг устига баджаҳл ва ёввойи одамларга қуликка берса, бу би-

лан у, агар бунинг учун жуда кўп олтин олган бўлса ҳам, ҳеч нарса ютмайди. Модомики у ўзининг энг илоҳий қисмини энг даҳрий ва жирканч қисмига бўйсундириб асоратга солар экан, бу одам разил, манфур одам эмасми ва унинг томонидан олинган ҳақ уни, ўз эрининг дили эвазига маржон олган Эрифиладан ҳам даҳшатлироқ ҳалокатга олиб бормайдими?

– Сенинг суҳбатдошинг ўрнига, албатта, у анча бахтсиз, деб жавоб бераман, – деди Главкон.

– Баднафслик баднафс одамда ўша даҳшатли, улкан ва кўпқийёфали махлуққа ҳар қандай меъёрдан ортиқ эрк бергани учун қадим замонлардан бери баднафсликни бекорга қораламаганлар, бунга сен нима дейсан?

– Албатта, шунинг учун.

– Инсоннинг арслон ёки илонга ўхшаш жиҳатлари кучайса ва ҳаддан ташқари таранглашса, мағрурлик ва кўп нолишга дакки берилмайдими?

– Бегумон, дакки берилади.

– Нозиклик ва бўшанглик. Заифлик ва бебошлик туфайли, улар инсонни журъатсиз қилганлари туфайли ёмонланади.

– Сўзсиз шундай.

– Инсон ўзининг ғазабнок ибтидосини ўша, худди оломондай тийиб бўлмайдиган, пулга ўчилиги ва очкўзлиги туфайли ёшлигидан ўзининг ушбу ибтидоси билан, арслондан маймунга айланиб, зулм ўтказишга ўрганадиган ҳайвонга бўйсундиради.

– Албатта, шундай.

– Инсоннинг хунарлар ва қўл меҳнати билан шуғулланиши нега таъна қилинади? Сен нима деб ўйлайсан? Инсонда унинг энг яхши қисми ожизлашса, унинг ўз ичидаги махлуқларга кучи етмай қолса, у фақат уларга ёқишга қодир бўлади, шунинг учун эмасмикин? Уларни қандай хурсанд қилишни билади, у фақат шундагина маҳорат касб этган.

– Шундайга ўхшайди.

– Энг яхши одамлар қандай ибтидо билан бошқарилса, бундай одам ҳам худди ўша билан бошқарилиши учун, у ҳукмрон ибтидоси илоҳий бўлган энг яхши одамнинг қули бўлиши зарур, деб айтамыз. Фрасимах барча тобелар борасида қандай ўйлаган бўлса, худди шундай тарзда тобе қул ўзининг зарарига бўйсунмаслиги керак; аксинча, ҳар қандай инсон илоҳий ва ақл-идрокли ибтидо ҳукмронлиги остида бўлгани яхши, айниқса, агар сен уни ўзингдаги бир нима сифатида ичингда сақласанг; бундай бўлмаса, у ҳолда у ташқаридан таъсир қилақолсин, токи, ҳаммамизнинг орамызда иложи борича ўхшашлик ва дўстлик бўлсин ва барчамиз бир ибтидо томонидан бошқарилайлик.

– Бу тўғри.

– Бунинг устига, давлатнинг барча фуқароларининг иттифоқчиси бўлган қонун ҳам ўзига худди шундай мақсад қўйганини кўрсатади. Бизнинг болалар устидан ҳукмронлигимиз ҳам худди шунинг ўзи: биз уларга, токи уларни, гўё улар – қандайдир бир давлатдай, қандайдир тартибга ўргатмагунимизча ва ўзида энг яхши ибтидони ривожлантириб, улардаги худди шундай ибтидо устидан ҳукмдор ва қўриқчи этиб қўймагунимизча, эрк бермаймиз, шундан кейингина уларни озодликка чиқариб, қўйиб юборамиз.

– Бу аниқ.

– Главкон, бундан олдин, гўё адолатсиз иш қилиш, бебош бўлиш ва ёмон ишларни бажариш фойдали деб, биз ўшанда қайси асосга кўра айтдик? Гарчи у кўп пул ўзлаштирган бўлса ҳам ва бошқа муносабатларда ҳам қудратли бўлиб қолса-да, бундан одам фақат ёмонроқ бўлади.

– Ҳақиқатан ҳам, бундай деб бўлмайди.

– Агар адолатсиз одам пинҳон қолса ва у жавобгарликка тортилмаса, унинг учун қандай фойда бўлади? Яшириниб қолган бўлса, бундан у янада ёмонроқ бўлиб қолмайдими? Яширинмайдиган ва жазога тортиладиган одамда унинг

дилининг ҳайвонсифат ибтидоси тийилади ва бўйсунди, мулойими эса озод бўлади ва энди яхши томонга йўналган унинг дили яхлитлигича мулоҳазалилик ва ақл-идрок билан бирга, адолатлилик касб этади, айтиш керакки, у (дил) жисмдан, – гарчи жисм ўз кучи, гўзаллиги ҳамда соғлиғини ривожлантираётган бўлса-да, – дил бадандан умуман қанчалик қадрли бўлса, шунча кўпроқ қадрли бўлади.

– Бу борада ҳеч қандай гумон йўқ.

– Ақл-идрокли одам ўз ҳаётини ўзининг бор кучини айнан шунга йўналтириб қуради, тўғри эмасми? Аввало у, унинг дилини шундай қиладиган, қолганларини қабул қилмайдиган билимларни қадрлайди.

– Бу тушунарли.

– Яна. У ўз жисмининг ҳолатини ва унинг озиқини, ўзининг бутун ҳаётини шу томонга буриб, ҳайвонга ўхшаш ва бемаъни ҳузурга бўйсундириб қўймайди. Ҳатто, ўз соғлиғига ҳам у алоҳида эътибор бермайди, агар мулоҳазалиликка ёрдам бермаса, у кучли, соғлом, чиройли бўлишни ўзига мақсад қилиб қўймайди. У дилнинг тотувлиги ва уйғунлиги учун ўз баданининг уйғунлигини сошлаш қобилиятини топа олади.

– Агар у ҳақиқатан уйғунлашган бўлишни хоҳласа, албатта, топади, – рози бўлди Главкон.

– Мулкка эгалик қилишда ҳам унда тартиб ва уйғунлик бўладими? – сўрадим мен. – Кўпчилик одамлар бойликни кўкка кўтариб мақтайдилар, аммо у бунга мойил бўладими ва бало охири кўринмайдиган даражага етгунича бойлигини бениҳоя кўпайтираверадими?

– Бундай бўлмаса керак?

– У ўзининг ички тартиботига риоя қилади ва фаровонлик туфайли ёки, аксинча, мулкнинг етишмаслигидан у ерда (ички тартиботида – тарж.) нимадир бузилса-да, у огоҳ туради ҳамда ўзининг даромадлари ва харажатларини шу тарзда бошқаради.

– Бегумон шундай бўлади.

– Аммо, хурмат-эҳтиром борасида ҳам у худди шуни ҳифолишларини англаса уларни рад этмайди ва жон-дили билан татиб кўради, аммо, агар улар у эришган уйғунликни бузадиган бўлса, у шахсий ҳаётида ҳам, жамиятдаги ижтимоий ҳаётида ҳам улардан ўзини олиб қочади.

– Модомики бу ҳақда гамжўрлик қилар экан, демак, у давлат ишлари билан шуғулланишни хоҳламайди.

– Ит билан қасам ичаманки, у жуда ҳам хоҳлайди, аммо фақат ўзининг давлатида хоҳлайди, ўзининг ватанида эса, агар илоҳий тақдир белгилаб қўйса, балки хоҳламас ҳам.

– Тушунаман: сен, биз ҳозиргина тартиботини муҳокама қилганимиз давлат, яъни фақат мулоҳазалар минтақасидагина мавжуд бўлган давлат ҳақида гапирмоқдасан, чунки, ўйлайманки, у ҳеч қаерда йўқ.

– Аммо, балки арши аълода унинг истаган киши етишиши мумкин бўлган намунаси бордир; унга қараб инсон ўзига ўзи қандай тартиб бериш тўғрисида ўйланиб қолар. Ер юзида бундай давлат ўзи борми ва у бўладими – бу асло муҳим эмас. Инсон шундай ва фақат шундай давлатнинг ишлари билан шуғулланса бас.

– Худди шундай.

ЎНИНЧИ КИТОБ

Яна бир марта намунавий давлатда шеъриятнинг ўрни ҳақида – Ҳақ гапни айтганда, биз ўз давлатимизга ҳаммасидан тўғрироқ тартибот берганимизни мен бошқа кўп ало-

матлардан сезаман, бу гапни асосан шеъриятни назарда тутиб айтмоқдаман, – дедим мен.

– Сен бу ҳақда нима деб ўйламоқдасан? – сўради Главкон.

– Унга (шеъриятга – тарж.) асло йўл қўйиб бўлмайди, негаки у тақлидийдир. Менимча, дилнинг ҳар бир хили алоҳида таҳлил этилганидан кейин, бу янада равшанроқ бўлди.

– Буни сен қандай тушунасан?

– Бу гап ўртамизда қолсину, – сизлар фожиалар ижодкорларига ҳам, қолган бошқа тақлидчиларга ҳам мени чақиб бермайсизлар, деб ўйлайман, – бу ўзи аслида нима эканлигини билиш воситаси бўлмаган эшитувчилар ақли учун буларнинг ҳаммаси худди яра (иллат)нинг ўзи.

– Буни сен қайси маънода айтмоқдасан?

– Гомерга бўлган қандайдир муҳаббатим ва ёшлигимдан унга бўлган ҳурматим туфайли, бунда менга қаршилик кўрсатсалар ҳам, буни айтишимга тўғри келади. У ушбу барча ҳашаматли фожейи шоирларнинг биринчи устози ва доҳийсига ўхшайди. Аммо инсонни ҳақиқатга қараганда кўпроқ қадрлаб бўлмайди, шунинг учун бу гапни айтишга мажбурман.

– Албатта.

– Бўлмаса эшит, асосан эса жавоб бер.

– Сўра.

– Тақлид нима эканлигини менга умуман аниқлаб бера оласанми? У нимадан иборат эканлигини мен унчалик тушунмайман.

– Мен қаердан билай?

– Бунда ҳайрон қоладиган ҳеч нарса бўлмас эди: кўпинча шундай бўладикки, кўзи ўткирлар яхшилаб кўргунларига-ча шабкўр одамлар буни амалга ошириб кўядилар.

– Шунақаси ҳам бўлади. Агар бу менга равшан бўлганида ҳам, сенинг ҳузурингда бирор нарса дейишга журъат қилмаган бўлардим. Сен ўзинг кўриб чиқақол.

Санъат ғоя (эйдос)га тақлидга тақлид сифатида

– Хоҳлайсанми, одатдаги усул ёрдамида таҳлилни шу ердан бошлаймиз: бир ном билан белгиланиладиган нарсаларнинг ҳар бир кўплиги

учун биз, одатда, фақат битта айрим хилни тайин қиламиз. Тушуняпсанми?

– Тушунмоқдаман.

– Ҳозир ҳам сенга маъқул бўлган кўпликни оламиз. Айтайлик, хоҳласанг, масалан, каравотлар ва столлар дунёда жуда кўп...

– Албатта.

– Аммо ушбу буюмларнинг ғоялари фақат иккитагина – бири ётиш учун ва бошқаси стол учун.

– Ҳа, шундай.

– Ва биз, одатда, уста бу ёки бошқа нарсани унинг ғоясига қараб ясайди, деймиз: бири бизга зарур бўлган каравот, бошқаси стол ясайди, бошқа ҳолатларда ҳам худди шунинг ўзи. Аммо усталардан ҳеч бири ғоянинг ўзини яратмайди. Ёки шундай иш қила оладими?

– Ҳеч ҳам қилолмайди.

– Аммо ўйлаб кўр, мана бундай одамни сен уста дея оласанми..

– Қандай одамни?

– Кимда-ким ҳунармандлардан ҳар бири айрим ҳолда қиладиган ишларнинг (ясайдиган нарсаларнинг) барчасини ярата оладиган бўлса, ўшани.

– Сен жуда моҳир инсон ҳақида гапирмоқдасан.

– Нималар деяпсан? Мана бунга сен янада кўпроқ ҳайратланасан: ушбу уста нафақат турли-туман буюмларни ясай олади, балки ер юзида ўсадиган нарсаларни ижод қилади, барча тирик мавжудотларни ўзини ҳам ёруғ дунёга келтиради, шу қатори бунинг устига тупроқ (ер), осмон, худолар ва осмондаги барча нарсаларни ҳамда ер остидаги борини, Аиддагиларни ҳам яратади.

– Ишонмайсанми? Менга айт-чи, нима, сенингча, бунақа уста умуман бўлмайдими ёки қандайдир йўл билан, аммо фақат бир аниқ йўсин билан буларнинг ҳаммасининг яратувчиси бўлиш мумкинми? Наҳотки сен, ўзинг ҳам қандайдир тарзда буларнинг ҳаммасини қилишга қодир бўлишингни билмаётган бўлсанг?

– Аммо қандай қилиб?

– Бу қийин иш эмас ва у кўпинча ҳамда тез бажарилади. Агар тезроқ шундай қилмоқчи бўлсанг, кўзгу олгин-да, ҳар тарафга айлангириб кўр – шу заҳоти сенда Қуёш ҳам, осмондаги барча нарсалар ҳам, ер ҳам, сенинг ўзинг ҳам, бошқа тирик мавжудотлар ҳам, яна буюмлар, ўсимликлар ва ҳозир нималар ҳақида сўз борган бўлса, ҳаммаси ҳам тайёр бўлади.

– Ҳа, аммо буларнинг ҳаммаси чинакам мавжуд нарса эмас, фақат бир кўриниш бўлади.

– Жуда яхши. Ушбу мулоҳазага сен дуруст киришмоқдасан. Менинг ўйлашимча, мусаввир ҳам шундай усталар қаторига кириди. Ё кирмайдими?

– Нега кирмас экан?

– Аммо, менимча, сен, у ишлаб чиқараётган нарсасини аслида ишлаб чиқараётгани йўқ, дерсан, гарчи мусаввир ҳам қайси бир маънода каравоти ишлаб чиқарса ҳам. Ё бундай эмасми?

– Ҳа, аммо унда бу нарса кўринишгина, холос.

– Дурадгор-чи? Нима, сен ҳозиргина (каравот) гоёсини эмас, балки фақат қандайдир каравотни ишлаб чиқаради, деган эмасмидинг? Биз эса худди шу нарса аслида каравот бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

– Ҳа, шундай деган эдим.

– Модомики у бор нарсани эмас, бошқа нарсани қилар экан, у ҳақиқий мавжуд (бор) нарсани қилолмайди, мавжуд нарсанинг ўзини эмас, фақат ўхшашини ясайди. Ва агар кимда-ким дурадгор ясаган ёки бошқа ҳар қандай ҳунарманд ясаган буюмни мукаммал мавжудият (моҳият) деб тан олса, унинг ҳақ бўлиши даргумон бўлар эди.

– Ҳар ҳолда, ушбу хилдаги мулоҳазалар билан шуғулланишга ўрганган одамлар бундай фикр қилмас эдилар.

– Демак, агар унинг буюми ҳақиқий буюмнинг ғира-шира (хира) ўхшаши бўлса, биз ҳайрон бўлмаймизми?

– Йўқ, ҳайрон бўлмаймиз.

– Биз, шундан келиб чиқиб, ушбу тақлидчи қандай бўлишини излаб кўрамиз, хоҳлайсанми?

– Марҳамат. Хоҳлайман.

– Шундай қилиб, худди ушбу каравотлар учталиқ бўлади: биттаси табиатнинг ўзида мавжуддир ва уни биз, ўйлайманки, худонинг асари деб тан олган бўлар эдик. Ёки, балки, бошқа кимнингдир (асарими)?

– Ўйлайманки, фақат уники (худоники).

– Бошқаси – бу дурадгорнинг асари.

– Учинчиси – мусаввирнинг асари, шундай эмасми?

– Шундай деб фарз қилайлик.

– Мусаввир, дурадгор, худо – ушбу уч хил каравотнинг учта яратувчилари.

– Ҳа, улар учта.

– Худо, хоҳлагани учунми ёки табиатда фақат битта сўри тугалланишини талаб қилган зарурат туфайлими, шундай қилиб, фақат яккаю-ягонасини ясади, ана шунинг ўзи асл

каравотдир, икки ўхшаши эса ё худо тарафидан яратилмаган бўлса ёки табиатда бўлмайди.

– Нега?

– Чунки, агар у ҳаммаси бўлиб иккита ясаганида ҳам, бари бир, бир дона бўлиб чиқарди, худди шунинг учун иккиси ҳам ўшанинг кўринишига эга бўларди: бу сўри сифатида фақат битта каравот бўларди, икки каравот бўлмасди.

– Бу тўғри.

– Мен ўйлайманки, худо буни билиб туриб, қандайдир уста эмас, ҳақиқий мавжуд каравотнинг ҳақиқий яратувчиси бўлмоқчи бўлган. Шунинг учун ҳам у битта, ўз табиати бўйича ягона каравотни ясаган.

– Шунақага ўхшайди.

– Хоҳласанг, биз уни шу нарсанинг яратувчиси, деб атаймиз ёки шунга ўхшаш бошқа бир ном берамиз.

– Бу адолатли иш бўлар эди, чунки у ушбу нарсани ҳам, бошқа ҳамма нарсаларни ҳам табиатга мувофиқ яратди.

– Дурадгорни қандай ном билан атаймиз? Каравотлар бўйича уста деб атасак бўладими?

– Ҳа, бўлади.

– Мусаввирни-чи – уни ҳам ана шу нарсаларнинг яратувчиси деймизми?

– Асло бундай деб бўлмайди.

– Бу борада у ўзи ким бўлиши мумкин, нима дейсан?

– Менимча, унга ушбу исм (ном) энг мақбули бўларди: у – усталарнинг асарларига тақлидчи, – жавоб берди Ғлавкон.

– Яхши. Демак, сен, моҳиятдан кейин учинчи ўринда турувчи асарларни бунёд қилувчини тақлидчи, деб атамоқдасан, шундайми? – сўрадим мен.

– Албатта, шундай.

– Демак, фожиалар ижодкори (яратувчиси) ҳам шундай бўлади: модомики у тақлидчи экан, табиийки, у подшоҳ ва ҳақиқатдан кейин учинчи ўринда туради; бошқа ҳамма тақлидчилар ҳам худди шундай.

– Шундай бўлса керак.

– Шундай қилиб, тақлидчилар борасида сен билан келишиб олдик. Мусаввир борасида сен менга яна ушбуни айтчи: сенингча, у табиатда бор нарсаларнинг ҳаммасини акс эттиришга ҳаракат қиладими ёки усталарнинг асарларига тақлид қиладими?

– Усталарнинг асарларига тақлид қилади.

– Бу асарлар қандай бўлса, шундайми ёки улар қандай туюлса, шундайми? Зеро, сен буни ҳам аниқлаб ажратиб қўйишинг керак.

– Сен буни қандай тушунасан?

– Мана бундай: тўшак агар унга ён тарафдан қаралса, ёки тўғридан, ёки яна қайсидир тарафдан қаралса, ўз-ўзидан фарқ қиладими? Ёки бу ерда ҳеч қандай фарқ йўғу, у фақат бошқа бўлиб туюладими, худди шунинг ўзи бошқа нарсалар (буюмлар) билан ҳам рўй берадими?

– Шунинг ўзи рўй беради. У фақат бошқа бўлиб туюлади, ҳеч қандай фарқ йўқ.

– Сен мана шуни кўриб чиқ. Рангтасвир ҳар сафар ўз олдига қандай вазифа қўяди? У ҳақиқий борлиқними акс эттиришга интиладими ёки фақат туюладиганиними? Бошқача айтганда, бу шарпаларни акс эттиришми ёки ҳақиқийликни акс эттиришми?

– Шарпаларни.

– Демак, тақлидий санъат ҳақиқий ҳолатдан (мавжудиятдан) узоқ. Шунинг учун ҳам у нимани бўлса, шуни қайта ишлаб чиқариши (акс эттириши) мумкин. Зеро, у ҳар қандай нарсага фақат салгина тааллуқли ва шунда ҳам унинг хира тортган ноаниқ акси чиқади, холос. Масалан, рассом бизга этикдўз, дурадгор ва бошқа усталарнинг суратларини чизиб беради, аммо у, ушбу ҳунарларда ҳеч нарсани тушунмайди. Лекин агар у яхши рассом бўлса, у ҳолда дурадгорнинг суратини чизиб ва узоқдан буни болаларга ёки унча ақлли бўлмаган одамларга кўрсатиб, уларни чалкаштириши

(янглиштириши) ва улар буни ҳақиқий дурадгор деб қабул қилишлари мумкин.

– Албатта.

– Аммо мен, дўстим, барча ўхшаш нарсалар борасида шундай нуқтаи назарда бўлиш керак, деб ҳисоблайман. Агар кимдир унга, нарсаларни бошқа ҳар қандай одамдан ҳам яхшироқ қила олувчи ва айрим-айрим одамлар нимани билса, барчасидан хабардор одамни учратдим, деб айтса, бундай ҳикоя қилувчига эътироз билдириш ва, унинг ўзи бундай фирибгар, лўттибоз ва учрашганида буюк донишманд деб ўйлагани тақлидчига ўзини алдашга йўл қўйгани учун соддароқ одам экансан, дейиши керак, чунки у билимни жоҳилик ва тақлиддан ажрата олмади.

– Мутлақо тўғри.

Достон ва фожиа танқиди

– Шундай қилиб, бундан кейин фожиа (трагедия) ва унинг асосчиси – Гомерни кўриб чиқиш ке-

рак, чунки биз баъзи одамлардан, гўё фожианавис шоирларга барча санъатлар, инсоний барча ишлар – хайрли ва қабих ишлар, бунга қўшимча равишда илоҳий ишлар ҳам таниш, деб эшитганмиз. Зеро, яхши шоир, ижоди гўзал бўлиши учун, ўзи нимага қўл урса, ўшани билиши зарур, акс ҳолда у ижод қилолмайди. Ушбу тақлидчиларни учратганларида одамлар алданганмилар, уларнинг асарларини кўриб, бундай нарсалар ҳақиқий борлиқдан уч марта нарида туришини ва кимда-ким ҳақиқатни билмаса, ўшанга уларни бажариш осонлигини сезганмикинлар? Зеро, бу ерда ҳақиқий мавжуд нарсани эмас, шарпани яратмоқдалар. Ёки, балки одамлар ҳақдирлар ва, яхши шоирлар ҳақиқатан ҳам, улар нима ҳақда шундай яхши гапирган бўлсалар, ўша нарсалар ҳақида ҳамма нарсани биларлар.

– Ҳа, буни текшириш керак ва бу жуда зарур.

– Агар кимдир уни ҳам, буни ҳам – ҳам аслини, ҳам унинг ўхшашини, – яратишга қодир бўлса эди, бундай одам фақат

ўхшашларни астойдил ясарди ва бу ишни ўз ҳаётидаги энг асосий иш деб биларди, деб ўйлайсанми?

– Бундай деб ўйламайман.

– Агарда у, ҳақиқатан ҳам, нимага тақлид қилса, ўша нарса ҳақида билимга эга бўлса, у ҳолда, менинг фикримча, унинг барча хатти-ҳаракатлари тақлидга эмас, яратишга йўналтирилган бўлар эди. У ўзидан ҳайкал сифатида кўпгина зебо асарлар қолдиришга ҳаракат қиларди ва, ўзи бировларни васф этганидан кўра, ўзини бировлар мадҳ этиб куйлашларини кўпроқ афзал биларди.

– Бўламаса-чи! Зеро, бу унга ҳам обрў, шараф-шон, ҳам фойда келтирган бўларди.

– Буларнинг ҳаммаси ҳақида Гомердан ёки яна шоирлардан кимдандир ҳисобот талаб этмаймиз, биз улардан, шифокор бўлганмилар ёки фақат шифокорлар тилига тақлидчилар бўлганмилар, деб сўрамаймиз. Ва, ҳеч бўлмаса, шоирлардан – қадимгилари ёки янгиларидан – бири худди Асклепийга ўхшаб кимгадир соғлиғини қайтаргани ҳақида, ёки шоир ўзидан кейин, шифокорлик борасида Асклепийнинг авлодларига ўхшаш шогирдлар қолдиргани ҳақида бу дунёда бирор ривоят борми (деб сўрамаймиз). Бошқа турли санъатлар ҳақида ҳам сўраб ўтирмаймиз – бу борада безовта қилмаймиз. Аммо, қачонки Гомер энг буюк ва зебо нарса – урушлар, ҳарбий ҳаракатларга раҳбарлик қилиш, давлатни бошқариш, одамларни тарбиялаш ҳақида гапирганида биз қизиқишга ва қўйидагича савол беришга ҳақли бўламиз: «Муҳтарам Гомер, агар сен баркамоллик маъносига ҳақиқийдан (аслиятдан) кейин учинчи ўринда турмасанг, агар сен ўхшашликдан бошқа нарсани ҳам яратсанг, у ўхшашлик, бизнинг аниқлашимизча, фақат тақлид бўлса, у ҳолда иккинчи ўринни эгаллаб туриб, сенинг қандай машғулотлар одамларни хусусий ёки ижтимоий ҳаётда яхши ёки ёмонга айлантиришларини билишга имконинг бор бўларди: бизга айтгин-чи, қандай давлат, худди Ликург туфайли Лакедемонда рўй берган ва бошқа кўп соҳиби қонунлар туфайли кўп йирик ҳамда кичкина давлатларда рўй берган

қандай давлатлардан қайси бири, сен туфайли энг яхши тартибот топди? Қайси давлат, барча нарса учун миннатдор бўлиб, сени ўзининг энг яхши фазилатли (эзгу) қонун чиқарувчиси, деб тан олади? Италия ва Сицилия бундай деб Харондни, биз – Солонни, ҳисоблаймиз, сени ким бундай деб ҳисоблайди?»
Гомер қандайдир бир давлатни айта оладими?

– Ўйлайманки, айтолмайди, – жавоб берди Главкон, – бунинг ҳақида, ҳатто гомершунослар ҳам ҳеч нарса демайдилар.

– Гомер замонида бўлиб ўтган, у саркарда ёки маслаҳатчи бўлгани учун муваффақиятли ўтган ҳеч бўлмаса биронта уруш эсга олинadими?

– Йўқ.

– Одамлар милетлик Фалес ва скиф Анахарсис ҳақида ривоят қилганларидек, – санъатларда ёки фаолиятнинг бошқа бир турларида, – Гомер маҳорат кўрсатган қандайдир жумбоқли ихтиролар ҳақида ҳикоя қиладиларми?

– Йўқ, ҳикоя қилмайдилар.

– Агар давлат ишларида бўлмаса, у ҳолда, балки Гомернинг ҳаётлиги даврида кимнингдир тарбиясига раҳбарлик қилгани ва ушбу одамлар у билан мулоқотни қадрлаганлари ҳамда шунинг учун, худди Пифагорни алоҳида қадрлагандай, авлодларга қандайдир гомерона ҳаёт йўлини тарғиб қилганлари ҳақида гапирарлар, масалан, Пифагорнинг издошлари ўзларининг ҳаёт тарзларини пифагорийча (ҳаёт тарзи) дейдилар ва бошқа одамлардан аниқ ажралиб турадилар?

– Суқрот, Гомер ҳақида бундай нарсаларни ҳикоя қилмайдилар. Чунки, агар Гомер ҳақида айтилган, ҳаётлиги даврида Гомерни мутлақо менсимаганликлари ҳақидаги ҳикоялар тўғри бўлса, эҳтимол, Гомерга яқин одам бўлган, тарбиясизлигига кўра ўзининг исмидан ҳам кулгилироқ кўринадиган Креофил янада кулгилироқ туюларди.

– Ҳа, шундай ҳикоя қиладилар, – дедим мен. – Аммо, ўйлаб кўр, Главкон, агар Гомер ҳақиқатан ҳам одамларни тарбиялаш ва бу ишда тақлид билан эмас, билимга суяниб

уларни яхшилашга қодир бўлганида, наҳотки унинг мухлислари кўп бўлмасди, улар томонидан ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлмасди ва қадрланмасди? Абдерит Протагор, кеослик Продик ва бошқа кўплар шахсий мулоқотларда атрофдагиларга агар ўқишга бермасалар, гўё улар ўзларининг уй ишларини ҳам давлат ишларини ҳам эплай олмасликларини айтиб ишонтирардилар; ушбу ҳикмат учун шогирдлар уларни шундай яхши кўрар эдиларки, ҳатто, қўлда кўтариб юришга тайёр эдилар. Агарда Гомер инсоний хайрли ишларга ёрдам бера олганида, наҳотки унга ва яна Гесиодга ҳам одамлар дайди қўшиқчилар ҳаётида яшашга йўл кўяр эдилар, бунинг ўрнига одамлар уларни олтиндан ортиқроқ қадрлаб, бир жойда тургун бўлиб туришга мажбур этмасмидилар ва агарда улар бунга рози бўлмасалар, (Гомер ва Гесиод) қаерга борсалар, улардан ўрганиш учун замондошлари уларнинг изидан кетмасмидилар?

– Менимча, Суқрот, айнан ҳақиқатни гапирмоқдасан.

**Шоир чинакам
борлиқни эмас, шарпаларни яратади**

– Гомердан бошлаб барча шоирлар хайрли, эзгу ишларнинг ва қолган барча нарсаларнинг шарпаларини акс эттирганлар, бу улар

ижодининг мавзуси бўлиб хизмат қилади, аммо уларнинг ҳақиқатга алоқалари йўқлигини аниқлаб қўймаймизми? Бу ҳозиргина биз келтирган мисолдаги каби: мусаввир ҳақиқий этикдўз бўлиб кўринадиган косибнинг суратини чизади, аини маҳалда этикдўзликда мусаввирнинг ақли ҳеч нарсага етмайди, сурат томошабинлари ҳам шундай (ҳеч нарсани тушунмайдилар) – улар фақат бўёқлар ва қиёфаларга (чизгиларга) қараб фикр билдирадилар.

– Албатта.

– Уйлайманки, шоир ҳақида ҳам шунинг ўзини айтмиз: гарчи у, бирон-бир санъатлар ва ҳунарда ҳеч нарсани тушунмай, фақат тақлид қилишга ўрганган бўлса ҳам,

сўзлар ва турли иборалар ёрдамида у ўша санъатлар ва хунарларнинг аломатларини намойиш этади, шунинг учун, худди унга ўхшаш беҳабар одамлар учун унинг сўзларидан ҳосил бўладиган таассуротида – шоир этиқдўзлик ҳақида ёки ҳарбий юришлар ҳақида, ёки бошқа бирор нарса ҳақида ўлчовли, равон шеърларда гапирадими, бари бир, – бу жуда яхшидай туюлади, буларнинг ҳаммасининг қандайдир табиий фусункорлиги шу қадар буюқдир. Аммо агар шоирларнинг асарлари мусиқий санъат рангларидан маҳрум этилса, у ҳолда, ўйлайманки, сен улар бундай яланғоч ҳолда ўз-ўзича қандай ҳолга тушишларини биларсан; эҳтимол, сен буни кузатгандирсан.

– Ҳа (кузатганман).

– Нима, улар гарчи ёш бўлсалар-да, аммо хунукка ўхшамайдиларми, уларда гул мавсуми ўтганлиги кўриниб турибди-ку?

– Жуда ўхшайдилар.

– Энди сен мана бунга эътибор бер: кимда-ким шарпаларни яратса, тақлидчи, биз тасдиқлаб айтамызки, чинакам борлиқни тушунмайди (билмайди), аммо фақат туюладиганни билади, холос. Шундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Айтилган нарсалар ярим айтилган бўлиб қолмасин-да: кел, бу (масалани) лозим даражада тўлиқроқ кўриб чиқайлик.

– Эшитишга тайёрман.

– Биз, мусаввир тизгин ва юганнинг суратини чиза олади, деймиз...

– Ҳа, шундай.

– Уларни эса саррож ва темирчи ясайдилар.

– Албатта.

– Нима, тизгин ва юган қандай бўлиши кераклигини мусаввир биладими? Буни, ҳатто, уларни ясаганлар ҳам, яъни темирчи ва саррож ҳам билмайди, буни ким улардан фойдаланишни билса, ўша, яъни суворийгина билади, холос.

– Мутлақо тўғри.

– Ҳамма нарсалар билан ҳам шундай бўлмайдимиз?

– Айнан қайси нарсалар?

– Ҳар бир буюмга нисбатан маҳорат уч турда бўлади: ундан фойдаланиш маҳорати, уни яшаш маҳорати ва уни тасвирлаш маҳорати.

– Ҳа, шундай.

– Ҳар қандай асбоб-анжомнинг, тирик мавжудотнинг ёки иш-ҳаракатнинг сифати, чиройи ва тўғрилиги бошқа нарса билан эмас, нимадир қилинган ёки табиатдан пайдо бўлган бўлса ўша нарсанинг ишлатилиши билан муносабатда бўлади.

– Шундай.

– Демак, қандайдир буюмдан фойдаланаётган одам, сўзсиз энг кўп тажриба соҳиби бўлади ва бу буюмни ясайдиган одамга унинг ишининг амалда синалган фазилат ва камчиликларини кўрсатиб бера олади. Масалан, флейта чалувчи флейта устасига чалиш учун айнан қандай флейталар қулайлиги ҳақида хабар беради, қандай флейталарни яшаш кераклигини кўрсатиб беради ва уста унга қулоқ солади.

– Албатта.

– Кимда-ким билагон бўлса, ўша фазилатлар ва камчиликларни белгилайди, кимда-ким унга ишонса, ўша одам худди у айтгандай қилади.

– Ҳа, шундай бўлади.

– Демак, фазилати (афзаллиги) ва камчилиги борасида, унинг яратувчиси, биладиган одам билан мулоқотда бўлиб ва ихтиёрий-ихтиёрсиз унинг кўрсатмаларига қулоқ солиб, тўғри тасаввур олади; аммо кимда-ким шу буюм (анжом) дан фойдаланса, ўша одамгина билим соҳиби бўлади.

– Бегумон шундай.

– Тақлидчи-чи? У ўзи суратини чизаётган нарсалар ҳақидаги, улар яхшими ва тўғрими эканлиги ҳақидаги билимни тажриба орқали оладими, ёки улар (ўша нарсалар – тарж.) ҳақидаги тўғри фикр, билагон одам билан мулоқотда бўлиш зарурати ва суратни қандай қилиб чизиш кераклиги бора-

сидаги кўрсатмаларнинг бажарилиши зарурлиги туфайли пайдо бўладими?

– Тақлидчида униси ҳам, буниси ҳам бўлмайди.

– Демак, у тасвирлаётган нарсаларнинг фазилати ва камчиликлари борасида тақлидчида билим ҳам, тўғри фикр ҳам йўқ.

– Йўққа ўхшайди.

– Бундай тақлидчи ажойиб ва моҳир яратувчи бўлади!

– Йўғ-е, унчалик ажойиб бўлмаса керак!

– Гарчи нарсаларнинг биронтаси ҳақида ҳам у қай жиҳатдан яхши ёки ёмонлигини билмаса ҳам, бари бир, уларни тасвирлай беради. Табиийки, у кўпчилик нодонларга чиройли бўлиб туюлган нарсани тасвирлайди.

– Бу борада, равшанки, биз сен билан бир фикрга келдик: тақлидчи тасвирлаётган нарсаси ҳақида арзигулик ҳеч нарсани билмайди; унинг ижоди – жиддий машғулот эмас, балки фақат бир эрмак, холос. Кимда-ким фожиавий шеъриятга алоқадор бўлса – улар ямбийми ёки эпик шеърларми, бари бир уларнинг ҳаммаси асосан тақлидчилардир.

– Бегумон шундай.

– Аммо Зевс хурмати, бундай тақлид, ҳақиқийдан кейин учинчи ўринда турувчи нимагадир тегишли эмасмикин? Ёки сен бошқача фикрлайсанми?

– Йўқ, айнан шундай.

– Тақлидга тегишли бўлган таъсир инсоннинг қайси тарафига йўналтирилган?

– Сен қандай таъсир ҳақида гапирмоқдасан?

– Мана бундай таъсир ҳақида: бизнинг кўриш (қобилиятимиз) туфайли ўша-ўша бир ўлчам (катта-кичиклик) яқиндан ёки узоқдан ҳар хил туюлади.

– Ҳа, шундай.

– Нарсаларга сувдалигида қарашга ёки тўғридан-тўғри қарашга кўра, уларнинг синиқлиги ва тўғрилиги ҳамда бўялган ранглари туфайли ботиқлиги ва қабариклиги билан

ҳам худди шунинг ўзи рўй беради; ушбу барча чалкаш-чул-кашликлар бизнинг дилимизга хосдир ва тасвирий санъат бизнинг табиатимизнинг бундай ҳолатига ўзининг барча жозибаси билан суянади, яна кўзбўямачилик ҳамда бошқа кўп турли ҳийла-найранглар ҳам худди шунинг ўзи.

– Ҳақиқатан шундай.

Шеърят ҳақиқийлик мезонига – ўлчаш, ҳисоб ва тортиб кўришга бўйсунмайди

– Аммо айтиш керакки, ўлчаш, ҳисоб ва тортиб кўриш бу ўринда энг маъқул ёрдамчи бўлиб чиқди, шунинг учун ҳам нима

катта, кичик, кўп сонли ёки огир бўлиб туюлса, ўша нарса эмас, балки бизда нима ҳисобловчи (санайдиган), ўлчовчи ва тортиб кўрувчи бўлса, ўша устун келади.

– Албатта.

– Зеро, буларнинг ҳаммаси – бизнинг дилимизнинг ақл-идрокли ибтидосининг ишидир.

– Ҳа, бу унинг ишидир.

– Тез-тез ўлчаш воситасида ушбу ибтидо баъзи нарсаларнинг катталигини, бошқаларининг кичиклигини, учинчиларнинг бир-бирларига тенглигини, айти пайтда улар кўринишдан бизга қандай туюлганига зид тарзда эканлиги аниқланди.

– Ҳа, шундай.

– Биз эса, ўша-ўша бир ибтидо (бошланиш)да ўша-ўша бир нарса ҳақида бир вақтнинг ўзида қарама-қарши фикрлар бўлиши мумкин эмас деб таъкидладик, – дедим мен.

– Ва тўғри таъкидлаганмиз, – деди Главкон.

– Демак, дилимизнинг (нарсаларнинг ҳақиқий) ўлчамларига ҳилоф равишда фикр билдирадиган ибтидоси ушбу ўлчамларга мувофиқ равишда фикр билдирувчи дил ибтидосига айнан ўхшаш эмасдир.

– Ҳа, айнан ўхшаш эмас.

– Айтиш керакки, бизда нима ўлчаш ва фикр юритиш (мулоҳаза қилиш)га ишонч билдирса, (ўша нарса) дилнинг энг яхши ибтидоси бўлар эди.

– Албатта.

– Нимаики бунга қаршилиқ қилса, ўша нарса энг ёмон ибтидолардан бири бўларди.

– Албатта.

– Мен, рангтасвир – ва умуман тақлидий санъат – воқеалиқдан узоқ бўлган асарларни яратади ва дилимизнинг ақл-идрокдан узоқ бўлган ибтидосига алоқадордир, шунинг учун бундай санъат соғлом ва ҳақиқий барча нарсаларнинг дўсти ва сафдоши бўлолмайди, деб тасдиқлаганимда худди шунга ишора қилган эдим.

– Ҳақиқатан шундай.

– Шундай экан, тақлидий санъат ўз-ўзича ҳам тубан бўлганлигидан, тубанлик билан қўшилиб, тубанликни дунёга келтиради.

– Табиий.

– Бу фақат кўришга оид тақлидга тааллуқлими ёки эшитиш орқали қабул қилинадиган, идрок этиладиган – биз шеърият деб атайдиганимиз – тақлидга ҳам тааллуқлими?

– Унга ҳам тегишлига ўхшайди.

– Зоҳирийликка фақат рангтасвир асосидагина ишонч билдирмайликда, шеъриятнинг тақлидий санъати алоқадор бўлган инсоннинг маънавий ибтидосини таҳлил этайлик ва бу ибтидо енгилтакми ёки жиддийлигини кўриб чиқайлик.

– Ҳа, буни тушуниб олиш керак.

Тақлидий шеърият – Биз масалани мана бундай қўямиз. Тақлидий шеърият
дил уйғунлигини одамларни мажбуран ёки ихтиёрий ҳаракат қилаётгандек
бузади

тасвирлайди, айтиб ўтиш керакки, одамлар ўз хатти-ҳаракатларини муваффақиятли ёки муваффақиятсиз, деб ҳисоблайдилар ва барча бундай ҳолатларда улар ё гамгин ёки



хурсанд бўладилар. Ёки у яна бошқа бирор нарсани ҳам тасвирлайдими?

– Йўқ, бошқа ҳеч нарсани тасвирламайди.

– Нима, барча бундай ҳолатларда инсон хотиржам бўлиб қолаверадими? Ёки, ўзи билан ўзи ўртасида низо чиққанида ва бир нарсанинг ўзи ҳақида қарама-қарши фикрлар пайдо бўлгандагидек, инсон ҳаракатларида ҳам кўриш орқали идрок этиладиган нарсалар борасида худди шундай низо ва ички кураш борадими? Ҳа, айтгандай, энди бизнинг буни исбот қилишимизнинг асло ҳожати йўқ: олдинги мулоҳазаларда буларнинг ҳаммаси етарли даражада исботланган, айнан, бизнинг дилимизда бунга ўхшаш бир вақтнинг ўзида пайдо бўладиган минглаб зиддиятлар тиқилиб ётганлиги исботланган.

– Бу тўғри.

– Ҳа, тўғриликка тўғрику-я, аммо, менимча, энди биз аввал (эътибор бермай) ўтказиб юборганимизни таҳлил қилишимиз керак бўлади.

– Айнан нимани?

– Биз қаердадир айтган эдикки, ҳақиқий одам унинг бошига тушган қандайдир бахтсизликни – ўғлини йўқотиши ёки ўзи жуда ҳам қадрлайдиган бирон нарсани йўқотишни бошқаларга қараганда енгилроқ ўтказади.

– Албатта.

– Энди эса мана буни кўриб чиқамиз: нима, бундай одам ҳеч ҳам куймайдими, ғам чекмайдими (буни ақл бовар қилмайди!) ёки у ғам-андуҳни босиқлик билан кечирадими?

– Охиргиси тўғрироқ.

– Ундай одам ҳақида сен менга яна ушбуни айт: сенинча, ўз ғами, қайғуси билан у ўзига ўхшаган одамлар орасида бўлганида кўпроқ курашадими ва қаршилик кўрсатадими ёки ёлғизликда, якка ўзи қолганидами?

– Одамлар орасида вазминроқ бўлади.

– Ўйлашимча, у ёлғизликда ўзини йиғидан тўхтатолмайди, агар кимдир эшитиб қолгундай бўлса, у уялган бўларди.

Бошқаларда кўришни хоҳламагани кўп бошқа ишларни ҳам қилган бўларди.

– Худди шундай бўлади.

– Уни ғам-андухга қаршилиқ кўрсатишга ундайдиган нарса – ақл-идрок ва урф-одатлардир, ғам-қайғуга тортувчи нарса эса – дард чекишнинг ўзидир, шундай эмасми?

– Тўғри, шундай.

– Модомики, бирон-бир муносабатга кўра инсонда бир вақтнинг ўзида қарама-қарши интилишлар пайдо бўлар экан, демак, инсонда қандайдир турли хилдаги ибтидолар мавжуд, деб айтиш керак бўлади.

– Албатта.

– Улардан бири урф-одатга итоаткорона амал қилади.

– Қандай қилиб?

– Урф-одат айтадики, бахтсизликда энг яхшиси иложи борича вазмин бўлиш ва дарғазаб бўлмасликдир, зеро, уларнинг (бахтсизликларнинг – тарж.) яхши ва ёмон томонлари ҳали равшан эмас, ва қанча куюнма, бари бир у сени олға силжитмайди, бунинг устига инсоний ишлардан ҳеч бири ўзига алоҳида жиддий муносабатга лойиқ эмас, ғам-андух эса бундай ҳолатларда нима энг муҳим бўлса, ўшанга жуда халақит беради.

– Сенингча, у айнан нимага халақит беради?

– Рўй берган нарсани тушуниш, англашга халақит беради ва бу, худди соққа ўйинидагига ўхшаб, бизнинг қсматымизга тушган экан оқилона равишда энг яхши имкониятни танлаб олиб, ўз ишларимизни бошқаришимиз ва қачонки бирор жароҳат олсалар, жароҳатланган жойларини ушлаб фарёд қиладиган болаларга ўхшамаслигимиз керак. Йўқ, биз дилани иложи борича тезроқ даволашга мурожаат қилиш ва даволаш орқали қайғули йиғини босиб, йўқотилган ҳамда касал нарсанинг ўрнини тўлдиришга ўргатишимиз зарур.

– Ҳа, бахтсизликларга шундай муносабатда бўлиш энг тўғри иш бўларди.

– Дилмизнинг энг яхши ибтидоси мамнуният билан ушбу оқилона фикрларга бўйсунди.

– Буниси аниқ.

– Дармандлик ҳақидаги хотираларга, ҳасратларга олиб борувчи ва буларга ҳеч қачон қониқмайдиган ибтидони эса биз кўрқоқликка монанд ақл-идроксизлик, танбаллик деб ҳисоблаймиз.

– Ҳа, худди шундай деб ҳисоблаймиз.

Дилнинг ғазабнок ибтидоси ақл-идроклисига кўра осонроқ акс эттирилади

– Дилнинг ғазабнок ибтидоси турли тарзда тасвирланиши мумкин, лекин инсоннинг ҳад-

дидан ошмайдиган, мулоҳазали ва вазмин феълини акс эттириш осон эмас ва, агар у акс эттирилган бўлса, одамлар учун уни кўриш ва тушуниш қийин бўлади, айниқса, ҳар хил одамлар тўпланадиган умумхалқ байрамлари ва театрларда шундай бўлади, зеро, улар учун бу ўзларига ёт ҳолатни акс эттириш бўларди.

– Ҳа, сўзсиз, бегона ҳолатни акс эттириш, бўлади.

– Тақлид қилувчи шоирнинг ўз табиати бўйича ақл-идрокли ибтидога алоқаси йўқлиги аниқ ва у оломон олдада муваффақиятга эришишни хоҳлаганида, ана шу ибтидони қониқтириш учун, ўз санъатини мустаҳкамламайди. У ғазабнок ва ўзгарувчан, акс эттиришга осонгина йўл қўядиган феълига мурожаат қилади.

– Шундайлиги аниқ.

– Демак, биз бундай шоирни олиб, унга ўхшаш бўлган мусаввир билан бир қаторга қўйсақ бўлади, чунки у ҳақиқат нуқтаи назаридан номақбул асарни яратади: у, мусаввир дилнинг қайси ибтидоси билан алоқадор бўлса, ана шу ибтидо, яъни энг яхши бўлмаган (ибтидо) билан боғлиқдир ва шунинг билан мусаввирга ўхшатилади. Шундай қилиб, модомики у, дилнинг ёмон жиҳатини уйғотар, озиқлан-тирар ва мустаҳкамлар экан ҳамда дилнинг ақл-идрокли

ибтидосини халос этар экан, келгусидаги обод давлатга ҳақли равишда қабул қилмаган бўлар эдик: бу давлатни номақбул одамлар қўлига топшириб қўйиш, кимда-ким тузукроқ бўлса, қириб ташлаш билан баробардир Тақлидчи шоир ҳам худди шунинг ўзини қилади, деймиз биз: у, нима каттаю нима кичкиналигини фарқ қилолмайдиган ва бир нарсанинг ўзини гоҳ буюк, гоҳида эса кичик деб ҳисобловчи, шу сабабдан ҳақиқатан йироқ бўлган тимсоллар яратиб, дилнинг ақл-идроксиз ибтидосини маъқуллаб, ҳар бир одамнинг дилига ёмон давлат тартиботини алоҳида-алоҳида сингдиради.

– Сўзсиз шундай.

**Тақлидий шеърият
феъл-ахлоқни бузади ва
шунинг учун у давлатдан
хайдалиши керак**

– Аммо биз ҳали шеъриятга асосий айбни қўйганимиз йўқ: у, ҳатто, чин инсонларни ҳам бузиш қобилиятига эга, фақат баъ-

зиларгина бундан истисно бўлишлари мумкин, энг даҳшатлиси ана шунда.

– Модомики у шундай ишларни қилар экан, бундан ортиғи бўлмас.

– Қулоқ сол ва ўзинг мулоҳаза қил: бизлар – ҳатто энг яхшиларимиз ҳам, – Гомер ёки фожиаларнинг ижодкорларидан бирортаси қаҳрамонлардан кимдир ғамгин дард оғушида ва нола-фиғонларга тўла узундан-узоқ гапларни айтаётганини қандай тасвирлаётганини, бошқаларини эса ашула айтишга ва тушкунликка тушиб, ўз кўкрагига мушталашига қандай мажбур этаётганини эшитиб, сенга маълум бўлганидай ҳузурланамиз ва ушбу таассуротга берилиб, қаҳрамон билан биргаликда дард чекиб ҳамда буни жиддий қабул қилиб, унинг (қаҳрамоннинг) кечинмаларини кузатамиз. Биз, бизни иложи борича айнан ана шундай қўйга солган шоирни мақтаймиз ва яхши деб ҳисоблаймиз.

– Буни мен биламан. Бошқача бўлиши мумкинми?

– Қачонки ўзимиздан бирортамизнингдир бошимизга ғам-ташвиш тушса, биз тескариси – вазминликни сақлаш ва ўзини тута билиш қобилияти билан мағрурланамиз, шунга эътибор берганмисан? Зеро, эркак кишининг фазилати шунда, аввал биз мақтаганимиз эса – аёллар хислатидир.

– Мен ҳам бунга эътибор берганман.

– Қачонки биз ўзимиз бирор одамни ўшандай бўлишни ўзимизга раво кўрмаган ҳолатда кўрсак ва шундай бўлиш уят ҳисоблансаю, биз завқланиб ҳайратлансак, яхшими ва агар ушбу кўриниш нафрат уйғотиш ўрнига ҳузур бағишла-са ва мақталса яхшими?

– Зевс билан онт ичаманки, яхши эмас! Бу бир тушун-мовчиликка ўхшайди.

– Ҳа, шундай, агар сен бу тарафдан назар ташласанг...

– Қайси тарафдан?

– Агар сен ушбу ҳолатда бизнинг бошимизга бахтсизлик-лар тушган вақтда биз бор кучимиз билан тийиб турадига-нимиз дилимизнинг ибтидоси шоирлардан қаноатланиши-ни ва ҳузур топишини тушунсанг, зеро, у мириқиб йиғлаб олишни, роса ғам чекишни ва буларга тўйишни жуда хоҳлайди – унинг табиий интилишлари шундай. Ақл-идрок ва одат билан ҳали етарли ўргатилмаган ўз табиати бўйи-ча дилимизнинг энг яхши томони ўшанда ушбу йиғлаётган ибтидо устидан ўз назоратини бўшаштиради ва бошқалар эҳтиросларининг томошасини кўриб, қачонки бошқа одам гарчи эзгу, хайрли ишларга даъво қилса-да, аммо маъқул равишда ўз ғам-андухини ифода қилмоқда деб, уни ҳеч ҳам уятга қолдирмайди, деб ҳисоблайди: у уни мақтайди ва унга раҳми келади ва, ҳатто, бутун асарни яхлитлигича менсимас-да, гўё бундай ҳузурлар уни бойитади, деб ўйлайди ва улардан маҳрум бўлишни хоҳламайди. Ўзгаларнинг кечин-малари биз учун иложсиз юқумли эканлигини камдан-кам одам тушунади, деб ўйлайман: агар уларга нисбатан кучли

шафқат, раҳмдиллик авж олса, ўзи дард чекаётганида ҳам ундан ўзини тутиши қийин бўлади.

– Жуда тўғри.

– Худди шунинг ўзи кулгили нарсаларга ҳам тегишли эмасми? Одамларни кулдириш ўзинг учун уят иш бўлгани ҳолда, комедиялар намоишида ёки уйдаги тор доирада кулгили нарсаларни маза қилиб эшитасан ва ёмон нарса сифатида рад этмайсан; бошқача айтганда, сен раҳминг келганида, ачинганигда нима қилсанг худди шундай иш қиласан. Мас-харабоз деб шуҳрат қозонишдан қўриқиб, ақл-идрокинг билан ўзингдаги қизиқ қилиқларга бўлган мойилликни босасан, аммо ушбу ҳолларда сен унга эрк берасан, сенда жўшқинлик пайдо бўлади ва сен кўпинча ўзинг сезмаган ҳолда уй шароитида комедиялар ижодкори бўлиб қоласан.

– Бегумон шундай бўлади.

– Ишқий шўхликлар, ғазаб ёки дилимизнинг бошқа турли-туман мойилликлари бўладими, бари бир – биз айтгандек, бизнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатимизга ҳамроҳ бўлувчи дил маҳзуналиги ва ҳузурлари – буларнинг барчаси бизда шоирона хаёлот орқали уйғотилади. У буларнинг ҳаммасини озиқлантиради, қуриб қолиши керак бўлган нарсани суғоради ва унинг устимиздан ҳокимлигини ўрнатади; ёмонроқ ва бахтсизроқ бўлиб қолишнинг ўрнига биз яхшироқ ва бахтлироқ бўлишимиз учун ушбу туйғуларни итоатда ушлаб туриш керак эди.

– Бунга мен эътироз билдира олмайман.

– Шундай қилиб, Главкон, қачонки сен, Гомерни кўкларга кўтарувчи ва ушбу шоир Элладани тарбиялаган, инсоний ишларга раҳбарлик қилиш учун ҳам, маърифатли бўлиш учун ҳам, бутун умрни унинг (қарашларига) монанд равишда тузиш учун ҳам у (Гомер) диққат билан ўрганишга арзийди, деб айтадиганларни учратганигда, уларга сен дўстона ва очиқ чеҳра билан муомала қил, чунки улар, ҳар ҳолда, кучлари етганча яхшилиқни истайдилар. Гомер энг

ижодкор ва фожиалар ижодкорларининг биринчиси, деб уларга ён бос, аммо унутмаки, у бизнинг давлатимизга шеърият, худоларга мадҳиялар ва хайрли ишлар қилувчиларга мақтов бўлганлиги учунгина киритилади. Агар сен чучмал Музага, у мусиқий бўладими ёки эпик бўладими, бари бир йўл қўйсанг, сенда у ҳолда бу давлатда урф-одат ва ақл-идрок ўрнига ҳузур ва дард ҳукмрон бўлади, ақл-идрок эса, умумий фикрга кўра, доимо энг яхши, деб тан олингандир.

– Айни ҳақиқат.

– Шеърият шундай бўлганидан биз уни ўз давлатимиздан ҳайдаб чиқарганимиз учун ушбу эслатиш шеърият олдигаги ўзимизни оқлашимиз бўлиб хизмат қилақолсин. Зеро, бунга бизни оқилона асос рағбатлантирди. У бизни қаттиққўллик ва қўполликда айбламаслиги учун, биз яна қўшимча қилиб айтамикки, қадим замонлардан бери фалсафа ва шеърият ўртасида қандайдир низо кузатиб келинган. Масалан, «бу, ўз эгасига ҳурадиган ва ириллайдиган ўша итдир», ёки «у ақлсизларнинг (жинниларнинг) сафсаталари билан буюк», ёки «донишмандлар тўдаси [Зевсни ҳам] енгади», ёки «улар арзимас, майда-чуйдага ўралашиб қолганлар, демак, улар гадолар, фақирлардир» каби ва бошқа минглаб, беҳисоб кўп мақоллар уларнинг ўртасидаги жуда қадимги низолардан гувоҳлик беради. Шунга қарамай, айтиш керакки, агар фақат ҳузур бағишлашга йўналтирилган тақлидий шеърият фаровон, обод давлатда бўлиши маъқуллигига қандайдир бир далил келтира олса, биз уни қувониб қабул қиламиз. Ҳа, бизнинг ўзимиз ҳам унга ошуфта бўлишимизни тан оламиз, аммо ҳақиқий деб тан олган нарсангга хиёнат қилиш гуноҳдир. Дўстим, сен шеъриятни, айниқса, уни Гомер мисолида кўриб чиқаётганингда, унга офушта бўласанми, ҳайратланасанми?

– Жуда ҳам.

– Шундай қилиб, агар у, мусиқий вазндами ёки бошқа ўлчовлардами, бари бир, ўзини оқласа, у сургундан қайтиб келиш ҳуқуқига эга бўлади.

– Бегумон шундай.

– Ўзлари шоир бўлмаган, аммо уни яхши кўрувчи мухлисларига уни насрда бўлса ҳам ҳимоя қилишларига имконият берамиз ва у (шеърият) фақат ёқимли бўлиб қолмай, балки давлат тартиботи ва инсон ҳаёти учун ҳам фойдали эканлигини хайрихоҳлик билан тинглаган бўлардик. Зеро, биз, агар у (шеърият) нафақат ёқимли, балки яна фойдали ҳам бўлганида, анча бойиб ҳам қолардик.

– Албатта, бойиган бўлардик!

**Идеал давлатда фақат
фойдаси аниқ бўлган
шеъриятгина бўлиши
мукин**

– Азиз дўстим, агар уни ҳимоя қилишга эришиб бўлмаса, у ҳолда, худди аввал бировни яхши кўриб қолиб, кейин бу муҳаббат фойдасиз

деган фикрга келганлари учун, зўрға бўлса-да, бари бир ўзларини тийганлари каби иш қилишимизгина қолади, холос. Мана биз ҳам: ҳозирги ажойиб тартиботли давлатларда олган тарбиямиз туфайли бизда бунга ўхшаш шеъриятга муҳаббат ривож топди ва биз унга яхшилик тилаймиз, яъни у ҳам аъло даражада ҳамда анчагина ҳақиқий бўлсин. Аммо, токи у ўзининг ҳақлигини исботламас экан, уни тинглашга тўғри келиб қолганида, биз аввал қилган мулоҳазамизни шифобахш илтижо сифатида ўзимизга қайта-қайта айтамыз ва яна кўпчиликка хос бўлган ушбу болаларча муҳаббат домига тушмаслик учун эҳтиёт бўламиз. Бундай шеъриятни жиддий ва ҳақиқатга тааллуқли, деб ҳисоблаб бўлмайди. Уни эшитаётган одам ўзининг ички тартиби учун хавфсиз раб эҳтиёт бўлиши ва биз шеърият ҳақида нима деган бўлсак, ўшанга риоя қилиши зарур.

– Мен фикрингга тўла қўшиламан.

– Зеро, азиз дўстим Главкон, баҳс биз туюлганидан кўра анча буюкроқ иш – инсон яхши ёки ёмон бўлиши кераклиги ҳақида кетмоқда. Шундай экан, на ҳурмат-эҳтиром, на

пул, на ҳар қандай ҳокимият, ҳатто, на шеърият уларни деб адолат ва бошқа эзгу, хайрли ишларга беписанд бўлишга арзимади.

– Биз таҳлил этганларимиз асосида мен сенинг фикрингни қувватлайман. Ўйлайманки, ҳар ким ҳам, у ким бўлишидан қатъи назар, фикрингни қувватлайди.

– Аммо, – дедим мен, – хайрли ишлар, эзгулик учун бериладиган буюк ажр, савоб ва унинг учун белгиланган мукофотни биз ҳали таҳлил этмадик.

– Агар эслатиб ўтилганларидан ташқари яна бошқа мукофотлар ҳам бўлса, у ҳолда сенинг қандайдир буюк нарса ҳақида гапираётганинг аниқ.

– Қисқа вақт ичида қандай буюк иш рўй бериши мумкин? Зеро, абадийлик билан солиштирганда, болалигимиздан то кексайгунимизгача бўлган муддат жуда ҳам қисқа.

– Ҳатто, арзимас муддат.

– Нима десак экан? Сен абадий мавжудот абадият ҳақида эмас, фақат ушбу озгина муддат ҳақида қайғуриши керак, деб ўйлайсанми?

– Мен абадият ҳақида қайғуриши зарур, деб ўйлайман. Аммо нега буларни гапирмоқдасан?

Рухнинг абадий (боқий)лиги – Сен бизнинг руҳимизнинг абадийлиги ва у ҳеч қачон ўлмаслигини англамасмидинг?

Главкон менга ҳайрон бўлиб қараб қўйди ва бундай деди:

– Зевс билан онт ичаманки, йўқ. Сен буни айта оласанми?

– Агар хато қилмаётган бўлсам, айта оламан. Аммо бу сенинг ҳам қўлингдан келади, деб ўйлайман, бунинг қийин жойи йўқ.

– Мен учун бу қийин. Аммо мен жон деб ушбу қийин бўлмаган нарсани сендан эшитган бўлардим.

– Эшит бўлмаса.

– Гапир, гапир.

– Сен ниманидир эзгулик ва ёвузлик, деб атайсанми?

- Мен шундай деб атайман, албатта.
- У ҳақда мен нимани ўйласам, сен ҳам шуни ўйлайсанми?
- Айнан нимани?
- Барча ҳалок қилувчи ва вайрон этувчи (нараса) – ёвузликдир, халоскор ва фойдалиси эса – эзгуликдир.
- Ҳа, шундай.
- Нима десак экан? Эзгулик ва ёмонлик ҳамма нараса учун мавжуд, деб ҳисоблайсанми? Масалан, кўз учун – ялиғланиш, бутун бадан учун – касаллик, ғалла учун – занг, ёғочлар учун – чириш, мис ва темир – учун занглаш, бир сўз билан айтганда, деярли ҳар бир нараса учун худди унга хос ёмонлик ва касаллик бор, шундайми?
- Ҳа.
- Қачонки шунга ўхшаш бир нараса қандайдир бошқа нарасада пайдо бўлса, у нимага ёпишган бўлса ўша нарсани яроқсиз қилади ва охир-оқибат бутун нарсани яхлитлигича парчалайди (вайрон қилади) ҳамда ҳалок этади.
- Албатта.
- Демак, ҳар бир нарсани унга хос бўлган ёмонлик ва ярамаслик ҳалок қилади, аммо агар бу нараса уни ҳалок этмаса, у ҳолда ҳеч нараса уни парчалай олмайди. Эзгулик, албатта, ҳеч қачон ҳеч нарсани ҳалок этмайди, эзгулик ҳам, ёмонлик ҳам бўлмаган нараса ҳалок этмайди.
- Албатта.
- Демак, агар мавжуд нарсалар орасида ўзининг уни бузувчи, аммо уни бутунлай йўқ қилолмайдиган ёмонлиги (ёмон нарсаси) бор бўлган ниманидир топсак, биз ушбу нимадир нараса ўз табиати бўйича йўқ қилиб бўлмайдиган нараса эканлигини биламиз.
- Шундай бўлса керак.
- Нима ҳам дер эдик. Рухнинг уни бузадиган бирон нарсаси йўқми?
- Албатта бор: булар ҳаммаси биз яқиндагина таҳлил қилган нарсалар – адолатсизлик, ўзини тия олмаслик кўрқоқлик, жоҳилликдир.

– Буларнинг ҳаммасидан ҳеч бўлмаса биронтаси уни (руҳни) ҳалок этиши ёки йўқ қилиши мумкинми? Буни сен фикрлаб кўр, фақат шундай фикр юритгинки, гўё адолатсиз ва ақл-идроксиз одам ўзининг адолатсизлиги, руҳнинг ушбу бузилиши туфайли уни жинойат қилганида ушлаб олган пайтларида ўлади, деб ўйлаб, биз алданиб қолмайлик. Йўқ, сен қуйидагича ёндаш: баданнинг бузилиши – касаллик – баданни ҳолсизлантиради ва емиради, бу эса унинг бадан бўлмай қолишига олиб келади; биз энди ўзимиз санаб ўтган нарсаларнинг ҳаммаси нуқсонлиги туфайли йўқликка, ўлимга юз тутади, нуқсонлилик ўзининг шилқимлик билан ёпишиб олиши орқали ҳамма нарсани ичидан ҳалок этади. Ё бундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Демак, руҳни ҳам худди шундай кўриб чиқ. Унда мавжуд бўлган адолатсизлик ва бошқа нуқсонлар ўзларининг ундаги иштироклари билан уни бадандан айириб, ўлимга олиб бориш учун шунчалик ҳолсизлантириб ва йўқ қилиб қўйишлари мумкинми?

– Ҳеч ҳам бундай бўлмайди.

– Аммо, айтиш керакки, бирон нарса ташқи зиёндан ўлиб, ўзининг зиёндан емирилмаслигига оқилона асос йўқ-ку!

– Бундай асос йўқ.

– Главкон, эътибор бергинки, биз, гўё бадан бевосита бузилган овқатдан, овқатнинг бу бузилиши нимадан иборат бўлса ҳам, яъни қолган, ҳидланган ва ҳоказо овқатлар бўлса ҳам, ҳалок бўлиши зарур, деб ҳисобламаймиз бари бир. Бузилган овқат баданда жисмоний хасталикни келтириб чиқарган тақдирда биз бадан гарчи овқат воситасида ҳалок бўлаётибдию, лекин бу ҳалок бўлиш ўзининг нуқсонидан, яъни, бошқача айтганда, касалликдан, деб айтамыз. Гарчи ейиладиган нарса ва бадан – бошқа-бошқа нарсалар бўлсада, ўша ейиладиган нарсанинг бузилишидан, токи ушбу баданга ёт бўлган ёмонлик унда баданга хос ёмонликни унда келтириб чиқармагунича, бадан ҳеч қачон ҳалок бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

– Сен жуда тўғри гапирмоқдасан.

– Ўша далил асосида, агар баданнинг бузилиши руҳнинг бузилишини келтириб чиқармаса, биз ҳеч қачон, гўё руҳ ёт, ташқи ёмонликдан, ўзининг бузилиши, нуқсонидан бўлак нуқсондан ҳалок бўлишини тан олмаймиз: ушбу офат (яъни ташқи, ёт ёмонлик – тарж.) ва унга хос ёмонлик, бошқа-бошқа нарсалардир.

– Ҳа, бу асосли фикр.

– Шундай экан, биз ё айтиб ўтилганни хато сифатида рад этамиз, ёки то у рад этилмагунича биз асло, гўё руҳ иситма, безгак ёки бошқа бир касалликдан ёхуд бўғизлашдан ҳалок бўлади, деган сўзга қўшилмаймиз: агар, ҳатто, бутун бадан парчалаб кесиб ташланса ҳам, токи бизга баданнинг ушбу дард чекиши туфайли руҳнинг ўзи камроқ адолатли ва (камроқ) художўйроқ бўлиб қолишини исбот қилмагунларича бунинг ҳаммаси руҳ ҳалокатининг юз бериш имкониятини ҳеч қанча кўнайтирмайди. Агар ёт ёмонлик қандайдир ёт нарсада пайдо бўлса, ўзига тегишли ёмонлик пайдо бўлмаса, биз, гўё руҳ ёки бошқа нимадир ҳалок бўлади, деб тасдиқлашга йўл қўймаймиз.

– Зеро, буни – айнан ўлим туфайли ўлаётган одамларнинг руҳи камроқ адолатли бўлишини ҳеч ким, ҳеч қачон исбот қилолмайди.

– Балки кимдир биз айтган гапга қарши чиқишга журъат ҳам қилар, бу ишни у, руҳ абадий эканлиги билан келишмаслик учунгина қилади ва у, ўлаётган одам камроқ адолатли ҳамда кўпроқ ёмон, бўла боради, деб уқтиришга ҳаракат қилади. У ҳолда, агар у ҳақ деб фараз қилинса, адолатсизликни биз худди унинг (адолатсизликнинг) эгаси учун ўлдирадиган касаллик деб ҳисоблай бошлаймиз ва у кимда ўлса, ўша одам унинг ҳалокатли (ўлим келтирувчи) табиатидан – бировлар тезроқ, бошқалар секинроқ – ўладилар, бироқ асло ҳозирги пайтда бўладигандай, яъни адолатни бузувчилар бошқалар томонидан ўлдирилгандай эмас, деб айтамиз.

– Зевс билан онт ичаманки, модомики адолатсизлик кимда бўлса, ўша одам учун ўлим келтирса, адолатсизлик унчалик даҳшатли бўлмас эди, зеро, бу офатлардан балолардан қутулиш бўларди! Аммо, менимча, бунинг акси бўлиб чиқади: агар унинг кучи етса, у бошқа барча учун ўлим келтиради, аммо ўзининг эгасини у жуда яшовчан қилиб қўяди – яшовчанлик ҳам камдай, уни (эгасини) яна чарчамайдиган ҳам қилади. Бундай ҳолатларда у ўлим келтирувчи барча нарсадан жуда йироқ бўлади.

– Ажойиб сўзлар! Модомики ҳатто ўзидаги ёвузлик руҳни дилни ўлдириш ва ҳалок этишга қодир эмас экан, у ҳолда бурчи бошқа нарсаларни ҳалок этиш бўлган ёвузлик руҳ ёки ушбу ёвузликнинг мақсади бузиш бўлган нарсадан бошқа бирон нарса ҳалок бўлиши даргумон.

– Бошқача бўлмаса керак, бу табиий ҳолдир.

– Аммо, агар, нимадир ушбу ёвузликларнинг ҳеч биридан – ўзиникидан ҳам, бегонасида ҳам – ҳалок бўлмаса, у ҳолда бу қандайдир абадий мавжуд нарса бўлиши керак, гар у абадий мавжуд экан, боқийдир.

– Албатта.

Дилнинг ўзига-ўзи айнанлиги

– Майли, шундай хулоса чиқарила қолсин, ундан эса, сен тушунасанки, дилларнинг доимо

ўзига ўзи айнанлиги маълум бўлади. Ва модомики улардан ҳеч бири ўлмас экан, у ҳолда уларнинг сони камаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам. Зеро, агар нимаики боқий бўлса, ўша нарсанинг миқдори кўпайса, сенга маълумки, бу фақат нимаики ўлимга маҳкум бўлса, ўша нарсанинг ҳисобига рўй бериши мумкин ва охир-оқибат ҳамма нарса боқий бўлиб қоларди.

– Сен ҳақсан.

– Аммо биз на буни тан оламиз, – зеро, бизнинг мулоҳазамиз бунга йўл қўймайди, – на бошқасини, яъни гўё дил-

нинг ҳақиқий табиати шундайки, мумкин бўлган барча ҳар хилликка, айнан ўхшамасликка ва фарқларга тўладек.

– Сен нимани назарда тутмоқдасан?

– Кўпгина ибтидолардан ташкил топган, бунинг устига унча яхши тартиб топмаган нарса абадий бўлиши мушкулдир, айтиш керакки, ҳозир бизнинг дилимиз худди шундай бўлиб чиқди.

– Тушунарли, бу қийин.

– Ҳам бизнинг яқиндаги мулоҳазаларимиздан, ҳам бошқа кўп мулоҳазалардан заруран дил боқий, деган хулоса келиб чиқади. Дил ўзи аслида қандайлигини билиш учун уни бадан билан ҳамда бошқа турли-туман балолар билан мулоқот туфайли тушадиган чириш биз ҳозир кўриб турганимиз ҳолатида эмас, балки покиза ҳолида қандай бўлса, шундайлигида кўриб чиқиш зарур. Худди шуни фикр юритиш ёрдамида яхшилаб кўриб чиқиш керак бўлади ва ана шунда сен уни анча гўзал деб биласан ва, шундай қилинса, адолат ва адолатсизликнинг турли даражаларини ҳамда биз энди таҳлил этганимиз умуман барча нарсани аниқроқ кўриш мумкин бўлар эди. Ҳозирча биз дил ҳақида – ҳозирги пайтда қандай ҳолда эканлиги ҳақида тўғри гапирдик; аммо биз фақат ҳозирги аҳволини кўриб чиқдик, бу худди денгиз худоси Главкнинг кўринишидан унинг қадимий табиатини тузукроқ кўриш қийинлигига ўхшайди, негаки унинг баданининг аввалги қисмлари синиб тушган, ўчиб кетган ёки уни тўлқинлар бузган, бунинг устига у яна чиғаноқлар, сув ўсимликлари ва тошчалар билан қопланган бўлиб, ўз табиатига кўра нима бўлса, ўша эмас, балки кўпроқ бадбашара, баҳайбат махлуққа ўхшаб кетади. Дил ҳам биз кўрган пайтимизда беҳисоб кўп турли офат-балолардан худди шунга ўхшаш ҳолатда бўлади. Энди, Главкон, мана бунга эътибор бериш даркор...

– Нимага?

– Дилнинг ҳикматга интилишига. У илоҳийликка, боқийликка ва абадий мавжудликка хеш бўлгани учун қандай нар-

саларга тааллуқди эканини, қандай мулоқотни иташини ва агар бундай ибтидога риюя қилиб, ўзи энди эришгани ўпқондан ушбу шиддати билан сузиб чиққанида ҳамда унга ёпишган тошчалар ва чиғаноқларни ўзидан тушириб юборганида қандай бўлишини кўриш керак. Модомики у, айтишларига қараганда, бахтнинг ўзи бўлган бу дунё неъматларининг роҳатини кўрар экан, унга (дилга) кўп тупроқли, тошли ва ваҳший нарсалар ёпишгандир; дил буларни силкитиб туширганида, унинг ҳақиқий табиатини – у кўп хилми ёки бир хилми ва бошқа муносабатда қандай тузилганини кўрса бўларди. Ҳозирча эса, менимча, унинг инсоний ҳаётдаги ҳолатларини ва унинг хилларини зарурий тарзда таҳлил қилиб чиқдик.

– Ҳа, тўла таҳлил қилдик.

Ҳақиқатнинг аҳамияти ҳақида – Ушбу суҳбатда биз бошқа эътирозлардан ҳам қутулдик, бунинг устига, айтиш керакки биз адолат учун ажрлар ҳамда у келтириб чиқарадиган, кўрсатиб ўтганингиздек, Гесиод ва Гомерлар қилганларидек, яхши доврўқни кўкларга кўтармадик, тўғри эмасми? Аксинча, биз адолат ўз-ўзича дил учун қандайдир энг яхши нарсалигини ва дил, унга Гига узуги ҳамда узукка қўшимча равишда Аид дубулғаси текканми ёки йўқми, бари бир адолатли иш қилиши керак, деб ҳисобладик.

– Сен мутлақо ҳақсан.

– Энди, Главкон, агар биз бунинг устига адолат ва бошқа хайрли, эзгу ишлар учун ажр борлигини кўрсатиб ўтсак ва дил уни хоҳ инсон ҳаётлигида, хоҳ ўлганидан кейин, бари бир, қайси миқдорда ва қандай қилиб одамлар ва худолардан олишини кўрсатиб ўтсак, биздан айб тополмасалар керак.

– Йўқ, тополмайдилар.

– Мулоҳазаларимиз пайтида сизлар қарзга олганингизни менга қайтариб берасизми?

– Нимани?

– Мен сизларга, адолатли одам адолатсиз бўлиб, адолатсиз эса – адолатли бўлиб туюлиши мумкин, деган фаразда ён босдим. Гарчи бу худолар ва одамларга сир бўлиб қолиши мумкин бўлмаса-да, шунга қарамай сизлар адолатни ўз-ўзича худди шундай адолатсизлик билан қиёслаш учун фикр юритиш мақсадида бунга йўл қўйиш зарур, деб топдингиз. Ёки бу эсингдан чиқдимиз?

– Агар гўё ёдимда йўқ десам, мен адолатни бузган бўлардим.

– Шундай қилиб, модомики бундай қиёслаб бўлинган экан, мен адолат юзасидан фаразингизни қайтариб беришни талаб қиламан. Худолар ва инсонлар адолатни қандай ҳурмат қилишса, сиз ҳам унга шундай ҳурмат кўрсатишингиз керак. Кимда-ким адолатли бўлса, у уларни камида ўша ҳурмат билан мукофотлайди; кимда-ким унга ҳақиқатан рия қилса, ўша одам учун у аслида ёлгон эзгулик эмаслигини аниқлаб бўлгандик.

– Сенинг талабинг адолатли.

– Мана энди, аввало, гўё худолар у ёки бу одамнинг хислатларини фарқлай олмайдилар, деган фаразни менга қайтариб беринг.

– Қайтарамиз.

– Модомики бу худодан яширин қолмас экан, у ҳолда бир одам уларга маъқул, бошқаси эса – манфур бўлади.

– Ҳа, шундай.

– Нима, биз, кимда-ким худоларга маъқул бўлса, агар фақат йўл қўйилган гуноҳ иш туфайли қандайдир иложсиз ёмонлик унинг қисматида бўлмаса, улардан (худолардан) нимаики келса (тушса), ўша нарса энг буюк эзгулик бўлади, деб тан олмаймизми?

– Албатта, тан оламиз.

– Демак, худди шунинг ўзини адолатли одам учун ҳам тан олиш керак бўлади, у қашшоқ касал бўлиб қоладими ёки бало ҳисобланадиган бирон нарсага гирифтор бўладими, бари бир буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда унинг

хаётлигида ёки ўлаганидан кейин унинг учун эзгулик бўлиб қолади. Зеро, худолар, адолатли бўлишга интилган ҳамда хайрли ишларда машқ қилиб, инсон учун мумкин бўлган даражада худога ўхшаб қоладиган одам ҳақидаги ўз гамхўрлигини қилмай қўймайди.

– Табиийки, ким кимга ўхшаш бўлса ўшанга гамхўрлик қилмай қўймайди.

– Адолатсиз одам ҳақида эса бунинг аксини ўйламоқ керак.

– Сўзсиз шундай.

– Адолатли одамлар учун худоларда муносиб мукофотлар топилган бўларди.

– Менинг фикримча шундай.

– Одамлар тарафидан-чи? Агар воқелик (ҳақиқий ҳол) билан ҳисоблашиладиган бўлса, иш бундай бўлмайдими: адолатсиз одамлар қанчалик эпчил бўлсалар ҳам, бир масофада яхши югуриб, кейинги қисмига кучлари етмай қоладиган югуриш мусобақаси қатнашчиларига ўхшаб ҳаракат қиладилар; аввалига улар жуда шиддат билан югурадилар, охирида эса кулги бўлиб қоладилар ва гулчамбарни қўлга киритмай, бошларини эгиб, хафа бўлиб майдонни тарк этадилар. Бу орада ҳақиқий югурувчилар мақсадларига эришадилар, мукофотлар оладилар ва гулчамбарлар тақадилар: адолатли одамлар билан ҳам кўпинча шундай бўлмайдими? Бу одамларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, уларнинг бошқалар билан қандай муомалада бўлиши ва умуман ҳаёт тарзлари охир-оқибатда бошқалар томонидан ҳурматга сазовор бўлади – ушбу мукофот ана шундан иборат.

– Бегумон шундай бўлади.

Адолат учун сўнги мукофот

– Демак, агар адолатсиз одамлар ҳақида сен ўзинг гапирган гапларингни мен адолатли одамлар ҳақида қайтариб гапирсам, бунга чидайсанми? Мен, агар хоҳласалар, барча адолатли одамлар вақти келиб ўз давлатларида ҳукмдор бўлиб қоладилар, деб айтаман; улар

қайси оиладан хоҳласалар ўша оиладан хотин оладилар ва қизларини ҳам кимга хоҳласалар, ўшанга эрга берадилар; бир сўз билан айтганда, сен аввал адолатсиз одамлар ҳақида нима деган бўлсанг, ўшани мен адолатли одамлар борасида тасдиқлаб айтаман. Бошқа тарафдан эса, адолатсиз одамлар ҳақида айтаманки, уларнинг кўпчилиги, улар ёшликлариди яшириниб қолишнинг уддасидан чиққан бўлсалар-да, умрларининг охирида бари бир ошқора бўладилар ва кексайган пайтларида уларни аянчли қисмат кутади: уларни ажнабийлар ҳам, ўзлариникилари ҳам хўрлайдилар, калтаклайдилар ҳам, ниҳоят, – сен аввал энг қаҳрли деб айтганинг нарса (ва сен ҳақ эдинг) – уларнинг таналарини чўзиб ҳамда қизиган темир билан куйдириб қийноққа соладилар. Ушбу қийноқлар ҳақида ўшанда ўзингни эмас, мени гапирган, деб ҳисоблайвер. Агар шундай десам чидайсанми?

– Албатта, зеро, сенинг сўзларинг адолатлидир.

– Адолатли инсонга, адолатнинг ўзидан келадиган яхшилик, неъматларга қўшимча равишда унинг ҳаётлигида худолар ва одамлардан ана шундай ажр-мукофотлар ва савоблар бўлади.

– Ҳа, булар гўзал ва ишончли ажрлардир.

– Уларнинг иккисини, яъни адолатли ва адолатсиз одамларни ўлимларидан кейин кутаётган нарса олдида улар ҳам катталиги ҳам миқдори (адади)га кўра ҳеч нарса эмас. Уни-си ҳам, буниси ҳам бизнинг суҳбатимиздан зарур нарсани олишлари учун буни эшитишлари керак.

– Марҳамат қилиб давом эттир, бошқа нимани ҳам бундан-да маза қилиб эшитиб бўлади?

Охиратдаги ажрлар ҳақида ривоят

– Мен сенга Алкиной қиссасини эмас, балки бир жасур одамнинг, памфилиялик Армений ўгли Эрнинг ҳикоясини айтиб бераман. Кунлардан бир кун у урушда ўлдирилди; ўн кундан кейин бузилиб бўлган жасададни йиғиб олаётганларида уни ҳали ҳам бу-



тун, бузилмаган ҳолда топдилар, уйга олиб келдилар ва ўн иккинчи куни дафн этмоқчи бўлганларида у гулхан устида ётганида бирдан тирилди, тирилгач эса у ерда кўрганини айтиб берди.

Унинг айтишича, унинг руҳи жисмидан сал ташқари чиқиши биланоқ бошқа руҳлар билан биргаликда йўлга тушди ва уларнинг ҳаммалари бир ажойиб жойга етиб келдилар, у ердаги заминда бир-бири билан ёнма-ён иккита ёриқ бор эди, қаршисида эса, тепада, осмонда ҳам иккита ёриқ бор эди. Уларнинг орасида ўрталиқда ҳакамлар ўтирардилар. Ҳукм чиқарилганидан кейин улар адолатли одамларга ўннга, баланд осмонга чиқишни буюрардилар ва бўйинларига олд тарафдан номаи аъмолини (ҳукм белгисини) осиб қўяр эдилар, адолатсизларга эса чапга, пастга тушишни буюрардилар, айтиш керакки, уларда ҳам – орқаларида номаи аъмоллари бор эди. Навбат Эрга келганида ҳакамлар, бу ерда нимаики кўрган бўлса, одамларга ўшандан хабар бергучи бўлиши керак, дедилар ва ҳамма (гапга) қулоқ солиш ва бўлаётган барча ишларни кузатиб боришни буюрардилар.

– У ерда у суддан кейин осмондаги ва ердаги икки ёриқ бўйлаб кетаётган ҳамда бошқа иккиси орқали келаётган руҳларни кўрди: бири орқали ердан лой ва чангга ботган руҳлар кўтариларди, бошқаси орқали эса осмондан покиза руҳлар тушарди. Келганларнинг ҳаммаси, ким бўлмасин, бари бир узоқ саёҳатдан келганга ўхшарди: улар худди умумхалқ байрамларида бўладигандек, кўкаламзорга хурсанд бўлиб келиб ўтиришарди. Агар танишларни учратишса, бир-бирлари билан саломлашар ҳамда ер (юзида)дан келганлардан у ердаги ишлар ҳақида, осмондан тушганлардан эса – осмонда нима ишлар бўлаётгани ҳақида сўрашар эди. Улар ўтган воқеаларни эслаб, бир-бирларига айтиб беришарди – баъзилари ер остидаги сарсонликлар пайтида (бу сарсонлик минг йиллаб давом этади) кўрган-кечирган-

лари, азоб-уқубатлар ҳақида сўзласалар, бошқалари – осмондан тушганлар эса хушбахтлик ва бениҳоя гўзал манзаралар ҳақида сўзлар эдилар.

Аммо, Главкон, ҳаммасини батафсил айтиб беришга кўп вақт кетади. Эрнинг сўзларига кўра, энг асосийси мана бундан иборат: кимга бўлса ҳам етказилган азият, озор ва хафа қилинган ҳар қандай одам учун барча дилозорлар ўн баробар кўп жазога маҳкум бўладилар (юз йилга ҳисобланган, чунки инсон умри шундай муддат бўлади), токи жарима жинойтдан ўн баробар кўп бўлсин. Масалан, агар кимдир, давлатга ёки қўшинга хиёнат қилсаю, шу туфайли кўп одамларнинг ўлимида айбдор бўлиб қолса ва унинг дастидан кўпчилик одамлар қулликка тушиб қолсалар, ёки у бошқа бирор ёвузлик қатнашчиси бўлган бўлса, буларнинг барчаси учун, яъни ҳар бир жинойт учун у ўн баробар кўп азоб чекиши зарур. Бошқа томондан, ким хайрли ишлар қилган бўлса, адолатли ва ҳудожўй бўлса, ўша одам хизматлари учун ўн баробар кўп мукофотланади.

– Кимда-ким туғилиб, жуда оз вақт умр кўрган бўлса, ундайлар ҳақида Эр нима деганини эслаш шарт эмас. У яна, худолар ва ота-оналарга бўладиган беҳурматлик ҳамда ҳурмат-эҳтиром учун ва ўзини ўзи ўлдирганлик учун бўладиган катта ажрлар ҳақида ҳикоя қилган эди. Унинг ҳузурида бир одам бошқа бир кишидан буюк Ардией қарерга йўқолганлигини сўраганини у (Эр) айтган эди. Ушбу Ардией Памфилиянинг қандайдир бир шаҳрида бундан минг йил аввал тиран бўлган эди. Ҳикоя қилишларича, у ўзининг кекса отасини ва акасини ўлдирган ва бошқа кўп гуноҳ ишлар ва жинойтлар қилган. Ушбу савол кимга берилган бўлса, Эрнинг сўзлари бўйича ўша одам бундай деб жавоб берган: «Ардией келмади, бу ерга келмайди ҳам. Зеро даҳшатли томошалардан биз бундайини ҳам кўрган-миз: биз беҳад кўп азоб-уқубатлардан кейин дарё мансаби



(этаги)га яқин жойга келиб энди чиқмоқчи бўлган эдик, бирданига Ардиейни ва бошқа баъзиларни кўриб қолдик – у ерда асосан ҳамма тиранлар бўлиб, оддий одамлардан фақат энг катта жиноятчилар бор эди; улар чиқишни ўйлаб турган эдилар, аммо дарё мансаби уларни қўйиб юбормас ва ўзининг ёмонлигидан тузала олмайдиган ёки етарли даражада жазоланмаган ушбу ёвузлардан кимдир энди чиқишга ҳаракат қилса, ўкирар эди. Шу ерда тайёр ҳолда ёввойи одамлар, кўринишдан оловга ўхшаш одамлар турардилар. Ушбу ўкирикка қулоқ солган бу одамлар улардан баъзиларини тутиб олиб кетдилар, Ардией ва бошқаларнинг қўл-оёқларини боғладилар, бўйинларига сиртмоқ ташладилар, ерга ётқиздилар, териларини шилиб олдилар ва тақир ерда, тиканлар устидан судрадилар, яна айтиш керакки, учраган одамларга бундай жазо нима учун берилаётганини тушунтирар эдилар ва ушбу жиноятчиларни Тартарга ташлаб юборамиз деб айтардилар». Гарчи бу одамлар жуда кўп даҳшатларни кўрган бўлсалар ҳам, аммо ҳаммасидан даҳшатлироғи улардан кимдир дарё мансабига яқин келганида ўша ўкиришни эшитиш кўрқинчи эди; шунинг учун, улар дарё мансабига кираётганларида ўкириш тинган пайт уларнинг ҳар бири учун энг буюк қувонч бўлар эди.

Хукм ва жазолар ана шу хилда, мукофотлар эса уларнинг роса акси бўлган. Кўкаламзорда кимда-ким етти кун бўлган бўлса, ўшалар, тўрт кун ичида бутун осмон ва ер бўйлаб чўзилган, худди устундай, камалакка жуда ўхшаш, фақат ёрқинроқ ва тозароқ нур ёғдуси кўринадиган жойга етиб келиш учун саккизинчи куни ўринларидан туриб йўлга тушишлари керак. Улар бир кунлик йўл юриб унга етиб келдилар ва у ерда, ушбу нур устун ичида осмондан осилиб тушган боғламаларнинг бир учини кўрдилар, зеро, ушбу нур – осмон тугунидир; худди кемалардаги

ғўлани маҳкамлаган тутунга ўхшаб, бу тутунлар осмон тоқини маҳкамлайди. Ушбу боғламалар учиди ҳамма нарсага айланма ҳаракат берадиган Ананка урчуғи осилиб турибди. Урчуқ ўқи ва илгаги – адамант (тарошланган олмос)дан, вал эса – адамант ва бошқа жинслар аралашмасидан иборатдир. Валнинг тузилиши қуйидагича: унинг ташқи кўриниши шу ер юзидаги каби, аммо, Эрнинг баёнига кўра, уни қуйидагича тасаввур этиш керак, у катта, ичи кавак вал ичига кичикроқ худди шундай бошқа вал қўйилган бўлиб, бир-бирига туширилган идишларга ўхшаб кетади. Худди шу тарзда учинчи ва тўрттинчи вал, яна тўрттаси мавжуд. Ҳаммаси бўлиб валлар саккизта, улар бир-бирларига киритилган, юқоридан уларнинг четлари умумий ўқдаги доирага ўхшайди, шунинг учун сиртдан яхлит бир валнинг узиликсиз юзасини ташкил этади, ўқ эса саккизинчи валнинг ичи ўртасидан тўла ўтказилаган. Биринчи – ташқи ва, доиранинг энг катта юзасига эга олтинчи вал катталиги бўйича иккинчи, тўрттинчиси – учинчи, саккизинчиси – тўрттинчи, еттинчиси – бешинчи, бешинчиси – олтинчи, учинчиси – еттинчи, иккинчиси – катталиги бўйича саккизинчи юзага эга. Энг катта вал доираси – ранг-баранг, еттинчи вал доираси – энг ёрқин; саккизинчининг доираси ўз нуруни еттинчисидан чиқаётган нурдан олади; иккинчи ва бешинчи валлар доиралари ранг бўйича бир-бирларига яқин ва улардан сарғишроқ тусга эга; учинчи доира эса – энг оқ рангда, тўрттинчиси – қизғиш рангда, олтинчиси эса оқлиги бўйича иккинчи ўринда туради. Бутун урчуқ яхлитлигича айланаётиб, ҳар сафар ўша-ўша бир айланишни ўтади, аммо унинг айланма ҳаракатида ички етти доира яхлитликнинг айланишига қарама-қарши йўналишда секин бурила бошлайди. Улар орасида саккизинчи доира энг тез ҳаракатда бўлади, тезкорлик бўйича иккинчи ўринда – бир хил тезликда айла-

наётган еттинчи, олтинчи ва бешинчидир; учинчи ўринда, у (яъни, Эр – тарж.) эътибор берганидай, тўртинчи доиранинг айланма ҳаракатлари туради; тўртинчи ўринда учинчи доира, бешинчи ўринда эса – иккинчи доира туради. Ушбу урчуқ Ананка тиззасида айланиб туради.

Юқорида, урчуқнинг ҳар бир доирасида биттадан Сирена ўтиради; уларнинг ҳар бири доиралар билан биргаликда айланиб туриб, фақат битта, доимо бир хил баландликдаги товуш чиқаради. Барча товушлардан – улар эса саккизта – мавзун ҳамоҳанг товушлар пайдо бўлади. Сиреналар олдида улардан бир хил масофада ҳар бири ўз тахтида учта мавжудот – Мойралар, Ананканинг қизлари: Лахесис, Клото ва Атропос ўтирибдилар; улар – оппоқ кийим кийганлар, бошларида гулчамбар. Сиреналар билан бир хил пардаларда Лахесис ўтмишни, Клото – шу кунни, Атропос – келгусини куйлайди. Вақти-вақти билан Клото ўнг қўли билан урчуқнинг ташқи гардишига тегиб, унинг айланишига ёрдам беради, шу пайтнинг ўзида Атропос ўзининг чап қўли билан худди шу ишни ички доиралар билан қилади, Лахесис эса навбат билан ҳам унисига, ҳам бунисига қўл теккизади.

Шундай қилиб, улар ўша ерга келишлари билан дарҳол Лахесис ҳузурига келишлари керак эди. Қандайдир кароматгўй уларни бир тартибга солди, кейин Лахесиснинг тиззасидан қуръаларни ва ҳаётларнинг тимсолчаларини олди-да баланд супага чиқиб бундай деди:

«Ананканинг қизи, ҳурлиқо Лахесис сўзи. Бир кунлик руҳлар! Мана, ўлимга маҳкум уруғ учун ажал келтирувчи бошқа айланишнинг бошланиши. Қуръа бўйича гений сизни эмас, сиз ўзингиз уни ўзингизга танлаб оласиз. Кимнинг қуръаси биринчи бўлса, келгусида иложсиз бўладиган ҳаётни ўзи танлаб олсин. Эзгу иш қандайдир бир одамга тегишли эмас, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб ёки кўрсатмай,

ҳар ким ҳам унга кўпроқ ёхуд камроқ тааллуқли бўлади. Бу – танловчи (сайловчи)нинг айби, худо айбдор эмас».

Шуни айтиб, кароматгўй қуръаларни оломонга ташлади, Эрдан бошқа ҳамма ўз яқинига қайси қуръа тушган бўлса, ўша қуръани кўтариб олди, Эрга эса рухсат берилмади. Қуръани кўтариб олганга у қуръа бўйича нечанчи эканлиги равшан бўлди. Шундан кейин кароматгўй, уларнинг олдидан ерга ҳаётларнинг тимсолчаларини териб қўйди, ушбу тимсолчалар миқдори бу ерда ҳозир бўлганлар сонидан анчагина кўпроқ эди. Ушбу тимсолчалар жуда ҳам турли-туман – ҳар хил ҳайвонлар ҳаётлари ва инсоний ҳаётнинг барча хиллари эди. Улар орасида, ҳатто, тиранлар, бутун умрга, ёки камбағаллик билан тутшиб, камбағаллик, қувғин бўлиш ва мискинлик билан тугайдиганлари ҳам бор эди. Бу ерда яна ўзининг ташқи кўриниши, чиройи, кучи билан ёки мусобақаларда машҳур бўлган ҳамда насл-насаби ва аждодларининг жасоратлари билан машҳур одамлар ҳаётлари ҳам бор эди. Албатта, бу ерда яна камсуқум одамларнинг, аёлларнинг ҳам ҳаётлари бор эди. Аммо бу руҳий хусусиятни белгиласди, чунки рух бошқа бир ҳаёт тарзини танлаб олиши биланоқ, албатта, ўзгаради. Айтиш керакки, бу ерда бойлик ва камбағаллик, касаллик ва соғломлик ҳамда оралиқ ҳолатлар аралашиб кетган эди.

Азизим Главкон, инсон учун энг катта хавф худди шу ердадир, шунинг учун ҳам, ҳар биримиз бошқа билимларни беэътибор қолдириб, агар унинг ҳақидаги билимни қардандир олишга қодир бўлсак, мана шу соҳада тадқиқоччи ва шогирд бўлишимиз даркор. Яхши ва ёмон ҳаёт тарзини ажратиш, фарқ қилишга қобилият ва маҳорат касб этишини таъминлайдиган ҳамда ҳамма вақт ва ҳамма жойда берилган имкониятлардан энг яхшисини танлашга ўргатадиган кимнидир топиш зарур. Ҳозир гап нима ҳақида

борган бўлса, ўша нарсалар хайрли, эзгу ҳаётга қандай алоқаси борлигини ҳисобга олиб ва буларнинг барчасини бир-бири билан солиштириб, агар гўзаллик, камбағаллик ва бойлик билан бирлашган (қўшилган) бўлса, у ҳолда шу гўзаллик нималигини ва дилнинг қандай ҳолати билан қўшилганида у ёмонлик (бало, офат) ва яхшилик, эзгулик яратишини ҳамда олижаноб ёки тубан (пасткаш) насл-насаб, хусусий ҳаёт, давлат мансаблари, қудрат ва ожизлик, билим олишга (ўқишга) бўлган уқув ва қобилиятсизлик нимани англатишини тушуниши зарур. Дилнинг табиий хусусиятлари бир-бири билан ва баъзи ўз меҳнати билан орттирилган сифатлар билан қўшилганида, дилнинг табиати билан ҳисоблашиб, фикрлаб, барча имкониятлардан бирини танлашга ёрдам берадилар: дилнинг адолатсиз бўлишига олиб борадиган ҳаёт тарзини у энг ёмон деб ҳисоблайди, энг яхшиси деб дилнинг адолатлироқ бўла боришини ҳисоблайди; қолган барчасини у бир четда қолдиради. Биз, бу инсон учун ҳаётлигида ҳам, ўлганидан кейин ҳам энг муҳим танлаш эканлигини кўрган эдик. Айдга ана шу, Адамантга ўхшаш қаттиқ ишонч билан ўтиш зарур, токи у ерда ҳам сени бойлик ва унга ўхшаш ёмонликлар гангитиб қўямасин, токи сен тиран бўлиб қолмагин ва шундай ҳамда шунга ўхшаш фаолият билан тузатиб бўлмас бало келтирмагин ва ўзинг ундан ҳам кўпроқ балони бошингдан кечирмагин. Ҳаётда – иложи борича ердагисида ҳамда кейингисида ҳам – доимо ҳаддан ошмасдан, ўртача йўлни танлашни ўрганиш зарур; инсон учун энг олий бахт – мана шундадир.

– У дунёдан хабар берувчи (Эр назарда тутилмоқда – *тарж.*)нинг айтишича, ўшанда кароматгўй бундай деган экан: «Танлаб олишга, ҳатто, энг охирида киришган кишига ҳам бунда хуш, ёқимли ҳаёт бор, агар танловни ақл билан ўтказиб ва сипо яшалса, унча ёмон бўлмаган ҳаёт

бор. Кимда-ким бошланишида танласа, бепарво бўлмасин, кимда-ким охирида танласа, тушкунликка тушмасин!»

Кароматгўйнинг ушбу сўзларидан кейиноқ биринчи қуръа кимга теккан бўлса, ўша одам ўзига жуда ҳам қудратли тираннинг ҳаётини олди. Ўзининг нодонлиги ва очкўзлиги туфайли у ўйлаб ўтирмай танлади, у ерда унинг учун машъум қисмат – ўз фарзандларини ейиш ва бошқа ҳар хил балолар яширинган эди. У шошилмай фикрлаганидан кейингина ўз кўксига ура бошлади, танлаб олаётганида кароматгўйнинг огоҳлантиришига қулоқ солмаганидан қайғуга тушди, бу офатлар учун ўзини эмас, балки тақдирни, худоларни айблади – ўзидан бошқа ҳамма нарсани айблади. Айтиш керакки, у осмондан тушганлар қаторида эди ва олдинги (ер юзидаги – *тарж.*) ҳаётини тартибли давлат тузумида яшаб ўтказди; тўғри, унинг ушбу фазилати, хайрли иши фалсафий мушоҳада меваси эмас, балки фақатгина одатнинг ўзи туфайли эди. Умуман айтганда, осмондан тушганларнинг кўпчилиги шунда панд еди, чунки улар машаққатларда тобланмаган эдилар. Ер остидан чиққанлар эса шошилмай танлардилар, зеро, уларнинг ўзлари ҳам турли машаққатларни бошларидан ўтказганлар ҳамда қийинчиликларни бошқа одамлар мисолида кўрганлар. Шунинг учун ҳамда қуръа ташлаш тасодифлари туфайли кўпчилик руҳлар учун ёмонлик ва яхшилиқнинг алмашуви кузатилади. Агар бу ҳаётга (охират ҳаёти назарда тутилмоқда – *тарж.*) келаётиб, инсон фалсафа билан соғлом шуғулланган бўлса ва танловда қуръанинг охиргиларидан бўлиб чиқмаса, у дунёдан келган хабарларга кўра, ҳар ҳолда у бу ерда ҳам бахтли бўлади ва бу ердан у ёққа, у ёқдан бу ёққа бўлган йўл ер ости, машаққатли йўл эмас, балки равон, самовий йўл бўлади.

Эр ҳикоя қилишича, турли руҳлар ўзларига у ёки бу ҳаётни қандай танлаб олаётганлари манзарасига бир назар

ташлаб қўйиш керак. Унга қараш аянчли, кулгили ва ғалати эди. Танлашнинг кўп қисми аввалги ўтган ҳаётнинг одат-қўникмаларига мос келар эди. Собиқ Орфейнинг руҳи аёлларга бўлган нафрат туфайли оққушнинг ҳаётини танлаганини Эр кўрди: улар дастидан ўлгани учун унинг (Орфейнинг – тарж.) руҳи аёлдан туғилишни хоҳламади. Эр, Фамириднинг ҳам руҳини кўрди – у булбул ҳаётини танлади. У (Эр), инсон ҳаётини танлаб олган оққушни ҳам кўрди; бошқа мусиқий мавжудотлар ҳам худди шунинг ўзи эди. Йигирманчи қуръага эга бўлган руҳ арслон ҳаётини танлади; у Телемоннинг ўғли Аякснинг руҳи эди, бу яроғ-аслаҳалар билан тақдирлаш воқеасини ёдда тутган бу руҳ инсон бўлишни хоҳдамас эди. Ундан кейин Агамемноннинг руҳи келарди. Бошидан ўтказган дард-аламлар туфайли у ҳам инсон авлодини хуш кўрмас эди, шунинг учун ўз ҳаётини бургут ҳаётига алмаштирди. Бу орада Аталантанинг руҳига қуръа тушди: мусобақаларда паҳлавон қандай буюк ҳурматга сазовор бўлишини билиб, ана шу қисматни танлаб олишдан ўзини тўхтата олмади. Аталантанинг руҳидан кейин Панопейнинг ўғли Эпейнинг руҳи моҳир ҳунарманд аёлнинг табиатини ўзига олди. Эр қаердадир узоқда, энг охиргилар орасида Терситнинг ҳаммага мазах бўлган ушбу одамнинг руҳини кўрди; у маймун бўлиб олган эди. (Ҳаёт тарзини) танлашга қуръа охири тасодифан Одиссейнинг руҳига тушди. Одиссейнинг руҳи аввалги машаққатлар, қийинчиликларни эсидан чиқармаган эди, шунинг учун у ҳар қандай ғурурни бир четга қўйиб, мансаблардан узоқ, оддий одамнинг ҳаётини излаб, узоқ тентираб юрди; ниҳоят, Одиссейнинг руҳи қаердадир ивирсиб ётган, ҳеч ким назар-писанд қилмаган оддий инсон ҳаётини топди ва уни хурсанд бўлиб, қувониб олди ҳамда, агар биринчи қуръа тушганида ҳам, худди шундай қилган бўлишини айтди. Турли ҳайвонларнинг

дил (руҳ)лари худди шу равишда одамларга ва бир-бирларига ўтардилар, адолатсизлари – ёввойиларга, адолатлилари эса – мулоим, ҳалимларга ўтарди, бир сўз билан айтганда, турли хил аралашиб кетишлар юз берарди.

Шундай қилиб, қачонки барча руҳлар ўзларига у ёки бу ҳаётни танлаб олганларидан кейин, улар қуръа тартибида Лахесиснинг олдига кела бошладилар. Ким ўзига қандай генийни танлаган бўлса, (Лахесис) ўша генийни у билан бирга ҳаёт қуриқчиси ва қилинган танловнинг ижрокчиси сифатида жўнатади. Аввало, ушбу қуриқчи руҳни Клото ҳузурига, унинг қўли остига ва айланаётган урчуқнинг айланаси остига олиб келади: бу билан у ким қуръа бўйича ўзига қандай қисматни танлаб олган бўлса, ўшани тасдиқлайди. Клотонинг қўли теккач, руҳни у Атропос калаваси (йигирилган ипи) олдига олиб келади ва бу билан ҳаёт ипларини энди доимий, ўзгармас қилиб қўяди.

Руҳ бу ердан ортига ўтирилмай, Ананканинг тахти олдига боради ва унинг устидан ўтади. Бошқа руҳлар ҳам ундан ўтганларидан кейин, улар биргаликда иссиқ ва даҳшатли жазирамада Лета водийсига борадилар, у ерда на дарахт бор, на бошқа наботот бор. Оқшом пайтида улар суви ҳеч қандай идишда турмайдиган Амелет дарёси қирғоғида тўхтайдилар. Ушбу сувдан ҳамма меъёрида ичиб олиши зарур, аммо кимда-ким оқилликка риоя қилмаса, ундай одам меъёрга қарамай кўп ичади ва агар кимда-ким бундай ичса, ҳамма нарсани эсидан чиқаради. Улар ухлаш учун ётган эдилар, роса ярим кечада момақалди роқ бўлиб ер қимирлади. Бирданига уларни у ердан осмонга кўтариб ҳар тарафга, қисматларида қаерда туғилиш бўлса, ўша ерга учиб кетдилар ва улар осмон бўйлаб худди юлдузлардай сочилдилар. Эрга бу сувдан ичишга руҳсат берилмади. Руҳи қаерда ва қандай қилиб жисмига қайтганини у билмайди. Тонгда беҳос уйғониб кетиб, у ўзини гулҳанда кўрди.

**Хулоса: адолатга
риоя қилишга
чақириқ**

Шу тарзда, Главкон, ушбу ривоят кутқариб қолинди, йўқ бўлиб кетмади. У (ривоят) бизни ҳам кутқаради; агар биз унга ишонсак, у ҳолда биз

ҳам Летадан осон ўтамиз, ҳам ўз руҳимизни булғамаймиз (гуноҳга ботирмаймиз). Аммо дил (руҳ) абадий ва ҳар қандай бало (ёмонлик) ва ҳар қандай яхшилик, эзгу ишни бошидан ўтказа олишига бўлган ишонч билан барчамиз – агар сиз менга ишонсангиз – доимо илоҳий йўлдан юрамиз ва токи биз бу ерда эканмиз, ўзимизга ҳамда Худоларга дўст бўлиш учун ақл-идроқлилик билан бирга адолатга риоя қиламиз. Модомики биз худди мусобақаларда ҳамма ёқдан тухфалар йигиб олаётган ғолиблар каби, мукофотга сазовор бўлган эканмиз, у ҳолда бу ерда ҳам, биз таҳлил этганимиз ўша минг йиллик саргардонликда ҳам бизга яхши бўлади.



МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ КИТОБ.....	5
Адолат ҳақидаги масала муҳокамаси.....	10
Ҳар кимга ўзига муносибини бериш – адолатдан эканлиги ҳақида.....	12
Энг кучалининг манфаати сифатидаги адолат ҳақида.....	24
Адолат ва адолатсизлик.....	39
Адолат ва адолатсизлик (давоми).....	52
ИККИНЧИ КИТОБ.....	52
Хусусий адолатни билиш учун давлат тажрибасидан фойдаланиш.....	70
Идеал давлатда талаб ва табиий иқтидорга кўра меҳнат тақсимоти.....	71
Соқчилар тоифасининг идеал давлатда тутган ўрни.....	79
Соқчиларни икки хил: мусиқий ва гимнастик тарбиялаш.....	83
Адабиётнинг икки ҳақиқий ва ёлғон тури. Соқчиларни тарбиялашда ривоятларнинг тутган ўрни.....	84
Соқчиларни тарбиялашда шеърятнинг тутган ўрни.....	96
УЧИНЧИ КИТОБ.....	96
Шеърӣ санъатнинг ифода услулари ёки услублари.....	107
Мусиқий ва гимнастик тарбиянинг ўз аро боғлиқлиги.....	125
Ҳукмдор ва соқчиларни танлаш.....	139
Соқчиларнинг турмушлари.....	146
ТҮРТИНЧИ КИТОБ.....	148
Идеал давлат андаза (орзу)си.....	149
Идеал давлатда бойлик ва камбағалликни бартараф этиш.....	152
Идеал давлатнинг миқёси.....	154
Идеал давлатда тарбия, ўқитиш ва қонуларнинг тутган ўрни.....	155
Идеал давлатнинг тўртта эзгу иши.....	161
Инсон дилининг уч ибтидоси.....	181
Адолатли давлат ва адолатли одам.....	189
Беш хилдаги руҳий ҳолатга беш хилдаги давлат тузумининг тўғри келиши.....	192
БЕШИНЧИ КИТОБ.....	193
Соқчиларда хотинлар ва болаларнинг умумийлиги масаласининг қўйилиши.....	193
Идеал давлатда аёлларнинг тутган ўрни.....	197

Соқчиларда хотинлар ва болаларнинг умумийлиги (давоми).....	207
Ўзиники билан умумийнинг давлатдаги ўзаро нисбати.....	214
Идеал бўлган ва идеал бўлмаган давлатлардаги ҳокимлар ва халқнинг ўзаро муносабатлари.....	216
Уруш ва идеал давлат фуқароларининг ҳарбий бурчлари.....	222
Уруш масаласи билан боғлиқ намунавий давлат тавсифи.....	228
Кимки гўзалликни мушоҳада қилса, ўша – файласуф.....	235
Файласуф мулоҳазаларни эмас, балки борлиқ ва ҳақиқатни ўрганади.....	239
Идеал давлатда файласуфларнинг туганган урни.....	246
ОЛТИНЧИ КИТОБ	246
Фалсафий руҳ хусусиятлари.....	248
Фалсафий дилнинг асосий хусусияти – умум вақт ва борлиқни фикран қамраб олишдир.....	249
Файласуфнинг табиати ақлнинг мутаносиблиги ва туғма назокати билан фарқ қилади.....	251
Идеал давлатнинг тўрт асосий фазилати файласуфга мансубдир.....	251
Яна бир марта давлатнинг ҳақиқий ҳукмдорлари ҳақида.....	255
Сафсатабозлар оломон фикрига йўл берадилар.....	261
Файласуф ва оломоннинг зиддияти.....	262
Бузилаган давлат тартиботи файласуфга ҳалокатли таъсир қилади.....	267
Давлатда фалсафани нотўғри татбиқ қилишдан қутилиш усуллари.....	268
Идеал давлатни қуриш мумкинлиги.....	271
Яна файласуфлар табиати ва тўрт эзгулик ҳақида.....	277
Эзгулик ғояси.....	279
Идрок этиладиган олам ва қўринадиган олам.....	287
Муқаддимасиз ибтидо. Идрок этиладиган ва қўринадиганнинг бўлимлари.....	288
Ғор тимсоли.....	292
ЕТТИНЧИ КИТОБ	292
Илоҳий нарсаларни ўз-ўзича адолатни ва инсоний нарсаларни мушоҳада қилиш.....	297
Инсонни ғоялар (эйдослар)нинг мушоҳадасига жалб этиш санъати.....	298
Бу санъатнинг давлат бошқарувидаги аҳамияти.....	299
Соф борлиқни билишга йўналтирилган фанлар бўлимлари.....	303
Ҳисоб ва рақам (сон) соф борлиқни билиш бўлимларидан бири сифатида.....	305
Муҳокама ва мулоҳаза соф борлиқни билиш қўли сифатида.....	308
Айнанликни тафаккур қилиш.....	309
Дилнинг шаклланишдан ҳақиқий борлиққа юз тутиши. Ҳисоб санъати.....	310
Геометрия.....	312

Астрономия	314
Муסיқа	318
Диалектик усул	320
Диалектик услуб бўлимлари – билиш, мулоҳаза юритиш, ишонч, ўшатиш	323
Диалектика таърифи	324
Яна бир бор ҳокимларни саралаш ва уларнинг тарбияси ҳақида	325
Тарбиянинг ёш бўйича босқичма-босқич изчиллиги	327
Адолат инсонда болаликдан тарбияланади	330
САККИЗИНЧИ КИТОБ	335
Бузуқ давлат тартиботининг тўрт хили	336
Беш хил феъл-атворнинг беш турдаги давлат тартиботига монандлиги ҳақида	337
Тимократия	338
«Тимократик» одам	342
Олигархия	345
«Олигархик» инсон	349
Демократия	355
«Демократик» одам	357
Тиранийлик	363
Демократик давлатнинг учта «қисми»: текинхурлар, бойлар ва халқ	367
«Тираник» инсон	369
ТУҶҚИЗИНЧИ КИТОБ	377
Хоҳиш-истакларнинг таҳлили	377
Уйқу вақтида уйғонувчи хоҳиш-истаклар	378
Тирания ва ноқонуний хоҳиш-истаклар, Тиран қиёфаси (давоми)	380
Тираник дил – бадбахт	386
Инсон учун тираник майларни амалга ошириш – уларни тийишдан кўра оғирроқ офат	391
Бахт даражаси бўйича беш хил дилнинг изчиллиги	392
Инсон дилининг уч ибтидосига давлатнинг уч тоифаси ва ҳузурларнинг уч хилига монандлиги	393
Ҳузур ва дард. Ҳақиқий ҳузурнинг дарднинг оддий тугатишидан фарқи	398
Ҳақиқатни билмай туриб, ҳақиқий ҳузурдан ёлгон ҳузурни ажратиб бўлмайди	401
Энг ҳақиқий ҳузур – фалсафий ибтидога эргашувчи дилдадир	404
Икки қутб: тираник ва шоҳона хоҳиш-истаклар ва ҳузурлар	405
Ҳўжакурсинга адолатнинг етишмаслиги	407
Яна бир марта намунавий давлатда шеърятнинг ўрни ҳақида	414

ЎНИНЧИ КИТОБ	414
Санъат гоя (эйдос)га тақлидга тақлид сифатида	415
Достон ва фожиа танқиди	420
Шоир чинакам борлиқни эмас, шарпаларни яратади	423
Шеърят ҳақиқийлик мезонига – улчаш, ҳисоб ва тортиб куришга бўйсунмайди	427
Тақлидий шеърят дил уйғунлигини бузади	428
Дилнинг ғазабнок ибтидоси ақл-идрокисига кура осонроқ акс эттирилади	431
Тақлидий шеърят феъл-ахлоқни бузади ва шунинг учун у давлатдан ҳайдалиши керак	432
Идеал давлатда фақат фойдаси аниқ бўлган шеърятгина бўлиши мукин	436
Рухнинг абадий (боқий)лиги	437
Дилнинг ўзига-ўзи айнанлиги	441
Ҳақиқатнинг аҳамияти ҳақида	443
Адолат учун сўнги мукофот	445
Охиратдаги ажрлар ҳақида ривоят	446
Хулоса: адолатга риоя қилишга чақирик	457

Адабий-бадiiй нашр

АФЛОТУН

ДАВЛАТ

Насрий дoston

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадiiй муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖУРАБЕКОВА

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.
Босишга 29.10.2015 й.да рухсат этилди.
Бичими 60x84 1\16.
Босма тобоғи 29. Шартли босма тобоғи 27,06.
Гарнитура «Арно Pro». Офсет қоғоз.
Адади 5000 нусха. Буюртма № 191.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриётида тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-30-52; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НММ ТОМОНИДАН
«ЗАКОВАТ ДУРДОНАЛАРИ» РУКНИДА
ЧОП ЭТИЛГАН КИТОБЛАР:**

**ПЛУТАРХ
«САЙЛАНМА»**

Юмшоқ муқова, 60x84^{1/16} форматда, 216 бет

Ушбу тўпламга юнонистонлик машҳур муаррих ва адиб Плутархнинг уч асари киритилган. Булар – «Искандар Мақидуний», «Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари» ва «Келин-куёвларга насиҳатлар»-дир. «Искандар Мақидуний» асарида подшоҳ ва саркарда Искандарнинг инсоний фазилатлари имкони борича мукамал ёритилган. «Подшоҳ ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари» асарида 91 подшоҳ ва саркарданинг беш юздан ортиқ ҳикматлари келтирилган. Нисбатан кичик ҳажмдаги «Келин ва куёвларга насиҳатлар»да янги турмуш қурган йигит ва қизларга Плутарх ажойиб панд-насиҳатлар беради.

**АРАСТУ
«АХЛОҚИ КАБИР»**

Юмшоқ муқова, 60x84^{1/16} форматда, 352 бет

Қадимиятнинг даҳо мутафаккири, устози аввал, Искандар Зулқарнайнг мурабийлик қилган Арасту (Аристотел) асарлари орасида «Мағния Моралия» – «Ахлоқи кабир» алоҳида ўрин тутади.

Арастунинг бу ва бошқа асарларидаги ҳикматлар Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоий каби Шарқ алломаларининг ҳам меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган. «Ахлоқи кабир» асарида барча замонлар ва барча инсонлар учун сув ва ҳаводай, қуёш нуридай зарур илми ҳикмат дурдоналарини топамиз, бу дурдоналар бизнинг маънавий оламимизни бойитади ва гўзаллаштиради.

Форобий, Беруний, Ибн Сино каби буюк Шарқ алломаларининг ҳам устози бўлган Арасту – Аристотелнинг (эрамиздан аввалги 384–322 йиллар) ижодий мероси ҳозиргача ҳам жаҳон фалсафий-эстетик тафаккури хазиначисининг қимматли бойлиги саналади. Алломанинг «Поэтика» («Нафис санъатлар ҳақида») рисоласидан бизга қадар фақат баъзи қимматли парчаларгина етиб келган бўлиб, ана шу қисмлар ҳам ҳозиргача барча файласуф, санъатшунос, адабиёт назарийтчиларининг асосий дастуриламали бўлиб хизмат қилади.

«Поэтика» ўзбек тилида илк марта 1979 йилда Иззат Султон таҳрири остида босилган эди. «Поэтика»нинг XIX–XXVI бобларини Умнат Тўйчиев, I–XVIII бобларини Маҳкам Маҳмуд таржима қилган.